

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

ТОШКЕНТ–2019

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг
Тахририят-ноширлик ҳайъатида маъқулланган*

Муаллифлар:

Б.Н. Сирлиев, Р.Х. Душанов, И.Х. Калонов

Такризчилар:

Ўзбекистон Миллий университетининг ижтимоий фанлар факультети
психология кафедраси доценти, психология фанлари номзоди

Ў.Б.Шамсиев;

фалсафа фанлари номзоди **Х.Б.Саидходжаев**

**С-60 Ижтимоий психология: Маърузалар курси / Б.Н.Сирлиев,
Р.Х.Душанов, И.Х.Калонов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси, 2019. – 633 б.**

Ушбу маърузалар курси янги давлат таълим стандартлари ҳамда ижтимоий психология фани дастури асосида тайёрланган бўлиб, унда шахс ва жамият муносабатлари қонуниятлари, ички ишлар органлари тизимига хизмат фаолияти психологларини тайёрлашда фаннинг ўрни, ижтимоий психологиянинг фундаментал муаммолари бўлмиш мулоқот, гуруҳлар психологияси, шахснинг ижтимоий психологик сифатлари, унинг жамиятда ижтимоийлашуви жараёнидаги ва татбиқий жабҳалари, ижтимоий психологиянинг предметида оид турли қарашлар, ривожланиш тарихи ҳамда ижтимоий психологик жараёнларни ўрганиш усуллари, ахборот-психологик хавфсизлик масалалари, турли коммуникатив хуружлар шароитида шахснинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш шартлари, ички ишлар органлари фаолиятида ижтимоий психологиянинг илмий тадқиқот усуллари кабилар атрофлича ўрганилган.

Ички ишлар органлари тизимидаги таълим муассасалари тингловчи-курсантлари, профессор-ўқитувчилар, илмий тадқиқотчилар ҳамда амалиёт ходимлари учун мўлжалланган.

ББК 88.5я73

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сон фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги «Ички ишлар органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3216-сон қарори ички ишлар тизимига рақобатбардош кадрлар тайёрлашни тақазо этмоқда. Мамлакатимизда юқори малакали рақобатбардош баркамол мутахассис-кадрларни таёрлаш жараёнида ижтимоий психологияга оид билимларининг роли ва ўрни беқиёсдир.

Юқсак информатсион-технологиялар асри бўлмиш XXI аср инсон омилига эътиборнинг кучайиши билан ҳам тавсифланади. Зеро, ўз рухий кечинмаларини бошқариш, яқинлари билан самимий соғлом муносабатларда бўлиш истаги оддий фуқароларда кун сайин ортиб бормоқда. Бу борада эътибор талаб жиҳатлардан бири – бу муомала, ўзаро таъсир ва ўзлигини ўзгаларга намоён эта олиш қобилиятидир.

Касбий фаолият ходимни мустақил фикрли шахс сифатида ҳар бир сонияда ўйлашга, фикрлашга, мулоҳаза юритиб, ўзи учун ҳулосалар чиқаришга мажбур этмоқда. Яъни, бу чексиз оламда биз ўзимизни ўзгаларсиз, ўз манфаатларимизни ўзгалар манфаатисиз тасаввур қила олмаганимиз учун ҳам ижтимоий психологияни билишга мажбурмиз. Зеро, мустақил давлатимизнинг сиёсати инсон манфаатини ҳимоя қилиш ва муносиб турмуш тарзини яратиш экан, бу ишларни амалга ошириш учун бўлғуси мутахассис, психолог-мураббий ижтимоий борлиқ қонуниятларини билиши ва ундан маромида фойдаланиб, турмуш нормаларига бўйсунган ҳолда жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаб, фуқаролик бурчини адо этишга тайёр бўлиши даркор. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда, «Ижтимоий психология» фани шахс ва жамият муносабатлари қонуниятларини ўрганишга бағишланган бўлиб, ички ишлар

тизимига хизмат фаолияти психологлари тийёрлаш жараёнида роли ва ўрни бекиёсдир.

Ижтимоий психология фани шахс тараққиёти учун муҳим бўлган омил ва жиҳатлар, жумладан, ундаги фикрлаш жараёнлари, инсондаги фикрнинг мустақиллиги, ташқи ижтимоий муҳитга киришиб кетиши, жамият нормалари ва ижтимоий ролларни ўзлаштириши, гуруҳда ўзини тутиши, касбий юксалишига туртки бўлувчи муҳим омиллар, яъни маънавияти, мафкуриси, ахборот хавфсизлиги, турли ижтимоий гуруҳлардаги мақоми, шахслараро муносабатлар ва низолар каби қатор масалаларни ўрганади.

Ушбу маърузалар курси айнан шу мақсадни кўзда тутган бўлиб, Давлат таълим стандартлари ҳамда ижтимоий психология фанининг ўқув дастури асосида тийёрланди. Уни тийёрлашда психолог олимлар – М.Г.Давлетшин, В.М.Каримова, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғозиев, Н.А.Соғинов, Б.М.Умаров, Б.М.Ботиров, Ф.А.Акрамова, М.Т.Исақова ва бошқаларнинг илмий ишларидан кенг фойдаланилди.

Ўз навбатида шуни таъкидлаш жоизки, маърузалар курси ушбу йўналишда давлат тилида яратилган дастлабки ишлардан бири бўлганлиги боис, унда айрим камчиликлар, жузъий хатолар бўлиши табиий. Муаллифлар маърузалар курси юзасидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда уни тўлдириш, такомиллаштириш борасидаги таклифларни бажонидил қабул қилдилар ва келгуси ишларида албатта инобатга оладилар.

ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

**1-мавзу. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ
ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

**1-§. Ижтимоий психологиянинг предмети ва илмий
тадқиқот методлари**

Ижтимоий психология жуда қадимий ва шунинг билан бирга у ўта навқирон фандир. Унинг қадимийлиги инсоният тарихи, маданияти ва маънавиятининг қадимий илдизлари билан белгиланади. Улар аслини олиб қараганда, у ёки бу жамиятда яшаган кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларнинг ва тафаккурнинг ҳосиласи эканлиги билан эътироф этилса, ижтимоий психология ўз услубияти, предмети ва фанлар тизимида тутган ўрнининг янгилиги инсоният тараққиётининг энг янги даврида шаклланганлиги ва ривожига тўртки берганлиги билан тавсифланади. Дарҳақиқат, ижтимоий психологиянинг фан сифатида тан олиниши хусусида сўз борар экан, унинг расман эътироф этилиши 1908 йил дейилади. Чунки айнан шу йили инглиз олими В.Макдугалл ўзининг «Ижтимоий психологияга кириш» китобини, америкалик социолог Э.Росс эса «Ижтимоий психология» деб номланган китобини чоп эттирган эди. Бу асарларда биринчи марта алоҳида фан – ижтимоий психологиянинг мавжудлиги тан олинди ва унинг предметиға таъриф берилди. Иккала муаллиф ҳам – бири психолог, иккинчиси социолог бўлишиға қарамай, бу фаннинг асосий предмети ижтимоий тараққиёт ҳамда психик тараққиёт қонуниятларини уйғунликда ўрганишдир, деган умумий хулосаға келишган. Тўғри, мазкур муаллифларнинг ҳар хил фан соҳасининг вакили эканлиги, уларнинг ижтимоий психологик ҳодисалар табиатини ёритишға нисбатан ўзига хос қарашларининг мавжудлиги ва бундай ёндашув то ҳозиргача давом этаётганлигига асос бўлди. Рус олимаси Г.М.Андреева таъкидлаганидек, ижтимоий психология соҳасида ишлаётган мутахассиснинг аслида ким эканлиги – психологми,

файласуфми ёки социологми, – унинг ушбу фан предметига ёндашувида ўз аксини топади, чунки агар у социолог бўлса, ижтимоий қонуниятларни аввал бошдан жамиятдаги анъаналар ва умумий қоидалар тилида тушунтиришга интилса, психолог – конкрет олинган шахс психологиясининг қонуниятларини умумжамят қонун – қоидаларига татбиқ этишга ҳаракат қилади. Нима бўлганда ҳам, шуни асосли тарзда эътироф этиш зарурки, ижтимоий психологиянинг алоҳида фан бўлиб ажралиб чиқишига сабаб бўлган илмий манбалар икки фан – психология ва социология фанларининг эришган ютуқлари ва ҳар қайсисининг доирасида маълум муаммоларнинг ечилиши учун яна қўшимча алоҳида фаннинг бўлиши лозимлигини тан олиш туфайли юзага келди. Шунинг учун ҳам узоқ йиллар мобайнида ижтимоий психология соҳасида тадқиқотлар олиб бораётган олим ёки изланувчининг кимлигига қараб, изланишларнинг натижаларида у ёки бу ёндашув – психологик ёки социологик ёндашувнинг устуворлиги яққол кўзга ташланади. Демак, бу фаннинг туғилиши, ўз предмети соҳасини аниқлаб олишига сабаб бўлган социология ва психология фанлари аслида унинг «ота-оналаридир».

Умумий ҳолда, ҳозирги кунда унинг предметини қуйидагича таърифлаш мумкин: ***ижтимоий психология – одамларнинг жамиятда ҳамкорликдаги иш фаолиятлари жараёни давомида уларда ҳосил бўладиган тасаввурлар, фикрлар, эътиқодлар, гоялар, ҳис-туйғулар, кечинмалар, турли хулқ-атвор шакллари тушунтириб берувчи фандир.*** Демак, ҳар бир шахснинг жамиятда яшаши, унинг ижтимоий нормаларига риоя қилган ҳолда ўзига ўхшаш шахслар билан ўрнатадиган мураккаб ўзаро муносабатлари ва уларнинг таъсирида ҳосил бўладиган ҳодисаларнинг психологик табиатини ва қонуниятларини тушунтириб бериш – ижтимоий психологиянинг асосий вазифасидир. Бундан келиб чиқадиган умумий таърифларга биноан, ижтимоий психология ижтимоий мулоқотнинг мураккаб шакл ва механизмларини ўрганувчи фандир.

Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг IX сессиясида Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов олий таълимни ислоҳ қилишда ва малакали кадрларни тайёрлашда ижтимоий психологиянинг фан сифатида алоҳида ўрни борлигига жамоатчилик диққатини қаратди. Дарҳақиқат, етук кадр бўлиш

учун шахс нафақат ўз иқтидори, билими ва савиясини ошириши зарур, балки жамиятда турлича ижтимоий муносабатлар тизимига тайёр бўлмоғи, ижтимоий фаолиятни бошқаришнинг, одамлар билан турли жамоаларда ишлаш, ходимлар фаолиятини мувофиқлаштиришга оид илмий қонуниятлар ва қоидаларни мукамал эгалламоғи зарур. Бошқарув, маркетинг ва менежмент, таълим ва тарбия соҳаларида, айниқса инсон омили ва уни бошқаришнинг психологик тизимини билиши – жамиятда соғлом инсоний муносабатларни шакллантириш орқали уни камол топтириш йўлидир. Шунинг учун бугунги кунда юртбошимиз таъкидлаганидек, ижтимоий психология ва умуман ижтимоий фаолият билан шуғулланувчи фанларнинг асосий вазифаси – баркамол авлод тарбиясини таъминловчи барча маънавий, рухий ва инсоний муносабатлар моҳиятини таҳлил қилиш, уларни бошқаришнинг энг самарали усулларини ҳаётга татбиқ этишдир. Бу ўринда, айниқса, ижтимоий тафаккурнинг, янгича дунёқараш ва муносабатларнинг шаклланишини, инсоннинг ўзига ва ўзгаларга таъсир этишнинг механизмларини ўрганиш энг долзарб масалалардандир.

Хўш, бугунги кунда ижтимоий психология фан сифатида ўз баҳс мавзусини ва предметини қайси объектларга қаратмоқда?

Биринчидан, унинг асосий йўналиши кичик гуруҳлар ва жамоалар психологиясини ўрганишдан иборатдир. Ҳар бир шахс ҳамиша маълум ижтимоий гуруҳлар доирасида фаолият кўрсатади. Бу унинг оиласи, меҳнат жамоаси, кўча-кўйдаги норасмий гуруҳдаги дўстлари давраси, ўқув жамоаси, синф, аудитория ва ҳоказо. Шахснинг яққа ва турли гуруҳлар доирасида ўзини тутиши, хулқ-атвори, мавқеи, унга ўзига хос гуруҳий таъсирлар, гуруҳдаги шахслараро мослик, лидерлик, гуруҳий тазйиққа берилувчанлик каби қатор ҳодисалар аслида ўша гуруҳларни бошқариш, соғлом ўзаро муносабатлар шароитини яратиш – бу одамларни самарали ўзаро мулоқотга ўргатишнинг заруриятидир. Бошқарув психологияси, мактаб жамоаси, саноат ва ишлаб чиқариш психологияси ана шундай гуруҳий жараёнларнинг қонун ва қоидаларини тадқиқ этиш туфайли ажралиб чиққан татбиқий соҳалардир.

Иккинчидан, шахснинг ижтимоий психологик қиёфаси масаласи ҳам бугунги кундаги ўзгаришлар ва маънавий жиҳатдан покланиш даврида ўта муҳим соҳадир. Зеро, ҳар бир шахснинг

жамиятда рўй бераётган туб ислохотларга муносабати, уларни идрок қилиш ва англаш даражаси, ўз-ўзига нисбатан муносабатининг табиати, хулқидаги ижтимоий мотивлар ва йўналишлар катта аҳамиятга эгадир. Айниқса, боланинг вояга етиши жараёнида унинг ижтимоийлашуви, яъни ижтимоий муносабатлар муҳитига кириб бориши, ижтимоий таъсирларни онгига сингдириши ва хулқини мустаҳкамланиши, мафкуравий дунёқарашининг шаклланиши жараёнларининг психологик табиатини текшириш шахсни жамиятда шакллантириш дастурини яратиш учун зарур. Лекин ҳар бир шахсда бу жараён ўзига хос тарзда рўй бериши сабабли, ижтимоий психологияда унинг ижтимоий типлари фарқланади ва ҳар бир мураббий ёки тарбиячи уларни билиши амалий аҳамият касб этади.

Учинчидан, жамият миқёсида рўё берадиган оммавий ҳодисалар ҳам ижтимоий психология учун татбиқий аҳамиятга эга. Чунки алоҳида шахс тарбиясида оммавий ҳодисаларнинг, катта гуруҳларнинг таъсирини инкор этиш – масалага бир ёқлама ёндашишга баробардир. Масалан, шахс учун у мансуб бўлган миллат, элат ёки халқнинг руҳияти, унинг онгидаги асрлар давомида сақланиб келаётган анъаналар, расм-русимлар, ақидалар, удумлар, фаолият стереотиплари кабилар ўз муайян таъсир кучига эга. Миллатнинг руҳи илк болаликдаёқ шахс онгига у ўзлаштирган миллий тил орқали сингиши маълум. Шу каби ва бошқа оммавий психологик жараёнларнинг шахс ижтимоий хулқ-атвориға таъсирини ўрганувчи ижтимоий психология ва хусусий тармоғи бўлган этнопсихология ижтимоий психологик қонуниятларни билишда ва уларни бошқаришда катта амалий аҳамиятга эга. Қолаверса, ҳозирги глобаллашув жараёнлари кескин тус олган, оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоқлари орқали шахснинг кенг ахборот оқимиға қўшилиши имконияти кенгайган бир шароитда унинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, чиниқтириш, ахборотларға нисбатан танловчан муносабатни тарбиялаш ўта муҳим ва мураккаб масалаки, уни самарали ечиш ҳам омма ва алоҳида олинган шахс психологиясини билишни, жамият ва шахс ўзаро муносабатларидаги нозик жиҳатларни ўрганишни талаб қилади.

Ижтимоий психология ўрганадиган энг асосий ва юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни ўз ичига олган масалалардан бири –

бу муомаладир. Санкт-Петербурглик олимларнинг фикрича, бугунги кунда ижтимоий психологиянинг предмети ҳам ва унинг доирасида ўтказиладиган барча тадқиқотларнинг умумий объекти ҳам муомаладир. Унинг инсон ҳаётида тутган ўрнини аниқлаш, турли ижтимоий фаолиятлар шароитида самара берадиган муомала турлари ва услубларини ёритиш, унинг соф психологик механизмларини тадқиқ этиш, фаннинг энг муҳим татбиқий йўналишларидандир. Биз ҳам бу фикрга қўшиламыз, чунки ижтимоий фаолиятнинг қайси соҳаси ёки шахслараро муносабатларнинг қайси шаклини олмайлик (иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, мафкуравий, маънавий ва ҳ.к.), унинг негизи ва туб моҳиятини ўша муносабатларнинг эгаси ёки субъекти бўлмиш инсонлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва муносабатлар ташкил этишни инкор этиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир конкрет шароитда шахслараро мулоқот самарадорлигини ошириш омилларини ўрганиш ижтимоий психологиянинг муҳим вазифасидир. Таниқли рус олимаси Галина Андреева ўзгаришларни бошидан кечираётган ҳар қандай жамиятда ижтимоий психология учун долзарб бўлмаган масаланинг ўзи йўқ, деб таърифлаган эди. Айнан шу фикрга қўшилган ҳолда таъкидлаш жоизки, жонажон бюртимиз Ўзбекистонда мустақилликнинг тарихан қисқа бир вақтида шу қадар улкан ўзгаришлар рўй бермоқдаки, ислохотларнинг яратувчиси ҳам унинг неъматларидан баҳраманд бўлгувчи ҳам шу жамият фуқаролари экан, уларнинг ижтимоий хулқ-атвориға тааллуқли фаолиятни ўрганувчи ижтимоий психология учун долзарб бўлмаган фаолият йўналиши ёки муаммонинг ўзи йўқдир.

2-§. Ижтимоий психологиянинг асосий вазифалари ва ўрганиш объектлари

Ижтимоий психология ва умуман ижтимоий фаолият билан шуғулланувчи фанларнинг асосий вазифаси – баркамол авлод тарбиясини таъминловчи барча маънавий, руҳий ва инсоний муносабатлар моҳиятини таҳлил қилиш, уларни бошқаришнинг энг самарали усулларини ҳаётга татбиқ этишдир. Бу ўринда, айниқса ижтимоий тафаккурнинг, янгича дунёқараш ва муносабатларнинг шаклланишини, инсоннинг ўзига ва ўзгаларга таъсир этишининг механизмларини ўрганиш энг долзарб масалалардандир.

Таниқли француз олими Серж Московиси: «Ижтимоий психологиянинг вазифаларини бевосита жамият белгилайди», деб ёзган эди. Демак, фан сифатида ижтимоий психологиянинг олдида турган вазифалари, муаммолари бевосита жамиятдан келиб чиқади.

Хўш, бугунги кунда ижтимоий психология фан сифатида ўз баҳс мавзусини ўз предметини қайси объектларга қаратмоқда ва бундан келиб чиқиб бу фан олдида қандай вазифалар мавжуд?

Кичик гуруҳлар ва жамоалар психологияси.

Биринчидан, унинг асосий ёъналиши *кичик гуруҳлар ва жамоалар психологиясини* ўрганишдан иборатдир. Ҳар бир шахс ҳамиша маълум ижтимоий гуруҳлап доирасида фаолият кўрсатади. Бу унинг оиласи, меҳнат жамоаси, кўча-қуйидаги норасмий гуруҳдаги дўстлари давраси, ўқув жамоаси ва ҳоказолардир. Шахснинг якка ва турли гуруҳлар доирасида ўзини тутиши, хулқ-атвори, мавқеи, унга ўзига хос гуруҳий таъсирлар, гуруҳдаги шахслараро мослик, лидерлик, гуруҳий тазйиққа берилувчанлик каби қатор ҳодисалар аслида ўша гуруҳларни бошқариш, ўзаро муносабатлар шароитини яратиш – бу одамларни самарали ўзаро мулоқотга ўргатишнинг заруриятидир. Гуруҳлардаги кишилар ўртасида ўзаро мулоқот, ўзаро бир-бирига таъсир усуллари, одамларни самарали мулоқотга ўргатиш ҳам гуруҳлар ижтимоий психологиясининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Шахсни ижтимоий-психологик ўрганиш.

Иккинчидан, шахснинг ижтимоий психологик қиёфаси масаласи ҳам бугунги кундаги ўзгаришлар ва манавий жиҳатдан покланиш даврида ўта муҳим соҳадир. Шахсни ижтимоий психологик ўрганиш тадқиқотларининг объекти сифатида қаралганда, аввало унинг хулқ-атвори, ижтимоий мотивлари, унинг ёъналишлари, хулқ-атвор нормалари, шахснинг жамиятда турли ижтимоий роллари, мавқеи, ижтимоий кўшилиш омиллари-ижтимоийлашуви; шахснинг ўз-ўзига баҳоси, муносабати, ҳурмати ҳамда ижтимоий, тарихий ва маданий шарт-шароитларнинг шахс онгига таъсири, шахс типлари ўрганилади.

Оммавий ижтимоий-психологик ҳодисалар.

Учинчидан, жамият миқёсида рўй берадиган оммавий ҳодисалар ижтимоий психология учун татбиқий аҳамиятга эга. Ижтимоий психологияда оммавий ҳодисалар деганда турли кишилар гуруҳида шахслараро муносабатлар ва ўзаро таъсир

жараёнлари; миллий этнопсихология ҳамда синфлар психологияси муаммолари; миллий маданият, урф-одатлар, анъаналар, удумлар, ақидаларнинг шахс шаклланишидаги роли; оломон психологиясига оид психологик қонуниятлар; турли гуруҳларда одамларнинг бир-бирини идрок қилишлари ва тушунишлари, ўзаро таъсир масалалари тушунилади.

Чунки алоҳида шахс тарбиясида оммавий ҳодисаларнинг, катта гуруҳларнинг тасирини инкор этиш – масалага бир ёқлама ёндашиш билан баробардир. Масалан, шахс учун у мансуб бўлган миллат, элат ёки халқнинг руҳияти, унинг онгидаги асрлар давомида сақланиб келаётган ананалар, расм-русумлар, ақидалар, удумлар, фаолият стереотиплари кабилар ўз муайян тасир кучига эга.

Оила – ижтимоий психологиянинг ўрганиш объекти сифатида.

Тўртинчидан, оила – ижтимоий психологиянинг ўрганиш объекти сифатида. Бу эрда оилага хос психологик жараёнлар, оила аъзоларининг бир-бирларига муносабатлари, никоҳдаги ўзаро мослик масалалари, оилавий можароларнинг психологик омиллари, оилада бола тарбиясининг ижтимоий психологик методлари ўрганилади.

Ажратилган вазифалардан яна бири шуки, ҳозирги даврда ижтимоий психология ўзи билан бевосита алоқадор бўлган бошқа психология тармоқлари билан ҳамкорликда кескин ўзгаришлар даврида ҳар бир инсон онгида нима содир бўлади, у бу ўзгаришларни қандай идрок қилмоқда, унинг ҳаётини мавқеини қандай қилиб мақсадга мувофиқ тарзда фаоллаштириш мумкин, деган саволларга илмий асосланган жавоб топиб беришдир.

Бошқарув психологияси, саноат ва ишлаб чиқариш психологияси ҳам шундай гуруҳий жараёнларнинг қонун ва қоидаларини тадқиқ этиш туфайли ажралиб чиққан татбиқий соҳалардир.

Ижтимоий психология ўрганадиган энг асосий ва юқорида таъкидлаб ўтилган муаммоларни ўз ичига олган масалалардан бири – бу муомаладир. Психолог олимларнинг фикрича, бугунги кунда ижтимоий психологиянинг предмети ҳам ва унинг доирасида ўтказиладиган барча тадқиқотларнинг умумий объекти ҳам муомаладир. Унинг инсон ҳаётида тутган ўрнини аниқлаш турли

ижтимоий фаолиятлар шароитида самара берадиган муомала турлари ва услубларини ёритиш, унинг соф психологик механизмларини тадқиқ этиш, фаннинг энг муҳим татбиқий йўналишларидандир. Шунинг учун ҳам ҳар бир конкрет шароитда шахслараро мулоқот самарадорлигини ошириш омилларини ўрганиш ҳозирги ижтимоий психологиядаги муҳим муаммолардандир.

3-§. Ижтимоий психология шахс ва жамият муносабатларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи фан соҳаси сифатида

Ижтимоий психология XXI асрга келиб фанлар тизимида алоҳида ўринга эга бўлган соҳалардан бирига айланди. Чунки сир эмаски, инсоний муносабатлар, ҳар бир фаолият соҳасида шахслараро муносабат ўзига хос долзарблик касб этиб бормоқда.

Ижтимоий психологиянинг фанлар оламида пайдо бўлиши тарихига назар ташлар эканмиз, унинг юқорида таъкидланганидек, социология ва психология фанлари оралиғида «туғилиши» жараёнининг ўзи бир нечта босқичларни ўз ичига олганлигини таъкидлаш жоиз:

1. Ижтимоий психологик билимларнинг фалсафа ва умумий психология доирасида тўпланиши (эрамиздан аввалги VI асрдан токи янги даврнинг XIX асригача бўлган вақт).

2. Ижтимоий ҳаёт сирларини фалсафа, социология ва умумий психология доирасида тушунтириш орқали мустақил фанга айланиш даври (XIX асрнинг 50-60 йилларидан то XX асрнинг 20-йилларигача).

3. Ижтимоий психологиянинг мустақил фан ва амалиёт йўналиши сифатида тўла шаклланиши даври (XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб).

Ижтимоий психологиянинг предмети хусусида ҳам тарихан уч хил ёндашув мавжуд:

Биринчи ёндашувга кўра, ижтимоий психология инсон психикасига оид оммавий ҳодисаларни ўрганади. Ушбу ёндашув доирасида айрим тадқиқотчилар синфлар психологиясини ўрганиш зарур деб тан олишса, бошқалар ҳар қандай ижтимоий уюшма ёки гуруҳга оид қонуниятларни, уларнинг анъаналари, урф-одатларини,

расм-русмларини ўрганиш долзарб эканлигини таъкидлаганлар. Яна бир гуруҳ тадқиқотчилар эса ижтимоий психология кўпчиликлари қарашли бўлган ижтимоий фикрни ёки мода каби оммавийлашиб кетадиган жараёнлар сабабини ўрганишни лозим, деб топадиган. Уларнинг фикрини ривожлантириб, ушбу ёндашувга ҳайрихоҳ бўлган бошқа бир олимлар гуруҳи ижтимоий психологиянинг предмети аслида жамоа психологиясини ўрганиш эканлигини ёқлайдилар. Бу ёндашувнинг умумий хулосаси шуки, ижтимоий психология моҳиятан аслида жамоа психологиясидир.

Иккинчи ёндашув тарафдорларининг фикрида умумийлик шуки, уларнинг таъкидлашларича, ижтимоий психология шахснинг ижтимоий қиёфасини, психологиясини ўрганади. Турли олимлар фикрида ўзига хослик эса айнан шахснинг қайси сифатларига кўпроқ эътиборни қаратишда намоён бўлди. Кимдир шахснинг алоҳида ижтимоий сифатларига урғу берса, бошқалар унинг типологиясини аҳамиятли предмет эканлигини таъкидлади. Бундан ташқари, шахснинг гуруҳдаги ўрни, шахслараро муносабатлар ва умуман муносабатлар тизими ушбу йўналиш тарафдорларининг диққат марказида бўлди.

Учинчи ёндашув – юқорида икки ёндашувнинг ўзига хос тарздаги уйғунлашуви шаклида намоён бўлди. Яъни, унга кўра, ижтимоий психология оммага хос бўлган психологик ҳодисаларни ҳам, шахснинг гуруҳдаги мақомини ҳам бирдан ўрганиши лозим. Рус олими Б.Д.Парыгин турли ёндашувларга эътибор берган ҳолда ижтимоий психология ўрганадиган энг муҳим масалаларни ягона андозада умумлаштирди. Яъни, унинг фикрича, ижтимоий психология куйидагиларни ўрганади:

- 1) шахснинг ижтимоий психологияси;
- 2) жамоалар ижтимоий психологияси ва мулоқоти;
- 3) ижтимоий муносабатлар;
- 4) маънавий-ахлоқий фаолият шакллари.

Яна бир россиялик олим В.Н.Мясищевнинг ёзишича, ижтимоий психология:

- а) одамларнинг гуруҳ шароитидаги ўзаро ҳамкорлиги таъсирида пайдо бўладиган психологик ўзгаришларни;
- б) ижтимоий гуруҳларнинг турли хусусиятларини;
- в) жамиятда рўй берадиган жараёнларнинг психологик томонларини ўрганади.

Юқорида таклиф этилган барча ёндашув ва нуқтаи назарларни бирлаштирган ягона фикр эса шундай иборатки, ижтимоий психология фан тармоғи сифатида психик фаолиятга икки томондан туриб ёндашади, яъни, бир томондан шахс бўлса, иккинчи томондан – жамият миқёсида рўй берадиган оммавий психик жараёнлардир. Охиргилари кўпгина манбаларда ижтимоий психологик ҳодисалар деб номланади.

Ижтимоий психологик ҳодисалар – шундай феноменларки, улар индивидлар ҳамда жамоалар тарзидаги субъектларнинг ўзаро ҳамкорлиги туфайли пайдо бўладиган турли хил муносабатлар, шундай ҳамкорлик таъсирида бошдан кечириладиган ҳис-кечинмалар, ўзаро ахборот алмашинуви ҳамда одамларнинг гуруҳ бўлиб тўпланиши оқибатида рўй берадиган фаолиятларнинг хусусиятларини мужассам этади. Яъни, агар шахсни алоҳида индивид сифатда олинганда амалга оширадиган фаолиятдан фарқли ўлароқ, гуруҳ бўлиб ҳаракат қилгандаги рўй берадиган фаолиятнинг фарқли томонларини ижтимоий психология, содда қилиб айтганда, ўзининг предмети сифатида танлайди.

Шундай қилиб, ижтимоий психология ўрганадиган ижтимоий психологик ҳодисаларга аввало қуйидагилар киради: мулоқот, муомала, ижтимоий фикр ва кайфият, жамоавийлик, стратификация, яъни, жамиятнинг турли қатламларга бўлиниши жараёнлари, стереотиплар, зиддият, турмуш тарзи, ижтимоий тасаввурлар, ижтимоий установакалар ва шахснинг турли ижтимоий вазиятларда намоён бўладиган фазилатлари (нуқсонлари) ва бошқалар.

Ижтимоий психологик ҳодисалар асосан мазмунан ва давомийлигига кўра тафовутланади. Масалан, мазмуний жиҳатдан улар нормал ва нормадан оғиш тарзидаги хулқ маромларига бўлинади.

Ижтимоий психологик ҳодисаларнинг нормал хулқ-атворга алоқадор шакллари одатда жамиятда, унинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида, инсонларнинг турмуш тарзидаги ижобий ўзгаришларда намоён бўлади. Масалан, мустақиллик йилларида давлатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан инсон манфаатларининг олий қадрият сифатида эътироф этилганлиги, эркин демократик ислохотларга очилган йўл ҳар бир шахснинг ижтимоий тасаввурлари тизимида шундай ижобий ўзгаришларга туртки бўлдики, аввало, жамият аъзоларида ўзига ишонч, юртдошлар билан

ҳамжиҳатлик, ўзаро меҳр-оқибат ва муруват ҳисларининг ривож топишига олиб келдики, оқибатда ҳомийлик, ўзаро меҳр-оқибат каби муносабатлар сайқал топди. Бунга мамлакат Биринчи Президентининг 1996 йилдан буён йилларга мақом бериши, унда жамиятдаги барқарорлик, ундаги ўзаро ҳамжиҳатлик ғояларининг устивор қилиб қўйилиши ижобий таъсир кўрсатди. Оқибатда юртимизда ҳар бир шахс ва ижтимоий гуруҳларнинг турмуш тарзида ижтимоий нормаларга бўйсуниб, уларни ҳурмат қилиш психологияси шаклланди, миллий ғурур ва ўзини барча ижтимоий жараёнларга алоқадор этиб ҳис қилиш пайдо бўлди.

Нормал хулқдан оғиш билан боғлиқ бўлган хулқ-атвор эса айрим гуруҳлар фаолиятига хос бўлиб, унинг оқибатида одатда айрим шахснинг гуруҳларга (масалан, жиноятчининг жамият нормаларини бузиши) ёки гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётга салбий таъсири (масалан, жиноий гуруҳ ёки экстремистик гуруҳларнинг ижтимоий нормал ҳаётга таъжовузи шаклида) намоён бўлади. Бу каби салбий ҳолатлар жамиятнинг туб асосларини ўзгартириб юбормайди, лекин айрим вазиятларда одамларнинг нормал кун кечириш, тинч осуда меҳнат қилишларига ҳалақит беради. Минг афсуски, энг олийжаноб шиорлар остида яшаётган демократик жамиятда ҳам айрим алоҳида шахс ва гуруҳлар тажрибасида ана шундай салбий оқибатли хулқ кўринишлари мавжуд бўлади. Бу ўз навбатида экстремал ижтимоий психологиянинг келиб чиқишига асос бўлган.

Ижтимоий психологик ҳодисаларнинг *келиб чиқиши* нуқтаи назаридан қаралса, улар шахслараро, гуруҳий, гуруҳлараро, оммавий шаклларда намоён бўлади.

Ушбу ҳодисалар барқарорлиги ва давомийлиги нуқтаи назаридан таҳлил этилса, уларни динамик (масалан, мулоқотнинг турли шаклларида), ўзгарувчан динамик (масалан, ижтимоий тасаввур, фикр ва кайфиятнинг ўзгарувчанлиги) ва барқарор (масалан, урф-одатлар, қадриятлар, анъаналар каби) бўлиши мумкин.

Ижтимоий психология фан сифатида айнан ана шу ҳодисаларнинг пайдо бўлиши, кечиши ва ҳаётда намоён бўлиш механизмларини ўрганади. Зеро, бу ҳодисалар турли босқич ва даражаларда (макро-, мезо- ва микро- босқич ва даражаларда), турли соҳаларда (давлат, иқтисодиёт, жамият ва унинг бурли бўғинлари, оила, маҳалла, алоҳида шахс ҳаёти доирасида), турли

шарт-шароитларда (нормал, табиий, мураккаб ва экстремал) намоён бўлади.

Ижтимоий психологик ҳодисалар намоён бўлишининг асосий механизми сифатида *мулоқот* жараёнини қабул қилиш кўпчилик олимларнинг нуқта назарига хосдир. Мулоқот туфайли ва унинг таъсирида шахс шаклланади, кичик гуруҳлар пайдо бўлади, катта ижтимоий гуруҳларнинг мавжуд бўлиши учун шароит яратилади. Айнан мулоқот ва одамларнинг бир-бирларига муносабатлари асосида намоён бўладиган универсал механизмларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) *тақлид қилиш* – бирор хулқ намунаси ёки турмуш тарзига эргашиш;

2) *ишонтириш* – бирор хулқ намунаси ёки фикрга ўзгаларни деярли онгсиз ва танқидсиз эргашишига эришиш;

3) *таъсирланиш* – бир шахс ҳиссий-эмоционал ҳолатининг ўзга бир шахсга узатилиши жараёни;

4) *эътиқод* – шахснинг онгига, имонига таъсир кўрсатиш;

5) *идентификация* – бир инсоннинг бошқасига ўхшатилиши, деярли қўшилиши жараёни.

Айнан шу механизмлар ижтимоий хулқ ва ўргатишнинг асосини ташкил этади.

Умуман олганда, ижтимоий психология фан тармоғи сифатида ҳам назарий ҳам амалий аҳамият касб этадики, ўзгарувчан ҳозирги ХХІ асрда унинг аҳамияти ва ўрни беқиёсдир. Айниқса, мафкуравий ва ғоявий курашлар авж олган ҳозирги даврда инсон ижтимоий хулқини бошқариш долзарблик касб этганлигини инобатга олсак, унинг жамият барқарорлигидаги унинг сиёсий, ижтимоий ва мафкуравий роли янада юксалади. Шу боис ҳам ҳозирда унинг татбиқий, амалий кўринишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки татбиқий ижтимоий психология ижтимоий психологик ҳодисаларни психодиагностика, амалий маслаҳатлар бериш ва янги психотехнологияларни ижтимоий ҳаёт мезонлари ва талаблари доирасида ўрганадиган ҳамда ижтимоий психологик тренинглари, жамоавий психотерапия, ролли ва иш ўйинлари каби янги усулларда ижтимоий хулқни ўзгартиришга қодир бўлган илмий-амалий йўналишдир. Бу йўналиш ва амалиёт охириги йилларда Ўзбекистонда ҳам тобора ривожланиб ҳаётга кириб бормоқда.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Ижтимоий психологиянинг предмети ва илмий тадқиқот методлари деганда нимани тушунасиз?

2. Ижтимоий психологиянинг қадимийлиги инсоният тарихи, маданияти ва маънавиятининг қадимий илдизлари билан белгиланишига тавсиф беринг.

2. Ижтимоий психология ўрганадиган энг асосий масалаларни изоҳланг.

3. Ижтимоий психологиянинг асосий вазифалари ва ўрганиш объектлари нималардан иборат?

4. Кичик гуруҳлар ва жамоалар психологиясини ўрганишнинг ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида тутган ўрнини айтинг.

5. Шахсни ижтимоий-психологик ўрганиш деганда нимани тушунасиз?

6. Оммавий ижтимоий-психологик ҳодисалар ва уларни ўрганишнинг ходимлар фаолиятида тутган ўрнига тавсиф беринг.

7. Ижтимоий психология шахс ва жамият муносабатларини такомиллаштиришга хизмат қилувчи фан соҳаси эканлигини изоҳлаб беринг.

8. Ходим фаолиятида ижтимоий муносабатлар қандай аҳамиятга эга?

9. Ижтимоий психологик ҳодисалар ва уларнинг ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида тутган ўрни нималардан иборат?

2-мавзу. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

1-§. Эрамиздан аввалги файласуфлар – Платон, Аристотель ва уларнинг издошлари талқинида ижтимоий психологик муаммоларнинг ҳал қилиниши

Ижтимоий психологиянинг фан сифатида ривожланиш тарихига назар ташлар эканмиз, унинг жамиятнинг тарихий ривожланиши билан боғлиқ ҳолда ривожланганлигининг, илмий жиҳатдан эса, фалсафий қарашлар таъсирида бўлиб, соф ижтимоий

психологик назарияларнинг жуда оз сонли бўлганлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Инсоният тарихини ўрганар эканмиз мутафаккирлар, олимлар, алломалар ижтимоий психологик ҳодисалар билан жуда қизиққанликларини кузатамиз. Лекин улар бу ҳодисаларни ўз даври руҳида, ўз назарий ва ижтимоий қарашлари, ҳаттоки, турли оқимлар доирасида тушунтиришга уринганлар. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологиянинг фан сифатидаги тараққиётини ўрганиш учун ижтимоий психологик муаммолар ёритилган асар ёки кашфиётчининг яшаган даври, унинг сиёсий қарашлари, жамиятнинг тараққиёт хусусиятларини ҳам ўрганиш лозим. Илмий манбалар ижтимоий психологиянинг давлат ва ҳуқуқ назарияси, сиёсий иқтисод, этика, фалсафа фанларининг ривожланиши билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Айниқса, фан тараққиётига фалсафа фани ўзининг сезиларли улушини қўшган. Шунинг учун ҳам америкалик олим Г.Олпорт ижтимоий психологик ғояларнинг яратилиши ва ривожланиши фалсафа билан, унинг кўзга кўринган арбобларидан ҳисобланган Платон номи билан боғлиқ деб ёзган эди.

Платон ўзининг «Давлат» ва «Қонунлар» деб аталган диалогларида шахснинг жамият билан алоқалари масаласига тўхталиб, жамият индивидга нисбатан ўзгармас бир бирликки, унинг тараққиёти жамият ривожланиши қонунларига бўйсунди, деган фикрни ҳимоя қилган. Унга қарама-қарши фикрни Аристотель баён этиб, индивидни барча ижтимоий ўзгаришларнинг сабабчиси, чунки унда бунга имкон берувчи психологик тизимлар бор, деб ёзади. Яъни, шахс ва жамият ўртасидаги муносабат масаласи Платонда жамият фойдасига ҳал бўлган бўлса, Аристотелда бу нарса шахс фойдасига ечилган. Улардан кейинги – янги давр файласуфлари – Гоббс, Гельвеций, Локк, Руссо, Гегель, Макиавелли, шарқ файласуфларидан Беруний, Форобийлар ҳам барча асарларида шахс ва жамият қарама-қаршиликларини илмий асосда шарҳлашга уриндилар, лекин ҳеч қайсиси бу муаммони ижтимоий психологик муаммо даражасига кўтара олмади.

XIX асрнинг ўрталарига келиб, капиталистик муносабатларнинг кескинлашуви, турли давлатлар билан иқтисодий алоқаларнинг тобора ўсиб бориши, турли халқларнинг бир мамлакатдан иккинчисига кўчиши – миграция муносабати билан

қатор ижтимоий фанлар ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар пайдо бўлди.

Шу ўринда ижтимоий психологиянинг илмий манбаларидан бири бўлган социология фанининг хизматини кўрсатмай бўлмайди. Социологиянинг асосчилари ҳисобланган Огюст Конт, Герберт Спенсер ва бошқалар, масалан, жамиятдаги ижтимоий ҳодисаларни ўрганиш учун албатта, ўзига хос, айрим психологик ҳолатларни ўрганмоқ лозим, деган фикрни қатъий туриб исбот қилдилар. Улар ҳар бир ижтимоий воқеада руҳий ҳодисалар борлигини исбот қилишга уриндилар. Масалан, француз социологи Г.Тард ҳар бир индивидда «ижтимоий факт» борлигини, бу нарса унинг мия доирасидагина эмас, балки бир қанча миялар алоқаси туфайли мавжуддир, деб ҳисоблайди. Ижтимоий хулқ-атвор модели, унинг фикрича, доимо индивидлараро муносабатни ўз ичига олиб, бунда бир индивид бошқа индивидга доимо тақлид қилади, шунинг учун ҳам шахсни ўрганиш бошқа шахсларни инкор қилмаслигини талаб қилади. Шундай қилиб, социологияда психологик йўналиш пайдо бўлди. Тарддан кейин Л.Уорд, Ф.Гиддингс ва бошқалар ижтимоийлик қонунларини жамоа руҳий ҳолати билан узвий равишда ўргана бошладилар. Уларнинг фикрича, ижтимоий факт – бу ижтимоий ақл, тафаккур бўлиб, у «жамият психологияси» ёки социологиянинг баҳс мавзусидир.

Шундай қилиб, юқорида қайд қилинган илмий-фалсафий, ижтимоий манбалар, шарт-шароитлар туфайли ижтимоий-психологик ғоялар шаклланиб борди. Бу қарашлар соф психологияга ҳам ўхшамаган, социология доирасидан чиқиб кетадиган алоҳида фаннинг – ижтимоий психологиянинг пайдо бўлиши учун замин ролини ўтади.

XX аср шу билан характерли эдики, у турли фанлар олдида конкрет топшириқлар қўя бошлади. Шунинг учун психология фани олдида тадқиқотлар асосида психологик қонуниятларни асослаш вазифаси турар эди. Иккинчидан эса, Америкада кўпгина психологлар ўз тадқиқот объектларини лабораторияларда айрим психик жараёнларни ўрганишдан кичик гуруҳларга кўчира бошладилар. Бу даврда психологияда шаклланиб бўлган уч асосий оқим (психоанализ, бихевиоризм ва гештальт психология) ичида ҳам ижтимоий хулқ-атворни кичик гуруҳлар доирасида ўрганиш тенденцияси пайдо бўлди. Бунда асосий диққат кичик гуруҳларга ва

уларда турлича экспериментлар ўтказишга қаратилган эди. Бундай ҳолатнинг пайдо бўлганлиги ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланишида ниҳоятда катта роль ўйнади.

Геишталъд психология йўналиши негизида махсус ижтимоий психологик йўналишларнинг – интеракционизм ва когнитивизмнинг пайдо бўлганлиги эса бу фаннинг экспериментал эканлигини яна бир бор исбот қилди.

Бихевиоризм йўналишлари доирасида ўтказилган ижтимоий психологик тадқиқотлар аввало америкалик олимлар К.Халл ва В.Скиннерлар номи билан боғлиқ. Улар ва уларнинг издошлари ҳисобланган К.Миллер, Д.Доллард, Дж.Тибо, Г.Келли ва бошқалар диада – икки киши ўртасидаги муносабатларнинг хилма-хил экспериментал кўринишларини тадқиқ қилиб, уларда математик ўйин назарияси элементларини кузатдилар. Диада шароитида тажрибада ўтказилган тадқиқотларда асосан мустаҳкамлаш ғоясини исбот қилишга уринилди. Классик бихевиоризмдан фарқли ўлароқ ижтимоий психологик бихевиористлар ҳайвонлар ўрнига лабораторияга нақд пулга одамларни таклиф эта бошладилар, шунинг учун ҳам уларнинг ғоясида биологизм ва механизм тарзда илгариги ҳайвонларда тўпланган далиллар моделини инсонларда қўллаш ҳоллари кузатилди.

Психоанализ доирасида эса ижтимоий психологик тадқиқотлар Э. Фромм ва Дж. Салливен ишлари билан боғлиқ бихевиористлардан фарқли ўлароқ бу ерда экспериментлар икки киши эмас, балки кўпчилик иштирокида ўтказила бошлади. Уларнинг издошлари (В.Байон, В.Беннис, Г.Шепарде, В.Шутк) ўтказган тадқиқотлар туфайли ҳозирги кунда ҳам катта қизиқиш билан ўрганилаётган кичик Т-гуруҳлар психологияси яратилди. Унда гуруҳ шароитида бир одамнинг бошқаларга таъсири, гуруҳнинг айрим индивидлар фикрларига таъсири каби масалалар ишлаб чиқилди ва ижтимоий психологик тренинглари ўтказишга асос солинди.

Когнитивизм К.Левин назарияси асосида пайдо бўлган психологик йўналиш бўлиб, ундаги ўрганиш объекти муносабатлар тизимидаги кишилар, уларнинг билиш жараёнлари, онг тизимига тааллуқли бўлган когнетив ҳолатлар бўлди. Когнитизм доирасида шундай мукамал, бошқаларга ўхшамас назариялар яратилдики, улар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Масалан,

Ф.Хайдернинг баланслаштирилган тизимлар назарияси, Т.Ньюкомнинг коммуникатив актлар назарияси, Фестингернинг когнитив диссонанслар назарияси ва бошқалар шулар жумласига киради. Улардаги асосий ғоя шундан иборатки, шахс ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқотга киришар экан, доимо муносабатларда рухий мутаносиблик тенглик бўлишига, шу туфайли зиддиятлардан чиқишга ҳаракат қилади. Мақсад – турли ижтимоий шароитларда шахс хулқ-атворининг психологик сабабларини тушунтириш ва зиддиятларнинг олдини олиш учун йўл-йўриқлар ишлаб чиқишдан иборат. Ҳозирги даврда ҳам таниқли ижтимоий психологлар Олпорт, Маслоу, К.Роджерс ва уларнинг сафдошлари гуманистик психология доирасида бу ишларни фаол давом эттирмоқдалар.

Навбатдаги назария *интеракционизм* бўлиб, бу аслида социологик назария бўлиб ҳисобланади. Унинг асосчиси Гербарт Мид бўлиб, унинг қарашлари таъсирида Т.Сарбиннинг роллар назарияси, Г.Хаймен ва Р.Мертонларнинг референт гуруҳлар назарияси, Ф.Гофманнинг ижтимоий драматургия назариялари шаклланди. Улар турли ижтимоий шароитлардаги хулқ-атворларни тушунтириш орқали шахс ижтимоий психологик сифатларининг сабабларини топишга ҳаракат қилдилар. Ҳар бир шахс доимо ижтимоий ўзаро таъсир тизимида мавжуд бўладикки, унда у тўғри ҳаракат қилиш учун ўзгаларни тушунишга ҳаракат қилиши, ўзгалар ролини қабул қилишга тайёр бўлиши лозим. Лекин ўзгалар ролини тўғри қабул қилиш учун унда «умумлаштирилган ўзга» образи бўлиши лозимки, бу образ шахслараро мулоқот жараёнида, ҳар бир шахс учун ибратли бўлган кишилар гуруҳи билан мулоқотда бўлиш жараёнида шаклланади. Яъни шахс фаоллиги тан олинади, бу эса фан тарихида ўта прогрессив ҳол эди.

2-§. Янги давр ва ижтимоий психологик жараёнларнинг ижтимоий психология предмети шаклланишига таъсири

Ижтимоий психологиясининг асосчиси деб ҳақли равишда В.М.Бехтеревни кўрсатиш мумкин. У ўзининг рефлексология назарияси доирасидан шахс хулқ-атворининг мотивларини тушунтиришга уринганлардан биридир. унинг фикрича, барча онгли ва онгсиз жараёнлар ташқи хулқ-атворда, ҳаракатларда ифодаланади, шунинг учун ҳам ташқи ҳаракатларни, қилиқларни,

нутқни, товушни ўрганиш орқали шахснинг ўзини ва бу ҳаракатларнинг сабабларини ўрганиш мумкин. Бехтерев асосан социологияни биология билан, психологияни эса физиология билан аралаштириб юборди, шунинг учун шахс ва жамият тараққиётининг универсал қонунларини аниқлашда чалкашликка йўлиқди.

20-30-йилларда болалар ва ўсмирлар ижтимоий психологик тараққиётини ўрганишга қаратилган икки йўналиш пайдо бўлдики, улар ҳам қатор камчиликлардан ҳоли бўла олмадилар. Масалан, биологик ёки биогенетик назария тарафдорлари шахснинг шаклланишида ирсий ва биологик наслий омиллар етакчи роль ўйнайди, деб ҳисоблашса, социологик ёки социогенетик назариётчилар бу борада ижтимоий муҳит ролини ниҳоятда ортиқ эканлигини ҳимоя қилиб чиқдилар.

30-йиллардаги олимлар шахснинг шаклланишида ижтимоий муҳитнинг, жамоанинг ролини, таълим-тарбиянинг аҳамиятини исботлашга уриндилар. Лекин 40-60-йиллар ижтимоий-психология тараққиётда нисбатан сокинлик даври бўлди. Чунки психология соҳасида олиб борилган тадқиқотлар ичида ижтимоий психологик тадқиқотлар йўқ ҳисоб эди. Бу фан Русияда ва бошқа собиқ иттифоқдош жумҳуриятларда 70-йиллардан кейин кескин ривожлана бошлади. Бунда москвалик ва ленинградлик (ҳозирги Санкт-Петербург) олимлар мактаби катта роль ўйнади. Агар Москва шаҳрида асосан ижтимоий психология бўйича фундаментал назарий тадқиқотлар кўплаб ўтказилиб, унда ҳозирги замон ижтимоий психологик тадқиқотларнинг эмпирик қонунлари асослари ишлаб чиқилган бўлса, Санкт-Петербургда кўпроқ татбиқий илмий тадқиқот ишлари олиб борилдики, улар биргаликда минглаб ёш ижтимоий психологлар авлодини тарбиялаб етиштирдилар. Улар эса ҳаётимизга илғор фикрлар ва далил тадқиқотлар билан кириб келиб, ҳозирги кун фанини дунё миқёсида мисли кўрилмаган даражага кўтардилар.

Ўзбекистонда ижтимоий психологик тадқиқотларнинг ўрни ва истиқболлари. Ижтимоий психологиянинг фан сифатида юртимизда ривожланиш тарихига эътибор берадиган бўлсак шуни таъкидлаш лозимки, у охириги ўн йилликлар мобайнида шаклланмоқда, холос. Айниқса бу борада психолог олимлар М.Г.Давлетшин, В.М.Каримова, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғозиев, Н.А.Соғинов, Б.М.Умаров кабиларнинг бир қатор илмий-тадқиқот

ишлари ва илмий мақолаларини келтириш мумкин. Лекин тарихан, умуман психологиянинг Ўзбекистон ҳудудида шаклланишини таҳлил қилинса, унинг диний-фалсафий олимлар ва қарашлар тизимида ўзига хос тарзда шаклланиб келганлигини кузатамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда ўтказилаётган ижтимоий психологик тадқиқотлар асосан оила ва оилавий муносабатларга бағишланган. Бу борада бир қатор психологлардан В.Каримова, Ғ.Шоумаров бошчилигидаги илмий ишларни келтириш мумкин. Масалан, Г.Б.Шоумаров бошчилигидаги олимлар томонидан оиланинг ижтимоий-психологик вазифалари, оиладаги шахслараро муносабатлар, оила негизида юзага келадиган ҳиссий муносабатлар, оила қуриш мотивлари, оиланинг болалар тарбиясига бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий-психологик омиллари каби бир қатор жиҳатлари ўрганилди.

В.Каримова ва унинг бошчилигидаги илмий ишларида ёшлардаги оила хусусидаги тасаввурлар, уларнинг оила мотивлари, оила қуриш омилларига муносабатлари, оила турига кўра нотўлиқ оила муҳитидаги шахс индивидуал-психологик хусусиятлари, ўз-ўзини баҳолаши, оила муҳитида шахсда намоён бўладиган феминин ва маскулин сифатлар нуқтаи назаридан ёндашишлари таҳлил этиб берилгандир.

Оилавий муносабатлар психологияси хусусида ўтказилган муҳим тадқиқотлардан бири Н.Соғиновнинг ўзбек оиласига хос бўлган никоҳ ва оила муносабатлари – никоҳдан қониқиш, никоҳ мотивлари, оила кўришнинг ўзбекларга хос бўлган ёш хусусиятлари, ёш ўзбек оилаларидаги психологик можаролар ва ажралишларнинг сабабларини систематик тарзда ўрганган илмий ишидир.

Лекин Ўзбекистонда ижтимоий психологлар олдида жуда муҳим тадқиқот мавзулари мавжудки, уларда ҳозирги мустақиллик шароитида шахс ва турли ижтимоий гуруҳлар психологиясида рўй бераётган ўзгаришлар, турли ёш, демографик этник профессионал гуруҳларга мансуб бўлган кишиларнинг ижтимоий тасаввурлари, улар асосида ижтимоий хулқ-атвори илмий бошқариш асослари ишлаб чиқилмоғи лозим. Яъни, ишлаб чиқариш ижтимоий психологияси, бошқариш психологияси, гуруҳлар психологияси ҳамда оммавий психик жараёнларнинг таъсири масалалари ўзбек

психологларидан ўз ечимини кутмоқдаки, уларда илғор фан ютуқларидан фойдаланилган ҳолда ҳудуднинг миллий ўзига хос қирралари ишлаб чиқилиши керак.

Ижтимоий психологиянинг методологик муаммолари ва тадқиқот усуллари. Ижтимоий психология тўғрисида гапириладиган бўлса, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аввало жамиятнинг бу фан олдига қўяётган талаблари ўзига хос бўлиб, бу талаблар жавоб бериш учун унинг текшириш услублари у даражада мукамал эмаслигидадир. Чунки шу давргача ижтимоий психологияда кузатилган ҳодиса шу бўлдики, бу фандаги назарий ишлар татбиқий ишлардан анча кўпдир. Шунинг учун ҳам, Г.М.Андреева ижтимоий психологиянинг методологияси муаммоларига тўхталар экан, унинг бу борадаги интилишлари, вазифалари кўплигини таъкидлайди. Методологик муаммоларга қизиқиш, – деб ёзади у, – ижтимоий психологиянинг кучсизлиги эмас, балки унинг етилиш даврига кирганлигининг белгисидир.

«Методология» тушунчасининг илмий моҳияти нимада? Бу тушунчани турли назарий қарашлардаги олимлар турлича шарҳлайдилар ва тушунадилар. Масалан, америкалик психологлар методология деганда, тадқиқот жараёнида ишлатиладиган барча тадқиқот услублари ва техник жараёнларни тушунадилар. Лекин «методология» тушунчаси аслида услублар йиғиндисидан ҳам кенгроқ тушунчадир. Яъни, «методология» тушунчаси «конкрет методлар» ёки техник усуллар тушунчаларидан кенгроқдир.

Ижтимоий психологик тадқиқотларнинг методологик муаммоларига қуйидагилар киради:

Биринчидан, эмпирик маълумотлар муаммоси, яъни қай турдаги маълумотларни ижтимоий психологик маълумотлар сифатида қабул қилиш мумкин. Чунки бихевиористлар бундай маълумотлар сифатида кўз билан кўриб қайд қилинадиган хулқ-атвор шакллари қабул қилинса, когнитив психология вакиллари фақат онга тааллуқли бўлган белгиларни тушунадилар. Демак, ҳар қандай тадқиқотчи иш бошламай туриб, аввало нимани эмпирик бирлик қилиб олишини аниқ тасаввур қилиши ва унинг назарий жиҳатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши керак Бундан ташқари, тадқиқот бирлиги аниқланган тақдирда, қандай ҳажмдаги бирликлар тадқиқотчини қаноатлантириши масаласи ҳам муҳимдир. Шунинг учун экспериментал ва корреляцион тадқиқотлар бор.

Иккинчи методологик муаммо – бу у ёки бу ижтимоий психологик назария асосида қонуниятлар яратиш ва илмий тахминлар қилиш муаммоси. Илмий тадқиқот бошлашдан олдин тадқиқотчи маълум тахминлар юритади, лекин шу тахминларнинг аниқ чиқиши ўша муаммо бўйича пишиқ-пухта назариянинг бор-йўқлигига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ижтимоий психологияда гипотезалар тузиш ва улар асосида керакли умумий хулоса чиқариш ишини билиш керакдир.

Учинчи муаммо – бу ижтимоий психологик маълумотларнинг сифати масаласи, яъни қандай маълумотни сифатли, ишонарли деб аташ мумкинлиги масаласидир. Ўрганиш объектининг ҳажми ёки сони хусусида шуни айтиш мумкинки, кўпинча текширилувчи қанчалик кўп бўлса, маълумот шунчалик ишончли бўлади, деган нотўғри фикр мавжуд. Агар гипотезалар тўғри илгари сурилган бўлса, у кичикроқ гуруҳда ўтказган экспериментларининг маълумотига ҳам ишониши мумкин.

Лекин тадқиқот услубини – методларини тўғри танлашда пилотаж – синов тадқиқоти ўтказишнинг аҳамияти каттадир. Бунда ўша гипотезаларнинг қанчалик асослилигини ҳам, методиканинг айнан мақсадга мувофиқлигини ҳам, текширилувчилар объектининг тўғри танланганлигини ҳам, маълумотларнинг турғунлиги, ишончилигини ҳам текшириб олиш мумкин. Бундан ташқари, шу босқичда тадқиқотчи эксперимент ёки анкета ўтказиш учун қулай вазият ва вақтни белгилаш, ўз ёрдамчиларининг ишга қанчалик яроқликларини ҳам синаб олиш имкониятига эга бўлади.

Методологик ишларга қарашли тадбирларнинг сифати ва савияси тадқиқотчининг қанчалик илмий саводхон эканлигини белгиловчи кўрсаткичлар ҳисобланади ва у ўтказган илмий тадқиқот ишининг баҳосини белгилайди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, бу мавзу якунида курсантлар ижтимоий психология фани ривожланишида ва фан сифатида шаклланишида бутун жаҳон, Россия, собиқ иттифок, Ўзбекистон миқёсида ўтказилган ва ўтказилаётган илмий йўналиш ва тадқиқотларнинг моҳияти билан, ижтимоий психологик тадқиқотларнинг методологик муаммолари билан бевосита танишиш имкониятига эга бўла оладилар.

3-§. Ижтимоий психологик фикрлар такомиллашувининг уч назарий манбаси – халқлар психологияси, омма психологияси, ижтимоий хулқнинг инстинктлари назарияси

19-асрнинг охири ва 20-аср бошларида фанда уч назария пайдо бўлдики, улар ҳақли равишда ижтимоий психологиянинг мустақил илмий йўналиш сифатида шаклланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини кўшдилар. Бу уч назарияни бирлаштириб турган нарса шу бўлдики, уларнинг ҳар бири мустақил тарзда шахс билан жамият муносабатини илмий асосда тушунтиришни изланишларнинг асосий мавзуси деб ҳисобладилар. Бу уч манба – халқлар психологияси, омма психологияси ва ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияларидир.

Халқлар психологияси назарияси

Халқлар психологияси назарияси ижтимоий психологик назария сифатида 19-асрнинг ўрталарида Германияда шаклланди. Ундаги асосий ғоя шу эдики, айрим индивидлардан юқори турадиган руҳ мавжуд бўлиб, бу руҳ ўзидан ҳам юқори турадиган илоҳий яхлитликка бўйсунди. Бу илоҳий яхлитлик эса халқ ёки миллатдир. Айрим индивидлар ана шу яхлитликнинг бўлаклари бўлиб, улар бу руҳга бўйсундилар. Яъни, шахс билан жамият ўртасидаги қарама-қаршилик муаммоси жамият фойдасига ҳал қилинади. Бу назариянинг тарихий-мафкуравий асоси бўлиб Гегель фалсафаси ва немис романтизми хизмат қилган. «Халқлар психологияси» ибораси биринчи марта файласуф М.Лацарус ҳамда тилшунос Г.Штейнталларнинг «Халқлар психологияси тўғрисида кириш сўзи» китобида ифодалаб берилган: «Тарихни юргизувчи асосий куч бу халқ ёки шу яхлитликнинг руҳи бўлиб, бу руҳ санъатда, динда, тилда, афсоналарда, анъаналарда ўз аксини топади. Индивиднинг онги шу яхлитликнинг маҳсули бўлиб, уларнинг йиғиндиси ўз навбатида халқ онгини ташкил этади. Халқлар психологиясининг вазифаси халқ руҳи моҳиятини ўрганиш, халқ руҳияти қонунларини очиш, халқ психологиясига оид бўлган ўзига хос хусусиятларнинг пайдо бўлиши ва йўналишини тушунтириб беришдир».

Ушбу китобда муаллифлар шахс билан жамият муносабати хусусида куйидаги мулоҳазаларини баён этадилар: «Одам ўз моҳияти жиҳатидан ижтимоий мавжудот бўлиб, у жамият ҳаёти

билан узвий боғлиқ, чунки у ўзига ўхшашларга қараб ривожланади, бошқаларга тақлид қилиб ҳаракат қилади ва улар таъқибидан қочади...». Халқлар психологиясининг асосчилари фақат назарий мулоҳазалар юритиш билан чекланадилар, чунки уларда ўз фикрларини исбот қилиш учун тадқиқот ишлари йўқ эди.

Психологиянинг асосчиларидан ҳисобланган Вильгелм Вундт эса худди ана шу тадқиқотга асосланган маълумотлар тўплашга ўз диққатини қаратди. У ўзининг «Инсон ва ҳайвон руҳи ҳақида лекциялар»и (1863 й) ва 1900 йилда босмадан чиққан ўн томли «Халқлар психологияси» асарларида асосан ўзи тўплаган эмпирик маълумотлар асосида халқлар психологиясига бағишланган фикрлари тизимини баён этди. Унинг фан олдидаги хизмати шундан иборат эдики, эмпирик маълумотлар тўплаш усуллари, тўпланган манбаларни шарҳлаш борасида бебаҳо билимлар тўплади. Унинг фикрича, психология фани икки қисмдан иборат: физиологик психология ва халқлар психологияси. Физиологик психология инсон руҳиятини ўрганувчи экспериментал фан бўлиб, олий психик жараёнлар – тафаккур ва нутқдан ташқари барча нарсани тажриба усулида тадқиқ этиш мумкин. Тажриба усулида ўрганиб бўлмайдиган барча олий руҳ ҳолатларини халқлар психологияси ўрганади, чунки ундаги ўрганиш усуллари ўзига хосдир – у маданий маҳсуллар ҳисобланган тил, афсоналар, одатлар, санъат асарлари, инсон тафаккурининг мураккаб томонларини очиб беради.

Шунга қарамай В.Вундтнинг қарашлари идеалистик асосда бўлган, яъни у индивид билан жамият ўртасидаги мураккаб диалектик муносабатни идеалистик асосда туриб ҳал қилган ва жамиятнинг родини абсолют тушуниб, шахснинг тарихини яратишдаги, ижтимоий жараёнлардаги фаол ўрнини кўра билмаган. Унинг издошлари – Русиялик А. Поттебни, немис олими Т. Гейгер ва бошқалар ҳам у йўл қўйган мафкуравий камчиликни олдини ола олмадилар, лекин улар бир фикрда яқдил эдиларки, халқлар психологияси индивидуал психологиядан фарқ қилади, шунинг учун ҳам махсус фан керакки, у ўзига хос усуллар ёрдамида шахс ва жамият муносабатлари қонунларни очиб бериши лозим. Худди ана шу хулосалар ижтимоий психологиянинг фан сифатида шаклланишига илмий асос бўлди.

Омма психологияси назарияси

Омма психологияси назарияси пайдо бўлишига тарихий асос ишчилар синфининг пайдо бўлиши ва Европада ишчилар ҳаракатининг оммавий тус олиши бўлди. Яъни, XIX асрнинг иккинчи ярмида ишчилар ҳаракати шундай кенг тус олдики, тартибсиз ҳаракатлар уюшган ҳаракат даражасига кўтарилди. Шунинг учун ҳам шу ҳаракатларнинг қонунларини билиш, уларни бошқариш усулларини ўйлаб топиш зарур эди.

Оммавий ҳодисаларни ўрганиш натижасида 1890-йилда Габриэл Тарднинг «Тақлид қилиш қонунлари» деб аталган биринчи китоби чиқди. Г.Тард Францияда рўй бераётган оммавий ҳодисаларни, шу ҳодисаларда иштирок этаётганларнинг хулқ-атворларини тақлид қилиш орқали тушунтиради. Бу ҳаракатлар иррационал (яъни ақлнинг иштирокисиз) табиатга эга бўлиб, ҳар бир индивид оммага қўшилган заҳоти унга тақлид қилишга тайёрлик инстинкти устун бўлиб қолади. Италиялик ҳуқуқшунос С.Сигели ва француз олими Г. Лебон ҳам Г.Тард ишларини маъқуллаб, унинг назариясини фактик материаллар билан, яъни 1895-йилда нашр қилинган С.Сигелининг «Омманинг жиноятлари» ва Г.Лебоннинг «Омма психологияси» китоблари орқали бойитдилар. Бу муаллифларнинг асарларидаги асосий ғоя шундан иборат эдики, оммавий ҳаракатларда шахснинг ўз хулқ-атворларини онгли ва ақл билан бошқариш қобилияти йўқолади. Бундай ҳолатларда ҳиссиётлар устун келади, айниқса, аффект ҳолатлар, шунинг учун ҳам аффект ҳолатида рўй берган жиноятга айбни юмшатувчи ҳолат сабаб бўлган, деб қараш адолатли бўлади. Бу қарашлари туфайли С.Сигели Италиянинг қонунига махсус модда киритишга ҳам эришди.

Социолог Г.Лебон эса асосан диққатини оммани элитага – жамиятдан юқори турувчи танланган гуруҳларга қарши қўйишга қаратди. У омманинг айрим ҳолларида, айниқса бирор ҳодиса рўй берганда «қизиққонлик» хусусияти устун туриши ҳақида ёзади. Унинг фикрича, бир қанча одамларнинг бир ерда тўпланиши оммани ҳосил қилади ва бу, одамлар ким бўлишидан қатъи назар – олимми ёки оддий инсонми, шу заҳотиёқ кузатувчанлик ва зийракликни йўқотади. Чунки бу ҳолатда улар ҳолатини инстинктлар ва ҳиссиётлар бошқаради. Г.Лебон шахснинг омма ҳолатидаги белгиларига тўхталиб қуйидагиларни ажратади:

1. *Шахсий сифатларнинг йўқолиши.* Бошқа одамлар таъсирида индивид ўзига хос сифатларни йўқотиши, бунинг ўрнига импульсив инстинктив ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги.

2. *Ҳиссиётларга ўта берилувчанлик.* Оммада ақл, тафаккур, ҳиссиёт, инстинктларга ўз ўрнини бўшатади. Шунинг учун ҳам омманинг таъсирчанлиги ўта ошиб кетади.

3. *Ақлий сифатларнинг йўқолиши.* Омманинг «ақли» уни ташкил этувчилар ақлидан анча паст бўлади. Шунинг учун ҳам омманинг таъйиқига учрамаслик учун ҳар бир киши ақлан мулоҳаза юритишдан бош тортиши, мунозарадан қочиши лозим.

4. *Шахсий масъулиятнинг йўқолиши.* Оммага қўшилиб қолган шахс шунчалик ҳиссиётларга берилиб кетиши мумкинки, у ўз ҳаракатларини назорат қилиш, ўз ишига масъулиятни эсидан чиқаради. Якка ҳолда содир қила олмайдиган ишини, у оммага қўшилиб қилиб қўйиши мумкин.

Бундай ҳолатнинг, яъни шахснинг омма орасидаги психологияси тўғрисидаги фикрларни айни шундай тарзда Ортеги Гассет ва Эрнесто Грассилар ҳам кўрсатиб бергандирлар.

Шундай қилиб, омма тартибсиз, у мустақил равишда тартиб ўрнатиш қобилиятига эга эмас. Шунинг учун ҳам унга доимо «доҳий» керак, доҳийлар – элита ташқаридан келиб омма ўтасида тартиб ўрнатиши мумкин. Бу фикрларнинг мафкуравий маъноси тушунарли, чунки омма деганда, улар ишчилар синфини, доҳийлар деганда эса, буржуазияни назарда тутишган. Демак, шахс ва жамият зиддиятлари масаласи омма психологияси тарафдорлари назариясида айрим шахслар – доҳийлар фойдасига ҳал қилинди. Лекин бу назария, нима учун оммавий ҳодисаларда омманинг ўзидан чиқиб қоладиган лидерлар, омманинг баъзан ташқаридан ҳеч кимни тан олмай қолиши масалаларига умуман жавоб топа олмади, чунки уларнинг ҳам фикрларида кўпроқ идеализмга мойиллик сезилиб турарди.

Ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияси

Ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияси XX асрнинг бошида Англияда шаклланди. Унинг асосчиси инглиз психологи Уильям Макдугалл бўлиб, у ўзининг 1908 йилда ёзган «Ижтимоий психологияга кириш» китобидаги инсон хулқ-атворларининг мотиви ёки уни ҳаракатга келтирувчи куч инстинктлардир, – деб ёзган. Кейинчалик у инстинкт тушунчаси билан бирга лаёқат,

интилиш ибораларини ҳам ишлата бошлади. Унинг фикрича, хулқ-атворни таъминловчи нарса туғма, психофизиологик тайёрлик ҳолати бўлиб, у наслдан-наслга узатилади. Макдугалл барча ҳаракатларни рефлексив ҳолда тушунтиришга интилиб, рефлексив ёйга хос бўлган барча қисмлар – яъни эфферент қабул қилувчи, рецептив бўлим, эфферент (ҳаракат) ва марказий бўлимдан иборат тизим сифатида тасаввур қилади. Барча ижтимоий ҳаракатлар ҳам ана шундай рефлексив табиатга эгадир, деб уқтиради у.

Шунга ўхшаш фикрлар Э.Росс («Ижтимоий психология») ва Дж.Болдуин («Ижтимоий психология бўйича тадқиқотлар») қарашларида ҳам ривожлантирилган. Масалан, Болдуин икки турли ирсият ҳақида – табиий ва ижтимоий ирсият ҳақида ёзиб, ижтимоий одамлардаги тақлид қилиш қобилияти билан боғлиқ, деб ёзади. Жамиятда яшаётган одамлар бир-бирларига таъсирларини ўтказишга мойилдирларки, бу нарса улар ўртасидаги муносабатларни бошқариб туради.

Шундай қилиб, бу йўналиш тарафдорларининг фикрича, барча онгли ҳаракатларнинг боши – онгсизликдир, яъни инстинктлар бўлиб, улар асосан ҳиссиётларда намоён бўлади. Ҳиссиёт билан инстинктлар боғлиқлигини Макдугалл жуфтликларда кўрсатишга ҳаракат қилган: масалан, кураш инстинкти – кўркув, ғазаб ҳисси; насл қолдириш инстинкти – рашк аёллардаги тобелик ҳисси; ўзлаштириш инстинкти – хусусийликка интилиш ҳисси ва ҳоказо. Ижтимоий ҳодисаларни тушунтиришда туғма инстинктлар ролининг юқори қўйганлиги учун бу назария илмий тараққиёт босқичида салбий ўрин тутди, деб айтишимиз мумкин. Лекин унинг айрим ҳодисалар сабабларини тушунтиришга ҳаракат қилиши фан олдига улкан вазифаларни қўйди. Ижтимоий психология фан сифатида ана шу муаммоларни тадқиқ қилиши лозим эди.

Демак, юқорида тўхтаб ўтилган учала назариянинг аҳамияти шундан иборат эдики, улар янги туғилиши лозим бўлган фан – ижтимоий психологиянинг тадқиқот мавзуини очиб берди. Қолаверса, бу уччала йўналиш ҳам назарий қарашларни исбот қилишда объектив текширув усули ҳисобланган экспериментдан фойдаланиш заруриятини кўрсатди. Бу нарса яна бир бор махсус фаннинг келажак режаларини аниқлашга ёрдам берди.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Ижтимоий психология фанининг шаклланиши ва тараққиети ҳақида фикрларингизни айтинг.
2. Ижтимоий психологиянинг ривожланишида дунё олимларининг тутган ўрнини изоҳлаб беринг.
3. Ижтимоий психологик фикрлар такомиллашувининг назарий манбаси деганда нимани тушунасиз?
4. Халқлар психологияси нималардан иборат?
5. Ижтимоий психология ривожланишининг экспериментал босқичи деганда нимани тушунасиз?
6. Америка ҳамда Европа мамлакатларида ўтказилган дастлабки ижтимоий психологик синовлар ва экспериментлар ҳақида фикрларингизни баён этинг.
7. Ижтимоий психологиянинг Россия ва собиқ иттифок давлатларида ривожланиши ҳақида тавсиф беринг.
8. Ўзбекистонда ўтказилган асосий ижтимоий психологик тадқиқотлар ва уларнинг истиқболни белгилашдаги аҳамияти нималардан иборат?
9. Шахслараро муносабатлар ва этнопсихологик тадқиқотларнинг йўналишларини изоҳлаб беринг.
10. Ижтимоий хулқ-атвор инстинктлари назарияси қачон ва қаерда шаклланган?

3-мавзу. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ АСОСИЙ МЕТОДЛАРИ

1-§. Ижтимоий психологиянинг асосий методлари

Ҳар бир алоҳида бўлгани сингари ижтимоий психологиянинг ўз методлари ва уларни қўллаш воситалари мавжуд. Тўғри, уларнинг аксарияти психология ва социология фанларида қўлланиладиган усулларга яқин, лекин фаннинг предметидаги ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда уларни ишлатиш йўллари ва маълумотларни илмий жиҳатдан таҳлил қилишда фарқлар мавжуд.

Масалан: умумий психологияда бўлгани каби ижтимоий психологияда ҳам кузатиш методи қўлланилади, лекин кузатув объекти конкрет шахсдаги психик фаолият эмас, балки шахснинг ижтимоий муносабатлар тизимида бевосита кузатиш мумкин бўлган

ижтимоий хулқидир. Яъни, кузатувчи аниқ олдиндан белгиланган режа асосида ўзи ўрганаётган гуруҳнинг фаолиятини, вербал ва новербал хатти-ҳаракатларни маълум вақт бирлигида муттасил кузатиб, олинган маълумотларни қайд этиб боради. Бунда замонавий аудио ва видеотехникадан фойдаланиш, у ёки бу ҳаракатларни қайта-қайта кўриш орқали керакли хулосаларни чиқариш мумкин. Ижтимоий психологияда қўлланиладиган кузатиш методининг асосан 3 шакли мавжуд:

Кўшилиб кузатиш – бунда тадқиқотчи кузатувчилар фаолиятига бевосита аралашиб, улар билан керак бўлса, яшайди ва ишлайди. Бу усулдаги энг муҳим хусусият унинг табиийлиги бўлиб, кузатиш объектлари ўзларининг кузатилаётганликларини сезмайдилар ва кузатувчини гуруҳнинг аъзоси сифатида қабул қиладилар. Ушбу шартнинг бузилиши экспериментнинг самарасиз бўлишига олиб келиши мумкин.

Ташқи кузатиш – кузатувчилар фаолиятига аралашмаган ҳолда улар ташқи хулқ-атворини қайд қилишдир. Бу усул муайян вақт ва сабр-тоқат талаб қилиши билан бошқа методлардан фарқ қилади, баъзида қисқа муддат ичида тадқиқотчи ўзини қизиқтираётган предмет хусусида ҳеч нарса қайд қила олмаслиги ёки тасодифан қўлга киритилган маълумот асосида хулоса чиқаришга мажбур бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу усул бошқа усулларга қўшимча восита сифатида ишлатилади.

«*Муҳим вазиятларни қайд этиш*» усулида кузатишнинг моҳияти шундаки алоҳида шахс ёки гуруҳ кутилмаган тасодифий вазиятга солинади ва уларнинг вазиятга муносабати, ўзини тутиши, зиддиятли ва қийин ҳолатлардан чиқиш йўллари кузатилади. М: гуруҳни атайлаб олдиндан тузилган сценарий ёрдамида мунозарали вазиятга солиш ва унга ҳар бир гуруҳ аъзосини ўзини қандай тутиши ва баён этган фикрларини зикр этиш бунга мисол бўлиши мумкин.

Сўров методлари. Сўров методлари ижтимоий психологик тадқиқотларда кенг қўлланилади, айниқса, анкета сўрови ва интервью шулар жумласига киради. Бу методларни қўллашда қатор методологик қийинчиликлар вужудга келади, 1) доим шахслараро муносабатлар, ўзаро таъсир шакллари мавжуд. 2) тадқиқотчини субъектив муносабатларини ҳам инкор қилиб бўлмайди. Тадқиқот мобайнида шахслараро идрок қилиш ва субъектив бир-бирини

тушунишига қаратилган барча қонуниятлар ишлайди. Шунга қарамай жуда кўп ижтимоий психологик маълумотларни тўплашда сўров методлари энг қулай усуллар сифатида ишлатиб келинмоқда.

Интервью ўтказиш учун одам махсус равишда тайёргарлик кўриши керак, чунки у тадқиқотчидан қатор муҳим шахс сифатларнинг бўлишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам ижтимоий психологияда «ролли ўйинлар» методи ёрдамида психолог ёки социолог махсус тайёргарлик курсидан ўтади.

Анкета методи ҳамма таниш бўлган усуллардан бири. Лекин кўпинча анкета ўтказган одамнинг унинг тузилиши қанчалик қийинлиги ёки олинган маълумотларни қайта ишлаш уларни тўғри шархлаш қанчалик қийин эканлигини тасаввур қилмайди. Анкетага киритилган саволлар маълумотига кўра анкета очик ва ёпиқ турларга бўлинади. Очик анкета респондентдан ўз фикрини эркин баён этишни талаба қилади, ёпиқ шаклдаги анкета саволларининг эса жавоблари олдиндан берилган бўлиб текширилувчи ўзига маъқул бўлган, ўзининг қарашлари, фикрлари билан мос келган жавобни белгилаб беради. Очик саволларнинг камчилиги-респондентларнинг ҳар доим ҳам қўйилган вазифага етарли даражада масъулият билан қарамасликлари ҳамда берилган жавобларни статистик жиҳатдан ишлов беришдаги қийинчиликлар бўлса, ёпиқ анкетада респондентга текширилувчи (томонидан ўз фикрича эргашишга ўхшаш ҳолатнинг мавжудлиги ёки ҳар доим ҳам ҳамма саволнинг барча жавоб вариантларини топиб бермасликдадир.

Ижтимоий психологик тестлар. Тестлар психологиянинг махсус усулидир. Улар қисқа синов усули бўлиб, у ёки бу ижтимоий психологик ҳодиса қисқа муддат ичида бир техник восита сифатида унинг ёрдамида текширилади. Тестлар асримизнинг бошида кашф қилинган бўлиб, улар 20-30 йилларга ҳаётга, амалиётга шунчалик шиддат билан кириб келдики, натижада махсус соҳа – психометрика кириб келдики, натижада махсус соҳа – психометрика юзага келди. Тестларни қўллашни қулайлик томони шундаки бир тест ёрдамида маълум объектнинг у ёки бу хусусиятини бир неча марта такрор-такрор синаб кўриш мумкин. Лекин уларни универсал деб бўлмайди. Чунки у ёки бу тест муайян турдаги объектда синалган бўлса, уни шунга ўхшаш

объектлардагина қўллаш мумкин холос, қолаверса, ундан олинган маълумотлар нисбий хусусият касб этади.

Ижтимоий психологик эксперимент – бу ижтимоий ходисаларни ўрганиш мақсадида текширувчи билан текширилувчи ўртасидаги мақсадга йўналтирилган мулоқотдир. Бундай мулоқотнинг юзага келиши учун экспериментатор, яъни текширувчи махсус шароит яратади ва ана шу шароитда аниқ режа асосида фактлар тўплайди. Умумий психологияда бўлгани сингари, ижтимоий психологияда ҳам унинг табиий ва лаборатория турлари фарқланади.

Проектив методлар. Улар тест усулларининг бир кўриниши ҳисобланиб уларда текширилувчига аниқ тизимга ёки кўринишга эга бўлмаган ноаниқ нарсалар тавсия этилади ва уларни шархлаш топшириғи берилади. Бинобарин, текширилувчига турлича талқин қилиш мумкин бўлган расмлар, тугалланмаган ҳикоялар, бирор аниқ кўриниши мавжуд эмас буюмлар, ёғочлар берилиши ёки уларга қараб текширилувчи ўзининг ҳиссий кечинмалар қизиқишлари, дунёқараши нуқтаи назаридан баҳолаши кутилади.

Лекин ҳозирги даврда ҳаёт фанидан татбиқий хусусиятга эга бўлишини талаб қилаётганлиги туфайли бу қаторга бир туркум методларини киритиш лозимки, улар ижтимоий психологиядаги фаол тайёргарлик методлари деб аталади. Уларга ижтимоий психологик тренингнинг барча шакллари киритилади. Улар ўз моҳиятига кўра, шахс ва гуруҳнинг маълум сифатларини шакллантирувчи экспериментни эслатади. Лекин уларнинг фаол методлари тоифасига киритилишига асосий сабаб – бу усуллар ёрдамида қисқа фурсатда бевосита мулоқот шароитида кутилаётган самарага эришилишидир. Яъни таҳлил қилиб чиқилган методлардан фарқли ўлароқ, фаол ижтимоий психологик методлар шахсда ёки гуруҳда шаклланган хусусиятларни қайд қилиш эмас, балки таркиб топтириш лозим хислатларни амалиётчи психолог ёки ижтимоий ходимнинг фаол аралашуви орқали ҳосил қилишга қаратилгандир.

Мунозара методлари ва уни ташкил этиш технологияси. Умуман, баҳс мунозара йўли билан турли ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш масаласига қизиқиш ўтган асрнинг 30-йилларидан бошланган, деб ҳисобланади. Чунки айти бу ходисага қизиқиш шу даврга келиб педогогика ва психология соҳаларига ҳам ёйилган ва бу ҳақида биринчи илмий психологик хулосалар қилган олим

швейцариялик психолог Жан Пиажедир. У бола ижтимоийлашуви жараёнини ўрганар экан, унинг ўз тенгқурлари билан турли мавзуларда қиладиган мунозара ёки баҳслари ундаги эгоистик шахсиятпараслик мавқеини сусайиши ва шу тариқа ўз-ўзини англаш билан бир қаторда ўзгалар мавқеини англаш ва «ўзга шахс бўла олиш» қобилиятини ўстиришини аниқлади. Кейинчалик шунга ўхшаш тадқиқотлар соф ижтимоий психологик ҳодисалар доирасида ҳам ўрганила бошланди. Масалан, немис олими Курт Левин ҳам 40-йиллардаёқ гуруҳда кўпчиликнинг ягона бир қарорга келишининг психологик табиатини ўрганар экан, унда ана шу гуруҳларда ўтказиладиган табиий мунозараларнинг ҳар бир шахс ижтимоий установакалари, қарашлари ва гуруҳга муносабатига бевосита таъсири борлигини исботлади. Унинг фикрича, гуруҳдаги мунозара ҳар бир шахснинг гуруҳий фаолиятига нисбатан мотивациясини ошириб, шу билан бирга ҳар қайси аъзонинг гуруҳий жараёнларга қўшилиши, мавқеини англаш, ўзгаларга ниманидир дейиш каби эҳтиёжини оширади. Эркин, демократик тарзда фикр алмашилиш имкониятининг яратилиши муҳокама қилинаётган муаммо бўйича гуруҳ аъзоларидаги фикрлаш жараёнини тезлаштиради, уларни ижтимоий мавқеларини янада фаоллаштиради.

К.Левин экспериментларининг реал ҳаётда қандай самара бериши бўйича кейинчалик, яъни иккинчи жаҳон уруши йилларида синовлар ўтказилган. Ўша йиллари бир гуруҳ аёлларга айрим озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, балиқ консерваси ва паштетнинг ҳам фойдали эканлиги, ҳар доим ҳам янги сўйилган мол ёки бошқа ҳайвон гўштини истеъмол қилиш шарт эмаслиги ҳақида чиройли ва ишончли маърузалар ўқилган. Лекин эртаси куни ўша тингловчиларнинг уч фоизигина дўконлардан юқорида тарғибот қилинган нарсаларни харид қилганлар. Бошқа бир аёллар гуруҳига эса айнан шу мавзуда мунозаралар ўтказиш шароити яратилган. Кейинги кузатишларнинг кўрсатишича, мунозара қатнашчиларидан 32% ўша озиқ-овқат маҳсулотларига нисбатан ўз фикрларини ўзгартирганлар ва таклиф этилган маҳсулотларни харид қила бошлаганлар.

Илмий нуқтаи назардан олиб қараганда, мунозараларнинг моҳияти ва аҳамияти қуйидагиларда изоҳланади: анъанавий маъруза тингловчилари таништирилаётган муаммога нисбатан

тахминан бир хил нейтрал мавқени билдирадилар, яъни шу мавзу юзасидан ўзида тўғри фикр мавжуд бўлган шароитда маърузачининг (ҳам) билдираётган фикрларини ишончлироқ ва асосланганроқ, деб ҳисоблаб, мавзу юзасидан шахсий фикрини паст баҳолайди. Агар баён этилаётган фикрлар мутлақо янги бўлса, унинг моҳиятига тўла тушуниб етиш ва тушуниш қийин, деган маънода яна фикрий пасайиш юзага келади. Фикрлар тўқнашувини тақозо қилувчи мунозарада эса қарама-қарши ёки монанд фикрларнинг борлигини англаш ҳам шахсда ушбу фикрларга нисбатан анча фаол мавқени шакллантиради.

Мунозаранинг қандай яқунланишидан қатъи назар, яъни унда фикрлар кесишмаслиги ҳам мумкин ёки уларда маълум уйғунлик бўлиши кузатилади, бунда нима бўлганда ҳам баҳсинг мазмуни шахсинг ижтимоий тасаввурлари ва қарашларида мустаҳкам ўрнашади ҳамда хотирада қолади. Баҳсли мунозаранинг предмети ёки объекти сифатида махсус тарзда танлаб олинган муаммо ёки амалий фаолиятда учрайдиган турли ҳодисалар ва қарама-қарши ғоялар қабул қилиниши мумкин. Масалан, 50-йилларда инглиз шифокорлари Майкл ва Энид Баминтлар психотерапевтлар семинарини ташкил этиб, мунозара ва муҳокаманинг амалий аҳамиятини исботлашган. Улар ҳар куни клиникадаги врачларнинг тўпланишлари ва кундалик амалиётларида рўй берган ҳодисалар, фактлар ҳақида маълумотлар бериб, кейин билдирилган фикрлар ўзаро муҳокама қилинган. Шу туфайли турли шифокорлар тажрибасида табиий ҳисобланган «ўзбилармончилик»нинг олди олинган ва ҳозиргача сақланиб қолган «5 дақиқалик» шифокорлар йиғини пайдо бўлган. Шифокорлар ўзаро фикр алмашинишлари туфайли маълум умумий фойдали қарорларга келишлари тиббиёт илми ва амалиётининг ривожига ижобий таъсир кўрсатган.

Ҳар қандай шароитда ҳам шахсинг ўз бошидан кечирганларини ўзгаларга айта олиши ва бошқа фикрларни қабул қила олиши катта ижтимоий аҳамиятга эга. Ўша Ғарб мамлакатларида кенг тарқалган «Т-гуруҳ»лар методи ҳам айнан турли ҳаётий казусларни таҳлил қилиш воситасида фикрлар уйғунлигига эришиш ва шахсни тарбиялаш имкониятини яратади.

Мунозара методларининг ижтимоий психологик аҳамияти шундаки, улар ҳар бир шахсинг ўз нуқтаи назарини таҳлил қилишга имкон яратиб, ундаги ташаббускорлик, ҳамда ўз ақлий

потенциалларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини беради. Яъни ушбу туркум методларининг вазифалари ҳам унинг аҳамиятли мақсадларидан қилиб чиқади:

– мунозара қатнашчиларини реал вазиятларини таҳлил қилишга, асосий, муҳим нарсани номуҳим нарсадан ажратишга ва муаммони англашга ўргатади;

– муаммога тааллуқли ранг-баранг қирраларни ажратиш, улар моҳиятини англаш имкониятини яратади;

– муаммонинг турли муқобил ечимлари бўлиши мумкинлигини намоёиш қилади.

Айниқса, ахлоқий-маънавий мавзулардаги муммоларни ҳал қилишда мунозаранинг роли катта. Бундай шароитда баҳслашувчиларнинг етуклик даражалари, ахлоқий қадриятларни англаш даражалари катта аҳамиятга эгадир. Ахлоқий-маънавий масалалар юзасидан мунозарани ташкил этувчи шахсга алоҳида талаблар қўйилишини таъкидлаш керак. Чунки у баҳслашувчиларга ҳеч қандай тазйиқ кўрсатилмаслиги, ҳар бир шахснинг эркин фикр баён этишига йўл қўйган ҳолда улар фикрларининг тамоман зидлашиб кетишига йўл қўймаслиги, мунозарадан келиб чиқадиган хулосани ва қарорни гуруҳнинг ўзига ҳавола қилиш лозимлигини унутмаслиги зарур. Бу усул мактабларда, турли билим масканларида, маҳалла фуқаролар йиғинлари шу фаолиятда, турли маслахат шахобчалари, ўспиринлар тарбияси борасида кенг қўлланиши мумкин.

2-§. Этнопсихологик тадқиқотларнинг ўзига хослиги ва уларга қўйиладиган методологик талаблар

Ҳар қандай фан бошқа фанлардан фақатгина мавзу баҳси ёки пайдо бўлиш тарихи билангина эмас, балки фактик маълумотлар тўплаш, у ёки бу ғояни исботлаш учун ишлатиладиган услублари билан ажралиб туради. Услублар мукамаллиги аслида назарий тараққиётни, фан тараққиётини белгилловчи асосий омилдир.

Ҳозирги замон фанларининг тараққиёти шу билан ўзига хоски, уларда методологик муаммоларга қизиқиш анча юқоридир. Бунинг бир қанча сабаблари мавжуд бўлиб, улар аввало жамиятда рўй бераётган кескин ўзгаришларнинг сабабларидан бири ҳисобланган фантехника тараққиёти мақсадлари билан фан мақсадаларининг

уйғунлашуви, амалиётнинг фан олдига қўяётган талаблари даражасининг тобора ортиб бораётганлиги, тадқиқот қилиш воситаларининг мураккаблашиб бораётганлиги ва ниҳоят ҳар бир фанда рўй бераётган ўз тадқиқот принциплари ва текшириш усулларнинг қайта кўриб чиқишга интилишнинг яққол намоён бўлаётганлигидир.

Ижтимоий психология тўғрисида гапириладиган бўлса, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аввало жамиятнинг бу фан олдига қўяётган талаблари ўзига хос бўлиб, бу талаблар жавоб бериш учун унинг текшириш услублари у даражада мукаммал эмаслигидадир. Чунки шу давргача ижтимоий психологияда кузатилган нарса шу бўлдики, бу ерда назарий ишлар татбиқий ишлардан анча кўпдир. Шунинг учун ҳам, Г.М.Андреева ижтимоий психологиянинг методологик муаммоларига тўхталар экан, унинг бу борадаги интилишлари, вазифалари кўплигини таъкидлайди. Методологик муаммоларга қизиқиш, деб ёзади у, ижтимоий психологиянинг кучсизлиги эмас, балки унинг етилиш даврига кирганлигининг белгисидир.

«Методология» тушунчасининг илмий моҳияти нимада? Бу тушунчани турли назарий қарашлардаги олимлар ва турли тилда гаплашадиганлар турлича шартлайдилар ва тушунадилар. Масалан, америкалик психологлар методология деганда, тадқиқот жараёнида ишлатиладиган барча тадқиқот услублари ва техник жараёнларини тушунадилар. Лекин «методология» тушунчаси аслида услублар йиғиндисидан кенгроқ тушунчадир. Ҳозирги замон Европа мамлакатларидаги олимлар, хусусан, рус олимлари фандаги методология деганда, ушбу фан фалсафий асослари ва назарий қонуниятларидан келиб чиқадиган билимлар билан текширишнинг конкрет усуллари мажмуасини тушунадилар. Яъни, «методология» тушунчаси «конкрет методлар» ёки техник усуллар тушунчаларидан кенгрокдир.

Ижтимоий психологик тадқиқотларнинг методологик муаммоларига қуйидагилар киради. Биринчидан, эмпирик маълумотлар муаммоси, яъни қай турдаги маълумотларни ижтимоий психологик маълумотлар сифатида қабул қилиш мумкин. Чунки, бихевиористлар бундай маълумотлар сифатида кўз билан кўриб қайд қиладиганлар хулқ-атвор шаклларни қабул қилишса, когнитив психология вакиллари фақат онгга тааллуқли бўлган белгиларини тушунадилар. Демак, ҳар қандай тадқиқотчи иш бошламай туриб,

аввало нимани эмпирик бирлик қилиб олишини аниқ тасаввур қилиши ва унинг назарий жиҳатлари тўғрисида тасаввурга эга бўлиши керак. Бундан ташқари, тадқиқот бирлиги аниқланган тақдирда қандай ҳажмдаги бирликлар тадқиқотчини қаноатлантириши масаласи ҳам муҳимдир. Масалан, ижтимоий психология бўйича соф экспериментал иш қилинганда, илгари синалган усул ёрдамида чекланган миқдоридаги кишилар ёки гуруҳда тадқиқот ўтказиш мумкин бу экспериментал маълумотлар дейилади. Лекин, баъзан тадқиқотчи кўп сонли текширувчилар билан иш кўрадики, бунда турли гуруҳларни ўзаро таққослаш билан маълумотларнинг тўғри ёки нотўғрилиги аниқланади. Бундай тадқиқотлар корреляцион тадқиқотлар деб аталади.

Иккинчи методик муаммо бу у ёки бу ижтимоий психологик назария асосида қонуниятлар яратиш ва илмий тахминлар қилиш муаммоси. Илмий тадқиқот бошлашдан олдин тадқиқотчи маълум тахминлар юритади, лекин бу тахминларнинг аниқ чиқиши ўша муаммо бўйича пишиқ, пухта назариянинг бир ёқлигига бевосита боғлиқ. Шунинг учун ҳам кўпинча фан соҳасига эндигина қадам қўйган ёш олим ёки тадқиқотчи гипотезалар, тахминлар баён этишга қийналади, чунки ижтимоий психологияда айниятлар айрим, алоҳида тадқиқотлардан умумий хулоса олиш орқали тузилмайди, яъни дедуктив усул ҳар доим ҳам қўл келавермайди.

Учинчи муаммо бу ижтимоий психологик муаммоларнинг сифати масаласи, яъни қандай маълумотни сифатли, ишонарли деб аташ мумкинлиги масаласидир.

Ижтимоий психологик маълумотларнинг ишончлилиги. _Сифат ҳақида гап кетганда, тадқиқотчининг тадқиқот объектининг қанчалик тўғри танлангани ҳамда тўплаган маълумотларининг ишонччилигини қандай усуллар билан текширганлиги назарда тутилади.

Баъзан тадқиқотчи текширувчиларни тахминан, тартибсиз тарзда танлайди. Бу нарса унинг репрезентативлилик қонунини бузганлиги белгисидир. Ёки қўйилиши мумкин бўлган яна бир камчилик бу ўша ўрганиш объектининг ҳажми ёки сони хусусида. Чунки амалиётда кўпинча текширилувчи қанчалик кўп бўлса, маълумот шунчалик ишончли бўлади деган нотўғри фикр мавжуд. Агар тадқиқотчи иш бошлашдан олдин, айти мақсадларини, вазифаларини тадқиқотнинг назарий асосини яхши билган ҳолда тўғри илмий тахминлар, гипотезалар илгари сурилган бўлса, у

кичикроқ гуруҳда ўтказган экспериментларнинг маълумотига ҳам ишониши мумкин (масалан, ҳозирги моддага муносабатни талабаларнинг бир қанча академик гуруҳида ўрганиш мумкин).

Лекин тадқиқот услубини, методларини тўғри танлашда пилотаж синов тадқиқоти ўтказишнинг аҳамияти каттадир. Унда ўша гипотезаларнинг қанчалик асослилигини ҳам, методиканинг айнан мақсадга мувофиқлигини ҳам, текширилувчилар объектининг тўғри танланганлигини ҳам маълумотларнинг турғунлиги, ишончлилигини ҳам текшириб олиш мумкин. Бундан ташқари, шу босқичда тадқиқотчи эксперимент ёки анкета ўтказиш учун қулай вазият ва вақтни белгилаш, ўз ёрдамчиларининг ишга қанчалик яроқликларини ҳам санаб олиш имкониятига эга бўлади.

Лекин асосий тадқиқот ўтказилгандан сўнг текширувчи тўплаган маълумотларнинг асослиги (валиддлик), яъни танланган услубининг айнан шу сифатларини текширишга қаратилганлигини, уларнинг турғунлигини, яъни ҳар қандай шароитда ҳам шу метод ёрдамида ва шу шароитда айна шу хилдаги маълумот тўплашини ва маълумотларнинг аниқлигини, яъни танланган услуб мақсадга мувофиқлигини исботлаб бериши керак.

Ниҳоят, маълумотларнинг сифати тадқиқотчининг ўз ишлари бўйича тузган ҳисоботига ҳам боғлиқ. Ижтимоий-психологик тадқиқот ҳақидаги ҳисобот қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

1. Кириш қисми, бу ерда тадқиқотни ўтказишдан кўзланган мақсад, унга сабаб бўлган шарт-шароитлар ҳамда уни кимлар ўтказганлиги ёзилади.

2. Дастур қисми, бу ерда фойданилган адабиётлар, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, илмий тахмин, гипотезалар берилади.

3. Тадқиқот объект ва услублар, эмпирик тадқиқот объектининг хусусиятлари, танланган методлар, синов босқичида тўпланган маълумотлар, уларнинг ишончлилиги қандай усулларда текширилганлиги ёзилади.

4. Гипотезалардан келтириб чиқарилади, уларнинг қанчалик исботланганлиги кичик жадваллар ёки графикларда кўрсатилади.

5. Хулоса ва тавсиялар улар тадқиқотнинг мантиқидан чиқарилади.

6. Яқун барча қилинган ишлар бўйича яқун ясаиб, келажак учун режалар белгиланади.

7. Илова. Бу қисмда ишлатилган услублар, техник воситалар баён этилиб, компьютер дастурлари, статистика маълумотлари, катта жадваллар ва шунга ўхшаш тадқиқотга тааллуқли ҳужжатлар илова қилинади.

Юқорида баён этилган барча методологик ишларга қаршли тадбирларнинг сифати ва савияси тадқиқотчининг қанчалик илмий саводхон эканлигини белгиловчи кўрсаткичлар ҳисобланади ва у ўтказган илмий тадқиқот ишининг баҳосини белгилайди.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Ижтимоий психологиянинг асосий методлари нимадан иборат?

2. Ижтимоий психологияда қўлланиладиган методларнинг бошқа психология йўналишларидан фарқини тушунтириб беринг.

3. Шахсни гуруҳ шароитида ва гуруҳлараро муносабатлар тизимида ўрганиш ижтимоий психологиянинг асосий мақсади эканлигини изоҳлаб беринг.

4. Кузатув методи ва унинг ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида тутган ўрни нималардан иборат?

5. Ижтимоий психологик эксперимент, контент-анализ, проектив методикаларнинг ўзига хослигини тушунтириб беринг.

6. Ижтимоий-психологик тренинглари ва уларнинг ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида тутган ўрни ҳақида фикрларингизни баён этинг.

7. Этнопсихологик тадқиқотлар ва уларга қўйиладиган методологик талаблар деганда нимани тушунасиз?

8. Этнопсихологик муҳитнинг ўзига хослигини инобатга олиб тузиладиган ижтимоий-психологик сўровномаларнинг аҳамияти нималардан иборат?

ИЖТИМОИЙ ПСИХОЛОГИЯДА МУЛОҚОТ ПСИХОЛОГИЯСИ

**4-мавзу. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ
ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ
ТУРЛАРИ, ВОСИТАСИ ВА КОММУНИКАТИВ ТАЪСИР
ЭТИШ УСУЛЛАРИ**

**1-§. Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида мулоқот
тушунчаси ва унинг турлари**

Ижтимоий муносабатлар, аслида, одамнинг сиёсий муносабатларидан тортиб, унинг шахслараро муносабатлари хусусиятларини ўз ичига олган мураккаб жараёндир. Бу жараённи турли назарий оқим вакиллари ўзларича ўрганишлари маълум. Масалан, интеркционизм вакиллари уни шахслараро ўзаро таъсирнинг турлича намоён бўлиши шаклида тушунсалар, ижтимоий алмашинув назарияси тарафдорлари одамларнинг бир-бирларига нисбатан талаблари, кутишлари ва манфаатдорликларининг ўзаро алмашинуви жараёни сифатида тасаввур қиладилар. Шунга ўхшаш ҳозирда турли-туман ёндашувлар мавжуд, лекин уларнинг барчасини бирлаштирадиган ягона ғоя – бу одамлар ўртасида содир бўладиган ўзаро таъсир ва алоқа жараёнларининг механизмларини аниқлаш ва ушбу жараённи бошқариш усулларини ишлаб чиқишдир.

Яна бир муҳим фикр шундан иборатки, ҳар қандай ижтимоий муносабатлар кўпқиррали, бўлиб, ҳар бирининг ўзига хос кечиш хусусиятлари ва шарт-шароитлари, қонуниятлари бўлади. Агар раҳбар ўз жамоасидаги инсоний муносабатлар асосан нимага асосан кечишини билса, уни бошқариш осон. Шунга кўра таъкидлаш мумкинки, агар жамоада ҳақиқий самарали, ижодий меҳнатга сафарбар этувчи «иқлим» ташкил қилинмаган бўлса, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва муомала ҳам асосан ҳиссиётларга, одамларнинг бир-бирларини ҳурмат қилишлари, ёқтириш-ёқтирмасликларига асосланиб қолади. Одамлар ишга отланар эканлар, аввало кимларни кўриш, кимлар билан тушликка чиқиш ёки бир стол атрофида ўтириш, вақтни ўтказиш учун қайси кроссвордни ечиш ёки газетани

ўқиш ғамини еб келади. Демак, бундай жамоада иш қониқарсиз ташкил этилган бўлиб, одамлар ўртасидаги муносабатлар соф эмоционал-ҳиссий муомалага таянади. Ана шундай ерларда гуруҳбозлик, жамоанинг кичик-кичик гуруҳчаларга бўлиниб кетиши, бунинг оқибатида бир нечта норасмий лидерларнинг пайдо бўлиб, ҳар бири ўз «ихлосмандларини» ўзига хос манфаатлар билан атрофида бирлаштираётганлигини кўриш мумкин.

Бошқа жамоада эса иш бугунлай бошқача ташкил этилган бўлиши мумкин. Оқил ва ташаббускор раҳбар қўл остида ишлаётганлар жамоани бир яхлитлик деб тасаввур қилиб, ишга кетаётганда, энг аввало кеча охирига етказа олмаган ишлари бор-йўқлигини, бугун қандай ишни ва ким билан, ким орқали битказишини, ишни янада яхшилаш учун бугун яна қандай чоралар кўра олиши ҳақида ўйлайди. Жамоанинг ҳар бир аъзоси энг аввало ишни ўйлаб уйдан чиқади. Демак, бундай жамоадаги ўзаро шахслараро муносабатлар ҳам ишчанликка асосланади ва жамоанинг энг ташаббускор, фидойи, ақлли аъзоси ким бўлишидан, ёши ёки жинсидан қатъи назар, норасмий обрўга эга бўлиши ва лидерликка даъвогар бўлиши мумкин. Раҳбар эса ана шундай ташаббускор, меҳнаткаш, жонкуяр одамлар билан доимо ҳисоблашади ва улар фикрига қулоқ солади. Бундай раҳбарнинг маҳорати унинг жамоадаги норасмий ва расмий лидерлар билан ҳамкорликда ишлай олиш санъати билан баҳоланади.

Бундан ташқари, ҳар бир конкрет вазиятда ва жамоада одамлар ўртасидаги муносабатларнинг турли шакллари намоён бўлиши мумкин. Масалан, улар ўртасидаги ўзаро муносабат фақат расмий алоқалар билан чекланмай, балки бир вақтнинг ўзида норасмий, шахсий муносабатлар билан уйғунлашади. Агар умуман жамият миқёсида оладиган бўлсак, ижтимоий муносабатларнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, мафкуравий, диний, маънавий соҳаларда рўй берадиган шакллари ҳам фарқлаш мумкин. Улар юқоридагилардан келиб чиқиб, конкрет вазият ва ижтимоий фаолият турига мос тарзда ўзига хос қонуниятларга асосланиб рўй беради.

Мулоқот категорияси психология фанидаги марказий категориялардан бири ҳисобланади. Сўнгги 20-25 йил ичида мулоқот муаммолари психологиядаги, айниқса, ижтимоий психологиянинг энг йирик тадқиқот предметига айланиб қолди.

Мулоқот ўта мураккаб жараён бўлганлиги сабабли унга ягона тўғри таърифни бериш жуда мушкул. Шунинг учун, одатда, муло-

қот тушунчаси унинг айрим томонларига урғу бериш орқали таърифланади. Психологияга оид луғатларда мулоқот тушунчасига икки хил таъриф берилган:

Мулоқот – ҳамкорликда фаолият эҳтиёжи билан тақозоланган алоқа ўрнатиш ва уни ривожлантириш жараёни;

Мулоқот – белгилар тизими орқали субъектларнинг ўзаро таъсирлашуви.

Албатта, ҳар бир таъриф универсаллик мақомига даъво қилмайди. Чунки унда, одатда, мулоқотнинг айрим томонлари эътибордан четда қолади, иккинчи даражага суриб қўйилади. Шундай бўлса-да, шартли равишда мулоқотга нисбатан умумий бўлган қуйидаги таърифни бериш мумкин: мулоқот – камида икки кишининг ўзаро таъсир жараёни бўлиб, бу таъсир давомида ахборот алмашинади, муносабат ўрнатилади ва ривожлантирилади, тугатилади ёки коррекцияланади.

Мулоқот тушунчасини коммуникациядан фарқлаш керак. Коммуникация – тирик ва ўлик табиатдаги тизимлар ўртасида ахборот алмашинувини англатади. Ҳайвонлар ўртасидаги сигналлар алмашинуви, инсоннинг техник воситалар билан алоқа қилиши буларнинг барчаси коммуникация. Мулоқот фақат инсонлар ўртасида амалга оширилиши мумкин.

Мулоқотда ижтимоий ва шахсий муносабатлар рўёбга чиқарилади. Мулоқотсиз инсоният жамияти бўлиши мумкин эмас. Айнан мулоқот ҳамкорликда фаолият юритувчи индивидлар жамоасини шакллантиради.

Ҳамкорликдаги фаолият режасини тузиш, уни рўёбга чиқариш учун индивидлар ўртасида мулоқот амалга оширилиши шарт. Мулоқот воситасида ҳамкорликдаги фаолият ташкил этилади ва амалга оширилади. Айни вақтда фаолият давомида инсонлар ўртасида янги-янги муносабатлар ва алоқалар шаклланади. Демак, мулоқот ва фаолият ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Мулоқотнинг психологик жиҳатдан мураккаб эканлиги ҳақида Б.Ф.Парыгин шундай ёзади: «Мулоқот шунчалик кўп қиррали жараёнки, унга бир вақтнинг ўзида қуйидагилар киради:

- индивидларнинг ўзаро таъсир жараёни;
- индивидлар ўртасидаги ахборот алмашинуви жараёни;
- бир шахснинг бошқа шахсга муносабати жараёни;
- бир кишининг бошқаларга таъсир кўрсатиш жараёни;
- бир-бирларига ҳамдардлик билдириш имконияти;

– шахсларнинг бир-бирларини тушуниши жараёни.

Мулоқот ижтимоий-психологик ҳодиса бўлиб, одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Шахслар ўзаро муносабатга киришар экан, алоқанинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида тилга мурожаат қиладилар. Мулоқотнинг яна бир муҳим томони шундаки, муносабатга киришувчилар муомала жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки хатти-ҳаракатлар билан ҳам ахборот айирбошлашади. Мулоқот жараёни шахсларнинг қизиқишлари, дунёқараши, муомала маданиятига ҳам боғлиқ бўлади, чунки шахслардаги ўзаро мулоқот бу табиий эҳтиёждир.

Мулоқот орқали шахсларнинг биргаликда алоқа қилиш методикаси кетма-кет бўлган олти босқичдан иборат:

I босқич – ўзаро бир-бирини тушуниш;

II босқич – умумий ёки мос келадиган қизиқишларни топиш;

III босқич – мулоқот учун таклиф этиладиган сифат ва қабул қилинадиган принциплар;

IV босқич – мулоқот учун хавфли бўлган сифатларни аниқлаш;

V босқич – индивидуал таъсир этиш ва суҳбатдошга мослашиш;

VI босқич – умумий қоидаларни яратиш ва ўзаро ҳаракат қилиш.

Босқичлар кетма-кетлигига риоя қилиш тўғри таъсир этишни ташкиллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Босқичлар алоқа қилиш жараёнида амалга оширилаётган фаолиятнинг кетма-кетлигини кузатиш дастури сифатида намоён бўлиши, ўзаро таъсир йўлларини назорат этиши мумкин¹.

Касбий муомала ҳар бир ходимнинг фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Шунинг учун ҳам муомаланинг ҳар бир тури фаолият жараёнида иштирок этади. Ходим муомала қонуниятларига суянган ҳолда шахслар билан муносабатга киришади. Мулоқот жараёнида ходимнинг барча касбий сифатлари (хотира, диққат, идрок, сезги, тафаккур, ҳаёл) иштирок этади. Бу жараёнлар ходимнинг мантиқий фикрлашига, воқеани ўтмишдаги вазият билан боғлашига, ўзаро солиштириш ва қиёслаш, объект ва шароитни мукаммал тарзда идрок этишига ёрдам беради.

Мулоқот психологик жиҳатдан бир-бирлари билан боғлиқ бўлган одамлар ўртасида у ёки бу воситалар орқали мақсадга мувофиқ, бе-

¹ *Филонов Л.Б.* Тренинги делового общения сотрудников органов внутренних дел с различными категориями граждан. – М., 1992. – С.5-6.

восита ёки билвосита алоқани ўрнатиш ва сақлаб туриш жараёнидир¹.

Мулоқот инсон ҳаётида қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини қуйидаги мисолда ҳам кўришимиз мумкин. 1938 йил Ричард Бард ўз хоҳиши билан Антарктида музликларида 6 ой танҳо қолади. Бир томондан у тажриба натижаларига қизиқса, иккинчи томондан, кундалик ҳаётнинг ғала-ғовурларидан биров дам олишни истаган эди. Кейинчалик у мазкур даврни қуйидаги сўзлар билан эслайди: «Бу ердаги ҳаётим давомида бора-бора ҳар бир ҳаракатим, ҳар бир ишим тобора мазмунсиз, мантиқсиз, мақсадсиз бўлиб бораётгандай эди. Хавф-хатарлардан қўрқмайдиган одам бўлсам-да, негадир бу ерда томнинг босиб қолишидан, ўчоқдан ўт кетиб қолишидан хавфсирай бошладим. Овқатланишимда мунтазамлик йўқолди, ювинмай қўйдим». Яна бир мисол келтиришимиз мумкин, тарихда японларда «Маритао» номли инсоннинг ўз-ўзини такомиллаштириш тизими мавжуд бўлган. У шундай тизимларнинг энг оғири ва мураккаби ҳисобланади. Ваҳоланки, бунда инсон ҳеч қандай жисмоний азобларга дучор бўлмайди. Фақатгина бир ҳафтага ғорга кириб кетиб, у ерда танҳо қолади. Бу ерда у ҳатто ўзи билан ҳам гаплашиши мумкин бўлмайди. Синовдан ўтганлар кейинчалик ҳар қандай учрашув ва суҳбатни хурсандчилик билан қарши оладилар. Қизиғи шундаки, уларда кўпроқ гапириш эҳтиёжи эмас, балки тинглаш эҳтиёжи кучаяр экан.

Б.Ф.Ломов таклиф этган таснифга кўра мулоқотнинг қуйидаги функциялари мавжуд. Мулоқот функциялари деганда, мулоқотнинг инсон ижтимоий ҳаётида бажарадиган вазифалари тушунилади. Мулоқот функциялари хилма-хил бўлиб, энг кенг тарқалган таснифга кўра улар қуйидагилардан иборат:

1. *Информацион* – коммуникатив функция – ахборот алмашинувини таъминлаш вазифаси. Ахборот алмашинуви турли белгилар тизимлари орқали амалга оширилади. Одатда, вербал (унда белгилар тизими сифатида нутқ ишлатилади) ва невербал (унда белгилар тизими ишлатилади) коммуникация фарқланади. Ўз навбатида, невербал коммуникация бир неча шаклдан иборат:

- кинетика (имо-ишоралар, мимика, пантомимика);
- паралингвистика (овоз вокализациялари, паузалар);
- проксемика (масофа ва вақт меъёрлари);
- визуал алоқа (кўзлар орқали контакт);

¹ Асямов С. В., Пулатов Ю. С. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – Б.47.

– такесика (жисмоний контакт).

2. *Регулятив* – коммуникатив функция – суҳбатдошлар хулқ-атворининг регуляция қилинишини таъминлаш вазифаси. Индивидлар мулоқот жараёнида вербал, жисмоний, новербал йўллари билан бир-бирининг мотивларига, мақсадларига, қарор қабул қилишига таъсир ўтказиши бирор ҳаракатга ундаши ва ҳаракатини назорат қилиши, бир-бирининг хулқ-атворига стимуллаштирувчи ва коррекцияловчи тарзда таъсир кўрсатиши мумкин.

3. *Аффектив* – коммуникатив функция – инсон эмоционал соҳасининг регуляция қилинишини таъминлаш вазифаси. Мулоқот инсон эмоционал ҳолатларининг энг муҳим детерминантасидир. Чунки турли-туман эмоционал ҳолатлар мулоқот жараёнида пайдо бўлади ва ўзгаради.

Л.А.Карпенко таклиф этган таснифга кўра, мулоқотнинг қуйидаги вазифалари ажратилади:

1) *алоқа ўрнатиш* – суҳбатдошни алоқага киришиш учун тайёрлаш;

2) *информацион* – суҳбатдош билан муайян маълумотлар, фикрлар ва режаларни алмашиш;

3) *фаолиятга ундаш* – суҳбатдошни бирор ҳаракатни бажаришга стимуллаштириш;

4) *координацион* – суҳбатдош билан ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этиш ва уни амалга оширишда ҳаракатларни мувофиқлаштириш;

5) *тушунишни таъминлаш* – суҳбатдошнинг фикрлари ва ҳиссиётларини тушуниш;

6) *мотивлаштириш* – суҳбатдошда муайян ҳиссиётларни уйғотиш ҳамда уларни ўзгартириш;

7) *муносабат ўрнатиш* – муносабатлар тизимидаги шахсий ўрнини, мавқени аниқлаш;

8) *таъсир кўрсатиш* – суҳбатдошнинг хулқ-атвори, шахсий хусусиятлари, мақсадлари ва установакаларини ўзгартириш.

Мулоқотнинг ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида қуйидаги турлари мавжуд:

1) бевосита;

2) билвосита;

3) ролли;

4) мазмунли;

5) расмий;

б) норасмий.

Бевосита мулоқот «юзма-юз» суҳбат бўлиб, унинг ҳар бир иштирокчиси идрок қилади, алоқа қилади ва ҳамма мавжуд воситаларни кенг қўллайди.

Билвосита мулоқот ҳам алоқа воситаси бўлиб, унда шахслар, алоқа воситалари ва механизмлар иштирок этади (масалан: телеграф, телефон орқали гаплашиш).

Мулоқотнинг баъзи турлари ижтимоий роллар орқали амалга оширилиб, *ролли мулоқот* дейилади. Бундай ҳолатда одамлар муайян ижтимоий ролларни бажаруви кишилар тарзида мулоқотга киришадилар. Масалан, терговчи ва жабрланувчи ўртасидаги мулоқот роллидир.

Индивиднинг бошқа шахсга ўз ҳолати, кайфияти, хоҳишини мимика, ҳаракат, имо-ишора орқали билдириши *мазмунли мулоқот* деб аталади.

Расмий мулоқот юридик кучга эга бўлиб, давлат ва жамият манфаатини кўзлаган ҳамда қайд этиладиган мулоқот туридир. Масалан, тергов жараёнидаги сўроқ қилиш.

Шахслараро ўзаро мулоқот жараёнида ўзини қизиқтирган у ёки бу маълумотга эга бўлиш *норасмий мулоқот* ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида мулоқот, айниқса, бевосита мулоқот ўзига хос аҳамиятга эга. Чунки токаръ темир билан, зоотехник ҳайвонлар билан ишласа, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, шу жумладан профилактика инспекторлари, терговчилар, тезкор ходимлар ҳам шахслар билан, аҳоли билан, гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи ва жиноят жараёнининг бошқа иштирокчилари билан ишлайди. Мулоқот жараёнида уларнинг ҳар бири ўзига хос дунёқараш ва муомалага эгалиги кўринади.

Мулоқот мураккаб жараён бўлганлиги учун ҳам айрим олинган мулоқот шаклини таҳлил қилганимизда унда жуда хилма-хил кўринишлар, компонентлар ва қисмлар борлигини аниқлашимиз мумкин. Г.М.Андреева мулоқотнинг қуйидаги психологик тузилишини таклиф этади:

1) *мулоқотнинг коммуникатив томони;*

2) *мулоқотнинг интерактив томони;*

3) *мулоқотнинг перцептив томони.*

Ҳар бир томонини батафсил кўриб чиқамиз.

Мулоқотнинг коммуникатив томони – маълумотлар алмаши-

нув жараёни бўлиб, биргаликдаги фаолият давомида одамлар турли фикрлар, ўй-хаёллар, ҳис-туйғу ва кечинмалар билан ўртоқлашадилар. Бунда ўй-фикрлар, ҳис-туйғу ва кечинмаларни ахборот сифатида, коммуникацияни эса ахборот алмашинуви сифатида талқин этиш мумкин. Аммо шунини эътиборга олиш керакки, инсонлараро коммуникация шунчаки ахборот алмашинувидан иборат эмас. Чунки мулоқот жараёнида ахборот нафақат узатилади, балки шакллантирилади, аниқлаштирилади, ривожлантирилади. Демак, инсон мулоқотини шунчаки ахборот алмашинувидан иборат жараён деб ҳисоблаш мумкин эмас. Зеро, *биринчидан*, мулоқот жараёнида ахборот бир томондан иккинчи томонга шунчаки ҳаракатланмайди, балки фаол алмашиналиди (коммуникатив жараён иштирокчилари бир-бирига ахборот юбораётганда бир-бирининг мотивлари, мақсадлари, установакаларини таҳлил қиладилар); *иккинчидан*, мулоқот жараёнида ахборот алмаша туриб кишилар белгилар тизими орқали бир-бирига таъсир этиши мумкин (инсонлараро ахборот алмашинувида, албатта, суҳбатдош хулқ-атворига муайян таъсир ўтказилади); *учинчидан*, мулоқот жараёнида коммуникатор (ахборотни юбораётган одам) ва реципиент (ахборотни қабул қиладиган одам) бир хил кодлаштириш ҳамда декодлаштириш тизимига эга бўлиши керак (ягона тизимни қабул қилишгина коммуникатив жараён иштирокчиларига бир-бирини тушуниш имконини беради); *тўртинчидан*, мулоқот жараёнида фақат инсонлараро коммуникацияга хос тўсиқлар вужудга келиши мумкин (тўсиқлар нафақат белгилар тизимидаги фарқлар, балки ижтимоий-сиёсий, диний, касбий фарқлар ёки умумий дунёқараш, оламни ҳис этишдаги фарқлар туфайли вужудга келиши мумкин).

Коммуникатордан чиқаётган ахборот икки хил бўлиши мумкин:

1. Ундовчи ахборот буйруқ, маслаҳат, илтимос ва ҳоказоларда намоён бўлади. Ундан кўзланган мақсад реципиентни бирор ҳаракатга стимуллаштиришдан иборат. Стимуллаштириш уч хил бўлиши мумкин:

- 1) фаоллаштириш (бирор ҳаракатни қилишга ундаш);
- 2) интердикциялаш (бирор ҳаракатни қилишдан тўхтатиш);
- 3) дестабиллаштириш (бирор ҳаракатдаги мувозанатни бузиш).

2. Констатацияловчи ахборот маълумот тарзида ифодалангани. Бу турдаги ахборот турли таълимий тизимлардан ўрин олган бўлиб, хулқ-атворни ўзгартириш учун бевосита таъсир кўрсатмайди (лекин билвосита таъсир кўрсатиш мақсади ҳам бўлади).

Америкалик журналист *Г.Лассуэл* беш унсурдан иборат бўлган коммуникатив жараённинг қуйидаги моделини таклиф этади:

- ким (ахборот ким томонидан узатилмоқда);
- нима (қандай ахборот узатилмоқда);
- қандай (ахборот қандай йўл билан узатилмоқда);
- кимга (ахборот кимга йўналтирилмоқда);
- қанчалик самарали (ахборот қанчалик самарадор узатилди).

Мулоқотнинг интерактив томони – биргаликдаги фаолиятни ташкил этиш ва амалга оширишда мулоқот иштирокчиларининг бир-бирига таъсир ўтказиши тушунилади.

Коммуникация орқали одамлар биргиликдаги фаолиятни ташкил этадилар. Умумий фаолиятда иштирок этар экан одамлар, албатта, бир-бирига таъсир кўрсатади. Шунинг учун ўзаро таъсир биргаликдаги фаолиятнинг ташкил этилиши сифатида тушунилади.

Биргаликдаги фаолиятнинг уч хил модели мавжуд:

- 1) ҳар бир иштирокчи бошқалардан мустақил равишда ишнинг ўзига тегишли қисмини бажариши (масалан, шанбаликдаги иш);
- 2) умумий вазифанинг босқичма-босқич ҳар бир иштирокчи томонидан бажарилиши (масалан, конвейердаги иш);
- 3) ҳар бир иштирокчи бошқалар билан биргаликда бир вақтнинг ўзида умумий фаолият билан машғул бўлиши (масалан, футбол жамоасидаги иш).

Одатда мулоқот жараёнидаги ўзаро таъсирнинг икки хил тури ажратилади:

1) кооперацияга асосланган ўзаро таъсир – коммуникатив жараён иштирокчиларининг умумий мақсади ва ўз кучларини бирлаштиришдан иборат. *Кооперациянинг бир неча тури фарқланади:*

- автоматик (инстинктив-биологик даражада мавжуд бўлади);
- анъанавий (таркиб топган ижтимоий меъёрлар билан, анъана ва урф-одатлар билан тақозоланган бўлади);
- спонтан (дўстлик, муҳаббат ва шу каби муносабатлар билан тақозоланган бўлади);
- директив (мажбурий ҳамкорлик ҳукм сурувчи жойларда мавжуд бўлиши);
- шартномавий (расмий келишувлар билан тақозоланган бўлади).

Кооперация – биргаликдаги фаолиятнинг зарурий элементидир.

2) рақобатга асосланган ўзаро таъсир коммуникатив жараён иштирокчиларининг шахсий ёки гуруҳий мақсадларга эришиш учун

ўзаро кураш шароитида бир-бирига таъсир кўрсатишидан иборат. Бундай ўзаро таъсирда томонларнинг шахсий фаоллиги одатда юқори бўлади. Шундай бўлса-да, у кооперация билан маълум даражада боғлиқдир. Чунки рақобат давомида ҳам муайян қоидалар ўрнатилиши талаб этилади. Акс ҳолда ўзаро кураш урушга айланиб кетиши мумкин. Рақобатнинг энг ёрқин шакли низодир.

Мулоқотнинг перцептив томони – кишиларнинг бир-бирини идрок этиш жараёни бўлиб, инсоннинг инсон томонидан идрок этилиши «ижтимоий перцепция» дейилади. Дастлаб, бу атама *Ж.Брунер* томонидан 1947 йил ишлатилган бўлиб, у перцептив жараёнларнинг ижтимоий детерминациясини англатган. Кейинчалик бу атама бошқачароқ маънога эга бўлиб, у ижтимоий объектларга, яъни одамлар, ижтимоий гуруҳлар, катта ижтимоий тузилмаларни идрок этиш жараёнини англата бошлаган.

Ижтимоий перцептив жараёнларда индивид қуйидагиларни идрок этиши мумкин:

- 1) ўз гуруҳига мансуб индивидни;
- 2) бошқа гуруҳга мансуб индивидни;
- 3) ўзининг гуруҳини;
- 4) ўзга гуруҳни.

Ижтимоий перцептив жараёнларда гуруҳ қуйидагиларни идрок этиши мумкин:

- 1) ўз индивидини;
- 2) ўзга гуруҳ индивидини;
- 3) ўзини;
- 4) ўзга гуруҳни.

Мулоқот жараёнида бир-бирини идрок этаётган одамлар бир-бирини тушунишга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун қуйидаги механизмлар ишга солинади:

✓ *Идентификация* – инсоннинг ўзини хаёлан суҳбатдоши ўрнига қўйиши орқали унинг фикрлари ва тасаввурларини тушунишга интилиши;

✓ *Эмпатия* – инсоннинг ўзини хаёлан суҳбатдоши ўрнига қўйиши орқали унинг кечинмалари ва ҳиссиётларини тушунишга интилиши;

✓ *Рефлексия* – инсоннинг суҳбатдоши томонидан қандай идрок этилаётгани ва тушунилаётганини англашга интилиши;

✓ *Стереотипизация* – инсоннинг суҳбатдошини тушунишга интилиши йўлида муайян шаблонлардан фойдаланиши.

Мулоқот жараёнида инсонлар бир-бирини идрок этар экан, бунда аттракция (ингл. attract – жалб этмоқ) жараёни юз бериши, яъни идрок этилаётган одамга нисбатан «ёқтириш ҳисси» пайдо бўлиши мумкин. Аттракция субъектнинг объектига нисбатан эмоционал муносабати сифатида шаклланади.

Мулоқот жараёнида иштирокчилар бир-бирларини ўзаро тушунишлари керак. Бунда мулоқотга киришган иштирокчининг уни қандай қабул қилаётгани катта аҳамиятга эга. *Шахслараро идрок этиш* қонуниятлари, эффектларни инобатга олиш терговчилар фаолиятида, айниқса, шоҳидлар, гувоҳлар, жабрланувчиларнинг кўрсатувларини, шунингдек, ўз идрокларини баҳолаш чоғида катта аҳамият касб этади.

Шахслараро идрок эффектларидан бири – бошқа шахс ҳақидаги умумий тасаввурнинг унинг шахсига хос хислатларни идрок этиш ва баҳолаш таъсирида намоён бўладиган «ореол эффекти»дир. Агар умумий тасаввур яхши бўлса, унинг ижобий хислатлари ортиқча баҳоланади, салбий хислатлари эса сезилмайди ёки аксинча. Ушбу эффект таъсирида, масалан, ички ишлар органлари ходимлари «рецидив» жиноятчининг тузалиш томон ташлаган дастлабки қадамларини кўриши мумкин ва, табиийки, уни бу ишда қўллаб-қувватлай бошлайди.

«Изчиллик эффекти» маълумотлар зиддиятли бўлган тақдирда инсон қиёфасини ва у тўғрисидаги тасаввурни шакллантиришга биринчи навбатда келиб тушган маълумотлар энг кўп таъсир кўрсатишида намоён бўлади. Агар бу таниш одамга дахлдор бўлса, аксинча, яъни энг охиргилари кўп таъсир кўрсатади.

«Стереотиплаштириш эффекти» идрок этилаётган кишини муайян ижтимоий гуруҳга хос хислатлар унга ҳам хос деб баҳолашда намоён бўлади. Ҳар биримизда муайян ижтимоий стереотиплар – ўқитувчи, ҳарбий киши, жиноятчи каби гуруҳларнинг стереотиплари мавжуд. Муайян гуруҳ вакилига дуч келганда, биз олдиндан ушбу гуруҳ кишиларига хос муайян хислатларни унга ҳам хос деб қабул қилариз. Кўпинча бундай стереотипдан халос бўлиш жуда қийин бўлади.

Ижтимоий идрок этиш эффектлари *ижтимоий майл* (установка) билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, унинг пайдо бўлишига олиб келади. Ижтимоий майлнинг ўзи инсоннинг бошқа одамни идрок этишга ичидан тайёр бўлиши сифатида таърифланиши мумкин. Нотаниш киши ҳақида таассуротнинг шаклланишида майлнинг аҳамияти айниқса катта. Фанда А.А.Бодалевнинг ижтимоий майлнинг аҳамиятини очиб берган тадқиқотлари яхши маълум.

Тадқиқотлардан бирида икки гуруҳ одамларга айна бир кишининг сурати кўрсатилган. Аммо суратни кўрсатишдан аввал биринчи гуруҳга суратдаги кишининг ашаддий жиноятчи, иккинчи гуруҳга эса қаҳрамон эканлиги айтилган. Шундан сўнг ҳар бир гуруҳга фотосуратдаги кишини сўз билан тасвирлаб бериш таклиф этилган. Биринчи гуруҳ уни қуйидагича тавсифлаган: чуқур кўзлари яширин ёвузлигидан, бўртиб чиққан энгаги жиноятда «охиригача боришга» қарор қилганлигидан дарак беради ва ҳоказо. Иккинчи гуруҳда айнан ўша чуқур жойлашган кўзлар тафаккурнинг теранлигидан, туртиб чиққан энгак эса қийинчиликларни енгишдаги ирода кучидан дарак беради, деб баҳоланган.

Ички ишлар органлари ходимлари ўз фаолиятларида шахслараро идрок этиш хусусиятларини инобатга олишлари, ижтимоий идрок эффектларининг салбий таъсирларини йўқ қилишга, ўзида ва тергов қилинаётган воқеага дахлдор шахсларда ижтимоий майлнинг пайдо бўлишига йўл қўймасликлари жуда муҳим. Масалан, терговчи таниб олувчини таниб олишга тайёрлаш чоғида «Ҳозир сизни тунаган жиноятчини таниб олишингиз керак» каби иборалардан қочиши лозим. Бундай иборалар жиноятчини идрок этишга майллик юзага келишига олиб келади, агар таниб олинаётган шахснинг қиёфаси «жиноятчи» стереотипига мос келмаса, бу таниб олиш натижаларининг нотўғри чиқишига олиб келиши мумкин. Бундай ҳолларда «Ҳозир сиз кўрсатилган шахслар орасида сизнинг пул солинган ҳаменингизни тортиб олган одамни таниб олишингиз керак» каби нейтрал иборалардан фойдаланиш керак. Бу майлнинг салбий таъсири имкониятини камайтиради².

Суҳбатдошларнинг бир-бирига бўлган қизиқиши, тенг муносабатлар учун очиқлик даражасига кўра мулоқотнинг қуйи, ўрта ва юқори даражалари фарқланади.

Мулоқотнинг қуйи даражалари қуйидагилардан иборат:

Примитив даража – асосий белгиси суҳбатдошга шунчаки бир муносабатда бўлиш. Бу буюм примитив даражада мулоқотга киришишга инсон учун керак бўлган буюм ёки халақит бераётган буюм бўлиши мумкин. Агар керак бўлса, уни эгаллашга ҳаракат қилади, халақит бераётган бўлса, уни улоқтириб ташлашга интилади.

Манипулятив даража – мулоқот иштирокчиси суҳбатдошини

² Асямов С.В., Пулатов Ю.С. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – Б.75-80.

рақиб деб билади ва албатта уни енгишга ҳаракат қилади. Мотивулятор онгли ёки онгсиз равишда, моддий ё психологик манфаатни кўзлаб, турли махсус усуллар билан суҳбатдоши устидан ғалаба қозонишга уринади. Манипулятив даражанинг муҳим белгиси шуки, унда суҳбатдош шахсининг заиф томонларига қизиқиш кучли бўлади.

Стандартлашган даража – суҳбатдошга нисбатан қизиқиш мавжуд бўлиб, бу қизиқиш суҳбатдошнинг муайян ижтимоий ролга эгаллиги билан характерланади. Стандартлашган даражада мулоқот иштирокчилари ўртасида «ниқоблар алоқаси» амалга ошади. Ниқоб турлари:

а) «ноль ниқоб» – «мен сизга тегмаяпман, сиз ҳам менга тегманг», деган маънони, бифарқлик, иштироксизлик ниқоби;

б) «йўлбарс ниқоби» – «менга тегиб кўрингчи» деган маънони англатувчи кўрқитишга қаратилган ниқоб;

в) «қуён ниқоби» – «мен жуда кучсизман, менга тегманг» деган маънони англатувчи ниқоб;

г) «масхарабоз ниқоби» – «мен ҳеч нарсани билмайман, менга тегишнинг ҳожати йўқ» деган маънони англатувчи, ўзини анқов, гўл қилиб кўрсатишга ҳаракат қилувчилар ниқоби.

Мулоқотнинг ўрта даражаси қуйидагилардан иборат:

Конвенционал даража – қуйи ва юқори даражалар оралиғидадир. Унда илк бора суҳбатдош шахсига нисбатан қизиқиш, қисман бўлса-да (суҳбат рўй бераётган вазиятдагина) очиқлик пайдо бўлади. Конвенционал даражаги мулоқот, тўлақонли, суҳбатдош ҳақида қайғуриш, унинг ўрнига ўзини қўйишга тайёргарлик вужудга келадиган мулоқотдир.

Мулоқотнинг юқори даражаси қуйидагилардан иборат:

Ишчан даража – суҳбатдошнинг асосан ишчанлик хусусиятларига нисбатан қизиқиш бўлади. Ишчан даражада суҳбатлашиб инсонлар ўз муносабатларининг нафақат моддий натижаларига эга бўладилар, балки улар ўртасида анча барқарор ишонч ва боғланиш ҳислари шаклланади. Ёки аксинча, жуда кучли антипатия ҳам шаклланиши мумкин.

Ўйинли даража – суҳбатдош шахсининг хусусиятларига жонли, симпатияга асосланган, ҳеч қандай ғараз мақсадларни кўзламайдиган қизиқиш мавжуд бўлади. Ўйинли даража мулоқот иштирокчиларининг бир-бирига бўлган қизиқиши анча юқори бўлади, томонлар ўзини жудаям очиқ тутаяди, суҳбатдошлар бир-бирининг

«ролини» ўйнайди. Бу педагогик мулоқот учун анча самарали.

Маънавий даража – бу инсон мулоқотининг энг юқори даражаси бўлиб, унда суҳбатдош шунчаки бир инсон эмас, балки юксак ҳурматга сазовор хислатларга эга, бетакрор руҳият соҳиби сифатида идрок этилади. Ана шу хислатлар суҳбатдошга нисбатан сўз билан таърифлаб бўлмайдиган унутилмас даражага етади ва муносабатда илиқликни уйғотади.

Шундай қилиб, мулоқотнинг *перцептив* томони одамларнинг бир-бирларини тўғри идрок этиш ва тушуниш жараёни ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, мулоқот одамларнинг жамиятда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларининг ички психологик механизмини ташкил этади. Қолаверса, ҳозирги янги демократик муносабатлар шароитида одамларнинг муомала маданияти ва мулоқот техникаси меҳнат унумдорлиги ҳамда самарадорликнинг муҳим омилларидан биридир.

2-§. Мулоқот воситаси ва коммуникатив таъсир этиш усуллари

Одамлар бир-бирлари билан муомала қилишар экан, уларнинг асосий кўзлаган мақсадларидан бири ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатиш, яъни фикр-ғояларига кўндириш, ҳаракатга чорлаш, установкаларни ўзгартириш ва яхши таассурот қолдиришдан иборат.

Психологик таъсир – бу турли воситалар ёрдамида инсонларнинг фикрлари, ҳиссиётлари ва хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсата олишдир.

Ички ишлар органлари ходимлари хизмат фаолиятларини амалга ошириш жараёнида мулоқот орқали ўз хизмат бурчини бажаради ва ушбу мулоқот қонун асосида тартибга солинади. Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида нафақат «тил», юқорида айтиб ўтганимиздек, имо-ишора, энг асосийси, мулоқот давомида шахснинг юзидаги ўзгаришлар ҳам муҳим ҳисобланади.

Ички ишлар органлари ходимларининг мулоқоти қуйидагиларни ўз ичига қуйидагиларни олади:

- 1) бевосита касбий вазифани бажаришга йўналтирилганлиги;
- 2) ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинганлиги;
- 3) махсус объектнинг мавжудлиги;
- 4) психологик тўсиқларнинг мавжудлиги;

5) жинойтчиларнинг махсус тили ҳисобланмиш татуировкалар ва жаргонларни билиши ва ҳоказо.

Ҳар қандай мулоқот доимо объект билан субъектнинг бири-бирига мослашиш жараёнини қамраб олади.

Ҳар қандай ахборот фақат белгилар, аниқроғи, белгилар тизими орқали берилади. Коммуникатив жараёнда фойдаланиладиган бир қанча белгилар тизими мавжуд бўлиб, уларга мос тарзда мулоқот жараёнида фойдаланиладиган воситаларни таснифлаш мумкин. Нутқли (белгилар тизими сифатида нутқдан фойдаланилади) ва нутқсиз (турли нутқсиз белгилар тизимидан фойдаланилади) мулоқот воситалари фарқланади.

Мулоқотнинг психологик воситалари:

вербал (нутқ орқали) новербал (нутқсиз)

– оғзаки нутқ;

– имо-ишора;

– ёзма нутқ;

– мимика, пантомимика.

Нутқий мулоқот воситаси. Энг универсал алоқа воситаси инсон нутқидир. Чунки нутқ ёрдамида ахборот беришда хабар мазмуни энг кам даражада йўқотилади. *Нутқ* – вербал алоқа, яъни тил ёрдамида мулоқот қилиш жараёнидир. Нутқнинг *ёзма* ва *оғзаки* турлари мавжуд. *Оғзаки нутқ* диалогик ва монологик нутқларга бўлинади. *Диалог* – бирор масалани биргаликда муҳокама қилаётган ва ҳал этаётган суҳбатдошларнинг сўзлашуви. *Монологда* эса бир одам унинг глаётган бошқа одам ёки одамларга ахборот беради.

Ички ишлар органлари ходимлари хизмат фаолиятида мулоқотнинг нутқий воситаларидан фойдаланиш жуда муҳим ўрин тутди. Ходим хизмат фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан бевосита мулоқот жараёнида ёки турли хил ҳужжатларни тузишда ўз фикрларини тўғри ифодалаш, уларни тўғри баён этишига боғлиқ.

Амалиётдан маълумки, ҳар қандай жинойий фаолият асосида сир ва ёлғон ётади. Жинойтчи ўзининг криминал хатти-ҳаракатларига тайёргарлик кўрар экан, атрофдагиларни ўзига оғдириш ва ишончини қозонишда асл жинойий мақсадини яширишга уринади.

Гумонланувчи ёки айбланувчи сифатида қўлга олинган жинойтчи жинойий жавобгарликдан қочиш ёки ўзининг ғайриҳуқуқий ҳаракатларини яшириш мақсадида турли ёлғонларни ишлатиб, суриштирув ва тергов органларини чалғитишга ҳаракат қилади ҳамда реал фактларни нотўғри талқин қилади. Турли кучли мотивация асосида жинойт процессининг бошқа иштирокчилари ҳам ёлғон гапириши

мумкин (масалан, гувоҳ ва жабрланувчилар).

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, жиноят иши бўйича сўроқ қилинувчиларнинг кўрсатувлари куйидагича ифодаланади:

- индамаслик, мавҳумлик, ҳолат юзасидан шахсий ва бошқа иш-тирокчиларнинг ҳаракатларидаги баъзи элементларнинг келтирилмаслиги;

- ҳолат юзасидан деталь ва элементларга ўйлаб топилган қўшимчалар;

- жиноий ишнинг вақти, жойи оқибатларини изоҳлаб беришда алоҳида фрагментларнинг жой алмашиб, аралашиб кетиши;

- ўйлаб топилган ҳолат ва деталларнинг алоҳида элементлари ўзгариб кетиши.

Ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг психологик билимлари кишилар хулқ-атворидаги носамимий ва яширин ҳолатларни аниқлашда, шунингдек, жиноят ишини очишда муваффақиятли самара беради. *Ёлғон ва яширин ҳолатлар диагностикаси кишиларнинг нутқий ифодаси асосида қуйидагича таҳлил қилиниши мумкин.* Бундай усул рост ва ёлғон фикр билдиришдаги муайян мезон ва белгиларга асосланади.

Фикр билдириш мезонлари	Рост фикрлар	Ёлғон фикрлар
Компетентлик ва хабардорлик	Баъзан киши ўзининг билимлари, хабардорлиги доирасидан чиқади. У одатда, нафақат ўзининг, шахсий тажрибаси, балки бошқаларнинг тажрибаси, газета журналлардаги реал фактларга асосланган тарзда рост фикрларини ифодалайди.	Одатда киши ўзининг маълумоти доирасида тажриба ва малакаси, шунингдек, фантазиялаш қобилиятларига таянади. Бундан ташқари, уйдирмалар ҳаракатлардаги, реал ҳаётдаги, адабиёт ёки кинофильмлардаги типик вариантлар асосига қурилиши мумкин.

Фикрларнинг нутқий тавсифи	Киши реал дунёқараши, маълумоти ва ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб фикр билдиради.	Ёлғонда нутқнинг тузилишида фикрларнинг ёркинрок ифодаланиши учун мураккаб атамалар (хуқуқий, тиббий ва ҳ.к) билан бир қаторда, ўзининг билими, маълумоти-га хос бўлмаган тарзда луғат бойлигининг қўлланилиши билан характерланади.
Мулоҳазанинг ноёблиги	Рост мулоҳазаларда индивидуал ва ноёб характерга эга бўлиб, бунда деталлар, ҳодисалар ва конкрет иштирокчи шахслар мавжуд бўлади.	Ёлғон мулоҳазалар одатда схематик, стереотипик, алоҳида деталларсиз, конкрет кишиларсиз.
Ҳиссий бой ва ишончли фикрлар	Рост мулоҳазалар инсон нутқида доимо ҳиссий, ишончли ифодаланади. У рост гапиргани боис гапини бўлиш, фикрини, нуқтаи назарини ўзгартириш қийин.	Ёлғон мулоҳазалар ҳиссий саёз бўлади. Эмоциялар ташқаридан қараганда намо-йишкороналиги ва сохталиги билан ажралиб туради.

Мулоқот давомида кишиларнинг нигоҳига диққат қаратиш лозим. Маълумки, нормал алоқада инсонлар бир-бирига рост гапираётган вақтда мулоқот жараёнининг 2/3 қисми мобайнида нигоҳлар учрашади. Агар инсон носамимий тарзда бирор нарсани яширишга уринса, суҳбат давомида кўз нигоҳлари мулоқот даврининг 1/3 қисмида тўқнаш келади. Бу билан у нигоҳларини олиб қочишга уринади.

Суҳбатдошнинг узоқ чўзилган табассуми (лабнинг пастки ва юқори қисми бироз тортилган, чизик ҳосил қилади, табассум эса саёз) ташқаридан қараганда нозик туйғуларни акс эттиришга уринса-да, носамимий эканлиги ифодаланиб туради. Мудофаага шай позиция ва антогонизм (этимологияси: «қарши туриш, кураш») муло-

қот жараёнида оғиз ва жағ мускулларининг маҳкам сиқиб ёпилиши билан баҳоланади.

Нутқ мулоқотнинг универсал воситаси бўлса-да, у фақат фаолият тизимига алоқадор бўлган шароитдагина аҳамиятга эга бўлади, фаолиятга дахлдорлик эса мулоқотнинг бошқа – нутқсиз воситаларини қўллаш билан тўлдирилади.

Ушбу воситаларнинг биринчи гуруҳига мимика ва имо-ишора киради. *Мимика* – юзнинг мулоқот пайтидаги динамик ифодаси. *Имо-ишора* – жамиятда ишлаб чиқилган ва руҳий ҳолатни ифодалайдиган ҳаракат. *Пантомимика* – инсон гавдасининг мимика, имо-ишора, интонациялар билан бирга унинг психик ҳолатини, айниқса, ҳис-туйғуларини ифодаловчи ҳаракатларидир. Уларга қараб биз инсоннинг бирор-бир воқеага, шахсга, нарсага муносабати ҳақида хулоса қиламиз. Имо-ишора одамнинг истаклари, унинг ҳозирги вақтдаги умумий ҳолатидан дарак бериши мумкин.

Новербал мулоқот тизимлари коммуникация жараёнида муҳим роль ўйнайди. Айрим маълумотларга қараганда 80% ахборот имо-ишоралар, мимика ва пантомимика ёрдамида ифодаланади. Албатта, бу миқдор анча оширилиб кўрсатилган бўлиши ҳам мумкин. Аммо бир нарса равшанки, новербал белгилар мулоқот жараёнида ўта муҳим аҳамиятга эга. Бу белгилар нутқни тўлдиради, баъзида ўрнини босади ва коммуникатив жараён иштирокчиларининг эмоционал ҳолатини акс эттиради. Шунинг учун мулоқот давомида новербал сигналларни кузатиш ва уларнинг мазмунини тушуниш жуда муҳимдир.

Новербал мулоқотнинг кинетик белгилар тизимида имо-ишоралар, мимика ва пантомимикадан кенг фойдаланилади.

Айрим мисоллар: *рост сўзлаётган одам кафтлари очик ҳолда, ёлгон гапирётган одам эса уларни беркитишга ҳаракат қилади. Сухбатдошдан ўзини юқори тутиш белгиларидан бири, бутун кафт чўнтакда бўлиб, бош бармоқнинг ташқарига чиқариб қўйилганлигидир. Шубҳаланувчанлик одатда оғизни қўл билан ҳимоялаш, буринга тегиб қўйиш, қовоқларни силаб қўйиш, қулоқ ортини ёки бўйнини қашлаб қўйишда кўринади. Даҳанни силаб-силаб қўйиш қарор қабул қилишга қийналишни кўрсатади. Асабийлик ҳолати кишининг бирор нарсага, билак узуги, соати ва шу кабиларга ҳеч қандай мақсадсиз қайта-қайта тегиб туриши остига яширинади. Стулнинг устига «миниб», оёқларни кенг ёзиб ўтиришдан одамдаги доминантликка*

мойилликни сезиш мумкин. Олдинга чиқарилган оёқ, айниқса, уни учи билан ер тепсинаётган бўлса, доминантлик яққол намоён бўлади. Бош орқасига чалиштирилган қўллар, аёлларда белга тиралган мушталар ҳам доминантликка интилиш муносабатидан дарак беради. Кийимдаги йўқ чанглари қоқувчилар бундай ҳаракат билан суҳбатдош фикрига эътиборсизлигини ёки қўшилмаслигини кўрсатади. Одам вазият тўла ўзининг назорати остида деб ҳисоблаганда қўллари бошининг орқасига ўтказиб, оёқларини чалиштириб ўтирадилар. Ўтирганда қўлларни тиззага қўйиш ҳаракатга дарҳол тайёргарликни билдиради. Суҳбатни тугатмоқчи бўлган одам қўллари тиззасига қўйиб, қаддини бироз олдинга эгади. Одам гапира туриб оёқдан оёққа кўчираверса, тезроқ кетишга ҳаракат қилинаётганлигини, суҳбат унга ёқмаётганлигини ёки шошаётганлигини тахмин қилиш мумкин. Кўкрак қафасини беркитиш ҳимоялаш аломатидир. Бунда қўллар кўкрак қафасида чалиштирилган, қаддиқомад эгилган бўлиши мумкин, агар одам даҳанини кафти билан тираб ўтирган бўлса, бу кўпинча диққат билан тингланаётганлиги ва ўйланиб қолганлигини билдиради.

Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан муносабатга киришишда кескин қарорлар қабул қилишга тўғри келади. Уларнинг жиноятга алоқадор ёки унинг ўзи жиноят содир этганлигини аниқлаш керак бўлади. Жиноятни содир этган шахслар доимо ўзларининг ҳақ эканликларини айтишади.

Шундай қилиб, кишилардаги самимийликни, хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ индикаторлар асосида уларнинг қандай ҳолатда эканликларини қандай аниқлаш мумкин?

Суриштирув-тергов ҳаракатларини олиб боришда жиноят содир этган шахс сизга ёлғон гапириши ва носамимийликни кўрсатиши мумкин.

Жиноят содир этган шахс қилмишни содир этишида қўлга тушиш оқибатларини яхши билади ва кўп йил қамокда бўлиши мумкинлиги унда кўрқувни юзага келтиради. Бу кўрқув суриштирув ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш вақтида ташқи аломатлар билан ўзини «сотиб» қўйиши мумкин.

Киши ёлғон гапираётганда стресс ва зўриқишни ҳис қилади. Қамокқа тушиб қолишдан кўрқиш организмга кучли таъсир кўрсатади ва инсонда хавфга қарши психик реакция кузатилади.

Инсон организми хавфга қарши уч йўл билан тайёрланади:

– кўрқув ёки хавф организмда (неврозлик асосида) ҳимоя механизмини ишга солади, уни ҳимоя реакциясига тайёрлайди;

– шу вақтда организм хавфга қаршилик кўрсатиш учун мудофаага ўтади;

– организм хавф билан боғлиқ кечинмалардан ўзини ҳимоялаш позициясига ўтади.

Юқоридаги ҳолатлар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз инсон организми стресс ҳолатида бўлган вақтдаги унинг самимий ёки носамимийлигини аниқлашга ёрдам беради.

Бу ҳолатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш қобилияти психологиянинг *кузатув методи* асосида ташкил этилади.

Новербал ҳаракатларни ифодалаш қийин эмас. Бунда атрофдагиларнинг хотиржамлигига хавф солувчи ҳолатлардаги ихтиёрсиз равишда юзага келадиган реакциялар ҳақида маълумотга эга бўлиш керак бўлади.

Вербал мулоқот бу – нутқ билан боғлиқ мулоқотнинг шакли бўлса, новербал мулоқот эса нутқсиз, имо-ишора, эмоция, жест ва пантомимик ҳаракатларда намоён бўлувчи мулоқот шаклидир.

Аввал айтганимиздек, хавф вақтида мия организмга ҳимоялашиш учун буйруқ ёки сигнал беради. Шунинг учун ҳам организм метобализмида тезлашиш жараёни кечади. Хавф вақтида юрак уриши тезлашади ва қон босими кўтарилади. Қонга адреналин ажралади ва у мияга, мушакларга ҳамда ўпкага тақсимланади.

Мана шу жараёнлар содир бўлгани учун ҳам нафас олиш тезлашади. Метабализмнинг тезлашиши иссиқлик ҳароратини келтириб чиқаради, натижада эса терлаш ҳолати содир бўлади. Метабализм тезлашиши оқибатида инсонда невроз ҳолатининг белгилари намоён бўлади. Неврознинг ташқи белгилари орқали кишиларнинг ҳолатини билиш имкони туғилади. Буни оддий *кузатиш методи* орқали амалга ошириш мумкин.

Неврозда хулқ-атвор ва хатти-ҳаракат организмнинг турли қисмида содир бўлиши мумкин. Инсон танасининг кўп қисми бизга ёлғон ишлатиш натижасида кўрқув ва хавфнинг юзага келганлиги ҳақида маълумот беради.

Бу қисмлар: юз қисми; бош ва бўйин; қўл ва оёқ; тана; овоз интонацияси.

Бу тана қисмларга қараб кишининг стресс ҳолатида эканлиги ёки эмаслиги ҳақида маълумот олиш мумкин. У эҳтимол ёлғон гапи-

раётган бўлиши мумкин. Эътибор бериш керакки, ҳеч қайси бир индикатор кишининг ёлғонидан алоҳида хабар бермайди. Ҳар бир индикаторнинг комбинациясига қараб, унинг намоён бўлиш вақти ва ҳолатига қараб ёлғон гапирётган кишини аниқлаш мумкин.

Кўзни кўп пирпиратиш ва ён-атрофга олиб қочиш асабийлашишдан далолат беради. Кузатув мобайнида аҳамият берингки, киши 1 дақиқа давомида 6-8 мартагача пирпиратиши мумкин.

Невроз ҳолатида бошнинг қон босими кўтарилиши кузатилади. Юз қизариши ёки аксинча оқариб кетиши ҳам мумкин. Бунинг сабаби организм юзни керакли даражада кислород билан таъминлаб бера олмайди. Кислород етишмаслиги нафақат юзнинг оқариши, балки яна бошқа аломатларни ҳам юзага келтириши мумкин.

Одатда, эснаётган одамни биз чарчаган деб ҳисоблаймиз. Аммо кишиларни кўрқув ҳолатида ҳам эсноқ тутади. Тезлашган метаболизм организмда кўп кислород сарфланишига сабаб бўлгани учун кўп эснашади. Эсноқ организмни кўпроқ кислород билан тўйинишига имкон беради.

Кишида носамимийлик оқибатида вужудга келадиган кўрқув организмда стресс ва зўриқишни ҳамда жисмоний ўзгаришларни юзага келтиради.

Лаб соҳаси ҳам стресс ва зўриқишларни кўрсатувчи индикаторлар ҳисобланади. Метаболизм тезлашиши натижасида организм кўпроқ сув талаб қилади. Бу эса оғиз бўшлиғида ва томоқда қуришни келтириб чиқаради. Лабни ялаш ва кўп ютиниш организмнинг сувга эҳтиёж сезаётганлигини билдиради.

Организмни интенсив ишлашга мажбур қилувчи ва кўп кислородга эҳтиёж сезиш жараёни ҳам организмнинг қизишига сабаб бўлади. Агар сиз ўтирган жойнинг ҳарорати терлаш даражасида бўлмаса, демак, билингки, кишининг терлаши стресс ва зўриқиш туфайли содир бўлади.

Кишининг боши ва юз қисми кўринарли жойда жойлашган бўлгани учун бу қисмларни назорат қилиш мумкинлиги боис турли қиёфага кириши мумкин. Бошқа тана қисмларини назорат қилиш мушкулроқ бўлгани учун улар ўзларини беихтиёр сотиб қўядилар.

Новербал ҳаракатларнинг қўллар мисолида таҳлили қуйидагича бўлиши мумкин. Тирноқларни ўйнаш, бармоқларни кўп қимирлатиш, соат, узук каби буюмларни ушлаш, терни артиш, кафтларни бир-бирига ишқалаш, доимий қичиниш буларнинг барчаси қўл

соҳасида юзага чиқувчи невроз ҳолатининг белгиларидир.

Тананинг ғужанак бўлиши унинг зўриқишидан, носамимийлигидан хабар беради.

Организмнинг ҳаракатланишга шайлиги бир вақтнинг ўзида унинг беихтиёр ҳимояга тайёрланишини ҳам таъминлайди. Организмнинг мудофаа позициясида тана ўзини хавф-хатар ёки оғриқни сезмаслик учун (блокировка) ёпиқ ҳолатга ўтади.

Шахснинг кўлларини кўкрак қафаси олдида жипслаштириш ёки қовуштириши ходим назоратидан ўзини мудофаа қилишга уринишидир.

Кўлларнинг қовуштирилиши ёки блок ҳолати мудофаа, ҳимоя вазифасини ўтайди.

Танасини четга ўгиришга уринаётган киши ходимдан ўзини тортаётганлигини англатади. Бу мудофаа позициясининг яна бир кўриниши ҳисобланади. Мудофаа позициясининг яна бошқа бир кўринишида бу тана информация беришдан қочади ёки ўзини ҳимоя қилишга уринади. Бу асосан юзда ифодаланади.

Ёлғон вақтида инсонлар стрессга юз тутишлари мумкинлиги учун улар онг остида (беихтиёр) ўзларини юпатадилар ёки кўнгиллари кўтаришга ҳаракат қиладилар. Улар тананинг бир қанча жойларига худди она боласини овулгандай тегинишлари мумкин.

Эътибор бериш керак бўлган яна бир индикатор – берилган саволга жавоб беришда инсон стресс натижасида нигоҳни бир нуқтадан бошқасига тез-тез кўчириши ҳам кўзини олиб қочиши мумкин. Кўзни олиб қочиш – киши сизни тингламаётгани ёки сизнинг иштирокингизни ҳис қилмаётганидан дарак беради.

Кишининг кўзларини олиб қочиши, одамга қараб гапирмаслиги доим ҳам шубҳа уйғотмаслиги керак. Айрим инсонлар шундай тарбияланган бўладилар ёки аксинча сўзлашув давомида фақат кўзларга қараб гапиришлари мумкин. Аммо аҳамият бериш керакки, киши кўзларини олиб қочиши бу унинг носамимийлиги ёки нимадир яшираётганлигидан далолат беради. Киши ёлғон сўзлаётганда суҳбат давомийлигининг 1/3 қисмидагина нигоҳлар тўқнаш келади.

Мулоқотда суҳбатдошларнинг кўз қарашлари – визуал контактлари ҳам катта аҳамиятга эга. Визуал контакт – бу қарашлар сони, уларнинг узоқлиги, қарашлардаги статика ва динамик алмашинувлар, кўзини олиб қочишлар ва бошқалардан иборат. Аргайл шулардан келиб чиқиб, «яқинлик (интимлик) формуласи»ни ишлаб чиқ-

қан ва бунда интимлилик даражаси суҳбатдошлар ўртасидаги масофага ва кўз қарашларга боғлиқлигини исботлаган. Чунки кўз қарашлар суҳбатдошнинг мулоқотга тайёрлиги, уни давом эттириш керак ёки керак эмаслиги ҳақида маълумот бериб, суҳбатнинг йўналишини белгилайди.

Яна бир муҳим таъсирчан белгилар мажмуини ўзига мужассам этган соҳа – бу юзимиздир. Илмий адабиётда юз қиёфасининг 2000 дан зиёд қирралари аниқланган. Уларни маълум тартибда тизимга солиш учун П.Экман «FAST» – *Facial Affect Scoring Technique* деб номланган методикани ҳам таклиф этган. Унга кўра юз уч зонага бўлинади: I – кўз ва пешона, II – бурун ва бурун олди, III – оғиз ва ияк зонаси. Уларнинг ҳар бирида турлича бўладиган 6 хил эмоционал ҳолатлар ажратилади: қувонч, жаҳл, хайрат, кўрқув, ғам ва нафрат.

Визуал алоқа кўзлар орқали амалга ошириладиган алоқадан иборат. Айрим маълумотлар: *психологик тажрибалардан маълум бўлишича, суҳбатдошлар бир-бирини кўзларига тиқилиши билан ўзидаги ёқтириш, садоқат ёки аксинча, агрессив реакцияларга тайёргарликни ифодалайди. Визуал алоқа мулоқот иштирокчилари орасидаги масофа катта бўлганда ҳамда таниш одамлар ўртасида узоқроқ давом этади. Ёқимсиз суҳбат давомида одамлар кўзлар тўқнашувидан ўзларини сақлайдилар. Аёллар эркекларга нисбатан визуал алоқага кўпроқ мойилдирлар. Одамнинг эмоционал ҳолати таъсирида кўз қорачиги кенглиги ўзгаради. Салбий эмоциялар таъсирида қорачиқ тораяди, ижобий эмоциялар таъсирида эса кенгаяди. Мутахассислар маслаҳатида кўра, ижобий ва ишончли муносабат ўрнатилиш учун суҳбатдошлар визуал алоқани бутун мулоқот вақтининг 60-70%ни эгаллаши керак. Одам самимий бўлмаса, ёки уялаётган бўлса, визуал алоқа бутун мулоқотнинг 1/3 ни эгаллайди. Бордию, визуал алоқа бутун мулоқот вақтининг 2/3 қисмини эгалласа, бу ҳолат одамга нисбатан қизиқиш кучлилигини кўрсатади (бунда кўз қорачиги кенгаяди), ёки одамга нисбатан салбий муносабат кучлилигини кўрсатади (бунда кўз қорачиги тораяди). Аммо визуал алоқа кузатувида миллий хусусиятларни ҳам инобатга олиш керак. Жанубий Европа халқларида суҳбатдошнинг кўзларига узоқроқ тиқилиш одатий ҳолатдир. Баъзиларга бу ҳақорат бўлиб туюлиши мумкин. Японлар юзга нисбатан бўйинга кўпроқ қарайдилар. Узлукли визуал алоқа самаралидир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ви-*

зуал алоқа 10 сониядан ортмаслиги керак. Визуал алоқанинг оптимал варианты суҳбатдошларнинг юзма-юз эмас, маълум бурчак остида (тажрибалар натижасига кўра 90 градус) бир-бирига юзланишидан иборат. Бундай жойлашиш тикилиб туришга мажбур қилмайди ва ҳаракатларнинг эркин бўлишини таъминлайди.

Демак, новербал мулоқотда бир қанча белгилар тизимларидан фойдаланилади. Улардан фойдаланиш кўпинча онгсиз амалга ошади.

Сочни силаш, соқол, мўйлабни сийпалаш; юз, даҳан соҳаларини силаш, қулоқни тортқилаш, бурунни ишқалаш кабилар инсоннинг ўзини ўзи овутишга уриниши ёки ёлғондан ҳимояланиш воситасидир.

Мулоқотнинг нутқсиз воситасига кирувчи бошқа гуруҳини *вокаллаштириш* тизими, яъни овоз сифати, унинг диапазони, тоналлиги ва бошқалар ташкил этади. Ушбу қўшимчаларнинг ҳаммаси ахборотнинг аҳамиятини оширади ва ўзига хос нутққа қўшилган «қўшимча» вазифасини бажаради.

Жон Честара мулоқот жараёнида намоён бўладиган ва аниқ маъно ва моҳият касб этадиган новербал қилиқларга тасниф берган³:

1) агар суҳбатдошингиз бармоқлари билан столни тинмай чертаётган бўлса, демак, у бетоқат, ёки унга сиз билан суҳбатлашиш зерикарли, шунинг учун у асабийлашмоқда;

2) агар суҳбатдош елкаларини қисаётган бўлса, демак, уни сиз билан бўлган суҳбат бефарқ қолдирди, унга барибир;

3) агар у қўл бармоқларини қисаётган бўлса, демак, у нимадан-дир жуда хавотир, ўзини ҳимоясиз ҳис қилмоқда;

4) суҳбатдошнинг қўлларини мушт қилиб туриши ундаги вазоҳат белгиси, лекин у бу ҳолатни, баджаҳлликни назорат қилмоқчи;

5) агар суҳбатдошнинг қўллари беҳол бўлиб, кафтлари юқорига қаратилган тарзда олдинга интилган бўлса, демак, у нимадан-дир таажжубда, ташвишда, қийинчиликда;

6) агар шеригингиз костюмининг тугмаларини ечса, демак, у фаолликка ҳозирланган бўлади;

7) қўллар кўкракда боғланган бўлса, бу унинг чақириғи, нима-нидир муҳокама қилишга тайёрлиги рамзи;

8) агар одам тез юриб бораётиб, иякларини кўтарган ҳолда қўлларини эркин ташлаб қўйган бўлса, демак, у ўзига ишонади, у – қатъиятли;

9) одам кетаётганда, икки қўли чўнтакда, боши эгик бўлса, де-

³ Жон Честара. Деловой этикет. – М., 1997. – Б.26.

мак унинг руҳияти тушкунликда, хафа, депрессия ҳолатида бўлади;

10) қўл кафтларининг чаккага қўйилганлиги унинг нимагадир жуда ҳайратланиб, қизиқаётганлигининг белгисидир;

11) агар суҳбатдош қўл мушти билан ўзининг иягига ураётган бўлса, у ниманидир аниқламоқчи, ташвишда бўлади;

12) агар одам бурнига тегинса ёки уни ишқалаётган бўлса, демак, у ниманидир устида ўйламоқда;

13) агар суҳбатдош қўлини белига тираб олган бўлса, демак, у ўзининг устунлигини билдириб, очик гаплашиб олишга чақираётган бўлади;

14) агар қўлларининг учларини бирлаштириб «уйча» шаклини эслатаётган бўлса, бу унинг ниманидир ўйлаётганлиги ёки нимагадир қизиқаётганлиги рамзидир;

15) агар сиз гапираётганингизда суҳбатдош бошини ёнбош қилиб тингласа, демак, у жиддий эмас, ҳазилга мойил;

16) агар суҳбатдош кўз ойнагини бурун устига тушириб, тепасидан қараса, бу унинг сиздан кўпроқ маълумотларни кутаётганлиги белгисидир;

17) одам у ёқдан бу ёққа бориб келаётган бўлса, демак, у нимадандир ташвишда, асабийлашмоқда;

18) агар одам қаншарини босаётган бўлса, демак, у чарчаган (агар кўзойнаги қисмаётган бўлса);

19) агар одам стулнинг қирғоғига ўтириб олган бўлса, бу ё сабрсизлик билан кутаётганлиги, ёки нимагадир қизиқиш билдираётганлиги рамзидир;

20) одам оёқларини бир-бирининг устига қўйиб олиб, оёғини енгил тебратаётган бўлса, демак, у зерикмоқда;

21) агар одам кўрсатгич бармоғи билан ўкталиб, ўзига хос тарзда ҳаракат қилаётган бўлса, у ўз қарашини таъкидламоқчи;

22) агар одам оёқларини хонтахта ёки стол устида устма-уст қўйиб ўтирган бўлса, у бошқаларда ўзига хос таассурот қолдирмоқчи, ўзининг тобе эмаслигини кўрсатмоқчи;

23) агар одам ўзини орқага ташлаб, қўлларини бир-бирига боғлаб, бўйнида ушлаган бўлса, демак, у дам олмоқчи, ва бошқаларда таассурот қолдирмоқчи;

24) гапираётган пайтида оғзини беркитиши, унинг «тушунингиз шарт эмас» дегани.

25) одамнинг бир қўлини орқага қилиб, бошқа қўли билан тир-

сагини ушлаб туриши, унинг тажанглиги ва биров билан гаплашиш хоҳиши йўқлигини билдиради» (кўрсатилган адабиёт: 174-175-б.).

Шундай қилиб, биз одатий, табиий деб идрок қилган мулоқотда ҳам кўплаб сирлар, ўзига хос нозик томонлар борки, уларнинг барчаси биздан мулоқотда билимдонликни, ўзгаларга ва ўзимизга эътиборлироқ бўлишимизни талаб қилади.

Овоз кишиларнинг айни вақтдаги ҳолатини (характери, темпераменти, ҳис-туйғулари) атрофдагиларга англатади. Овознинг тони шахснинг эмоциясини билишга ёрдам беради (ғазаб ва қайғу – енгилроқ, рашк ва невроз – оғирроқ).

Асаблари таранг ҳамда хавотирли ҳолатларда шеригимизнинг ҳам овоз тембри бир неча бор ўзгаради. Бу факт «Ёлғон детектори»-нинг контактсиз намуналарида муносиб қўлланилади. Маълумот олинишида, овознинг кучи ва даражасига эътибор беринг:

➤ аниқ, баланд овоз – ғайрат, иштиёқ, хурсандчилик, ишончсизлик;

➤ баланд, кучли ва юқори диапазонидаги овоз – ғазаб ва кўрқув;

➤ жуда юқори чинқироқ овоз – хавотирни;

➤ юмшоқ, оҳиста, ҳар бир фразанинг охирида интонациянинг пасайиши билан ифодаланадиган овоз – ғам, қайғу, чарчоқ;

➤ овоздаги олифтагарчилик – зўриқиш, ёлғон;

Новербал товушлар аҳамиятга эга маълумотларни беради:

➤ ҳуштак (беихтиёр чалиш) – ишончсизлик ёки хавфсираш;

➤ кутилмаганда хахолаб кулиш – зўриқиш;

➤ овознинг кутилмаганда қисилиб чиқиши – зўриқиш;

➤ доимий йўтал тутиши – ёлғон, ўзига ишончсизлик, ташвишланиш.

Шунингдек, беихтиёр реакциялар ҳам мавжуд бўлиб, уларни назорат қилиш жуда қийин (зеро, уларни турли усуллар билан яширишга уринишади), бироқ маълумот олишда анча аҳамиятли ҳисобланади. Баъзи реакциялар «ёлғон детектори» каби ташхис аппаратларида аниқланади.

Бундай реакциялар қуйидагича кўринишда бўлади:

✓ юзнинг қизариши – уят, ғазаб;

✓ оқариб кетиш – кўрқув, айбдорлик ҳисси;

✓ қорачиқнинг кенгайиши – қизиқиш, қониқиш ҳисси, розилик, кучли оғрик;

- ✓ қорачиқнинг торайиши – қоникмаслик, рад қилиниш;
- ✓ қўл ва бўйин соҳаси артериясида пульснинг кучли уриши – (юрак уришининг фаоллашуви билан бўйинбоғни бўшатишга уриши) хавотир, кўрқув, уят, ёлғон;
- ✓ пульс частотасининг пасайиши – диққатнинг ошиши;
- ✓ тез-тез ва юзаки нафас – ички зўриқиш;
- ✓ бурундан қисқа-қисқа нафас олиш – жаҳл;
- ✓ нафас олишнинг бузилиши, томоқнинг қисилиши, тупукни рефлексив ютиниш – ваҳима, уят, ёлғон;
- ✓ оғизнинг қуриши (ютиниш, лабни ялаш, ташналик...) – кўрқув, ёлғон;
- ✓ тўсатдан тишларни кўрсатиш – қаҳр, тажовузкорлик;
- ✓ терламоқ, тер – ғазаб, хижолат бўлиш, нервозлик, ёлғон;
- ✓ титроқ (қўл, оёқ бармоқларида, юз мушакларида) – ички зўриқиш, кўрқув, ёлғон;
- ✓ пирпираш – қўзғалиш, ёлғон;
- ✓ қориннинг ғулдираши – кўрқув (доим ҳам эмас, вазиятга қараб...);
- ✓ тишларни ғижирлатиш – кучли невроз, стресс, ўйлаганни амалга ошира олмаслик.

Бундай реакциялар аёлларга нисбатан эркакларда аниқроқ ифодаланади ва кузатиш имкони кўпроқ бўлади.

Эслатма: ҳар қандай психофизиологик диагностикада симптоматик ҳолатлардан ташқари вақт, жой, вазият, ҳолат каби параметрларга аҳамият бериш лозим (масалан, ҳарорати 39^0 бўлган беморда оғиз қуриш, терлаш, кўзларнинг пирпираши, юзнинг қизариши каби ҳолатлар рўй беради).

Нутқсиз воситаларнинг *учинчи гуруҳига* коммуникатив жараённи ташкил қилишнинг макон ва замони киради. Улар ҳам махсус белгилар тизими бўлиб, коммуникатив тизимнинг таркибий қисмлари сифатида маънога эга. Сўнгги вақтларда психологик тадқиқотларда мулоқотга киришувчи шахслар ўртасидаги оралиқнинг коммуникатив аҳамиятига ва мулоқот самарадорлигининг иштирокчилар жойлашувига боғлиқлиги масалаларига эътибор берилмоқда. Мулоқотга киришувчилар ўртасидаги масофаларнинг тўрт тури фарқланади: *интим* (0–0,5 м), *шахсий* (0,5–1,5 м), *ижтимоий* (1,5–3 м), *оммавий* (3 метрдан ортиқ).

Ходим масофани ўзгартириш орқали гумон қилинувчи, айбла-

нувчи, гувоҳ кабиларга қўшимча таъсир кўрсатишга эришиши мумкин, чунки бу билан шериклар ўртасидаги муносабатлар хусусияти ўзгаради⁴.

Мулоқот, шунингдек, индивидларнинг бир-бирларига коммуникатив таъсирининг муайян усулларини ҳам ўз ичига олади.

Таъсир этиш усулларининг қуйидаги турлари фаркланади:

Юқимлилиқ – таъсир кўрсатишнинг кишилар оммасини муайян тарзда, айниқса оммавий тартибсизликлар, диний жазавалар, оммавий психозлар билан боғлиқ равишда интеграция қилувчи махсус усули.

Умумий тарзда юқимлилиқни индивиднинг онгсиз, ихтиёрсиз равишда муайян руҳий ҳолатларга тушишга мойиллиги сифатида таърифлаш мумкин. У муайян ҳиссий ҳолатнинг бировга ўтказилишида намоён бўлади.

Ишонтириш – исботсиз тасдиқланадиган ёки инкор этиладиган хабарларни танқидий қарашсиз қабул қилишга қаратилган коммуникатив таъсир кўрсатиш усулидир. Ушбу психологик ҳодиса ҳақидаги билимлар ривожининг ҳозирги босқичида «ишонтириш мантикий исботлашсиз шаклланган ишончга таянади ва индивиддан индивидга, жамоадан шахсга берилади ёки аксинча, аниқроқ айтганда, автоматик тарқалади», деган қоидага асосланилади. Инсон ишонтириш таъсирига ихтиёрсиз тушиб, ўзи англамаган ҳолда ҳаракат қила бошлайди. Ички ишлар органлари ходимлари хизмат фаолиятида таъсир этишнинг ушбу усулидан жуда эҳтиёт бўлиб фойдаланишлари керак, баъзан (масалан, тергов ҳаракатларини ўтказиш чоғида) ундан фойдаланиш қонун билан тақиқланади.

Ишонтириш ички ишлар органлари ходимларининг фуқароларга кўрсатадиган асосий таъсир усули бўлиши керак. Ундан фойдаланишнинг муваффақияти қуйидагиларга боғлиқ:

- таъсир кўрсатувчи шахснинг шахсий ишончи;
- унинг тайёргарлиги ва билими;
- хабар берилаётган фактлар, ҳодисалар, ҳаракатларнинг тўғрилиги, аниқлиги ва ишончилиги;
- фойдаланилаётган фактларнинг характерли, типик бўлиши;
- одамларни ўзига нисбатан мойил қилиш, уларнинг ишончини қозониш;

⁴ *Асямов С.В., Пулатов Ю.С.* Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – Б.76.

– таъсир кўрсатувчи шахснинг талабчанлиги, унинг вазминлиги ва одоби.

Эътиқод мавжуд қарашлар, майллар, нуқтаи назарлар, муносабат ва баҳоларни ўзгартириш мақсадида у ёки бу қоида, қараш, қилмишнинг тўғрилигини ёки уларга йўл қўйиб бўлмаслигини мулоқот, тушунтириш ва исботлаш орқали одамларнинг онги, ҳис-туйғулари ва иродасига таъсир кўрсатиш бўлиб, коммуникатив таъсир кўрсатишнинг энг универсал усулидир. Эътиқод механизми инсон ақлий фаолиятини жадаллаштиришга, унинг мақсадга эришиш йўллари ва воситаларини онгли равишда танлашига асосланган. Кимнидир нимагадир ишонтириш, мантиқий мулоҳаза, хулоса чиқаришлар натижасида муайян нуқтаи назарга қўшиладиган ва уни ҳимоя қилишга ёки унга мувофиқ ҳаракат қилишга тайёр бўладиган ҳолатга эришишни билдиради.

Тақлид қилиш онгли ёки онгсиз равишда намунадан нусха олишдир. У гуруҳ, жамоани ташкил этувчи одамларнинг хатти-ҳаракатига хос бир хил усулларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Мулоқот жараёнида психологик-педагогик таъсир этишининг принциплари:

1) таъсир этиш шахснинг аниқ ўзига хос сифатларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак;

2) психологик таъсир этиш учун инсон психикасининг умумий қонуниятларини ва ривожланиш даражасини билиш керак;

3) таъсир этиш жараёни, унинг элементлари, оқибатларини олдиндан режалаштириш ва башорат қила олиш;

4) шахс томонидан унинг ижобий таъсирланиши рағбатлантириб борилиши керак;

5) таъсир этиш инсон ҳуқуқларини поймол этиши керак эмас;

6) шахсга таъсир этиш режалаштирилганида барча хатти-ҳаракатлари тизими аниқланиши ва ҳисобга олиниши керак;

7) таъсир этиш жараёнида ташқи таъсир этувчи омилларни ҳисобга олиш зарур;

8) таъсир этиш шахснинг ҳиссий ҳолатини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади;

9) таъсир этиш жараёни мобайнида шахснинг психологик фаоллигини таъминлаш зарур.

Психологик таъсир кўрсатиш усулларини қўллаш босқичлари:

Мулоқот жараёнида шахсга таъсир кўрсатишнинг бир қатор психологик усуллари қўлланилади. Уларни ходим ва фуқаро ўртасида юзага келадиган вазиятга кўра қуйидагича таснифлаш мумкин:

– шахслараро муносабатда низосиз вазиятларда қўлланиладиган усуллар;

– шахслараро муносабатда низоли вазиятларда қўлланиладиган усуллар.

Шахслараро муносабатда низосиз вазиятларда қўлланиладиган усулларга қуйидагилар киради:

– боғланганлик;

– ўхшашлик;

– қарама-қаршилик;

– ажратиш;

– парафраза (бошқа одамларнинг сўзлари билан айтиб бериш);

– кўргазмалилик.

Боғланганлик. Бунда воқеалар ассоциациялар (ўхшашликни яратиш принципи бўйича хотирланади (эслаб қолинади). Шахс хотирасида нарса ва ҳодисалар образлари ўртасидаги боғлиқлик ассоциациялари асосида идрок этилган тартибда ҳосил қилинади.

Ўхшашлик. Бу усул иш учун аҳамиятли, аммо унутилган тасаввур, фикр ва ҳиссиётларни бу ишга алоқаси бўлмаган, лекин ўхшаб кетадиган объект ёки тушунчаларни тақдим этиш орқали шахснинг хотирасида тиклаш учун қўлланилади. Масалан, сўроқ қилинаётган шахсга фотосуратни кўрсатиб, нафақат шахс ҳақида, балки унинг ҳаракатлари ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Қарама-қаршилик. Бу усулнинг моҳияти шундаки, бунда қарама-қарши объектлар (оқ – қора, катта – кичик ва ҳ.к.) қиёсланади. Масалан, агар ҳодиса қишда юз берган бўлса, унга ёзги даврни эслатиб, унутилган вақтни хотирасида тиклашига кўмаклашиш мумкин.

Ажратиш. Бу усул идрок этиш чоғида ҳосил бўлган алоқаларни ажратиш ҳамда айрим белги ва хусусиятларни (хоссаларни) аниқлашга асосланади.

Парафраза (бошқа одамларнинг сўзлари билан айтиб бериш). Шахс маълумотларни ўзи ўзлаштирмаган ёки бошқа одамлар томонидан айтиб берилган категория ва ифодаларда келтириши мумкин. Уларни текшириш учун ходимнинг илтимосига кўра шахс бу маълумотларни бошқа сўзлар билан такрорлайди, яъни бошқача қилиб айтиб беради.

Кўрғазмалилик. Бу усул шахс нарсанинг хусусият ва белгиларини сўзда ифодалашга қийналаётганида қўлланилади. Ушбу ҳолларда унга ранглар шкаласи, суратлар, моделлар тақдим этилади. Шахсга у сўз билан ифодалашга қийналаётган нарсани қоғозда тасвирлашни таклиф этиш мумкин.

Низоли вазиятларда қўлланиладиган усуллар:

- зўриқишни олиб ташлаш;
- зўриқиш ҳосил қилиш;
- шахсига хос фазилатлардан (ижобий хислатлардан) фойдаланиш;
- шахснинг ожиз томонларидан фойдаланиш;
- ёлғонга чек қўйиш;
- кутиш;
- афсонага йўл қўйиш;
- чақирик (даъват);
- кўққисдан саволлар бериш;
- изчиллик;
- диққатни чалғитиш;
- нутқ суръатини жадаллаштириш;
- нутқ суръатини пасайтириш;
- ходимнинг хабардорлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш;
- такрорийлик.

Зўриқишни олиб ташлаш. Кўпинча ички ишлар органлари ходимлари билан фуқаролар мулоқотга киришганида кучли ҳаяжонга тушади. Бунинг натижасида у маълумотларни изчил ва маъноли баён эта олмайди. Бундай ҳолат ноодатий вазият, хавотир ҳисси, ортиқча бир нарса айтиб қўйишдан кўрқиш кабилар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Зўриқишни олиб ташлаш учун унга вазиятга мослашиб олиши, хотиржам тинчланиши учун вақт бериш, сўнгра психологик алоқага киришиш зарур.

Зўриқиш ҳосил қилиш. Бундай ҳолатни ходим сўроқ қилинаётган шахснинг эмоционал соҳасига таъсир кўрсатиш, у танлаган йўлнинг тўғрилигига ишончини сўндириш орқали яратади. Агар сўроқ қилинаётган шахс ортиқча ҳиссий кўзғалувчан ва импульсив бўлса, бу усул жиддий натижалар беради.

Шахсига хос фазилатлардан (ижобий хислатлардан) фойдаланиш. Кўп ҳолларда шахснинг фазилатларига мурожаат этиш жинойатларни текширишда, айниқса ёлғон кўрсатувлар бераётган шахсларга нисбатан қўлланилганида фойда беради. Шу боис, сўроқ

қилинаётган шахснинг ҳалоллигини эслатиб, ўтмишдаги хизматлари, жамоадаги обрўсини таъкидлаб, уни сўроқ вақтида очик бўлиш ва ҳақгўйликка кўндириш мумкин.

Шахснинг ожиз томонларидан фойдаланиш. Шахс руҳиятининг ўзига хос жиҳатлари (жиззакилиги, кечинмаларга мойиллиги кабилар)ни ҳисобга олиб, сўроқ пайтида тўғри кўрсатувлар беришига эришиш мумкин. Ғазаб пайтида сўроқ қилинаётган шахс одатда айтмайдиган фикрларини айтиши мумкин.

Ёлғонга чек қўйиш. Бу усул шахс «ёлғонни ривожлантиришига» имкон бериш зарурати бўлмаганида қўлланилади. Бу усулни ходим иш ҳолатлари бўйича ишончли маълумотларга эга бўлганида қўллагани маъқул. Бунда ёлғон кўрсатувлар дарҳол рад этилади. Мавжуд далилларни тақдим этиш орқали ёлғон бартараф этилади.

Кутиш. Иш натижасидан манфаатдор гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчининг онгида мотивлар кураши юз беради. Мотивларнинг айримлари ёлғон, бошқалари эса ҳаққоний кўрсатувлар беришга ундайди.

Ходим шахсдаги иккиланишларни инобатга олиб, унинг онгида фойдали мотивлар ғалабасини таъминловчи асосларни атайин «яратди» ҳамда сўроқ қилиш вақтида, сўроқ қилинувчининг ўзи ёлғон кўрсатувларидан воз кечишини кутиб, танаффус беради.

Афсонага йўл қўйиш. Ходим шахс ёлғон кўрсатувлар бераётганини била туриб, уларни баён этиши ва ичидагини айтиб олишига имкон беради. Бунда шахснинг ўзининг аввалги фикрларига зид кўрсатмалар бериши аниқ бўлади. Ходим ўзини унинг кўрсатувларига ишонаётгандек тутди, уни диққат билан эшитади ва айтганларининг ҳаммасини баённомада қайд этиб, сўнгра афсонани барбод этади.

Чақирик (даъват). Бу усул шахс мантиқан изчил фикр юритишни истамаган пайтда қўлланилади. Ходим атайин диққатини шахс рад эта оладиган, яхши исботланмаган ҳолатларга қаратади. Шу тариқа шахс фикрлашга ундалади ва шу пайтда ходим унга далиллар билан тасдиқланган фактларни хабар қилади. Шахс ушбу фактларни ҳам аввалгиларидек рад этишга ҳаракат қилади, аммо улар объектив бўлгани учун бу қўлидан келмайди. Бу ҳол унда ўзини йўқотиш, тушкунлик ҳолатини юзага келтириши мумкин. Шунда у аслида бўлган воқеани айтиб беришга мажбур бўлади.

Қўққисдан саволлар бериш. Шахс ёлғон кўрсатувлар бераёт-

ганида унга у мавжудлигини билмаган савол кўққисдан берилади ёки далил тақдим этилади. Бу ҳол аввалдан тайёрлаб кўйилган ёлғон жавоблар тизимини бузиб юборади ва шахсда стресс ҳолатини келтириб чиқаради. У кўққисдан олинган маълумотни бунгача ўзи ўйлаб топган маълумотлар билан боғлашга қийналади, кейин навбатдаги ёлғон жавобни дарров ифодамай олмайди.

Изчиллик. Бу усул кўққисдан қўлланиладиган усулга қарама-қарши бўлиб, шахсда рухий зўриқишни аста-секин кучайтириш учун зарур пайтда қўлланилади. Бунинг учун ходим далилларни кетма-кет ўсиб борувчи тартибда тақдим этади ва ҳар бирининг аҳамиятини батафсил тушунтиради. Ходим шахс тўпланган далилларнинг кучини сезишига имкон бериб, ёлғон гапиришга уриниши бефойда эканлигини кўрсатади.

Диққатни чалғитиш. Ушбу ҳолда ходим шахснинг ҳушёрлигини сўндириш учун диққатини асосий масалага қаратмайди, балки уни бошқа масалаларга фикрини тортади.

Нутқ суръатини жадаллаштириш. Кўп ҳолларда шахс сўроқ пайтида имиллайди, вақтни чўзади, ходим биладиган ҳолатларга мос келиши учун жавобларини ўйлаб олиш ва тайёрлашга ҳаракат қилади. Шундай вазиятда ходим шахс гапларига жадал суръат бағишлаб, унинг фикрларидан олдинда юриб, фикрлаши ва найранг ишлатишига имкон бермай, ташаббусни ўз қўлига олади.

Нутқ суръатини пасайтириш. Шахс сўроқ пайтида жуда тез гапиради, фикрларда чалкашликлар, тизимлилик йўқолганда нутқ суръатини пасайтириш керак бўлади.

Ходимнинг хабардорлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Ушбу ҳолда ходим шахсга муайян факт ёки маълумотларни атайин айтиб беради. Натижада шахс ходим кўп нарсадан хабардорлиги ҳақида хулосага келади ва тўғри кўрсатувлар бера бошлайди.

Такрорийлик. Бу усул шахс навбатдаги сўроқ пайтида аввал берган кўрсатувларини аниқ такрорлай олмаслигига қаратилади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Касбий муомала ички ишлар органлари фаолиятида қандай аҳамиятга эга?
2. Мулоқотнинг қандай турлари мавжуд?
3. Вербал ва новербал мулоқотнинг қандай кўринишларини биласиз?

4. Касбий муомала ва унинг ходимлар фаолиятида тутган ўрнини тушунтириб беринг.

5. Мулоқот функциялари ва вазифалари нималардан иборат?

6. Ёлғон ва яширин ҳолатлар диагностикаси ҳақида тушунтириб беринг.

7. Мулоқотга киришувчилар ўртасидаги масофалар ва таъсир этиш усуллари таҳлил қилинг.

5-мавзу. ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТДА ПСИХОЛОГИК АЛОҚА ЎРНАТИШ УСУЛЛАРИ, ТИНГЛАШ МУАММОСИ ВА ТРАНСАКТ АНАЛИЗ

1-§. Фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатиш усуллари

Психологик алоқа тушунчаси – мулоқот турларининг кенг равишда амалга татбиқ қилиниши бўлиб ушбу жараёнда инсоннинг ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатилади. Хоҳлаган ахборотни мулоқот жараёнида тўлиқ бериш, унинг тўғри қабул қилинганлиги ҳақидаги сигнал қониқиш ҳолатини вужудга келтиради ва мулоқот жараёнини фаоллаштиради.

Ҳар бир мулоқотда бир неча мақсад кўзда тутилиши мумкин. Ички ишлар органлари ходими шахснинг воқеаларга алоқадорлиги қай даражада эканлигидан келиб чиққан ҳолда далилларни яна бир мартаба текшириб кўриш, ўзидаги мавжуд далилларни бойитиш мақсадини кўзлаши мумкин. Мулоқот доимо инсон табиати билан боғлиқ бўлади. Масалан, шахс жанжалкаш бўлиши мумкин, жанжал низолар натижасида юзага келади. Бунда шахснинг низоли вазиятни келтириб чиқарадиган ҳолатларини ўрганиш керак бўлади.

Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан мулоқот қилиши учун чуқур билим ва қуйидаги *ижтимоий-психологик фазилатларга* эга бўлишлари керак:

– нотаниш шахслар билан тезда мулоқотга киришиш, уларга маъқул бўлиш;

– бошқа шахсларнинг гапини эшита олиш қобилиятига эга бўлиш;

– одамларга психологик таъсир кўрсата билиш;

– мулоқот жараёнида психологик тўсиқларни бартараф этиш ва ҳоказо.

Ички ишлар органлари ходимларининг коммуникатив фаолияти махсус жиҳатларга эга бўлиб, у бир қатор психологик хусусиятларни, биринчидан, ички нутқнинг ўзига хос томонларини, иккинчидан, унинг қийинлигини кўрсатади. Ушбу мулоқотнинг муҳим хусусияти унинг касбий йўналганлигидир. Зеро, ходимлар жиноят қилган шахсларни, гувоҳлар ва жабрланувчиларни аниқлаш мақсадида бошқа шахслар билан мулоқотда бўладилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари ҳақиқатни очишга ҳаракат қилсалар, жиноятчилар, аксинча, жиноятни яширишга, ёлғон маълумот беришга, жинойий жавобгарликдан қутилишга интиладилар.

Ички ишлар органлари ходими процессуал қонунлар доирасида ҳаракат қилади, яъни жиноятчи шахсга нисбатан бўлган салбий муносабатига қарамасдан мулоқот қилишга мажбур.

Мулоқот жараёнида объектнинг ўзига хос томонлари борлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шунини айтиш жоизки, кўп ҳолатларда жиноятчи шахслар жамиятдаги ахлоқсиз, одобсиз ва виждонсиз кишилар бўладилар. Натижада мулоқот жараёнида ҳар хил психологик тўсиқлар пайдо бўлиб, кўпроқ улар сунъий равишда вужудга келтирилади.

Мулоқот жараёнида қуйидаги психологик тўсиқлар вужудга келиши мумкин:

- 1) мотивацион тўсиқлар;
- 2) ақлий тўсиқлар (интеллектуал);
- 3) эмоционал тўсиқлар;
- 4) тарбиявий жараёндаги тўсиқлар.

Мотивацион тўсиқлар шахснинг мулоқотга киришишдан бош тортиши, муомалани тўғри, аниқ кўринишда олиб борилишини хоҳламаслигида намоён бўлади.

Ақлий тўсиқлар шахснинг ходимга нисбатан билим доирасининг кенглиги, мантиқий фикрлашининг чуқурлиги ва ҳуқуқий саводхонлиги юқори бўлган тақдирда вужудга келади.

Эмоционал тўсиқлар мулоқотга киришувчиларнинг психологик ва эмоционал-иродавий ҳолатларидан келиб чиқади (тажовузкорлик, кўрқув, асабийлашиш, хўрланиш ва бошқалар).

Тарбиявий жараёнлардаги тўсиқларга ички ишлар органлари ходимлари тарбияси «қийин» ўсмирлар, носоғлом оилалар ва муқаддам судланган шахслар билан суриштирув-тергов ҳаракатларини олиб бораётган вақтда учрайди.

Мулоқот жараёнида психологик тўсиқларни бартараф этишнинг зарурий шarti фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатишдир. Бундай алоқа ўрнатиш зарурати бир қанча ҳолатлар билан боғлиқ.

Психологик алоқа ўрнатишдан кўзланадиган мақсадлар:

– кутилаётган мулоқот жараёнида субъектнинг психик (руҳий) фаолиятини жадаллаштириш;

– мулоқотда кўрқув ва хавотирларни олиб ташлаш;

– психологик мослашув (адаптация) жараёнини осонлаштириш.

Шу жиҳатдан қараганда, *психологик алоқа ўрнатишнинг қуйидаги асосий босқичлари* қизиқиш уйғотади:

Психологик алоқа ўрнатишнинг бир неча босқичлари мавжуд:

1) бўлажак мулоқотни башорат қилиш;

2) алоқани енгиллаштирувчи ташқи омилларни яратиш;

3) ташқи коммуникатив сифатларнинг намоён бўлиши;

4) умумий ва бетараф қизиқиш доираларини аниқлаш;

5) муомаладаги оғишларни бартараф этиш;

6) индивидуал таъсир кўрсатиш.

Бўлажак мулоқотни башорат қилиш. Психологик алоқа ўрнатишнинг самарали бўлиши учун дастлабки режалар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун мулоқотга киришувчи шахс ҳақида зарур маълумотларга эга бўлиш керак. Бундан ташқари, шахснинг психологик хусусиятларини билиш ҳам алоқа ўрнатишда ёрдам беради. Шунингдек, шахснинг эмоционал психологик сифатлари: жиззакилик, тажовузкорлик, яширин характер, гумонсираш ва бошқалар психологик алоқа ўрнатишга салбий таъсир этади. Келтирилган сифатлар башорат қилиш даврида инобатга олиниши керак.

Алоқани енгиллаштирувчи ташқи омилларни яратиш. Мулоқотда намоён бўладиган ҳар қандай ҳолатларда ташқи омиллар ижтимоий вазиятларга мос тушиши зарур. Сухбатдошингизга ҳеч нима халақит бермаслиги ва уни чалғитмаслиги керак. Сухбат давомида ўзаро ишонч муҳити сақланиб қолиниши шарт.

Ташқи коммуникатив сифатларнинг намоён бўлиши. Нутқ маданияти, мимика, ташқи кўриниш психологик алоқа ўрнатишда ижобий натижа беради. Сухбатдошингизда ҳам шунга қараб ижобий эмоционал ҳолатлар юзага келади, бу эса алоқа ўрнатишда зарур омиллардан ҳисобланади. Сухбатдош билан мулоқотнинг бошидан ҳамфикр бўлишга ҳаракат қилиш керак.

Умумий ва бетараф қизиқиш доираларини аниқлаш. Мулоқот-

нинг бошида шахс билан умумий тил топиш муҳимдир. Бу вазифани ҳал этишда умумий, шу билан бирга, бетараф қизиқишлар доираси, масалан, тангалар, маркаларни йиғиш, спорт, саёҳат ва бошқа қизиқишларни аниқлаш ёрдам беради. Умумий қизиқишларни қидириб топиш ижобий эмоционал ҳолатларга олиб келади. Бу ўз-ўзидан мулоқотда суҳбатдошни яқинлаштиради. Бетараф қизиқишлар психологик муҳитни енгиллаштиради ва мавқени тенглаштиради.

Муомаладаги оғишларни бартараф этиш. Шахслар билан психологик алоқа ўрнатиш даврида муомаладаги оғишларни бартараф этишга диққатни кўпроқ қаратиш керак, чунки бу оғишлар, масалан, бўлажак эмоционал зўриқиш, мулоқотнинг шаклланишига таъсир этувчи салбий омиллар, мулоқот мобайнида бегона шахсларнинг аралашуви ва бошқалар муомалага салбий таъсир этади. Муомаладаги оғишларни бартараф этиш – психологик алоқа ўрнатишнинг мажбурий шартидир.

Индивидуал таъсир этиш. Психологик алоқа ўрнатишнинг якуний босқичида ходим суҳбатдошга индивидуал таъсир кўрсатиши лозим. Бу таъсирнинг мақсади суҳбатдошдан ишончли маълумотларни олиш, шу билан бирга, келажакда ишончли алоқа ўрнатишдир.

Мулоқотнинг муваффақиятли бўлишида шахснинг шаклланган сифатлари, фазилатларининг аҳамияти жуда катта. Жумладан, шахсда ижобий фазилатлар яхши шаклланган бўлса (хушмуомалалик, камтарлик, инсонийлик, тўғри сўзлик, виждонлилик кабилар), мулоқот жараёни ҳам яхши ўтади. Чунки шахслар бир-бирини тўғри тушунишлари, мулоқот муваффақиятли бўлиши учун самимий бўлишлари лозим.

Хулоса қилиб шунини таъкидлаш мумкинки, мулоқот ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида етакчи ўринни эгаллайди. Мулоқотнинг вербал ва новербал турлари, ижтимоий идрокнинг эффектлари шахслараро муносабатларда ҳамма вақт иштирок этади.

Келтириб ўтилган фикрларни инобатга олган ҳолда қуйидаги хулосага келиш мумкин:

- 1) мулоқот мураккаб жараён бўлиб, инсон ҳаётида муҳим омил ва шахснинг шаклланишида катта роль ўйнайди;
- 2) мулоқот ички ишлар органлари ходимлари учун касбий вазифаларини бажаришларида асосий воситадир;
- 3) мулоқотни олиб бориш воситаларини тўғри қўллаш ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг самарадорлигини оширади.

Ички ишлар органлари ходимлари хизмат вазифаларини бажаришда фуқаролар билан мулоқот қиладилар ва, табиийки, ушбу фаолиятнинг самарадорлиги уларнинг одамлар билан мулоқотга киришиш, психологик алоқа ўрнатиш қобилиятига боғлиқ. Коммуникатив хусусиятлар ички ишлар органлари ходимлари касб маҳоратининг муҳим таркибий қисмидир.

2-§. Мулоқотда тинглаш муаммоси ва трансакт анализ

Тинглаш мулоқотнинг ўта муҳим таркибий қисмларидан биридир. Тинглаш санъатини пухта эгалламай одамлар билан ҳеч қачон ижобий муносабат ўрнатиб бўлмайди. Тинглай билмаслик оғир маънавий ва сезиларли руҳий зарар келтириши мумкин.

Баъзида сўзловчини тинглашса бас, унга суҳбатдошидан батафсил жавоб талаб этилмайди. Мулоқот иштирокчилари ҳар доим ҳам тинглашнинг аҳамиятини тушуниб етавермайди. Афсуски, инсон кўп ҳолларда шахслараро муносабатда тинглаш ҳам катта куч бўлиб, психотерапевтик восита эканини унутиб қўяди. Ваҳоланки, энг ажойиб суҳбатдош бу – тинимсиз қизиқарли воқеа ва латифалар айтиб бера оладиган инсон эмас, балки тинглашни биладиган инсон.

Биз суҳбатдошимизнинг сўзларини эшитамиз. Бироқ, эшитиш билан тинглаш бир хил нарса эмас.

<i>ЭШИТИШ</i>	<i>ТИНГЛАШ</i>
<ul style="list-style-type: none"> ❖ Физиологик акт, унда товушларни беихтиёр идрок этиш юз беради; ❖ Товушни идрок этиш; ❖ Сизги аъзолари фаолияти ва нерв тизими автоматик реакцияси туфайли товушлар эшитилади. 	<ul style="list-style-type: none"> ❖ Иродавий акт, у кишидан маълум миқдорда иродавий зўр беришни талаб этади; ❖ Муайян маъноли товушларни идрок этишга қаратилган онгли уриниш; ❖ Товушлар идроки жараёнига иродавий зўр бериш, олий психик жараёнлар қўшилади.

Тинглаш икки хил бўлиши мумкин:

- норефлексив тинглаш;
- рефлексив тинглаш.

Норефлексив тинглаш сўзловчи кучли эмоционал кечинмалар (мусибат, алам ёки аксинча шод-хуррамлик)ни бошидан кечираётганда ва тушунувчи тингловчига мухтож бўлганда қўлланилади, яъни суҳбатдош ўз кечинмалари билан ўртоқлашмоқчи бўлганда ишлатилади.

Норефлексив тинглашда жавоблар минималлаштирилади. Жавоблар нейтрал, суҳбатдошни ўз фикрини давом эттиришга ундайдиган бўлиши керак. Уларнинг энг кенг тарқалганлари қуйидагилар: «шундайми», «давом этинг, бу жуда қизиққу», «ҳа, ҳа тушуняпман», «буни эшитишдан жуда хурсандман», «бироз батафсилроқ тўхталинг, қийин бўлмаса», «хўш, хўш, хўш», «шунақа гаплар денг». Бундай жавоблар суҳбатдошни руҳлантиради, ундаги тушунилмай қолишдан бўлган кўрқувни бартараф этади.

Норефлексив тинглаш қуйидаги вазиятларда фойдали бўлиши мумкин:

- суҳбатдош бирор масала бўйича ўз фикрини билдирмоқчи бўлганда;
- суҳбатдош ўз муаммоларини ифодалашга қийналаётганда;
- суҳбатдош ўз мансабига кўра пастроқ бўлганда.

Норефлексив тинглашни қуйидаги вазиятларда қўллаш тавсия этилмайди:

- суҳбатдош сўзлашишни унчалик хоҳламаганида;
- суҳбатдош ўз фикрининг тасдиғи ёки инкорини кутаётганда;
- суҳбатдош фаол кўмак ва қўллаб-қувватлашга мухтож бўлганда.

Психотерапевтлар суҳбат бошида кўпинча норефлексив тинглашдан фойдаланадилар. Норефлексив тинглаш етарли бўлмаганда *рефлексив* тинглаш ишлатилиши мумкин. Рефлексив тинглаш фаол тинглаш бўлиб, асосан идрок этилаётган ахборотнинг аниқлигини назорат қилиш мақсадида қўлланилади. Психотерапевтлар миждознинг ўз хиссиётлари ва муаммоларини ифодалай олишига ёрдам бериш учун рефлексив тинглашдан кенг фойдаланадилар. Рефлексив тинглаш зарурати қуйидаги муаммолар билан боғлиқ:

- сўзнинг кўп маънолиги;
- ахборотнинг кодлашган тарзда узатилиши;
- инсон учун ўз муаммосини очиқ ифодалашнинг қийинлиги.

Рефлексив тинглашда жавоб беришнинг тўрт тури мавжуд: аниқлаштириш; қайтариш; ҳисларни акс эттириш; умумлаштириш.

1. *Аниқлаштириш* – бунда суҳбатдошга унинг фикрини аниқлаштириш учун мурожаат қилинади ва ахборотни аниқроқ идрок этиш учун қўлланилади. Одатда қуйидаги жумлалардан фойдаланилади: «яна бир бор қайтариб юборолмайсизми», «нимани назарда тутаётганлигингизни яхши тушунмаяпман», «нима демоқчилигингизни очикроқ тушунтира олмайсизми».

2. *Қайтариш* – бунда суҳбатдошнинг фикрини бошқачароқ шаклда тўғри тушунганлигини аниқлаштириш мақсадида такрорланади. Одатда қуйидаги сўзлардан бошланади: «Сизни тушунишимча...», «Сизнинг фикрингизча...», «Бошқача қилиб айтганда...». Қайтаришда ахборотнинг асосий мазмуни такрорланади.

3. *Ҳисларни акс эттириш* – бунда сўзловчининг эмоционал ҳолати тингловчи томонидан акс эттирилади. Одамлар, асосан, ўзлари учун аҳамиятли нарсалар ҳақида суҳбатлашганликлари учун ҳиссиётларни акс эттиришнинг аҳамияти катта. Ҳиссиётларни акс эттириш билан тингловчи суҳбатдошига аниқ ҳолатни тушунаётганлигини кўрсатиши ва у ўз сўзлари билан амалга оширилиши керак. Одатда қуйидаги жумлалар билан бошланиши мумкин: «менимча, сиз ҳозир ўзингизни.... ҳис этяпсиз», «эхтимол, ўзингизни.... ҳис этаётгандирсиз», «бироз хафамисиз», «биламан сизга оғир», «кайфиятингиз бузилганга ўхшайди».

4. *Умумлаштириш* – бунда суҳбатдош фикри хулоса қилинади. Умумлаштириш орқали тингловчи суҳбатдош фикрини қанчалик тўғри тушунганлигини кўрсатади, сўзловчи унинг у ўз фикрини қанчалик аниқ ифодалаб бера олганлигини аниқлайди. Умумлаштириш учун одатда қуйидаги жумлалар ишлатилади: «шундай қилиб, гапингиздан хулосага келиш мумкинки...», «хулоса қилиб айтганда, демоқчисизки...», «гапларингиздан тушунишимча, сиз...ни назарда тутаяпсиз».

Профессионал тинглаш техникасига қуйидагилар киради:

➤ *фаол ҳолат* – кресло ёки диванда бемалол ястаниб ёки ётиб олмаслик, суҳбатдошнинг юзидан ташқари жойларига қарамаслик, мимика, бош чайқаш каби ҳолатлар билан унинг ҳар бир сўзига қизиқаётганлигини билдиришни назарда тутади;

➤ *суҳбатдошга самимий қизиқиш билдириш* – бу нафақат

суҳбатдошни ўзига жалб қилиш, балки ўзининг ҳар бир сўзига уни ҳам кўндиришнинг самарали йўлидир;

➤ *ўйчан жимлик* – бу суҳбатдош гапираётган пайтда юзда масъулият билан тингланаётгандай тасаввур қолдириш орқали ўзининг суҳбатдошга манфаатдорлигини билдириш йўлидир.

Агар биз суҳбатдошимизни яхши, диққат билан тингласак, бу билан биз унда ўз-ўзига ҳурматни ҳам тарбиялаймиз.

Трансакт анализ – бу америкалик психолог ва психиатр *Эрик Берн* томонидан ишлаб чиқилган назариядир. *Э.Берн* психоанализ ғояларини ривожлантириб, назарий психология ва психотерапевтик амалиётдаги оригинал йўналишлардан бири «трансакт анализ» йўналишига асос солди. Трансакт анализ нуқтаи назаридан шахс уч ЭГО ҳолатни ўз ичига олади (яъни унда учта «МЕН» мавжуд): **болалик ҳолати; ота-оналик ҳолати; катта одам ҳолати.**

Бошқалар билан бўлган муносабатнинг ҳар бир дақиқасида индивид шундай ҳолатлардан бирида бўлади.

Табиийки, трансакция нима деган савол туғилиши мумкин, инсонлар ўртасидаги мулоқот жараёнида турли сигналлар алмашилади. Ушбу сигналлар трансакт анализда *трансакция* дейилади.

Трансакция – бу мулоқотга киришаётган индивидлар ЭГО ҳолатларининг ўзаро таъсиридир. Ҳар бир трансакция стимул трансакция ва жавоб трансакциядан иборат. Трансакция мулоқот иштирокчилари бирининг муайян ЭГО ҳолатидан келиб чиқади ва иккинчисининг бирор ЭГО ҳолатига йўналтирилади.

Э.Берн ўз фаолиятини психиатр бўлиб бошлайди. Кунларнинг бирида мижози унга болалигида бўлиб ўтган шундай воқеани ҳикоя қилиб беради: 8 ёшимда таътилни ранчога ўтказгандим. Бир куни эгнимга кавбойлар либосини кийиб, отбоқарга отнинг эгарини олиб қўйишга ёрдам бердим. Ишни тугатгач, отбоқар «Раҳмат кавбой» деб қўйди. Мен эса «МЕН кавбоймасман, оддийгина кичкина боламан» дедим. Ҳозир ҳам мен ўзимни боладек, ҳа-ҳа, адвокат сингари эмас, кичкина бола каби ҳис этяпман. Айнан шу воқеа *Э.Берн* назариясининг ишлаб чиқилиши учун туртки бўлди.

Э.Берннинг трансакт анализига кўра инсонда учта «МЕН» мавжуд:

1) *болалик (Б)* – *бўйсунувчи*. Ўз-ўзини назорат қилишда масъулиятсизлик ва фаолиятда юқори реакцияларни намоён этувчи ҳолат. Ушбу ҳолатда инсон ўз кечинмаларини сўз билан эмас, ҳиссиётлари

билан намоён этади. Бу ҳолатнинг жисмоний белгилари – йиғлаш, қайсарлик, минғирлаш, қўрқувдан чўчиб тушиш, елка қисиш, масхара қилиш, кулиш, бирор нарса деб айтиш учун қўлни кўтариш, уялиш, бурун тортиш. Болалик ҳолатида инсон қуйидаги сўзларни қўллайди: «хоҳламайман», «қилмайман», «ойи мен кетдим», «мен ката бўлганимда...», «энг катта», «ҳаммадан кўп», «энг яхши». Катта одам бу сўзларнинг шаклини бироз ўзгартириб ишлатади. Масалан, «мен катта бўлганимда...» деган болаларча фикрни «мен бойиб кетганимда...» деган шаклда ифодалайди. Шу билан бирга, болалар катта одам ҳолатига хос «нега», «нима», «қаерда», «ким», «қачон», «қандай» сўзларидан ҳам фойдаланади. Бу болада катталиқ ҳолати уйғонаётганлигини кўрсатади.

Болалик ҳолати қуйидагиларга бўлинади:

- табиий болалик «МЕН» (хурсандчилик, қайғу ва бошқа ўз-ўзидан юзага келган реакцияларни намоён этувчи);
- Мослашувчан болалик «МЕН» (мослашувчан, кулоқ солувчи, ўзини айбдор ҳисобловчи, иккиланувчи ва ҳоказо);
- норозилиқ қилувчи болалик «МЕН» (қайсарлик, қаршилиқ кўрсатувчи).

2) *ота-оналик ҳолати (О)* – бутун масъулиятни (бошқалар учун ҳам) ўз зиммасига олувчи, талаблар ва шартлар қўядиган, назорат ўрнатадиган ҳолат. Бу ҳолатнинг жисмоний белгилари: қошларни ўйнаш, кўрсаткич бармоқни юқорига кўтариш, қўлларни кўкракка чалиштириш, «уф» тортиш, суҳбатдош елкасини қоқиб қўйиш. Ота-оналик ҳолатидаги одам кўпинча қуйидаги сўзлардан фойдаланади: «яхшилаб миянгга қуйиб ол», «ҳеч қачон...», «унутмагин», «қанча гапириш керак», «қани қўлингни теккизиб кўрчи».

Баҳоловчи фикрлар, қарашлар, мақташ маъносидаги фикрлар (аҳмоқ, жиннивой, беъмани, оппоққинам, эркатойим, бечорагинам) ота-оналик ҳолатидаги одамга хос (агар улар катта одам ҳолатидаги инсоннинг чуқур мулоҳазалари натижаси бўлмаса).

Ота-оналик ҳолати қуйидагиларга бўлинади:

- а) меҳрибон ота-оналик «МЕН» (ёрдам берувчи, тўғриловчи, овутувчи);
- б) танқидчилик «МЕН» (танқид қилувчи, буйруқ берувчи, кўрқитувчи).

3) *катта одам ҳолати (К)* – вазиятни инобатга оладиган, бошқаларнинг манфаатини ҳам четда қолдирмайдиган, масъулиятни ўзга-

ларнинг ва ўзининг ўртасида адолатли тақсимлай оладиган ҳолат. Бу ҳолатнинг жисмоний белгиси: тингланаётганда юз, кўз, тананинг ҳаракатланиши (ҳар 3-5 сонияда кўзлар пирпирайди). Шунингдек, болалик ҳолатига хос қизиқувчанлик ва берилиб кетиш ҳам катта одам ҳолатидаги инсон юзида акс этиши мумкин. Катта одам ҳолатидаги инсон кўпинча қуйидаги сўзлардан фойдаланади: «нима учун», «нима», «ким», «қачон», «қандай», «қандай қилиб», «балки», «номаълум», «ҳақиқатан ҳам», «менимча», «менинг тушунишимча».

Э.Берн фикрича, шахснинг етуклиги инсонда катта одам ЭГО ҳолатининг қанчалик шаклланганлигига боғлиқ бўлади.

Трансакт анализга кўра, мулоқот давомида иштирокчилар ҳар бир ЭГО ҳолатга мувофиқ келувчи позицияда туриб алоқага киришадилар. Айрим трансакциялар ижобий муносабат шаклланишига, баъзилари низога олиб келади.




Трансакциялар қуйидаги турларга бўлинади:

1) *параллел трансакция* – стимул трансакция ва жавоб трансакция кесишмайди (масалан, «катта одам» ҳолатида туриб «болалик» ҳолатига муурожаат қилиш, «болалик» ҳолатида туриб «катталик» ҳолатидагига жавоб қайтариш);

2) *кесишувчи трансакция* – стимул трансакция ва жавоб трансакция кесишади (масалан, «катта одам» ҳолатининг «катта одам» ҳолатига муурожаат қилиши, «ота-оналик»нинг «болалик» ҳолатидагига жавоб қайтариши);

3) *яширин трансакция* – мазмуни бевосита кузатилаётган хулқатвор билан боғлиқ бўлмаган трансакциялар. Сирти «ялтироққина» бўлган жисмоний белгилар, сўзлар остига жуда салбий мазмун яширинганда шундай трансакция рўй беради. Ушбу трансакциялар иккидан ортиқ ЭГО ҳолат муносабатга киришиши натижасида рўй беради.

Мулоқот позитив тугалланиши учун трансакциялар параллел бўлиши керак. Кесишувчи трансакция низо ва зиддиятга олиб келади. Ушбу фикрларни қуйидагича тасвирлаш мумкин:



Параллел трансакцияга мисол:

Ўғил: Адажон, мен буни қила олмайман. (Б К)

Ота: Сен кап-катта боласанку, қила оласан (К Б)

Келишувчи трансакцияга мисол:

Она: Қизим, бориб хонангни йиғиштириб қўй. (К Б)

Қиз: Сиз менга буйруқ берманг, бу катта одамларнинг иши (К

Б)

Э.Берннинг классик мисолларидан бири:

Эр: Онаси машина калитини кўрмадингми? (К К)

Хотин: Ҳозир қидиришиб юбораман. (К К).

Низоли мисол:

Эр: Онаси машина калитини кўрмадингми? (К К)

Хотин: Қаерда қолдирган бўлсангиз ўша ерда. (К Б).

Болалик ҳолати болалик даврида пайдо бўлади ва ривожланади.

Катталарга тақлид қилиш натижасида ота-оналик ҳолати шаклланади. Катта одамлик ҳолати эса узоқ йиллар давомида ҳаётий тажриба орттириш билан шаклланиб боради.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Психологик алоқа деганда нимани тушунасиз?
2. Фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатиш усуллари нималардан иборат?
3. Мулоқот жараёнида вужудга келиши мумкин бўлган психологик тўсиқларни изоҳлаб беринг.
4. Психологик алоқа ўрнатишдан кўзланадиган мақсадларни тушунтириб беринг.
5. Психологик алоқа ўрнатишнинг асосий босқичлари нималардан иборат?
6. Мулоқотда тинглаш муаммоси ва трансакт анализ ҳақида тушунтириб беринг.
7. Норефлексив ва рефлексив тинглаш тушунчасини таҳлил қилинг.
8. Трансакт анализ ва трансакция турлари нималардан иборат?

6-мавзу. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТИДА НИЗОЛИ ҲОЛАТЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

1-§. Муносабатлардаги тафовут-конфронтация тушунчаси

Жамият тараққиётининг барча босқичларида одамлар орасида ўзаро келишмовчиликлар, зиддият ва низолар мавжуд бўлиб келган. Чунки, ҳар қандай тараққиётнинг асосида қарама-қаршилик ва зиддият ётади. Шахс жамият тараққиётини амалга оширувчи асосий куч ва восита бўлиб ҳисобланиб, у жамият ва табиатни ўзига мослаштириш баробарида ундаги турли ҳолатларни тақиқ қилиш билан ҳам шуғулланади. Шунинг учун ҳам низо ва зиддият жамият тараққиётини ривожланишининг асосий бегилари ҳисобланади.

Зиддият инсоният пайдо бўлган даврданоқ ўз табиатини намоён қилиб келмоқда, аммо уни илмий тадқиқот предмети сифатида ўрганиш борасидаги илк қарашлар қадимий тарихга эга. Ҳаёт тарзи, меҳнат фаолияти, шахслараро муносабат муҳитининг ўзгараётганлиги низоларнинг ҳам ўзига хос томонлари мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ўз вақтида Наполеон Банопарт шундай ёзган экан: «қилич билан ҳар нарса қилиш мумкин, фақат унинг устига ўтириб бўлмайди». Бу фикрида у кўпинча инсонлар ўртасида бўлиб турадиган низоларни, зиддиятларни назарда тутган экан. Чунки тоталитар ёки диктаторлик бошқаруви шароитида зиддиятларнинг бўлиши табиий бўлиб, унинг ягона ечими узил-кесил уни ҳал қилиш чораларини излаш бўлган. Лекин демократик муносабатлар шароитидаги раҳбар ҳамда унинг қўл остидагилар ўртасида ёки ходимлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ёки зиддиятларнинг табиати ва моҳияти биров бошқача бўлади.

Аввало шуни эътироф этиш лозимки, инсоний муносабатларнинг ҳар қандай тизимида ҳам фикрларнинг ранг-баранг бўлиши ва улар ўртасида фарқ бўлиши муқаррар ҳолдир. Лекин ана шундай фикрлардаги фарқни салбий ҳолат деб ҳисоблаб бўлмайди.



Нима сабабдан ички ишлар органлари жамоаларида турли хил низолар келиб чиқади? Бунинг бир неча сабаблари бор:

- алоҳида ходим ва жамоатчилик манфаатларининг мос келмаслиги;

- айрим жамоа аъзолари хатти-ҳаракатларининг ижтимоий ва гуруҳий меъёрларга зид келиши (тартибсизлик, интизомнинг бузилиши, ишнинг самарасизлиги ва ҳоказо);

- жамоа аъзолари қарашларидаги номувофиқликлар;

- ишни ташкил этиш ва касбий фаолиятга нисбатан муносабатлардаги фарқлар;

- ходимлар ўртасидаги вазифаларнинг тўғри тақсимланмаганлиги ва ҳоказо.

Демак, юқоридаги ҳолатлар кўп ҳолларда қуйидагича *низолар вазиятларни* келтириб чиқаради:

- 1) таъсирнинг йўналишига кўра: вертикал ва горизонтал;

- 2) низолни ҳал қилиш усулига кўра: антогонистик ва келишувга олиб келадиган низолар – компромисс;

- 3) намоён бўлиш даражасига кўра: очик, яширин, потенциал, асосли;

- 4) иштирокчилар сонига кўра: шахсий, шахслараро, гуруҳлараро;

- 5) келиб чиқиш табиатига кўра: миллий, этник, миллатлараро, ҳиссий-эмоционал.

Агар юқоридагиларни таҳлил қиладиган бўлсак, «горизонтал низолар» ҳаётда энг кўп учрайди. Бундай номурозликлар аксарият

ҳолларда ходимлар ўртасида айрим аъзоларнинг ишни яхшилаш, янги иш методларини жорий этиш, ахлоқ нормаларини ҳимоя қилиш, адолат учун кураш, илғор жамоа аъзоларининг шу ердаги маънавий муҳитни соғломлаштириш борасидаги фикрларини айримлар томонидан эътирозлар билан қабул қилиниши натижасида рўй беради.

«Вертикал низолар» эса кўпинча раҳбар билан ходим ўртасида содир бўлиб, у бир қарашда лидерликка даъвогарлик, юқоридан тазйик, пастдан туриб бошқа ходимлар ёки кучлар атрофида бирлашиш, сараланишлар оқибатида келиб чиқади. Бунда низонинг ташаббускори ва бош айбдори кимлигига боғлиқ тарзда уни ҳал қилиш усули танланади. Масалан, агар бошлиқ ходимнинг ишга масъулиятсизлигидан норозилиги туфайли пайдо бўлган низо билан унинг профессионализм борасида ҳадеб «ўзини кўрсатаётганлигидан» норозилиги туфайли келиб чиқадиган низонинг ҳам фарқи бор. Ҳар қандай низонинг асл туб моҳияти шундаки, унинг пайдо бўлиши айрим *ўзгаришларга* олиб келади. Бу ўзгариш ижобий ўзгаришларни келтириб чиқарса, уни конструктив деб, салбий оқибатлар ёки ходимлар қўнимсизлигини келтириб чиқарса, уни деструктив характерли деб атаймиз. Ҳар бир низо алоҳида ҳодиса сифатида таҳлил қилинади, лекин уларнинг барчасига хос бўлган айрим қонуниятлар борки, уларга аввало унинг босқичлари ёки фазалари киради (2-расм):

- I. Низо олди босқич – конфронтация.
- II. Низонинг ўзи: компромисс ёки жанжал.
- III. Низодан чиқиш: мулоқот ёки диссонанс.

Демак, биринчи босқичда конкрет масала юзасидан фикрлар ёки қарашларда тафовут ёки қарама-қаршилик учун шарт-шароит пайдо бўлади. Томонлар ўртасига совуқчилик тушади, улар ўзаро келишолмай қоладилар. Бунда ташқаридан қараганда кўзга ташаланадиган низо бўлмаса-да, ўша шахсларнинг ўзи бир-бирларига нисбатан муносабатларида буни ҳис қила бошлайдилар. Агар раҳбар айнан шу босқичда ҳодисага аралашиб, ўз вақтида оқилона қарорлар қабул қилолмаса, низо иккинчи босқичга ўтади.

Иккинчи босқичда ҳар иккала томон ўз қарашларини қарши томонниқидан афзал билиб, очиқчасига бир-бирларини айблаёт бошлайдилар. Шу пайтда бошлиқ уларни келиштиришга уринади. Агар бу «уриниш» алоҳида-алоҳида тарзда томонларни кабинетга чақириб рўй берса, вазият янада таранглашиб, зиддият чуқурлашиши мумкин

ва томонлар ўз ҳолича бошлиқни ҳам ўзининг тарафдори қилиб, у ҳам низонинг иштирокчисига айланиб қолиши муқаррар бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам психология ҳар қандай низони томонларни бирга чақирган ҳолда ҳал қилиш ва компромисс қарорлар чиқаришга тайёр туришни тавсия этади. Бунинг учун раҳбарда низонинг тахминий образи ва уни ҳал қилишга бир нечта алтернатив ечимлар бўлиши керак. Бошлиқ бирор томонга кўпроқ ён боса бошласа ҳам, низонинг иштирокчисига айланади. Шунинг учун у холис тарзда низонинг келиб чиқиш сабаблари, кимларнинг манфаатига зид ишлар қилинаётганлиги, низо иштирокчиларининг шахсий ва касбий хусусиятлари, кучли ва кучсиз томонларини таҳлил қилиб, низонинг «портрети»ни ўзи учун тасаввур қила олиши керак. Шундан кейингина томонларни чақириб, масалага янада ойдинлик киритиб, томонларни келишувга чақиради. «Мен нима бўлганини, муаммо нимада эканлигини билиш учун Сизларни чақирдим» деб гап бошлаши ва ҳар бир томоннинг фикри муҳимлигини таъкидлаб, айти пайтда вазиятни қаттиқ назорат қилиши, унинг кечишини бошқариши лозим.

Низолар инсон ҳаётининг ажралмас қисмидир. Икки томон ўзаро мулоқотга киришар экан, улар ўртасида низонинг вужудга келиш эҳтимоли доим мавжуд бўлади. Бир-биридан фарқланувчи фикрларга, мақсад ва унга эришиш йўллари ҳақидаги тасаввурларга эга бўлган одамлар мавжуд жойда, инсон индивидуаллигининг намоён бўлишига тўсқинлик қилинмайдиган маконда, шубҳасиз, низоли вазиятлар вужудга келади.

Низо – мулоқот иштирокчиларнинг ҳар бири учун муҳим бўлган муаммони ҳал этиш вақтида улар ўртасида вужудга келган қарама-қаршилик ва курашнинг кескин кучайиб кетиш жараёнидир.


Низонинг асоси мулоқот иштирокчиларининг бири иккинчисининг ўз эҳтиёжларини қондириш, ўз мақсадларига етишиш жараёнига тўсқинлик қила бошлаши туфайли пайдо бўлади. Бироқ, бу ҳали низо эмас. Бу – *низоли вазият*. Мулоқот иштирокчиларининг ушбу низоли вазиятда вужудга келган тўсиқни бартараф этиш учун амалга оширувчи ҳаракатлари низони, яъни очикдан-очик қарши курашни келтириб чиқаради. Демак, низонинг формуласини қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\text{муаммо} + \text{низоли вазият} + \text{инцидент} = \text{низо}$$

Низо қарама-қаршиликнинг ҳаддан ташқари кучайиб кетганлиги билан баҳсдан фарқ қилади.

Низо ўз таркибий тузилиши, амал қилиш соҳаси, динамикаси ва турларига эга.

Низонинг таркибий тузилиши мулоқот иштирокчиларининг ташқи ва ички позицияси ҳамда низо объектидан иборат:



Бу ерда:

- 1) ташқи позиция – кишинг хулқ-атвори;
- 2) ички позиция – кишининг мақсади ва мотивлари;
- 3) низо объекти – низонинг сабаблари.


Низо шахсий ёки касбий соҳада амал қилиши мумкин.

Шахсий соҳа	Касбий соҳа
Нега бундай уйқучисиз? Шунчалар ҳам масъулиятсиз бўласизми? Кейинги сафар ҳам ўзингизни академик деб билиб кеч қолаверинг, хўпми?	Нега ишга вақтида келмайсиз? Қандайдир муаммолар пайдо бўлдимми? кейинги сафар кеч қолмаслигингизга умид қилсам бўладими?

Низо динамикаси уч босқичдан иборат:

- 1) етилиш;
- 2) рўёбга чиқиш;
- 3) сўниш.

Биринчи босқичда низо рўёбга чиқишининг олдини олиш мумкин. Самарали усуллардан бири коммуникатив ўзаро таъсир соҳасидан предметли фаолият соҳасига ўтиш. Рўёбга чиқиш босқичига ўтган низонинг олдини олиб бўлмайди. Сўниш босқичининг келишини кутиш керак бўлади. Бу босқичда коррекцион тадбирларни ўтказиш самаралидир.



Низонинг одатда икки хил тури фарқланади:

<i>Деструктив низо</i>	<i>Продуктив низо</i>
<input type="checkbox"/> шахсий хусусиятларнинг бири-бирига мос келмаслиги туфайли вужудга келади; <input type="checkbox"/> муносабатларнинг бузилишига олиб келади; <input type="checkbox"/> иштирокчилар сони ортиб боради; <input type="checkbox"/> қарама-қарши томонга нисбатан негатив баҳолар кучайиб боради; <input type="checkbox"/> шахсга кўчиш осон юз беради.	<input type="checkbox"/> нуқтаи назарнинг бири-бирига мос келмаслиги сабабли вужудга келади; <input type="checkbox"/> муаммога кенгроқ қарашга олиб келади; <input type="checkbox"/> оптимал ечимнинг топилишига ёрдам беради; <input type="checkbox"/> шахсга кўчилмайди.

Низолар бир қанча белгиларига кўра таснифланади:

1) *натижасига кўра:* а) конструктив – муносабатларнинг яхшиланиши, муаммонинг иккала томон учун ижобий ҳал этилишига олиб келади; б) деструктив – муносабатларнинг ёмонлашувига, муаммонинг ҳал этилмаслигига олиб келади;

2) *давом этишига кўра:* а) узоқ муддатли – рўёбга чиқиш босқичи чўзилиб кетган низо; б) қисқа муддатли – рўёбга чиқиш босқичи узоқ давом этмайдиган низо;

3) *кескинлик даражасига кўра:* норозилик, келиша олмаслик, қарама-қаршилиқ, душманлик;

4) *фаолият соҳасига кўра:* бошқариш соҳасидаги, таълим-тарбия соҳасидаги, ишлаб чиқариш соҳасидаги.

2-§. Ички ишлар органлари жамоаларида турли хил низоларнинг келиб чиқиш сабаблари

Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида ҳам зиддиятли ҳолатларни кузатиш мумкин. Ушбу ҳолатлар маълум бир носоғлом психологик муҳит, масалан ходимларнинг бири-бирлари ёки раҳбарлар билан ўзаро келиша олмаслиги асосида юзага келишиш мумкин. Шу маънода зиддиятли ҳаракатларнинг ҳам ўз диапазони бор, баъзи зиддиятли ҳолатларда шахс рақибини енгиш учун ҳамма имкониятини ишга солади, хизматдаги шахсларни аралаштиради, ўзларининг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқади. Зиддиятли вазият эса ижтимоий психологик муҳитни юзага келтиради

Ижтимоий психологик нуқтаи назаридан қараганда зиддиятнинг юзага келишида шахсларининг алоҳида қарашлари, шахслараро ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар сабаб бўлиши мумкин.

Ижтимоий психологик йўналишда (аспектда) зиддият ҳар хил сабаб билан боғлиқ бўлади. Масалан, мақсад, дунёқараш тўғри келмайди, натижада антипатия юзага келади.

Биринчи босқич – зиддиятнинг юзага келишигача бўлган ҳолат ва зиддиятнинг юзага келишида ички қарама-қаршилиқларнинг пайдо бўлиш даври. Бу босқичда иккала томонда ҳам ички руҳий куч йиғилиб боради ва улар буни бир-бирларига билдирмайдилар.

Иккинчи босқич – зиддиятнинг қарор топишида ташқи таъсир кучлари майдонга чиқади. Бу даврада зиддиятни иккала томон ҳам билади, лекин улар онгли, ақлли ҳаракат қилишади. Ҳар хил маълумотлар йиғилган сари зиддият кучайиб боради ва бу уларнинг иш фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Учинчи босқичда иккала томон ҳам очик курашга ўтиб олади, иккаласидан бири хайрихоҳлик билдирса, зиддият маълум маънода юмшайди, аммо маълум вақтгача ички руҳий зиддият сақланиб қолади. Агар ҳар икки томон ҳам хайрихоҳлик билдирмаса, у ҳолда психологик портлаш юзага келади ва иккаласидан бирортаси ғалаба қозонгунга қадар кураш давом этади. Бу босқичда ҳам икки томон ҳамма имкониятларини ишга солади.

Тўртинчи босқичда бир-бирларининг ҳаракатларини таҳлил қилиб норасмий баҳолайди. Агар улардаги қизиқиш бир-бирига тўғри келса, ўртадаги зиддият сусаяди ва вазиятдан чиқса бўлади.

Бешинчи босқич – ўтиб кетадиган, турғун ҳолат. Бу босқичда жараён ўтиб кетгандан кейин унга расмий ва норасмий баҳо берилади. Бўлиб ўтган воқеаларини эслашда томонлар ўзларида нохуш ҳолатни сезишади.

Олтинчи босқич – тамоман янги психологик ҳолат бўлиб, зиддият ривожининг ниҳоясида, яъни жазо қўлланилганидан кейин иштирокчиларнинг жамоадаги мавқеи ўзгаришидан сўнг пайдо бўлади. Бу даврда ижобийлик юзага келади, фақат ҳақиқатни юзага чиқариш учун ҳаракат қилинади.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида учрайдиган зиддиятларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

- 1) мазмунига кўра;
- 2) чуқурлашганлиги ва ўткирлигига қараб;
- 3) давомийлигига кўра (қанча вақт давом этади);
- 4) ижтимоий ҳолатига қараб;
- 5) изоҳлашнинг шаклига қараб.

Зиддиятда кишиларнинг ахлоқий сифатлари, шарт-шароитлар ҳисобга олинади. Ходим баъзи шахслар ёки раҳбарларнинг тартиб-қоидаларини, ҳақоратларини кўтара олмайди, натижада зиддият келиб чиқади.

Зиддият ходимнинг ўзини ўзи баҳолаши, шунингдек, уни бошқалар, яъни бошлиқ ёки жамоатчилик томонидан баҳоланиши. Инсон ҳамиша ўзини ўзи юқори баҳолашга ҳаракат қилади, раҳбар томонидан баъзи салбий томонлари (камчиликлари) айтилса, улар ўртасида зиддият келиб чиқади. Агар шахс ўз имкониятларини кўпроқ баҳоласа, бундай ҳолатда ҳам зиддият юзага келади.

Ички ишлар органларида зиддиятни юзага келтирувчи бир қанча омиллар мавжуд:

1) раҳбар томонидан ходимга берилган баҳо билан ходимнинг ўзига ўзи берган баҳоси ўртасидаги тафовут.

2) раҳбар ва жамоатчилик томонидан баҳолашнинг тўғри келмаслиги;

3) шахснинг ўзини ўзи баҳолаши билан уни жамоатчилик томонидан баҳоланишининг тўғри келмаслиги;

4) шахснинг бошқалар томонидан баҳоланиши.

Зиддият оддий ва ўткир (чуқур) зиддиятга бўлинади;

Оддий зиддият ёмон психологик вазиятда юзага келади, инсон ўзини тушунтира олмай қолади, бундай ҳолатда кўпинча кайфияти

йўқ, деб тушунтирилади.

Ўткир зиддиятда шахс юқори эмоционал, ўзини бошқара билмаслик, мулоқотдаги қўполлиги билан ажралиб туради. Энг қизиги, бу шахслар табиатида қўрқитиш асосий ўринни эгаллайди. Бу зиддиятда, нима бўлишидан қатъи назар, рақибни мағлубиятга учратиш муҳим ҳисобланади.

Зиддият қисқа муддатли ва узок муддатли бўлади.

Қисқа муддатли зиддият маълум вақт – уч кунгача давом этади, узок муддатли зиддият бир ёки бир неча йилга чўзилиши мумкин. Узок муддатли зиддият маиший характерда бўлиб, уларнинг 70% 6 ойгача давом этади.

Зиддият ижтимоий моҳиятига кўра арзигулик ёки арзимас бўлади. Агар зиддият атайлаб қилинса ва жамоатчиликка қарши бўлса, бу арзигулик зиддиятдир. Арзимас зиддият масаланинг моҳиятига чуқур тушунмаслик оқибатида келиб чиқади. Буни шундай изоҳлаш мумкин: шахс характеридаги камчиликларни тушунса ва уларни тўғрилашга ҳаракат қилса, бу арзимайдиган зиддият дейилади. Масалан, шахс билмасдан иккинчи бир шахснинг оёғини босиб олса ёки туртиб юборса, иккинчи шахснинг бундан жаҳли чиқса ва оёғини босган одам ундан кечирим сўраса, бундай зиддият қисқа муддатли бўлиб арзимас ҳисобланади.

Зиддият ўзи кўринишга кўра, очик ва ёпиқ бўлади. Очик зиддиятда ҳамма ушбу ҳолатни билишади, зиддиятлашган томонлар эса бир-биридан ўз ниятларини яширади, лекин керак вақтда ўз қарашларини ошкор қиладилар.

Зиддиятни юзага келтирувчи объектив ва субъектив сабаблар мавжуд.

Объектив сабабларга ишни ташкил қилишдаги камчиликлар, норматив ҳужжатларнинг мукамал эмаслиги, хизматдаги (ишдаги) қийин шароитлар, қарашларнинг тўғри келмаслиги ва ҳоказолар киради.

Субъектив сабаблар шахснинг ўзига хослиги, маданиятнинг пастлиги, тарбиянинг етишмаслиги, шахс характеридаги камчилик, ўзига юқори баҳо бериш, психологик жиҳатдан томонларининг бир-бирига тўғри келмаслиги, жамоанинг ўзига хослиги билан боғлиқ ҳолатлар, психологик шароитларни ноқулайлиги, салбий кўринишга эга бўлган кичик гуруҳлар, салбий эмоционал гуруҳлар ва ҳоказоларни қамраб олади.

Ишлаб чиқаришдаги камчиликларга меҳнат жамоасида меҳнатни тақсимлаш, моддий ва маънавий рағбатлантиришдаги тенгсизликлар киради.

Одамларни мутахассислигига қараб жойлаштирмаслик ҳам бошқаришдаги камчилик бўлиб, психологик жиҳатдан жамоадаги муҳитни бузади.

Жамоадаги кишилар (гуруҳлар) орасида ҳам келишмовчиликлар бўлиши мумкин.

Зиддиятни таснифлаш хусусиятларига асосланиб ажратилади. Тўқнашиш даражаси ва шаклига кўра зиддиятларни очик (мунозаратортишув, жанжал ва бошқалар) ва ёпиқ турдаги (асл мақсадларни яшириб, зимдан таъсир ўтказиш); тасодифий пайдо бўлиб қолувчи (стихияли) ва олдиндан режалаштирилган низоларга ажратиш мумкин.

Зиддиятлар коммуникатив жиҳатдан йўналганлиги, бир-бирига боғлиқ ёки тобелигига қараб горизонтал вертикал низоларга ажратилади. Бўйсунуш ва бўйсунмаслик муносабатига мувофиқ аралаш турда ҳам бўлиши мумкин. Асосий зиддият вертикал йўналиш олиб, унда («юқоридан қуйига ёки қуйидан юқорига») низолашувчи томонлар ўртасида анча тафовутлар ва тенгсизлик ҳукмронлик қилади (масалан, раҳбар билан ходим, иш берувчи билан ишчи). Бундай ҳолатларда уларнинг кучлари (статус) бир хилда бўлмайди.

Масштаби ва давомийлигига кўра зиддиятлар ўзида ташкилотнинг бир қисм ходимлари, бирор-бир минтақа ёки алоҳида олинган тармоқдаги, шунингдек, ташкилотнинг бутун ходимлари, халқ хўжалигининг маълум тармоқдаги ишчилари низога иштирок этишига кўра локал низога ажратилади. Одатда бундай низолар ташкилотдаги етишмовчиликлар туфайли фикр ва қарашлар ўртасидаги зиддиятлар, хавфсизлик, меҳнат шартномаларини бажариш ва бошқа турдаги жамоа шартномалари, иш ҳақи ва меҳнат шароитлари туфайли вужудга келиши кузатилади.

Зиддиятлар ҳал этилиш ва бошқарилиш усулига кўра ён бермаслик ва тан олмаслик оқибатида юз берувчи антогонистик ҳамда манфаат, мақсад, қарашларни яқинлаштириш, фикрлар хилма-хиллигини бартараф этиш мақсадида йўл қўйиладиган компромистик (муросасозликка) турларга ажратилади.

Зиддиятларни бундай турларга ажратиш шартли бўлиб, уларнинг турланиши ўртасида кескин чегара қўйиш мавжуд эмас, аммо амалиётда низолар ташкилий, вертикал, шахслараро, горизонтал, очик, гуруҳлараро ва бошқалар тарзда вужудга келади.

Зиддиятлар тўғрисидаги одатий тасаввурлар махсус тадқиқотлар ёрдамида салбий хусусиятга эга эканлиги тасдиқланади. М.Дойчнинг ишларида зиддиятлар назарий жиҳатдан таҳлил қилиниб, улар *деструктив ва продуктив* турларга ажратилади.

Деструктив зиддиятни аниқлаш кундалик тасаввурлар билан мос келади. Айнан бу типдаги низо ўзаро таъсирлашувда хилма-хилликни кўрсатади ва фикрлар топталишига олиб келади. Деструктив зиддият кўпинча сабабга боғлиқ бўлмаган ҳолда шахснинг стрессга тушишига олиб келади. Унинг ўзига хос белгилар низо содир бўлишига қизиқувчилар сонининг ортиши, уларнинг низоли ҳаракатлари, бир-бирларига нисбатан салбий қарашларга эгаликлари ва билдирилаётган фикрларнинг кескинлигида ифодаланади. Бошқа бир белгиси сифатида низода оппонентнинг хислатларини, ўзаро таъсирлашув вазиятларини нотўғри идрок этиши ва шерикларга ишончни ўта ортиб кетиш назарда тутилади. Бу турдаги низоларни ҳал этиш анча мураккаб бўлиб, ягона йўли анча қийинчилик билан эришиладиган муроса (компромисс) ҳисобланади.

Продуктив зиддиятни муаммо ва уни ечиш юзасидан нуқтаи назарлардаги тафовутлар ва шахслар ўртасидаги ҳамжиҳатликнинг йўқлиги келтириб чиқаради. Бундай ҳолда низо муаммони атрофлича тушунишни, шериклар мотивациясини, бошқа нуқтаи назарларни ҳимоялашларини тақозо этади.

Бундан ташқари, М.Дойч зиддиятни олти турга бўлади ва жиноятни очишда нафақат унинг методологияси, шунингдек, амалий роли ҳам муҳимлигини таъкидлайди.

- 1) ҳақиқий зиддият;
- 2) тасодифий зиддият;
- 3) билмай аралашиб қолган зиддият;
- 4) нотўғри талқин қилинган зиддият;
- 5) ёпик ҳолатдаги зиддият;
- 6) ёлғон зиддият.

Зиддият объектига унда иштирок этувчилар томонидан қўлга

киритишга қаратилган яққол моддий ёки маънавий кадриятлар киради. Зиддият субъекти сифатида кадриятлар ҳақидаги тасаввурларни, қизиқиш ва эҳтиёжларини намоён қилувчи ташкилот ходимлари хизмат қилади.

3-§. Низоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш усуллари

Ҳозирги кунда жамоада муваффақиятга эришиш раҳбарият ва ходимлар фаолиятини тўғри ташкил этиш асосида маънавий-ахлоқий муҳит яратишни тақозо этмоқда.

Ички ишлар органлари жамоаларида ҳар бир ходим ижтимоий психологик муҳит яхши бўлишига масъул ва мажбур саналади. Фақат шундай шароитдагина қўйилган муаммолар мақсадга мувофиқ, топшириқлар ўз вақтида бажарилиши ва шахснинг шаклланиши меъёрида кечиши таъминланади.

Аммо ички ишлар органлари жамоаларида ҳам баъзи юқоридаги каби низоли ҳолатлар рўй бериб туради.

Низоларнинг салбий оқибатларини бартараф ҳал этиш уларни атрофлича ўрганишни талаб этади. Бунга эса жамоани яратиш ўзаро илиқ ижтимоий психологик муҳитни яратиш орқали эришиш мумкин.

Ҳозирги кунда низоларни самарали бартараф этиш жамоадаги психологик муҳитни яхшилашга, ҳамкорликда ишлаш самарадорлигини таъминлашга қаратилмоқда.

Ички ишлар органлари жамоаларидаги низоларнинг моҳиятини ёритишдан олдин, уларнинг ўзига хос икки жиҳатини инобатга олиш керак бўлади. Биринчиси, низо ва иккинчиси, низоли вазиятдир. Психологик адабиётлар таҳлили асосида низо билан низоли вазиятни ажратиб турувчи қуйидаги формулани эътиборга олиш муҳимдир:

Низо + муаммо + низоли вазият + низо иштирокчилари + инцидент.

Юқоридаги «низо модели»дан кўринадики, муаммо низоли вазият ҳосил бўлгандагина унинг бошқа элементлари ўртасидаги боғлиқликни келтириб чиқаради. Ушбу моделни ҳар қандай фаолиятдаги низоларни изоҳлашга асос қилиб олиш мумкин. Биз қуйида ички ишлар жамоаларидаги низоларни таҳлил қилишда бунини инобатга оламиз.

Ички ишлар жамоаларидаги низоларни таҳлил қилиш ва уни

ҳал этиш зарурати туғилганда, низо таркибидаги ҳар бир элементнинг ўрнини аниқ баҳолашга тўғри келади. Низоларни вужудга келиши ва унинг олдини олишда юқорида келтирилган формулага алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Психологик муҳит гуруҳий манфаатларни қондириш, шахслараро ва гуруҳий низоларни ҳал этишда амалга ошириладиган мулоқотда вужудга келади ва намоён бўлади. Шу боис ушбу муносабатлар турлича характер касб этиб, улар дўстона, ҳамкорлик, мусобақа ёки рақобат, ҳамжихатлик, қўполлик ёки онгли тартиб-интизом тарзида кечади.

Психологик адабиётлар таҳлилидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, одамларнинг ўзаро муносабатлари кўпчилик ҳолатларда бешта асосий таъсир кўрсатиш усули орқали амалга оширилади: эътиқод, ишонтириш, тақлид, таъсир ўтказиш, мажбурлаш.

Таъкидлаб ўтилган усуллар ички ишлар органлари жамоаларида бошлиқ ва ходимлар ўртасидаги ўзаро муносабатда ҳам ўз аксини топиши табиий. Чунки баъзи ҳолатларда, фавқулодда вазиятларда бошлиқ томонидан берилаётган топшириқ ва буйруқларнинг берилиш тартиби белгиланган ички ишлар Низомига, муассасанинг ички тартиб-қоидаларига мос келиш ва келмаслигига қараб низоли ҳолатларни вужудга келиши билан баҳоланади. Агар бошлиқ жамоада етарлича мавқега эга бўлса, бериладиган буйруқ ва топшириқларнинг бажарилиш тартиби таъсир кўрсатишнинг эътиқод даражасини намоён қилиши мумкин. Акс ҳолда бошлиққа қўл остидагиларнинг бўйсунуши анчагина сустлашади.

Ишонч ва нуфузнинг йўқолиши, мулоқот жараёнларида шубҳа пайдо бўлиши ва бошқалар ҳам айнан низоли вазиятларнинг вужудга келишига замин ҳозирлайди.

Ички ишлар органлари жамоаларидаги низоли вазиятларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ уч гуруҳ сабаларни келтириб ўтиш мумкин:

- 1) ишчи муҳитни ташкил этишдаги камчиликлари;
- 2) бошқарувчи ходимлар фаолиятидаги нуқсонлар, ходимларнинг билим даражаси, индивидуал-психологик хусусиятлари, салоҳиятига кўра ишни тақсимлай билмаслик;
- 3) жамоа ичидаги шахслараро муносабатлар билан боғлиқ камчиликлар.

Жамоадаги психологик муҳитнинг бузилиши ва зиддиятларга

мойиллик асосида бир қатор кўрсаткичлар ётадики, уларни психологлар қуйидагиларга ажратганлар:

- раҳбариятнинг иш фаолияти ва жамоа аъзолари ўртасидаги муносабатдан қониқмаслиги;
- кайфиятнинг бузилиши;
- раҳбар билан ходимлар ўртасида ўзаро тушунишнинг йўқлиги, раҳбар ёки ходимнинг обрўга эга эмаслиги;
- жамоа аъзоларида бошқарув ва ўзини ўзи бошқаришдаги фаоллик даражасининг етишмаслиги;
- жамоа аъзоларининг бир мақсад йўлида жипслашмаганлиги;
- онгли тартиб-интизомнинг йўқлиги;
- фаолият натижаларидан қониқмаслик.

Кўришиб турибдики, жамоада низоли вазиятларнинг кам ва психологик муҳитнинг меъёрида бўлиши бошлиқ шахси, ходимларнинг билими, юқоридан берилган топшириқ ва буйруқларни бажаришдаги ижрочилик интизومي ва ҳамжиҳатликларига боғлиқ экан. Агар ички ишлар органлари жамоаларидаги низо низонинг психологик ва ижтимоий психологик табиати, функциялари, типологияси ва тузилмасидан келиб чиққан ҳолда баҳоланса, амалий жиҳатдан низога хос барча хусусиятлар намоён бўлиши мумкинлигини тасдиқласа бўлади. Ички ишлар жамоаларида низонинг қуйидаги турлари намоён бўлиши кузатилади.

Шахснинг ички зиддиятлари. Бу кўпроқ ички ишлар органлари ходимларининг юклатилган вазифаларни бажариш жараёнида учрайди. Вазифани ҳал этишда касбий билим, кўникма ва малаканинг етишмаслигида ва фавқулодда ҳолатларда кўпроқ иш билан машғул бўлишда намоён бўлади.

Гуруҳ ичидаги зиддиятлар. Бу жамоа аъзоларининг манфаат ва қизиқишларининг мос келмаслиги, вазифаларнинг тенг тақсимланмаганлиги ва ўзаро бир-бирларига ҳурматнинг йўқолиши оқибатида намоён бўлади. Оқибатда жамоанинг ҳар бир аъзоси бошқалари билан чиқиша олмаслиги, манфаатлар ўртасида тўсиқлар қўйишида юз беради.

Шахслараро зиддиятлар. Ички ишлар жамоаларида раҳбар билан ходимлар, ходим билан ходим ўртасидаги зиддиятли вазиятларнинг вужудга келиши оқибатида низонинг пайдо бўлиши кўзга ташланади. Шахслараро зиддиятлар ишчи муҳитнинг яхши эмаслиги, бошлиқнинг ходимлар билан инсоний нуқтаи назаридан муносабат

ўрнатмаслиги, ходимларнинг индивидуал қобилияти ва фазилатларини инобатга олмаслиги сабабли ҳам юз бериши кузатилади.

Агар ички ишлар органлари жамоаларидаги зиддиятли ҳолатларни бир тизимга соладиган бўлсак, қуйидаги кўринишни олади:

Зиддият турлари	Зиддиятнинг сабаблари	Зиддият иштирокчилари	Зиддиятнинг оқибатлари
Шахснинг ички зиддиятлари	Топширикларнинг кўпайиб кетиши, ортиқча руҳий чарчоқ, тақдирлаш ва жазолаш ўртасида мувозанатнинг таъминланмаганлиги	Ходимнинг ўзи	Руҳий зўриқиш, фаолликнинг сусайиши, жазавага тушиш, тажовузкорликнинг ортиши, муомала меъёрларнинг бузилиши
Гуруҳ ичидаги ва шахслараро зиддиятлар	Жамоадаги ходимларнинг қизиқиш ва манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар, қобилият ва меҳнатнинг фаолият натижасига кўра баҳоланмаслиги, рағбатлантиришнинг етарлича эмаслиги, ходимларнинг шахсий фазилатлари мос келмаслиги ва бошқалар	Жамоадаги бошлиқ билан ходимлар, ходим-ходим, бошлиқ-бошлиқ	Жамоадаги жипслик, ҳамкорликнинг, масъулиятнинг йўқолиши, шахсий адоватнинг ўсиши ва бошқалар
Гуруҳлараро зиддият	Жамоада гуруҳларнинг пайдо бўлиши, тарафкашлик, маҳаллийчилик, этник жиҳатдан тафовутланишнинг ортиши	Жамоа ичидаги гуруҳлар	Кескин ва сиёсий тус олиши, жамоанинг бўлиниб кетиши ва ходимлар ўртасида жамоавий адоватни келтириб чиқариши.

Ички ишлар органлари жамоаларидаги зиддиятларни бартараф этишда психологик билимларнинг ўрнини беқиёсдир. Бу хусусда кейинги параграфда батафсил тўхталсак-да, аммо шу ўринда айрим тавсияларни ҳам келтириб ўтамыз.

Гуруҳ ичидаги ва гуруҳлараро муносабатларда зиддиятларни бартараф этиш, барқарор муҳитни яратиш низоларнинг олдини олишга олиб келади. Бунинг учун жамоа бошлиқлари қуйидаги ҳолатларни инобатга олишлари мақсадга мувофиқ:

- ходимларни тўғри танлаш ва жой-жойига қўйиш;
- меҳнатни тўғри ташкил этиш;
- бошлиқ билан ходим ўртасидаги муносабат хусусиятларини фарқлай олиш;
- жамоанинг ҳар бир аъзосининг бурч ва мажбуриятларини яхши билиши;
- ишда қатъий интизомни яратиш;
- ҳар хил салбий психологик ҳодисаларнинг тарқалишига йўл қўймаслик (миш-миш, ғийбат, аноним ҳолатлар).

Ҳар қандай касбий фаолият кундалик муомала жараёнидан иборат. Ички ишлар органлари ходимлари ўртасидаги муносабатлар расмий-маъмурий қурилганлиги боис низоли вазиятлар учун шарт-шароитнинг намоён бўлиши анчагина қулайдир. Берилган буйруқни бажариш, бошлиқ билан муносабатда низоли ҳолатларнинг олдини олишга шай туриш, жазолашнинг мураккаб кўриниш олиши ходимларда анча қийинчиликлар туғдиради. Агар ички ишлар органларида фаолият кўрсатувчи ходимлар ўртасидаги муносабат маъмурий кўриниш билан ҳамкорликда ишлаш кўринишини олган шароитларда раҳбар билан ходим ўртасидаги муносабатларда субординация сақланган тақдирда ҳам ўзаро ҳурмат тамойилига асосланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Бошлиқ-ходим, ходим-бошлиқ, ходим-ходим муносабатларини тўғри йўлга қўйиш низоли ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этишнинг асосий шартларидан бири саналади. Бу эса муносабат иштирокчиларидан одамлар билан муомалага киришиш малакасини талаб этади. Психологияда шахслараро муносабат ўрнатиш технологияси етарлича ишланган бўлиб, бу борада ходимлар маълумотга эга бўлишлари керак, Хорижий психологик тажрибалар низоли вазиятларни ҳал этишда эмоционал кўринишдаги шарт-шароитларни яратиш кераклигини уқтиради.

Ички ишлар органлари жамоасида бошлиқдан шахснинг индивидуал хусусиятларини фарқлай олиши, уларнинг кечинмалари ва қобилиятларини сезиш лаёқатига эга бўлиши талаб этилади.

Кўпчилик зиддиятлар бошлиқнинг жамоа аъзолари билан низолашишига сабаб бўлиб қолмоқда.

Муомалага киришимлиликни таъминлашда, алоқа ўрнатишда қуйидаги принципларни босқичма-босқич амалга ошириш лозим.

1-босқич – психологик тўсиқларни бартараф этиш;

2-босқич – мос келувчи қизиқиш ва манфаатларни топиш;

3-босқич – муомала принципларини аниқлаш;

4-босқич – муомала учун хавфли сифатларни ажрата олиш;

5-босқич – муомалада шеригига мослашиш ва психологик алоқа ўрнатиш.

Принциплардан фойдаланиш босқичларига амал қилиш ҳамсуҳбатга таъсир кўрсатишнинг ва низоларга шарт-шароит туғдирмасликнинг энг яхши воситасига айланади.

Зиддиятнинг нафақат назарий томонларини, шунингдек, унинг амалий томонларини ҳам, ечимини ҳам билиш керак. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари фаолиятидаги жуда ҳам зарур ва долзарб муаммомдир, бу долзарблик уни ўрганишимизга сабаб бўлади.

Психологлар мулоқотдаги низоларнинг олдини олиш учун қуйидаги қоидаларга амал қилиш лозимлигини уқтириб ўтадилар:

1) танқид ва айбловни кўп ишлатмаслик, кўп нолийвермаслик керак;

2) фикрда қисқароқ (5-9 сўздан иборат) гаплардан фойдаланиш керак;

3) эътиборли тингловчи бўлиш керак, суҳбатдош фикрини бўлмаслик, суҳбатдошга ўз фикрини билдириши учун вақт бериш, суҳбатдошга бўлган қизиқишни кўрсатиш, суҳбатдош нутқининг хусусиятларига камроқ эътибор бериш, суҳбатни монополлаштириб юбормаслик, суҳбат вазиятидан чалғимаслик керак;

4) овозни имкон қадар самимий жаранглашини таъминлаш керак;

5) суҳбатдошнинг новербал сигналларини диққат билан кузатиш керак;

6) қатъий фикр билдиришдан сақланиш керак;

7) фикрни билдиришдан олдин у нима ҳақида эканини маълум қилиш керак;

8) суҳбатдош «тилида» гапириш керак;

9) бўлар-бўлмас баҳсларга киришишдан сақланиш керак;

10) буйруқ оҳангидан воз кечиш керак;

11) «ҳеч қачон» ва «ҳар доим» сўзларидан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш керак;

12) ижобий эмоцияларни сақлаб туриш керак, кўпроқ табассум қилиш керак.

Низо рўй бергач уни бартараф этиш учун қуйидагиларга амал қилиш тавсия этилади:

1) вазминликни сақлаб қолиш (эмоционал ҳолатни имкон қадар бошқариш, имкон қадар шарҳламаслик) керак;

2) низонинг асосий сабабини аниқлашга интилиш (аниқлаштирувчи саволлар бериш, суҳбатдошнинг ички позициясини билишга уриниш) керак;

3) шахсий соҳадаги тўқнашувга йўл қўймаслик (суҳбатдошнинг шахсий хусусиятларидан ранжишни, уларни ёқтирмасликни кўрсатмаслик, шахсий устунликни кўрсатишдан сақланиш) керак;

4) ҳар бир сўз ва иборадан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш (негатив эмоционал баҳоланувчи сўз ва иборалардан – «сиз хато қиялмасиз», «янглишдингиз», «эс-ҳушингиз жойидамас, шекилли» кабилардан, ақл ўргатувчи гаплардан фойдаланмаслик) керак;

5) компромисс учун очиқ бўлиш (ўзаро манфаатли келишувга доим тайёр бўлиш) керак;

6) суҳбатдошнинг ҳар бир гапини диққат билан тинглаш ва анализ қилиш (суҳбатдошнинг сўзлари ва ҳиссиётларини тушунишга, шахсий позициясининг суҳбатдош позициясидан нимаси билан фарқланишини аниқлаш) керак.

Низо бартараф этилмай муносабатлар бутунлай тугалланса, буни фақат позицияларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги туфайли рўй берган ҳодиса деб ҳисоблаш керак.

Зиддиятни ечиш методикаси амалиётга ҳеч қандай таъсир қилмаслиги керак. Умуман, жамоада зиддият чиқмаслигида раҳбарнинг ўрни беқиёсдир, раҳбар асабийлашмаслиги, бошқача қилиб айтганда, зиддиятни ечишда бардошли бўлиши керак.

Зиддиятни ечишнинг ижобий (педагогик) ва маъмурий (салбий) йўллари мавжуд. Биринчисида кишиларнинг яхши ишларини учун шароит яратилса, иккинчисида зиддиятни юзага келтирган шахслар жазоланади.

Педагогик-психологик таъсир этишнинг асосий усуллари билан ишонтириш усулидир. Бу усул жамоа мурожаат қилганида қўлланилади. Зиддиятнинг барча турлари жамоа фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, чунки унинг сабабларини аниқлаш, уни ечиш йўллари излаш, айбдорларни жазолаш ҳамма-ҳаммаси вақт талаб

қилади. Умуман олганда, маъмурий жазолаш ҳеч иложи бўлмаган ҳолларда қўлланиши керак.

Зиддиятни ечишнинг асосий усулларида ташқари, қуйидаги қўшимча йўллари ҳам мавжуд:

1) зиддиятни умуман йўқ қилиш (бўшатиш, бир ишдан иккинчи ишга олиб қўйиш);

2) зиддиятлашган томонлардан бири ютади, иккинчиси ютқазади, ютқазган уни тан олиши;

3) зиддиятда икки томондан бири иккинчисига йўл бериши;

4) зиддиятнинг аста-секинлик билан ўз-ўзидан йўқолиши;

5) зиддиятлашган кишилардан бири иккинчисининг талабини қондириш;

6) зиддиятни келтириб чиқарувчи сабаб ва шароитларнинг олдини олиш;

7) томонларни ишонтириш (бир-бирга) йўли билан яраштириб қўйиш.

Зиддиятни ечиш қийин ижтимоий психологик муаммо бўлиб, у келтириб чиқарган томонларнинг иккаласи ҳам ўзларича рухий томондан ҳақдирлар.

Зиддиятнинг олдини олиш ва ечишда қуйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

– зиддиятни бартараф этишда аввал зиддиятларнинг келиб чиқиш шароитларини тўғри баҳолаш;

– зиддиятнинг келиб чиқишга шарт-шароит яратиб бермаслик;

– зиддиятнинг ўзагини аниқлаш, зиддиятнинг энг юқори нуқта-сида шахсий ўзаро келишишларни топиш;

– зиддиятнинг субъектив сабабларини аниқлаш;

– субъектлар томонидан зиддиятнинг йўналишини аниқлаш.

– зиддият қатнашчиларининг ҳамма фикрларини эшитиш, шошма-шошарлик билан хулоса чиқариб қўймаслик, асосий диққатни зиддият предметига қаратиш;

– зиддиятни ечишда энг мақбул йўл излаш.

Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиқиб, зиддият борсида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1) зиддият психологик нуқтаи назардан олиб қараганда ўта мураккаб назарий ва амалий муаммодир;

2) зиддиятни ижтимоий-психологик нуқтаи назардан иккига бўла-миз: қарама-қаршилик ва қарама-қарши курашлар;

- 3) зиддият ўзининг тузилиши ва динамикасига эга;
- 4) зиддиятни келтириб чиқарувчи объектив ва субъектив сабаблар мавжуд;
- 5) зиддиятни ечишда асосан педагогик ва маъмурий усуллар қўлланилади.

4-§. Ички ишлар идоралари ходимларининг фуқаролар билан муомала қилиш ва нутқ маданияти

Ички ишлар идоралари ходимларининг фуқаролар, корхона, муассаса, жамоат ташкилотлари, ижтимоий жамоа бирлашмаларининг раҳбарлари ва бошлиқлари билан муомала қилиш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси, Президенти, Ҳукумати, Ички ишлар вазирлиги қабул қилган тегишли қонун, фармон, низом ва буйруқларда белгилаб қўйилган бўлиб, уларни оғишмай бажариш ҳар бир ходимнинг бурчидир.

«Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари» ҳақидаги Қўлланмада (2016 йил 30 май) шундай дейилади: «Ходимлар хизмат жараёнида ва хизматдан ташқари пайтда сўзлашиш одобига, муомала маданиятига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллаш, фуқаролар билан хушмуомалада бўлиш инсоннинг мавқеини юксалтиради, унинг жамоадаги ва жамиятдаги ўрни ҳамда обрўйини белгилаб беради.

Ҳар бир ходим фуқаролар билан самимий муносабатда бўлиши, уларнинг мурожаатини диққат билан эшитиши, ваколоти доирасида кўриб чиқиши ва масаласини ҳал қилишга интилиши зарур. Фуқаролар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг қонунга зидлигини тушунтиради ҳамда қонунда белгиланган чорани қўллаш масаласини ҳал этади»⁵. Айни вақтда ички ишлар идоралари ходими фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала бўлишга, уларнинг иш билан боғлиқ чигал саволларига ва бошқа ҳолатлар бўйича мурожаатларига тўғри ва аниқ жавоб беришга, арз ва шикоятларини имкони борича қонуний ҳал қилишга интилиши лозим.

Ички ишлар идораларининг ходимлари фуқаролар билан бўладиган мулоқотларида хушмуомала бўлишлари керак.

⁵ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ҳақида қўлланма. – Т., 2016. – Б.40.

Хушмуомалалик ички маданиятнинг ташқи кўринишидир. Унинг асосини инсонийлик ташкил этади. Фуқаролар билан бўладиган *хушмуомалалик* куйидаги хулқ-атвор қоидаларини қамраб олади:

- одамларга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш;
- инсонга хайрихоҳлик, эътиборлилик;
- муҳтожларга ўз вақтида ёрдам бериш, уларнинг ҳожатини чиқариш;
- илтифот билан жой кўрсатиш, жой бериш, олдинга ўтказиб юбориш, ёрдамлашиш;
- одамларни ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ноқулай аҳволга солиб қўймаслик, агар шундай ҳолат юз берса, тезликда кечирим сўраш ва ўз хатти-ҳаракатини тузатиш;
- кексаларга, болаларга ва аёлларга алоҳида илтифот кўрсатиш ва ҳоказолар.

Ходим ушбу талабларга ўзининг бутун фаолияти давомида, яъни фуқароларни қабул қилганда, кузатиб қўйганда, жамоат тартибини сақлаш учун хизматга чиққанда, жиноятчиларни ушлаганда, тинтув ўтказиш, сўроқ қилиш чоғида, хизматдан ташқари вақтларда, транспортда, театрда, кино залларида, уйда ва жамоат жойларида амал қилиши керак.

Ички ишлар идораларининг ходимлари фуқаролар билан бўладиган мулоқотларида албатта зийрак, ҳушёр, меҳрибон бўлишлари лозим.

Зийраклик деб, фуқароларнинг орзу-умидларини, аниқ истак-хоҳишларини, дилидаги гапларини тезликда фаҳмлаб олиш ва шунга жавобан ахлоқ қоидалари талаби асосида хатти-ҳаракатлар қилишга айтилади. Зийракликнинг асосини сезгирлик ва ҳушёрлик ташкил этади. Зийраклик ахлоқ ва нафосатнинг фуқаролар дилидагини илғаб олиш, уларнинг қалбидан жой олишга хизмат қиладиган сирли калитидир.

Фуқароларга зийраклик, яъни сезгирлик билан яхши муомала қилиш, уларнинг дардига қулоқ солиш, саволларига ширинсуханлик билан жавоб қайтариш, уларга ёрдам қўлини чўзиш, умуман, яхши муносабатда бўлиш охир-оқибатда барча мушкул муаммоларни ҳал этишга ёрдам беради. Бу эса ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли ўртасидаги обрўйини янада оширади, халқнинг уларга нисбатан ишончи кучаяди ва у ички ишлар идоралари ходимларининг ишончли таянчига айланиб боради.

Бу умумий қоидалардан фарқли ўлароқ, ички ишлар идоралари ходимларининг аҳоли билан бўладиган махсус касб ахлоқи қоидалари ҳам мавжуд. Бу қоидалар уларнинг хизмат вазифаларини бажариш чоғида намоён бўлади.

Хизмат вазифаларини бажариш вақтида фуқаролар билан муомала қилиш маданияти қоидалари қуйидагилардан иборат:

1. Ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими хизмат бурчини бажараётган вақтда, энг аввало ўзининг давлат ҳокимияти вакили эканлигини, одамлар унинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати, сўз оҳанги ва ташқи қиёфасига қараб бутун ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилувчиларга баҳо беришларини, унинг обрўси давлат обрўси эканлигини унутмаслиги керак.

2. Фуқаролар ички ишлар идораларининг ходимларига ёки, аксинча, ходим фуқароларга мурожаат қилганда ходим саломлашиш қоидаларига тўлиқ риоя қилмоғи, яъни ҳарбийчасига саломлашиб, ўзининг лавозими, унвони, исми-шарфини айтиши, сўнгра мурожаат қилиш сабабини ва мақсадини диққат ва сабр-тоқат билан эшитиши ҳамда баён қилиши керак.

3. Фуқароларнинг барча саволларига, мурожаатларига хушмуомалалик билан жавоб бериш, ётиғи билан тушунтириш, уларга иложи борича ёрдамлашиши, иложи бўлмаганда маслаҳатлар бериши зарур.

4. Ички ишлар органлари ходими фуқароларга мурожаат қилганда, уларнинг талабига биноан ўзининг исми-шарфини ва иш жойини айтиши ҳамда хизмат гувоҳномасини кўрсатиши шарт.

5. Ходимнинг фуқаролар билан муомала қилиш чоғида:

- димоғдорлик, далғаз танбеҳ, қўполлик қилиш;
- кинояли, дағал тарзда танбеҳ бериши;
- гапирганда инсон қадр-қимматини таҳқирловчи пичинг ва қочириқ сўзларни ишлатиши;
- фуқароларга асосланмаган айблар қўйиши;
- таҳдид солувчи ҳамда фуқароларнинг қадр-қиммати ва шахсини таҳқирловчи бошқа хатти-ҳаракатларга йўл қўйиши қатъиян тақиқланади.

6. Ҳар бир ходим хизмат вазифасини бажариш вақтида у ёки бу фуқаронинг хужжатларини текшириб кўришга зарурат сезса, унинг олдига келиб, ҳарбийчасига саломлашиши, ўзининг кимлигини айтиши, вақтини олганлиги учун узр сўраб, мулойимлик билан хужжатларини кўрсатишини талаб қилиши керак. Хужжатлар тўғри

бўлса, ходим ҳужжатни эгасига тезликда қайтариши, миннатдорчилик билдириб, хайрлашиши керак. Бордию, ҳужжатларда бирон-бир камчилик бўлса ёки у шубҳа туғдирса, бу ҳақда фуқарога хушмуомалалик билан тушунтириши ва қатъий тарзда ундан ўзи билан биргаликда яқинроқдаги ички ишлар бўлинмасига боришни талаб қилиши зарур. Бунда, албатта, хушёрликни унутмаслик керак.

7. Ходим фуқароларнинг шахсий мунозараларига ва баҳсларига аралашмаслиги керак. Фуқароларнинг ҳаётига хавф соладиган жамоат тартибининг бузилишига олиб келадиган, жиноятни келтириб чиқарадиган баҳс-мунозаралар бундан мустаснодир.

8. Байрам ва тантанали кунларда, айниқса, халқ сайллари вақтида фуқароларга кам аҳамиятли, тасодифий тартиббузарликлар учун имкони борича танбеҳ бермаслик, бўлар-бўлмасга бўлимларга олиб келмаслик керак.

9. Ҳар бир ходим ҳар қандай фуқаронинг ҳурмат-иззатини ўрнига қўйиб гаплашиши шарт. Бунда кичик ва ўрта мактаб ёшидаги болаларга «сен», катталарга эса «сиз» деб мурожаат қилиши керак.

10. Ходим хизматдан ташқари ҳолларда мурожаат қилган фуқароларга нисбатан бефарқ бўлмаслиги керак. Уларга тўғри маслаҳатлар бериб, саволларига жавоб топиш учун имкони борича амалий ва маънавий ёрдам кўрсатиши зарур.

11. Қўшнилари билан яхши муносабатда бўлиш, уларнинг мурожаатларига қулоқ солиш, ёрдам бериш, оилаларида бўлаётган ҳар хил кўнгилсизликларнинг олдини олишга ёрдамлашиши зарур.

12. Таътил вақтида, хизматдан бўш вақтларида халқ байрамларида, миллий маросимлар, тўй-ҳашам, таъзия ва бошқаларда кўпчилик қатори қатнашиши керак.

Ходим ички ишлар бўлимига олиб келинган, ушланган ва қамоққа олинганларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини, шахсиятини поймол қилмайди. Ўз навбатида, уларга тиббий ва ҳуқуқий ёрдам беради, уларнинг ушланганликлари ҳақида яқин қариндошлари ёки иш жойига ўрнатилган тартибда хабар беради. Бундан ташқари, суҳбат давомида ходим тамаки маҳсулотларини чекиши, бирор нарсани истеъмол қилиши ёки уларга нисбатан ҳурматсизлик деб қабул қилиниши мумкин бўлган бошқа ножўя хатти-ҳаракатларни содир этмайди.

Ички ишлар идоралари ходимлари гумон қилинувчи шахслар, айбланувчи ёки судланувчилар билан мулоқотга киришаётганда

доимо хушёрликни йўқотмасдан, ўзини оғир, вазмин тутиб, ҳар қандай кутилмаган ҳаракатга қарши тайёр туриши лозим.

Ҳуқуқбузар тақдим этган ҳужжатларни эҳтиёткорлик билан кўздан кечиради, уларга нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлмайди. Ҳужжатларни текшираётганда унинг ичида ишга тааллуқлиги бўлмаган буюмлар (пул, ёзувли қоғоз парчаси, ташриф қоғози ва ҳ.к.) бўлса, уларни эгасига қайтаради. Ҳуқуқбузарга нисбатан ножўя хатти-ҳаракатлар қилмайди.

Ички ишлар идоралари ходими аҳоли билан алоқани мустаҳкамлаб, такомиллаштириб боради. Ички ишлар идоралари ходими деган юксак номни ёдда сақлаган ҳолда, хизмат вазифасига доир иш юритуви давомида ҳамда инсонийлик бурчини бажариш вақтида фуқаролардан турли кўринишдаги ҳадя ва совғаларни олмайди ва хизмат айтмайди.

Спиртли ичимлик ичган, гиёҳвандлик воситаси ёки психотроп моддалар истеъмол қилган шахслар билан мулоқотга киришганда, агарда улар ўзларини тўғри тутсалар ҳам шахсий хавфсизликни таъминлаган ҳолда эҳтиёткор бўлиши ҳамда тегишли қонуний чоралар кўрилишини таъминлаши зарур.

Ходим жамоат транспортида ва бошқа жамоат жойларида йўловчилар билан хушмуомалада бўлиб, кексаларга, аёлларга жой бериши, ёшларни ёши катталарга жой беришга ундаши, жамоат транспортида ёки бекатда ҳуқуқбузарлик содир этилса, дарҳол уни баргараф этиш учун зарур чоралар кўриши, жабрланувчига ёрдам бериши ҳамда жамоат тартиби сақланишини таъминлашни хизмат ва фуқаролик бурчи деб ҳисоблаши шарт»⁶.

Ички ишлар идораларининг ходимлари чет эл фуқаролари билан муомала қилганда қуйидаги қоидаларга амал қилишлари зарур:

1. Ҳар бир ходим хорижий мамлакатлар фуқаролари билан фақат ўзига берилган ваколатлар доирасида муносабатга киришиши ва хизмат вазифасини, бурчини бажаришда она Ватанимизнинг побони эканлигини унутмаслиги керак.

2. Хорижий мамлакат фуқаролари савол билан ёки ёрдам сўраб мурожаат қилганда, уларнинг сўзларини диққат билан эшитиш, уларга ўз ваколатлари доирасида ёрдам бериш, бошқа ҳолларда тегишли муассасаларга мурожаат қилишни тавсия этиш лозим.

⁶ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ҳақида қўлланма. – Т., 2016. – Б.44.

Айниқса, давлат тилини билмайдиган хорижий фуқароларнинг сўзларини диққат билан эшитиб, уларни тушунишга ҳаракат қилиш ва шунга яраша, уларни қаноатлантирадиган даражада жавоб қайтариш зарур.

3. Хорижий мамлакатлар фуқаролари арзимаган, кам аҳамиятли тартиббузарликлар содир қилган бўлса, уларни бу ҳақда огоҳлантириш ва уларни бошқа такрорламасликка чақириш керак. Бордию, улар огоҳлантиришга қарамасдан тартиббузарликни давом эттирсалар, уларнинг жиноят сари бораётганликлари сезилса, ходимнинг қонуний талабларига бўйсунмасалар, у ҳолда бундай ажнабий фуқароларни ички ишлар идораларининг навбатчилик қисмига олиб бориш ва бу ҳақда бўлим бошлиқларига хабар бериш зарур.

4. Ҳар бир ходим шуни унутмаслиги керакки, дипломатик ёки консуллик ҳужжатларига эга бўлган хорижий мамлакат фуқароларини ушлаб туриш тақиқланади. Бордию, улар жиноят ёки ҳуқуқбузарлик содир этган бўлсалар, дарҳол уларнинг фамилиясини, исми-шарифларини, дипломатик ёки консуллик ҳужжатларининг белги ва рақамларини ёзиб олиб, бу ҳақда тезлик билан ўзидан юқори турувчи ички ишлар идоралари бошлиқларига ёзма равишда ахборот беришлари керак.

5. Хорижий мамлакат фуқаролари содир этилган бирон-бир жиноят ҳақида хабар берсалар, бу ҳақда тезликда ички ишлар идоралари бошлиғига маълумот бериш ва уларнинг аризаларини қабул қилиб олиш учун ички ишлар идораларига шахсан бошлаб бориш ёки у ерга бориш йўлини тушунтириб бериш зарур.

6. Хорижий мамлакат фуқаролари яшаётган хонадонларга ўзбошимчалик билан киришга, уларнинг паспортлари қайд этилган ёки этилмаганлигини текшириб кўришга рухсат этилмайди. Бу иш жуда зарур бўлиб қолган вақтда уй-жой бошқармаси маъмурияти, корхона, ташкилот, муассаса ва ўқув юртлари раҳбарлари билан бамаслаҳат амалга оширилади.

7. Хорижий мамлакат фуқаролари ички ишлар идораларига мурожаат қилганларида ички ишлар идорасининг бошлиғи ёки унинг муовини уларни бирон-бир ички ишлар идоралари ходими ёки холис фуқаро иштирокида қабул қилиши керак.

8. Ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими ажнабий фуқаролар билан мулоқотда бўлганда ўзининг юксак фазилатларини намоён қилиши, хорижлик фуқаролар унинг сулуқатига қараб она

Ватанимиз – мустақил Ўзбекистон халқи тўғрисида фикр юритишини зинҳор унутмаслиги лозим. Бу ҳақда «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари» ҳақидаги Қўлланмада: «Ички ишлар идоралари ходимлари эл-юрт осойишталиги посбони сифатида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар билан мулоқотга киришишда қадди-қоматини тик тутган ҳолда, очиқ чехра билан уларнинг берган саволларига аниқ ва лўнда жавоб беришга интилади. Уларни қабул қилганда таржимон таклиф этади»⁷, – дейилган. Бу деган сўз, ички ишлар идоралари ходими хорижий давлат фуқаролари билан мулоқотда ўзини муносиб тутати, вазифасини юксак маҳорат билан бажариб, республикамиз шаъни ва мавқеини баланд кўтаради, она Ватани билан ғурурланишини, унинг учун ҳар қандай синовларга ва хизматга тайёр эканлигини намойиш этади.

Фуқароларнинг хонадонларига киришга тўғри келганда ички ишлар идоралари ходимлари қўйидаги ахлоқ қоидаларга риоя этишлари керак:

1. Ички ишлар идораларининг ходимлари ўз хизмат вазифаларини бажариш чоғида, қонунларда ва йўриқномаларда кўрсатилган тартибда фуқароларнинг хонадонларига ташриф буюришлари мумкин.

2. Хонадонга ташриф буюраётган ходим ўз ташрифи уй соҳибининг кадр-қиммати, кўни-кўшнилари олдидаги обрўси билан боғлиқ бўлган катта ахлоқий масъулиятга эга иш эканлигини унутмаслиги керак. Шунинг учун ҳам фуқаролар хонадонига ташриф буюрганда одоб қоидаларига, ташқи кўриниш, кийим-бошларни кийиш, тозаллик нормаларига оғишмай амал қилиш зарур.

3. Хонадонга киришда ҳар бир ходим, энг аввало, ҳарбийчасига саломлашиши, ўзини таништириши ва ташрифдан кўзлаган мақсадини босиқлик билан хонадон соҳибига тушунтириши керак. Бу ташриф паспорт қайдини текшириш билан боғлиқ бўлса, хушмуомалалик билан паспортни кўрсатишларини сўраши лозим. Агар паспорт солинган ҳужжатдон ичида пул ва бошқа қоғозлар бўлса, хонадон соҳибидан уларни олиб кўйиб, фақат паспортни беришни сўраши керак. Ходим ҳеч вақт ҳужжатдондаги пул ва бошқа қоғозларга қўл тегизмаслиги керак.

⁷ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ҳақида қўлланма. – Т., 2016. – Б.41.

4. Паспортни қайд қилиш ва яшаш қоидаларига амал қилишда озгина камчиликлар бўлсаю, маъмурий чора кўриш учун етарлича асос бўлмаса, хонадон соҳиби ва унинг оила аъзолари билан қисқача суҳбат ўтказиш ва тушунтириш ишларини олиб бориш зарур. Суҳбат ва тушунтириш ишлари ниҳоятда самимий, ишончли бўлмоғи керак.

5. Ҳар бир ходим, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-моддасида кўрсатилганидек, «ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажовузлардан, шахсий ҳаётига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга» эканлигини унутмаган ҳолда хонадонга фақат жинойтнинг олдини олиш, фуқароларнинг шахсий ҳаётини сақлаб қолиш мақсадида кириши, бунда эҳтиёткорлик билан ва тез ҳаракат қилиб, жинойтчини, тартиббузарни қўлга олиши керак. Қўлга олиш чоғида у, иложи борича, хонадондаги буюмлар, анжомларга зиён-заҳмат етказмаслик чораларини кўриши зарур.

6. Ёлғиз ўзи яшовчи қариялар ёки умуминсоний ахлоққа зид ҳаракатлар қилиб яшовчи оилалар, қамоқ жойидан бўшаб келганларнинг хонадонларига ташриф буюрганда ниҳоятда эҳтиёткорлик, сезгирлик билан иш кўриб, уларга диққат-эътибор билан қараш, ёрдам қўлини чўзиш, қайта тарбиялаб рисоладаги ҳаёт кучоғига қайтариш тадбирларини кўриш мақсадга мувофиқдир.

Ички ишлар идоралари ходимларининг фуқароларни қабул қилиши уларнинг аҳоли билан бирлигини таъминловчи омиллардан бўлиб, фуқароларнинг саволларига, ариза ва шикоятларига тез ва тўғри жавоб топиш ҳамда жинойтчиликнинг олдини олиш, адолатни қарор топтириш мақсадида ташкил этилади. Бунда қуйидаги қоидаларга риоя этиш зарур:

1. Фуқароларни мурожаат этилган масалалар бўйича зарур қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган ички ишлар идораларининг ходимлари, бошлиқлари қабул қилишлари керак.

2. Фуқароларни қабул қилиш учун махсус хона ажратилиши лозим. Ажратилган хона тоза, озода, ёруғ, тинч ва қулай бўлиши, керакли кўرғазмали маълумотлар ҳамда хона юксак эстетик дид билан жиҳозланган бўлиши зарур. Қабул қилиш учун яратилган шарт-шароит ва муҳит ички ишлар идоралари ходимларининг маданиятлилик даражасини кўрсатувчи белгилардан бири эканлигини унутмаслик керак.

3. Фуқароларни қабул қилиш вақти аниқ белгиланган, кимлар қандай масалалар бўйича қабул қилиниши кўрсатилган бўлиши лозим. Қабул қиладиган ходим доимо махсус кийимда (формада) бўлиши, ўзини камтарона тутиши, фуқароларга ёрдам беришга тайёрлиги ва уларнинг ишончини оқлай олиши унинг қабулидаги фуқарога сезилиб туриши керак. Фуқарода уни қабул қиладиган ходимга нисбатан ишонч ҳосил бўлиши керак. Ходим, шунингдек, ташқи кўриниши ораста бўлиши зарурлигини унутмаслиги лозим.

4. Ички ишлар идоралари ходими ўз қабулига келган фуқарони, у ким бўлишидан қатъи назар, ўрнидан туриб, унга пешвоз чиқиб кутиб олиши, саломлашиши, ўтириш учун таклиф қилиши ва ҳолаҳвол сўраши лозим. Шундан сўнг суҳбатдош фуқаронинг исми-шарифини, иш жойини, уй адресини, телефонини сўраши ва бу маълумотларни тегишли дафтарга ёки ҳисоб варақасига қайд этиши, ташрифдан кўзлаган мақсадини сўраши керак.

5. Суҳбат чоғида фуқаронинг барча гапларини диққат билан тинглаш, гапини бўлмасдан эшитиш керак. У гапини тугатганидан сўнг, унга ноаниқ ёки тушунилмай қолган нарсалар тўғрисида савол бериш керак. Савол-жавоб жиноятчини ёки гувоҳни сўроқ қилиш тарзида бўлмаслиги керак. Суҳбат самимий, эркин тарзда олиб борилиши лозим. Суҳбат чоғида бошқа одамлар билан, шу жумладан, телефонда сўзлашмаган маъқул.

6. Ташриф буюрган фуқаронинг барча саволларига, шикоятларига тўлиқ жавоб бериш, жавобнинг тушунарли бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш керак. Фуқаро жавобдан қониққан бўлса, унга миннатдорчилик билдириш, қониқмаган бўлса юқори ташкилотларга мурожаат қилиш тартибини ётиғи билан, шошмасдан, хушмуомалалик билан тушунтириш зарур. Суҳбат тугатганидан сўнг фуқарога сиҳат-саломатлик тилаб, хайрлашиш ва албатта кузатиб қўйиш лозим.

7. Фуқароларнинг мурожаатига алоқадор мансабдор шахслар суҳбат чоғида иштирок этаётган бўлсалар, уларнинг барчасини фуқарога таништириш керак. Бордию, суҳбатдош фақат бошлиқнинг ўзи билан гаплашиш истагини билдирса, бунга ҳам имкон бериш лозим.

8. Фуқаро билан суҳбат чоғида уларга бериладиган жавоб аниқ ва ишонарли бўлиши учун жавобни тегишли қонунлардан ва бошқа норматив ҳужжатлардан парчалар ўқиб бериш орқали асослаш мақсадга мувофиқдир.

9. Суҳбат давомида кўрилаётган масала ички ишлар идораси бошлиғининг ваколатига кирмаса, фуқарога бу ҳақда ётиғи билан гапириб, кимга мурожаат қилиши зарурлиги тушунтириб берилади.

10. Суҳбат давомида кўрилаётган масалани ҳал қилиш учун кўшимча маълумотлар, ҳужжатларни кўриш ёки муайян ташкилий тадбирларни ўтказиш зарур бўлса, бу ҳақда суҳбатдошга маълум қилинади ва масала ҳал этилиши лозим бўлган аниқ вақт белгиланади.

11. Қабулга келган фуқаронинг маълумоти жиноятни очишга ёки ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган бўлса, унга албатта ташаккур айтиш керак.

12. Қабулга маст ҳолда келган фуқаролар билан одатда суҳбат ўтказилмайди. Бордию, улар жиноят ёки бошқа кўнгилсиз воқеаларнинг содир этилаётганлиги ёки бунга ҳаракат бўлаётганлиги ҳақида маълумотга эга бўлсалар, унинг сўзларини тинглаш ва тегишли чора-тадбирларни кўриш зарур.

13. Қабулга ёзилган барча фуқаролар қабул қилиниши шарт.

14. Қабул вақтида тушган таклифлар, аризалар, шикоятлар билан боғлиқ масалаларни тезликда ҳал қилишнинг имкони бўлмаса, уларни умумий тартибда ҳал қилиб, фуқароларга унинг бажарилганлиги тўғрисида ёзма равишда маълумот бериш керак.

15. Фуқароларни қабул қилиш ички ишлар идораларининг ҳар бир ходими учун унинг касбий, ахлоқий ва сиёсий етуклиги синаладиган катта имтиҳон эканлигини ёддан чиқармаслик зарур.

Ички ишлар идоралари ходимларининг нутқ маданияти. Барча халқлар, миллатлар ўз тили ва нутқ маданиятига эгадирлар. Тил – фикр ифодалаш усули, муомала воситаси. Тил ва нутқ – бир жараённинг икки томони. Тил фикрни ифодалайди, нутқ уни юзага чиқаради. Фикрни сўзлар орқали бошқаларга билдириш усули кишиларнинг нутқ маданияти ёки сўзлашиш услуби деб аталади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг нутқ маданияти деб уларнинг ўз фикрларини бир-бирларига, фуқароларга, аҳолига тил воситалари орқали тўғри, аниқ ва таъсирчан қилиб етказа олишларига айтилади.

Нутқнинг *ёзма* ва *оғзаки* турлари мавжуд. Ёзма нутқ илмий, расмий, публицистик ва қисман бадий услубларда, оғзаки нутқ эса адабий ва сўзлашув услублари орқали ифодаланади.

Ёзма нутқ ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятининг таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Оддий билдирги ёзишдан

мураккаб жинойй ишларни олиб боришгача бажариладиган ишларни ёзма нутқсиз тасаввур этиш қийин. Донолар, одатда, «ёзувингни кўрсат, мен сенинг кимлигингни айтиб бераман» дейдилар. Демак, ёзув одамнинг феълени кўрсатувчи белгилардан бири экан. Шунинг учун ҳам ички ишлар идораларининг ходимлари, энг аввало, ёзма нутқ турлари ва қоидаларини пухта эгаллаган бўлишлари лозим.

Илмий услуб. Илмий услуб деб жамият тараққиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда фикрларни ўзбек тилининг барча морфологик ва синтактик қоидалари асосида, илмий-ҳужжат шаклида, илмий-техникавий, илмий-оммавий, ўқув-илмий, публицистик тарзда ифода этишга айтилади.

Илмий услуб ўзининг қуйидаги хусусиятлари билан ёзма нутқнинг бошқа шаклларида фарқ қилади:

- 1) баён қилинаётган ахборотнинг объективлиги, аниқлиги;
- 2) баён қилинаётган фикрнинг қисқа ва лўндалиги;
- 3) мантиқий изчилликнинг кучлилиги;
- 4) маълумотларга бойлиги;
- 5) адабий тил қоидаларига қатъий риоя этилиши, шевачиликнинг йўқлиги;
- 6) фикрни баён этишда кўرғазмали қуроллар, яъни ҳар хил чизма ва жадвалларнинг ишлатилиши.

Илмий услуб асосан мақола, монография, илмий маъруза, илмий ахборот, рисола шаклидаги асарларда қўлланилади.

Расмий услуб. Бу услуб ҳозирги кунда маъмурий ва юридик ишларда кенг қўлланиладиган ёзма нутқ шаклларига киради. Барча қонунларнинг матнлари, фармонлар, буйруқ ва қўлланмалар, йўриқномалар, ижозатномалар, билдиргилар, баённомалар, тушунтириш хатлари, далолатномалар, шартномалар, судлардаги чиқишлар, хуллас, ички ишлар идораларида олиб бориладиган ва юритилладиган барча ҳужжатлар расмий услубда ёзилади.

Расмий услуб қоидалари қуйидагилардан иборат:

- 1) сўз тартиби грамматика қоидаларига тўлиқ асосланган бўлиши керак;
- 2) фикр содда, аниқ ва қисқа ифодаланиши керак;
- 3) фикр касбга доир терминлар асосида баён қилиниши зарур;
- 4) жаргонлар, оғзаки сўзлашув услубига хос сўзлар ишлатилмаслиги керак;
- 5) эскирган сўзлар ва ибораларни иложи борича ишлатмаслик

ёки ўрнига қараб ишлатиш лозим.

Расмий услубда ёзилган ҳужжатлар ички ишлар идоралари ходимларининг, қолаверса, бутун вазирликнинг маданиятлилик даражасини, профессионал жиҳатдан етуклигини, замон билан, халқ билан ҳамнафас эканлигини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади.

Оғзаки нутқ ва унинг ички ишлар идоралари ходимларининг муомала маданиятини шакллантиришдаги аҳамияти катта.

Юқорида қайд этилганидек, оғзаки нутқ сўзлашув ва адабий услубларда ифодаланади.

Сўзлашув услуби деб кишиларнинг кундалик ҳаётда шева ва лаҳжаларда мулоқот қилиш усулига айтилади. Сўзлашув услубида нутқ маданиятининг қоида ва нормалари қатъий қўлланилмайди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз аҳолиси Тошкент шеваси, Фарғона шеваси, Наманган шеваси, Андижон шеваси, Қашқадарё шеваси, Сурхондарё шеваси, Бухоро шеваси, Самарқанд шеваси каби кўплаб шеваларда сўзлашадилар.

Адабий услуб деб адабий тил нормаларига қатъий амал қилишга асосланган услубга айтилади. Адабий услубда сўзлашганда, жумладан маъруза ўқилганда, расмий учрашувларни ўтказганда тил қоидаларига тўлиқ риоя этилади.

Оғзаки нутқ ёзма нутққа қараганда кенг қамровли бўлиб, қуйидаги хусусиятларга эга:

1) оғзаки нутқда шевачиликнинг таъсири кучли бўлади; 2) оғзаки нутқда ёзма нутқдаги каби ўйлаб иш тутиш имкони кам бўлади; 3) оғзаки нутқнинг ўзига хос грамматик тузилиши, қурилиш тартиби мавжуд; 4) оғзаки нутқда талаффуз, оҳанг, имо-ишора воситалари муҳим роль ўйнайди; 5) оғзаки нутқнинг юзага чиқиши сўзловчининг кайфиятига, нутқ сўзланаётган вазиятга боғлиқ, сўзловчи нутқий аъзоларининг нормал ва соғломлигига боғлиқ; 6) оғзаки нутқ нормаларининг барча хусусиятларини пайқаш, ёзиб олиш, ўргатиш ва ўрганиш анча қийинчилик билан кечади; 7) оғзаки нутқ бир бутун ҳодиса (матн) сифатида чексиз ва сон-саноксиз шахсий (индивидуал) фаолият бўлиб, унинг кўпгина қирралари турли шароитларда ўзича кечади ва пайқамаган ҳолда беиз йўқолиб кетади; 8) киши сўзлаганда, ўз нутқига ёзгандаги каби етарли эътибор беравермайди.⁸

Оғзаки нутқ, ўзининг функционал шаклига кўра, сўзлашув тилида

⁸ Кўнгулов Р., Бегматов Э., Тожиёв Ё. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. – Т., 1992. – Б.33-34.

гапирувчи шахсларнинг, нотикларнинг, радио ва телевидение эшиттирувчиларининг нутқлари ҳамда сахна нутқларига бўлинади.

Ички ишлар идоралари ходимларининг нутқи, оғзаки ёки ёзма бўлишидан қатъи назар, қуйидаги қоидаларга мос келиши керак:

биринчидан, нутқ мазмунли бўлиши, нотикнинг фикр юритаётган мавзунини ҳар томонлама чуқур билишидан дарак бериб туриши;

иккинчидан, адабий ва грамматик жиҳатдан тўғри, ҳар қандай шевачиликдан холи бўлиши;

учинчидан, аниқ, равшан, қисқа ва тушунарли ифодаланиши;

тўртинчидан, мантиқий изчил, соф, кераксиз сўз ва иборалардан холи бўлиши;

бешинчидан, ифодаланиши, таъсирчан, ёрқин, тингловчида қизиқиш уйғотадиган бўлиши;

олтинчидан, аниқ, содда, гўзал бўлгани ҳолда нутқ мавзусига мос туриши;

еттинчидан, ўқувчи ёки тингловчининг руҳий-маънавий ҳолатини, ёшини, касби-корини, жинсини ҳамда мавжуд вазиятни, давлат томонидан юритилаётган ички ва ташқи сиёсатни инобатга олиши керак.

Ички ишлар идоралари ходимларининг нутқ маданиятини ўстириш воситаларига қуйидагилар кирилади:

- бадий асарларни мунтазам равишда ўқиб бориш ва улар юзасидан фикр юритиш;

- ўзбек тилининг грамматик қонун-қоидаларини пухта ўрганиш;

- ҳар хил луғатлар билан мунтазам равишда ишлаш;

- газета ва журналларни, айниқса уларда эълон қилинган ҳикоялар, мақоллар, латифаларни ўқиб бориш;

- ҳикматлар, пандномалар, латифаларни қунт билан ўқиб чиқиш;

- хизматдошлар олдида оғзаки нутқ сўзлаш, ҳар хил ахборотлар бериб туриш;

- бадий ҳаваскорлик тўғрақларида қатнашиб, у ерда шеър, монолог, қасида кабиларни ўқиш ва ҳоказо.

Ички ишлар идоралари ходимлари аҳоли билан мулоқотда қуйидаги нутқ одоби талабларини унутмасликлари керак:

1) фуқаролар билан сўзлашганда ходим ширинсухан, мулойим ва эзгу ниятли бўлиши зарур. Чунки ширин сўз билан одамларни бирлаштириш мумкин ёки аччиқ, ҳақоратомуз сўзлар билан эса уларни юз кўрмас қилиб юбориш мумкин;

2) сўзлаганда имо-ишораларни камроқ қилиш, айниқса қўлни

кўтариб дўқ-пўписа қилиб, минбарни муштлаб, қўлидаги нарсаларни отиб гапирмаслик керак. Суҳбат ниҳоятда самимий, ўзаро хайрихоҳлик билан ўтказилиши, одамохунлик билан тугатилиши лозим;

3) фуқароларнинг сўзларини, гарчанд уларнинг мазмуни сизга маълум ёки ёқмаётган бўлса ҳам, диққат ва чидам билан эшитиш керак. Бу ҳақда буюк бобокалонимиз ҳазрат Мир Алишер Навоий шундай деганлар: «Фано аҳлига кўп сўзламоқ мақбул эмас, кўп эшитмоқ, – матлуб ва яхшидир. Эшитмоқ кишини тўлатади, айтмоқ, бўшатади»¹;

4) сўзлашиш чоғида ўзи, оиласи тўғрисида, шахсий ғам-ташвишлари ҳақида сўз очмаслик, оила сирини сақлаш керак;

5) тилни, сўзни қадрлаш, уни ҳурмат қилиш, тилни тийиш, сергап ва вайсақи бўлмаслик, ҳар хил ҳақоратомуз сўзларни айтмаслик лозим. Чунки, улуғ мутаффакир Алишер Навоий таъбири билан айтганда, «кўп сўзловчи валди роқ тунда тонг отгунча ҳурийдиган итга ўхшайди. Нодоннинг даҳшатга солувчи алжирашига томоқ қирмоғи – эшакнинг ўринсиз ҳанграмоғи»² кабидир;

6) ғийбатдан, тухматдан, миш-мишлардан ўзни тийиш, бўш-оғизлик қилмасдан, суҳбат сирини сақлай билиш керак;

7) фуқаролар билан бўладиган муносабатда, «*тил тарозиси*» деган нақлга риоя қилиш керак;

8) ходим, эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар, жамоасида ва фуқаролар билан бўладиган мулоқотларда нутқи, хатти-ҳаракатлари, хулқи ва феъл-атворини назорат қилиб бориши, фақатгина ўз гапини маъқуллашга уринмай, бошқаларнинг сўзларига ҳам қулоқ солишга одатланиши керак.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Муносабатлардаги тафовут-конфронтация тушунчасига таъриф беринг.

2. Ички ишлар органлари жамоаларида турли хил низоларнинг келиб чиқиш сабаблари нималардан иборат?

3. Низоли вазиятлар ва унинг тузилишларини изоҳлаб беринг.

4. Низо динамикаси, босқичлари ва турларини тушунтириб беринг.

5. Низоларнинг олдини олиш учун амал қилиш лозим бўлган қоидалар нималардан иборат?

¹ Аждодлар ўғити: ҳикоятлар ҳикматлар, тамсиллар. – Т., 1990. – Б.115.

² Ўша манба. – Б.118.

6. Низоларни бартараф этиш усуллари ҳақида тушунтириб беринг.

7. Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан муомала қилиш маданияти деганда нимани тушунасиз?

8. Ички ишлар органлари ходимларининг нутқ маданиятини тушунтириб беринг.

7-мавзу. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТДА ЎЗ ХАТТИ- ҲАРАКАТЛАРИНИ ҲИССИЙ-ИРОДАВИЙ БОШҚАРИШИ

1-§. Ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш тушунчаси ва унинг асосий мақсади

Ҳиссий-иродавий барқарорликни ходимларнинг фуқаролар билан шахслараро муносабат ва касбий фаолиятига психологик жиҳатдан тайёрлигини кўрсатувчи аломатлардан бири сифатида қараш мумкин. Ҳиссий-иродавий барқарорлик деганда, мураккаб вазиятларда муваффақиятли ишлаш учун қулай бўлган психик ҳолатни сақлаш қобилияти тушунилади.

Ҳиссий-иродавий барқарорлик қуйидагиларда намоён бўлади:

экстремал вазиятларда ходимда ҳаракатларининг самарадорлигини пасайтирувчи ноаниқликлар ва адашишлар туғдирувчи психологик реакцияларнинг йўқлиги;

психологик жиҳатдан мураккаб бўлган шароитларда касбий ҳаракатларни беҳато бажариш машқини олганлик;

касбий зийракликни сақлаш, таваккал, хавф-хатар, кутилмаган вазиятларга нисбатан оқилона эҳтиёткорлик ва диққатни намоёйиш этиш;

юридик ишларни қатъий қонуний юритишга таъсир этишга ҳаракат қиладиган шахсларнинг руҳий таъсирига берилмаслик;

жиноятларнинг олдини олишга, уларни очиш ва тергов қилишга қаршилик кўрсатувчи шахсларга қарши қаттиқ психологик кураш олиб бориш қобилияти;

психологик жиҳатдан мураккаб, низоли, ифвогарона вазиятларда ўзини йўқотмаслик.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг ҳозирги ша-

роитида улар бажарадиган ишнинг муваффақияти, ходимлар биргалликда бажарадиган меҳнатнинг самарадорлиги, жамоадаги психологик муҳит кўп даражада ўз ҳаракатларини бошқара олиш, ҳис-туйғуларини жиловлай олиш, кайфиятини назорат қила олиш, вазиятнинг ва атрофдагиларнинг талаблари билан ҳисоблашиш қобилиятига боғлиқ.

Ички ишлар органлари ходимлари учун ўзини аниқ назорат қилиш, ирода, тезкор қарорлар қабул қилиш, хизмат операцияларини, хатти-ҳаракатларини ва ҳис-туйғуларини бошқара олиш қобилияти жуда зарур.

Ўзини бошқариш орқали ҳиссий асабийлашишни йўқ қилиш, кўрқин ва ишончсизлик ҳиссини тарқатиш, диққатни бир нуқтага қаратиш ва бутун кучни қўйилган вазифани бажаришга сафарбар этиш ички ишлар органлари ходимининг жуда муҳим хислати эканлиги ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Хавфли, баъзан эса ҳаётга таҳдид солувчи вазиятларда тез-тез бўлиш шахслардан ўзини тута олишни, мураккаб вазиятни тез баҳолаш ва энг мақбул қарорларга келиш қобилиятини талаб этади, бу эса қўйилган вазифани самаралироқ бажаришга ҳамда ички ишлар органлари шахсий таркиби орасида фавқулодда ҳодисалар ва касбий фаолиятнинг бажарилмай қолмаслигига ёрдам беради.

Ходимнинг ўз руҳий ҳолатини ва ҳаракатларини бошқара олмаслиги салбий, кўпинча эса ўзи учун ҳам, атрофдагилар учун ҳам оғир оқибатларга олиб келади. Ўз ҳаракатларини бошқара олмаслик шахснинг шароитга ижтимоий-психологик мослашиш қобилиятини пасайтиради, унинг ҳаётини салоҳиятини рўёбга чиқариш йўлидаги жиддий тўсиқ бўлади.

Ички ишлар органларининг ходимларига ҳар куни турли (кўпинча стресс хусусиятига эга бўлган) омиллар таъсир этади. Бу эса, ўз навбатида, чарчаш, ҳолдан тойиш, турли салбий ҳиссий ҳолатларнинг юзага келиши, касбий хизмат фаолиятидаги камчиликларга олиб келади.

Ички ишлар органлари ходимларининг тезкор хизмат жараёнида ўз ҳолатини бошқариш зарур бўладиган вазиятлар тез-тез юзага келади. Руҳий ва жисмоний оғирликлар ҳаддан ташқари катта бўлганда, бунинг устига ходим ўз хатти-ҳаракатларини ёмон бошқарганда ҳаддан ташқари асабийлашиш юзага келади. Бу эса фаолият самарадорлигини пасайтиради ва унинг нотўғри ташкил этилишига,

фуқаролар билан шахслараро муносабатда, ишда жиддий хато ва камчиликларга олиб келиши мумкин. Бундай вазиятларнинг такрорланиши кўпинча касбий бузилишларга, ўзига бўлган ишончнинг йўқолишига, асабий депрессияларга олиб келади. Масалан, психологлар томонидан ўтказилган тадқиқотларнинг кўрсатишича, жиноят қидирув бўлимларининг сўралган ходимларидан 30% уйқусининг бузилишидан шикоят қиладилар, 80%дан кўпроғи невротик ҳолат кўринишларининг бир неча аломатлари борлигини таъкидлаганлар. Бу аломатлар иш кунининг охирига борганда, чарчаш (70%), диққатнинг пасайиши (30%), тажанглик (20%), бош оғриғи ва айланиши (10%), уйқучанлик ва дармонсизлик (10%)ларда намоён бўлади.

Шу муносабат билан ходимларнинг ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш йўллари ва усулларини эгаллашлари бугунги кунда жуда долзарб вазифадир. Хизмат фаолиятида асаблари мустаҳкамроқ бўлган, рақиб (жиноятчи) билан курашишга яхшироқ шайлана оладиган, нафақат жисмоний ва ақлий имкониятларидан оқилона фойдалана оладиган, балки асабий-руҳий фаоллигини мақбул даражада сақлай оладиган, тезкор-хизмат фаолиятининг мураккаб вазиятларида ўзининг иродавий фаоллигини намоён қила оладиган ходимлар кўпроқ муваффақиятни қўлга киритадилар.

Ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқаришнинг асосий мақсади *ходимнинг ўз ички имкониятларидан оптимал фойдаланишига, унинг ижодий салоҳияти очилишига, касбий хислатлари ва қобилиятлари кенг ва самарали намоён бўлишига ёрдам берадиган алоҳида руҳий ҳолатларни шакллантиришдан иборат*. Ички ишлар органларининг ходими учун бу, охир оқибатда, жиноятни очиш ва тергов қилишда муваффақиятга эришиш, жиноятчига қарши курашда устунликка эришиш ва шу кабилардир.

Шундай қилиб, ўз организмида юз бераётган жараёнларни мустақил равишда фаол ўзгартириш ва уларни (муайян доирада) бошқариш имконияти катта аҳамиятга эга. Ўзини ўзи бошқариш орқали қисқа вақтга вазиятдан келиб чиқиб руҳий жараёнларни фаоллаштириш ёки сёкинлаштириш, шунингдек, бажариладиган фаолиятни тайёрлаш сифатини ва унинг самарадорлигини ошириш мумкин. Масалан, қуролланган жиноятчини ушлаш чоғида ходим юзага келадиган кўрқинч, ишончсизлик ҳиссини бартараф этиши, ўз жанговар руҳини кўтариши, бутун имкониятларини сафарбар этиши мумкин ва ҳ.к.

2-§. Ўзини ўзи бошқариш усулининг турли шакллари

Ўзини ўзи бошқариш усулининг турли шакллари ёрдамида билиш жараёнларига ҳам, мотивацион жараёнларга ҳам таъсир этиш; мотивлар ва майлларнинг амалийлигини кўтариш (масалан, бир хил ишни бажаришда ҳосил бўладиган чарчаш ҳислари билан кечадиган зўриқишлар чоғида). Бу ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятида, натижага дарҳол эришиш мумкин бўлмаганда (баъзан жиноятни очиш ва тергов қилиш ҳафталаб, ойлаб, йиллаб чўзилиши мумкин), ходим учун таваккалли ёки хавфли туюлган вазиятларда, шунингдек, экстремал шароитларда иш қобилиятини вазифани бажаришга сафарбар этишда жуда муҳим ўрин тўтади.

Умуман олганда, руҳий жиҳатдан ўзини ўзи бошқариш икки мақсадли установкага эга: бир томондан, хизмат фаолиятини муваффақиятли бажариш учун ҳар томонлама қулай психологик шарт-шароит яратиш, бошқа томондан – дам олишга ўтишни енгиллаштириш. Бунда катта тажриба натижасида ходимнинг ўзи топган оддий руҳий бошқарув усулларни («соғда» руҳий бошқариш) илмий асосланган машқли усулларни эгаллашдан фарқлаш лозим. Руҳий бошқариш машқли усулларни эгаллаш деганда, одатда, автоном, яъни оддий воситалар билан ихтиёрий бошқариб бўлмайдиган жараёнларни мақсадли ўзгартириш тушунилади. Кутилган натижага фақат режали равишда такрорлаб бориладиган машқлар орқали эришилади.

Ўз руҳиятини бошқаришнинг моҳияти шундаки, инсон ўзининг руҳий ҳолатига ва бутун организмига таъсир кўрсатиш учун атроф-муҳит билан мулоқотда бўлиш ва ўз организмини билиш жараёнида тўпланадиган ҳис-туйғуларини мунтазам машқлар предметига (мавзуига) айлантиради.

Умуман, ҳар бир соғлом, меҳнатга қобилиятли ходим ўзини ўзи бошқариш усулларини эгаллаши мумкин. Аммо бунда ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш усулларида фойдаланиш самарадорлигини пасайтирувчи бир қатор омиллар мавжуд эканлигини инобатга олиш зарур. Улар орасида қуйидагиларни ажратиш кўрсатиш мумкин:

– *ходимнинг мазкур машқларни бажаришга муносабати* (унинг ички тайёрлиги) ҳаддан ташқари ўзига ишониш муваффақиятга эришишга ёрдам бермайди. Истакнинг ўзи натижа бермайди: мунтазам ишлаш, сабр-тоқат, ирода зарур;

– *машқларнинг дастлабки босқичида эришилган муваффақият*

машқ қилувчини унинг машғулотларга муносабатида нотўғри йўналиш бериши, ўзига ортиқча ишонишига ва қийинчиликларни енга олмайдиган бўлиб қолишига олиб келиши мумкин;

– *ўзини машқ қилдиришининг ёмон шароитлари*. Халақит берувчи ташқи омилларни йўқ қилувчи, ўзни бўш қўйишга ёрдам берувчи хотиржам шароит яратиш керак. Руҳий бошқарув усуллари эгаллаб борган сари хизмат фаолиятининг ҳақиқий шароитларида машқ қилишга ўтиш мумкин;

– *ўзини ўзи бошқариш усулини нотўғри танлаш*. Ходимнинг индивидуал хусусиятларига мос келмайдиган бошқариш усулларни танланиши руҳиятида салбий ўзгаришларни келтириб чиқаради, шу боис бошқарув машқларини катта эҳтиёткорлик билан, уларнинг самарадорлигини доимий назорат қилган ҳолда танлаши керак;

– *ишонувчанлик ва хаёл суриш қобилияти каби шахсий хислатларнинг намоён бўлишидаги хусусиятлар*.

3-§. Ўзини ўзи бошқариш усуллари

Ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш жараёни учта *асосий принципга* таянади:

- релаксация;
- визуаллаштириш;
- ўзини ўзи ишонтириш.

Релаксация тамойилининг моҳиятини тана ва руҳнинг биргаликда ишлашга тайёрланиши ташкил этади. Айнан релаксация пайтида ўз ички овозингизни эшитиш, ўз организмиз ва тафаккур фаолиятингизнинг алоқасини ҳис этишингиз мумкин. Релаксация ёки бўшашиш тана ва руҳни кераксиз зўриқишдан ҳамда одамни бўшаштириб юборадиган жиҳатлардан озод қилишни билдиради, у инсонга фойдали психологик ва физиологик таъсир кўрсатади. Бу ўзаро таъсир кўрсатувчи жараён: унда мия хотиржамлашгани сайин тана бўшашади, тана бўшашгани сайин мия хотиржам бўла боради.

Иккинчи тамойил – **визуаллаштириш**. Интуитив тафаккур онгга кириб боришнинг турли йўлларида фойдаланади. Асосийси манзара ҳосил қилиш ёки миянгизда образларни гавдалантириш йўлидир. Визуаллаштириш йўналган тасаввурни эшитиш, кўриш, ҳид билиш, таъм билиш, тери билан сезиш сезгилари ҳамда уларнинг комбинациялари ёрдамида фаоллаштиришнинг турли усул-

ларини билдиради. Аслида, инсон мияси объектив олам образларига ҳам, онгда юзага келадиган образларга ҳам бир хилда жавоб беради. Шу боис, визуаллаштириш кўникмалари инсонга ўз ички имкониятларидан яхшироқ фойдаланиш, руҳий жараёнларнинг кечишини фаоллаштириш имконини беради.

Ўзини ўзи ишонтириш тамойилининг моҳияти шундаки, биз ўзини ўзи ишонтириш ёрдамида ички образларимизни онгимизда акс садо сифатида бир неча марта такрорланадиган сўзлар билан ифодалаймиз. Ўзининг ички кучи ва қўллаб-қувватланиши билан тўлган бу сўзлар ҳис-туйғулар даражасида чуқур қабул қилинади. Бундай ички акс-садони «Мен буни қила оламан» сўзларида намоён бўладиган муносабат, ният ва майл сифатида ифодалаш мумкин. Ўзини ўзи ишонтириш муваффақиятга эришиш мумкинлиги ҳақида биринчи шахс номидан ҳозирги замонда ифодаланган аниқ таъкиддир. Инсоннинг ўзига қарата айтган сўзлари ўз мақсадларига эриша олишига бўлган ишончини кучайтиради ва қайси йўналишда ҳаракат қилиш кераклигини кўрсатади. Бу сўзлар мияни мақсадга эришиш борасида ишлашга ва бунда фаол иштирок этишга мажбур қилади. Ўзини ўзи ишонтириш – образларни сўзда ифодалашга имкон берувчи фаол мойилликдир.

Ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усуллари.

Ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усуллари кўллашдан кўзланган мақсад ходимга хизмат доирасидаги ҳаракатларини муваффақиятли бажариши учун мақбул ички шароитни яратишда ёрдам беришдан иборат. Бунда қуйидаги бир қатор жиҳатлар назарда тутилади:

□ инсоннинг ўзига нисбатан ижобий установкани мустаҳкамлаш («Мен бунинг уддасидан чиқаман»), ўзига ишонч ҳиссини ошириш;

□ ҳиссий-аффектив жараёнларни (айниқса, таваккал, кўрқинч ҳисси, касбий ҳаракатларни амалга ошириш учун зарур бўлган вақт тақчиллиги кабиларни) уйғунлаштириш ва фаоллаштириш;

□ тезкор хизмат (тергов, тезкор қидирув, профилактика ва ҳ.к.) ҳаракатларини бажаришга тайёргарлик кўриш чоғида диққатни ошириш;

□ хизматдаги оғир меҳнатдан кейин дам олишга ўтишни тезлаштириш;

□ ходимнинг хизмат фаолияти узоқ вақт чўзилганда (масалан, сурункали навбатчиликлар вақтида) функционал тайёрлик ва иш қобилятининг юксак даражасини сақлаб туриш.

Ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усуллари кўллаш, биринчи навбатда, рағбатлантирувчи ва йўналтирувчи бошқарувни кучайтиради. Уларга ходимнинг ўзига, ўз имкониятларига, кутилаётган касбий натижаларига нисбатан ижобий майлларни кучайтириш ва салбий майлларни бартараф этиш киради. Аввало, оптимистик касбий кайфиятни яратиш назарда тутилади. Кўрқув, монотонлик, антипатияни (масалан, сўроқ вақтида қаршингизда ўтирган айбланувчига нисбатан) бартараф этишга қаратилган руҳий ўзини ўзи ишонтириш шакллари ҳам шунга киради. Оптимал руҳий ҳолат тақдир совғаси эмас. Ўз ҳис-туйғуларингизни бошқариш, қийинчиликларни енгишга тайёрланиш, вақтинчалик хизмат омадсизликларининг психологик юки таъсири ҳамда бўлғуси фаолиятдан кўрқишни йўқ қилиш учун мунтазам равишда ўз устида ишлаш талаб қилинади.

Ходимлар ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усуллари эгаллашларида барча ходимлар фойдаланиш учун ярайдиган қандайдир универсал усулни тақлиф этиб бўлмаслигини ҳисобга олишлари зарур. Ўзини ўзи бошқаришнинг энг оддий усуллари ходимнинг табиатига, фаолиятига хос хусусиятларни, унинг темпераментини ва кўплаб бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда махсус танлаш керак.

Тегишли машқлар учун қуйидаги усуллар тавсия этилиши мумкин.

Мантиқ усулларида фойдаланиш. Жуда кўп ҳолларда қарор топган шароит ички ишлар органлари ходимидан вазиятни қизишмасдан таҳлил қилиш талаб этади. Бунда у, аввало, ўзини айна дамадаги руҳий ҳолати, ноадекват асабий зўриқиши оқилона эмаслигига, сўнгра эса – бошқача йўл тутиш мақсадга мувофиқлигига ишонтириши керак. Вазиятни мантиқий англаш ва у билан боғлиқ салбий ҳис-туйғуларни бартараф этиш жараёнида бир қанча усуллардан фойдаланиш мумкин. Асабий зўриқишни ўзингиз билан ўзингиз гаплашиб, бекорга ташвишланаётганингизга ўзингизни ишонтириб йўқ қилиш мумкин. Қийин вазият муваффақиятсизликдан ҳам энг кўп фойда олиш маҳоратини тарбиялайди. Ушбу ҳолдаги руҳий ҳимоя ходимнинг ўзини ана шунга ишонтиришига асосланади. Бунда нима юз берганлигини, қаерда хатога йўл қўйилганлигини аниқ таҳлил қилиш ва дарҳол келгуси фаолият учун қандай фойда бўлиши мумкинлигини тасаввур қилиш муҳим.

«Мен энг тажрибалиман», «Мен ҳамма нарсани қила оламан», «Мен ҳар қандай жиноятни оча оламан» каби **индивидуал жиҳатдан муҳим бўлган ўзини ўзи ишонтириш усули** жуда самаралидир.

Ушбу ўзини ўзи ишонтириш қобилиятини улардан кундалик амалиётда юзага келадиган қийин вазиятларни бартараф этиш учун рағбат сифатида доимий фойдаланиб, албатта машқ қилдириш керак.

Ўзига ўзи буйруқ бериш усулидан фойдаланиш. Интизомли ходим «Керак!», «Бардам бўл!», «Чида!», «Ишла!» каби ички буйруқлар ёрдамида ўзини яхши бошқариши мумкин. Ана шундай ўзига ўзи бериладиган қўшимча буйруқлар ёрдамида ўзини мажбурлаш қобилиятини мунтазам равишда машқ қилдириш муҳим. Охир-оқибатда ички нутқ ва ҳаракат ўртасида ўзига хос чамбарчас алоқа ўрнатилиши керак. Ўзига берилган буйруқ бунда қўшимча кучга эга бўлади, ўзига хос ишга туширувчи рағбатга айланади. Айтиш жоизки, ўзига бериладиган буйруқларни ўзини ишонтириш иборалари билан бирлаштириш жуда қулай (масалан, «Мен ҳеч нарсадан қўрқмайман! Олға!» ёки «Мен бу ишни қила оламан! Қўрқма!» каби).

Образлардан фойдаланиш. Бадиий тафаккурга мойил шахсларга «кимнидир тақлид қилишга» асосланган усул ёрдам беради. Масалан, қандайдир қийин ишни бажараётган ходим ўзини бадиий ёки кино қаҳрамони – изқувар қиёфасида тасаввур этиши мумкин. Тақлид қилиш учун образни тасаввур қила олиш, керакли ролга кира олиш ўз хатти-ҳаракати услубига эга бўлишга ва нафақат ўз ҳолатини бошқаришга, керак бўлганда, жинойтчиға руҳий таъсир кўрсатишга ҳам ёрдам беради.

Вазиятларни мақсадга йўналган тарзда тасаввур қилиш. Бирон-бир ишга киришишга ёки асабий зўриқишни йўқотишга тасаввур қилишдан фойдаланиш ёрдам беради. Ҳар бир одамнинг хотирасида ўзи хотиржамлик, сокинлик туйган вазиятлар бўлади. Айримлар учун бу пляж, чўмилгандан сўнг илиқ кумда дам олишдан олинган роҳат бўлса, бошқаларда – тоғлар, тоза ҳаво, кўм-кўк осмон, қорли чўққилар ана шундай хислатларни уйғотади. Бундай вазиятлар жуда кўп бўлиши мумкин, аммо улар орасидан керакли ҳиссий кайфиятни келтириб чиқара оладиган энг муҳимларини танлаб олиш керак.

Қандайдир касбий ҳаракатни бажаришга тайёргарлик кўриш чоғида ички ишлар органларининг ходимига, масалан, жинойтни муваффақиятли очиш, жинойтчини ушлаш, қаҳрамонона ҳаракатлар ва бошқалар билан боғлиқ вазиятларни, ҳис-туйғуларга бой сахналарни эслаш тавсия этилади.

Ўзини чалғитиш усуллари. Ўзини ўзи бошқаришнинг фаол

усулларидан фойдаланиш қийин бўладиган ҳолатлар бўлиши мумкин. Кўпинча бу сезиларли чарчаш, тушкунлик кайфиятлари билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай вазиятларда руҳий зўриқишни турли хил чалғитиш воситалари ёрдамида йўқ қилиш мумкин. Бу воситалар вазифасини кўп марта қизиқиб ўқиладиган китоб, муסיқа, ёки қолган фильм ва бошқалар бажариши мумкин.

Мускуллар тонусини онгли равишда бошқариш. Мускуллар тонуси – ҳиссий ҳолатнинг кўрсаткичларидан бири. Одатда, нораціонал асабий-руҳий зўриқиш мускулларнинг кераксиз зўриқиши билан бирга кечади, бу эса, ўз навбатида, асабий зўриқишни янада оширади. Бунда мускуллар тонусини, масалан, инсон юзидаги мускуллар тонусини ихтиёрий бошқариш маҳорати катта аҳамиятга эга бўлади. Қовоғингизни солишингиз, хафа бўлгандек қиёфага киришингиз билан ҳақиқатан ҳам қайғу босади. Ва, аксинча, жилмайиш мўъжиза яратишга қодир. Оғир вазиятда ҳам жилмая олиш, ўринсиз тортинчоқликни ташлаш, руҳий зўриқишни йўқотиш инсоннинг ўз имкониятларини яхшироқ рўёбга чиқариш қобилиятини оширади.

Нафас олишнинг ўзини ўзи бошқариш воситаси сифатида аҳамияти. Юқорида таъкидлаганимиздек, нафас олиш ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш тизимида муҳим ўрин тўтади. Тўғри нафас ола билиш ўзини ўзи бошқариш усулларини эгаллашдаги муваффақият учун асос бўлади. Қуйида нафас олиш машқлари батафсил ёритилади. Ходимлар тезда ўзини қўлга олиш, тинчланиш ёки, аксинча, ўз тонусини кўтариш зарур бўлганда энг оддий нафас олиш усулларини муваффақиятли қўллашлари мумкин.

Руҳий ҳолатни бошқаришда нафас олиш мароми алоҳида аҳамият касб этади. Тинчлантирувчи маромда ҳар бир нафас чиқариш нафас олишга қараганда икки марта узоқроқ амалга оширилади.

Санаб нафас олиш усули яхши натижа беради. Бу усулда санаб нафас олинади. Тинчланиш зарур бўлганда: 1,2,3,4 деганда нафас олинади, сўнгра 1,2,3,4 деганда нафас чиқарилади, кейин 1,2,3,4,5 деганда нафас олинади ва 1,2,3,4,5 деганда нафас чиқарилади. Шу тариқа нафас олиш ва чиқариш 12 сониягача узайтирилади. Бунинг натижасида нафасни сунъий равишда ушлаб туриш юзага келади ва бу ўз-ўзидан ҳиссий зўриқишни бартараф этишга олиб келади.

Аксинча, тонусни кўтариш, фаоллаштириш керак бўлганда, бунинг тескариси қилинади. Нафас олиш ва чиқариш 12 сониядан бошланиб, аста-сёкин 4 сониягача қисқартирилади. Нафас олиш ва

чиқариш тезлашади, кучланиш ошиб боради.

Бошқа усул – нафасни ушлаб туриш. Бир қатор ҳолларда кескин асабий зўриқишни бартараф этиш учун чуқур нафас олиб, 20-30 сонияга нафасни ушлаб туриш мумкин. Шундан кейинги нафас чиқариш ва кетидан келадиган такрорий чуқур компенсатор нафас олиш аҳволнинг барқарорлашишига ёрдам беради.

Ўзини ўзи бошқаришнинг юқорида таклиф этилган оддий усулларининг ҳар бири, табиийки, чуқурлаштирилиши ва кенгайтирилиши мумкин. Шу боис аввал характерингиз ва темпераментингизга кўпроқ мос келадиганларини, мунтазам равишда қўллаш учун энг қулай кўринганларини танлаш зарур. Ўзингизнинг индивидуал хусусиятларингиз танлов мезони бўлиши керак. Бундан ташқари, ўзини ўзи бошқариш усуллари йўналиши бўйича фарқланиши мумкинлигини инобатга олиш зарур. Бир вазиятда улар асабий зўриқишни бартараф этиш, тинчланиш, меҳнат қобилиятини тиклашга ёрдам берса, бошқасида – сафарбарликка, хизмат шароитларига энг мос келадиган руҳий ҳолатга киришга ёрдам беради.

Аутоген машқлар.

Аутоген машқлар организмнинг аввалдан бошқарилмайдиган функцияларини бошқариш имкониятини оширишга қаратилган машқлар тўпламини ўз ичига олади. Аутоген машқ – немис олими И.Г.Шульс таклиф этган ўзини ўзи ишонтириш усули. Ушбу методда дастлаб ўзини ўзи ишонтириш орқали мушаклар тонусининг бўшашига – релаксацияга эришилади, сўнгра ушбу ҳолатда организмнинг у ёки бу функцияга қаратилган ўзини ўзи ишонтириш амалга оширилади.

Ушбу усул ўзининг оддийлиги билан ажралиб туради ва кўпчилик одамлар уни ўзлаштиришлари мумкин. Унинг таъсирида олий асаб фаолияти, ҳиссий соҳа нормаллашади, инсоннинг иродавий қобилияти кучаяди. Аутоген машқ усуллари мунтазам машқлар жараёнида ўзлаштирилади. Бу эса ушбу усулга машқ хусусиятини беради. Бундай машқ иродани мустаҳкамлашини инобатга олиб, уни шахсни фаоллаштирувчи усул деб ҳам ҳисоблаш мумкин. Айтиш жоизки, аутоген машқнинг асосий элементини мушакларни бўшаштириш (релаксация)га ўргатиш ташкил этади. Бўшашишни ўрганиш ички ишлар органлари ходимларининг ҳиссий зўриқишни бартараф этиши ёки камайтиришига, шунингдек қисқа вақт ичида тўлақонли дам олишига ёрдам беради.

Аутоген машқни эгаллаш вақти ҳар бир муайян инсоннинг индивидуал хусусиятларига боғлиқ, аммо, ўртача олганда, ҳар куни 2–3 марта 10 минутлик машқлар бажарилганда тахминан 3–4 ойни ташкил этади.

Аутоген машқнинг махсус усулларини ўрганишга киришишдан аввал баъзи бир тайёрлов машқларини ўзлаштирган маъқул. Энг муҳим тайёргарлик тадбири *нафас олиш гимнастикаси* бўлиб, ритмик тўлиқ нафас олишни эгаллашдан иборат. Нафасни бошқаришнинг энг муҳим шартининг маромини назорат қилишдир. Тўғри нафас олиш учун белгиланган ритмни аниқ ҳисоблаш зарур эканлигини доимо ёдда тутиш керак. Нафас олишнинг мақбул маромини аниқлаш учун машқдан аввалги пульс частотасидан фойдаланиш қулай (бу маром нафас олиш чоғидаги ҳисоб учун асос бўлиб хизмат қилади. Тўлиқ нафас олиш усулини ўрганишдан аввал унинг таркибий қисмлари бўлмиш қорин, ўрта ва юқори нафас олиш усулларини ўрганиш зарур.

Қорин (диафрагма) билан нафас олиш тик туриб, ўтириб ёки ётган ҳолда бажарилади. Уни бажариш учун диққатни киндик соҳасига жамлаш зарур. Қорин деворларини ичга тортиб, нафас чиқарамиз. Сўнгра сёкин-аста нафас оламиз. Қорин девори нафас олганда ташқарига қабариб чиқади ва ўпкаларнинг пастки қисми ҳавога тўлади. Қорин билан нафас олишда кўкрак қафаси ҳаракатсиз қолади ва қорин ўпкаларнинг қуйи қисмини гоҳ ҳавога тўлдириб, гоҳ ундан бўшатиб тўлқинсимон ҳаракат қилади.

Гавданинг ўрта қисми билан нафас олиш тик турган, ўтирган ёки ётган ҳолда бажарилади. Бутун диққатни қовурғаларга қаратиш лозим. Нафас чиқаргандан сўнг сёкин нафас оламиз, бунда қовурғаларни икки томондан кенгайтирамиз. Нафас чиқариш пайтида қовурғаларни сиқамиз. Бундай нафас олиш типиди гавданинг ўрта қисми ҳаво билан тўлади, айна пайтда қорин ва елкалар ҳаракатсиз қолади.

Гавданинг юқори қисми билан нафас олиш – бу усул ҳам тик турган, ўтирган ёки ётган ҳолда бажарилади. Диққат ўпкаларнинг юқори қисмига қаратилади. Нафас чиқарилгандан сўнг елка оҳиста кўтарилиб, нафас олинади. Нафас чиқарган пайтда елкалар туширилади. Бу усулда қорин ва кўкракнинг олд қисми ҳаракатсиз қолади.

Тўлиқ нафас олиш ҳам унинг таркибий қисмлари каби тик турган, ўтирган ёки ётган ҳолда бажарилади. Тўлиқ нафас чиқаргандан сўнг юқорида келтирилган нафас олиш типларининг барчасини гал-

ма-галдан ва битта узлуксиз тўлқинсимон ҳаракатга бирлаштирган ҳолда томирнинг 8 та урушини ҳисоблаб, оҳиста турилади. Аввало, қорин шиширилади, сўнгра қовурғалар кенгайтирилади ва, ниҳоят, елкалар кўтарилади. Шу пайтда қорин девори бироз тортилади. Нафас чиқариш ҳам худди нафас олиш амалга оширилган тартибда бажарилади: аввал қорин деворини тортамыз, сўнгра қовурғаларни сиқамиз ва елкаларни туширамыз. Бунда бутун нафас аппарати бир хил ҳаракатда бўлади. Нафас чиқариш ва кейинги нафас олиш ўртасида нафасни ушлаб туриш мумкин. Бу табиий равишда нафас олиш истаги пайдо бўлмагунча давом этиши мумкин. Нафас бурун орқали олинади ва чиқарилади.

Нафас гимнастикасининг муҳим мақсадларидан бири – диққатни жамлашга ўргатишдир. Бу аутоген машқларни муваффақиятли ўзлаштириш учун катта аҳамиятга эга. Бироқ шуни таъкидлаш жоизки, ҳатто тўлиқ нафас олиш ва чиқаришнинг ўзиёқ (аутоген машқларнинг махсус турларисиз) рухий зўриқишни бартараф этади (ёки камайтиради), асаб тизимини тинчлантиради, инсонда хотир-жамлик ва ўзига ишонч ҳиссини ҳосил қилади. Ушбу машқ бутун диққат-эътиборни жамлаган ҳолда 5–6 марта бажарилади. Аутоген машқлар билан шуғулланишни ушбу нафас олиш-чиқариш машқларини бажаргандан сўнг бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Шуни инобатга олиш зарурки, «тўлиқ нафас олиш-чиқариш» усулини эгаллагандан кейин унинг таркибий қисмлари (қорин билан, гавданинг ўрта ва юқори қисмлари билан нафас олиш)ни бажариш зарурати йўқолади.

Нафас олиш-чиқариш гимнастикаси усулларини эгаллагандан сўнг бевосита аутоген машқларни ўрганиш ва эгаллашга ўтиш мумкин. Ушбу методикани ўрганишнинг илк даврида машғулот учун уйғонгандан кейинги ва бевосита ухлашдан олдинги вақтдан фойдаланган маъқул, чунки табиий уйқучанлик пайтида машқларда назарда тутилган ҳис-туйғуларга эришиш осонроқ кечади. Кейинчалик аутоген машқларни эгаллаш учун сутканинг исталган вақтидан фойдаланиш мумкин. Дастлабки машқларни илиқ, сокин, ҳаддан ташқари ёруғ бўлмаган хонада ўтказган маъқул. Бора-бора шуғулланувчи ходим шовқинга парво қилмасликни ўрганади ва машқлар техникасини етарлича эгаллаганидан кейин сеансларни ҳатто поезд ёки автобусда ўтирган ҳолда ҳам ўтказиши мумкин бўлади.

Машғулотлар вақтида гавдани мушаклар таранглашувига йўл

қўймайдиган қулай вазиятда тутиш муҳим. Машғулотлар учун энг қулай бўлган қуйидаги уч вазиятдан бирини қабул қилиш тавсия этилади:

1. **Ўтирган ҳолат** – аравакаш ҳолати. Ушбу ҳолатга кириш учун стулга тўғри ўтириш, қоматни тик тутиш, сўнгра бутун скелет мушакларини бўшаштириш керак. Диафрагма ошқозонга ботмаслиги учун олдинга ҳаддан ташқари кучли эгилмаслик лозим. Бош кўкракка эгилиб тушган, оёқлар бир-биридан бироз нарироқда туриши ва ўтмас бурчак ҳосил қилиб эгилган бўлиши, қўллар тиззага қўйилган бўлиб, бир-бирига тегмайди, тирсақлар буқилган – қисқаси мижозни кутиб мудраётган аравакашга хос ҳолат олинади. Кўзлар юмук. Бу фаол ҳолат бўлиб, унга деярли ҳар қандай жойда – уйда, ишхонада, транспортда кириш мумкин.

Кейинги ҳолатлар пассив ҳолатларга киради ва улардан одатда уйда шуғулланганда фойдаланиш мумкин.

2. **Ярим ўтирган ҳолат.** Шуғулланувчи киши юмшоқ креслода унинг суянчиғига қулай ястанган ҳолда ўтиради; бутун гавда бўшашган, иккала қўл тирсагидан бироз эгилган, кафтлари билан соннинг олд қисми ёки кресло ушлагичига ташланган, оёқлар бир-биридан эркин ажратилган, оёқ учлари бир-биридан бироз узоқлашган. Оёқ учларининг тўғрига қараганлиги ёки кўтарилганлиги бўшашиш босқичи бошланмаганидан дарак беради.

3. **Ётган ҳолат.** Ушбу ҳолат уйқудан олдинги ёки бевосита ундан кейинги машғулотларда фойдаланилади. Машқ қилаётган киши қулай ҳолда чалқанча ётган, бош бироз кўтарилган, пастак ёстиққа ташланган. Тирсак бўғинидан бироз қайрилган, қўллар гавда бўйлаб кафтлари пастга қаратилган ҳолда эркин ташланган. Машқ қилувчи киши кечқурунги машқлар учун ухлашга одатланган ҳолатни олгани маъқул.

Машқ қилувчи шахс мазкур ҳолатлардан бирини олгач, махсус машқларни бажаришга киришади. Топшириққа кўпроқ диққатни жамлаш учун машқларни кўзлар юмилган ҳолда бажариш тавсия этилади.

Машқ қилувчи киши зарур ҳис-туйғуларга эришиш учун ўзини ўзи ишонтиришнинг тегишли формулаларини хаёлан такрорлаш орқали бажариладиган олтига асосий стандарт машқ ишлаб чиқилган. Булар:

- оғирлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ;
- илиқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ;

- юрак фаолияти маромини эгаллашга қаратилган машқ;
- нафас маромини бошқаришни эгаллашга қаратилган машқ;
- қорин бўшлиғи ва қуёш тугуни соҳасида илиқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ;
- пешона соҳасида совуқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ.

1. Оғирлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ.

Юқорида келтирилган учта ҳолатдан бирида дастлабки ҳолатни эгаллаб хаёлан оҳиста «Мен тамоман хотиржамман», деб айтиш тавсия этилади. Сўнгра диққатни хотиржам жамлаган ҳолда 5–6 марта хаёлан: «Менинг ўнг қўлим жуда оғир» (чапақайлар учун «Менинг чап қўлим жуда оғир») ибораси такрорланади. Шундан сўнг бир марта: «Мен жуда хотиржамман», деб хаёлан айтилади. Ушбу ибора нафас чиқариш фазаси билан бир вақтда айтилади. Айтилган гап ҳақиқатан ҳам тўғрилигини кўп марта хаёлан тасаввур этиш зарур. Ўнг қўл мушакларининг бўшашиши машқ қилаётган кишига оғирлик сифатида сезилади. Машқ самарасини ошириш учун ўнг қўлда тош борлигини ёки оғир бир нарса уни босиб турганлигини тасаввур қилишга ҳаракат қилиш мумкин.

Баъзан назорат мақсадида, оғирлик ҳисси пайдо бўлганлигига ишонч ҳосил қилиш учун қўлни бироз кўтаришга ҳаракат қилиб кўриш мумкин. Аста-сёкин, машқлар натижасида оғирлик ҳисси бошқа қўлда, иккала қўлда бир вақтда, иккала оёқда, қўл ва оёқларда бир вақтда, бутун гавдада ҳосил қилинади. Машқ қилувчи киши оғирлик ҳиссини бутун баданда тез ва осон ҳосил қилишга қодир бўлганда машқ ўзлаштирилган ҳисобланади. Шундан сўнг иккинчи машққа ўтиш мумкин.

2. Илиқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ.

Даставвал оғирлик ҳисси келтириб чиқарилади ва бутун баданда аниқ оғирлик ҳисси ҳосил қилинганча, аста-сёкин хотиржам ҳолда бутун диққат-эътиборни жамлаб кетма-кет 5–6 марта хаёлан: «Менинг ўнг қўлим илиқ» ва бир марта: «Мен бутунлай хотиржамман», деб айтилади ва тасаввур қилинади. Самарадорликни ошириш учун оғирлашган ўнг қўл илиқ сувга солинганлигини тасаввур қилиш керак. Машқни бажарганингиз сари илиқлик ҳисси худди оғирлик ҳисси каби иккала қўлга, оёқларга ва бутун гавдага тарқалади. Бутун баданда аниқ илиқлик ҳиссини ҳосил қилиш учун ёрқин образли тасаввурлардан фойдаланиш зарур. Илиқлик ҳисси осон ва

аниқ келтириб чиқариладиган бўлганда машқ ўзлаштирилган ҳисобланади. Ушбу машқни эгаллагандан сўнг учинчисига ўтиш мумкин.

3. Юрак фаолияти маромини эгаллашга қаратилган машқ. Машқни бажариш чоғида дастлаб томир уруши ёки юрак урушини хаёлан ҳисоблашни ўрганиш тавсия этилади. Аввал бу машқ чалқанча ётган ҳолда бажарилади. Бунда ўнг қўл чап нурли артерия соҳасига ёки юрак соҳасига қўйилади. Ўнг қўл мушаклари зўриқишини камайтириш учун тирсак остига бирор юмшоқ нарса қўйилади. Юқорида кўрсатилганидек, оғирлик ва илиқлик ҳисси келтириб чиқарилади. Сўнгра: «Юрагим хотиржам ва тёкис урмоқда», деган ўзини ўзи ишонтириш иборасини 5–6 марта ва «Мен батамом хотиржамман» иборасини бир марта хаёлан айтишга ўтилади.

Бу машқ жуда хотиржам тарзда, юрак фаолиятига ҳеч бир диққатни жамламаган ҳолда бажарилиши керак. Юрагингиз ишини сезишга интилиш керак эмас. Асабийлашган, таъсирчан, ўз соғлиғи ҳақида ортиқча ғамхўрлик қилишга мойил кишилар бу машқни умуман бажармаганлари маъқул.

Юрак фаолиятининг маромини ихтиёрий ўзгартириш қобилияти ҳосил қилинганда машқ ўзлаштирилган ҳисобланади.

4. Нафас маромини бошқаришни эгаллашга қаратилган машқ. Дастлаб оғирлик, илиқлик ҳислари ҳосил қилинади ва юрак хотиржам, тёкис ураётганлигига ўзни ишонтирилади. Шундан сўнг 5–6 марта «Бутунлай хотиржам нафас оляпман» ва «Мен бутунлай хотиржамман» деб хаёлан такрорланади.

Машқ жараёнида хотиржам ва бир маромда нафас олиш қобилиятига эга бўлингач, машқ ўзлаштирилган деб ҳисобланади. Бу машқ осон ва тез ўзлаштирилади.

5. Қорин бўшлиғи ва қуёш тугуни соҳасида илиқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ. Ушбу машқ энг қийинидир. Қуёш тугуни вегетатив асаб системасининг энг муҳим тугуни – «қорин мияси» бўлиб, ошқозон орқасида жойлашган. Унинг ўрнини кўкракнинг қуйи нуқтаси ва киндик ўртасидаги жойни топиб, аниқ белгилаш мумкин. Ушбу жойда ошқозон ортида қорин бўшлиғи органларининг фаолиятини ва улар орқали бизнинг ўзимизни сезишимиз ва кайфиятимизнинг муҳим компонентларини бошқарувчи асаб тугунларининг муҳим маркази жойлашган.

Машқ бошида юқорида кўрсатилган тўрт машққа мос келувчи ҳис-туйғулар ҳосил қилинади, сўнгра 5–6 марта: «Менинг қуёш

тугуним иссиқлик чиқаряпти» ёки «Қорним ёқимли илиқлик туй-япти» деб ва бир марта «Мен бутунлай хотиржамман» деб хаёлан такрорланади. Ушбу машқни бажаришда диққат қуёш тугуни соҳасига жамланиши керак. Аниқроқ ҳис-туйғуларга эга бўлиш учун аввалги машқлардаги каби образли тасаввурлардан фойдаланиш (масалан, қорин устида қуёш тугуни соҳасида қандайдир илиқ нарса ётганлигини тасаввур қилиш) керак. Аста-сёкин машқ қилувчи кишида қорин соҳасида аниқ илиқлик ҳис-туйғуси пайдо бўлади ва ўшанда машқ ўзлаштирилган ҳисобланади.

6. Пешона соҳасида совуқлик ҳиссини келтириб чиқаришга қаратилган машқ. Юқорида тасвирланган аутоген машқларнинг барчасини бажариб ва зарур ҳис-туйғуларнинг барчасини ҳосил қилиб, 5–6 марта: «Менинг пешонам ёқимли даражада совуқ» деб ва бир марта «Мен бутунлай хотиржамман» деб хаёлан айтилади. Бу машқни ўзлаштириш анча қийин. Уни бажариш чоғида диққат пешона ва чакка соҳаларига жамланади. Самарадорликни ошириш учун ушбу вазиятда ҳам образли тасаввурлардан фойдаланиш (масалан, пешонага салқин шабада ураётганлигини ёки пешонага муздек рўмол бойланганлигини тасаввур этиш) керак. Агар шуғулланаётган киши пешонаси соҳасида енгил салқинлик ҳиссини аниқ ҳосил қила олса, машқ ўзлаштирилган ҳисобланади.

Мазкур олтита машқ етарлича яхши ўзлаштирилганидан сўнг кейинчалик ўзини ўзи ишонтиришнинг узун ибораларини қуйидаги қисқароқ ибораларга алмаштириш таклиф этилади: «Хотиржамлик...», «Оғирлик...», «Илиқлик...», «Юрак ва нафас хотиржам...», «Қуёш тугуни илиқ...», «Пешона совуқ...».

Барча ҳолларда диққатни жамлаш хотиржам «пассив» хусусиятга эгаллигини таъкидлаш зарур. Кучларни диққатни жамлашга сарфлаш керак эмас. Аутоген машқлар хотиржам, ортиқча зўриқишсиз бажарилиши керак. Улар машқ қилувчинини чарчатиши керак эмас, балки унинг учун ёқимли бўлиши керак.

Ҳар бир янги машқни аввалгиси тўлиқ ўзлаштирилганидан кейингина, икки ҳафта мобайнида кунига 2–3 мартадан такрорлаш керак. Шундай қилиб, олтита машқнинг ҳаммасини ўзлаштиришга 12 ҳафта сарфланади. Улардан биринчи машқ 12 ҳафта давомида, иккинчиси – 10, учинчиси – 8, тўртинчиси – 6, бешинчиси – 4, олтинчиси – 2 ҳафта давом этади.

Шундай қилиб, аввалги машқларга энг кўп вақт сарфланади.

Машқларнинг одатдаги давомийлиги – 2–3 дақиқадан (бошида) 5 – 6 дақиқাগача ва ундан ортиқ.

Мазкур олтита машқ «Стандарт» машқлар деб номланади ва Шульц уларни қуйи даражадаги машқларга киритади. Юқори даражадаги машқларга ёки аутоген медитацияга (ўзини англаш) у тасаввурларни ёрқин визуаллаштиришни ва ўзини «нирвана» ҳолатига солишни ўрганишга ёрдам берадиган машқларни киритади. Улар кенг тарқалмаган, шу боис уларга қисқача тўхталамиз.

Юқори даражага эришиш учун қуйидагилар тавсия этилади:

1) кўзлар ёпиқ ҳолда кўз олмаларини юқорига кўтариб, кўзни очмаган ҳолда тахминан калла суягидаги пешонанинг сочли қисми марказида жойлашган бир нуқтага кўзни очмасдан гўёки қараш таклиф қилинадиган машқлар;

2) тасаввурларни визуаллаштириш машқлари: бир тусдаги ранг, аниқ нарсалар образларининг тасаввурини ҳосил қилиш. Ушбу машқ 30–60 минут давомида бажарилади ва камида 6 ойдан бир йилгача мунтазам шуғулланаётган кишиларга тавсия этилади. Агар машқ қилувчи киши ҳар қандай рангнинг тасаввурини, шунингдек, нарсаларнинг образини ва, ниҳоят, бировнинг қиёфасини ёрқин тасаввур қила олса, вазифа бажарилган ҳисобланади;

3) чакмоқ сифат ҳолатни ҳосил қилиш («интенсив киришиш ҳолати»). Ушбу машқ давомида «гўзаллик», «адолат», «бахт» каби тушунчалар тегишли кўринарли образлар ҳосил қилади;

4) онгнинг тушда кўргандек ажралиши (чуқур шўнғиш) ҳолатини келтириб чиқариш. Ушбу ҳолатда шуғулланувчи шахс ўзига ўзи (масалан, «мен нимани нотўғри қиляпман», «ишнинг маъноси нимадан иборат» деган) саволлар беради ва уларга тушдаги образлар каби кўринадиган шаклдаги жавоблар олади.

Аутоген машқлар усулини эгаллаш инсонга организмнинг муайян функцияларини ихтиёрий бошқариш имконини беришдан ташқари (ўзини ўзи бошқаришда шунинг ўзи катта аҳамиятга эга) сеанс охирида релаксация ҳолатига тушгандан сўнг фойдаланиладиган ўзини ўзи ишонтириш ёрдамида мураккаб вазифани самарали бажара олишга, қийин вазиятда ўзини қўлга олишга, ортиқча зўриқишни бартараф этишга, ўзига ишонч ҳиссини кўтаришга ёрдам берувчи зарур ҳолатни келтириб чиқаришга имкон беради.

Ички ишлар органлари ходимларининг фаолиятида **аутоген машқларни** қуйидаги йўналишларда қўллаш мақсадга мувофиқ:

1. Безовталик, ҳаяжонланиш, ҳиссий зўриқиш ҳисларини камайтириш. Сезгилар ва идрок бизга боғлиқ бўлмаган равишда мавжуд нарсаларнинг хоссаларини ифодаласа, ҳис-туйғулар бизнинг атроф-муҳитга муносабатимизни акс эттиради. Ҳис-туйғулар юз бераётган воқеликни унинг организм учун аҳамияти нуқтаи назаридан баҳолаш имконини беради ва унга нисбатан бошқариш функциясини бажаради. Инсон соғлиғи ёки ҳаётига таҳдид билан боғлиқ вазиятда даҳшат, кўрқинч, хавотир каби ҳис-туйғулар юзага келади. Улар инсоннинг ушбу шароитларда ҳаракат қилишига имкон бермайди. Уни мазкур шароитни ўзгартиришга мажбур этади, унинг нормал фаолиятини тўхтатиб қўяди. Бу – табиий ҳол, чунки ҳис-туйғулар шу тариқа инсонни бундай шароитларда фаолият кўрсатишнинг салбий оқибатларидан сақлайди.

Бироқ ички ишлар органлари ходимлари хизмат юзасидан таваккал, хавфсизликка таҳдид билан кечадиган вазиятларга тўқнашишига тўғри келади ва бунинг устига улар ана шу шароитда ишлашлари, ўзларининг касбий бурчларини бажаришлари керак бўлади. Аутоген машқлар бундай вазиятларда ходимга ёрдам бериши мумкин. Ушбу машқлар ортиқча ҳиссий зўриқишни – хавотир, безовталик, кўрқинч, ҳаяжон (масалан, жиноятчини ушлаш билан боғлиқ ҳолларда) туйғуларини бартараф этишда қўлланилиши мумкин. Бунда мушаклар бўшашиши (релаксация) ҳолатини келтириб чиқара олиш муҳим бўлиб, бунинг учун биринчи ва иккинчи стандарт машқларни эгаллаш етарли бўлади.

Релаксация ҳолатида ўз мақсадига тезроқ эришадиган қуйидаги ўзини ўзи ишонтириш буйруқларидан фойдаланилади: «Мен мутлақо хотиржамман. Менинг хавотирланишимга ўрин йўқ», «Мен ўзимга ишонаман ва бу вазифани осон удалайман», «Безовталик ва хавотир учун сабаб йўқ. Мен ўзимни ва вазиятни яхши назорат қиляпман» ва ҳоказо.

2. Уйқу функциясини бошқариш. Аутоген машқлар нисбатан қисқа даврлар билан бир-бирларини тез-тез алмаштириб, навбатчилик қиладиган ва сменалар, постлар орасида ухлаб қолиши мумкин бўлган ходимлар учун фойдали бўлиши мумкин. Аутоген машқнинг дастлабки икки машқини бажариш (баданда оғирлик ва илиқлик ҳиссини ҳосил қилиш), хаёлан ўзини ухлаш истаги пайдо бўлганлигига ишонтира бошлаш ва ўзида уйқучанлик ҳиссини ҳосил қилишга ҳаракат қилиш керак. Бунинг учун тахминан қуйидаги иборалар-

дан фойдаланиш мумкин: «Мен тўлиқ бўшашдим. Мен дам оляпман. Менинг уйқум келяпти. Қовоқларим қўрғошиндек оғирлашяпти ва юмилиб кетяпти. Мен уйқуга кетяпман. Мен ухляяпман...» ва шу кабилар. Стандарт формула йўқ; умумий тамойил шундан иборатки, машқ қилувчи киши ўзини уйқучанлик ҳолатига кираётганлигига ишонтириши керак. Агар бунда муайян вақтда ёки муайян сигнал бўйича уйғониш талаб қилинса, тегишли ўзини ўзи ишонтириш амалга оширилади.

3. Қисқа муддатли дам олиш. Қисқа вақт давомида тўлақонли дам олиш зарур бўлган ҳолларда 5–15 минутга релаксация ҳолатига кириш ва сўнгра тетиклик ҳиссини келтириб чиқариш тавсия этилади («Мен яхши дам олдим, мен тетикман...» ва ҳ.к.).

4. Организмни фаоллаштириш. Аутоген тренировкани уйқучанликни бартараф этиш, организмни фаоллаштириш, ҳаракатга тайёрлаш, ички имкониятларни сафарбар этиш учун қўллаш мумкин. Бу уни организмни шошилинич сафарбар этиш, хусусан, ички ишлар органлари ходимлари фаолиятининг экстремал вазиятларида тавсия этиш учун асос бўлади. Ана шу мақсадда қуйидагиларни амалга ошириш мумкин:

– масалан, тегишли образли тасаввурларни («хужумдан ҳимояланиш» ва шу кабиларни) келтириб чиқариш орқали стеник эффектлар (ғазаб, жаҳл)ни ўзига ўзи ишонтириш – бунинг учун «мушаклар таранглашяпти..., панжалар муштга туғиляпти..., жағлар сиқиляпти..., нафас олиш тезлашяпти...» каби иборалар айтилади ва уларнинг мазмунини ҳис этишга ҳаракат қилинади;

– ушбу ҳолат орқали ходимда фаоллик билан боғлиқ образли тасаввурларни ҳосил қилиш («хуқуқбузарни ушлаш», «сўроқ вақтидаги «дуэль» ва ҳоказо.);

– адреналин киритилганда юзага келадиган ҳисларни (совуқдан қалтирашни, «ғоз териси»ни, совуқни ва ш.к.) келтириб чиқариш. Қайтма алоқа механизми бўйича ушбу ҳислар адреналин сингари фаоллаштирувчи самара беради;

– аутоген машқлар сеанси тугаганидан кейин тетиклик ҳиссини бевосита ҳосил қилиш.

5. Иродани мустаҳкамлаш, хатти-ҳаракат ва характерологик хусусиятларни тузатиш, ақлий имкониятларни сафарбар қилиш. Кўпинча одамларга ўз ниятларини амалга ошириш учун ирода етишмайди. Иродавий фаолликнинг ушбу томонини мустаҳ-

камлаш учун ўзини ўзи ишонтиришдан, чунончи, аутоген машқ жараёнидаги ўзини ўзи ишонтиришдан фойдаланиш мумкин. Релаксация ҳолатида (айниқса, эрталаб, уйғонгандан сўнг) иродавий фаолликни мустаҳкамлашга қаратилган ўзини ўзи ишонтириш машқлари бажарилади. Ўзини ўзи ишонтириш формулалари мутлақо индивидуалдир. Улар қисқа бўлиши керак, иложи бўлса, тасдиқ гап шаклида ифодаланиши лозим: «Қарор қатъий...», «Белгиланган вазифани бажараман...», «Диққатим жамланган!». Ёмон одатларга қарши кураш ва номақбул характерологик хусусиятларни тузатиш учун ҳам ўзини ўзи ишонтиришдан фойдаланиш мумкин. Бунда мақсадлардан келиб чиқиб, масалан, ўзига: «Паст овозда гапиряпман» (жуда қаттиқ гапиришга одатланганда), «Мен хотиржамман, ўз ҳис-туйғуларимни осон ушлаб тураман» (ҳаддан ташқари ҳиссий таъсирчанликда), «Мен бемалол чекмай тура оламан. Сигареталар менда нафрат уйғотади» (чەкишни ташлашни хоҳлаганда) ва ҳ.к. Аутоген машқларни қўллаш таълимни тезлаштиришга, диққатнинг барқарорлигини кўтаришга, эътиборни жамлаш қобилиятини кучайтириш туфайли ақлий имкониятлардан яхшироқ фойдаланишга ҳамда образли тасаввурларни эркин ишлатишга имкон беради.

Инсоннинг ҳиссий соҳаси, унинг иродаси, ўзини ўзи англаши ва ҳатто феъл-атвори ўзини ўзи тарбиялаш натижасида жиддий ўзгаришларга учраши мумкин. Бу эса ички ишлар органларининг деярли ҳар қандай ходими истаса ва ўзи устида мунтазам шуғулланса, мураккаб (ҳатто ҳаёт учун хавфли) вазиятларни муваффақиятли ҳал этиши, ҳолдан тойишга йўл қўймаслиги ва асаб зўриқиши билан боғлиқ турли касалликларнинг олдини олишга ўрганиши мумкинлигини билдиради. Унга аутоген машқлар билан мунтазам шуғулланиш ёрдам беради.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Ҳиссий-иродавий барқарорлик тушунчасига таъриф беринг.
2. Ички ишлар органлари жамоаларида ҳиссий-иродавий барқарорликнинг аҳамиятини тушунтиринг.
3. Ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқаришнинг асосий мақсадини изоҳлаб беринг.
4. Ўзини ўзи бошқариш усулининг турли шаклларига нималар киради?

5. Ҳиссий-иродавий ўзини ўзи бошқариш жараёнининг асосий принциплари нималардан иборат?

6. Низоларни бартараф этиш усуллари ҳақида тушунтириб беринг.

7. Аутоген машқлар ҳақида тушунча беринг.

8. Релаксация тамойилининг моҳиятини изоҳлаб беринг.

8-мавзу. ПРОФАЙЛИНГ ХИЗМАТИНИНГ ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТДА ТУТГАН ЎРНИ

1-§. Профайлинг методи ҳақида тушунча

Профайлинг методи ҳозирги кунда психология соҳасининг янги ривожланиб келаётган қизиқарли ҳамда амалий аҳамиятга эга бўлган тармоғидан биридир.

Ички ишлар органлари ходимлари фаолияти давомидаги муносабатлар тизими этнопсихологик хусусиятларга боғлиқ ҳолда шаклланиб боради. Профайлинг методининг психологик қонуниятлари ва механизмлари ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида муҳим ўрин эгаллайди. Бу метод ёрдамида ходим психология қонуниятларига таянган ҳолда шахслараро муносабатга киришади. Профайлинг жараёнида ходимнинг билиш сифатлари (хотира, диққат, идрок, сезги, тафаккур, хаёл) иштирок этади. Бу жараёнлар ходимнинг мантиқий фикрлашига, ҳолатни ўтмишдаги вазият билан боғлашига, ўзаро солиштириш ва қиёслаш малакаси, объекти ва шароитини мукаммал тарзда идрок этишига ёрдам беради.

Сўнгги вақтларда, аҳоли кўп жамоат жойларида, кўриқланадиган муҳим объектларда, айниқса ҳаво транспортида, профайл (инг. «*profile*» – *профиль*) методдан фойдаланиш кенг тарқалди.

Агар профайлинг методини фуқаролар билан суҳбатлашиш, уларни руҳий ҳолатини кузатиш сифатида таърифланадиган бўлса, бу метод иккита бир-бирини тўлдирувчи методлардан, яъни руҳий кузатиш методи ва сўров (суҳбат) методидан ташкил топган бўлиб, шахс психодиагностикасининг тури ҳисобланади. Бу усулдан ички ишлар органлари фаолиятининг кўплаб йўналишларида, жумладан, аҳоли кўп тўпланадиган жамоат жойларида, кўриқланадиган ўта муҳим объектларда, жамоат транспортининг амалдаги барча турларида

хавфсизликни таъминлашда фойдаланиш катта аҳамият касб этади.

Профайлинг (инглизча *profile* – профиль) ёки профайл методи – шахсларни психологик баҳолаш, кузатиш, уларнинг хулқидаги ўзгаришларни ташқи ифода ва хатти-ҳаракатлар асосида таҳлил қилиш каби бир неча психологик усуллардан фойдаланган ҳолда олдиндан башорат имконини берадиган шахс профилини яратиш усулидир.

Ҳозирги кунда, шахсларнинг профилини яратиш асосида кўплаб зўравонлик, кўп такрорланадиган қотиллик жиноятларини очишда кенг фойдаланилади.

Профайлинг билан шуғулланувчи шахсларни одатда *профайл-лерлар* деб юритилади. Профайлларнинг ўрганиш объекти сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- мимика;
- жестлар;
- хатти-ҳаракатларнинг ўзига хос хусусиятлари;
- нутқнинг психоллингвистик қонуниятлари;
- вербал мулоқотнинг паралингвистик аломатлари ва бошқалар.

Ҳар қандай ахборот фақат белгилар, аниқроғи, белгилар тизими орқали берилади. Коммуникатив жараёнда фойдаланиладиган бир қанча белгилар тизими мавжуд бўлиб, уларга мос тарзда мулоқот жараёнида фойдаланиладиган воситаларни таснифлаш мумкин. Нутқли (*белгилар тизими сифатида нутқдан фойдаланилади*) ва нутқсиз (*турли нутқсиз белгилар тизимидан фойдаланилади*) мулоқот воситалари фарқланади. Мулоқотнинг психологик воситалари иккига: вербал (нутқ орқали) ва невербал (нутқсиз) шаклларга бўлинади ва қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

- оғзаки нутқ;
- имо-ишора;
- ёзма нутқ;
- мимика;
- пантомимика.

Нутқий мулоқот – энг универсал алоқа воситаси ҳисобланади. Зеро, нутқ орқали ахборотнинг мазмуни деярли тўлиқ берилади. Вербал мулоқот орқали шахс ўзининг фикр-мулоҳазаларини бемалол баён эта олади.

Ходим хизмат фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан бевосита мулоқот жараёнида ёки турли хил ҳужжатларни тузишда ўз

фикрларини тўғри ифодалаш, уларни тўғри баён этишига боғлиқ. Нутқ мулоқотнинг универсал воситаси бўлса-да, у фақат фаолият тизимига алоқадор бўлган шароитдагина аҳамиятга эга бўлади, фаолиятга дахлдорлик эса мулоқотнинг бошқа – нутқсиз воситаларини қўллаш билан тўлдирилади.

Ушбу воситаларнинг биринчи гуруҳига имо-ишора ва мимика киради. Мимика – юзнинг мулоқот пайтидаги динамик ифодаси. Жест (*имо-ишора*) – жамиятда ишлаб чиқилган ва рухий ҳолатни ифодалайдиган ҳаракат. Уларга қараб, биз инсоннинг бирор-бир воқеага, шахсга, нарсага муносабати ҳақида хулоса қиламиз. Имо-ишора одамнинг истаклари, унинг ҳозирги ҳолатидан дарак бериши мумкин.

Имо-ишоралар ижтимоий шаклланган ҳаракатлар бўлиб, шахснинг психик ҳолатини кўрсатади. Улар асосида инсонни у ёки бу ҳодиса, шахс, предметга бўлган муносабатини аниқлаш мумкин. Инсоннинг имо-ишоралари асосида унинг ҳолатини тушуниб олиш мумкин.

Инсон гавдасининг мимика, имо-ишора, интонациялар воситасида унинг психик ҳолатини, айниқса, ҳис-туйғуларини ифодаловчи ҳаракатларга пантомимика дейилади.

Мулоқотнинг нутқсиз воситасига кирувчи бошқа гуруҳини вокаллаштириш тизими, яъни овоз сифати, унинг диапазони, оҳанги ва бошқалар ташкил этади. Ушбу қўшимчаларнинг барчаси ахборотнинг аҳамиятини оширади ва ўзига хос нутққа «қўшимча» вазифасини бажаради.

Профайлинг концепцияси айнан инсонларнинг профил кўриниши ва улар хулқ-атворининг тузилишига қаратилган ва уни ўрганишга йўналтирилган тадқиқот соҳасидир. Профайлинг методининг методологик асосини айнан инсонларнинг ноодатий ҳаракатлари, ташқи кўринишидаги баъзи белгилари, ўзларини тутишлари, гапириш оҳанги, суръати ва бошқа хабар берувчи аъзоларининг ўзига хос хислатлари ташкил этади. Масалан, ходим бирор-бир кўпорувчилик ҳаракатларини амалга оширмакчи бўлган террорчи шахсни аниқлашда профайлинг методининг афзалликлари шундан иборатки, у орқали террорчининг юз профили, умумий ва хусусий ҳаракатлари, ҳужжатлари, олиб ўтаётган буюмларини ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш, уни хавфли ёки хавф туғдирмайдиган инсон сифатида баҳолаш мумкин.

2-§. Криминал ва транспортдаги профайлинг тушунчаси

Агар профайлинг соҳасида хориж тажрибасини ўрганадиган бўлсак, уни бевосита криминал профайлинг (асосан Европа ва АҚШда кенг татбиқ этилган) ҳамда транспортдаги профайлинг (асосан Исроил ва Россияда кенг татбиқ этилган)га ажратиш мумкин.

Профайл метод асосчилари психолог олимлар П.Экман, В.Фризен, М.Цукерман ва Б.Де Пауллар ҳисобланишади. 2012 йил Ёлғонни тадқиқ қилиш бўйича Халқаро Академияда Е.Спирица томонидан криминал профайлинг усули тақдим этилди.

Криминал профайлинг – тахмин қилинаётган жиноятчи шахс хусусиятларини ташҳисловчи комплекс усуллар ёрдамида психологик профилининг яратилиши тушунилади.

Криминал профайлинг одатда, жиноий хатти-ҳаракатларни содир этган шахсларнинг хулқ-атворини ўрганишга қаратилган йўналишдир. Унинг методологик асоси психологиянинг «бихевиористик» назариясига (инсон хулқ-атворини ўраниш) таянади. Унда инсон ҳаракатларини юзага келтирувчи мотивлар бевосита таҳлил қилинади. Буюк Британия, Австрия, Германия ва бошқа Европа мамлакатлари полиция тизимида фаолият олиб бораётган психолог-мутахассислар аксарият ҳолларда қотиллик жиноятларини фош этишда тажрибали ходимларга амалий кўмак бериб борадилар. Улар криминал профайлинг усули орқали шахс хулқидаги ноодатий ҳаракатларни қай услубда амалга оширгани, ҳудуд географик жойлашувининг ўзига хос хусусиятларини, воқеа жойида жиноят содир этган шахс томонидан қандай излар қолганини психологик таҳлил қиладилар. Шу билан бирга, жабрланувчининг турмуш тарзи, ҳаёти давомида эришган ютуқ ва муваффақиятсизликлари, шахслараро муносабатлари, фаолиятининг йўналиши ҳамда ундан қониқиш ҳисси, руҳий соғломлиги, низоли вазиятларда ўзини тутиб туриши, ўзига хос психологик фазилатлари, ҳаётга қарашлари ва интилишлари, оиладаги ва яқинлари, дўстлари, душманлари орасидаги ўзаро муносабатлари, жамиятда қабул қилинган норма ва меъёрларга бўлган муносабати ва шахс ҳақидаги бошқа ахборот манбаларини чуқур психологик таҳлил қилиб, жиноятни фош этишга кўмак берадиган изланишлар олиб борадилар. Натижада, яқуний хулосаларга таянган ҳолда жиноятчи

шахсининг психологик портретини яратишга ҳаракат қиладилар.

Масалан, террорчи психологиясини билиш террорчилик фаолиятига алоқадор шахсларни новербал диагностика қилиш учун асос бўла олмаслигини билдирмайди: биринчидан, амалиётда террорчилик ҳаракатларини, мантиқан, «бир марталик, сарфланадиган материал»га тенглаштириладиган ижрочилар амалга оширадилар. Бундай ижрочиларни танлашда кўпинча кейинчалик руҳий ишлов бериладиган оддий ёллашдан фойдаланилади; иккинчидан, террорчи, гарчи, кучли мотивлаштирилган бўлса-да, оддий ўлим келтирувчи машина эмас, балки ўзига хос ҳиссий тирик инсондир. Фош бўлишдан кўрқиш ҳам, режалаштирилган ҳаракати натижасини тасаввур қилишдан туядиган шодлик ҳам уни террорчилик ҳаракатини содир этишга тайёрланаётган чоғидаги ҳиссий ҳолати билдириб қўйиши, бу билан эса психологик зўриқиш ҳолатидаги одамни новербал диагностика қилиш учун «новербал калит» бериши мумкин.

Ички ишлар органлари фаолиятда профайлинг хизматининг жорий этилиши ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш, терроризмга қарши курашиш ҳолатини ижобий томонга ўзгаришига сезиларли ҳисса қўшиши мумкин. Бу йўналишда турли хил амалий тадбирлар қанчалик кўпроқ ташкил этилса, назарий ёндашув ва уларнинг амалий қўллаш йўналишлари кенг қамраб олинса, транспортдаги умумий хавфсизлик даражаси ўсишининг таъминланишига эришилади.

Транспортдаги профайлинг – асосан Исроил давлатида жуда яхши ривожланган бўлиб, 1965 – 1990 йиллар орасида Исроил давлатида аэропортларнинг хавфсизлигига катта эътибор қаратилди. Бунга бир неча террорчилик хуружларининг содир этилгани, самолётларни ўғирлаш, йўловчиларни гаровга олиш ва бошқа шу каби салбий ҳолатларнинг юзага келгани асосий сабаб бўлди. Масалан, 1968 йилда Исроил ҳаво кучларига тегишли «Боинг» самолёти Жазоирга ўғирлаб кетилган, 1972 йили япон террорчилик гуруҳи аъзоси Казо Окамота Бен-Гурион аэропортида йўловчи ва хизматчиларни автоматдан ўққа тутган, сўнг ўз жонига қасд қилган. 1985 йили Рим ва Вена шаҳарларида Исроил самолётларига бир вақтда террорчилик ҳужумлари амалга оширилган. Ҳозирги кунга келиб Исроил давлати транспорт хавфсизлиги бўйича дунё

миқёсида етакчилик қилиб келмоқда. Агар мамлакатнинг транспортдаги профайлинг тизимини таҳлил қиладиган бўлсак, у мураккаб, аммо анча тизимли эканлигининг гувоҳи бўламиз.

Хўш, ички ишлар органлари ходимлари фаолияти мобайнида профайлинг усулидан қандай фойдаланиши мумкин?

Бунинг учун, аввало, ушбу соҳага алоқадор бўлган зарур амалий психологияга тааллуқли билимларга эга бўлиши лозим. Инсонларнинг ташқи кўриниши ва хулқ-атвори, кийиниши, ўзини тутиши, буюмларининг ўзига хослиги ва бошқаларга эътиборини қаратиш лозим. Бу касбий кузатув орқали амалга оширилади. Маълумки, бирор-бир ҳуқуқбузарликни амалга оширмоқчи бўлган шахс ўзининг психологик ҳолатини тўлиқ назорат қила олмайди, унинг организмида, физиологик ва ташқи кўринишида ўзгаришлар юзага келади, вазиятга аффектив ёндашув, ёлғон ва носамимий ҳаракатлар, асабийлашиш кузатилади. Аниқроқ айтганда, унинг психологик ҳолати хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш хизмати ходимлари билан рўбарў келганда носамимийлик ва намоёйишкорона ҳаракатларни намоён қилади.

Инсон типларини ўрганиш бўйича яна бир назарияга тўхталиб ўтсак. Бу конституционал назария бўлиб, унинг асосчиси немис психиатри Эрнст Кречмер (1888-1964) бўлиб, 1921 йилда у бу назарияни илгари сурган. У асосан темперамент типларини морфологик конституциясига қараб аниқлашга эътиборини қаратган. Яъни инсоннинг таъна тузилишига қараб унинг психологик хусусиятлари, темпераменти ва характерини аниқлаш мумкин деб ҳисоблаган. Асосий тадқиқотлари шу масалани ёритишга қаратилган бўлиб, Кречмер инсонларни таъна тузилишига қараб уч турга ажратган ва уларнинг ҳар бирига таъриф берган.

У ўз ўрнида Э.Кречмер томонидан таклиф этилган шахс гавда тузилишларининг тавсифига аҳамият бериш зарур деб ҳисоблайди ва тажрибаларда кузатилган қуйидаги фикрларини билдиради.

Астеник – (грек тилидан олинган бўлиб *asthenes* – *заиф* деган маънони англатади) турга тегишли инсонлар ўрта бўйли ва ориқ кишилар бўлиб, жуссаси кичикроқ бўлади. Шунинг учун кўпгина ҳолларда уларнинг бўйи паст бўлиб кўринади. Таъна ва юз териси нозик, елкаси тор, қўллари ва билақлари ингичка, кўкрак қафаси учун ва тор бўлган ҳамда мушаклари яхши ривожланган ориқ кишилардир. Астеникларнинг юзи одатда узун ва бурни катта бўлади.

Уларга эмоционал заифлик, доимо ўз-ўзини таҳлил қилиш, хатти-ҳаракатларини ўрганиш каби хислатлар намоён бўлади, бундай инсонлар ёлғизлик ҳиссига мойил бўладилар.

Атлетик (грек тилидан олинган бўлиб *athletes* – *курашчи* деган маънони англатади) турига тегишли инсонларнинг суяк ва мушаклари яхши ривожланган, ўртача юқори ёки баланд бўйли, елкаси ва кўкрак қафаси кенг, бошини тик тутиб юрадиган кишилардир. Тана тузилиши пастга қараб қисқариб (торайиб) кетади, боши кўпинча чўзиқ, тухумсимон тузилишда бўлади. Уларнинг иродаси кучли бўлиб, қатъиятлилик, ўз фикри устида қайсарлик билан туриб олиш каби хислатлар билан тавсифланади.

Пикник (грек тилидан олинган бўлиб *ruknos* – *йирик* деган маънони англатади) турига тегишли инсонларнинг бош кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғи яхши ривожланган, семиришга мойил, таянч ҳаракат аъзолари яхши ривожланмаган кишилар. Улар жуда эмоционал бўлиб, турли ҳаётдаги вазиятларга ҳаддан зиёд бўёк берадилар ва истерикага (жазавага тушишга) мойилдирлар. Доимо ҳаётдан завқланиб яшашга ҳаракат қиладилар.

Астеник тип эгалари – ўғрилик, фирибгарлик, товламачиликка мойил бўладилар.

Атлетик тип эгалари – зўравонлик ҳаракатларига мойил бўладилар.

Пикник тип эгалари – муттаҳамлик ва қаллобликка мойил бўладилар.

Аралаш тип эгалари эса жамиятга зид ҳаракатларни содир этишга мойил бўладилар.

Инсон хулқи ва унинг хатти-ҳаракатларини олдиндан башорат этиш учун алоҳида қобилиятга эга бўлиш ёки кўплаб китоблар ўқиш шарт эмас, бунинг учун инсонларга, уларни хатти-ҳаракатларини ўрганишга қизиқиш бўлса бўлди.

Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан кечадиган шахслараро муносабатда профайл усулидан фойдаланишни ўрганишдан асосий **мақсад** бу жамиятга зид қарашлари мавжуд, жиноий ҳаракатларни содир этишга мойил шахсларни тезкорлик билан таниш кўникмасини шакллантиришдир. Ушбу мақсадга эришиш учун қуйидаги билим ва малакаларни **эгаллаш вазифаси** белгиланади:

✓ визуаль (кўриш ва кузатиш асосида) психологик ташхис ёрдамида шахсларни баҳолаш технологиясини;

✓ жиноий ҳаракатларни содир этишга мойил шахсларнинг таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш тажрибасини;

✓ қалтис, кутилмаган вазиятларда ҳиссий ҳолатларини бошқариш;

✓ қалтис, кутилмаган вазият шароитида шахсий таркибни бошқариш ва назорат қилиш;

✓ оломонга руҳий таъсир ўтказиш борасидаги тажрибаларини такомиллаштириш;

✓ жамиятга зид қарашлари мавжуд ҳамда жиноий ҳаракатларга мойил шахсларни оғзаки (сўзда ифодаланган) суръати (портрети) ва хулқидаги алоҳида белгилари асосида таниш;

✓ террористик ва экстремистик ташкилотлар, уларнинг ташкилотчилари ҳақида атрофлича тўлиқ билимларни олиш;

✓ махсус электрон техник мосламалар (акустик ва визуаль кузатиш мосламалари) ёрдамида жамоат жойларида ёки оммавий тадбирлар ўтказиладиган жамоат жойлардаги шахсларнинг хатти-ҳаракатларини ўрганиш;

✓ жамоат жойларида, оммавий тадбирлар ташкил этиладиган объектларда кузатиш (резерв ёки ёрдамчи кучлар, фаол қаршилик кўрсатиш гуруҳи ва ҳ.к.) учун қулай жойни танлаш;

✓ жамиятга зид ҳамда жиноий ҳаракатларга мойил шахсларнинг хатти-ҳаракатларини назорат қилиш;

✓ хизмат вазифаларни амалга ошириш жараёнида муҳим аҳамиятга эга маълумотларни олиш ва улардан самарали фойдаланиш борасида малака ва тажрибаларни шакллантириш.

Юқорида келтирилган вазифаларни амалга ошириш учун ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан кечадиган шахслараро муносабатда қуйидаги йўналишдаги **билимларга** эга бўлишлари зарур:

этнопсихология;

клиник психология;

жамият учун хавфли, жиноий ҳаракатларга мойил шахсларга хос руҳий омиллар;

шахслараро муносабатда аҳамиятли касбий мулоқот асослари;

шахсларнинг руҳий хусусиятлари билан унинг ташқи намоён бўлувчи (имо-ишора, мимика, тана ҳаракатлари, нутқ (вербал ва новербал воситалари) жиҳатлари ўртасидаги боғлиқликни кўра олиш;

фуқаролар ва гумон қилинаётган, айбланувчи тариқасида ишга жалб қилинаётган шахслар билан мулоқотни тўғри шакллантириш;

□ портловчи мосламаларни топиш ва уларни аниқлаш борасида хизмат итлари ва техник воситалардан самарали фойдаланиш;

□ куч ва имкониятларни тўғри тақсимлаш мақсадида ҳиссий зўриқишларни енгиш ва уларни бошқариш усуллари эгаллаш;

□ фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатиш, уларни визуал баҳолаш ва руҳий таъсир ўтказиш, кутилмаган хавф ва қалтис вазиятларда ўз хатти-ҳаракатларини назорат қилиш;

Юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан кечадиган шахслар аро муносабатда профайлинг методининг **асосий мақсади** гумон қилинаётган, айбланувчи тариқасида жалб қилинган шахсларнинг хатти-ҳаракатларида мавжуд номувофиқликнинг пайдо бўлиши сабабларини аниқ белгилашдир. Бунга шахснинг муайян объектда қонунга зид хатти-ҳаракатни содир этишга тайёргарлик кўриши ва уни амалга оширишга алоқадорлиги ҳам сабаб бўлиши мумкин. Ҳар қандай вазиятда ҳам юқорида қайд этилган ҳолатлар шубҳали шахс-ни кўздан кечириш ва ҳужжатларни текшириш жараёнини пухтароқ ўтказилиши учун асос бўлади.

Профайлинг қуйидаги хусусиятларга эга:

1. Профайлинг таркибига хавф туғдириш эҳтимоли бўлган шахслар хатти-ҳаракатини кузатиш, уларга саволлар бериш, экспресс психодиагностика қилиш, уларнинг хатти-ҳаракатларидаги нормадан оғишларни қайд этиш ҳамда уларни ўрганишга қаратилган бошқа ҳаракатлар киритилади.

2. Профайлингнинг мантиқий схемасида ғайриқонуний аралашуш ҳаракатларини тайёрлаш чоғида хавф туғдириши мумкин бўлган шахсларнинг ҳаракатлари моделини тузиш; бундай ҳаракатларни тайёрлаш белгиларини аниқлаш; хавф туғдириши мумкин бўлган типлар (профиллар) – бундай ҳаракатларнинг эҳтимол тутилган ижрочилари таснифини яратиш; кузатув ҳудудидаги ҳар бир шахснинг мақомини режалаштирилаётган ғайриқонуний аралашув ҳаракатига алоқадорлиги эҳтимоллиги нуқтаи назаридан аниқлаш; ҳар бир шахсни муайян типга (ёки профилга) киритиш, яъни профиллаш.

3. Профайлингни амалга ошириш учун визуал психодиагностика, диагностик экспресс-суҳбат, нейролингвистик дастурлаш методлари, ички ишлар органларида кўп йиллик тажрибани эгаллаган юқори даражадаги тайёргарликка эга мутахассислар жалб этилади.

Профайлинг технологияси 5 босқичдан иборат:

1) жинойт ва олдин шунга ўхшаш қилмишлар содир этган жинойтчи типлари (психолого-психиатрик типология) психологик мазмундаги ҳолати таҳлили;

2) жинойтни тергов қилиш жойининг мукамал таҳлили;

3) жабрланувчиларнинг машғулот ва қизиқишларини атрофлича ўрганиш;

4) жинойтни тергов қилишга жалб қилинган ҳамма шахсларнинг эҳтимолли мотивацион омилларини шакллантириш;

5) жинойтчини тасвирлаш (фёъл-атвори кўрсатишига, ташқи психологик моҳияти асосида).

Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан кечадиган шахслараро муносабатда жабрланувчини, гумон қилинувчини, айбланувчини сўроқ қилиш жараёнида уларни бераётган кўрсатмаларидан аниқланиши лозим бўлган ҳолатлар. Яъни: Ёлғон гапираётган шахс бировлар кўпроқ диққат билан кузатадилар деб ҳисоблайдиган нарсаларнигина яширади ва сохталаштиради.

Ушбу қоидалардан ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан бўладиган мулоқотида ёлғон кўрсатмалар беришга ҳаракат қилаётган шахслар сўзларни кўпроқ танлашлари ҳақидаги хулоса келиб чиқади. Бунинг сабаблари бир қанча:

□ инсоннинг айнан сўзда (вербал) ифодаланган ахборотни идрок этишга ички мойиллиги;

□ нутқни олдиндан тайёрлаб қўйиш мумкинлиги;

□ қайтма алоқа мавжудлиги (гапираётган одам баён этишнинг мувофиқ келувчи йўлини танлаб, ўзини эшитади);

□ сўзлар учун жавоб беришга тўғри келади, чунки уларни такрорлаш осон ва улардан батамом воз кечиш қийин.

Инсоннинг юзига ҳам сўзлардан кам бўлмаган эътибор қаратилади. Юз қиёфаси овоз билан биргаликда эшитувчига сўзлаётган шахсда унинг ўз сўзлари келтириб чиқарадиган ҳиссиётлари ҳақида ахборот бериши, шу боис инсоннинг юзи ҳам алдаши мумкин. Аммо юз мимикасини назорат қилиш қийинроқ. Инсон юзи миянинг ҳиссиётлар учун жавоб берувчи соҳалари билан бевосита боғлиқ, сўзлар эса ундай эмас. Нимани гапираётганимизни билишимиз осон, аммо юзимиз нимани ифодалаётганини билишимиз анча қийин. Сўзлар ва юзга ажратиладиган бунчалик эътибор натижасида овозга деярли эътибор қолмайди. Шунга қарамай, шахс ёлғон гапираётганда овози ва танасига кўпроқ эътибор беришлари тўғри

бўлади. Овоз ҳам, юз сингари, ҳиссиётлар учун жавобгар мия соҳалари билан боғлиқдир.

Инсон танаси алдаш белгилари кўринадиган яхши манбадир. Тана ҳаракатини назорат қилиш унчалик қийин бўлмаса-да, кўпчилик бунга эътибор бермайди, яъни зарурати йўқ деб ҳисоблайдилар. Ходим фуқаролар билан мулоқотга киришганда кўпроқ уларнинг юзларига ва бераётган кўрсатувларига эътибор қаратади. Бунда ходимнинг ёлғонни аниқлаши ахборотнинг ҳаддан ташқари кўплиги сабабли осон кечмайди. Булар: сўзлар, тўхтамлар, овоз жаранги (садоси), юз ифодаси, бош ҳаракати, имо-ишоралар, гавда ҳолати, нафас олиш, тер босиш, юзнинг оқариши ёки қизариши ва ҳ.к. Ана шу манбаларнинг ҳаммасини ходим фуқаролар билан бўладиган мулоқотда эътиборга олиши лозим.

Ҳатто ёлғон гапиришга тайёргарлик кўрган, ўз хатти-ҳаракатининг жиҳатларини назорат қилаётган шахс ҳам айрим ҳолатларда ўзини фош этиши мумкин бўлган барча нарсаларни (бармоқ учларидан тортиб бош тепасигача) назорат қила олмайди. Истаган тақдирда ҳам бу қўлидан келмайди.

Бундан ташқари, ходим профайлинг методини яхши ўзлаштирган бўлса, агар алдаётган шахс «ҳиссий кўзғалишда, руҳий зўриқиш ҳолатида бўлса, алдаш борасида катта тажрибага эга бўлмаса, туғма ёлғончи ва психопат бўлмаса, ёлғонни аниқлаш имконияти анча кўп бўлади».

Ички ишлар органлари ходимларига шахс ёлғон кўрсатма бериб алдаётганда фош бўлишдан қўрқиш билан боғлиқ эмоционал стресс вужудга келади. Бундай аломатлар қуйидаги ҳолатларда намоён бўлиши мумкин:

- тер томчилари, айниқса юқори лаб устида ёки пешонада пайдо бўлиши;

- оғиз қуриши, чанқаш;

- лаблар қуриши, натижада вақти-вақти билан лабларни ялаш;

- оғир нафас олиш;

- овоз чиқариб нафас чиқариш, чуқур нафас олиш;

- юз рангининг ўзгариши (қизариши, оқариши ёки доғлар билан қопланиши);

- юз мушакларининг (қовоқ, оғиз бурчаги, қошлар чекаси каби жойларнинг) учиши;

- юзда вертикал ажинлар пайдо бўлиши;

- оғиз қийшайиши, лаблар таранглашуви, лабларни тишлай бошлаш;
- баданда титроқ пайдо бўлиши;
- овозда титроқ сезилиши;
- кўз пирпирашининг кучайиши;
- қўлларнинг «ғоз териси» белгилари билан қопланиши;
- эснаш бошланиши;
- юрак зарбининг тезлашуви, натижада томирларда қон оқишининг (пульсациянинг) кучайиши; бўйин, пешона, чакка, уйқу артерияси томирларида қон пульсациясининг сезиларли бўлиб қолиши;
- дудукланиш бошланиши;
- асабий равишда вақт-вақти билан йўталиб туриш;
- овоз тембри ва оҳанги устидан назорат йўқолиши;
- тез-тез ва (ёки) кучли тарзда ютиниш юз бериши, бунда кёкирдик олмаси кескин ҳаракатланиши.

Шахс нутқни олдиндан тайёрлаб қўйиши мумкин, аммо кимнидир алдашга уринганда бепарволиги (беғамлиги) туфайли нутқий хатоларга йўл қўяди. Кўпчилик эҳтиётсизликка йўл қўйиб айтган сўзлари билан ўзини фош қилади. Зигмунд Фрейд буни тилдаги янглишув сифатида таърифлаган. Янглишув, – деб ёзган эди у, – ўзига хос «айтишни истамаган, аммо ўзингни фош этиб қўядиган нарсани ифодалаш ... қуроли»га айланади. Агар сўзлаётган одам била туриб ёлғон гапирётган бўлса, маъюслик онгли бўлиши мумкин. У истамаган ҳолда гапириб қўйгач ўзининг тушкун ҳолатини тушуниши ҳам, бунга эътибор бермаслиги ҳам мумкин. Янглишиб айтилган гаплар бўйича ёлғонни аниқлашда эҳтиёт бўлиш зарур, деб ҳисоблайди П.Экман, чунки ана шу янглишувларнинг ҳаммаси ҳам ёлғондан далолат беравермайди. Янглишув ёлғонни фош қилаётгани ёки қилмаётганини одатда контекстан келиб чиқиб аниқлаш мумкин. Шу ўринда бошқа бир кенг тарқалган хатонинг олдини олиш ва янглишиб гапирмайдиган ҳар бир кишини ҳақиқатгўй деб ҳисобламаслик ҳам зарур. Кўплар ёлғон гапирётганларида янглишувга йўл қўймайдилар. Ҳозирча қандайдир ёлғоннинг янглишув билан фош бўлиши, қайсиларидир эса бундай бўлмаслигини изоҳловчи ҳеч бир тадқиқот амалга оширилмаган (хаттоки тахминлар ҳам билдирилмаган).

Ёлғон психологиясига оид айрим тадқиқотларга кўра, баъзилар ёлғон гапирётганларида дангал жавоб бермайдилар, гапни айлантирадилар ёки керагидан ортиқ маълумот берадилар. Бошқа тадқиқотларнинг кўрсатишича, бунинг акси ҳам бўлади: аксарият одам-

лар саволга жавоб беришдан бўйин товлаш ва аниқ жавоб беришдан қочиш учун ҳаддан ташқари айёрдирлар. Бундай ёлғончиларни сезмаслик ҳам мумкин. Айнан шу жойда гаплари жавобдан қочиш ёки гапни бутунлай айлантириш бўлган ҳақиқатгўй инсонни нотўғри баҳолаш хавфи (индивидуал хусусиятлар хатоси) мавжуддир. Баъзилар доимо ана шундай сўзлайдилар. Аммо бу ёлғончилик аломати эмас, балки уларнинг оддий гапириш услубидир. Масаланинг мураккаблиги шундаки, кўпинча бировнинг алдаётганини аниқ кўрсатиб турган ҳар қандай кўринишлар бошқа одамлар учун кундалик хулқининг таркибий қисмигина бўлиши мумкин. Верификатор ҳар доим, айниқса гумон қилинаётган шахс билан таниш бўлмаса, уларнинг типик хулқини билмаса, Брокау қопқони деб аталувчи қопқонга тушиб қолиши мумкин.

Тўхталиш (пауза) ва тутилишлар ҳаддан ташқари узоқ ёки қисқа бўлиши мумкин. Сўзлар олдидаги тутилишлар (дудукланишлар), айниқса бу саволга жавоб бераётганда келиб чиқса, ҳар доим шубҳа уйғотади. Нутқ жараёнининг ўзидаги қисқа тўхталишлар ҳам ҳаддан ташқари кўп учраса, шубҳали туюлади. Нутқдаги хатолар: масалан: «ҳм», «хўш» ва «э-э» сингари кириш сўзлар; «мен», «мен», «мен» ... назарда тутяпман» сингари такрорлар; «Менга ж-жуда ёқди» сингари ортиқча бўғинлар ҳам ёлғон аломатлари бўлиши мумкин.

Нутқдаги тўхталиш ва тутилишларнинг сабаблари қуйидагилардан иборат:

□ ёлғончининг ўз ҳаракатлари йўналишини, муайян масалани яхшилаб ўйламагани;

□ фош бўлишдан қаттиқ кўрққани.

Бундан ташқари, одам ўзининг ёлғони қанчалик ҳақиқатдан узоқлигини эшитса, кўлга тушишдан янада кўпроқ кўрқа бошлайди, натижада тўхталиш ва нутқий хатолар кўпайиб боради.

Ахборотни бериш-узатиш техникаси (йўллари) билан боғлиқ ёлғон белгиларига алоҳида эътибор қаратиш лозим:

□ саволларга ҳаддан ташқари тез берилаётган жавоблар ўйлашга мажбур қилиши лозим;

□ берилаётган ахборотга ҳақиқий муносабатни ниқоблаш ёки бузиб кўрсатган ҳолда қандайдир бошқа жиҳатларини нутқий воситалар – интонация, паузалар ва бошқалар ёрдамида намойишкорона таъкидлаш (ажратиб кўрсатиш).

Охирги белги ёлғон гапирувчилар бошқа бировни чалкаштириш

учун атайин қўллайдиган усуллар гуруҳига киради ва бошқа маълумотлар билан қиёслаганда ёлғон кўрсаткичи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Кундалик амалиётда бу айнан усул эканлигига ишонч ҳосил қилинганида, бундай ҳолатлар ҳақида бошқа бировни ишонтиришга уриниб «ошириб юборди» дейилади.

Суҳбатдошингиз сизни ўзининг самимий гапираётганига, тўғри сўзлигига ишонтиришга қаттиқ ҳаракат қилаётгани, унинг сўзларига ишонмаётганингизни сезганида фақат ҳақиқатни гапираётганлигини қайта-қайта таъкидлаши ёлғон гапираётганидан далолат бериши мумкин. Масалан:

– соғлиғим билан қасам ичаман ...;

– чин сўзим, билмайман ...;

– қўлимни кесиб ташлашингиз мумкин ...

– бу ҳам ... дек тўғри гап ...;

– чин сўзим, айнан шундай бўлган эди ... – булар ёлғондан далолат берувчи энг кўп тарқалган ва аниқ сўздаги аломатлардир.

Баъзи мавзу ва масалаларни муҳокама қилишдан қочиш (агар улар инсон учун қандайдир ноҳуш жиҳатларга тааллуқли бўлмаса):

– эсимда йўқ ...;

– бундай деганим йўқ ...;

– буни муҳокама қилмоқчи эмасман ...;

– бунда ҳеч бир алоқадорлик кўрмайман ...;

– бу саволингизга жавоб беролмайман ...;

Суҳбатдошни асоссиз менсимай, унинг жиғига тегиб ёки унга душманларча оҳангда гапириш, атайин қўполлик қилиш ифводан далолат беради:

– гап нимадалигини тушунмаяпман ...;

– сиз билан гаплашишни умуман истамайман ...;

– саволларингизга жавоб беришга мажбур эмасман ...;

Бу шахс билан аввалги муносабатларингиз яқинликка олиб келмаганида ишончингизни қозониш, раҳмингизни келтиришга уриниш:

– мен ҳам сизга ўхшаган одамман ...;

– муаммоларим ҳам худди сизникига ўхшайди ...;

– оилам, болаларим бор ...

Берилган аниқ-дангал саволларга қисқа рад жавоби ёки бепарволик билан, мужмал жавоблар олиш; оддий такрорланувчи жавоблар ёки оддий рад этишни такрорлаш; «ҳа» ёки «йўқ» сўзларини ишлатмасликка уриниш:

- буни ўзингиз айтгансизку;
- ишонч билан айтолмайман;
- мени ҳурмат қиласизми;
- сиз, шубҳасиз, жиддий одамсиз;
- бу ҳақда ҳеч нарса билмайман.

Тажрибадан маълум бўлишича, самимий инсон ўзига нисбатан шубҳа борлигини кўрганида кўпроқ гапиришга ва самимийлигини исботлашга ҳаракат қилади, айти вақтда берилган тўғри саволларга қайтарилган бепарво, мужмал жавоблар нормал хатти-ҳаракат тушунчасига мос келмайди. Бундай жавоблар суҳбат жараёнида ёлғон гапириш борган сари қийинлашиб бориши билан боғлиқ:

- сўзларда қатъиятсизлик пайдо бўлиши;
- тўхтовсиз гаплашиш ёки кўплаб саволлар бериш орқали суҳбатдошни чалғитиш;
- саволларга жавоб беришни истамаслик ёки жавоб беролмаслик;
- саволларга жавоб беришдан олдин узоқ вақт жим қолиш;
- саволларга ҳаддан ташқари имиллаб ёки чалкаш жавоб бериш;
- саволга савол билан жавоб бериш;
- берилаётган саволларни овоз чиқариб такрорлаш ёки тушунарлироқ қилиб беришни сўраш;
- саволнинг моҳиятини ишга алоқаси бўлмаган ортиқча маълумотлар билан ниқоблаш.

Қуйидаги тафсилотларни эътиборга олиш ёлғон ишораларни аниқлашга хизмат қилади:

Бейб шахс	<p>сизга нисбатан шубҳа, ишончсизлик билдириши мумкин, айти вақтда иш бўйича тафсилотларни аниқлаштиришга қаршилиқ қилмайди;</p> <p>кўп ҳолларда тўлиқ, батафсил, хатто ишга бевосита алоқаси йўқ маълумотларни беради, кўп гапиради;</p> <p>доимо ўз изоҳлари билан гапингизни бўлишга ҳаракат қилади;</p> <p>ўзини нимададир айблашлари ёки ундан шубҳаланишларидан аввал жадал ҳимояланишни бошлайди.</p>
------------------	--

Айбдор шахс	<p>батафсил изоҳлардан қочади, кўп гапирмайди;</p> <p>саволларга жавоб беришда ўзини тутиб туради;</p> <p>муҳокама қилинаётган масала бўйича фактлар, тафсилотларни аниқлашда суҳбатдошга қаршилик кўрсатади;</p> <p>ҳеч бир сабабсиз изоҳ беришдан бош тортиши мумкин;</p> <p>изоҳларидаги майда тафсилотларгача аниқлигини таъкидлайди;</p> <p>у ёки бу ҳолатларни аниқлашда ёрдам бериш истагини билдиради.</p>
--------------------	--

Суҳбатдошнинг хатти-ҳаракатидаги қуйидаги хусусиятлар унинг ёлғон гапираётганидан далолат бериши мумкин:

- инсон хулқининг вазиятга мос келмаслиги;
- ўртоқчиликни ошириб намоёиш қилиш, вазият тақозо этмаса ҳам илжайвериш;
- сўрамаган ёрдамнингизни бериш;
- арзимас сабабларга кўра қаҳр-ғазабини баралла кўрсатиш;
- ўзини ёмон ҳис қилаётганидан шикоят қилиш, тиббий ёрдам сўраш, бу ҳол ҳақиқатан ҳам умумий аҳволи ёмонлашганидан далолат бериши ҳам, эътиборни чалғитиш усули, суҳбатни тугатиш учун баҳона бўлиши ҳам мумкин.

Овоз нутқ тўлқинларининг физиологик кўрсаткичларини ўлчаш асосида инсоннинг ҳиссий ҳолатидан далолат берадиган ниҳоятда информатив кўрсаткичдир. Ушбу *физиологик кўрсаткичларга* қуйидагилар киради:

- нафас олиш ҳаракатларининг характери, қон оқими билан боғлиқ бўлган овоздаги пульсация;
- овоздаги асосий оҳанг ўзгаришлари;
- овоз аппарати мушакларининг тебраниши.

Бироқ овоздаги ўзгаришларга қараб айнан ёлғоннинг ишончли аломатларини аниқлаш мумкин деб қатъий таъкидлашнинг амалда иложи йўқ. Кўпинча биз стресс таъсирида салбий ҳислар юзага келганлигининг белгиларини кўрамиз. Шу боис овоз характеристикалари (кўрсаткичлари)даги ўзгаришларни бошқа кўшимча аломат-

ларни ҳисобга олган ҳолда талқин этиш керак.

Овоз характеристикаларидаги ўзгаришларнинг сабаблари:

– ҳиссиётларнинг назорат қилиб бўлмайдиган тарзда кўкқисдан юзага келиши;

– фош бўлишдан кўрқиш;

– бош суягининг тузилишидаги анатомик хусусиятлар.

Инсон, бош суягининг акустикаси ҳамда идрок этишнинг бошқа хусусиятлари туфайли, ўз нутқини амалдагидан бошқачароқ эшитади.

Алдашга уринадиган одамлар ўз хулқини, жумладан овозининг садосини назорат қилишга ҳаракат қиладилар, аммо шу пайтда буни қай даражада уддалаганликларини аниқ била олмайдилар, чунки ўз овозининг садосини тўлиқ назорат қилиш анча қийин иш. Ҳаяжон, жумладан фош бўлишдан кўрқиш туфайли келиб чиқадиган ҳаяжонга энг кўп даражада хос бўлган ҳамда ёлғон ахборот бериш вақтида овоз ва нутқда кўринадиган қуйидаги белгилар фарқланади:

- овозда титроқ пайдо бўлиши;
- вақти-вақти билан овозни тозалаш ёки йўталиб қўйиш;
- оғиз қуриши ҳамда ютиниш ва лабларни ялаш эҳтиёжи туфайли гап ўртасида жумлалар узилиши;
- нутқ оҳанги (интонация)даги ихтиёрсиз ўзгаришлар;
- нутқ суръатидаги ўзгариш (масалан, жумлаларни ўйлаб кўриш зарурлиги туфайли унинг пасайиши);
- овоз тембрининг ўзгариши.

Овозда ҳиссиётлар кўринишининг энг кўп ўрганилган белгиси оҳанг кучайишидир. Ранжиган одамларда овоз пардаси кўтарилиб боради. Улар ғазабланган ёки кўрққан ҳолларда буни янада кўпроқ кўриш мумкин. Ғам-андух ёки қайғу-ҳасрат вақтида овоз пардасининг пасайишидан далолат берадиган тадқиқотлар мавжуд. Ва ниҳоят, ҳаяжон, хафагарчилик, нафрат ва жирканиш вақтида овоз пардасининг баландлиги ўзгариш-ўзгармаслиги номаълум. Овоз пардасининг кўтарилиши ёлғондан далолат берадиган ишончли белги эмас, балки у кўрқув ёки ғазаб ва, эҳтимол, ҳаяжон белгиси ҳам бўлиши мумкин. Аммо овоз ва ундаги ўзгаришларга қараб алдашдан роҳатланиш бор ёки йўқлигини аниқлаш мумкин ёки мумкин эмаслиги номаълум.

Овоздаги ҳиссий ўзгаришларни яшириш осон эмас. Агар асосан ёлғон гапириш пайтидаги ҳиссиётлар ҳақида гапириладиган бўлса, ахборотнинг ошкор бўлиш эҳтимоллиги анча катта. Агар ёлғон

гапиришдан мақсад кўрқув ёки ғазабни яшириш бўлса, овоз баланд-роқ пардада ва қаттиқроқ чиқади, нутқ эса, эҳтимол, тезлашади.

Бироқ овоздаги ҳар қандай ҳиссиёт кўринишини алдаш аломати сифатида талқин этмаслик лозим. Ҳақиқатгўй инсон бировлар унга ишонмаслигидан кўрқиб, худди фош бўлишдан кўрқаётган ёлғончи сингари овозини кўтариши мумкин. Муаммо шундаки, нафақат ёлғончилар, балки мутлақо айбсиз одамлар ҳам баъзан ҳиссий кўзғалиш сезишлари мумкин.

Худди шунингдек, бир маромдаги овоз билан гапираётган одам ўзини назорат қилаётгандек туюлиши мумкин. Бу эса, ўз навбатида, у ниманидир яшириши мумкинлиги ҳақида тахмин қилиш имкони-ни беради. Сўзлаш оҳангидаги совуққонликни талқин этишда хато қилмаслик учун аслида бу одамга шу тариқа сўзлаш хос ёки хос эмаслигини билиш зарур. Вазмин овоз ҳар доим ҳам ҳаққонийликдан далолат бермайди; айримлар ўз ҳиссиётларини ҳеч қачон, ло-ақал овозда ҳам кўрсатмайдилар. Ҳатто ҳиссиётга берилувчан одамлар ҳам муайян ҳолларда ўз ҳиссиётларини кўрсатмасдан алдашлари мумкин. Шу боис вазмин овоз ҳам айни вақтнинг ўзида алдаш ва ҳаққонийликнинг ожиз белгиси ҳисобланиши мумкин.

3-§. Фуқаролар билан кечадиган шахслараро муносабатларда профайлинг методини қўллашдан кўзланган мақсад

Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан кечадиган мулоқотда профайл методидан шахсларни муайян ахборотни атайин, жинойий мақсадда бузиши, яъни вербал (сўздаги), ҳам новербал (тана хатти-ҳаракатларидаги) хабарларнинг вазият ва ҳолатга қанчалик мувофиқлигини аниқлаш мақсадида фойдаланилади.

Ушбу малакаси (маҳорати) нафақат кузатувчанлик ва диққатни машқ қилдиришда, балки руҳий кузатиш бўйича барқарор кўникмаларни ҳосил қилишни, кинестетика (тана тили ҳақидаги фан)нинг асосий қонунларини тушунишни, суҳбат олиб бориш санъатини эгаллашни, белгиланган объект ҳудудида дастлабки кўрик ёки хужжатларни текшириш давомида йўловчиларнинг хулқини самарали баҳолашга имкон берадиган бир қатор усулларни эгаллашни назарда тўтади.

Руҳий ахборот олиш усулларида бири **руҳий ташхис** (диагнос-

тика) – бу шахс ҳолатини ўрганиш бўлса, уни **визуаллаштириш** кўриш орқали муайян образни шакллантириш жараёнидан иборат бўлади.

Бинобарин, **визуал психодиагностика** – инсонни кузатиш, кўриб идрок этиш асосида унинг руҳий ҳолатини аниқлаш. Бошқача айтганда, руҳий ахборотни қандайдир тест ёки инструментал усуллари билан фойдаланмай туриб ўрганиш. Кузатув усули билан руҳий ахборотни идрок этиш, тўплаш унинг хусусиятларини билиш ва англаш мумкин.

Эслатиб ўтамиз, **кузатув** – аввало муайян тарзда ташкил қилинган идрок жараёни бўлиб, у кузатувчи олдида турган вазифа ҳамда кўриб чиқиладиган ҳодисанинг моҳияти билан боғлиқ. Яъни кузатув мақсадга қаратилган фаолият ҳисобланади.

Инсон идроки жуда муҳим бир хусусиятга эга: «Инсон тез алмашувчи таъсирларни ҳиссий туйғуларнинг кетма-кетлиги сифатида эмас, балки умумлашма образ сифатида қабул қилади, ва **бизда бу инсон ҳақида тасаввур ҳосил бўлади**.

Тасаввур, «битта» бўлишига қарамай, амалда бир-бирига қўшилган ва бир бутунликка бирлашган сон-саноксиз жузъий тасаввурлардан ташкил топган бўлади. Шундай қилиб, шахсга қараганимизда кетма-кетликда унинг гавда тузилиши, ҳолати, мимикаси, ишоралари ва хатти-ҳаракатларининг маъносини сезамиз, ушбу идрок этиш жараёнини «бир вақтдаги» идрок сифатида ҳис қиламиз, чунки у жуда тез ўтиб кетади». Бирор инсон гапира бошлаганида, бизнинг образга, яъни бизнинг «битта» тасаввуримизга яна овоз интонацияси, оҳанги, тил мароми, товуш кучи, эҳтимолли диалект туси ва кўплаб бошқа жиҳатлар қўшилиб боради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, муомала жараёнида *ахборот узатилиши*:

- вербал воситалар (фақат сўзлар) эвазига – 7 % англанилади;
- товуш воситалари (оҳанг, тембр, овоз интонацияси ва барча нутқсиз товушлар) эвазига – 38 % тушунилади;
- новербал воситалар (ишора, мимика, имо-ишоралар, пантомимика) эвазига – 55 % қабул қилинади.

Ушбу асосда инсонлар ўртасидаги мулоқотнинг бир вақтда амалга ошадиган икки даражаси фарқланади:

- **мазмун даражаси** (у сўзларда ифодаланган (вербал) ахборотни, яъни гапирувчи айтишни истаган нарсани узатади);

– **муносабатлар даражаси** (у ахборотни (новербал) ўхшатиш орқали, яъни бунда сўзловчининг ўзи айтаётган сўзларга ёки тингловчига муносабати шаклида ифодаланади).

Албатта, бундай нутқсиз хабарларни тушунишга ҳар ким ҳам қодир эмас, чунки бунда ички йўналганлик хусусиятдан келиб чиқиб, эътибор айтилаётган сўзларга қаратилади. Бундай усулдан барча моҳир ёлғончилар самарали фойдаланадилар, Бунда улар нафақат ўз хатти-ҳаракатлари йўналишини, балки бошқа мақсаддаги нутқини ҳам пухта шакллантирадилар. Кўпчилигимиз эса муносабатлар даражасидаги ахборотларни айнан ўша даражада идрок этиш, тана ҳаракатларининг маъносини тушуниш, ўрганиш имкониятидан фойдаланмаймиз. Демак, бизга энг кўп маълумот бера оладиган аксарият ахборотлар одатда эътиборимиздан четда қолади. Баъзан эса айрим новербал сигналларни онгсиз, ички сезги (интуиция) ёрдамида сезамиз.

Интуитив идрок, қимматли, лекин ҳар доим ҳам ишончли бўлмайди ва асосийси, «унинг натижаларидан бирор онгли ҳаракатни амалга оширишда фойдаланиш қийин. Онг сўзда тасвирлашни (вербаллаштиришни) талаб этади». Бинобарин, кузатувчи аввало онгли идрокни – новербал сигналларни сўзда ифодаланадиган шаклга ўгиришни (ҳиссиётларни сўзда ифодалашни) машқ қилиш зарур.

Бундан ташқари, кузатувчанлик, диққат ва хотирани машқ қилдириш натижасида тана ҳаракатларини тушуниш орқали онгсиз даражага (аммо энди бутунлай бошқа сифатда) ўтади. Бунда ҳар қандай инсонни билишнинг *тўрт даражасида* намоён бўлади:

□ англамай билмаслик (инсон ниманидир билмаслигини англамайди);

□ англаб билмаслик (инсон қайсидир соҳада билим олиши зарурлигини тушунади);

□ англаб билиш (инсон керакли соҳасида билимларни эгаллаган);

□ англамай билиш (билимлар қўлланилган ва муайян бир соҳада ишлаш бўйича барқарор кўникмага айланган).

Кўз ҳаракатлари ва юз мимикасига қараб ёлғон аломатларини аниқлаш. Инсон ўз юз мимикасини овозига қараганда яхшироқ назорат қила олади. Фақат юз мимикасига қараб хулоса чиқариш қийин, чунки юз мимикасида ёлғонни аниқлаш учун таҳлил қилишни талаб этувчи кўрсаткичлар ҳаддан ташқари кўп. Хилма-хил мимика, кўз ҳаракатлари, нигоҳ йўналиши, одам юзининг мулоқот

давомида сурилиши, асосийси эса – инсон турли ҳолатларининг «ташқаридан» турлича кўриниши кўпинча унинг ҳаққонийлик даражаси ҳақидаги нотўғри хулосаларга олиб келади. Бошқа томондан, айнан юз ифодасини таҳлил қилиш натижасида кўпинча ёлғонни сезиш мумкин бўлади.

Маълумки, **кўзлар** нафақат «дунёга қараган дераза», балки «қалб ойнаси» ҳамдир, яъни уларда инсондаги ички руҳий жараёнларни кўриш мумкин. Руҳий жараёнлар тафаккур ва инсон қалбида юз бераётган барча нарсалар билан чамбарчас боғлиқ. Ҳаётда ҳамма нарса тебраниб турганидек, кўз қорачиғи ҳам доимо ҳаракатда бўлади ва нейролингвистик дастурлаштириш (НЛД) соҳасидаги тадқиқотларга кўра, айнан қорачиқлар ҳаракатига қараб нафақат фикрий жараённинг боришини, балки мулоқотда самимийлик ёки носамимийлик борлигини ҳам аниқлаш мумкин.

Бу ерда гап ўзига хос **кўз ҳаракатлари** ҳақида боради.

Кўз қорачиғидаги ахборотларни шакллантириш вақтида беихтиёр тушиб қоладиган муайян зоналар (тўққизтадан иккитаси) мавжуд бўлиб, улар баъзи вазиятларда носамимийликнинг тури ҳисобланади, чунки бирор топшириқни бажаришда, саволларга жавоб беришда уларни атайин ўзгартириш ҳақида гап боради. Кўпинча кўз ҳаракатларини кузатиш эмас, балки кўз қорачиқларининг ахборот мазмунига эга жиҳатларининг (биргаликда кузатиладиган ҳиссиётлар, тана ва юз мимикасидаги ҳаракатларнинг) мос келиш келмаслигини таҳлил қилиш самарали ҳисобланади. Масалан, қандайдир образлар ҳақида гап кетганида кўз қорачиғи визуал эмас, балки аудиал зонада бўлиши бунга мисол бўла олади.

Юқорида кўз ҳаракатлари суҳбатдош тафаккур йўлининг кўрсаткичи эканлиги айтилган эди. Кўзлар нафақат ички руҳий жараёнларни акс эттиради, балки тесқари алоқани ҳам вужудга келтиради: онг остидан қандайдир хотираларни чиқариб олиш ёки атайин истаётган ички ҳиссиётни яратиш учун кўпинча кўзларни муайян ҳолга келтиришнинг ўзи етарли бўлади.

Сўзлашаётган ёки хаёл сураётган одамларни кузатганингизда уларнинг **кўз соққалари** доимо олдинга-орқага, юқorigа ва пастга ҳаракатланаётгани, тасодифан нарса ва одамларга тикилаётгани, шунингдек кўпинча ички тажрибага «қаратилаётганлигини» сезишингиз мумкин. Бошқача айтганда, ёлғон белгиларни намоён қилиш

жараёнида одатда ташқи визуал таъсирлар эътибордан қолиб кетади. **Кўзларнинг юқорига ва ўнгга қаратилиши:** кўз билан яратиш. Бу индивид томонидан ҳосил қилинадиган визуал образ ёки манзара холос. Яъни, аввалги визуал қўшимчага янги қисм ёки шакл кетма-кетликда қайта гуруҳлаштирилади ёки ундан ажратиб олиниши талаб этилади.

Юқорига ва чапга қараш: кўз билан эслаш. Бу ўтмиш ҳодисалар, шунингдек илгари ҳис қилинган бошқа визуал таъсирларнинг сақланаётган визуал образлари ёки манзараларини ифодалашдир.

Тўғрига ва ўнгга қараш – нутқий фактларни хотирада тасаввур қилиш, инсон илгари ҳеч қачон эшитмаган товушларини тасаввур қилиши. Бу суҳбат жараёнини шакллантириш билан боғлиқ бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда одам бундан кейин айтмоқчи бўлган нарсаларини «сўзларга туширади».

Тўғрига ва чапга қараш – нутқий фактларни эслаш. Бунда «харфлар алфавити», реклама харфлари, товушлар, телефон рақамлари, шунингдек шева ва сўкиниш каби тушунарсиз сўзларни маънодошлари билан солиштириш тушунилади. Кўпинча қисқа, оҳангдор ёки бир маромдаги сўзлар кўп такрорланиши туфайли илгари идрок этилган нутқий образларини эслашда кўз соққаларини кўп ҳаракатлантириш жараёнида ҳам кузатилади. Масалан, «эсдан чиқмасин – ишдан – уйга – қайтишда – йўлдан – сут – олиш» тонгда шу қадар кўп марта айтиладики, у табиий равишда фаҳмланмай қолади⁹.

Улар кўпроқ ички (ҳосил қилинаётган) образ, товуш, сўз ва ҳиссиётларга эътибор берадилар.

Ахборотдан фойдаланишдан аввал, шахс ушбу ҳаракатдан қандай вазиятда «фойдаланганлигини» билиб олишингиз муҳим.

Пастга ва ўнгга қараш – бунда инсон ҳосил қилиниши керак бўлган ҳиссиётлардан ҳамда мавжуд ҳиссий хотиралардан фойдаланиши мумкин. Тушкун ҳолатдаги инсонда кўп кузатиладиган ҳолатни бунга мисол қилиш мумкин: боши эгик, қўллари шалвираган, гавдаси бутунлай буқилган. Бундай одам том маънода ўз ҳиссиётларига шўнғиб кетган (ўз ёғида ўзи қовурилмоқда). Эслаб қолинг, айрим индивидлар учун пастга ва чапга қараш айнан шу маънони англатиши мумкин.

Пастга ва чапга қараш: ички нутқ, одатда «чуқур фикрлаш»

⁹ Кўз ҳаракатларининг реакциялари айрим ўнақайлар ва чапақайларда бир-бирига зид бўлади.

билан боғлиқ жараён бўлиб, ички сўз ва нутқий жараён билан бирга кечади (ўзимиз билмаган ҳолда баъзан турли товуш ва хитобларимиз ташқарига «чиқиб кетиши»), кўпинча бунга жавобан «Илтимос, ўзингизча гўнғиллашни бас қилинг», – деган жавобни эшитамиз. Шахс ўзини хотиржам сезаётган пайтларда у комплекс, рационал ва мантиқий тафаккурнинг таҳлилий қуроли ҳисобланади. Ушбу ҳолат айримларда пастга ва ўнгга қарашда ифодаланиши мумкин.

Бир нуқтага қарамайдиган нигоҳ – вазиятни кўз олдида гавдалантириш (визуаллаштириш).

Юмуқ кўзлар – таъм ва ҳидни илғашга бўлган ҳаракат. Гарчи одамлар муайян таъм ёки ҳидни эслаб қолиш учун кўпинча кўзларини юмсалар ҳам, қовоқлари остида кўз соққаларининг ҳаракати кузатилади. Бу ҳаракат юқорида тасвирланган ҳолатларнинг бирига мос келиб, кўзлар очик ҳолатдагидек талқин этилиши мумкин.

Ходим шахснинг кўзларига қараб унинг ички кечинмаларини аниқлаши мумкин. Айни вақтда инсон сўзлашаётганида суҳбатдошининг кўзига қараши ёки қарамаслиги муҳим эмас, балки қачон **қараб**, қачон **нигоҳини олиб қочгани** муҳим.

Шахсларнинг нигоҳларини ўрганиш техникасига келсак, муҳим бир қоидани назарда тутиш зарур. *Шахсларда намоён бўладиган хатти-ҳаракатларни билиш етарли эмас, улар билан ишлай олишни ўрганиш керак.*

Инсон нигоҳини деярли машқ қилдириб бўлмайди, шу боис у шахснинг ҳиссий-руҳий ҳолатини аниқ акс эттиради. Одам сўзлаганда кўп нарсани (хафагарчилик, изтироб, шодлик, ғазаб кабиларни) яшириши мумкин, аммо қарашларида буни яшириш учун ё жуда катта иродага эга, ёхуд махсус тайёргарликдан ўтган бўлиши керак.

Умуман олганда, суҳбатдошнинг юзига қараб ёлғонни аниқлаш учун кўпинча қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратилади.

Нигоҳлар тўқнашувининг давомийлиги. Маълумки, меъёрдаги муносабатларда, яъни одамлар бир-бирларига рост гапираётганларида, одатда мулоқот вақтининг 2/3 қисми давомида кўзлар тўқнашиб туради. Агар инсон самимий бўлмаса ёки ниманидир яшираётган бўлса, унинг кўзлари суҳбатдошники билан мулоқот даврининг 1/3 қисмидан кам вақтда тўқнашади. Эътибор қаратиш муҳим, ўзига ишонмайдиган одамлар кўзга тик қарашдан қочишлари кузатилган.

Нигоҳларнинг қочиши. Бунда асосий белги бўлиб, ёлғон сўзлашга ўрганмаган ёки бошқа сабабларга кўра хавотирда бўлган

одам ёлғон гапираётганида суҳбатдошининг нигоҳларига қийинчилик билан дош беради ҳамда нигоҳини (кўзларини) олиб қочишга ҳаракат қилади.

Суҳбатдош кўзларининг бироз қисилиши (торайиши) – одатда ушбу ҳолатдаги шахснинг ишонарли муносабатлар ўрнатишни, «қалбини очишни» истамаётганидан, безовталигидан далолат беради.

Енгил табассум (бунда кўзнинг пастки қовоқлари кўтарилмайди), тадқиқотлардан маълум бўлишича, кўпинча ёлғон гапириш жараёнида кўринади, аммо мулоқотнинг ўзига хос услуби бўлиши ҳам мумкин.

Ёлғон билан кечадиган сохта табассум ички зўриқишни яшириш имконини беради, шунинг учун ҳам доим, айтарли, табиий кўринмайди.

Давомий табассум (лаблар юқори ва пастки тишлардан бироз орқага тортилган, бунда узун чизик ҳосил бўлади, табассумнинг ўзи эса «чуқур» туюлмайди), бу шахс ташқи кўринишидаги ёқимтойлик ёки расмий хушмуомалаликни кўрсатади, аммо мулоқот жараёнидаги самимийлик ва ёрдам беришга тайёрликни англамайди.

Юз мушакларининг микро-зўриқиши. Ёлғон кўрсатув берилаётганида инсон юзидан гўёки «соя югуради». Видеосуратга олиш бунда юз ифодасида секунднинг улуши мобайнида давом этадиган қисқа муддатли зўриқишни қайд этиш имконини беради. Америкалик тадқиқотчи Р.Беннет фикрича, бу ихтиёрсиз реакция – ёлғоннинг жуда ишончли кўрсаткичи ҳисобланади.

Синовчан қараш. Одам ёлғон гапираётганида диққатини шеригининг юзига қаратади, бу билан уни алдашга уриниш қанчалик муваффақиятли чиққанлигини баҳолашга уринади.

Носамимийлик белгилари ҳақида сўз юритганда ёлғон гапириш пайтида суҳбатдошни назорат қилиш кераклигини унутмаслик лозим.

Инсон назоратда ушланадиган **кўрқув, жумладан фош бўлишдан кўрқиш** пайтида, унинг қошлари бироз кўтарилган – гўёки тўғри чизикқа тортилган бўлади. Агар **кўрқув кучлироқ** бўлса, бу белгига кўшимча бошқа аломатлар кўринади: пешонада ётиқ ажинлар пайдо бўлади; кўзлар кенгайган, бунинг устига юқори қовоқ бироз кўтарилган, пасткиси эса таранглашган бўлади; оғиз бироз очилган, бурчақлари эса орқага сурилган, бунинг натижасида лаблар таранглашган ва тўғриланган бўлади. Ушбу таранглик ва лаб-

лардаги тўғриланганлик қанчалик кучли бўлса, қўрқув шунчалик кучли бўлади.

Бироқ **пешона тиришмаган** ҳолда бир ёки иккала қош сал-пал сезиладиган даражада кўтарилиши ҳам мумкин.

Пешонадаги **горизонтал ажинлар** одатда кучли эътиборни билдиради. Бунинг турли сабаблари бўлиши мумкин: даҳшат, қўрқув ёки оддийгина тушунмаслик, ҳайрат, саросима ва кутмаганлик. Бу, албатта, вазиятга боғлиқ.

Пешонадаги **тик чизиклар** одатда кимдир ёки нимадир туфайли келиб чиққан умумий диққат энг юқори нуқтасига етганлигини кўрсатади.

Диққатнинг бир нуқтага қаратилганлиги муқаддам бандлик, бирор ҳолат ёки вазиятга берилганлик (жалб этилиш)ни билдиради.

Хўш, инсон ўзининг тил билан боғлиқ бўлмаган сигналларини қай даражада манипуляция қилиши (ўзгартириши), хис-туйғуларини қандай қилиб сездирмай яшириши мумкин? Бу саволларга тахминан қуйидагича жавоб бериш мумкин. Албатта, ҳар ким ўз тана ҳаракатларига кучли таъсир кўрсатишни ўрганиб олиши мумкин. Бироқ юз мушакларини ва кўзлар ифодасини деярли бошқариб бўлмайди. Кимдир ўз қўлларини назорат қилишни ўрганиб олиб, ташқаридан қараганда мутлақо хотиржам кўриниши мумкин (масалан, у қўл бармоқларини қовуштириб, бу билан улардаги асабий титроқни бостириши мумкин). Шунга қарамай, ички безовталиқ мавжуд бўлса, у барибир унинг юзида кўринади.

Хўш, нима учун **юз мушакларини** бошқариш бунчалик қийин? Чунки юз мушаклари миянинг ҳиссиётларни назорат қилувчи соҳалари билан бевосита боғлиқ. Шунингдек, биз юз мушакларини ишонч билан бошқаришимиз учун етарли даражада тажриба тўплашимиз зарур.

Айнан бошқалар ҳам, биз сингари, ўз мимикасини кам англаганликлари боис уларнинг юз мушаклари ҳаракатидан билинадиган ахборотга ишонсак бўлади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Профайлинг методи деганда нимани тушунаси?
2. Инсон хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатини психологик баҳолашда профайлинг хизматининг тутган ўрни ҳақида айтиб беринг.

3. Мутахассис-профайлерларга қўйиладиган талабларни санаб кўрсатинг.

4. Ёлғон назарияси, унинг келиб чиқиш сабаблари ва шакллари ҳақида тушунча беринг.

9-мавзу. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ФУҚАРОЛАР БИЛАН ПСИХОЛОГИК МУЛОҚОТ ҚИЛИШИ ЮЗАСИДАН МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

1-§. Ҳуқуқбузарликларни умумий, махсус, якка тартибдаги, виктимологик профилактикасининг психологик хусусиятлари ҳақида тушунча

Жамиятда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай кўринишдаги тажовузлардан ҳимоя қилишдек юксак мақсадларга эришиш учун истиқлол йилларида ички ишлар органлари тизимини чуқур ислоҳ қилиш бўйича кенг кўламли, мазмун-моҳиятига кўра улкан ишлар амалга оширилди. Ички ишлар органларини инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, жамоат тартиби ва хавфсизлигини ҳимоя қилишнинг ишончли гаровига айлантириш бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади қилиб белгиланди¹⁰. Шу жумладан, профилактика хизматлари тизимларидаги ислоҳотлар уларнинг фаолиятини тубдан ўзгартириб, бугунги кунда янгича ёндашув асосида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилиши талаб этилмоқда.

Мазкур вазифаларни бажаришда профилактика хизматлари фаолиятини ташкил этишда муҳим ўрин тутувчи милиция таянч пунктларининг ташкил этилганлиги катта имкониятлар яратди. Ҳозир милиция таянч пунктларида профилактика инспекторлари ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ва кенг жамоатчилик билан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва амалга ошириш ҳамда ҳуқуқбузарлик содир этган шахслар билан якка тартибда, профилактик ишларни самарали олиб бормоқдалар.

¹⁰ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7. – Т., 1999. – Б. 403-404.

Милиция таянч пунктларида профилактик ҳисобда турган шахслар билан амалга ошириладиган якка тартибдаги тарбиявий-профилактик ишларни такомиллаштириш ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда юқори кўрсаткичга эришишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг 6-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг қуйидаги тўртта тури кўрсатилган:

- ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси;
- ҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси.

Ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикаси – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи органлар ҳамда муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш фаолиятидир.

Ушбу тавсифдан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органлари, хусусан, профилактика хизматларининг умумий профилактикаси фаолияти – бу профилактик ҳисобга олинган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг вужудга келиши ва содир этилиши сабабларини ҳамда уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича амалдаги қонунларда белгиланган ваколат доирасида амалга оширадиган маънавий-маърифий, тарбиявий-профилактик, ташкилий-ҳуқуқий ва бошқа чора-тадбирлар тизимидир.

Профилактика инспектори ҳуқуқбузарликларнинг умумий профилактикасини оммавий ахборот воситаларида чиқишлар қилиш, жойларда маърузалар ўқиш, давра суҳбати, учрашувлар ташкил этиш, аҳоли гавжум жойларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир плакатлар, эълонлар жойлаштириш, видеороликлар намойиш қилиш, огоҳликка чақирувчи овозли матнни эшиттириш, шунингдек аҳоли гавжум жойларда ҳамда пиёдаларнинг фаол ҳаракатланиш йўналишларида патрулик йўналишларини ташкил этиш, маъмурий ҳудудни профилактик кўздан кечириш каби профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш орқали ташкил этади.

Профилактика хизмати ходимлари умумий профилактика ишларини амалга оширишда муомала қонуниятларидан фойдаланадилар. Профилактик ҳисобда бўлган фуқароларга таъсир этишда про-

филактика инспекторлари қуйидаги жиҳатларга эътибор беришлари лозим:

□ аҳоли, айниқса вояга етмаганлар, шунингдек ота-оналар, бола ўсиб-улғайиши ва таълим-тарбияси учун масъул бўлган шахслар ўртасида ҳуқуқий тарғиботни ташкил этиш ҳудуд, аҳолининг турмуш тарзи, мавзунинг долзарблигига эътибор қаратиш;

□ ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир чора-тадбирлар режаси буюк мутафаккир алломаларимизнинг бой маънавий, ахлоқий, руҳий ҳамда тарбиявий меросига таянган ҳолда ишлаб чиқилиши;

□ миллий маданиятимиз, ҳудуднинг этнопсихологок хусусиятлари инобатга олинishi;

□ профилактик ҳисобда турган шахснинг турмуш тарзи, яқин атрофидагилар билан алоқалари, келажакдаги орзу-ният ва мақсадлари, унинг шахсий фазилатлари, қизиқишлари, ҳаётга бўлган муносабатининг инобатга олинishi;

□ ҳар бир шахснинг индивидуал-психологик хусусияти, ахлоқий қоидалар, шахсияти, унинг қизиқиш ва имкониятлари ҳисобга олинishi.

Профилактика хизматларининг *махсус профилактикаси фаолияти* – бу ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг айрим турдаги ҳуқуқбузарликлар профилактикасига, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти.

Профилактика инспектори криминоген вазият таҳлили натижаларига асосан маъмурий ҳудудда ёки у ерда жойлашган алоҳида объектда айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, уларни содир этувчи шахслар тоифаларининг кўпайиши, шунингдек жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган хавф-хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши кучайганда ушбу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берган шарт-шароитларни бартараф этишга, ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда уларга

профилактик таъсир кўрсатиш мақсадида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини амалга оширади.

Профилактика хизмати ўз ваколати доирасида профилактик ҳисобда турган шахслар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикасини амалга оширишда қуйидаги психологик ўзига хосликни инобатга олиши лозим:

– ҳуқуқбузарликларнинг айрим турдаги (ўғрилиқ, безорилик, талончилик, фирибгарлик, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва ҳоказо) тоифаларининг келиб чиқиши ҳамда уларни ушбу ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундовчи мотивларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш;

– ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси чора-тадбирларини ИИВнинг ва ҳудудий ички ишлар бошқарма ҳамда бўлимларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари асосида «Антитеррор», «Арсенал», «Ижро», «Маст ҳайдовчи», «Паспорт-виза», «Турмуш», «Тозалаш», «Қорадори» ва шу каби бошқа профилактик тадбирларни амалга оширишнинг психологик хусусиятларидан келиб чиқиб ва таъсир этиш воситасини кучайтириш мақсадида турли педагогик ва муомала техникаларидан фойдаланиш;

– фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, маҳалла, оила ва хизмат жамоалари орасида соғлом психологик муносабатни шакллантириш, низоли ҳолатлар ва миш-миш гаплар тарқалмаслигининг олдини олиш;

– фуқаролар ўртасида содир этилаётган айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг салбий оқибатлари ҳақида жамоатчиликка етказиш ҳамда уларни огоҳлантириш мақсадида тарғибот ишларини ташкиллаштириш, улар томонидан тарбияга катта эътибор бериш зарурлиги ҳақида таъсирчан руҳда улар билан психологик суҳбатлар ўтказиш;

– профилактик ҳисобда бўлган шахсларда Ватанга муҳаббат руҳини сингдириш, инсонпарварлик ва меҳрибонлик, катталарга ҳурмат, бурчга садоқат, иш ва ўқишга масъулият билан ёндашиш, адолатпарварлик ғояларига риоя қилиш ҳамда бошқа ахлоқий фазилатларни шакллантиришга қаратилган махсус профилактик ишларни амалга ошириш ва бошқалар.

Ҳуқуқбузарликларнинг *якка тартибдаги профилактикаси* – шахсларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар

содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий, педагогик ва психологик таъсир кўрсатиш доирасида амалга ошириладиган маънавий-маърифий, ахлоқий-профилактик фаолият.

Профилактика инспекторлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси маъмурий ҳудудда ғайри-ижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган ва ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг ҳисобини юритиш, тарбиявий таъсир кўрсатиш орқали уларни ахлоқан тузатиш, уларда ижтимоий ҳаётга мос хулқ-атвор ва турмуш тарзини шакллантириш, уларни огоҳликка, ҳушёрликка чақириш ҳамда хавфсизликни таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси чоратадбирлари қуйидагилардан иборат:

- профилактик суҳбат;
- расмий огоҳлантириш;
- ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш;
- ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш;
- профилактик ҳисобга олиш;
- мажбурий даволанишга юбориш;
- маъмурий назорат.

Ижтимоий жиҳатдан хавфли, хулқида турли оғишлар бўлган ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахслар билан якка тартибдаги профилактик ишларни ташкил этишда ижтимоий-психологик омилларни ҳисобга олиши зарур. Булар:

- шахснинг ақлий-руҳий ривожланиш даражасини инобатга олиш;
- шахснинг оилавий шарт-шароити, ота-онаси, ака-ука ва опа-сингиллари билан муносабати, оиладаги психологик муҳитнинг ҳолатини ўрганиш;
- оила, хизмат жойи ва таълим муассасаларида шахснинг руҳиятига таъсир этувчи тенгдошлар, орттирилган дўстларининг таъсир доирасини таҳлил қилган ҳолда уларни инобатга олиш орқали амалга ошириш;
- ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахслар билан

профилактик суҳбат ўтказишда ҳуқуқбузарликнинг юзага келиш сабаблари, унинг психологик омилларини ҳисобга олиш;

□ меҳнат жамоаси, таълим муассасалари, маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда шахснинг ҳаёт йўли ва унинг психологиясини инобатга олган ҳолда тарбиявий аҳамиятга молик суҳбатлар ташкил этиш ва бошқалар.

Профилактика инспектори ўз фаолиятида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахслар билан якка тартибдаги профилактика-сига доир чора-тадбирларни қуйидаги психологик ва педагогик билимларни эътиборга олган ҳолда амалга ошириши тавсия этилади:

□ ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахслар билан якка тартибда профилактик чора-тадбирлар жараёнида профилактик суҳбат, профилактик ҳисобга олиш, расмий огоҳлантириш, уларни фойдали ҳамда тарбиявий аҳамиятга эга фаолиятга жалб этиш, касбга ўргатиш, ўқишга, ишга жойлаштириш каби чораларни қўллашда шахснинг шахсий-психологик ҳамда имкониятларини, ўзига хос психологик фазилатларини инобатга олиш;

□ ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахслар билан профилактик ишларни амалга ошириш жараёнида уларнинг психологияси, яъни ёшга оид хусусиятларини, характер ва темпераментини, шахсий фазилатини, интеллектуал даражасини, жисмоний ва руҳий соғломлиги, оилавий шароити, маънавий қадриятларининг шаклланиш даражасининг инобатга олиши;

□ шахсни ўраб турган микромуҳитни унинг руҳиятига салбий таъсирини бартараф этишда психологик омилларни ҳисобга олиш;

□ ҳуқуқбузар шахслар билан якка тартибдаги профилактик ишларни (асосан профилактик суҳбат мобайнида) уни ҳуқуқий, маънавий, ахлоқий, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва унинг руҳиятида ижобий ҳис-туйғу ҳамда муносабатларни шакллантиришга қаратилган чора-тадбирлар орқали амалга оширилади.

Шу билан бирга, профилактика инспектори ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахслар билан якка тартибда профилактик суҳбатни амалга ошириш жараёнида уларнинг психологик ўзига хослигини, яъни кўнгли нозиклиги, арзимаган нарсага хафа бўлаве-

риши, жиззакилиги, кўрқув ва ташвишга берилувчанлиги, тезда ғазабланиши, қасоскорлиги, тажовузкорлиги, тақлидга мойиллиги ва бошқа хусусиятларини ҳам ҳисобга олиши даркор.

Профилактика инспектори профилактик ҳисобга олинган шахслар билан суҳбатлашишда унинг ташқи қиёфаси, умумий жисмоний баркамоллигига, қийинишидаги ўзига хосликка, бошқалар билан муомаласига, қандай вазиятларда саволларга жавоб беришдан бош тортишига, нутқи, фикр юритиши, диққати ва хотирасига, ҳаётда, мамлакатимизда рўй бераётган сиёсий-ижтимоий жараёнларга нисбатан муносабатининг ҳолатига эътибор бериши керак.

Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ишлаш жараёнида уларда ишонч ҳиссини уйғотиш ҳар бир профилактика инспекторидан катта масъулият талаб этади. Шу сабабли, суҳбатни расмий оҳангда эмас, балки дўстона муносабатлар орқали бошлаш ҳамда суҳбатнинг асосий мазмунига бирдан берилмаслик тавсия этилади. Суҳбат мобайнида ишонч ҳиссини уйғотиш профилактика инспекторининг самимий муносабати орқали бошланади, шахснинг берган саволларига оддий ҳаракат ва сўзлар ёрдамида муносабат билдириш унда яхши таассурот қолдиради.

Профилактика инспектори суҳбат мобайнида шахснинг бирор-бир яқин қариндошларини ёки маҳалла фаолларини ҳам таклиф этса, унинг тарбиявий аҳамияти янада кўпроқ бўлади. Бундай ҳолатда профилактика инспектори кўпроқ маслаҳатчи вазифасини бажаради, яъни жамиятда қабул қилинган ахлоқий нормаларга зид бўлган ҳаракатларни амалга ошираётганини ҳаётий мисоллар билан тушунтириб, изоҳлаб беради.

Якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларга оид профилактик суҳбат, расмий огоҳлантириш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш каби фаолиятни амалга оширишда, асосан *ишонтириш* усулидан самарали фойдаланилади.

Якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларни амалга оширишда профилактик суҳбат, ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш каби фаолиятни амалга оширишда асосан *рағбатлантириш* усулидан самарали фойдаланилади.

Якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларнинг мажбурий даволанишга юбориш ва маъмурий назорат каби турларини амалга

оширишда асосан *мажбурлаш* усулидан самарали фойдаланилади.

Умуман, якка тартибдаги профилактик таъсир этиш усуллари-нинг психологик тавсифи қуйидагича:

Ишонтириш – ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсларга тарбиявий таъсир ўтказишнинг асосий методларидан бири бўлиб, тарбиялаш-ишонтиришдир. Ишонтириш иш ва сўз орқали амалга оширилади. Ишонтириш усули соф тарбиявий хусусиятга эга бўлиб, улар профилактик иш олиб борилаётган шахснинг ҳуқуқларини асло чекламайди. Жиноятларнинг якка тартибдаги профилактикасида қўлланиладиган одатдаги ишонтириш чораларига суҳбатлар, жамоат ташкилотлари ва меҳнат жамоаларидаги муҳокамалар, жамоат тарбиячилари, маҳалла фаоллари томонидан амалга ошириладиган турли хил таъсир чоралари киради.

Рағбатлантириш – профилактик таъсирнинг муҳим методларидан бўлиб, шахснинг ижобий қарашлари, хизматларини такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилади. Рағбатлантириш моддий-маънавий бўлиши мумкин. Рағбатлантиришдан кўзланган асосий мақсад профилактик иш олиб борилаётган шахснинг ижтимоий муҳит билан муносабатини тўғри йўлга қўйиш ва жиноий ниятларидан қайтаришдан иборат.

Мажбурлаш – ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсларга тарбиявий таъсирнинг ёрдамчи, истисно тариқасидаги усулидир. У фақат бошқа усуллар самара бермаган тақдирда қўлланилади.

Умуман олганда, шахс ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атворини ёки содир этган ҳуқуқбузарлигининг моҳиятини англаб етса ва пушаймон бўлса, профилактика инспектори профилактик суҳбат билан чегараланади. Аксинча, шахс ўзининг ғайриижтимоий хулқ-атворини ёки ҳуқуқбузарлик содир этишининг моҳиятини англаб етмаса ва пушаймон бўлмаса, шунингдек профилактика инспектори аниқланган ғайриижтимоий хулқ-атворни давом эттиришга йўл қўйиб бўлмайди деб топса, у ҳолда шахсга нисбатан расмий огоҳлантиришни қўллайди.

Виктимологик профилактика – ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг ҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўл-

лашга доир фаолиятидир¹¹.

Хуқуқбузарликларнинг умумий тартибдаги виктимологик профилактикаси профилактика инспектори томонидан маъмурий ҳудудда кўп содир этилаётганлиги ёки ижтимоий хавфи ошиб бораётган хуқуқбузарликлар ёхуд маълум бир тоифадаги шахсларнинг жабрланиш кўрсаткичининг тобора ошаётганлиги билан криминоген вазият барқарорлигига таҳдидлар кучайган ҳолларда, маълум бир турдаги хуқуқбузарлик ҳамда жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган маълум бир тоифадаги шахслар хусусиятидан келиб чиқиб, тарғибот-ташвиқот ёки бошқа турдаги профилактик чора-тадбирлар асосида фуқароларни огоҳликка, ҳушёрликка ва хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя этишга чорлаш ва бунга эришиш мақсадида амалга оширилади.

Профилактика инспектори томонидан шахсларга хуқуқбузарликлардан жабрланиш эҳтимолини камайтириш мақсадида:

□ хуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга нисбатан шахснинг индивидуал ва ижтимоий-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда профилактик тадбирлар, суҳбатлар ўтказиш;

□ шахсга жабрланиш хавфини туғдираётган омиллар ва хуқуқбузарликлар ҳақида маълумотлар бериш, бу борада уларни огоҳликка ва ҳушёрликка чақариш ҳамда хавфсизлик қоидаларига риоя этишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Профилактика инспектори хуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга кўмаклашувчи ихтисослаштирилган муассасалар билан ҳамкорликда уларга ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, тиббий, педагогик ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатади, чунончи:

□ шахсларни, айниқса ёшларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

□ шахслар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, уларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни тавсия этиш, спортнинг оммавий ва миллий турларини ривожлантиришга қаратилган ишларни ташкил этиш;

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг «Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонуни 43-моддаси // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2014. – №20. – 221-м.

□ ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсларда ғайри-ижтимоий хатти-ҳаракатларнинг юзага келиши, «оммавий маданият»-нинг салбий таъсирларининг олдини олиш ҳамда бунга имкон туғдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш.

Профилактика инспектори ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахслар билан мулоқот жараёнида психологик алоқа ўрнатади.

Психологик алоқа – мулоқотдагиларнинг, яъни профилактика инспектори ва ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсларнинг бир-бири билан муносабат ўрнатиш, ривожлантириш ва қўллаш демакдир.

Ушбу алоқа 3 босқичда ривожланиши мумкин:

- 1) ўзаро баҳолаш;
- 2) ўзаро қизиқиш;
- 3) «иккилик», «учликлар»га бўлиниш.

Профилактика инспектори профилактик ҳисобга олинган шахслар билан психологик алоқа ўрнатиш ва ривожлантириш жараёнида психологик тўсиқлар (барьер)га дуч келади. Бу психологик тўсиқлар бефарқлик, ишонмаслик, нафрат, характерининг бир-бирига мос келмаслиги натижасида келиб чиқади. Демак, шахснинг муомаласида психологик тўсиқларнинг бор ёки йўқлиги одамларнинг шахсий хусусиятларига боғлиқ.

Профилактик фаолиятда мулоқот жараёни қандай мазмун-моҳиятга эга?

Аввало, ўзга инсон билан илк бор танишишда қўлланиладиган керакли сўзларни танлаб олиш катта аҳамиятга эга. Юридик фаолиятда шахсларни тўғридан-тўғри мулоқотга чақириш психологик ноқулайлик ҳолатини келтириб чиқаради ва биринчи таассурот эффектини сусайтиришга ва унинг салбий бўлишига олиб келади.

Демак, профилактика инспекторининг танишиш учун ишлатиладиган биринчи сўзлари қанчалик табиий ва тушунарли бўлса, мулоқот шунчалик тез ўрнатилади ва осон ривожланади. Бунинг учун профилактика инспектори соф, бетакрор, сезгир бўлиши лозим. Қизиқтираётган шахс билан психологик алоқа ўрнатишда энг биринчи навбатда профилактика инспектори ўзи ҳақида ижобий таассурот қолдириши лозим. Бунда:

- 1) унинг ташқи қиёфаси;
- 2) экспрессив реакциялари (мимика, ҳаракатлар, юриш-туриш ва ҳ.к.);

3) овоз оҳанги, нутқи юқори даражада бўлиши лозим.

Профилактика инспектори ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахс билан мулоқот қилиш жараёнида қизиқтираётган шахснинг нафақат ташқи қиёфаси, балки унинг субъектив дунёси, режалари, қилмишларини тушунишга ҳаракат қилиши лозим. Шу боис, биринчи таассуротнинг юзага келишида уч босқичда иш олиб бориш керак бўлади, яъни:

1) ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахснинг ташқи хусусиятлари (жинси, бўйи, мимикаси, кийими, юриш-туриши, аҳамиятли жиҳатлари ва ҳ.к.)ни аниқлаш;

2) ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахснинг эмоционал ва хулқий ҳамда умумий психик ҳолатларини белгилаш;

3) мақсадга мувофиқ фикр юритиш ва эмоционал таассуротлар остида ҳамкор образини тузиш (ижтимоий-ролли ва индивидуал-шахсий томонларини назарда тутган ҳолда) ва ҳоказо.

Амалиётда инсонларнинг психик фаолиятидаги қонуниятларга асосланган ҳолда улардан керакли бўлган маълумотларни олиш турли хил усуллар орқали амалга оширилади (масалан, онгга таъсир ўтказиш ва онг остидаги доирага таъсир ўтказишнинг махсус усуллари орқали).

2-§. Шахсга баҳо беришда формал ва ноформал усуллардан фойдаланиш

Профилактика инспектори фаолиятида керакли бўлган маълумотларни ўрганиш давомида кўпроқ онг остида намоён бўлувчи психик жиҳатларга таъсир ўтказилади.

Қизиқтираётган шахсга баҳо беришда формал ва ноформал усуллардан фойдаланиш ҳам мумкин.

Формал усулларга мақсадга йўналтирилган кузатув ва суҳбат, ҳужжатларни таҳлил қилиш, таржимаи ҳолни ўрганиш, турли анкета маълумотларини қўллаш каби усуллар киради (онг даражасида).

Ноформал усулларга турли интуитив имкониятлар ёрдамида кўлга киритилган маълумотлар киради (онг ости даражасида).

Хуқуқбузарлик содир этишига мойил бўлган, хуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсларнинг шахсий ва ижтимоий-психологик омиллари.

Қизиқтираётган шахсни ўрганиш давомида куйидаги махсус схемадан фойдаланилади.

1) *умумий маълумотлар*: туғилган вақти ва жойи, миллати, маълумоти, мутахассислиги, иш жойи, мансаби, оилавий шароити, турар жойи, сиёсий партияларга алоқадорлиги ва ҳ.к.

2) *ташқи белгилари*:

- юзи (қисқача оғзаки портрети, юз тузилиши);
- бўйи (паст, ўрта, баланд, бўйидаги камчиликлар);
- оғирлиги ва баданининг тузилиши (орик, ориқроқ, тўла, ўрта тўла ва ҳоказо);
- ташқи қиёфаси, қийиниши (тоза ёки тоза эмаслиги, дид билан, модага риоя қилган ёки қилмаганлиги ва ҳ.к.);
- хатти-ҳаракатлари (яхши, ёмон таассурот қолдиради);
- овози (ёқимли, ёқимсиз, баланд, димоғли ва ҳ.к.);

3) *ҳаётий йўли*:

- ота-онаси (туғилган жойи ва вақти, миллати, турар жойи ва ҳ.к.);
- ёшлик дамлари (оиладаги ҳаёти, оиладан ташқари ҳаёти, нечанчи фарзанд эканлиги, ака-сингиллари, уларнинг муносабатлари, ҳаётидаги воқеаларнинг таъсири ва ҳ.к.);

- мактаб (мактабнинг йўналиши, қайси мактабни тугатган, яхши кўрган фанлари, тенгдошлари билан муносабати, мактабда интизомни бузганлиги ёки бузмаганлиги, ютуқлари, ўқиш фаолиятидаги баҳолари ва ҳ.к.);

- ўқув юртлар (киришнинг сабаби, ютуқлари, олган билим, кўникма, малакалари, 16-19 ёшдаги кўзга кўринган воқеалари);

- меҳнат фаолияти ва ҳарбий хизмати (меҳнат ва ҳарбий хизматнинг характери, уларга муносабати, меҳнат фаолиятининг шахсга бўлган таъсири);

- оилавий ҳаёти (болалари, ким билан турмушда).

4) *ҳаётий тармоқлари*:

- оиласи (эри, хотини, ота-она ва болаларига муносабати);

- касби ва мутахассислиги;

- сиёсий ва жамиятдаги фаоллиги;

- бўш вақтини ўтказиши;

- соғлиғи;

5) *хулқи:*

- доимий кайфияти (меъёрида, кўтаринки, ёмон, қийинчиликларга муносабати, ўзини йўқотиб қўйиши ёки йўқотиб қўймаслиги, бефарқ бўлиши);

- ҳиссиётларидаги ўзгаришлари (тез, ўрта, осон жаҳли чиқиши, арзимас нарсаларга кайфиятининг бузилиши);

- иродасининг кўриниши (мустақил, мустақил эмас, интизомли, қатъий, кўркмас ва ҳ.к.);

- мураккаб вазиятлардаги хулқи (тинчликни сақлайди, ўзини йўқотиб қўйиши, нутқи ва ҳаракатларининг мантикийлиги ёки бундай эмаслиги);

- ичиб олган ҳолатидаги хулқи (тинч, агрессив, назоратни йўқотиши, сергап, ҳоли қолишни исташи ва ҳоказо);

- ахлоқий хулқи (ахлоқ нормаларига риоя қилиши, аёллар билан муносабати, ростгўйлиги, мураккаб вазиятларда жасурлик кўрсатиши ва ҳоказо);

б) *темперамент ва характери:*

Темпераменти:

- муомала қила олиши (суҳбатдош, суҳбатдош эмас, камгап, уятчан, қатъиятли, қатъиятсиз, сардор бўлишга мойил ва ҳ.к.);

- эмоционал (босиқ, қизиққон, вазмин, хафақон, ўзини тута олади – тута олмайди, тушкун ёки кўтаринкилик).

Характери:

- характерининг жиҳатлари: одамлар билан муносабатда бўлганда хушмуомалали, талабчан, синчков, виждонли, ўзи ва ўзгаларга бўлган муносабати ва ҳ.к;

- характеридаги камтарлик жиҳатининг устунликлари (биринчи, икинчи, кескин кўринишлари);

- характеридаги агрессивлик, тажовузкорлик, манманлик ва кибрга берилганлиги, ўзига юқори баҳо бериши, пессимистик қарашлар, стрессга тез тушувчи ва ҳоказо).

7) *хулқининг мотивацияси:*

- эҳтиёжларининг устуворлиги (физиологик ўзини ўзи сақлаб қолиш, ижтимоий гуруҳда муносиб бўлиши, ўзининг шахсига ҳурматда бўлиши ва ўзини кўрсата олиши).

Қадриятлар:

а) шахсий қадриятлар (юксалиш, ўзгаларга ёрдам бериш, аниқ фаолият ва эҳтиёжларини қондириш йўналишлари);

б) ижтимоий қадриятлар (жамият қабул қилган норма, анъаналарга бўлган йўналишлари, ҳуқуқий тартибни ҳурмат қилиши);

в) моддий қадриятлар (пул, буюм, мулк каби тушунчаларга муносабати);

г) сиёсий қадриятлар (демократияга, сиёсий партиялар, давлатнинг сиёсий ҳаётига бўлган муносабати, шахсий, илмий қарашлари);

д) ғоявий қадриятлар (дунёқараши, диний қарашлари), кизиқишлари, идеаллари.

8) *ижтимоий мослашуви:*

- ижтимоий атроф-муҳитга муносабати (таниш одамлар ва дўстлари билан муносабатлари, ўзгалар томонидан унинг тан олинishi, қариндош-уруғлари билан алоқалари);

- ижтимоий вазиятни қабул қилиши (аниқ шароитдан келиб чиқиши, мантиқли ёки мантиқсиз ҳаракатлари, вазиятга тез мослашуви);

- ўзини ўзи баҳолаши.

9) *қобилиятлари:*

- умумий қобилиятлари (нутқ тезлиги-сёкинлиги, тез эслаб қолиши, тасаввурининг бойлиги, хулосаларининг кенглиги);

- махсус қобилиятлар (ташкilotчилик, педагогик қобилияти, танишиш, яқинлашиш, одамларга таъсир ўтказиш ва уларни тушуниш қобилияти).

Ушбу «схема» орқали мулоқот жараёнида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахс тўғрисида маълумот йиғилади ва унга баҳо бериш амалга оширилади. Мулоқот жараёнида турли усуллар (масалан: таржимаи ҳол усули, тест синовлари, ёзув, хатларни таҳлил қилиш ва ҳ.к.) дан фойдаланиш мумкин.

Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсларнинг ҳуқуқбузарлик сабабларини ўрганишда уларнинг индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида ёндашиш талаб этилди.

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахслар билан амалга оширадиган профилактика суҳбати қуйидаги ташкилий босқичларни ўз ичига олади:

□ профилактика суҳбатини амалга оширишга тайёргарлик кўриш;

- тўғридан-тўғри профилактик суҳбат ўтказиш;
- ўтказилган профилактика суҳбати натижаларини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Профилактика инспектори профилактик суҳбатни амалга оширишга тайёргарлик кўриш босқичида қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

- методик жиҳатдан таъминланганлик;
- техник жиҳатдан таъминланганлик;
- психологик тайёргарлик;
- педагогик тайёргарлик;
- тадбир ўтказиладиган жойдаги шароит;
- объектнинг индивидуал хусусиятларини ўрганиш;
- шароит ва объектга хос хусусиятларни эътиборга олиб, профилактик таъсир этиш усул ва шаклларини ишлаб чиқиш ҳамда асосий жиҳатларини белгилаб олиш.

Профилактика инспектори тўғридан-тўғри профилактик суҳбатни ўтказиш босқичида қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

- якка тартибдаги профилактик таъсир этишнинг усул ва шакллари объектга нисбатан қандай таъсир этаётганлиги бўйича мунтазам назорат олиб бориши;
- объектни якка тартибдаги профилактик тадбирлар унинг манфаатлари йўлида олиб борилаётганлигига ишонтириш, акс ҳолда имкон қадар профилактик таъсирнинг усул ва шаклларини ўзгартириши;
- суҳбат жараёнида объектнинг қизиқишлари, муаммолари ҳамда эҳтиёжларини ўрганиши;
- объектни қизиқтирган саволларига жавоб бериш, шунингдек мавжуд муаммоларини бартараф этиш ҳамда эҳтиёжларини қондириш юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар бериши.

Профилактика инспектори ўтказган профилактик суҳбат натижаларинини таҳлил қилиш ва баҳолашда қуйидагиларга эътибор қаратиши лозим:

- ўтказилган профилактик суҳбат ўз мақсадига эришдими, агарда эришмаган бўлса унда яна қандай профилактик таъсир чора-тадбирларни ўтказишни белгилаш лозим;
- профилактик суҳбатни ташкиллаштириш жараёнида йўл қўйилган камчилик ва хатоликларни аниқлаб, келгусида унга йўл қўймаслик бўйича хулосалар қилиши;

– ўтказилган профилактик суҳбат етарлими, агар етарли бўл-маса яна қандай қўшимча профилактик суҳбат ўтказиш лозим.

Профилактика инспекторининг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахслар билан ўтказиладиган профилактик суҳба-ти ушбу тоифадаги шахсларнинг турмуш тарзи ҳамда хулқ-атвори-ни кузатиш, улар томонидан ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш нисбатан келгусида бошқа ғайриижтимоий ҳаракат ёки ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олишга қаратилган.

Профилактика инспектори ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахс билан профилактик суҳбатини психологик билим-ларига таянган ҳолда қуйидаги босқичларда амалга оширади:

Биринчи босқич – суҳбатдош билан эмоционал алоқа ва муно-сабат ўрнатиш.

Ушбу босқичнинг асосий вазифаси – шахснинг эмоционал «қабул қилинганлигига», уни тушунишга тайёр эканлигига ишонти-риш. Буни нафақат сўз билан, балки унинг эмоционал таранглик даражасини камайтириб, новербал эмпатия билан ҳам ифодалаш керак. Шунда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбу-зарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахс ўз вазияти, ижтимоий-моддий, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатлари, шунингдек бошидан ўтказаётган кечинмаларини очик-ойдин гапи-риш имконига эга бўлади. Эмоционал қабул қилиниш, тушунишга тайёрлик ғайриижтимоий хулқ-атворни, ҳуқуқбузарлик содир эти-лишини пасайтиради.

Дастлабки босқичда фойдаланувчи **психологик усуллар** алоқа ва коммуникацияни ўрнатишга ёрдам берувчи усуллардир. Улар бир нечта турдан иборат.

«Мазмунини такрорлаш». Ушбу усул билан уни диққат билан тинглаётганлиги ва тушунаётганлиги хабар қилинади.

«Эмоцияларни акс эттириш». Бирор эмоционал компонент, фактни ажратиш ва уни суҳбатдошга етказиш. Бу усул эмоцияларни анчагина ёрқинроқ, очикроқ ифодалашни рағбатлантиради ва про-филактик ҳисобга олинган шахсни ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳуқуқ-бузарлик содир этмасликка тавсия этади.

«Вазиятни номлаш». Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга

олинган шахс билдирган ўй-фикрларидан уларнинг асосий маъносини ажратиб олиши керак.

«Воқеа-ҳодисалар кетма-кетлигини аниқлаш». Унга хабар қилинган фактларни сабаб-оқибат боғланишлари ёки даврий-вақт кетма-кетлигида такрорлаш лозим.

«Ишланма». Мавзуда чуқурлашиш. Сиз муаммони тушуниб олганингиздан сўнг суҳбатни энг муҳим деб ҳисобланган масалани муҳокама этишга йўналтирасиз. Ишланма жуда зийраклик билан, одоб доирасида амалга оширилиши лозим ва уни тергов қилишга айлантириб юбормаслик керак! Агар муаммо ҳақиқатан ҳам шахс учун жуда муҳим бўлса, у бунга у ёки бу шаклда яна қайтади.

«Вербаллаштириш». Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахс назарда тутаётганларни айтиш. Бу усул интерпретацияга яқинлашади. Вербаллаштиришнинг мазмуни фақат ходимнинг ўзи назарда тутган ҳолатлардагина ҳисобланиши керак.

«Эмоциялар манбаини излаш». Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсга ўзининг эмоционал ҳолати ҳақида ўйлаб кўриш ва унинг бевосита сабабларини аниқлаш таклиф этилади. Ушбу усул профилактик ҳисобга олинган шахсга унинг хатти-ҳаракатлари билан бошқа одамлар хатти-ҳаракатлари ва унда юзага келувчи эмоциялар ўртасидаги ўзаро алоқаларни англашга ёрдам беради.

Иккинчи босқич – ҳуқуқбузарлик содир этишга олиб келган воқеа-ҳодисалар кетма-кетлигини аниқлаш, уларни бартараф этишга кўмаклашиш.

Авваламбор, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсни ва ҳуқуқбузарлик содир этиш вазиятга жалб этилган бошқа шахсларни ижтимоий-демографик тавсифлари, уларнинг микроижтимоий гуруҳда эгаллаган ўрни аниқланади. Профилактик ҳисобдаги шахснинг ўзи ҳамда маълумоти, оилавий мақоми ҳақидаги ҳикоялари унинг онгида маълум бир гуруҳга тегишли эканлиги борасидаги тасаввурларини фаоллаштириб, бузилган шахсий идентификациясини енгиб ўтишга ёрдам беради.

Кейин эса жорий қалтис вазият, юзага келган воқеа-ҳодисалар кетма-кетлиги аниқланади. Бунда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга

олинган шахс ҳикоясида ўзига хос алоҳида эътиборни ҳуқуқбузарлик содир этишининг ҳуқуқий ва психологик оқибатларини тушунтиришга қаратади.

Кўп ҳолларда профилактик ҳисобга олинган шахснинг ҳуқуқбузарлик содир этиши унинг шахсий камчилиги, нуқсони ва йўл қўйган хато хатти-ҳаракатлари туфайлигина содир бўлганидек туюлади. Бу ерда худди шундай вазиятлар бошқа одамлар ҳаётида ҳам содир бўлиши мумкинлигини одоб доирасида зийраклик билан таъкидлаш зарур ва бундай вазиятлардан чиқиб кетиш чораларини руҳий таъсир этиш орқали тушунтириш керак.

Шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахснинг оила аъзоларининг унга нисбатан муносабатларини ҳам аниқлаш муҳимдир.

Суҳбат тўғри олиб борилганида ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахс ўз ҳаётини муваффақиятлари ва ютуқлари, енгиб ўтган қийинчиликлари ҳақида эслайди, ўзини шахс сифатида яхшироқ англайди (муваффақият ва ютуқлар терапияси).

Суҳбат олиб борувчи профилактика инспектори (психолог, раҳбар) ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахс бошидан кечираётган психологик жараёнларни аниқ билиши керак. Бу суҳбатлашилаётган шахснинг муаммоси қанчалик мураккаб ва қийин бўлмасин, уни тушуниш ҳақида тасаввур ҳосил қилади. Натижада ғайриижтимоий ҳаракат содир этишга бўлган уриниш қисман бўлса ҳам камаёди.

Юқорида айтилганларга хулоса қилиб, суҳбатнинг иккинчи босқичи мобайнида профилактика инспектори томонидан алоқа ва коммуникацияни қўллаб-қувватловчи ва чуқурлаштирувчи усуллар қўлланилиши лозимлигини айтиш мумкин. Улар:

- «вазиятни тизимлаштириш»;
- «вазиятнинг фақат унгагина хослигини енгиш»;
- «муваффақиятлари билан қўллаб-қувватлаш»;
- «контекстга киритиш»;
- «жескинликни бартараф этиш»;
- «муваффақият ва ютуқлар терапияси» ва ҳоказо.

Учинчи босқич – ҳуқуқбузарлик ва жамиятга зид хатти-ҳа-

ракатни содир этишга олиб келувчи вазиятни бартараф этиш борасида ҳамкорликдаги фаолият. Профилактика инспекторлари шахс учун яна нима позитив аҳамиятли бўлиб қолаётганлигини аниқлашга ҳаракат қилади. Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахс яна нимани қадрлайди? Ҳаётдаги муаммолари ҳақида сўз борганда эмоционал жонланиш белгиларини аниқлаб олади. Шунда профилактика инспекторида шахсга авваллари ҳуқуқбузарлик ва жамиятга зид бўлган хатти-ҳаракатни содир этишга олиб келувчи вазиятларни бартараф қилишга ёрдам берган усулни топиш, инобатга олиш, имкониятлари мавжуд бўлади. Улар фойдали ва ҳозирги муаммонинг ечими бўлиши мумкин.

Аввало, вазиятни интеллектуал назоратга олишга асосланган ҳолда, шахсни ҳуқуқбузарлик содир этишга ундовчи сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишнинг энг мос ва қулай ечимини англаб етишига эришиш зарур.

Шундан кейин муаммо анча майда потенциал ечимли вазифаларга бўлиб ташланади. Муаммони ҳал этиш учун бир нечта бирламчи ечимлар илгари сурилади. Бундай ечимлар профилактика инспектори томонидан (раҳбар ёки психолог) умумий, яқунланмаган кўринишда таклиф этилади. Уларнинг яқунланмаганлиги ҳуқуқбузар шахснинг шахсий фаоллигини оширади.

Бирламчи ечимлар таҳлили натижасида ғайриижтимоий хатти-ҳаракат ёки ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи омилларни енгиб ўтишга йўналтирилган хулқ-атворнинг конструктив режаси ишлаб чиқилади. Хулқ-атворнинг адекват усулларини психолог билан ҳамкорликда қўллаш ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсга ўз кучига ишонч, пасайиб кетган ўз-ўзини баҳолашнинг тикланиши, ўз хулқ-атвори учун масъулиятининг ошишига ёрдам беради. Қуйидагилар учинчи босқичнинг етакчи усуллари бўлиб хизмат қилади:

1) *«интерпретация»* – ҳуқуқбузарликни келтириб чиқарувчи вазиятнинг ҳуқуқбузар шахс томонидан инобатга олинмаган маълум бир томони мавжудлиги ва худди шундай вазиятни ечиш мумкин бўлган усулларни кўрсатувчи фаразни илгари суриш.

2) *«режаслаштириш»* – бўлажак фаолият режаларини сўзда ифодалашга ундаш. У асосан, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил

бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсга унинг учун нохуш вазиятлардан қутулишда нима қилиш мумкинлигини ўйлаб кўриш таклифи кўринишида ифодаланиши мумкин. Режалаштириш нафақат ечилиши талаб этилувчи муаммоларни, балки шахснинг шахсий хулқ-атворлари элементларини ҳам ўз ичига олади. Агар режалаштириш маъмурий назорат остидаги шахс томонидан амалга оширилса, бунда асосий роль психологда бўлган ҳолатлардан фарқли равишда, режалаштирилаётган саъй-ҳаракатлар амалга ошишининг эҳтимоллиги юқори бўлади.

3) «паузани ушлаб туриш» – мутахассиснинг мақсадга йўналтирилган ҳолда сукут сақлаши бўлиб, у ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсга ишлаб чиқилаётган режани гапириб бериш имкониятини бериш мақсадини кўзда тўтади. Сукут сақлаш ходимга психолог унинг сўзларини кутаётганлигини аёнлаштириши керак.

4) «яқунловчи босқич» – саъй-ҳаракатлар режаси иложи борича аниқ, равшан, кетма-кет, қисқа ва лўнда бўлиши лозим. Бу босқичда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсга бир неча маротаба гапириш, ўз кучи ва имкониятларига ишонишни сингдириш, авваллари ҳам ҳуқуқбузарлиги учун жавбгарликка тортилганлиги оқибатларини эслатиб, худди шундай вазиятга тушиб қолишининг олдини олишнинг ечимини топиш учун шахсни юқори даражада иродали ва мақсадга интилувчан бўлишга чақириш.

Ушбу босқичнинг етакчи усуллари:

- мантиқий аргументлаш;
- ишонтириш;
- огоҳлантириш;
- ишончни рационал сингдириш ҳисобланади.

Суҳбат якунида саъй-ҳаракат режаси яна бир бор такрорланади ва такрорий учрашув таклиф этилади (аниқ санаси кўрсатилади).

Суҳбат жараёнида сèкин-асталик билан эмпатик тинглаш позициясидан вазиятни билишни ўзлаштириш, эгаллаш ва амалий ечишда иштирокчи позициясига ўтилади. Бу унинг вербал фаоллигининг ўзгаришида ифодаланади. *Биринчи босқичда* психолог ёки раҳбарнинг (суҳбат ўтказувчининг) вербал фаоллиги ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахс ҳолатига боғлиқ бўлади. *Иккинчи босқич-*

да фаоллик минимал даражада ортиб боради. *Сўнгги босқичда* суҳбат олиб борувчининг фаоллиги максимал даражага етади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, профилактик суҳбат давомийлиги 1,5 соатдан 2 соатгача бўлади.

Иккинчи суҳбат одатда 2-3 кундан сўнг бошланиб, унинг мақсади вазиятни ақлан идрок этиш, англашдан иборат бўлади.

Ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахслар билан профилактик ишларни олиб боришда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш керак:

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинганлар шахсини ҳар томонлама ва синчиклаб ўрганиш (шахснинг ижобий сифатларини аниқлаш мақсадида);

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахслар ўзларини яхши тутишлари учун махсус ва педагогик вазиятларни ташкил этган ҳолда таъсир этишни амалга ошириш;

маънавий-моддий рағбатлантириш усулидан фойдаланиш;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсларни тўғри йўлга солиш усулларини танлаш;

ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахсларни меҳнат фаолиятига жалб этиш орқали тўғри ҳаётга йўналтириш.

Шу билан бирга, профилактика инспекторлари айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда, улар билан профилактик ишларни амалга оширишда ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахснинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиши лозим. Масалан, профилактика инспектори якка тартибдаги профилактика ишларини олиб боришда гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчи шахслар билан уларнинг қуйидаги белгиларини билишлари керак:

Физиологик белгилари:

терининг оқариши;

кўз қорачиғининг торайиши ёки кенгайиши, кўзнинг қизариши ёки хиралашиши;

нутқнинг бузилиши, яъни сёкин гапириш ва нутқдаги чалқашликлар;

озиб кетиш, иштаҳанинг йўқолиши ёки меъеридан кўп овқатланиш;

сурункали йўтал;

ҳаракат координацияларининг ёмонлашуви.

Хулқ-атворидаги белгилари:

сабабсиз тез жаҳли чиқиши, бўшанглик;

ишлаш қобилиятининг фаоллашуви;

диққат ва хотиранинг пасайиши, нарсаларга қизиқишнинг йўқолиши;

тушунарсиз сабабларга кўра ишга ёки мактабга бормаслик, уйдан кетиб қолиш;

маълум нарсаларга нисбатан фикрни жамлашда қийинчилик;

уйқусизлик;

кайфиятнинг тез-тез ўзгариб туриши ва билдирилган танқидларни нотўғри қабул қилиш;

чарчоқни жуда тез ҳис қилиши;

ўзига яқин одамлар билан муносабатга киришишдан қочиш;

мактабдаги давоматнинг пасайиб кетиши;

доимий равишда пул сўраши;

уйдаги қимматбаҳо буюмлар, нодир китоблар, кийим-кечак, аудио ва видео техникаларни яширин равишда сотиш;

тез-тез телефонлар бўлиши;

ёлғон ва уйдирма гапларни сўзлаши;

ҳозиржавобликдан қочиш, бўлмаган нарсаларни гапиришга мойиллик;

асосий вақтни асоциал гуруҳдаги одамлар билан ўтказиш.

Ошқора белгилари:

танадаги нинанинг белгилари, кесиклар ва кўкаришлар;

пул ва қоғоз буюмларининг трубка шаклидаги ҳолати;

пластик карталарнинг ён қисмидаги оқ доғларнинг мавжудлиги;

кичик қошиқларнинг ташқи томонида қора доғларнинг мавжудлиги;

капсулалар, кичик бутилкачалар ва темир банкалар, уйқу ёки тинчлантирувчи дориларнинг мавжудлиги.

Профилактика инспектори сурункали ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандликка мубтало бўлган шахслар билан фаолиятини

ташқил этишда таъкидланган психологик жиҳатларига диққатини қаратмоғи зарур. Сабаби, ушбу салбий иллатлар домига дучор бўлган шахслар руҳиятига кескин ўзгаришлар юзага келади: хулқидаги юқори агрессивлик, яккаланиш, ёлғизликка интилиш, инсонлар билан муносабатларга киришишдан қочиш, ҳиссиётларга тез берилиш, тушқунлик кайфиятининг доимийлиги, ўз-ўзини назорат қила олишнинг етарли эмаслиги, ўзига ишончсизлик, юқори даражада руҳий озорланиш ва бошқалар.

Профилактика инспекторлари ичкиликбозлик, гиёҳвандлик ва заҳарвандликнинг салбий оқибатлари ҳақида фуқаролар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш жараёнида муомала қонуниятларига риоя этиш лозим.

Шунингдек, оилада содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш профилактика инспекторининг хизмат мажбуриятларига киради. Профилактика инспекторларининг жамоат тузилмалари билан оила-турмуш соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш, умумий ва якка тартибда профилактика ишларини ташқил этишда улар билан ҳамкорликни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Маълумки, профилактика инспекторлари нотинч оилаларни аниқлаш, уларда содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ҳисобга қўйиш, тегишли жазо чораларини қўллаш ҳамда улар билан якка тартибда тарбиявий ишларни амалга оширишда жамоат тузилмалари билан ҳамкорликда фаолият олиб боради, хусусан:

- 1) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари;
- 2) диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар;
- 3) маҳалла жамоат посбони.

Профилактика инспектори жамоат тузилмалари билан ўзаро ҳамкорликда: нотинч оилаларни аниқлаб, оила аъзолари ўртасида бузилган муносабатларни тиклаш, оила-турмуш муносабатлари доирасида ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахсларнинг хулқ-атворини жамоатчилик иштирокида муҳокама қилиш; фарзанд тарбияси билан шуғулланмайдиган ота-оналарни аниқлаш, улар билан тарбиявий профилактик суҳбатлар олиб бориш; оилавий жанжалкашларни аниқлаш ва улар билан профилактик ишларни ташқил этиш; илгари судланган шахсларнинг фаолиятини назорат қилиш; содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шароитларини

аниқлаш ҳамда уларни бартараф қилишга доир қатор тадбирларни амалга оширади.

Профилактика инспектори ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарлик содир этган ҳамда профилактик ҳисобга олинган шахслар билан мулоқотга киришиш мақсадида мулоқот жараёнининг психологик жиҳатларини ўрганиши хизмат фаолиятида қўл келади. Шу сабабли, ходим профилактик, педагогик ҳамда руҳий таъсир этиш жараёнида муомаланинг усул ва воситаларидан фойдаланиши лозим.

Мулоқот ҳар қандай фаолиятнинг зарур муҳим жиҳатидир. Айнан мулоқот жараёнида ва фақат у орқали инсоннинг моҳияти намоён бўлади, бир-бирини тушунишга интилади, ишни бажариш чоғида уйғунликка эришилади, у ёки бу ҳолатларда ўзаро хатти-ҳаракатларини башорат қилиш қобилияти шаклланади ёки аксинча, низолар ва ахлоқий зиддиятлар, ишда келишмовчиликлар юзага келади, мулоқотда шеригининг хатти-ҳаракатига олдиндан кўзи етмайди, қобилиятсизлиги намоён бўлади.

Шуни унутмаслик керакки, профилактика инспектори давлат бошқарув органи ходими, унинг адолатли ва одил ҳимоячиси ҳисобланади. У қўполлик ва дағалликка худди шундай муносабатда бўлишга ҳақли эмас ва тарбиясизга тарбиясизларча муносабатда бўлиши мумкин эмас. У ҳар ерда ўзининг хулқ-атвори билан ибрат бўлиши, ўзининг маънавий ва маърифий етуклиги, юксак сиёсий онги, маданияти, юриш туриши, қийиниши, муомаласи, ахлоқ-одоби билан ёш авлод қалбида ўзларига нисбатан ҳавас уйғотишга интилиши керак¹.

Маълумки, суҳбат жараёнида одамларнинг бири гапиради, иккинчиси тинглайди, эшитади. Мулоқотнинг самарадорлиги ана шу икки қирранинг қанчалик ўзаро мослиги, бир-бирини тўлдиришига боғлиқ. Нотўғри тасаввурлардан бири шуки, одамни муомала ёки мулоқотга ўргатганда, уни фақат гапиришга, мантиқий асосланган сўзлардан фойдаланиб, таъсирчан гапиришга ўргатишади. Унинг иккинчи томони – тинглаш қобилиятига эса деярли эътибор берилмайди. Машҳур америкалик нотик, психолог Дейл Карнеги «Яхши суҳбатдош – яхши гапиришни биладиган эмас, балки яхши тинглашни биладиган суҳбатдошдир» деганда айнан шу қобилият-

¹ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ҳақида қўлланма. – Т., 2016. – Б.41.

ларнинг инсонларда ривожланган бўлишини назарда тутган эди¹².

3-§. Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан психологик мулоқот қилишида фойдаланадиган психологик усуллар ва методик тавсиялар

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2016 йил 30 майдаги «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ҳақидаги Қўлланма»ни тасдиқлаш тўғрисидаги 82-сонли буйруғининг 45-бандида шундай дейилади: «Ҳар бир ходим фуқаролар билан самимий муносабатда бўлиши, уларнинг муурожаатини диққат билан эшитиши, ваколати доирасида кўриб чиқиши ва масаласини ҳал қилишга интилиши зарур. Фуқаролар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг қонунга зидлигини тушунтиради ҳамда қонунда белгиланган чорани қўллаш масаласини ҳал этади». Худди шу буйруқнинг 50-бандида эса: «Ички ишлар органлари ходими аҳоли билан алоқани мустаҳкамлаб, такомиллаштириб боради. Ички ишлар органлари ходими деган юксак номни ёдда сақлаган ҳолда, хизмат вазифасига доир иш юритуви давомида ҳамда инсонийлик бурчини бажариш вақтида фуқаролардан турли кўринишдаги ҳадя ва совғаларни олиши тақиқланади»¹, деб таъкидлаб қўйилган. Юқоридагиларга асосланиб, ички ишлар органларининг ходимлари қуйидагиларга қатъий амал қилишлари лозим. Бу қоидалар орқали ҳар қандай аудиторияни, меҳнат жамоасини ва турли тоифадаги шахсларни ўзига жалб қила олади ва улар билан муносабатга киришиш имкониятига эга бўлади. Улар қуйидагилар:

1. Ҳар доим эркин сўзлашга интилинг, сўзлашдан олдин ҳаяжонланмасликка ҳаракат қилинг. Чунки, эркин сўзлаган одам ҳаяжонланмайди;

2. Нутқ сўзлашдан олдин пухта тайёргарлик кўринг. Яхши тайёргарлик аъло нутқ гаровидир. Нутқ муддати қисқа бўлсин, шунда унга тайёрланиш учун имконият кўпаяди;

3. Ҳар қандай нутқингизнинг давомийлиги 20 дақиқадан ошмасин, акс ҳолда зерикарли бўлади;

¹² *Дейл Карнеги*. Муваффақият калити. – Т., 2012.– Б.84.

¹ Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари ҳақида қўлланма. – Т., 2016. – Б.43.

4. Гапириб ўйламанг, балки ўйлаб гапиринг;
5. Кўпроқ тингланг, шунда кўп нарсани билиб оласиз. Тинглай олиш ҳам санъат. «Сўз – кумуш, сукут – олтин» нақлига амал қилинг;
6. Ўзингизда қатъиятни шакллантириш учун кўпроқ машқ қилинг, яъни энг аввало ўз яқинларингиз ёки ҳамкасбларингиз олдида нутқ сўзлаб кўринг;
7. Бирон-бир жойда нутқ сўзлайдиган бўлсангиз камроқ овқатланинг, чунки кўп овқатланиш фикрлашни сусайтиради;
8. Омма олдида сўзлашдан олдин унинг сценарийсини олдиндан тахминий режалаштиринг, аммо ташқи таъсирларни ҳам инобатга олинг. Масалан, нутқ сўзлаганингизда сизга тасодифан савол беришлари мумкин. Шунинг учун гапираётган гапингиздан қандай хулосалар чиқиши мумкинлигини олдиндан англаб олинг;
9. Сиз қандай аудиторияда нутқ сўзлашингиз мумкинлигини олдиндан билганингиз маъқул. Чунки, уларнинг ёши, касб-кори, яшаш жойи, эҳтиёжларини олдиндан билиш, нутқингизнинг жонли чиқишига асос бўлади;
10. Ҳар доим регламентга риоя қилинг. Бунинг учун нутқингизнинг кенг ва тор шакллари ўйлаб қўйганингиз маъқул. Бунда кўпроқ статистик маълумотлар ва кам ишлатиладиган мураккаб терминлардан фойдаланишга ҳаракат қилинг;
11. Шуни ёдда тутингки, ҳар қандай нутқнинг боши, ўртаси ва охири бўлади. Энг асосийси, сиз нутқингизнинг қандай тугатиш ҳақида ўйланг;
12. Сиз нотиксиз, биринчи жумлани ва нутқнинг хулоса қисмини ўйлашга мажбурсиз, қолган гапларни ўз йўналишида боғлаб кетаверишингиз мумкин;
13. Расмий ҳужжатларни, нотаниш матнларни ўқиб беришингиз мумкин. Нутқнинг бошқа турлари эса ўқилганларни мустаҳкамлайди, яъни юқорида кўрсатилган матнлардан ташқари кўшимча нутқ матнини ёзиш шарт эмас. Чунки ёзган матнингиз гапиришингизни қийинлаштиради. Тажрибасиз нотик ёзилганлардан ниманидир тушириб қолдиришдан кўрқиб, баттар хатога йўл қўйиши мумкин;
14. Оммавий тадбирларда нутқ сўзлашдан олдин ўзингизнинг ташқи кўринишингизга эътибор беринг. Иложи борича дадил, вазмин ва қоматни тик тутиб гапиришга ҳаракат қилинг;
15. Сиз гапирганингизда ҳаяжонлансангиз асло кўркманг, ҳар қандай ақлли одам омма олдида чиққанида ҳаяжонланиши табиий,

сиз ҳаяжонни сўзларга, эмоцияга ўтказишга ҳаракат қилинг, маърузангиз эмоционал ва жозибали бўлишига интилинг;

16. Жуда қаттиқ ҳаяжонланиш зарарли. Ундан қочиш керак. Чиқиш қилишдан олдин яхши нарсалар ҳақида ўйланг ва нутқ мазмунидан ўзингизни чалғитинг. Аудитория ҳақида ўйлаб ваҳима қилманг. Агар буни иложини тополмасангиз ёки чалғиш ёрдам бермаса, қўлларингизни елка кенглигига қўйиб, бармоқларингизни букинг. Сўнгра сакраб, бир қанча ҳаракатлар қилиб, орқага чалқайинг. Агарда буни ҳам иложини тополмасангиз, оёқларингизнинг бармоқларини кучли ҳаракат қилдиринг;

17. Нутқ олдидан ва гапираётган вақтингда сув ичманг, сув юрагингизга кераксиз юк бўлади ва овозингизни буғади. Чиқиш қилиш олдидан кераксиз гаплардан гаплашманг;

18. Гапириш вақти келганда ташқи кўринишингизни тўғрилаб, дадил қадамлар билан нутқ сўзлаш лозим бўлган жойни эгалланг;

19. Устингиздаги кийим-кечақларингиз кенг ёки ўта тор бўлмасин, пойабзалингиз оёқларингизни сиқиб қўймасин, галстугингиз бўйнингизни бўғиб қўймасин. Либосингизнинг тор ёки кенглиги эркин гапиришингизга ва ўзингизни эркин тутишингизга халақит беради;

20. Ўзингизни тўғри тутинг, елкангизни бироз бурунг. Иягингизни бироз кўтариб, бошингизни тўғри тутинг. Оёқларингиз елка кенглигида бўлсин. Қўлларингизни қорин устида сиқиб ушламанг, букламанг, бармоқларингизни чалкаштирманг, қўлларни орқага қилманг, чўнтакка тикманг, оёқларингизни чалиштирманг;

21. Нотиқ қотиб турмаслиги, қўлларини эркин тутиши, гапираётган пайтда қўлларини силкитмаслиги, жуда қотириб гавдага ёпиштириб ҳам турмаслиги лозим. Гапириш темпини, овозини мазмунга қараб ўзгартириб туриши керак. Нутқ юмшоқ ва ишончли бўлиши, лекин жуда чўзилиб кетмаслиги керак;

22. Гапираётганда оғизни меъёрида очиб гапириш, меъёрида нафас олиш ва чиқариш лозим. Овозни аудиториянинг катта-кичиклигига қараб мослаш, ўта баланд овозда қичқириб гапирмаслик керак;

23. Овозни юқорига ва пастга йўналтирманг, тингловчиларга тўғри йўналтиринг;

24. Имкони борича микрофондан фойдаланманг, микрофон аудиториядагилар билан тўғридан-тўғри боғланишга халақит беради;

25. Аудиторияга табассум билан юзланинг, улар диққат билан сизга боқмоқда. Уларга кучли назар ва хуш кайфиятда кўринасиз;

26. Оз фурсат жимлик сақланг. Агар шовқин бошланса жимликни чўзинг ва бирдан аудиторияга қаттиқ назар ташланг;

27. Нутқингизни юмшоқ ва енгил бошланг. Кучли зарб билан бошламанг, акс ҳолда нутқингизни яқунлашга кучингиз етмай қолади, тингловчиларнинг ҳам тоқати тоқ бўлади;

28. Гапираётганингизда шуни унутмангки, сизни эшитишни истаган одамларга мурожаат қилиясиз, нимани ёзсангиз ҳам сиғдираверадиган қоғозга эмас;

29. Ўзингизни тутиб ишонч билан гапирсангиз сизни ҳам завқ билан тинглашади;

30. Темп оралиғини сақлаган ҳолда баланд овозда гапиринг. Кенг ва муҳим маълумотни қисқа вақтга сиғдиришга уринманг. Шошиб гапирган нотик маълумот беришдан қўрқади ва минбардан тушириб юборишларини кўтади;

31. Гапираётган вақтингизда аудиторияни кузатинг. Тингловчиларнинг диққати сизга қаратилган. Бироқ нутқингиз давомида бир шахсга ҳадеб мурожаат қилаверманг, чунки ҳар бир тингловчи қайси нуқтага қараётганингизни, кимга қараб гапираётганингизни кузатиб турибди;

32. Катта аудиториядан қўрқманг, кичик аудиториядан қўрқинг. Аудитория қанча катта бўлса, ишонтириш шунча осон бўлади;

33. Ортиқча гапирманг. Нотик ниманики гапирса, омма шуни гапиради, нимани ўйласа, шуни ўйлайди. Шунинг учун нотик нима гапиришини ҳамиша ўйлаб гапиради. Лекин у нимани ўйласа ҳаммасини гапира олмайди ва улгурмайди;

34. Инсонсевар бўлинг, иложи борича қисқа гапиринг, нутқингиз оммабоп жаранглаши тингловчиларнинг бутун борлиғига таъсир қилади. Айни дамда тингловчилар айтилаётган нарсаларнинг ўзлари учун энг керакли эканлигини англайди;

35. Иложи борича адабий тилда гапиришга одатланинг, чет тилига хос сўзлардан имкон даражасида камроқ фойдаланишга ҳаракат қилинг;

36. Бир сўзни қайта-қайта такрорлашдан қочинг, чунки бу ёмон иллат;

37. Нутқингизни сўз билан эмас, жумла билан безашга одатланинг. Жумлалар бир-бирига мантиқан боғлансин. Бошлаган жумлангизни якунига етказинг. Гапираётган жумлаларингизнинг узун-қисқалигини аудитория ва хонанинг кенглигига қараб тузинг. Ауди-

тория қанча катта бинода бўлса, гапираётган жумлаларингизнинг ўртача узунлиги шунча қисқа бўлиши керак;

38. Нутқда сўз ва жимликнинг (пауза) ўрни галма-галдан алмашиб туриши керак. Жим туриш сўз ва жумланинг тузилишига вақт ажратиш демакдир. Жим туришда аудиториянинг сизнинг фикрларингизга бераётган баҳосини англайсиз. Аммо тўғри келган жойда тинимсиз жимлик ҳам ярашмайди. Жимлик аудиториядан жавоб кутаётган пайтингизда керак;

39. Оммабоп нутқ оҳангга боғлиқ: оҳанг жумлаларга ва сўзга сайқал беради. Нутқ мазмунига нотикнинг муносабатини белгиловчи оҳанг табиий ва ишончли бўлиши керак. Оҳангни ҳеч қачон жумлалар охирига сурманг;

40. Нотик оммабоп нутқ сўзлаётганда ўзини булбулдай ҳис этмаслиги керак. Сиз одамларнинг фойдасига гапиряпсиз, ўзингизни кўз-кўз қилиш учун эмас. Шунинг учун ҳамма вақт нутқингиз устида ишланг, унинг аудиторияга таъсирини кузатинг. Одамларнинг маълум гуруҳи сизни қўллаш-қўлламаслигини аниқланг. Сизга эътиборлими ёки паришонхотирми, қизиқиб эшитяптими ёки аҳамиятсиз, дўстонами ёки зўрма-зўраки эканини кузатинг. Нотик гапираётганда аудиторияда нима бўлаётганини кўриб туриши лозим ва ўз вақтида аудитория ҳолатини изга солиб туриш керак;

41. Агар аудиторияда шовқин кўтарилса, овозингизни баланд қилманг, аксинча, пасайтиринг ёки жимгина аудиторияга диққат билан қаранг;

42. Залдаги қочириқ гаплардан қўрқманг. Нутқ сўзлаётганингизда дискуссияга йўл қўйманг. Мўлжалдаги гапларингизнинг ҳаммасини айтишингиз шарт. Нутқ давомидами ёки ундан кейинми, сизга берилган саволларга жавобни аниқ, тушунарли, қисқа қилинг, тўлиқ жавоб бериш шарт эмас;

43. Ҳар қандай нутқнинг якуни дадил ва мустаҳкам бўлсин. Яқунловчи оҳангда овозни кўтариб керакли гапларнинг ҳаммасини айтганингизни сездиринг, аудиториянинг диққат-эътибори учун миннатдорчилик билдиришни унутманг.

Суҳбатнинг самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар

I. Баҳс тактикаси

а) асослаш (исботлаш) жараёнининг самарадорлигини максимал тарзда ошириш;

б) рақиб далилларининг самарадорлигини тушириш;

в) танланган услубни қўллаш ёрдамида фикр ва далиллар алмашинуви жараёнини фаол назорат қилиш;

с) баҳсда умумий стратегик мақсадларни ифодалаш.

II. Баҳс юритиш тактикасига оид тавсиялар

1) ўз-ўзидан маълум бўлган нарсани исботлаш керак эмас. Мазкур қонданинг бузилиши, айниқса, сиёсий баҳсда кўп ҳолатларда исботланаётган объектнинг беҳурмат қилинишига, асослашни сийқалаштиришга, унинг қуруқ сафсатабозликка айланишига олиб келади;

2) агар оз нарсани асослаш кифоя қилса, ортиғини исботлашнинг ҳожати йўқ. Акс ҳолда баҳсда кўтарилган масала сийқалашиб кетиши ёки оппонентда нохуш таассурот уйғониши мумкин;

3) жорий баҳсда зарурати бўлмаган нарсани тушунтириш керак эмас;

4) тушуниб бўлмайдиган ёки тушунтириш учун зарур бўлмаган факт ва иш гипотезаси йўқ масалани тушунтириш (исботлаш)га ҳаракат қилиш керак эмас;

5) ўзингиз ишонмаган ёки охиригача тушуниб етмаган фикрни тушунтиришга ҳаракат қилмаслик керак;

6) фикрни баён этишда чалкашликларга, зиддиятларга йўл қўйиш керак эмас. Акс ҳолда, биринчидан, рақибга танқид учун йўл очилади, иккинчидан, баҳс мавзuidан четга чиқиб кетиш мумкин, энг муҳими эса, баҳсда ижобий натижага эришиш қийинлашади;

7) рақиб келтирган далилларга эътироз билдиришда меъёрни сақлаш лозим.

III. Баҳс, мунозара, суҳбатда суҳбатдош (рақиб)ни фаоллаштириш ва ўз позициясини мустаҳкамлашга ёрдам берувчи савол турлари

1) *илмоқ-савол* – суҳбатдош (рақиб)ни чалғитиш, руҳий мувозанатдан чиқаришга қаратилади;

2) *қарши савол* – суҳбатдош (рақиб)нинг фикр-мулоҳазасини йўққа чиқариш мақсадида берилади;

3) *чегараловчи савол* – суҳбатдош (рақиб)ни ўз нуқтаи-назари йўналишида фикрлашга мажбур этади;

4) *мажбурловчи савол* – суҳбатдош (рақиб)ни ўз фикри билан қўшилишга даъват этиш учун қўлланилади;

5) *риторик савол* – суҳбат, баҳс иштирокчиларини нотик фикри билан қўшилишини таъминлайди;

б) аниқлик киритувчи савол – суҳбатдошдан қўшимча маълумот олиш зарур бўлганда берилади.

V. Баҳс чоғида ўз фикрига инонтириш қоидалари

Биринчи қоида. Келтирилаётган далилларнинг кетма-кетлиги фикрнинг асосланганлиги белгилайди. Далил ва асосларнинг қуйидаги тартиби кўпроқ ишонтиради: кучли далиллар, ўрта далиллар, битта энг кучли далил. Кучсиз далиллардан иложи борича фойдаланмаслик керак, чунки улар фойдадан кўра кўпроқ зиён етказди. Бунда далилнинг қуввати (кучли-кучсизлиги) гапираётган одам нуқтаи назаридан эмас, балки тингловчи (қарор қабул қиладиган киши) нуқтаи назаридан белгиланишини эътибордан қочирмаслик керак.

Иккинчи қоида. Сиз учун муҳим бўлган масала юзасидан суҳбатдошингиз ижобий қарорга келиши учун уни тилга олишдан олдин гапни иккита қисқа, суҳбатдош учун қийин бўлмаган масаладан бошланг.

Учинчи қоида. Суҳбатдошни чорасиз ҳолатга туширманг. Унга ўз кадр-қимматини, обрўсини сақлаб қолиш имкониятини беринг. Мағлубиятни у шармандалик сифатида қабул қилмасин. (Масалан, сизнинг таклифингиз ёки фикрингиз суҳбатдошингизнинг ҳам бирон-бир эҳтиёжини қондиришини, истагига мослигини кўрсатинг).

Тўртинчи қоида. Далил ва асосларнинг ишонарлилиги, таъсирчанлиги сўзлаётган кишининг имиджи ёки мавқеига кўп жиҳатдан боғлиқ. Юқори лавозим ёки жамиятда тутган ўрни, масала бўйича мутасаддилиги, обрў-эътибори, жамоанинг ижобий фикри кишининг мавқеини ва у келтирган далилларнинг ишонарлилигини оширади.

Бешинчи қоида. Ўзингизни ерга урманг, хурматингизни сақланг, бунинг учун ўзингизга ишончини йўқотманг.

Олтинчи қоида. Суҳбатдошингизнинг мавқеини ерга урманг, чунки суҳбатдошга нисбатан намоёиш этилган хурматсизлик, эътиборсизлик салбий муносабатлар уйғотади.

Еттинчи қоида. Биз ёқтирган суҳбатдошимизнинг далилларига ижобий ёндашамиз, ёқтирмаган кишимизнинг далилларига эса танқидий муносабатда бўламиз. Шундай экан, суҳбатдошда ёқимли таассурот уйғотишга интилиш керак. Ёқимли таассуротнинг уйғониши эса кўп омилларга боғлиқ: хурмат билдириш, тинглай билиш, нутқ саводи, тил равонлиги, ёқимли хатти-ҳаракатлар ва ташқи кўриниш ва ҳоказо.

Саккизинчи қоида. Суҳбатдошнинг фикрини ўзгартиришни хоҳ-

ласангиз, гапни ўзингизни ундан ажратиб турувчи нарсалардан эмас, унинг нуқтаи назарида сизга маъқул бўлган жиҳатлардан бошланг.

Тўққизинчи қоида. Суҳбатда хушёрлигингизни кўрсатинг, суҳбатдошининг руҳий ҳолатини тушунишга, фикрлаш йўналишини тасаввур этишга, ўзингизни унинг ўрнига қўйиб кўришга, унга ҳамдардлигингизни кўрсатишга ҳаракат қилинг.

Ўнинчи қоида. Суҳбатдошингизни тўғри тушуниш учун тинглашни ўрганинг.

Ўн биринчи қоида. Суҳбатдошингизнинг фикрларини тўғри тушунаётганингизни текшириб туриг, бунинг учун вақти-вақти билан зарурат бўлганда унинг фикрини такрорлаб сўранг.

Ўн иккинчи қоида. Зиддиятга олиб келиши мумкин бўлган сўз ва ҳаракатлардан ўзингизни тийинг.

Ўн учинчи қоида. Ўзингизнинг мимикангиз, хатти-ҳаракатларингиз ва туришингизни назорат қилиб туриг.

Ўн тўртинчи қоида. Суҳбатдошингизнинг юз ифодаси, хатти-ҳаракатлари ва туриш ҳолатларини кузатиб боринг.

Ушбу тавсияларга риоя этиш фақат ва фақат фойда келтиради ва сизни одамлар томонидан тушунишини енгиллаштиради деб умид қиламиз.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги, виктимологик профилактикаси ҳақида тушунчангизни айтинг.

2. Қизиқтираётган шахсга баҳо беришда формал ва ноформал усуллардан фойдаланишнинг аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.

3. Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан психологик мулоқот қилишида дастлабки босқичда фойдаланадиган психологик усуллар ва методик тавсиялар нималардан иборат?

4. Якка тартибдаги профилактик чора-тадбирларнинг усуллари ҳақида тушунча беринг.

5. Алоқа ва коммуникацияни қўллаб-қувватловчи ва чуқурлаштирувчи усуллардан фойдаланишнинг ходим фаолиятида тутган ўрни ҳақида айтиб беринг.

ЖАМОА ПСИХОЛОГИЯСИ

10-мавзу. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА ГУРУҲЛАР
МУАММОСИ

1-§. Гуруҳ ва жамоа ҳақида тушунча

Ҳар бир шахс ўз фаолиятини турли гуруҳлар шароитида ёки турли гуруҳлар таъсирида амалга оширади. Чунки жамиятдан четда қолган ёки инсонлар гуруҳига умуман қўшилмайдиган индивиднинг ўзи йўқ, инсон жамиятда яшар экан, у доимо турли ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқотда, ўзаро таъсирда бўлади, бу мулоқот жараёнлари эса доимо кишилар гуруҳида рўй беради. Шунинг учун ҳам гуруҳлар муаммоси, уни ўрганиш ва гуруҳларнинг шаклланишига оид илмий хулосалар чиқариш ижтимоий психологиянинг асосий мавзуларидан ва муаммоларидан биридир.

Психологик маънода *гуруҳ – бу умумий белгилар, умумий фаолият, мулоқот ҳамда умумий мақсад асосида бирлашган кишилар уюшмасидир*. Демак, одамлар гуруҳи ташкил топиши учун албатта қандайдир умумий мақсад ёки тилақлар, умумий белгилар бўлиши шарт. Масалан, талабалар гуруҳи учун умумий нарсалар кўп: ўқув фаолияти, билим олиш, ёшларга хос бирликлар (ўспирин ёшлар), маълум ўқув юртида таълим олиш истаги ва ҳоказо. Кўчада бирор тасодиф рўй берганлиги учун тўпланган кишилар учун ҳам умумий бўлган нарса бор – бу қизиқувчанлик бўлиб ўтган ҳодисага гувоҳлик, унга умумий муносабатдир.

Гуруҳни алоҳида шахслар ташкил этади, лекин ҳар бир гуруҳ психологияси уни ташкил этувчи алоҳида шахслар психологиясидан фарқ қилади ва ўзига хос қонуниятларига бўйсунди. Айни шу қонуниятларни билиш эса турли типли гуруҳларга бошқариш ва ана шу гуруҳларни ташкил этувчиларни тарбиялашнинг асосий мезонидир.

Гуруҳларнинг турлари кўп, шунинг учун ҳам уларни турли олимлар турлича классификация қиладилар. Бизнинг назаримизда, Г.М.Андреевнинг «Ижтимоий психология» дарслигидаги

классификация гуруҳларнинг асосий турларини ўз ичига қамраб олган. У ҳар қандай кишилар гуруҳини аввало *шартли ва реал гуруҳларга* бўлади. Реал гуруҳлар аниқ тадқиқот мақсадларда тўпланган лаборатория типигаги ҳамда табиий гуруҳларга бўлинади. Конкрет фаолият ва одамларнинг эҳтиёжлари асосида ташкил бўладиган бундай табиий гуруҳларнинг ўзи кишиларнинг сонига қараб *катта, кичик гуруҳларга* бўлинади. Катта гуруҳлар уни ташкил этувчиларнинг мақсадлари, фазовий жойлашишлари, психологик хусусиятларига қараб уюшган ва уюшмаган турларга, кичиклари эса ўз навбатида энди шаклланаётган – диффуз ҳамда таракқиётнинг юксак поғонасига кўтарила олган жамоа турларига бўлинади. Гуруҳларнинг ижтимоий психология учун айниқса муҳим ҳисобланган турларига таъриф бериш ва уларнинг психологик қонуниятларини ўрганишни мақсад қилиб қўйган ҳолда, бевосита катта гуруҳларнинг ижтимоий психологик қонуниятларини ўрганишга ўтамиз.

2-§. Катта ижтимоий гуруҳлар психологияси

Ҳар бир шахс ўз фаолиятини турли гуруҳлар шароитида ёки турли гуруҳлар таъсирида амалга оширади. Чунки жамиятдан четда қолган ёки инсонлар гуруҳига умуман қўшилмайдиган индивиднинг ўзи йўқ. Киши жамиятда яшар экан, у доимо турли инсонлар билан мулоқотда, ўзаро таъсирда бўлади, бу мулоқот жараёнлари эса доимо кишилар гуруҳида рўй беради. Шунинг учун ҳам гуруҳлар муаммоси, уни ўрганиш ва гуруҳларнинг шаклланишига оид илмий хулосалар чиқариш ижтимоий психологиянинг асосий мавзуларидан ва муаммоларидан биридир.

Психологик маънода **гуруҳ** – *бу умумий_белгилар умумий фаолият, мулоқот ҳамда умумий мақсад асосида бирлашган кишилар уюшмасидир*. Умуман одамлар гуруҳи ташкил топиши учун албатта, қандайдир умумий мақсад ёки тилақлар, умумий белгилар бўлиши шарт. Масалан, талабалар гуруҳи учун умумий нарсалар кўп (ўқув фаолияти, билим олиш, ёшларга хос бирликлар (ўспирин, ёшлар, маълум ўқув юртида таълим олиш истаги ва ҳоказо). Кўчада бирор тасодиф рўй берганлиги учун тўпланган кишилар учун ҳам умумий бўлган нарса бор – бу қизиқувчанлик бўлиб ўтган ҳодисага гувоҳлик, унга умумий муносабатдир.

Гуруҳни алоҳида шахслар ташкил этади, лекин ҳар бир гуруҳ психологияси уни ташкил этувчи алоҳида шахслар психологиясидан фарқ қилади ва ўзига хос қонуниятларга бўйсунди. Айни шу қонуниятларни билиш эса турли типли гуруҳларни бошқариш ва ана шу гуруҳларни ташкил этувчиларни тарбиялашнинг асосий мезонидир.

Гуруҳларнинг турлари кўп, шунинг учун ҳам уларни турли олимлар турлича классификация қиладилар. В.М.Каримованинг «Ижтимоий психология асослари» ўқув қўлланмасида гуруҳларнинг асосий турлари келтирилган. Гуруҳлар аввало **шартли ва реал** гуруҳларга бўлинади.

Реал гуруҳлар аниқ тадқиқот мақсадларда тўпланган лаборатория типдаги ҳамда табиий гуруҳларга бўлинади. Конкрет фаолият ва одамларнинг табиий эҳтиёжлари асосида ташкил бўладиган бундай табиий гуруҳларнинг ўзи кишиларнинг сонига қараб катта, кичик гуруҳларга бўлинади. Катта гуруҳлар уни ташкил этувчиларнинг мақсадлари, фазовий жойлашишлари, психологик хусусиятларига қараб уюшган ва уюшмаган турларга, кичиклари эса ўз навбатида, энди шаклланаётган – **диффуз** ҳамда тараққиётнинг юксак поғонасига кўтарила олган жамоа турларига бўлинади. Гуруҳларнинг ижтимоий психология учун айниқса, муҳим ҳисобланган турларига таъриф бериш ва уларнинг психологик қонуниятларини ўрганишни мақсад қилиб қўйган ҳолда, бевосита катта гуруҳларнинг ижтимоий-психологик қонуниятларини ўрганишга ўтамиз.

3-§. Катта гуруҳлар психологиясига хос хусусиятлар ва уларни илмий тадқиқ этиш шартлари

Катта гуруҳлар кишиларнинг шундай бирлашмаларики, ундаги одамлар сони кўпчиликни ташкил этиб, маълум синфий, илмий, ирқий, профессионал белгилар уларнинг шу гуруҳга мансублигини таъминлайди. Катта гуруҳларни ташкил этувчилар кўп сонли бўлганлиги ва улар хулқ-атворини белгиловчи механизмларнинг ўзига хослиги туфайли бўлса керак, ижтимоий психологияда олимлар кўпинча кичик гуруҳларда иш олиб боришни афзал кўрадилар. Лекин катта кишилар уюшмасининг психологиясини билиш жуда катта тарбиявий ва сиёсий-мафкуравий аҳамиятга эга.

Бу соҳадаги тадқиқотларнинг камлиги бир томондан, айтиб ўтилганидек кўпчиликини қамраб олишда қийинчиликлар бўлса, иккинчи томондан, катта гуруҳлар психологиясини ўрганишга қаратилган методик ишлар захирасининг камлигидир. Масалан, ишчилар ёки зиёлилар синфи психологияси ўрганилиши керак дейлик, аввало ўша ишчиларнинг сони кўп, қолаверса, ишчиларнинг ўзи турли ишлаб чиқариш шароитларида ишлаётган, турли иқлим шароитларида яшаётган турли миллатга мансуб кишилардир. Уларнинг барчасини қамраб оладиган ягона ишончли усулни топиш масаласи жуда жиддий муаммо бўлганлиги учун ҳам ҳар бир катта гуруҳга тааллуқли бўлган асосий, етакчи сифатни топиш ва шу асосда унинг психологиясини ўрганиш ҳозирча ижтимоий-психологиядаги асосий методологик йўлланма бўлиб келмоқда. Қолаверса, катта гуруҳлар жамиятнинг тарихий тараққиёти мобайнида шаклланган гуруҳлар бўлгани учун ҳам ҳар қандай гуруҳни ўрганишдан олдин, хоҳ бу синфлар бўлсин, хоҳ миллатлар ёки халқлар психологияси бўлсин, унинг ҳаёт тарзи, унга хос бўлган одатлар, удумлар, анъаналар ўрганилади.

Ижтимоий-психологик маънода, ҳаёт тарзини ўрганиш деганда, у ёки бу гуруҳга тааллуқли бўлган кишилар ўртасида амалга ошириладиган мулоқот типлари, ўзаро муносабатларда устун бўлган психологик омиллар, қизиқишлар, қадриятлар, эҳтиёжлар ва бошқалар назарда тутилади. Ана шуларнинг умумийлиги туфайли ҳар бир шахсда, яъни у ёки бу катта гуруҳга мансуб бўлган шахсда типик хислатлар шаклланади. Масалан, 90-йиллар ёшларига хос бўлган типик сифатлар ана шу ёшлар ўртасида кенг тарқалган урф-одатлар, мода, сўзлашиш хусусиятлари, қадриятлар, қизиқишлар ва ҳоказолар туфайли шаклланади. Шунинг учун ҳам 20 ёшли кишининг психологиясини тўлиқ равишда ўрганиш учун ундаги билиш жараёнларининг ўзига хослиги, шахси, характери ва бошқа индивидуал психологик хусусиятларидан ташқари, яна унга ўхшаш ёшларда устун бўлган психологик хислатларнинг қанчалик намоён бўлишини, у мансуб бўлган ва асосан вақтини ўтказадиган гуруҳлар психологиясини, миллий сифатларини ҳам назарда тутиш ва уларни ўрганиш зарур. Бу дегани, ҳар бир шахс онгида унинг яқка, алоҳида орттирган шахсий тажрибасига алоқадор психологик тизимлардан ташқари, унинг қайси миллатга, элат, синфга мансублигидан сингдирилган

психологик тизимлар ҳам мавжуддир ва уни илмий тадқиқотчи инкор этмаслиги керак

4-§. Этник гуруҳлар психологияси

Ижтимоий психологияда катта гуруҳлар ичида этник гуруҳлар психологияси, яъни этнопсихология бўйича кўпроқ тадқиқотлар ўтказилди. Айниқса, ҳозирги даврда ҳар бир жумҳуриятлар алоҳида, мустақил давлат мавқеини олган, лекин бошқа томондан қараганда, ҳамдўстлик мамлакатлари иттифоқи шароитида миллатлар ўртасида муттасил алоқалар мавжудлигидан келиб чиқиб, миллий психология масалалари кун тартибида аввалгидан ҳам **муҳим** масала сифатида қўйилмоқда. Шунинг учун ҳам катта гуруҳлар ичида миллий гуруҳларга кўпроқ эътибор беришни лозим топдик. Бундай эътиборнинг яна бир боиси – Ўзбекистонда бу соҳада айрим тадқиқотларнинг ўтказилганлиги, лекин улар кўп ҳолларда миллий психология даражасига олиб чиқилмаганлигидандир.

Этнопсихология – бу психологиянинг шундай тармоғи, у айрим олинган миллатлар психологиясидан ташқари, турли халқлар психологиясини, кичик миллий гуруҳларни ҳам ўрганadi. Маълумки, бу борадаги биринчи илмий тадқиқотлар В. Вундт томонидан олиб борилган эди. Унинг тадқиқотларидаги «халқ» тушунчаси аслида этник уюшма маъносида тушунтирилган эди. Унинг фикрича, этник гуруҳлар психологиясини ўрганиш учун уларнинг тилини, одатларини ва ана шу халқларда кенг тарқалган афсоналар ва бошқа онг тизимларини ўрганиш керак. А.Р. Лурия эса Ўзбекистон ҳудудидаги яшайдиган халқларнинг психологиясини ўрганди. Унинг асосий мақсади миллий психологик хусусиятларни ўрганишда тарихий принципга таяниш лозимлигини исботлаш ҳамда миллий психологиянинг ҳаёт тарзига, шахснинг жамиятда кишилар муносабатлари тизимида тутган ўрнига бевосита боғликлигини исбот этиш эди ва бу тадқиқотда биринчи марта миллий психологияни ўрганишга ёрдам берувчи методлар ва методологик принциплар синаб кўрилди.

Охириги йилларда чет эл ва собиқ Иттифоқ олимларининг тадқиқотларини умумлаштириб, этнопсихологик ишларга ягона илмий ёндашувни топиш ҳаракатлари сезилмоқда. Бу соҳада машҳур рус этнографи ва психологи Ю. Бромлей олиб борган

ишлар, унинг лабораториясида тўпланган маълумотлар мисол бўлиши мумкин. Ю.В.Бромлей этник гуруҳлар психологиясида икки томонни ажратиб беради:

1. **Психик асос** – этник характер, темперамент, миллий анъаналар ва одатлардан иборат барқарор қисм;

2. **Ҳиссиёт соҳаси** этник ёки миллий ҳис-кечинмаларини ўз ичига олган динамик қисм. Лекин тадқиқотчилар нима учундир, миллий психология масалалари билан шуғулланишганда, миллий қирралар ёки сифатларни аниқлаш билан шуғулланадилар-да, у ёки бу миллатларгагина хос бўлган қирраларни топишга уринадилар, лекин фан-техника ривожланган, миллатлар уйғунлиги, миллатларнинг доимий ўзаро ҳамкорлиги ва мулоқоти шароитида, аралаш никоҳлар кенг тарқалган шароитда фақат у ёки бу миллатга хос бўлган қирралар ҳақида гапириш жуда қийин. Масалан, ўзбеклар ўртасида ўтказилган кичик тадқиқот натижасида шу нарса маълум бўлдики, гўёки меҳмондўстлик камтарлик, самимийлик каби ижобий сифатлар ўзбек халқигагина хос эмиш. Тўғри, бу сифатлар албатта, ўзбекларда бор. Лекин, айнан шу сифатлар бошқа миллатлар вакилларида йўқ дейишга ҳаққимиз йўқ. Худди ҳар бир шахс онгида турлича стереотиплар, яъни ўрнашиб қолган образлар бўлганидек ҳар бир оила, яқин ошна-оғайнилар ва ўзига ўхшаш шахслар билан мулоқот жараёнида у ёки бу миллат вакилида ҳам ўз миллатига хос бўлган сифатлар ҳақида стереотиплар пайдо бўлиб, улар онгида ўрнашиб боради. Бундай стереотиплар ўз миллатига ва бошқа халқларга нисбатан бўлиб, бошқалар ҳақидаги тасаввурлар анча содда, юзаки, мазмунан тор бўлади. Шундай тасаввурлар асосида бошқа миллатларга нисбатан ёқтириш (симпатия) ёки ёқтирмаслик (антипатия) ва бефарқлик муносабатлари шаклланади. Ўз миллати ҳақидаги тасаввур ва стереотиплар эса миллий «этноцентризм» ҳиссини шакллантирадики, шу ҳис туфайли шу миллий гуруҳ вакилларида бошқа миллатларга нисбатан иррационал муносабатлар пайдо бўлиши, бу эса миллий антогонизм ва миллий адоватларни келтириб чиқариши мумкин. Бу борада, ижтимоий психологлар ва мафкурачилар олдида турган муаммолардан бири миллат вакилларида миллий ғурурнинг қай даражада бўлишини аниқлаш муаммоси туради. Чунки кўпинча миллий ғурур туфайли айрим шахсларда бошқа миллатларни менсимаслик, улардаги ғурур ёки миллий ҳисларни тан олмаслик

ҳоллари кузатилмоқда. Умуман, бизнинг фикримизча, миллий адоватлар асосида ётган этноцентризм ва миллий ғурурнинг салбий кўринишлари бошқа миллатларнинг тарихини, уларнинг анъаналарини, тили ва ҳоказоларини билмасликдан келиб чиқади. Миллий психология бўйича ўтказилиши лозим бўлган тадқиқотларнинг мақсадларидан бири ҳам бошқа миллатлар психологиясини билиб, уни бошқа миллатларга етказиш туфайли, ҳар бир миллат вакилига ҳурмат-иззат ҳиссини кучайтиришдир. Чунки ўзини ҳурмат қилмаган одам бошқани ҳурмат қилмайди, бунинг учун эса ўз психологиясини ҳам, ўзгалар психологиясини ҳам билиши керак. Шундагина шахслараро зиддиятларга барҳам берилиши мумкин. Бу нарса миллатлар психологиясига ҳам хосдир. Яъни фан жамиятга шундай этнографик ва этнопсихологик маълумотлар мажмуини яратиб бериши лозимки, ундаги маълумотлар асосида катта гуруҳ ҳисобланган миллатлар психологиясини ҳам бошқариш мумкин бўлсин.

Этнопсихологик тадқиқотларда қўлланиладиган методлар

Этнопсихологик тадқиқотларда хилма-хил услуб ва методлар қўлланилади. Чунки бундай тадқиқотларда шахс хусусиятларини ўрганувчи турлича тестлардан тортиб, проектив методлар, экспериментларнинг турлича кўринишлари, сўроқ методлари – анкета, интервью, социометрия, шакл методлари ва бошқалар ишлатилади. Бу методлар ҳозирги кунларда ҳам «маданий муҳит ва шахс», гуруҳлараро муносабатлар ҳамда бошқа тадқиқотларда қўлланилмоқда. Бундай ишларни фақатгина ижтимоий психологлар эмас, балки умуман психология билан шуғулланувчи олимлар ҳам ўтказмоқдалар. Лекин шундай бўлишига қарамай, этнопсихологик методларни ҳаммага ҳам бирдай қўллаш тўғри келмаслиги туфайли уларнинг танқислиги сезиларлидир. Чунки этнопсихология муаммоси билан шуғулланишни мақсад қилиб қўйган ҳар бир тадқиқотчи ё мавжуд методикалардан бирини қайта ўзгартиришга, ёки бўлмаса, ўзича янги методни кашф қилишга мажбур бўлмоқда. Ниҳоят, этнопсихологик методларни қўллашнинг ноқулайлиги шундаки, масалан, Америкада жуда яхши натижа бериб, ишончли маълумотлар тўпланган методика Осиё мамлакатлари ёки бизнинг жумҳуриятимиз шароитида умуман ҳеч нарсани ўлчамаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам ҳозирда бутун жаҳон олимлари ҳар қандай маданий муҳитдан ҳам юқори турадиган, универсал тест ёки

методика яратиш фикрининг асоссизлиги ҳақида умумий фикр билдирмоқдалар.

Этнопсихологик тадқиқотлар ўтказишни мақсад қилиб қўйган ҳар қандай тадқиқотчи асосий принциплар сифатида маданий муҳит шароитларининг хилма-хиллига ва уларнинг ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатишини инобатга олмоғи зарур. Бу нарса этнопсихологик тадқиқот дастурини тузишда албатта, ҳисобга олиниши керак. Мисол учун, Ўзбекистон шароитида тадқиқот ўтказилмоқчи бўлинса, қуйидаги нарсаларга эътиборни қаратиш лозим: бу шароитида яшовчи барча миллатларга хос бўлган умумий психологик омиллар ва уларни аниқлаш усуллари; фақат ўзбек миллатига хос бўлган психологик сифатлар ва омилларни аниқлаш; аниқланган омилларни ёки психологик сифатларни ўлчайдиган ёки экспериментал усулда текширишга имкон берадиган методларни танлаш ва уларни конкрет шароитларга мослаш; тадқиқотчилар гуруҳини текширилаётган миллий гуруҳ тилини, урф-одатини биладиган ходимлар билан таъминлаш. Чунки, тадқиқот объекти ҳисобланган гуруҳда ўша гуруҳ тилида тадқиқот ўтказиш керак, бу орқали эса текширилувчиларга қўйилган ҳар бир талаб, савол ва топшириқлар улар учун тушунарли бўлиши таъминланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, у ёки бу миллий гуруҳ психологиясини, ундаги этник стереотипларни текширишга қаратилган махсус методлар йўқ, шунинг учун ҳам тадқиқотлар мавжуд методлар орасидан керагини танлаб, уларни жой шароитларига мослаштириш заруратини туғдиради ва бунинг учун зарурат бўлса бу методларни у тилдан бу тилга таржима қилиш ҳам керакдир. Таржима хусусида шуни айтиш керакки, махсус психологик тестлар ёки методларни (анкеталар, сўроқлар, шкалалар саволларини) таржима қилиш таржимондан юксак билимдонлик ва профессионал сифатларни талаб қилади. Акс ҳолда, методика ўз қимматини йўқотиши ёки керакли сифатни аниқламаслиги ёки ўлчамаслиги мумкин. Ҳаттоки, новербал (оғзаки берилган) тестларни турли шароитларда қўллаб, олинган маълумотларни шарҳлаш босқичида унинг мазмуни ёки мақсади ўзгарганлиги кўплаб тадқиқотларда исботланган. Шунинг учун ҳам ҳар қандай методик услубни қўллашдан олдин уни кичикроқ гуруҳ доирасида синаб кўриш ва натижаларни экспертларга бериб ёки бошқа

ёрдамчи методлар ёрдамида қайта синовдан ўтказиш йўли билан текшириб олиш мақсадга мувофиқдир.

Конкрет этнопсихологик тадқиқотларга қўйиладиган яна бир талаб – тадқиқотни табиий шароитларда, текширилувчилар учун таниш бўлган жойларда қисқа кўрсатмалар бериш йўли билан ўтказишдир. Чунки этнопсихологик тадқиқотларда кўпинча турли ёш, касб ва маълумотга эга бўлган шахслар иштирок этадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг барчаси учун тушунарли, аниқ топшириқлар тизимини туза олиш ҳам психологдан қатор профессионал малакаларни талаб қилади. Методик услублар миллий психологияни ўрганишда миллатнинг кўп қирраларини, психологик ҳолатини аниқлашга имкон беради. Бу эса тадқиқотчининг услубий тайёргарлик даражасига боғлиқдир.



Шахснинг турли вазиятларда ўз хулқни намоён этишида гуруҳнинг ўрни ва таъсири мавжуд бўлиб, гуруҳларнинг ўзи икки турли: катта ва кичик тоифаларга бўлинади. Мазкур мавзуда катта гуруҳларнинг психологияси, чунончи уларнинг этник тури атрофлича баён этиб берилган. Этник гуруҳларни махсус ўрганиш соҳаси бўлган этнопсихологияга доир билим, малака ва тушунчаларни шакллантириш кўзда тутилган.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Жамоа деганда нимани тушунасиз?
2. Шартли ва реал гуруҳлар ҳамда уларнинг фарқли жиҳатлари ҳақида сўзлаб беринг.
3. Катта ижтимоий гуруҳлар психологияси ҳақида нималарни биласиз?

4. Катта гуруҳлар психологиясига хос хусусиятлар ва уларни илмий тадқиқ этиш шартлари ҳақида тушунча беринг.

5. Этник гуруҳлар психологияси ва улардан фойдаланишнинг ходим фаолиятида тутган ўрни ҳақида айтиб беринг.

6. Этнопсихологик тадқиқотларда қўлланиладиган методлар нималардан иборат?

11-мавзу. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА КИЧИК ГУРУҲЛАР ВА УЛАРДАГИ ҚОНУНИЯТЛАР МУАММОСИ

1-§. Кичик гуруҳлардаги ижтимоий-психологик феноменлар

Кичик гуруҳлар муаммоси ижтимоий психологияда энг яхши ишланган ва кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган объектлардандир. Бу муаммони тадқиқ этишда олимлар ўз олдига шундай масалани қўйганлар, яъни, индивид якка ҳолда яхши ишлайдимн ёки гуруҳда яхшироқ самара берадими, бошқа одамларнинг ёнида бўлиши унинг фаолиятига қандай таъсир кўрсатади. Шунини таъкидлаш лозимки, бундай шароитларда индивидларнинг ўзаро ҳамкорлиги эмас, балки уларнинг бир вақтда бир ерда бирга бўлганлиги фактининг таъсири ўрганилди. Олинган маълумотлар шунини кўрсатдики, бошқалар билан ҳамкорликда бўлган индивид фаолиятининг тезлиги ошади. лекин ҳаракатлар сифати анча пасайиши аниқланди. Бундай маълумотлар америкалик Н. Триплетт, немис олими А. Майер, рус олими В.М. Бехтерев, яна бир немис олими В. Мёде ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам қайд этилди. Бу психологик ҳодиса ижтимоий психологияда ижтимоий *фасцилитация* номини олди, унинг моҳияти шундан иборат эдики, индивиднинг фаолият маҳсулларига унинг ёнида бўлган бошқа индивидларнинг бевосита таъсири бўлиб бу таъсир аввало сенсор кучайишлар ҳамда иш-ҳаракатларнинг, фикрлашларнинг тезлигида намоён бўлади. Лекин айрим экспериментларда тескари эффект ҳам кузатилди, яъни бошқалар таъсирида индивид реакцияларидаги тормозланиш фаолиятининг сусайиши ҳолатлари; бу нарса фанда *ингибиция* деб аталади.

2-§. Кичик гуруҳларга оид қонуниятлар, уларнинг классификацияси: расмий ва норасмий гуруҳлар, бирламчи ва иккиламчи гуруҳлар

Биринчидан, кичик гуруҳларнинг ҳажми, уни ташкил этувчи шахслар сони хусусида шундай фикрга келиндики, кичик гуруҳ «диада» икки кишидан тортиб, то мактаб шароитида 30-40 кишигача деб қабул қилинди. Икки кишилиқ гуруҳ дейилганда, аввало оила – янги шаклланган оила кўпроқ назарда тутилади. Лекин самарали ўзаро таъсир назарда тутилганда 7-2 киши кўзланади. Бундай гуруҳ турли ижтимоий психологик тадқиқотлар учун ҳам, социал психологик тренинглар ўтказиш учун ҳам қулай ҳисобланади.

Иккинчидан, гуруҳнинг ўлчами қанчалиқ катта бўлса, унинг алоҳида олинган шахслар учун кадрсизланиб бориш хавфи кучаяди. Яъни, шахснинг кўпчилиқдан иборат гуруҳдан ўзини тортиш ва унинг нормаларини бузишга мойиллига ортиб боради.

Учинчидан, гуруҳнинг ҳажми кичиклашиб борган сари шахслараро ўзаро муносабатлар таранглашиб боради. Чунки, шахсларнинг бир-бирлари олдида масъулиятларининг ошиши ва яқиндан билишлари уларнинг ўртасидаги алоқаларда доимо аниқлик бўлишини талаб қилади. Муносабатлардаги ҳар қандай дисбаланслар, яъни номутаносибликлар очик ҳолдаги зиддиятларни келтириб чиқаради.

Тўртинчидан, агар гуруҳ аъзоларининг сони тоқ бўлса, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар жуфт бўлган ҳолдагидан анча яхши бўлади. Шундан бўлса керак, бошқарув психологиясида одамларни бирор нимага сайлашда ва умуман расмий танловларда гуруҳдаги одамлар сони тоқ қилиб олинади.

Бешинчидан, шахснинг гуруҳ таъйиқиға берилиши ва бўйсунуши ҳам гуруҳ аъзоларининг сонига боғлиқ. Гуруҳ сони 4-5 киши бўлгунга қадар, унинг таъсири кучайиб боради, лекин ундан ортиб кетгач, таъсирчанлик камайиб боради. Масалан, кўчада содир бўлган бахтсиз ҳодисанинг гувоҳлари сони ортиб борган сари, жабрланганга ёрдам беришга интилиш, масъулият ҳисси пасайиб боради.

Бу қонуниятларни билиш, табиий гуруҳларни бошқариш ишини анча енгиллаштиради.

КИЧИК ГУРУҲЛАРНИНГ КЛАССИФИКАЦИЯСИ.

Р.С.Немов кичик ижтимоий гуруҳларнинг куйидаги классификациясини таклиф этган:

1-расм.

<i>КИЧИК ГУРУҲЛАРНИНГ ТУРЛАРИ</i>	
шартли (номинал)	реал (ҳақиқий)
табиий	лаборатория типли
формал (расмий)	Ноформал (норасмий)
кучсиз ривожланган	кучли ривожланган
корпорация	жамоалар
референт	нореферент

Тарихан кичик гуруҳларни расмий ва норасмий турларга бўлиш қабул қилинган. Бундай бўлинишни америкалик олим Э. Мэйо таклиф этган эди. Унинг фикрича, расмий гуруҳ ҳар бир аъзоларнинг расмий ролларга эга эканлиги, улар мавқеининг ва гуруҳда тутган ўрнининг аниқлиги билан характерланади. Бундай гуруҳларда муносабатлар асосан «вертикал» тарзда рўй бериб, гуруҳнинг бир ёки бир неча аъзосида «ҳокимият» бўлганлиги учун ҳам, улар бошқаларни бошқариш, уларга буйруқ, расмий кўрсатмалар бериш ҳуқуқига эга бўладилар. Расмий гуруҳга мисол қилиб ҳар қандай биргаликдаги фаолият мақсадлари асосида шаклланган жамоаларни – ишлаб чиқариш бригадаси, талабалар гуруҳи, синф ўқувчилари, педагогик жамоа ва бошқаларни олиш мумкин.

Расмий гуруҳлардан фарқли ўлароқ норасмий гуруҳлар ҳам мавжуд бўладика, улар асосан стихияли тарзда, аниқ мақсадсиз таркиб топади ва уларда аъзоларнинг аниқ мавқелари, роллари олдиндан белгиланган бўлмайди. Кўпинча норасмий гуруҳ расмий гуруҳ таркибида ташкил топади ва уларни бошқариш ҳам олдиндан белгиланган бўлмай, одамлар ичидан у ёки бу шахсий сифатлари туфайли ажралиб чиққан аъзолар норасмий раҳбарлик родини бажаришлари мумкин.

Бундан ташқари, ижтимоий психологияда **референт гуруҳ** тушунчаси ҳам бор. Бу тушунча фанга биринчи марта америкалик тадқиқотчи Г. Хаймен томонидан 1942 йилда киритилган эди. У ўз тадқиқотларида шуни исбот қилдики, маълум бўлишича, гуруҳ аъзолари учун шу гуруҳ ичида ёки бошқа доираларда шундай шахслар гуруҳи мавжуд бўлар эканки, у ўз хатти-ҳаракатлари, фикрлари ва йўналишларида ўша гуруҳ аъзоларига эргашиш,

уларнинг фикрларини танқидсиз қабул қилишга мойил ҳамда тайёр бўлар экан. Шундай шахслар гуруҳи *референт гуруҳ* номини олди. Ўқувчи учун бундай гуруҳ ролини мактабдаги бир неча ўқитувчилар, отаси ёки онаси, яқин дўсти ёки қариндошларидан кимдир ўйнаши мумкин. Шуниси характерлики, шахс доимо шу гуруҳга эргашади, уни қадрлайди, у билан мулоқотда бўлишга интилади. Рус психологлари бу гуруҳни одатда шахс учун мавжуд ҳақиқий гуруҳ (аъзолик гуруҳи) таркибида ёки унга қарши бўлган гуруҳ сифатида қарайдилар. Нима бўлганда ҳам ана шундай гуруҳнинг мавжудлиги шахс учун аҳамиятли бўлиб, унинг хулқ-атвор учун эталон ҳисобланади. Тадқиқотчи ёки тарбиячининг вазифаси, ана шу гуруҳни аниқлай олиш ва аниқлагандан сўнг нима учун айнан шу гуруҳ референт ролини ўйнаганини билиш муҳимдир. Референт гуруҳга қараб шахсга баҳо бериш, унинг хулқ-атворини башорат қилиш мумкин.

Агар одамлар кўчада тасодифий ҳодисани томошабини бўлиб туришган бўлса, уларни психология тилида гуруҳ эмас, **агрегация (оломон)** деб аташади. Ҳақиқий гуруҳ учун ўша одамларнинг барчасига алоқадор умумий фаолият ва ҳамкорлик қилиш, бир – бирларига таъсир кўрсатиш имконияти бўлиши керак. Америкалик психолог Ч. Кули ҳамкорликнинг даражаси мезонига кўра гуруҳларни бирламчи ва иккиламчи турларга бўлиб ўрганишни таклиф этган эди. *Бирламчи гуруҳда* шахслараро ўзаро таъсир «юзма – юз, бевосита» рўй беради. Масалан, оила даврасидаги, синфдаги, ҳисобчилар хонасида ўтирганлар бирламчи гуруҳга мисолдир.

Иккиламчи гуруҳларда ҳар доим ҳам одамларнинг бевосита мулоқотда бўлиш имкониятлари бўлмайди. Улар ўртасидаги муносабат ва ўзаро таъсир билвосита бўлади. Масалан, йирик бир ташкилотдаги тизимлар орқали мулоқот, касаба уюшмасига бирлашган одамлар, «Ватан» тараққиёти партияси аъзоларининг боғлиқлиги иккиламчи гуруҳга мисол. Уларда ҳам умумийлик бўлади, масалан, ўша партияни оладиган бўлсак, улар Қашқадарёда бўладими, Фарғонадами, барибир умумий ғоя атрофида бирлашишади, аъзолик бадалларини вақтида тўлаб туришади, сайлов олди компанияларида бир-бирларини қўллаб-қувватлаб турадилар.

Турли гуруҳлар инсон ҳаётида бир неча функцияларни бажарадилар: а) ижтимоийлаштирувчи функция; б) инструментал,

яъни, аниқ меҳнат функцияларни амалга оширишга имкон берувчи муҳит; в) экспрессив – одамларнинг ўзгаларнинг тан олишлари, ҳурматга сазовор бўлиш, ишонч қозонишини таъминлаш; г) қўллаб-қувватлаш, яъни, қийин пайтларда, муаммолар пайдо бўлганда одамларни бирлаштириш функцияси.

Кичик гуруҳлардаги динамик жараёнлар. Маълумки, гуруҳда тўпланган кишилар ўртасида доимий мулоқот ва муносабатлар мавжуд бўладики, уларнинг мазмуни ва йўналишига кўра, ўзига хос социал психологик муҳит шаклланади. Бу муҳит гуруҳнинг тараққиётини ҳам, ундаги турли жараёнларни ҳам белгилайди. Гуруҳнинг динамик жараёнлари деганда аввало унинг шаклланиш жараёни, лидерлик ва гуруҳда турли қарорларни қабул қилиш жараёни, гуруҳнинг ҳар бир шахсга таъсири кабилар тушунилади.

Гуруҳнинг шаклланиши, унинг пайдо бўлиши ҳақида гапириладиган бўлса, аввало шуни таъкидлаш лозимки, гуруҳ жамият эҳтиёжлари ва ижтимоий талаблар асосида пайдо бўлади. Масалан, синф жамоаси доимо болаларнинг ривожланиши ва уларнинг мактабларда таълим олишлари кераклиги учун, талабалар гуруҳи ҳам шунга ўхшаш олий маълумотли шахслар керак бўлганлиги учун пайдо бўлади ва ҳоказо. Лекин бу масаланинг ижтимоий томони. Унинг соф психологик томони ҳам борки, у одамларнинг нима учун жамоаларда ишлаши, одамлар ичида бўлиши билан боғлиқ. Чунки ҳар бир нормал инсонда мулоқотга бўлган эҳтиёж ҳамда турли ҳаётий вазиятларда ўзини ижтимоий ҳимояда сезиш эҳтиёжи борки, бу нарса турли кичик жамоаларда уларнинг бўлишини тақозо қилади. Лекин гуруҳга аъзо бўлиш билан биргаликда ҳар бир индивид қатор гуруҳий жараёнларнинг гувоҳи бўлади.

Биринчидан, гуруҳ ўз аъзоларига маълум тарзда психологик таъсир кўрсатади. Бу ҳодиса психологияда конформизм деб аталади (ўзбек тилида «мослашиш» маъносини билдиради). Бу ҳодисанинг моҳияти шундан иборатки, у индивиднинг гуруҳда қабул қилинадиган нормалар, фикрлар, хулқ-атвор стандартларини қанчалик қабул қилиши ёки қабул қилмаслиги билан боғлиқ. Гуруҳ фикрини қанчалик тез қабул қилиш унинг таъсирига берилиш индивид билан гуруҳнинг зиддиятларини олдини олиши мумкин. Шунинг учун ҳам индивид ана шундай хатти-ҳаракат қилишга интилади. Лекин ана шундай гуруҳ фикрига, ҳаракатига қўшилиш

турли шаклларда бўлиши мумкин: *ташқи конформлилик* – индивид гуруҳ фикрига номигагина кўшилади, аслида руҳан у гуруҳга қарши туради; *ички конформлилик* – индивид гуруҳ фикрига тўлиғича кўшилади ва руҳан қабул қилади. Ана шундай ҳолларда индивид билан бошқалар ўртасида зиддият ёки конфликтлар пайдо бўлмайди. Бу ўринда яна бир тушунча ҳам бор, у ҳам бўлса «*негативизм*» тушунчасидир, бу индивиднинг ҳар қандай шароитда ҳам гуруҳ фикрига қарши туриши ва ўзича мустақил фикр, мавқени намоён қилишидир. Бу табиий индивид учун ноқулай, лекин мустақил фикр, одил ҳаракатлар доимо ҳурмат қилинадиган жамоаларда негативизм ҳодисаси ёмон иллат сифатида қабул қилинмайдн.

Гуруҳлардан яна бир жараён-бу гуруҳнинг уюшқоқлиги муаммосидир. Гуруҳ аъзоларининг бир-бирларини яхши билишлари, бир-бирларининг дунёқарашлари, ҳаётий принциплари, қадриятларини яхши тасаввур қилишлари бундай уюшқоқликнинг биринчи омилидир. Иккинчи ва асосий омил – бу ўша гуруҳни бирлаштириб турган фаолият мақсадларини, унинг йўналиши ва мазмунини билишдаги ғоявий бирликдир. Умуман, экспериментал тадқиқотларда қайд этилган гуруҳга оид фикрлардаги умумийлик уюшқоқликка ижобий замин ҳисобланади.

Гуруҳнинг *автономлиги даражаси* ҳам маълум аҳамиятга эга омил, чунки ҳар бир аъзо умумий мақсад асосида бирлашган бўлса ҳам, уларнинг ҳар бирининг ўз бурч ва вазифалари бор ва шу нуқтаи назардан ҳар одам ўз имкониятларини ўзича ишга солиб, ўзаро муносабатларга сабаб бўлади.

Гуруҳнинг психологик тизимга таъсир этувчи омилларга яна уларнинг жинсий, ёш жиҳатдан, маълумоти ва малакаси нуқтаи назаридан фарқ қилувчи, уйғунликни ташкил этувчи омиллар ҳам киради.

Гуруҳлардаги лидерлик ва умумий қарорларга келиш ҳам динамик жараёнларга киради.

Конформизми ва нонконформизм ҳодисаларининг моҳияти

Конформизм – бу реал ёки тасаввурлардаги гуруҳнинг шахс эътиқоди ва хулқ-атворида таъсирини тушунтирувчи ҳодисадир. У икки хил намоён бўлиши мумкин:

■ ён бериш – қалбан кўшилмаса-да, ташқи ҳарактада кўпчилик фирига эргашиш;

■ *маъқуллаш* – эътиқод ва қарашларнинг ижтимоий тайзиққа тўла мос келиши.

Конформизмнинг табиатини тушунтирувчи экспериментлар (масалан, Музафер Шериф, Соломон Аш, Милграм ва б.қ.) маълум маънода бизга ҳаётда ёқмайдиган нарсаларнинг келиб чиқишини, масалан, жоҳилликнинг, ўғрилиқ ёки бошқа иллатларнинг табиатини тушунишга имкон беради, яъни, *жоҳиллик ёки ёмонлик*, албатта ёмон одамларнинг борлиги учун келиб чиқмайди, балки одамларнинг турли вазиятларда ноҳақликка кўникишлари ёки худбинлик ёки ёвузликни кўриб ўтиб кетавериш, уларга нисбатан *исённо намоён қилмаслик* оқибатидир.

Конформизм ҳодисасини экспериментал йўл билан ўрганган тадқиқотчиларнинг фикрича, бу – маълум шарт-шароитларнинг оқибатидир. Масалан, конформизм гуруҳнинг катта ёки кичиклигига, унинг *ҳажмига* боғлиқ. Одамлар ўзлари учун бироз бўлса-да, обрўли ёки ёқимтой бўлган одамлар сони уч ёки ундан ортиқ бўлган шароитда уларнинг гапларига жуда тез ишониб, эргашиб кетаверадилар. Бундан ташқари, юқори даражали конформизм ҳолати бирор масала юзасидан жавоблар кўпчилик ичида берилганда, ёки олдиндан бирор жавобга шаъма қилинмаган шароитда тез содир бўлади.

Нима учун одамлар конформизмни намоён этадилар, бу аслида инсон табиатига зид эмасми? деган савол табиий. Ёки бўлмаса, кўпчиликнинг таъсирига ўйламай-нетмай берилавериш яхшими? Бу шахснинг ўзлигига, мустақиллигига путур етказмайдими, деган савол ўринли бўлиб, унинг жавобини икки манбадан – жамиятнинг инсонлар учун ишлаб қўйган нормалари тизимидан, шунга мос тарзда одамнинг ўзгалар томонидан тан олиншига интилишидан ва одамларнинг ўзаро коммуникатив маълумотлар алмашилишлари жараёнида сўзлар ва иборалар орқали бир-бирларига етказадиган таъсирлари орқали тушунтиришга ҳаракат қилади.

Ким кўпроқ конформли, деган саволга кўпчилик муаллифлар аёлларнинг эркакларга, ёшларнинг катталарга нисбатан анча ишонувчан ва таъсирларга берилувчан эканликларини эътироф этадилар. Бундан ташқари, олимлар бу ҳодисанинг миллий-худудий ўзига хосликларини ва бу каби

хулқ-атвор айрим танг, суст вазиятларда одам иродасининг пастлаши сифатида намоён бўлишини айтишган. Нима бўлганда ҳам, бизнингча, шахсинг ташқи тазйиқларга берилиши, танқидсиз у ёки бу ҳаракат типларига эргашиб кетавериши индивидуал хусусиятларга эга бўлиб, у одамнинг дунёқарашига, менталитетига ва маълумоти даражасига боғлиқдир.

Нонконформизмчи? Кимлар ўзгалар фикрига эргашмайди? Шундай инсонлар тоифаси борки, улар кўпчиликка, қолаверса, иккиланувчиларга эргашолмайди. Улар ҳақида баъзан лидерлар термини, баъзида эса, «қўшилмаслар» ибораси ишлатилади. Бу яхшими ёки ёмонми? Ўзбекларда «Поладан ажраганни бўри ейди» деган мақол бўлишига қарамай, айнан ана шундай ягоналар, камчиликни ташкил этувчи «қўшилмаслар» тарихий шахслар ёки жамиятда туб ислоҳотларни бошловчилар бўлиб чиқади. Агар бундай қобилият туғма – харизматик бўлиб, буни одамлар қалбан ҳис қилсалар, улар норасмий лидерларга айланади, агар бундай интилиш атайлаб, бошқаларга кўрсатиб қўйиш учун намоёиш этилса, улар расмий лидерларга – раҳбарларга айланиб қоладилар. Нима бўлганда ҳам лидерлик ва раҳбарлик муаммолари ҳам ижтимоий психологиянинг устивор йўналишларидан ҳисобланади.



Гуруҳдаги психологик муҳит

Ижтимоий психологик муҳит деганда, ўша гуруҳнинг аъзолари фикрлари, хиссиётлари, дунёқараши, установакалар ва ўзаро муносабатларидан иборат бўлган эмоционал-интеллектуал ҳолати тушунилади.

Гуруҳнинг шахсга ижобий таъсири ҳодисасини *фасцилитация* деб аталади. Бунда шахс ўзидаги қобилият ва фазилатларини, ишчанлик хусусиятларини намоён қила олиши кузатилади.

Шахс ўзидаги қобилият, имконият ва лаёқатини юзага чиқара олмаса, бунда гуруҳ унга салбий таъсир кўрсатса, шахсда тормозланиш намоён бўлади, бу ҳодисани *ингибиция* деб аталади.

Мавзуда гуруҳ, гуруҳларнинг турлари: шартли, реал, расмий, норасмий, катта, кичик, референт, нореферент; гуруҳнинг шахсга таъсири: ингибиция, фасцилитация; гуруҳдаги динамик жараёнлар: уюшганлик, автономлилик, тарқоқлик, лидерлик, конформизм, негативизм тушунчалари ва моҳияти атрофлича баён этиб берилган.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Кичик гуруҳлардаги ижтимоий-психологик феноменлар ҳақида нималарни биласиз?
2. Кичик гуруҳларга оид қонуниятлар ҳамда уларнинг классификацияси ҳақида сўзлаб беринг.
3. Референт гуруҳ тушунчасига таъриф беринг.
4. Кичик гуруҳларда содир бўладиган динамик жараёнлар ҳақида тушунча беринг.
5. Конформизми ва нонконформизм ҳодисаларининг моҳияти нималардан иборат?

12-мавзу. ЖАМОАДАН ТАШҚАРИ АХЛОҚ ПСИХОЛОГИЯСИ

1-§. Жамоадан ташқари ахлоқ психологияси ва уни белгиловчи омиллар

Шахснинг жамоадан ташқаридаги хатти-ҳаракат психологияси: бу-уларнинг хатти-ҳаракатини қонун доирасидан ташқарига

чиқиши ва жамиятда ўрнатилган тартиб қоида қонунларни билиб билмасдан уларга қарши зид хатти-ҳаракатларни содир этишдан иборат.

Аммо инсонларнинг жамоадан ташқаридаги салбий хатти-ҳаракатларига оид жиноятлар Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 244, 277-моддалари асосида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинган ва оммавий тартибсизликларда қатнашган ҳамда жамоат тартибини бузган шахсларга нисбатан беш йилдан ўн йилгача ёки ўн йилдан ўн беш йилгача бўлган муддатда озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Бироқ, инсон ўзининг ҳаёти ва ижтимоий фаолияти давомида турли туман воқеа ҳодисаларга дуч келади, айниқса муомала вақтида шахс ўзи хоҳлаган ва хоҳламаган шахслар билан учрашади, мулоқотга киришади. Натижада уларнинг дунё қарашига, ички руҳий ҳолатига қараб психологик жиҳатдан жамоалар пайдо бўла бошлайди, бундай жамоалар илмий тилда «Инсоннинг жамоадан ташқаридаги хатти-ҳаракатлари» дейилади, чунки жамоаларни фаолиятини бошқариш ва йўналтириш мумкин, инсоннинг жамоадан ташқаридаги хатти-ҳаракатларини маълум маънода бошқариб бўлмайди, сабаби жамоада инсоннинг ўзига бўлган ишончни ошишини ва натижада ўзини ўзи назорат қилиш, бошқаришнинг сусайишини кўзатиш мумкин. Шу нуқтаи назардан ҳаракатдаги жамони тартибга солиш мумкин /куч орқали/ чунки уларнинг ўз психологик қонуниятлари мавжуд.

Инсоннинг жамоадан ташқаридаги хатти-ҳаракатлари кенг маънода бўлиб биз шундан фақат **миш-мишлар** ва **оломон психология** ҳақида тўхталиб ўтамиз.

2-§. «Инсоннинг жамоадан ташқари хатти-ҳаракати» тушунчаси

Турли жамоаларни ҳаракатга келтирувчи омиллардан бири бўлмиш миш-миш гаплар ҳамда оломон доимо юристлар, психологлар ва социологлар диққат эътиборида бўлишган. Жамоадан ташқаридаги ахлоқ психологияси ҳақида бир қатор олимлар ўз қарашларини баён этган масалан: француз психологи Ле Бон Гюставнинг фикрига кўра «Инсоннинг маълум бир гуруҳ ёки жамоа орасида ўзига бўлган ишончни, иродавий кучининг

ортишини ва интеллектул онгининг сусайишини кузатамиз. Аксарият ҳолларда оломондаги одамда ўз хатти-ҳаракатига нисбатан назоратнинг йўқолганлигини кўриш мумкин».

Рус олими Ф.Н. Плевако инсонларнинг жамоадан ташқаридаги хатти-ҳаракатларини психологик жиҳатдан таҳлил этган ва умумий бир хулосага келган. Муаллифнинг фикрича «Оломон – катта бир девор, ундаги одамлар эса унинг девор элементларидир. Оломон орасида бўлиш, ундаги инстинкт белгиларидир. Инсоннинг жамоадан ташқаридаги хатти-ҳаракатларидаги зарур элементларидан бири улардаги лидерни мавжудлигидир. Шу нуқтаи назардан инсонинг жамоадан ташқари хатти-ҳаракати тушунчаси ижтимоий психология ва юридик психологияда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу инсон хулқ-атворининг маълум маънода ҳуқуқий меъёрдан чиқиши, унда импульсив (шартсиз рефлекс) ҳаракатни намоён бўлиши билан изоҳланади. Бундан ташқари инсон руҳиятида кучли кўзғалишни, ҳиссий мувозанатсизликни ва идрок этиш кўламнинг торайишини сезиш мумкин. Инсонларнинг жамоадан ташқари хатти-ҳаракатида асосий ролни инсонларга раҳбарлик, ташкилотчилик қилаётган лидерлар доминантлик (устунлик) қилади. Шунинг учун ҳам жинсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан инсонларнинг жамоадан ташқари хатти-ҳаракатларига баҳо берилганда лидерлар жамоанинг ташкилотчиси ва раҳбари ҳисобланади. Ва асосан улар миш-мишларни тарқатишда ҳамда оломонни ҳаракатга кетиришда катта роль ўйнайди. Ижтимоий психологияда шахснинг ижтимоий муносабатларга киришиши, уларнинг турли ижтимоий кўринишлардаги хатти-ҳаракатларининг ижтимоий психологик қонуниятлари ўрганилади. Чунки инсонларнинг бир-бирларини идрок этиши, муносабатлар механимини яратади. Шу нуқтаи назардан инсонларнинг жамоадан ташқаридаги хатти-ҳаракатларини тартибга солишда бевосита юридик психологияни ўрганиш яъни, инсон хулқ-атворини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва меъёрлаш мақсадга мувофиқдир.

Чунки, ҳар бир жамиятда жамоатчилик фикри, кайфияти ва ички маънавий-руҳий дунёқараши асосида ижтимоий психологик кўринишлар ҳодисалар, воқеалар намоён бўлиб, бу динамик характерга эга. Яъни оломондаги инсоннинг хатти-ҳаракатларига ҳам биологик, ҳам ижтимоий омиллар доминантлик (устунлик)

қилади. Натижада инсонда ташқи ҳодисалар таъсирига берилишни, ички иродавий бошқарувни ва ўзини ўзи назорат қилишнинг сусайишини кўзатиш мумкин.

Бу борада атоқли рус олими М.И.Еникеевнинг «Аксарият жиной хатти-ҳаракатларнинг замирида одамларнинг айрим ижтимоий кўринишларга бўлган дезадаптациялашуви (мослаша олмаслиги) сабаб бўлади» деган фикрларида маълум маънода ҳақиқат мавжуд.

Шу нуқтаи назардан, ички ишлар органи ходимлари ўз касбий фаолиятларида асосий ижтимоий-психологик кўринишлар (миш-мишлар, оломон)га қарши курашишида ундаги оломонларнинг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятларини ва географик шарт-шароитларини чуқур ўрганиши ҳамда таҳлил қилиши муҳим ўрин тўтади. Инсон ҳаёти давомида урф-одатлар, этник ва ижтимоий қадриятларга риоя этишга мажбур. Бу ўз навбатида унинг жамоадаги ички бир муҳитни яратишидаги психологик механизм сифатида намоён бўлади. Аксарият ҳолларда инсонларни хатти-ҳаракатларининг ҳуқуқий нормадан чиқишига уларнинг айрим ижтимоий муносабатларга мослаша олмаслиги бош омиллардан биридир. Чунки ижтимоий мослашувчанликнинг йўқлиги нафақат ички қадриятларнинг, установкаларнинг сустлигида балки ундаги ижобий ижтимоий стереотиплар ва куникмаларнинг шаклланмаганлигида ва ўзига-ўзи берган баҳонинг пастлигида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан «миш-миш гапларга ва оломон таркибига кирувчи одамларнинг аксариятида психологик юқимлилиқ, конформизм (ташқи таъсирларга тез берилувчанлик) ҳолатлари кўпроқ кузатилади» деган айрим олимларнинг фикрлар ва қарашлари ҳам мавжуддир (М.И. Еникеев, Ф. Плевако ва бошқ.).

Шуни айтиш жоизки, бугунги кунда жамиятда бўлаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар бевосита инсонлар онгига ўз таъсирини ўтказди ва бу кайсидир маънода инсон хатти-ҳаракатларини маълум бир меъёрдан чиқишига сабаб бўлувчи бош омиллардан биридир. Чунки ҳар бир инсон маълум бир жамоада ўзининг ички дунё қарашлари, эҳтиёж ва мотивлари асосида қандайдир функцияни, ролни бажаради.

Юқорида қайд этилган мушоҳадалардан келиб чиққан ҳолда асосий ижтимоий-психологик кўринишлардан бири бўлмиш миш-миш гаплар ва оломон психологиясини ўрганиш бугунги кунда

ички ишлар органлари ходимлари фаолиятидаги муҳим муаммолардан бири саналади. Шу сабабли, ижтимоий-психологик кўринишлардан бири бўлмиш миш-миш гаплар ва оломон психологияси борасида тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб биламиз.

Асосий ижтимоий психологик кўринишлар, яъни миш-миш гаплар ва оломон ички ишлар органлари ходимлари учун доимо оператив қизиқув уйғотган ва ҳамма вақт миш-миш гаплар тарқатган ҳамда жамоат хавфсизлиги, тартибига хавф солувчи шахслар ҳисобга олинган.

3-§. Ички ишлар органлари фаолиятида ашаддий ва ғаразли миш-мишлар ва уларнинг олдини олиш

Миш-миш гаплар психологик тузилишга кўра ижтимоий ходиса бўлиб, 20-йиллардан бошлаб махсус ўрганилиб келинмоқда. Бундай ўрганишнинг сабаби шуки, 20-йиллардаги сиёсий-ижтимоий, иқтисодий аҳвол ва аҳолининг саводсизлиги бўлиб, бундан кўпгина шахслар ғаразли ниятларда фойдаланишган. Шу даврда миш-миш гаплар инсонлар ҳаётида ва тақдирида катта роль ўйнаган.

Миш-миш гаплар моҳиятига кўра хабар (маълум маънода) вазифасини бажаради, шунинг учун ҳам баъзи шахслар ҳаётида бу миш-миш гаплар муҳим роль ўйнайди.

Кўп ҳолларда миш-миш гапларнинг кучи ҳақиқий информациядан ҳам кучли бўлиши мумкин (баъзи ҳолларда маълум вақт худди шундай бўлади).

Кўп ҳолларда миш-миш гаплар ҳудуддаги оператив ҳолатларга ҳам яхшигина таъсир қилади. Масалан: нарх-навонинг кўтарилиши, пулнинг алмашиши борасидаги миш-мишлар инсон руҳиятига кучли таъсир кўрсатади ва кўп ҳолларда инсонларнинг ҳиссий зўриқишларига сабаб бўлади, натижада улар хатти-ҳаракатларининг рамкадан чиқишига олиб келади. Ёки, кучайтирилган калонияда маҳкум этилган шахс ўзининг салбий жиҳатлари билан кўпчиликнинг психологиясига таъсир қилиши ва унинг изоляторга қамаб қўйилиши, у ерда у ўзининг азалий (эски) касали кўзғаб юраги увушиб ўлиб қолиши, калонияда эса салбий миш-мишлар тарқалиши, гўёки уни назоратчилар урган ва уларнинг калтаги

зарбидан ўлган деган гапларнинг тарқалиши, бу маҳкум этилганларнинг кучли эътирозига сабаб бўлиши, оқибатда маҳкумларнинг иш ташлашига, қўзғалон кўтарилишига олиб келади. Натижада улар мурдани қамоқхонадан олиб чиқиб кетишга йўл беришмайди. Оқибатда гуруҳли ЭКЦЕСЕ (лотин тилидан олинган), шунингдек, калония ҳаётида носоғлом психологик иқлим юзага келади. Гуруҳдаги одамлар ҳаётида кучли зўриқиш ҳосил бўлади. Бу калония ҳаётига салбий таъсир қилади.

Кўпчилик ҳолатларда миш-ишларнинг нотўғри тарқатилишига ва эътирозли ҳолатларнинг пайдо бўлишига нафақат манфаатли шахслар (маҳкумлар ва ҳ.к.), балки айрим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг нотўғри хатти-ҳаракатлари ва хабарлари ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Миш-миш гаплар нима ва унинг қандай бошқа воқеалардан ажратиб турадиган белгилари бор?

Миш-миш гаплар бу воқеа, ҳодисалар ҳақидаги хабар бўлиб, бундай миш-мишлар ҳеч ким томонидан тасдиқланмаган ва бир киши томонидан иккинчи бир кишига етказиладиган оғзаки хабардир. Миш-миш бўлган воқеа ёки ҳодисалар тўғрисида ёки ўйлаб топилган бўлиши мумкин.

Миш-миш гаплар ҳам ўз характериға ва мазмуниға қараб бўлинади. Миш-миш гаплар бу биз айтганимиздек, ўз характериға ва мазмуниға қараб бўлинади: иқтисодий, сиёсий ва маиший соҳадаги миш-миш гаплар. Миш-миш гаплар бу, биз айтганимиздек, хабар бўлиб, кишиларнинг шу муаммо воқеа ва ҳодиса бўйича вақтинчалик талабини қондириш демакдир.

Миш-мишнинг келиб чиқишиға инсон(лар)ни қизиқтираётган муаммо юзасидан хабарнинг етишмаслиги сабаб бўлади.

Ғаразли миш-миш гапларни тарқатишда бир ёки бир неча шахснинг атайлаб тўқиган миш-миш гаплари ҳудудда мураккаб вазиятни яратиш мумкин.

Агар мабода миш-миш гаплар долзарб мавзуга бағишланган бўлса, узоқ муддат чўзилиши мумкин, аммо долзарблигини йўқотса, миш-миш гаплар ўз кучини ҳам йўқотади. Миш-миш гаплар энг узоғи билан бир ойға чўзилади.

Умуман, миш-миш ўз характериға кўра, тўғри, айнан хабарнинг ўзини ташкил қилмайди. Миш-миш гапларда бир шахсдан иккинчи

шахсга ёки бир гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтишда қандайдир сўзларида қўшимча ўзгаришга бўлади (масалан «миш» қўшилади).

Миш-миш гаплар агрессив (ашаддий) бўлади. Бундай ашаддий миш-миш гапларга мисол сифатида 1992 йилдаги талабалар шаҳарчасида бўлган воқеани кўз олдингизга келтиринг. Бундай ҳолатларда одамлар ҳеч нарсага ишонмайдиган бўлиб қоладилар, айниқса, бу каби ҳолатлар кичик-кичик гуруҳлардаги одамлар орасида кўп учрайди. Миш-миш гаплар, ўз характериға кўра, махсус ташкил этилади ва бирдан юзаға келиши мумкин.

Махсус ташкил этилган миш-миш гапларнинг ўз мақсадлари бор, яъни бу яшириш мотивлар, ғаразли ниятлар билан ташкил этилади.

Миш-миш гаплар кишлар онгига етиб боргандан кейин қуйидагича ўзгариш содир бўлади:

- 1) шу муаммо бўйича онгда маълум тасаввур юзаға келади;
- 2) аҳоли орасида гуруҳ-гуруҳ бўлиб юришиб, жамиятдаги мавжуд тартибни бузиш юзаға келади.

Шунингдек, ер қимирлаш, табиий офатлар, террористик актлар ҳақидаги миш-мишлар инсонларда қўрқув ҳиссини пайдо қилади.

Миш-миш тарқатувчи шахсларға хос психология шундан иборатки, улар ҳамиша бу хабар ишончли манбалардан деб айтади. Бу билан у одамлар орасида ўзини билағон қилиб кўрсатишға ҳаракат қилади, баъзи ҳолларда баъзи одамлар шундай деяпти дейди, лекин ким десангиз билмайди.

Миш-миш гаплар тарқатаётганда у ҳам ўз циркуляциясига эға бўлади: миш-миш гаплар куч олади ёки янгиланади. Бир мисол, нарх-наво ошиши билан, маълум маънода, миш-миш гаплар янгиланади ва маълум ҳақиқатға айланади. Буни биз психологик жиҳатдан таърифлашимиз мумкин (масалан, нарх-наво соҳасида киши ўзининг фикрини бошқа бир шахс билан ўртоқлашиши мумкин, бу билан биринчи шахс ўзининг юкини ўзи билмаган ҳолда енгиллаштиради, чунки унинг ичида сақланиб турган, йиғилиб қолган стресс чиқиб кетади)

Миш-миш гапларға қарши курашиш мумкинми? Албатта, ҳа. Бундай кураш очик характерға эға ёки профилактик тадбир (ОАВ орқали) бўлиши мумкин. Миш-миш гапларнинг географик ҳолатини кузатиб, сўнгра унга қарши кураш олиб бориш керак.

Профилактик йўл оммавий ахборот воситалар орқали олиб борилади. Ушбу йўл энг кенг тарқалган ва опрабация (синов)дан ўтган йўл ҳисобланади, у орқали, маълум маънода, миш-миш гапларга чек қўйишга ҳаракат қилинади.

Миш-миш гапларга қарши курашнинг ўз усуллари мавжуд ва уларни билмай туриб миш-миш гапларга қарши самарали курашиб бўлмайди.

4-§. Ички ишлар органлари фаолиятида оломон психологияси ва уни ҳисобга олишнинг ўзига хослиги

Оломон, ўзининг психологик жиҳатдан келиб чиқишига кўра, махсус (айрим) инсонлар томонидан ташкил этилган одамларнинг хатти-ҳаракатлари йиғиндисидир. Ёки бошқача қилиб айтганда, оломон махсус ташкил этилмаган омманинг тўпланиши ва ҳаракати бўлиб, уларнинг эмоционал ахлоқи ва хатти-ҳаракати бир мақсадга қаратилган бўлади.

Оломон ҳақида гапирар эканмиз, оломонни ўрганган олимлар ҳақида икки оғиз гапиришимиз мақсадга мувофиқдир.

Француз психолог олими Ле Бон биринчилардан бўлиб оломон психологиясини ўрганган ва назариясига асос солган. Либоннинг фикрича, «оломон йиғилганда унинг миллати, касби, тилидан, қатъи назар уларда мақсад битта бўлади ва уларнинг онгида тўла фикрлаш йўқолади, ҳатто ўлим ҳам уларга кўрқинчли эмас».

Оломон ўзининг характерига кўра агрессив (ашаддий) бўлиши мумкин ва ашаддий миш-мишлар оммавий тартиббузарликларни юзага келтиради.

Оломон психологиясида «меники» ва «уларники» деган фикр, албатта, мавжуд. Оломон – вазиятни мураккаблаштирувчи ва ўзига хос тезлаштирувчи генератор». Оломонга у ёки бу кучлар тўпланади ва ўт ёқади. Оломон психологиясида маълум ўзгаришлар мавжуд.

Тўсатдан юзага келган оломон – бу бирдан тўпланиб юзага келади, воқеа-ҳодисанинг моҳиятини тезда тушинишни хоҳлайди.

Экспрессив оломон – тўй-ҳашам ёки маракаларда йиғилган одамлар.

Конвенциал оломон – спорт ўйинларидаги одамлар. Улар кўп ҳолларда ахлоқ доирасидан чиқиб кетадилар ва бу уларнинг бақиришларида, қайғуришларида, қувонганларида намоён бўлади.

Ҳаракатдаги оломон – ўз ниятини кўзғолон орқали амалга оширадиган кўзғолончилар.

Ашаддий оломон – ҳамма ёқни синдирувчи, ўт ёқувчи ва бу каби ҳаракатлари орқали ўзи ҳам ваҳимага тушувчи оломон.

Экутастив оломон – бунда вақтинчалик фикрлаш маиший-иктисодий соҳада тўхтади, фикри-хаёли фақат бир нарсага қаратилган бўлади (масалан, мусулмон байрамларидаги, ҳайитларидаги оломон ҳаракати).

Оломонга ўт ёқувчилар (ғиж-ғижловчилар) оломоннинг хатти-ҳаракатини, ахлоқини издан чиқаради ва бир йўналишга қаратади. Бундай шахсларнинг ўзи ҳеч қандай йўлга юрмайди ва ўзи ишни бошлаб, кейин ўзлари оломон орасидан қочади.

Оломоннинг хатти-ҳаракатини қўллаб-қувватлаб юрадиган шахсларнинг бевосита иштироки кам бўлади. Оломон ҳаракатидаги энг дахшатли шахслар агрессив шахслардир, агрессив ҳолатидагилар ўз ахлоқини кўз-кўз қиладилар.

Баъзи ҳолларда шахслар ўзлари билмаган ҳолларда шу оқимга қўшилиб кетади ва оломонни тўлдиради. Буларнинг шундай аҳволга тушиб қолишида уларнинг ёлғон хабарга учиб қолиши сабаб бўлади.

Циркуляр реакция бу оломоннинг шаклланишига олиб келади. Бунда ҳар хил имкониятлар яратилади (масалан, фактлар (далиллар) ҳар хил хабарлар).

Душман образининг шаклланиши шундай ҳолки, душман фақат кўз олдида салбий ҳолатларни тасаввур қилади, бунда объект (оломон) норозилигини билдиради. Буларнинг ҳаммаси оломоннинг ҳаракатини фаоллаштиради. Бундай тасаввурдаги объектлар оммани бирлаштиради ва бир бутун қилади. Охирги босқич жамиятга қарши хатти-ҳаракатни юзага келтириш ва унинг фаолиятини фаоллаштиришдир.

Оломоннинг бир кўриниши ваҳимадир. Ваҳима тез эмоционалликни юзага келтиради. Жамoadан ташқари хатти-ҳаракат психологиясида, оломон ва унинг психологик ҳолатини бошқариш қийин жараён дир.

Оломондаги жамиятга қарши ҳаракатларнинг олдини олишда ҳар хил шакл ва усуллар мавжуд. Улардан бири оломоннинг ахлоқий психологик қонуниятларини билишдир. Мисол учун, оломоннинг ҳаракатини олдини олишда микрофон орқали мурожат қилинса яхши натижа беради, айниқса, исм-фамилияси билан мурожат қилинса самаралироқ бўлади. Бундай мурожат оломонни ва уни фикрини бир жойга тўплашга, жавобгарликни маълум маънода ҳис қилишга мажбур қилади. Оломон ўзининг психологик қонуниятларига ва белгиларига эга (масалан, ўзининг таркиби билан, босқичи билан бошқалардан ажралиб туради). Оломон психологиясини билиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар ходимларига зарурлигини яна шунда ҳам билишимиз мумкинки, оломон психологиясини билиш замон талабидир.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Жамоадан ташқари ахлоқ деганда нимани тушунаси?
2. Жамоадан ташқари ахлоқ психологияси ва уни белгиловчи омиллар ҳақида сўзлаб беринг.
3. Ички ишлар органлари фаолиятида ашаддий ва ғаразли миш-мишлар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида изоҳ беринг.
4. Миш-миш гапларнинг психологик тавсифи нималардан иборат?
5. Ички ишлар органлари фаолиятида оломон психологияси ва уни ҳисобга олишнинг ўзига хослиги нималардан иборат?
6. Оломоннинг турларига нималар киради?
7. Оломоннинг шаклланиш босқичларини тушунтириб беринг.

ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА ШАХС МУАММОСИ

13-мавзу. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ ВА ШАХС

1-§. Ижтимоий психологияда шахс муаммоси

Маълумки, шахсни кўплаб фанлар турли хил томондан ўрганади. Бир йўналиш биологик бўлса, бошқаси – социологик, яна бир тури индивидуал психологик ва Ниҳоят, яна бир ёндашув ижтимоий психологикдир. **Биологик** нуқтаи назардан шахс тараққиёти индивид наслий жиҳатдан орттирган генетик дастурларнинг амалда рўёбга чиқиши тарзида тасаввур этилади. **Социологик** ёндашув шахснинг маданий-тарихий муҳит таъсирида камол топишини тан олади. Улардан фарқли **индивидуал-психологик** ёндашув шахснинг ривожланишига унинг тана тузилиши ёки конституционал жиҳатлари ва асаб тизими типининг таъсири борлигини таъкидлаб, ўрганади.

Шахсни ўрганишнинг **ижтимоий-психологик ёндашуви** уни ижтимоийлашунинг бевосита маҳсули сифатида қараб, унинг ижтимоий психологик тизимини бевосита ўраб турган ижтимоий муҳит таъсирида ўрганади. Бу борада бир қанча олимларнинг ўзига хос нуқтаи назарлари ҳам мавжуд. Масалан, *К.К.Платонов* шахс тизимида тўртта асосий жабҳани ажаратади:

1) **Шахснинг йўналганлиги ва муносабатлари тизими**: унинг майллари, хоҳиш-истаклари, қизиқишлари, лаёқати, идеаллари, дунёқараши, эътиқоди қабиларни ўз ичига олади. Бу тизимдаги хусусиятлар ижтимоий характерга эга бўлиб, улар инсоннинг жамиятда яшаши, ундан оладиган тарбия шакллари, мафкуравий муҳит асосида шаклланади.

2) **Шахснинг индивидуал ижтимоий тажрибаси**: бу жабҳадаги сифатлар инсон ҳаёти мобайнида орттирадиган билимлари, малака ва кўникмалари асосида намоён бўлади. Бу сифатлар ижтимоий характерли бўлиб, кўпроқ таълим жараёнида шаклланади.

3) **Инсон психик жараёнларининг индивидуал хусусиятлари**: хотира, идрок, сезгилар, тафаккур, қобилиятлар каби бир қарашда туғма омилларга боғлиқ хусусиятлар инсон умри давомида

такомиллашиши ва унинг бошқа ижтимоий сифатлари таъсирида индивидуал ўзига хослик касб этиши мумкин.

4) **Биологик хусусиятларга боғлиқ шахс сифатлари:** бунга шахснинг типологик, ёшига оид, жинсий хусусиятлари киради ва у кўпинча биоижтимоий омиллар сифатида қаралади.

А.Н.Сухов ва А.А.Деркачларнинг таъкидлашларида шахснинг ижтимоий психологик хусусиятлари ҳақида гап кетганда, аввало унинг фикрлаш тарзи, қадриятлари тизими, мотивацион белгилари (йўналганлик, ҳаётий мақсадлар, режалар, ҳаёт тарзи), когнитив сифатлар (ижтимоий тасаввурлар, ҳаёт манзаралари тўғрисидаги фикрлари), «Мен» – концепцияси, «Мен» – образи, ўзига муносабати, ўзига нисбатан баҳоси; ўзини назорат қилиш локуси, психологик билимдонлиги, ролли мақомлари, ижтимоий ҳис-туёғулари ва бошқалар назарда тутилади.

Ижтимоий психология учун ҳар бир шахснинг қай тарзда ўз ҳаёт йўлини белгилаши ва жамиятда шахслараро муносабатлардаги **мақоми – статуси** муҳимдир. Бу борада уни ўраб турган катта – *макро ижтимоий борлиқ* ҳамда *микро – кичик ижтимоий борлиқ*нинг таъсирларини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Шахсга таъсир этувчи **макро муҳит** – бу инсон умри ўтадиган ва ҳаёти мобайнида унга таъсир этадиган табиий, ижтимоий ва ижтимоий шарт-шароитлар мажмуидир. Яъни, бизни ўраб турган жами борлиқ ўзининг ўзгарувчан ва нисбатан барқарор шарт-шароитлари билан бизнинг дунёқарашимиз, фикрлаш тарзимиз, қадриятларимизнинг шакланишига таъсир кўрсатади. Масалан, қадимий шаҳарлар – Самарқанд, Хива, Бухоро қабилар ўзларининг тарихий обидалари билан маънавий қадриятларимиз тизимини белгиласа, Фарғона водийси, Қашқадарё воҳаси, бетакрор Бойсун табиати эстетик дидларни тарбиялаш билан биргаликда шахснинг олам ва одам, ҳаёт маъноси ва қадриятлари каби тушунчаларини кенгайтиради, унинг ижтимоий тасаввурларини такомиллаштиради.

Макро муҳит ҳақида гап кетганда, олимлар унинг глобал мифёсдаги ҳамда ҳудудий таъсирларини фарқлайдилар. Бугунни очик ахборот маконида барчамиз бутун дунёда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларни идрок этиш ва уларга нисбатан муайян позициямизни шакллантиришга муваффақ бўлган бўлсак, бу глобал макро муҳит таъсирлари майдонини ташкил этади. Бунда ОАВ орқали берилаётган маълумотлар, телесериаллар, реклама роликлари, турли шоу-

кўрсатувлар, компьютер ўйинларининг роли сезиларлидир. Айниқса, ёшларнинг диди, талаблари, орзу-ҳаваслари, модага муносабати пайдо бўлишида шу каби глобал таъсирларнинг сезиларли эканлигига барчамиз гувоҳмиз.

Худудий жабҳада макро муҳитнинг таъсири қуйидаги омиллар орқали кечади:

- **демографик омил** – бу аҳоли зичлиги, туғилиш ва ўлимнинг динамикаси, умр давомийлиги, миграция жараёнлари ва б.қ.; масалан, аҳоли репродуктив маданиятининг ўзгариб бораётганлиги, оилада туғилаётган болалар сонинг камайиши, одамларнинг соғлом турмуш тарзи тўғрисидагитасаввурларининг ўзгариб бораётганлиги, замонавий тиббиётнинг инсон умрини узайтириш борасида қўлга киритаётган олмашумул ютуқлари, табиий, ҳар бир алоҳида олинган шахс психикасида муайян давр ва худудга нисбатан ўзгаришларнисодир этиши табиийдир;

- **табиий-экологик омил** – яшаш жойининг қаерда ва қанча территорияда жойлашганлиги, ҳаво ҳарорати, фойдали қазилмаларнинг мавжудлиги, экологик вазият ва шу кабилар; масалан, Ер қурасида глобал ҳарорат исиши жараёни кўплаб худудларда истиқомат қиладиган одамларнинг турмуш тарзига ўзгартиришлар киритиши билан биргаликда уларнинг дунёқарашини, ҳаётий позицияларини ҳам ўзгартиради, албатта;

- **илмий-техника омили** – худуддаги фан ва технологияларнинг қай даражада ривожланганлиги, компьютерлаштириш даражаси, техника тараққиёти ва бошқалар айниқса, болалар психологияга бевосита таъсир кўрсатмоқда; бугун олимлар, психологлар ёш болаларни қандай қилиб, компьютердан, интернет тармоғидан биров бўлса-да, чалғитиш, улар қизиқишлар оламига бошқа техник воситаларни тақдим этишни ўйламоқдалар, чунки доимий техника билан мулоқот инсоний муносабатларнинг қадрият сифатида чёкинишига олиб келиши, ўз навбатида шахс тизимида айрим салбий хусусиятларни шакллантириши мумкин;

- **иқтисодий омил** – аҳоли даромадлари манбаи, инфляция даражаси, ишсизлик ва аҳолининг иш билан бандлиги ва ҳоказолар ҳам шахсга таъсир этувчи муҳим омиллар бўлиб, аҳоли даромад манбаларининг ортиб бораётганлиги шахснинг ўз имкониятлари, профессионал қобилиятлари даражасининг юқори бўлишини тақозо этади;

- **сиёсий-ҳуқуқий омиллар** – мамлакатдаги сиёсий тузилма, расмий мафкуранинг бор ёки йўқлиги, қонунчилик тизимининг мукамаллиги, инсон ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши даражаси ва бошқалар ҳам шахсга таъсир этади. Масалан, Ўзбекистонда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги ролини кучайтиришга қаратилган қатор Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари уларнинг сайловлардаги иштирокини, давлат органлари ва қарор чиқарувчи органлар фаолиятидаги иштироклари учун равон йўللарни очиб берди. Шу боис бугун мамлакат Парламентининг қуйи Палатасида ҳам, юқори палатаси – Сенатда ҳам хотин-қизларнинг улуши сезиларли даражада ошди;

- **ижтимоий-маданий омиллар** – халқ маънавияти, маданияти, анъаналари, удумларининг сақланганлиги, динга муносабатнинг ижобий томонга ўзгарганлиги, буюк шаҳарлар юбилейларининг, турли халқаро ва республика миқёсидаги санъат анжуманларининг мунтазам ўтказилиб келинаётганлиги, шаҳар ва қишлоқлар қиёфасининг кескин ўзгариб, ободошлагани, ёшлар Форумлари, спорт мусобаҳалари, Универсиада, Бркамол авлод спорт мусобаҳалари кабилар миллий психологияда ҳам шахс психологиясида ҳам фақат ижобий фазилатларнинг намоён бўлишига реал замин яратди.

Шахснинг микро муҳити – бу умумий ижтимоий муҳитнинг бир бўлаги бўлиб, у бу муҳитни ташкил этувчилар билан кундалик ижтимоий фаолиятида бевосита мулоқотда бўлиш имкониятига эгадир. Ушбу муҳитдаги ижтимоий муносабатлар шахслараро ўзаро ҳамкорлик, ҳамжихатлик, биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш тарзида кечади. Бу муносабатларда бевосита макро муҳит таъсирлари бўлиши, унда ҳар бир шахснинг ёш, жинс, гуруҳий хусусиятлари, қайси оилада тарбияланганлиги каби жиҳатлар ўз инъикосини топади. Яъни, микро муҳит ҳар бир алоҳида ҳолатларда шахсни ўраб турган ижтимоий гуруҳ бўлиб, унинг ҳар бир вазиятдаги ўрни, йўналганлиги, мақсад-муддаолари бўлиши табиийдир.

2-§. Шахснинг ижтимоий психологик типологияси

Шахсни ижтимоий психологик нуқтаи назардан типларга бўлиш кўп ҳолатларда унинг одамлар билан ўрнатадиган

муносабатлари характерига қараб амалга оширилади. Америкалик психолог *А.Маслоу* бир инсон бошқасига худди ўзига муносабатда бўлгандай қараса, у иккинчи бошқаларга кибр билан, худди буюм ёки ҳодисага қарагандай муносабат билдириши мумкин, деб одамлар ўртасидаги фарқнинг муқаррарлигини исботлаган эди. *А.Маслоу* ўз фикрини ривожлантириб, биринчисини актуализатор, иккинчисини манипулятор, яъни, ўз манфаатига бўйсундирувчи, бошқарувчи деб таърифлайди. Шу каби турли инсоний муносабатларни таҳлил этган олимлар шахснинг типологиясига ўзгача қарайдиган.

Э.Шпрангер таклиф этган типологияда шахс турли ҳаётий қадриятлар доирасида таърифланади: иқтисодий, эстетик, ижтимоий, сиёсий, диний. Америкалик Хорни эса шахсни бошқалар билан мулоқот объекти сифатида қараб, унинг уч тоифасини фарқлайди:

«Ёпишқоқ, киришимли шахс» – унда ўзгалар билан мулоқотга киришиш эҳтиёжи ўта кучли, кимни кўрса у билан дўстлашиб кетгиси, ўзини ёқтиртиргиси, суюкли бўлишни хоҳлайди ва унга доимой эътиборли бўлишлари, ғамхўрлик кўрсатишларини истайди, унинг шиори: «У мени севиши ва менга ғамхўрлик кўрсатиши керак».

«Агрессив тип» – ўзгалар билан мулоқотдан ҳамиша манфаатдор бўлиш керак, бошқалардан доимо устун бўлишлари керак, акс ҳолда жанжаллашишдан ҳам тоймайди, унинг шиори: «Менга бу одамдан фойда, наф чиқармикин».

«Бегоналашган тип» – учун ўзгалардан узоқроқ юриш маъқул, чунки шахслараро мулоқот, уларнинг фикрича ҳеч қачон яхшиликка олиб келмайди, гуруҳларда ишлашдан кўра ёлғиз ишлашни, ўқишни афзал кўради. «мени тинч қўйишармикин» унинг доимий шиори.

Норакидзе инсон хулқи ва унга ундовчи ички мотивларга кўра шахснинг қуйидаги турларини фарқлайди:

Баркамол шахс – унда ички туйғулар, мотивлар, истаклар билан ташқи хатти-ҳаракатда зиддият бўлмайди, дилидаги билан тилидаги мос, айтганини қиладиган, лавзли, вижлонли, имон-эътиқодли инсон. Бутун ақлий салоҳияти ва виждони билан ўзгаларнинг манфаатини ўйлайдиган ва шу билан биргаликда ҳамиша ўз устида ишлайдиган инсон баркамоллик йўлида бўлади.

Зиддиятли, низоли шахс – хулқи билан мотивлари ўртасида доимо қарама-қаршилик кузатилади, у одамлардан кўпроқ камчилик кидириб, ўзидаги нуқсонларни тан олмайди.

Импульсив шахс – ҳамиша ҳиссётларга берилади, ўйламай гапириш, бировларни дилини оғритиб қўйиш кейин афсусланиш унга хосдир. Кўпчилик орасида уларни фикридан кўра ўзини маъқуллатишни истайди, лекин ҳамиша ҳам ўз ҳукмини ўтказолмай, одамлардан хафа бўлиб юради.

Бу каби шахслар орамизда кўп, лекин ҳар бир шахснинг кимлиги, қандай инсон эканлиги албатта вазиятга, тарбияланган ижтимоий муҳитига, бажараётган амалларининг, хизмат бурчларининг қандай виждонан адо этилаётганлигига боғлиқ. Муҳими – ҳар бир шахс жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиш, ўзгалар манфаатини ўз манфаатлари доирасида тасаввур эта олиши керак.

3-§. Шахснинг ижтимоий психологияда ўрганиладиган феноменлари: шахс социализацияси; шахснинг ижтимоий установакалари ва мулоқотмандлилик сифатлари

Ҳар биримизнинг жамиятдаги ўрнимиз, унинг қачон ва қандай шароитларда пайдо бўлгани, жамиятга қўшилиб яшашимизнинг психологик механизмлари фаннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу жараён психологияда *ижтимоийлашув ёки социализация* деб юритилади.

Демак, социализация ёки *ижтимоийлашув* – инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт – фаолият жараёнида уни фаол тарзда ўзлаштириш жараёнидир. Содда тил билан айтганда, ижтимоийлашув – ҳар бир шахснинг жамиятга қўшилиши, унинг нормалари, талаблари, кутишлари ва таъсирини қабул қилган ҳолда, ҳар бир ҳаракати ва муомаласида уни кўрсатиши ва керак бўлса, шу ижтимоий тажрибаси билан ўз навбатида ўзгаларга таъсирини ўтказа олиши жараёнидир.

Ижтимоийлашув энг аввало одамлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорликда турли фаолиятни амалга ошириш жараёнини назарда тутади. Ташқаридан шахсга кўрсатилаётган таъсир оддий, механик тарзда ўзлаштирилмай, у ҳар бир шахснинг ички руҳияти, дунёни акс эттириш хусусиятлари нуқтаи назаридан турлича субъектив тарзда идрок этилади. Шунинг учун ҳам бир хил ижтимоий муҳит ва бир хил

таъсирлар одамлар томонидан турлича ҳаракатларни келтириб чиқаради. Масалан, 10-15 та ўқувчидан иборат академик лицей ўқувчиларини олайлик. Уларнинг билимни, илмни идрок қилишлари, улардан ота-оналарининг кутишлари, ўқитувчиларнинг бераётган дарслари ва унда етказилаётган маълумотлар, манбалар ва бошқа қатор омиллар бир хилдай. Лекин барибир ана шу 15 ўқувчининг ҳар бири шу таъсирларни ўзича, ўзига хос тарзда қабул қилади ва бу уларнинг ишдаги ютуқлари, ўқув кўрсаткичлари ва иқтидорида акс этади. Бу ўша биз юқорида таъкидлаган ижтимоийлашув ва индивидуализация жараёнларининг ўзаро боғлиқ ва ўзаро қарама-қарши жараёнлар эканлигидан дарак беради.

Ижтимоийлашув жараёнларининг рўй берадиган шарт-шароитларини *ижтимоий институтлар* деб атаймиз. Бундай институтларга оиладан бошлаб, маҳалла, расмий давлат муассасалари (боғча, мактаб, махсус таълим ўчоқлари, олийгоҳлар, меҳнат жамоалари) ҳамда норасмий уюшмалар, нодавлат ташкилотлари киради.

Бу институтлар орасида бизнинг шароитимизда *оила ва маҳалланинг* роли ўзига хосдир. Инсондаги дастлабки ижтимоий тажриба ва ижтимоий хулқ элементлари айнан оилада, *оилавий муносабатлар* тизимида шаклланади. Шунинг учун ҳам халқимизда «қуш уясида кўрганини қилади» деган мақол бор. Яъни, шахс сифатларининг дастлабки қолиплари оилада олинади ва бу қолип жамиятдаги бошқа гуруҳлар таъсирида сайқал топиб, такомиллашиб боради. Бизнинг ўзбекчилик шароитимизда оила билан бир қаторда *маҳалла* ҳам муҳим тарбияловчи-ижтимоийлаштирувчи роль ўйнайди. Шунинг учун бўлса керак, баъзан одамнинг қайси маҳалладан эканлигини суриштириб, кейин хулоса чиқаришади, яъни маҳалла билан маҳалланинг ҳам фарқи бўлиб, бу фарқ одамлар психологиясида ўз аксини топади. Масалан, битта маҳалладан яхши келин чиқса, айнан шу маҳалладан қиз қидириб қолишади. Яъни, шу маҳалладаги ижтимоий муҳит қизларнинг иболи, ақлли, сариштали бўлиб етишишларига кўмаклашган. Масалан, айрим маҳаллаларда саҳар туриб кўча-эшикларни супуриш одатга айланган ва барча оилалар шу удумни бузмайдилар. Шунга ўхшаш нормалар тизими ҳар бир кўча-маҳалланинг бир-биридан фарқи, афзаллик ва камчилик томонларини белгилайди, охирилар эса шу маҳаллага катта бўлаётган ёшлар ижтимоийлашувида бевосита таъсирини кўрсатади.

Яна бир муҳим ижтимоийлашув ўчоқларига *мактаб ва бошқа таълим масканлари* киради. Айнан шу ерда ижтимоийлашув ва тарбия жараёнлари махсус тарзда уйқунлаштирилади. Бизнинг ижтимоий тасаввурларимиз шундайки, мактабни биз таълим оладиган, бола билимлар тизимини ўзлаштирадиган маскан сифатида қабул қиламиз. Лекин аслида бу ер ижтимоийлашув тарбиявий воситаларда юз берадиган маскандир. Бу ерда биз атайлаб ташкил этилган, охириги йилларда жорий этилган «Маънавият дарслари», «Этика ва психология» каби тарбияловчи фанларни назарда тутмаяпмиз. Гап ҳар бир дарснинг, умуман мактабдаги шарт-шароитлар, умумий муҳитнинг тарбияловчи роли ҳақида. Масалан, дарс пайтида ўқитувчи бутун диққати билан янги дарсни тушунтириш билан овора дейлик. Унинг назарида фақат дарс, мавзунинг мазмуни ва ундан кўзланган мақсад асосийдай. Лекин аслида ана шу жараёндаги ўқитувчининг ўзини қандай тутаётганлиги, кийим-боши, мавзуга субъектив муносабати ва қолаверса, бутун синфдаги ўқувчиларга муносабати ҳамма нарсани белгиловчи, ижтимоий тажриба учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омилдир. Шу нуқтаи назардан ўқувчилар диди, кутишлари ва талабларига жавоб берган ўқитувчи болалар томонидан тан олинади, акс ҳолда эса ўқитувчининг таъсири фақат салбий резонанс беради. Худди шундай ҳар бир синфда шаклланган муҳит ҳам катта роль ўйнайди. Баъзи синфларда ўзаро ҳамкорлик, ўртоқчилик муносабатлари яхши йўлга қўйилган, гуруҳда ижодий мунозаралар ва баҳслар учун қулай шароит бор. Бу муҳит табиий ўз аъзолари ижтимоий хулқини фақат ижобий томонга йўналтириб туради.

Яна бир муҳим ижтимоийлашув муҳити – бу *меҳнат жамоаларидир*. Бу муҳитнинг аҳамияти ва ўзига хослиги шундаки, бу ерга шахс одатда анча ақли пишиб қолган, маълум тажрибага эга бўлган, ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари шаклланган пайтда келади. қолаверса, эгалланган мутахассислик, орттирилган меҳнат малакалари ва билимлар ҳам жуда муҳим бўлиб, шу муҳитдаги ижтимоий нормалар характериға таъсир қилади. Лекин барибир шахснинг кимлар билан, қандай ўзаро муносабатлар муҳити таъсирида эканлиги унинг етуклик давридаги ижтимоийлашувининг муҳим мезонларидандир. Шунинг учун ишга киришдаги асосий мотивлардан бири – ўша жамоанинг қандай эканлиги, бу ердаги ўзаро муносабатлар, раҳбарнинг кимлиги ва унинг жамоага муносабати

бўлиб, кўп инча ойлик – маош масаласи ана шулардан кейин ўрганилади. Шунинг учун меҳнат жамоаларида яхши, соқлом маънавий муҳит, адолат ва самимиятга асосланган муносабатлар ҳар бир инсон тақдирида катта роль ўйнайди.

Шахс социализацияси тўғрисида гап кетаркан, айтиш керакки, социализация соф ижтимоий-психологик тушунча бўлиб, у – индивиднинг ижтимоий муҳитга қўшилиши, ижтимоий таъсирларни ўзига сингдириши ва актив равишда мулоқот системасига кириб бориши жараёнидир. Бу жараён икки томонлама бўлиб, бир томондан, шахс актив равишда ижтимоий таъсирларни қабул қилади, иккинчи томондан эса, уларни ҳаётда ўз хулқ-атворлари, муносабатларида намоён этади. Бу жараён нормал индивидда табиий тарзда рўй беради, чунки индивидда шахс бўлишга эҳтиёж ҳамда шахс бўлишига имконият ва зарурият бордир. Шунинг учун ҳам бола туғилиб, ижтимоий муҳитга қўшилган ондан бошлаб, ундаги шахс бўлишга интилишни, ундаги шаклланиш жараёнини кузатиш мумкин (масалан, чақалоқлардаги бевосита эмоционал мулоқотга эҳтиёжнинг борлиги).

Шахс социализацияси ёки шаклланишининг ўз соҳаси, босқичлари ва муассасалари мавжуд.

Шахснинг шаклланиши асосан уч соҳада амалга оширилади:

1) *фаолият соҳаси*, яъни умри мобайнида шахс турли фаолиятларга бевосита ёки билвосита жалб этилган бўлиб, бу жараёнда фаолиятлар жабҳаси, соҳаси кенгайиб, бойиб бораверади. Ҳар бир фаолият тури индивиддан махсус фазилатларни, малака ва кўникмаларни, билимларни талаб этадики, уларни қониктириш йўлидаги активлиги унда ўзига хос ижтимоий-психологик хусусиятлар комплексини шакллантиради;

2) *мулоқот соҳаси*, айниқса мактабгача ёш даврдаги ва ўсмирлик даврларидаги мулоқот системалари болада бир қанча ижтимоий-психологик хислатларни пайдо қиладики, бунинг натижасида у фаол ҳаётий мавқега эга бўлади, жамиятда ўз ўрнини тасаввур қилишга эришади.

3) *ўз-ўзини англаш соҳаси*, яъни «Мен» образининг йил сайин ўзгариб бориши жараёни бўлиб, аввал ўзини бошқалардан фарқлилигини, ўзича мустақил ҳаракат қилиш, мустақил фикр юрита олиш қобилиятини англаш, сўнгра эса ўз-ўзини баҳолаш, англаш,

назорат қилиш- хусусиятлари ривожланадики, улар ҳам фаол шахс психологиясининг таркибий қисмидир.

Шахс ижтимоийлашувининг ушбу босқичлари мавжуд. Масалан, биринчи босқич – меҳнат фаолиятигача бўлган босқич бўлиб, унга боланинг мактабгача ёш даври ҳамда ўқиш йиллари киради. Бу даврдаги ижтимоийлашувнинг аҳамияти ва ўзига хослиги шундаки, бу даврда асосан ташқи ижтимоий муҳит, ижтимоий таъсирлар фаол равишда онга сингдирилади, мустақил ҳаётга тайёргарлик борасида муҳим босқич ўтилади. Иккинчи босқич – меҳнат фаолияти даври – бу давр одамнинг етуклик йиллари билан боғлиқ бўлиб, аввалги даврларда сингдирган ижтимоий таъсирларни бевосита фаол фаолиятда, шахслараро муносабатлар системасида намоён этади. Касбга эга бўлиб, аниқ ҳаёт йўлини танлаган, турмуш қуриб, келгуси авлодни тарбиялаётган шахсда намоён бўладиган барча ижтимоий фазилатлар шу даврнинг маҳсулидир. Ниҳоят, учинчи босқич – меҳнат фаолиятидан кейинги давр бўлиб, бунга асосан актив меҳнат фаолиятидан сўнг қариллик гаштини сураётганлар киради. Бу даврда ҳам шахс ижтимоийлашуви давом этаверади, чунки энди илгариги даврларда орттирилган тажриба бошқаларга узатилади, шунга кўра шахс структурасида ҳам хусусий ўзгаришлар рўй беради.

Бу жараён рўй берадиган шароитлар – муассасалар хусусида гапириладиган бўлса, турли даврларда оила, болалар муассасалари, мактаб, бошқа даргоҳлари, меҳнат жамоаларининг роли назарда тутилади.

Шахс тоифалари ва уларнинг ижтимоий психологик тавсифи. Психологларнинг фикрича, (Г.Асмолов, П.Шихерев, В.А.Ядов, П.Надирашвили ва бошқалар) ижтимоий установкаларни ўзгартириш учун шу установканинг сабаби бўлган вазият ёки фаолиятнинг мақсади ва мотивини ўзгартириш шартдир. Шу нарса шахснинг актив онгли фаолиятида содир бўлади.

Шундай қилиб, шахс социализация жараёнида турли установкаларини рўёбга чиқариш шароитида фаоллик кўрсатади. Шундай фаолликнинг натижаларини биз унинг ижтимоий-психологик сифатларида кўрамыз. Яъни, актив биргаликдаги фаолият, ўзаро мулоқот жараёнида шахснинг ижтимоий-психологик фазилатлари шаклланади. Шунинг учун ҳам барча сифатлар фаолиятда намоён бўладиган ҳамда мулоқотда кўринадиган сифатлар гуруҳига бўлинади. Масалан, ташқи муҳит билан фаол муносабат

перцептив ҳимоя сифатлари, яъни ўзига хавф солувчи ёки солиши мумкин бўлган ижтимоий таъсирлардан ҳимоя қилувчи хусусиятлар шаклланади. Бу сифатларни баъзи муаллифлар перцептив қобилиятлар (В.А.Лабунская) деб атасалар, бошқалари «ижтимоий таъсирларга ҳиссий жавоб бериш қобилияти» (А.Бодалев), «кузатувчанлик», «зийраклик» (Ю.Жуков) ва ҳоказо деб аташган. Бошқа сифатлар «мулоқотда намоён бўлувчи сифатлар»дир. Улар турли ижтимоий кутишлар системаси билан боғлиқ бўлиб, шахснинг турли шароитларда тўғри мулоқотга киришиш имкониятини беради. Бундан ташқари, ҳар бир шахсда ўзига хос тарзда дунёни, одамларни идрок қилиш ва тушуниш қобилияти борки, улар мулоқот жараёнида камрок хатоларга йўл қўйишини таъминлайди. Масалан, босиқлик, мулоҳазалилик ўзгаларнинг ички дунёсини гаплари, хатти-ҳаракатларига қараб билиш қобилияти ва бошқалар шулар жумласидандир. Шу фазилатларни қанчалик намоён эта олишига қараб шахс типлари фарқланади.

Экстрове́рт ва интрове́рт тоифали шахслар. Бу типлар мулоқотга кириша олиш қобилиятига кўра фарқланади. Масалан, экстрове́рт – ўта мулоқотга киришувчан, ўзини одамлар гуруҳисиз тасаввур қила олмайдиган шахсдир. Унинг учун мулоқот ҳақиқий эҳтиёждир, бошқаларнинг уни тушуниш-тушунмасликларидан қатъи назар, у доимо ўз фикр-истакларини ўртоқлашгиси келади. Экстрове́рт учун конкрет ким биландир мулоқотда бўлиш эмас, умуман ким билан бўлса ҳам мулоқотда бўлиш хоҳиши муҳим. Шунинг учун ҳам у умуман бегона одам билан гаплашиб, киришиб кета олади. Гаплашгиси келмаган бегонанинг психологиясини тушуниши қийин («Қандай қилиб гаплашишни хоҳламаслик мумкин», – деб ўйлайди у). Экстрове́ртнинг қизиқишлари ҳам тез-тез ўзгариб туради, дўстлари, ўртоқларини ҳам алмаштириб туришга интилади. Бундан ташқари, у ўта киришувчан бўлганлиги учун ҳам ҳар қандай шароитда вазиятдан чиқиш усуллари тўғрисида тез хулосага келади, ўта қизиқувчан, дунёда бўлаётган ҳодисалар, «миш-мишлар»ни билиш унинг учун зарур. Экстрове́рт кек сақламайди, бугун урушган одами билан эртага ҳеч нарса бўлмагандай апоқ-чапоқ бўлиб кетиши мумкин.

Интрове́рт эса экстрове́ртнинг тескараси. У кўпроқ ички диалог формасидаги мулоқотни афзал кўради, яъни ёлғизликда мулоҳаза юритиш, ўзи ҳақида ўйлаш ва шунга ўхшаганлар унинг учун асосий

ишдир. Шунинг учун ҳам унда мулоқотга установка жуда суст, одамларнинг уни тушунмай қолишларидан доимо хавотирда бўлади. Интроверт китоблар олами, фалсафий фикрлашлар қулидир, чунки у одамлар гуруҳида содир бўлиб турадиган зиддиятлардан чўчийди, ўзини олиб қочади. Агар мулоқотда бўладиган бўлса, 2-3 кишидан ортиқ бўлмаган гуруҳни афзал кўради. Шунда ҳам ҳар куни эмас, баъзан-баъзан учрашиб туриш, гаплашганда ҳам «шахсий» мавзуларда эмас, умумий гаплар ҳақида суҳбатлашишни яхши кўради. Чунки у экстрровертдан фарқ қилиб, ўз «Мен»ининг бошқаларга ўхшамаслигини доимо эсда тутади. Интроверт доимий стандартлар, белгиланган нормалар оламида яшайди, қизиққан нарсаси билан умрини охиригача бўлса ҳам шуғулланишга тайёр, умр йўлдошига содиқ, вафодор. Дўстларга ҳам худди шундай.

Мобил ва ригид тоифали шахслар. Бу шахс типлари мулоқотга киришиш меъзонига кўра фарқланади. Масалан, **мобил тип** ҳар қандай иш билан машғул бўлган шароитда жуда тез мулоқотга киришади, лекин бошқа нарсаларга ҳам диққатини кўчириши мумкин. У тез гапиради, доимо шошади, юз ифодалари ҳам тез ўзгаради. Суҳбат мавзусини ҳам тез-тез ўзгартириб туришга мойил. Гаплашиб кетиши қанчалик осон бўлса, гапни тугатиб, хайрлашиб кетиши ҳам осон. Суҳбат тугагандан кейин қолган ишини давом эттириб кетаверади.

Ригид суҳбатдош эса унинг акси. Бундай шахс қатъиятли, дадил бўлса ҳам, бир фаолият туридан иккинчисига кўчиши жуда қийин, у маълум муддатни талаб қилади. Чунки у ўйламасдан таваккал иш қила олмайди. Масалан, у хат ёзаётган пайтда кириб қолсангиз, то бирор бўлагига нуқта қўймагунча сизга қарамайди. Қарагандан кейин эса, тезгина суҳбатга кириша олмайди. Ригид шахс жуда яхши суҳбатдош. Мобил типдаги суҳбатдош билан гаплашаётганда у тез-тез гапни бўлиб, суҳбатдошга ташаббусни бергиси келмайди, ригид эса жуда диққат билан тинглайди. Лекин ўзи гапирганда, секин, мантиқан тўғри гапиришни яхши кўради, гапини бўлишларини сира истамайди. Агар суҳбатни бўлсангиз, кейинги сафар сиз билан гаплашмай қўя қолишни афзал кўради. Агар у билан уришиб қолсангиз, анча вақтгача унинг жахли чиқмайди, сизни охиригача эшитиб, секин жавоб беради, ундаги ранжиш, жахл чиқиши одатда сиз кетгандан кейин келади. Агар унинг суҳбатдоши тоқатсиз одам бўлса, иккаласининг чиқиши қийин, чунки у узоқдан келиб

тушунтиришни яхши кўради. Демак бу типлар ҳам ҳар хил, ҳар бирида ҳам яхши, ҳам ёмон сифатлар бор.

Доминант ва тобе тоифали шахслар. Доминант тип мулоқот жараёнида сира ҳам бошқалардан паст келишни хоҳламайди, савол берилса, хоҳласа жавоб беради, бўлмаса, индамаслиги ҳам мумкин. У доимо суҳбатдошга таъсир кўрсатиши, унинг бўйсунулини хоҳлайди. Унда эгоизм ҳисси кучли, ўзи хато фикр юритса, хатолигини суҳбатдош сезса ҳам уни бўйнига олмайди. Доминант тип – қатъиятли. Суҳбат давомида у сизнинг фикрингизни ярим йўлда тушунса, сизни охиригача тинглашни истамайди, гапни бўлиб, майинлик билан гапни тугатиб қўйиши мумкин. Агар иккала суҳбатдош ҳам доминант бўлишса, унда улар ўртасида осонгина рақобат ҳисси юзага чиқиши, келишмай қолишлари мумкин. Шунинг учун жанжаллашиб қолмаслик учун доминант шахснинг мустақиллиги, дадиллигига кўниш, унга ўз нуқтаи назарини охиригача баён этиш имкониятини бериш лозим.

Тобе типли шахс эса суҳбатдошнинг қарашларига мослашади, доимо ён беришга тайёр, шунинг учун у кам жанжаллашади, лекин ёмон кўриб қолган одами билан умуман гаплашмайди. Суҳбат шароитидагина у аста-секин ўзининг дадиллигини кўрсатиши, очик гаплашиши, баъзан эътирозлар билдириши мумкин. Тобе шахсли болаларни рағбатлантириш мақсадга мувофиқдир, шунинг учун ҳам уларни мақтаб туриш, гапираётганда кўзлар, юз ифодалари билан уларни руҳан қўллаб туриш керак. Бирор қарорга келиш керак бўлиб қолса, бу шахс қарорни яхшиси сиз қабул қилишингизни хоҳлайди, чунки жавобгарликни бўйнига олишни истамайди.

Юқорида келтирилган типларни кузатар эканмиз, барчасида яхши ва ёмон, ноқулай сифатлар борлигини кўрамиз. Ҳаётда кўпинча соф у ёки бу тип вакили учрамайди, лекин у ёки бу вазиятларда такрорланадиган фазилатларга қараб одамларни типларга бўламиз. Бундан ташқари, бир марта кўришда одам ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Уни турли шароитларда бир неча марта кузатиш лозим.

Ш а х с

Ижтимоий ва шахслараро муносабатларнинг маҳсули, онгли фаолиятнинг субъекти бўлмиш индивиддир.

Ижтимоий
санкциялар

Нормаларнинг шахс хулқида намоён бўлишини назорат қилувчи жазо ва рағбатлантириш механизмлари бўлиб, уларнинг борлиги туфайли шахс ҳар бир алоҳида вазиятларда ижтимоий хулқ нормаларини бузмасликка, жамоатчиликнинг салбий фикри объектига айланиб қолмасликка ҳаракат қилади

Ижтимоий рол

Шахсга нисбатан шундай тушунчаки, унинг конкрет ҳаётий вазиятлардаги ҳуқуқ ва бурчларидан иборат ҳаракатлари мажмуини билдиради.

Ижтимоийлашув жараёнида шахс фаолиятини йуналтириб турадиган ва реал вазиятларга нисбатан тургун, барқарор мотивлар мажмуига эга бўлишлик шахснинг **йўналганлиги** деб аталади.


Йўналганлик

Йўналганликнинг энг муҳим таркибий қисмлари

Масъулият;
Мақсад ва идеаллар;
Қизиқиш ва дунёқараш.

Шахс дунёқараши ва
этиқодини ўзгартирувчи омиллар

1. Маънавият ва маърифат;
2. Мафкура;
3. Оила;
4. Ижтимоий установка:
 - Элементар установка;
 - Ижтимоий установка;
 - Базавий ижтимоий установкалар;
 - Қадриятлар тизими.



4-§. Ижтимоий установакаларни ўзгартириш муаммоси

Шахс ижтимоийлашуви муаммоси кўтариладиганда, ижтимоий тажрибанинг у томонидан қандай йўл билан ва қай даражада ўзлаштирилганлиги ижтимоий установа феномени орқали тушунтирилади.

Маълумки, установа муаммоси дастлаб грузиялик психологлар, жумладан, Д.Н.Узнадзе томонидан фанга киритилган эди. Лекин ушбу жараённинг психологик қонуниятларини ўрганиш оддий установа билан ижтимоий установа ўртасида муайян фарқлар борлигини исботлади. Чунки Д.Узнадзе концепциясига мувофиқ, «установа субъектнинг яхлит бир динамик ҳолатини, унинг қандайдир фаоллик ва ҳаракатларга тайёрлигини билдиради

ва асосан икки омилнинг таъсирида нмоён бўлади: субъектнинг эҳтиёжлари ва муайян объектив вазиятнинг ҳолати». Яъни, конкрет бир вазиятларда у ёки бу эҳтиёжни қондиришга йўналтирилган ва қандайдир маънода одатий шакл олган ҳолат установка деб аталади. Узнадзе установкани келтириб чиқарувчи вазиятни таҳлил қилганда, унинг ижтимоий омилларга боғлиқ томонларига, шахс ҳаёти мобайнида орттирган ижтимоий тажрибаси нуқтаи назаридан қарамаган эди.

Г.М.Андреевнинг таъкидлашича, Узнадзе таклиф этган установкалар концепцияси асосан инсондаги оддий физиологик эҳтиёжларнинг қондирилиши билан боғлиқ ҳолатларни тушунтиришга бағишлангандир. Чунки унинг тушунишича, установка кўпроқ онгсиз ҳаракатларни тушунтиришда қўл келади. Ҳаётда ижтимоий вазиятлар уларда шахс орттирган тажрибанинг ўзлаштирилиши катта аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, ижтимоий психологияда, социологияда уни алоҳида психологик ҳолат сифатида қараш мақсадга мувофиқдир.

Рус олими В.А.Ядов ўзининг диспозицион концепциясини яратиб, унда установкаларни тўрт босқич ва тўрт тизимли сифатида тасаввур қилган.

А) элементар установкалар (set) – оддий, элементар эҳтиёжлар асосида кўп инча онгсиз тарзда ҳосил бўладиган установкалар. Уларни ўзгартириш учун моддий шарт-шароитларни ва одамдаги эҳтиёжлар тизимини ўзгартириш кифоя.

Б) ижтимоий установкалар (attitud) – ижтимоий вазиятлар таъсирида ижтимоий объектларга нисбатан шаклланадиган установкалар. Уларни ўзгартириш учун ижтимоий шарт – шароитлар ва шахснинг уларга нисбатан баҳо ва муносабатлари тизимини ўзгартириш керак.

В) базавий ижтимоий установкалар – улар шахснинг умумий йўналишини белгилайди ва уларни ўзгартириш эътиқодлар ва дунёқарашларни ўзгартириш демакдир.

Г) қадриятлар тизими – улар авлодлараро мулоқот жараёнининг маҳсули сифатида жамиятда қадр – қиммат топган нарсаларга нисбатан установка. Масалан, саҳиҳ ҳадислар шундай қадриятлардир, биз уларни танқидсиз, муҳокамаларсиз қабул қиламиз, чунки улар ҳам илоҳий, ҳам энг буюк инсонлар томондан

яратилган ва авлоддан авлодга ўз қадрини йўқотмай келаётган кадриятлардир.

Ижтимоий установа шахс хулқ-атворининг ички, англамаган ёки қисман англаган мотивларига киради. Масалан, бир кишига бадий адабиётдан айнан бир гуруҳ асарлар ёқади. Лекин нима учун худди шу асарлар гуруҳи ёки шу адиб ёкишини тушунмайди. Ўша гуруҳдан янги бир китоб қўлга кирганда у албатта ёкиши керак деган тасаввурда бўлади. Шу маънода олиб қаралганда, ижтимоий установа шахсдаги англамаган муносабатларга ўхшайди. Лекин аслида унинг табиати жуда мураккабдир. Чунки ижтимоий установа тушунчасида муносабатлар ҳам, шахсий маъно ҳам, баҳолар системаси ҳам, билимлар ҳам ўз ифодасини топади. Яъни, ижтимоий установа шахсининг турли ижтимоий объектларга нисбатан муносабат билдиришининг ички механизмидир, шу объектлар билан ишлашга, уларни баҳолашга ҳамда маълум тарзда идрок қилишга тайёргарлик ҳолатидир.

Ғарб ижтимоий психологиясида ижтимоий установакаларни ўрганиш ва уни тавсифлаш учун «*attitud*»- *амитюд* тушунчаси қўлланилади. Хорижлик олимлар аттитюдга таъриф берганларида унинг ижтимоий хулққа алоқадор эканлигини, индивиднинг илгариги тажрибаси таъсирида у ёки бу вазиятларга реакция бериши ҳолати эканлигига кўпроқ урғу берадилар. Шундан келиб чиқиб, аттитюднинг тўртта асосий *вазифаси* мавжуд эканлигига эътибор қаратилган:

1) *мослаштирувчи* – аттитюд субъектни унинг мақсад ва манфаатига алоқадор бўлган объектларга йўналтиради, мослаштиради;

2) *билиш функцияси* – конкрет объектга нисбатан мавжуд вазиятда анчагина қулай бўлган хулқ-атвор шаклини танлашга ёрдам беради;

3) *намоён этиш функцияси* – индивидни шахс сифатида, муайян кадриятларга эътиқоди бор инсон сифатида тутишини таъминлайди;

4) *ҳимоя вазифаси* – шахсининг ички зиддиятларини бартараф этиш ва турли вазиятлардан чиқиб кетишига имкон беради.

Бу функцияларни бажарувчи аттитюд олимлар фикрича ўзига яраша *тизимга* ҳам эга бўлади. Америкалик М. Смит аттитюднинг уч компонентли тизимни фарқлайди:

I. *Когнитив компонент* – бу ижтимоий установка объектини англаш билан боғлиқ жиҳатлар;

II. *Аффектив компонент* – бу объектга нисбатан ҳиссий муносабатлар, уни эмоционал баҳолаш, ёқтириш-ёқтирмаслик билан боғлиқ субъектив ҳолатлар;

III. *Хулқ-атвор компоненти (ёки конатив)* – объектга нисбатан реал хатти-ҳаракатни тушунтирувчи жиҳатлар.

Бу учала компонентлар ўзаро бир-бирлари билан боғлиқ бўлиб, вазиятга қараб у ёки бу компонентнинг роли устунроқ, сезиларлироқ бўлиши мумкин. Шунини ҳам таъкидлаш жоизки, компонентлараро монандлик бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, айрим талабалар талабалик бурчи ва ички тартиб интизом билан жуда яхши таниш бўлсалар-да, ҳар доим ҳам унга риоя қилавермайди. «Тасодифан дарс қолдириш», «жамоатчилик жойларида тартибни бузиш» каби ҳолатларда когнитив ва хулқ-атвор компонентларида уйғунлик йўқлигини кўрсатади. Бу бир қарашда сўз ва иш бирлиги принципнинг турли шахсларда турлича намоён бўлишини эслатади. Агар одам бир неча марта била туриб, ижтимоий хулққа зид ҳаракат қилса ва бу нарса бир неча марта қайтарилса, у бу ҳолатга ўрганиб қолади ва бу установкага айланиб қолиши мумкин. Шунинг учун ҳам биз ижтимоий меъёрлар ва санкциялар воситасида бундай қарама-қаршилик ва тафовут бўлмалигига ёшларни ўргатишимиз лозим. Бу шахснинг ижобий тажрибаси учун реал асосдир.

Ушбу феноменга қизиқиш билдирган, унинг психологик моҳиятини очган олимлар кейинчалик унинг ижтимоий хулқни мувофиқлаштирига қаратилган «испозициялар» нуқтаи назаридан ўрганганлар. Масалан, рус олими *В.А.Ядов* инсондаги турли эҳтиёжлар ва турли ижтимоий вазиятларда намоён бўлиши муқаррар бўлган хулққа оид бир неча жабҳани ўз ичига олган *диспозицион назария*ни илгари сурган. Унинг фикрича, шахснинг ижтимоий эҳтиёжлари ва уни ўраб турган ижтимоий борлиқдаги фаолияти ўзаро боғлиқ бўлиб, улар қуйидаги жабҳаларда намоён бўлади.

Биринчи жабҳа – бевосита оилавий шароит бўлиб, унда инсоннинг асосий оддий эҳтиёжлари илк ёшлиқдан қондирилади.

Иккинчи жабҳа – бевосита мулоқот амалга ошириладиган контакт, кичик гуруҳлар бўлиб, индивид бу муҳитда ўзини намоён этади.

Учинчи жабҳа индивид ҳаёт-фаолиятини амалга оширадиган кенгроқ ижтимоий борлиқ бўлиб, унда у меҳнат қилади, дам олади, маиший муаммоларини ҳал қилади.

Тўртинчи жабҳа шахсни бевосита ўраб турган миллий-маданий борлиқ, ундаги мафкуравий и маданий кадриятларнинг ўзлаштирилиши туфайли намоён бўладиган хатти-ҳаракат актларини қамраб олади. Бу конкрет географик ҳудуд, Ватан, юрти ва ундаги кадриятлардир.

Демак, юқорида ажратилган ҳар бир жабҳада инсон ўзига яраша алоҳида эҳтиёжларини қондиради ва у мос равишда муайян иш-ҳаракатларга тайёр бўлади.

Ядов юқоридаги жабҳаларга мос келадиган конкрет вазиятларни ва уларнинг индивидга таъсир кўрсатиш даражаларини ҳам ажратади. Масалан, биринчи, энг қуйи босқичдаги вазиятларда оддий предметли мулоқот ва тез ўзгарувчан эҳтиёжларга алоқадор ҳолатлар намоён бўлади. Иккинчисида кўпроқ гуруҳ доирасидаги мулоқот ва ундан орттирилган тажриба назарда тутилади. Учинчисида – нисбатан турғун бўлган, ҳадеб ўзгарвермайдиган иш фаолият турлари, маиший эҳтиёжлар, профоссионал соҳаларда кўзга ташланадиган ижтимоий хулқ назарда тутилган. Ниҳоят, тўртинчи вазиятлар босқичи муайян ижтимоий, иқтисодий, мафкуравий вазиятларда кўпчиликда шаклландиган кадриятларнинг намоён бўлишини тақозо этади. Муаллиф юқоридаги жабҳалар, вазиятлар ва уларнинг шахс индивидуал ва ижтимоий тажрибасида намоён бўлишини тушунтириш учун уларга мос диспозицияларни фарқлайди:

1) *Диспозицияларнинг биринчи даражаси* шахсдаги элементар, оддий установкаларни тушунтириб беради. Бу Д. Узнадзе схемасига мос келадиган предметли вазиятларда намоён бўладиган *оддий қайд этиладиган установкалардир*;

2) *диспозицияларнинг иккинчи даражаси* мураккаброқ бўлиб, улар инсоннинг бевосита кичик гуруҳларда рўй берадиган

мулоқоти, муомаласидан пайдо бўлган ижтимоий тажрибасини тушунтиради. Бу ўша америкаликлар таъкидлаган *аттитюддир*;

3) *диспозицияларнинг учинчи даражаси* шахс умумий дунёқараши, қизиқишлари асосида ҳосил бўладиган ижтимоий фаоллигини ўз ичига олади ва унинг профессионал йўналиши, иш фаолияти, дам олиши, бўш вақтини қандай ўтказишларида кўринадиган *асосли установакаларида* намоён бўлдаи;

4) *диспозицияларнинг тўртинчи юқори даражаси* шахсдаги мавжуд қадриятлар тизими, турмуш тарзи, юрти ва Ватани тақдирига, юртдошларидаги қадриятлар тўғрисидаги тасаввурларга яқин бўлган билим, малака ва кўникмалари бўлиб, унда даврга, замон ва маконга алоқадор тушунчалар акс этади ва *ижтимоий тажрибага* асос бўлади.

Шундай қилиб, таклиф этилган диспозициялар назарияси шахснинг турли вазиятлардаги муносабатлар тизимининг мувофиқлаштириш ва унинг сабабларини тушунтиришга имкон беради. Ижтимоий психологияда шу каби турли даражадаги ижтимоий установакаларни ўзгартириш муаммоси муҳим бўлиб, бу масала махсус тадқиқотлар ва тарбия воситаларининг ишлаб чиқилишини тақозо этади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Шахс тушунчасига психологик тавсиф беринг.
2. Шахсни ўрганишнинг ижтимоий психология учун ўзига хослиги ҳақида сўзлаб беринг.
3. Мулоқот жараёнида намоён бўладиган шахс фазилатларига нималар киради?
4. Шахснинг ижтимоий психологияда ўрганиладиган феноменлари нималардан иборат?
5. Шахснинг ижтимоий установакалари ҳақида тушунтириб беринг.
6. Ижтимоийлашув соҳалари, босқичлари ва манбалари ҳақида нималарни биласиз?
7. Ижтимоий установаканинг тизими, функциялари ва унинг шахс диспозициялари билан алоқасини тушунтириб беринг.

14-мавзу. ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ ВА ХАВФСИЗЛИК

1-§. Ижтимоий психологияда хавфсизлик муаммосининг қўйилиши: моҳияти, шахсни ижтимоий-психологик ҳимоя қилиш муаммолари

Хавфсизлик тушунчаси бевосита шахснинг жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий, техник, экологик ва биологик тизимларида нормал фаолият юритишини кафолатловчи тушунчадир. Ижтимоий тузилманинг, яъни, яхлит жамиятнинг хавфсизлиги одамлар ҳаёт тарзининг сифатини, унинг давомийлигини белгиловчи муҳим мезондир. Бу ўринда фанда бевосита хавфсизлик тушунчасига яқин ишлатиладиган бир қатор тушунчаларга изоҳ бериш жоиздир.

Ижтимоий хавфсизлик – жамиятда мавжуд бўлган турли ижтимоий институтлар, жумладан, хавфсизликни таъминлаш органлари, давлат муассалари, оила ва маҳалла томонидан аҳолининг турли эҳтиёжлари, орзу-истаклари, мақсад-муддаоларини амалга оширишларига имкон бериш билан боғлиқ вазифаларини ўз ичига олади. Бунда айрим-алоҳида табақа ёки аҳоли қатламининг манфаатлари, яъни, уларнинг яхши яшашлари, узоқ умр кўришлари, бир ҳудуддан иккинчисига кўчиб ўтишига алоқадор хавфсизлик назарда тутилмайди.

Миллий хавфсизлик – бу шахс, жамият, иқтисодиёт ва давлатчиликнинг барқарор тараққиёт этиши учун хавф солиши мумкин бўлган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимини билдиради. Миллий хавфсизлик ташқи ва ички хавфлардан яхлит жамиятни муҳофаза қилишни назарда тутади.

Ташқи хавфсизлик – икки босқични назарда тўтади: умуминсоний ёки глобал характерли ва давлатлараро хавфсизлик масалалари. Ташқи хавфсизлик таҳлил этилганда аввало экологик, ҳарбий, радиацион, эпидимиологик, криминал-жиноий, биологик ва маданий-ахлоқий (экспансиялар) турдаги хавфларнинг олдини олиш назарда тутилади.

Ички хавфсизлик эса мамлакат доирасида инсон конституцион ҳуқуқ ва кафолатларига алоқадор бўлган иқтисодий диверсияларнинг олдини олиш ва уларга йўл қўймасликка боғлиқ бўлган махсус чораларни, террористик хуружларнинг олдини олиш

ва уларни вақтида бартараф этиш, келиб чиқиши бўйича ижтимоий, табиий, биологик ҳамда техник асосли таҳдидлардан жамият аъзоларини ҳимоя қилишни назарда тутди.

2-§. Ахборот хавфсизлиги ва унинг келиб чиқиш шартлари

Охирги йилларда дунё миқёсида ахборот технологияларининг кескин ривожланиб кетаётганлиги, Интернет тизимнинг барча давлатлар, маданий ҳудудлар, барча ёшдаги инсонлар учун қулай ахборот алмашинуви воситасига айланиб бораётганлиги муносабати билан хавфсизликнинг ўзига яна бир тури ахборот хавфсизлиги пайдо бўлди.

Ахборот хавфсизлиги – аслида жамиятнинг объектив, холис, ҳаққоний ахборот манбаига эга бўлиши учун яратилаётган шарт-шароитларни назарда тутди. Албатта, бунга мустақил ахборот воситалари орқали аҳолига етиб келадиган маълумотлар оқими ҳам киради. Бу воситалар айнан мустақил бўлганликлари учун ҳам биринчи навбатда молиявий, қолаверса, сиёсий ва бошқа томонлардан ҳеч бир сиёсий куч, алоҳида давлат ёки ижтимоий қатламнинг манфаатларига хизмат қилмасликлари керак.. Чунки мустақил ОАВ аслида одамларда содир бўлаётган турфа хил жараёнларга нисбатан холис фикрнинг шаклланишига имкон бериши лозим. Лекин амалиётда минг афсуски, ҳар доим ҳам шундай бўлавермайди ва жамият ўз аъзоларини, айниқса ёш авлодни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилишга мажбур бўлади.

Ахборот хавфсизлигининг вазифалари:

1) шахс ва жамиятнинг ахборот қабул қилиш ва ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқини таъминлаш;

2) холис ахборотлар маконини таъминлаш (мустақил ОАВ тизимини яратиш орқали);

3) информацион ва телекоммуникацион технологиялар соҳасидаги жиноятларни бартараф этиш йўли билан ушбу йўналишда содир бўлиши мумкин бўлган террористик таҳдидлар, жумладан, телефон орқали, компьютер тизими орқали рўй берадиган хавфларни, шу орқали ноқонуний маблағларнинг бир манбадан иккинчисига оқим кетишига йўл қўймаслик;

4) шахсни, ташкилот ва яхлит жамиятни ахборот-психологик таҳдидлардан ҳимоя қилиш;

5) имиджни шакллантириш, турли бўҳтон, миш-мишлар ва ноўрин хабарларга қарши курашиш.

Ахборот хуружлари турлича бўлгани учун унга нисбатан хавфсизлик чораларини кўриш ҳам турли соҳаларда (сиёсат, иқтисодиёт, муҳофаа) ва турли жабҳаларда (давлат миқёсида, ҳудудий, ташқилиш, шахсий) амалга оширилади. Яъни, давлат миқёсида ахборот хавфсизлигини таъминлашга алоқадор бўлган ишлар муайян бир ташкилот доирасида амалга ошириладиган ахборот хавфсизлигидан фарқ қилади. Биринчисига гап миллий манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисида кетса, иккинчи ҳолатда ташкилотдаги муайян ижтимоий гуруҳлараро ахборот алмашинувида бўҳтон, тўхмат, миш-мишлар тарқатишга боғлиқ бўлган салбий ҳолатлар назарда тутилади. Лекин иккала ҳолат ҳам ахборот хуружларига одамларнинг нормал фаолиятлари учун халақит берувчи омил сифатида қаралади.

Ахборот хуружлари – бу шахсга, муайян ташкилот ва давлатга йўналтирилган таъсир бўлиб, унинг асл мақсади ўша шахс, ташкилот ва давлатнинг нормал ҳаёт тарзининг бузилишини назарда тутган сиёсий ва ижтимоий гуруҳларнинг ғаразли ниятларидан келиб чиқади.

Сайлов компанияларида одатда ахборот хуружларининг бир кўриниши бўлмиш «қора пиар» усулидан фойдаланиладики, унда ёзма равишда нашрий манбалар орқали бўҳтонли мурожаат, ёки радио-телевидение орқали у ёки бу мавзу доирасида ғирт ёлғонга асосланган чиқиш қилинади. Шунинг учун ҳам бундай шароитларда ахборот хавфсизлиги энг аввало сайловда қатнашаётган давогарлар ёки сиёсий партияларнинг обрўсини сақлаб қолиш, улар тўғрисида объектив имиджнинг ҳосил бўлишига хизмат қилади.

Охириги пайтларда турли хорижий ОАВ орқали тарқатилаётган турли хил асосли-асоссиз ахборотларда одамлар онгига салбий таъсир кўрсатадиган маълумотлар тарқатилмоқдаки, уларнинг таъсирида айрим одамлар ва яхлит ижтимоий гуруҳларда бир-бирига нисбатан баъзан агрессив, очиқ девиант хатти-ҳаракатларни келтириб чиқарувчи ҳолатлар юзага келмоқда. Буни биз чет эл ОАВнинг 2005 йил май ойида Андижонда бўлиб ўтган воқеаларни шарҳлашларида гувоҳ бўлганмиз. Ўшанда айрим хорижлик

журналистлар воқеаларнинг асл моҳиятини хаспўшлаш, нотўғри талқин қилиш орқали жамиятимиздаги барқарорликка таҳдид солмоқчи бўлган эдилар. Ўзбекистон очик ОАВ орқали воқеаларнинг холис баён этилиши эса бундай шароитда ахборот хавфсизлигини таъминлаган муҳим манба ролини ўйнаган эди.

Шу сабабли ҳам ахборот хавфсизлиги тўғрисида гап кетганда, нафақат у ёки бу мазмуни ахборотлар, маълумотларни ишончли тарзда сақлаш, балки аниқ, холис маълумотни ишончли манбалар орқали қабул қилиш ва етказиш масалалари ҳам назарда тутилади.

Охирги йилларда компьютер воситалари орқали амалга оширилаётган ахборот хуружлари ҳақида кўп ёзилмоқда. Бундай хуружнинг ўзига хослиги шундаки, компьютер тармоқлари орқали етказилаётган маълумотларнинг аниқ манзилени билиш анча мушкул бўлади. Яъни, хуружга қарши туришда унинг кимдан ва қаердан келаётганлигини билиш муҳим, айнан шу жиҳат компьютер терроризми деб аталмиш хавфни бартараф этишда қийинчиликлар туғдиради. Чунки бу восита орқали тарқатиладиган ахборот бир зумда нафақат бир давлат доирасида, балки бир қанча мамлакатларга тезкор ахборотдай тарқалиб кетиши мумкин. Шундай қилиб, компьютер жинояти содир этилганда унинг объекти бевосита компьютер, компьютер орқали узатиладиган маълумот ва тармоқ ҳисобланади.

Мутахассислар компьютер жинотчилигининг қуйидаги турларини фарқлайдилар:¹³ 1) терроризм; 2) жосуслик (халқаро ва саноат соҳасидаги); 3) экстремистик гуруҳлар фаолияти (сиёсий, экологик ва диний йўналишлардаги); 4) уюшган жиноятчилик ва қаллоблик; 5) хакерлар фаолияти (алоҳида ва уюшган гуруҳлар).

Юқори ахборот технологиялари соҳасида эса қуйидаги тоифали жиноятчилик турлари фарқланади:

а) **хакерлар** (инглиз тилидан олинган: *hackers*) – компьютерлар ва ахборот тизимларини жуда яхши биладиган одамлар;

б) **крекерлар** (ингл. *crackers*) – ахборот тизимнинг хавфсизлиги атайлаб бузиб, рухсатсиз унга ўзгартириш киритиш билан шуғулланадиган инсонлар;

в) **фрикерлар** – (ингл. *phreakers*) турли хил телекоммуникация тизимларида кўпуровчилик билан шуғулланадиганлар.

¹³ Каменьская Е.Н. Социальная психология: Конспект лекций: Учебное пособие / Е.Н. Каменская. Изд-е 2-е. – Ростов н/Д, 2006. – С.192.

Бу каби жинойтчилар гуруҳи одатда йирик коммуникация тармоқларида кўпоровчилик қилиб, банк ва тартибни сақлаш муассасалари тармоқларидаги ахборот тизимини бузишга ҳаракат қиладилар, чунки бу ишларни тагида ётган мақсад ҳамиша ғаразли бўлиб, у йирик пул маблағларига эга бўлиб билан боғлиқдир. Бугунги кунда АҚШ ана шу каби йирик электрон терроризмнинг хавфи остида қолди. Бу каби ишларга айрим-алоҳида шахслар киришса, уларни тезда аниқлаб топиш, жазолаш мумкин, лекин бунга уюшган жинойтчилар гуруҳи киришса, бунинг хавфи каттароқдир.

Ҳарбий экспертларнинг берган маълумотларига кўра, ХХІ асрда ана шундай ахборот хуружлари билан шуғулланиш орқали мамлакатлар хавфсизлигига таҳдид солиш, ноқонуний ишлар билан шуғулланиш, катта пул миқдорларининг бир мамлакатдан иккинчисига ўтиб кетавериши ўзига хос ахборот-психологик урушининг яқинлашиб келаётганлигидан, унинг қуроли – айнан ахборот ва психологик таъсир эканлигини таъкидламоқдалар. Бу ҳолат психологлар олдига, жумладан, ижтимоий психология олдига ўзига хос вазифаларни қўяди.

Информацион таҳдид ва унинг психологик моҳияти кўплаб сиёсатчилар, психологлар изланишларининг предметиға айланиб бормоқда. Г.Почепцовнинг таъкидлашича, ахборот урушида энг аввало психологик қонуниятлар инобатга олинади. **Ахборот-психологик қурол** – бу янги турдаги қурол бўлиб, у оммавий ахборот воситалари, компьютер ўйинлари, Интернет тизими ёрдамида инсон онги орқали унинг психикасига таъсир кўрсатишга мўлжаллангандир.

«Ахборот уруши» тушунчаси нисбатан янги бўлиб, у ўзига сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий борлиқнинг турли жабҳаларини қамраб олади. Унинг асосий кўринишларидан бири – компьютер вируслари ва янги технологияларни ўғирлаш орқали зиён етказишдир. Ахборот урушининг оқибатида аввало танлаб олинган аудитория (кўпинча бу ёшлар аудиторияси)нинг билимлари, таълим тизимиға таъсир кўсатилиб, уларнинг анъанавий маданиятини кўпориб ташлашга уриниш содир бўлади. Бундай шароитда одатда «ҳамма ҳаммага қарши» бўлиб, мағлуб томон одатда у ёки бу соҳадаги устивор мақомини батамом йўқотади. Бундай қуролни ишлатишни билган бир ховуч ғаразли ниятли

одамлар катта ижтимоий гуруҳларни ёки яхлит мамлакатларни ўзига тобе қилиши, ўз ахборот маконида сақлаши мумкин. Одатда қайси мамлакатда ахборот ресурслари кўп бўлиб, у юқори технологиялар борасида илгарилаб кетган бўлса, айнан шу давлатнинг ахборот уруши қомида қолиш эҳтимоли юқори бўлади. Шу сабабли ҳам дастлаб ахборот урушлари ҳақидаги ахборотлар ривожланган Япония ва АҚШларида қайд қилина бошланган.

Шундай қилиб, ахборот уруши – бу гуманитар соҳада бир ижтимоий гуруҳнинг бошқа бир ижтимоий гуруҳ манфаатларидан қатъи назар уни ўзига тобе қилиш, ўз қадриятларига кўндиришга қаратилган узокни кўзлаган сиёсатидир. Бунда асосий қурол ролини чексиз маълумотлар маконида фаолият юргизаётган электрон ОАВ ўйнайди.

Ахборот урушлари олиб боришнинг услулари ҳам турлича бўлиб, унинг асосийлари қуйидагилардир:

- ахборот хуружларининг энг кенг тарқалган турига аввало **рекламани** киритиш мумкин. Чунки яхши ишланган реклама – бу одамларнинг ишонч ва эътиқодини жуда тез ўзгартиради. Ишонч ва эътиқоднинг ўзгариши эса эгасини дадил ҳаракатларга чорлайди.

- **парчалаб ташланган маълумотлар** – ахборот хуружларини амалган оширишнинг янги воситаларидан бири. Бунда бир қарашда аҳамиятсиз, айрим-алоҳида маълумотни ўзида мужассам этган ахборот уни идрок этганларнинг маданий савиясига бевосита таъсир қилиб қўйганини билмай қолади киши. Америкалик олимларнинг таъкидлашича, одатда ақлли мутахассислар муҳим, глобал характерли маълумотларга эътибор бериб, орада ўтказиб юборилган, қўшиб берилаётган нарсаларга эътибор қаратмайдиган. Лекин айнан ўша кичик маълумот онгости тизи орқали шахсга кучли таъсир қилиши мумкин. Масалан, чиройли, маънили қўшиқни, бемаъни либос, ёт маданиятга хос бўлган қолипда тиқилганлиги, ёшларнинг қийиниш дидига кучли таъсир қилиши мумкин. Чунки одатда катталар қўшиқнинг мазмунига эътибор беришса, ёшлар қўшиқчининг либоси, ўзини тутишига аҳамият беради.

Ташаббусни эгаллаш – ахборот агрессияларидаги яна бир усул. Янги маълумотни билган заҳоти уни эгасидан аввал «меники» деб бериб юбориш кўплаб ахборот каналларида ишлатиладиган усул бўлиб, ўзгалар ташаббусини «бизники» дейиш орқали ўз

мамлакати аҳолиси, ҳаттоки, хориж каналларида ўзларига маъқул фикрни таъкидлаб, номаъқулини ўзгаларникидай кўрсатишга асосланади.

Ёмонлик билан тугамайдиган қуролларни ишлатиш – мутахасисларнинг фикрича, одамлар ҳаётига таҳдид солмайди, бундан одамлар саломатлик ёки умрларининг тугаши каби талофатлар кўрмайди, лекин улар оммани ғаразли чақириқлар билан тўс-тўполонларга чиқишга мажбур этиши, алоқа воситаларини батамом ишдан чиқариши ёки энергия манбаларини ноқонуний бошқа тарафга ўтиб кетишига олиб келиши мумкин. Масалан, бундай қурол ишлатилганда баъзан ишлаб турган радио канал тармоғига бегона канал тушиб олиб, ўз «дийдиёси»ни гапириши, одамларнинг «нима бўлди экан» қабилида қизиқишларига асоланиб, бирор сиёсий лидерни ёмонлаши, ёки геноцидни тарқатиши мумкин. Мақсад – тинловчиларнинг фикрини ўзгартириш орқали, уларнинг хулқ-атвориغا таъсир кўрсатишдир.

Ахборот орқали таъмир кўрсатиш механизми – асосли ёки асоссиз, ўринли ёки ўринсиз ахборот етказиш орқали омманинг онгини бошқаришга таянади. Чунки омма ёки «оммавий одам» теран тафаккур юритиш, ҳар бир маълумот ёки ахборотни таҳлил қилишга қодир эмас. Шунинг учун ҳам юқори технология воситалари орқали одамлар онгига таъсир қилиш унинг онгости тузилмасига бевосита таъсир кўрсатиш орқали, унинг идрокидаги онглиликни камайтириш, ҳар қандай янги маълумотга нисбатан табиий толерантликни оширишга йўналтирилгандир. Буни психологлар психиканинг «калити» деб изоҳлашади. Чунки одам ҳамиша янгиликка қизиқади, «Бу нима?» рефлекси айниқса, кичик ёшли ва ўсмирлик ёшидаги болаларда кучли бўлгани сабабли, улар танқидсиз ҳар турли маълумотни қабул қилишга мойил бўладилар. Шунинг учун ҳам охириги йилларда психологлар ўз навбатида бола онгини турли ғайри табиий ахборотга нисбатан чиниқтириш, унинг ўзида психологик ҳимоя воситаларини ва имкониятларини кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

3-§. Хавфсизлик турлари

Ўз вақтида Хиндистоннинг таниқли сиёсий арбоби Махатма Ганди шундай ёзган экан: *«Мен уйимнинг дарвоза ва эшикларини*

маҳкам беркитиб ўтира олмайман. Чунки унга тоза ҳаво кириб туриши керак. Ва шу баробарида эшик ва деразаларимдан кираётган ҳаво довул бўлиб, хонадонимни ағдар-тўнтар қилиб, ўзимни йиқитиб ташлашини ҳам хоҳламайман». Бу сўзларни бугунги информацион хуружлар ва турли хил маълумотларнинг турли йўллар билан мамлакатимизга, умуман, бошқа мамлакатларга ҳам кириб келиб, у ёки бу минтақада асрлар мобайнида шаклланган кадриятлар, урф-одатлар, эътиқод шакллари ва тарбия услубларига салбий ёки ижобий таъсири жараёнлари маъносида қўллаш ҳам мумкин. Зеро, дунёга юз очган, ёшлари дунё тилларини бемалол эгаллаб, «интернетомания» касалига чалиниш арафасида турган Ўзбекистонга ҳам яхши, ҳам ёмон таъсирлар, хуружлар мавжудлиги шароитида шахснинг ўзини ўзи психологик жиҳатдан салбий таъсиротлардан ҳимоя қила олиш имкониятларини кенгайтириш энг долзарб муаммолардан биридир.

Жаҳон ҳамжамиятининг мустақил Ўзбекистонни тан олиши, давлатимизнинг кенг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти ўзбек халқининг маънавий кадриятлари ва имкониятлари тикланишига, ўзини бошқа халқлар оиласидаги тўла ҳуқуқли миллат сифатида англаб етишига кенг имкон яратмоқда. Тобора кенгайиб бораётган халқаро алоқалар жаҳон маданиятини янада чуқурроқ билиш, умуминсоний кадриятлардан баҳраманд бўлиш учун қулай замин яратмоқдаки, бу ўз навбатида ўзбек халқининг турли фаолият соҳаларидаги истеъдоди ривожланишига, унинг тадбиркорлик ва киришимлилик, бир неча чет тилларни ва компьютер технологияларини тез ўрганиб олиш каби иқтидорини рўёбга чиқишига, хориж мамлакатларга бориш, улар билан алоқалар ўрнатиш, дунё стандартлари бўйича олий ўқув юртларида тахсил олиш имконини берди.

Бундай алоқаларнинг кенгайиши ҳақиқий маънавий ва маданий кадриятларни муносиб баҳолаш имконини берди. Ҳозирги ёшлар ҳам, уларнинг ота-оналари ҳам учраган кинони кўриб, дуч келган маза-матраси йўқ китобларни ўқиб кетаётгани йўқ. Атайлаб юртимизга олиб келинаётган ғарбнинг сунъийлаштирилган санъатидан, «кенг истеъмол»даги маданиятидан норозилик халқимизда бор. Бундай маҳсулотнинг илгариги «ман этилган неъмат»га хос «лаззати», жозибадорлиги деярли қолмаган. Ҳозирги кунда хорижнинг маданий кадриятларидан фойдаланишга анча

жиддий ва танлаб ёндашиш эҳтиёжи кучайиб бормоқда. Лекин очик оммавий ахборот воситалари орқали тинимсиз маълумотлар қуюлиб келаётган шароитда айнан ҳали онги шаклланиб улгурмаган фарзандларимиз учун таҳдид ҳам, атайлаб уюштирилаётган мафкуравий тажовузлар ҳам бор.

Шундай шароитда Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг фикрлари биз учун аҳамиятлидир: «Энг муҳими, қалбимизда ғуруримиз, билагимизда кучимиз бор экан, биз тинчликни ҳимоя қилишга, унга хавф солаётган кучларга қарши курашишга, қаддимизни тик тутиб, бошимизни баланд кўтариб яшашга қодирмиз. Бизни кўрқитмоқчи бўлаётган ғаламислар шуни билиб қўйсинки, биз ҳеч кимга бош эгмаганмиз ва ҳеч қачон бош эгмаймиз. Бунда бизга миллий ғоямиз ва мафкура ғоявий таянч ва асос бўлади (2001 йил 10 октябрь).

Зеро, **миллий мафкура** халқнинг мақсад-муддаоларини ифодалайди, тарих синовларидан ўтишда унинг руҳини кўтариб, суянч ва таянч бўлади, шу миллат, шу жамият дуч келадиган кўплаб ҳаётий ва маънавий муаммоларга жавоб излайди. У инсонга фақат моддий бойликлар ва неъматлар учун эмас, аввало, Аллоҳ таоло ато этган ақл-заковат, иймон-эътиқод туфайли юксак маънавиятга эришиш учун интилиб яшаш лозимлигини англатадиган, бу мураккаб ва таҳликали дунёда унинг тараққиёт йўлини ёритиб беради. Истиқлол мафкураси кўп миллатли Ўзбекистон халқининг эзгу ғояси – озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлидаги асрий орзу-интилишлари, ҳаётий идеалларини ўзида акс эттиради.

Халқни буюк келажак ва улуғвор мақсадлар сари бирлаштириш, мамлакатимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо масъулият сезиб яшашига чорлаш, аждодларимизнинг бебаҳо мероси, миллий қадрият ва анъаналаримизга муносиб бўлишига эришиш, юксак фазилатли ва комил инсонларни тарбиялаш, уларни яратувчилик ишларига даъват қилиш, шу муқаддас замин учун фидойиликни ҳаёт мезонига айланттириш – миллий истиқлол мафкурасининг бош мақсадидир.

Очик ахборот коммуникация воситалари орқали инсоннинг ахборот таҳдидларини баҳолаши ва хавфсизликни таъминлаш имкониятлари, турли мафкуравий таҳдидлардан шахснинг қандай

йўллар билан сақланиши мумкинлиги хусусида мутахассислар турлича фикр билдирадilar.

Ижтимоий психология ушбу масалага ойдинлик киритиш учун аввало эгоцентризм тушунчасининг маъносида диққатни қаратади. Эгоцентризм сўзи лотинча «*ego*» – мен ва «*centrum*» – доира маркази сўзларидан олинган. Маъноси – ўз фикр-ўйлари, манфаатлари доирасида қотиб қолган инсоннинг атроф-муҳит ва одамларга оид ўз билимлари ва ўзгаларга муносабатини ўзгартира олмаслигини билдиради. Психологияда эгоцентризмнинг бир қанча турлари – билишга оид, ахлоқий ва коммуникатив эгоцентризмлар фарқланади. Охиргиси – бошқаларга бирор хил маълумот бериш жараёнида уларнинг фикри билан ҳисоблашмаслик, уларни менсимасликда намоён бўлади. Назаримизда, замонавий инфор­мацион хуружларнинг муаллифларида айнан шу каби эгоцентризм кузатилади ва улар ўзларига ўхшаш фақат ўз манфаатинигина кўзлайдиган авлод онгини қамраб олишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ҳам шахсга психологик ҳимоя зарур. Психологик ҳимоя бўлиши учун шахсда мустақил фикр бўлиши лозим.

Демак, очик ахборотлар таҳдиди шароитида ёшларни тўғри яшашга, ватанпарвар ва инсонпарвар бўлишга, эркин фикрли бўлишга **ўргатиш** орқали уларда мафкуравий иммунитетни тарбиялаш энг долзарб вазифалардир. Зеро, ўргатиш бир томонлама жараён бўлмай, у «педагог-тарбияланувчи» мулоқоти тизимида кўпроқ **тарбияланувчининг фази­латларига** боғлиқ. Бундай мураккаб ишни ташкил этишда ҳар бир ижтимоий тоифа ёки шахснинг индивидуал психологик хусусиятларини инобат олиш зарурати ижтимоий психологияда исботланган. Масалан, агар ўқувчи ёки талабаларни яхлит гуруҳ деб оладиган бўлсак, уларнинг барчаси билан бир вақтда, бир хил эффект билан ишлаш ва шу орқали уларнинг мустақил тафаккурини ўстириш, соғлом эътиқодини тарбиялашнинг иложиси йўқ. Иккинчидан, бир гуруҳ талаба ёки ўқувчи учун мақбул ва самарали деб ҳисобланган услубни бошқасида ҳам айнан жорий этишга уриниш бундай шароитларда тескари самара бериши мумкин. Шунинг учун ижтимоий психология шахснинг ижтимоий-психологик тайзиқлардан қутулиш йўллари­га алоқадор қонуниятларни ўрганади.

Турли ахборот-психологик вазиятларда шахнинг ижтимоий хулқи. Очик ахборот коммуникацияси жараёнида ёшлар онгига таъсир этаётган ёт ғояларга қарши ҳимоя воситаларини ишлаб чиқишдан аввал ёшларнинг ижтимоий хулқ-атворини ўрганиш лозим. Ижтимоий хулқда кўзга ташланадиган энг муҳим ҳолатлардан бири *ташвишланиш, нималардандир чўчиш* ва шу туфайли *ижтимоий муносабатлардан ўзини олиб қочишга интилиш* ҳисларининг намоён бўлишидир. Чунки агар *психологик ҳимоя ҳолатининг моҳиятидан келиб чиқиладиган бўлса, бу – шахс ички кечинмаларини ифодаловчи шундай ҳолатки, унда одам ички руҳий муътадилликни асраш учун ўзидаги хавотирланиш, қўрқув ва хадиксирашларини босишга, улардан халос бўлишга интилади. Психологик ҳимоя – шахсни турли салбий таъсирлардан асрашга, психологик дискомфортни бартараф этишга хизмат қилади.* Шундай ҳолатларда одам одатда шахслараро муносабатларда ўзини бошқачароқ тўтадиган бўлиб қолади. Психологлар **ҳимоя механизмларига** одатда қуйидагиларни киритадилар:

- очик ҳис-кечинмаларни **босиш, кўрсатмасликка уриниш;**
- **рад этиш**, яъни номаъқул маълумотни очик рад этиш, қўшилмаслик;

- **проекция** – ўзидаги ҳиссиёт ва кечинмаларни ташқи объектларга кўчириш орқали пайдо бўлган ҳолатнинг сабабларини ташқаридан қидиришга мойиллик;

- **идентификация** – ўзини ахборот эгасига ўхшатиш, унинг ўрнига ўзини қўйиш орқали қадриятларни рад этиш ёки танқидсиз ўзлаштириш;

- **регрессия** – илгари ҳаётида, масалан, ёшлигида бўлиб ўтган қайсидир воқеларга қайтиш, уларнинг яхши ва маъқулларини яна хотирада тиклаш ва хулқда қайтариш орқали ўзида психологик ҳимоя ёки оқловни ташкил этиш;

- **ёлғизланиш** – жамиятдан ўзини олиб қочиш, ўзидаги ўзгаришларни бошқаларга билдирмасликка интилиш, масалан, шундай шароитларда айрим талабалар ўқишга бормаи қўядилар;

- **рационализация** – мулоҳаза ва фикр юритиш орқали ўзида ҳимоя инстинктларини пайдо этиш;

- **конверсия**- мулоқотдаги қандайдир тўсиқлар ёки барьерларни олиб ташлаш учун кутилмаган усулларни қўллаш,

масалан, хавотирли информацияни юмористик мавзу билан алмаштириш йўли.

Очиқ ахборот хуружлари вазиятида шахснинг ўзини ўзи ҳимоя қилишини **бошқаришда** айрим жиҳатларга алоҳида эътибор бериш лозим. Аввало, таъкидланганидек, ҳар бир инсон учун **мустақил фикр** зарур. Мустақил фикрга эга бўлган инсонгина ўзига нисбатан қаратилган яхши ёки ёмон маълумотнинг моҳиятига етиши ва унга нисбатан адекват реакция кўрсатиши, ҳимоя механизмларини ишга солиши мумкин.

Иккинчидан, ёшлар турли ёт ва бемаза ахборот хуружларига берилмаслиги учун биз уларда **миллий ғурурни** тинимсиз тарбиялашимиз ва бунда ҳар бир фан предмети ва тарбиявий мулоқотлардан оқилона фойдаланишимиз зарур. Масалан, 2006 йилнинг ўзида нишонланган қатор тантаналар, жумладан, Маъмун Академияси ва унинг нима учун айнан Ўзбекистон ҳудудида ташкил этилганлигига ёшлар эътиборини қаратиш ва уларни очиқ фикр алмашинувига чорлаш уларда миллий ғурурни уйғотади.

Миллий ғурурнинг аҳамияти шундаки, бундай сифати бор инсон бошқаларга қул бўлишни, жумладан, ахборот хуружларига тобе бўлмайди.

Учинчидан, миллий ғурури бор инсонда имон, инсоф ва диёнат тушунчаларини шакллантириш мумкин. Чунки инсон қалби билан боғлиқ бу кадриятлар Интернет ва очиқ ахборотлар оламида адаштирайдиган «компас» ролини ўйнайди. Бир рус олими таъкидлаганидек, **«Интернет» шундай ўрмонки, унда компасиз юриб бўлмайди»**.

Тўртинчидан, олий ўқув юртларида профессор-ўқитувчиларнинг **авторитетини**, улар айтадиган **ҳар бир сўзнинг аниқ мўлжалли бўлишини** таъминлаш зарур. Домла айтадиган фикрлардан бири – ахборот қандай бўлишидан қатъи назар, у қабул қилувчи инсоннинг измида бўлиши, унинг манфаатига хизмат қилиши керак. Бунинг учун ёвуз ниятли, ёт ғояларни тарғиб этувчиларнинг асл ниятларини, улар сайъи-ҳаракатларининг охири-оқибати нима билан тугашини очиқ айтавериш лозим.

Шундай қилиб, ахборот хуружларига қарши туришнинг психологик йўллари ҳар бир мураббий ва талабага етказиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун қуйидагиларни ёдда тутиш лозим:

а) аслида атайлаб таъсир этишга мўлжалланган хабарни шахс дарров қабул қилмайди. Чунки, биринчидан, унда илгаридан психологик ҳимоя мавжуд ва иккинчидан, ҳар қандай янги нарсанинг сингиб кетишида муайян ахборот тўсиқлари ҳам бўлади.

б) бундай шароитларда «учинчи шахс таъсири» эффекти рўй беради. Унинг маъноси – «бу хабарга ҳамма ишонаверсин, менга таъсир қилмайди» деб ўйлайди шахс, лекин маълум маънода шу фикр таъсирида у ахборот таъсирида тушиб бўлган бўлади. Халиги фикрни ўзи учун ҳар эҳтимолга қарши ҳаёлидан ўтказди;

в) ишонтирувчи чақириқларга, масалан, реклама орқали етказилаётган хабарларга ёш болалар жуда ўч бўлади ва айнан улар ота-онани кўндиради. 90% оналар айнан реклама қилинган товарларни болаларига харид қилиб олиб беради. Худди шундай «Интернет»га уланиш, уйда замонавий компьютерга эга бўлиш фикри ҳам болалардан чиқади, бунга ота-онани кўндирадилар ҳам.

г) хабарнинг асл мақсади аслида маълумот бериш эмас, балки *ишонтириш* эканлигини тушуниш керак. Одамнинг маълумотлилики даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг турли хабарларга ишонқирамай муносабатда бўлиши ҳам юқори бўлади. Лекин хабарга ишонқирамай қарашимиз бизнинг уни қабул қилишимиз ёки қилмаслигимизни билдирмайди. Яъни, агар биз очикдан очик ёшларга «бу ахборот манбаига ишонманглар, улар атайлаб ёлғон маълумот бермоқда» десак, бу нарса уларнинг шу турли ахборотни қабул қилмасликларини кафолатламайди. Лекин **«огоҳлантирилган одам қуролланган, муҳофазаланган бўлади»** деган тамойилдан келиб чиқиб, биринчи огоҳлантиришдан сўнг, яна ўз фикримизни фактлар билан асосласак, улардаги иммунитет кучлироқ бўлади. Лекин шуни назарда тутиш лозимки, огоҳлантириш муддатлари ҳам роль ўйнайди. Масалан, психологик экспериментларда бир ҳафта аввал огоҳлантиришнинг таъсири узоқроқ муддатдан кўра камроқ эканлиги маълум бўлган. Ёки уйда холи, комфорт шароитда қабул қилинган таъсир билан одамлар орасида, кўпчиликнинг ичида ғализ хабарни қабул қилиш фарқланади, чунки ёлғиз уйдаги таъсир скептизмни кучлироқ намоёйиш этиши кузатилган (Чалдини).

Иккинчи томондан, бевосита ахборотни қабул қилиш арафасидаги огоҳлантириш қарши аргументлар ишлаб чиқиш

вақтини камайтиради, ундан сал аввалроқ огоҳлантириш эса инсон миясида маълумотни қайта ишлашга имкон беради (Дж. Тернер).

д) таниш нарсалар ҳақида маълумотга эга бўлган одамни ишонтириш тезроқ амалга ошади. Лекин самарали тактикалардан бири – ахборот каналлари орқали берилаётган маълумотларни очикчасига жамият манфаатларига зид эканлиги, уларнинг адолатсиз, худбинларча узатилаётганлиги, нималаридир қонунга хилоф эканлигини қайд этиш мумкин. Яъни, тарбиячи, ўқитувчи муайян ахборот мазмуни ёки унинг манбаига нисбатан очик тарзда ўз норозилигини баён этиш, тарғиботчи фикрига қарши эканлигини айтиши мумкин. Бу ҳолат ҳам аудиторияни ўйлашга мажбур этади.

Яна ўзига хос стратегиялардан бири – очик ахборот манбаларидан кетган маълумотни, ундаги айрим фактларни очик тан олишдир. Масалан, баъзан талаба Ўзбекистонга қарши бўхтонли хабарни эшитганини ташвиш билан устозига айтиши мумкин. Шундай пайтларда эшитган маълумотининг мазмунини сўраб олиб, уларнинг айримлари борасида ҳақ гапни айтиши: «ҳа, дарҳақиқат буларни биз ҳам биламиз, сен билмасмидинг» деб, ахборотнинг асл бўхтон қисмини кейин рад этиши мақсадга мувофиқроқдир.

Бундан ташқари, ўқитувчига хос бўлган усуллардан бири – ўз қарашларига нисбатан иккиланиш позицияси борлиги очик тан олиш: «балки мен ноҳақдирман, лекин бу масалада шундай асосларим бор эди..., деб барча холис асосларни келтириш лозим. Шундай қилиб, очик ахборот хуружлари шароитида шахсга турлитуман маълумотларнинг етиб келиши табиий. Бундай шароитда оилада катталарнинг, аудиторияда педагогнинг фаол ҳаётий позицияси, теран муносабати ёшларга ижобий таъсир кўрсатади. Чунки ҳамма нарсага қизиқадиган ёшлар учун референт гуруҳнинг ёнида, оиласи даврасида ёки ўқув муассасасида бўлиши катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Ижтимоий психологияда хавфсизлик муаммосининг қўйилиши: моҳияти, шахсни ижтимоий-психологик ҳимоя қилиш муаммоларини изоҳлаб беринг.

2. Ахборот хавфсизлиги ва унинг келиб чиқиш шартлари нималардан иборат?

3. Хавфсизлик турларига нималар киради?
4. Информацион-психологик хавфсизлик ва унинг ички ишлар органлари фаолиятидаги аҳамиятини тушунтириб беринг.
5. Шахсни ўзини ўзи ҳимоя қилиш воситалари деганда нимани тушунаси?
6. Турли ахборот-психологик хавфли вазиятларда шахснинг ижтимоий хулқи ҳақида нималарни биласиз?

15-мавзу. ҲУҚУҚБУЗАР ВА ЖИНОЯТЧИ ШАХСЛАРНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

1-§. Жиноятчи шахси ва унинг ўзига хос психологик хусусиятлари

Жиноят содир этган кишининг шахсий хусусиятларини таҳлил қилиш қуйидаги саволларга жавоб бериш учун керак:

- ушбу шахс томонидан ҳаракат нима учун ва қандай усулда содир этилган;
- жиноятчи айнан қандай жавобгарликка тортилиши лозим;
- жиноятчи шахс шаклланишининг шартлари қандай.

Ушбу ҳаракатни содир этишда жиноятчида намоён бўлган шахсий хусусиятларни Ички ишлар органлари ходимлари билишлари ва жиноят ким томондан ҳамда нима мақсадда содир этилганлигини аниқлаши шарт.

Жиноятчининг шахсини билиш унга белгиланадиган жиноий жазо ва унинг оғирлаштирувчи ва енгиллаштирувчи ҳолатларини англаш учун керак. *«Агар жиноят билан боғлиқ сабабларнинг занжирини унинг кетма-кетлиги бўйича эмас, балки тескари, яъни охиридан кўриб чиқадиган бўлсак, чунончи, содир этилган жиноятдан унинг тарихига қараб. Унда биринчи навбатда жиноят содир этган онгида ривожланган ва иштирок этган кўплаб психологик жараёнларга эътибор беришимиз лозим. Бошқача қилиб айтганда, гап жиноятчининг шахсий хусусиятлари, яъни унинг жиноят содир этишига бевосита ва яқиндан сабаб бўлган субъектив хусусиятлари ҳақида кетмоқда».*

Жиноятчининг шахсини (тавсифлаш) характерлаш – яъни, индивиднинг типологик, криминоген хусусиятларини аниқлаш ва ўрганишдир. **Жиноятчининг шахси** – индивиднинг кўплаб типологик хусусиятлари, у томондан жиноятнинг муайян бир турини содир этишига ёрдамлашувчи хусусиятдир.

Инсон шахсини баҳолаётганда, ҳаёт фаолиятининг стратегияси ва хулқининг умумий схемасини ҳосил қилувчи умумий услублар ва уларнинг вужудга келишини ўрганмоқ лозим.

Шахсий типни вужудга келтирувчи психологик омиллардан бири бу фикр ҳосил бўлишнинг механизми ҳисобланади. Инсон ўзини шундай маънода тўтадики, яъни ўз фикрини хулқ-атвор натижаларига бағишлаган ҳолатда намоён қилади. Шахсларга унинг ҳақиқатга мос келувчи ҳаракатларига қараб баҳо бериш мумкин. Инсоннинг ўзи барча шахсий фикрларини англамайди, уларнинг бир қисми мавхумдир. Лекин, ҳар бир англаган ҳаракатни ўзи учун керакли ёки зарур, яъни ўзининг шахсий қийматлиги сингари **«санкциялаштиради»**.

Жиноятчиларнинг хулқида жиноий ҳаракатнинг фойдалилиги ҳақидаги шахсий баҳосида умумий хатолик мавжуд. Жиноятчи шахсларлар одатда жиноий мақсадларга эришиш йўлида вужудга келадиган ижтимоий қийматликларнинг ўзларини оқлаш мотивлари тизимлари билан енгадилар. Ўз ҳаракатларини оқлаш орқали ўзидан жавобгарликни соқит қилиш – кўпчилик жиноятчиларнинг характерли хусусияти ҳисобланади.

Жиноий ҳаракатни содир этиш жиноятчи шахсларнинг ўзига юқори баҳо бериши билан боғлиқ бўлади. Бу шундан далолат берадики, жиноятчи шахсларлар ўзларини бошқариши ва баҳолашларида чуқур хатоликларга йўл қўйишар экан. Жиноятчи шахсларда психологик жиҳатдан ўзини ҳимоя қилиш тизими шаклланади экан.

Жиноятчи шахсларда содир этилган жиноятларидан ўзини ўзи оқлаш турли усуллар билан амалга оширилади:

Жиноятчи шахсларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати ва содир этган жиноятларида жиноятчи шахснинг мотивлари ётади. Жиноятчи шахсларнинг яширинган ички мотивлари шахсий негатив хусусиятлари орқали – қасд, рашк, дўстликни ва ҳамкорликни олдиларига қўйилган мажбуриятни нотўғри тушуниш натижасида шаклланади.

Ҳар бир шахсининг эҳтиёжлари унинг учун индивидуал заруриятлар тизимидек намоён бўлади. Эҳтиёжлар турли хил: объектив зарурий ва ҳар хил эҳтиёжлар – **квази эҳтиёжлардир** (квазипотребности).

Жиноят содир этган шахсларнинг эҳтиёжлари – ўзининг торлиги, чегараланганлиги, бир томонламалиги, ижтимоий ижобий эҳтиёжларнинг яхши ривожланмаганлиги (меҳнатда, яхши хулқ-атворда), уларни қондиришнинг ўрта меъёрларидан ошиб кетганлиги, ғайритабиий бузуқликда (жинсий, гиёҳвандга боғлиқликда ва бошқалар).

ЖИНОЯТЧИ ШАХС – бу жиноят содир этган ва суд томонидан айбдор деб топилган шахсга айтилади. Суд психологиясида, жиноятчи шахси ҳақида гап кетар экан, айбдор шахсининг психологик ўзига хос индивидуал жиҳатларини инобатга олиш лозим.

Бундан ташқари, *йирик рус олими А.Ф.Лазурский* шуни исботладики, инсоннинг шахсий психик бузилишлари унда муайян бир психологик қобилиятлар (ақл, ирода, ҳиссиёт) етишмаслигида эмас, балки анъанавий психик шароитлар билан инсон ривожланишида юзага келадиган ташқи шарт-шароитларнинг ўзаро мос келмаслигидадир.

Жиноий хатти-ҳаракат ўз-ўзидан жиноятчи шахсининг субъектив томонларини тўлиқ ва батафсил очиб бермайди. Хатти-ҳаракат юридик хусусиятлари бўйича бир хил бўлиб, турли хил психик омиллар билан шартланган бўлиши ҳам мумкин.

Жиноят содир этган шахсининг шахсий сифатлари унинг ҳуқуқий онги бузилишидан далолат бермай, балки бошқа салбий ахлоқий психологик хислатлар ҳақида ҳам далолат бериши мумкин.

А.Р.Ратинов бошчилигидаги олимлар гуруҳи томонидан ўтказилган тадқиқодларга кўра улар томонидан ишлаб чиқилган «*ҳаёт мазмуни*» тести оддий фуқаро билан жиноятчилар ўртасида психологик фарқни кўрсатиб берди. Анализлар шуни кўрсатдики, оддий фуқаролар ҳаётини қийматликлар ҳамда ҳаётнинг ўзига объектив баҳо бера оладилар.

Кўплаб жиноятлар асосан криминоген вазиятга боғлиқ бўлади деган фикрига қўшилиш қийин, жиноятлар криминоген вазият бўлгани учун эмас, балки жиноятчи шахсининг индивидуал

психологик хусусиятларига ва уларнинг шахсий хислатларига боғлиқ ҳолда содир этилади.

Жиноятчи шахс ижтимоий қийматликларга нотўғри баҳо беради ва шу сабаб унинг психологиясида ўзгаришлар рўй беради ҳамда содир этаётган жиноятлари учун ўзига хос бўлган турли хилдаги баҳоналар ишлаб чиқади ва қилаётган жиноятларидан пушаймон бўлмайди.

Кўплаб жиноятчи шахслар учун бирор нарса қила олиш ёки бажариш шу нарсага эришиш йўлларида кўра паст даражада бўлади. Баъзи бир пайтларда эса жиноятчи шахс дегродация жараёнини бошдан кечиради.

Порахўрлик, талончилик, ўғирлик, товламачилик каби жиноят турларини жиноятчи шахслар ўзларининг юқори даражадаги эҳтиёжларини қондириш учун амалга оширади. Бу борада уларда «*тўплаш инстинкти*» вужудга келади ва чегара билмайди. Асосий муаммо жиноятчи шахс эгаллаган қийматда эмас, балки унинг пассив шахсга айланаётганлиги, яъни ишлаб чиқарувчи шахсдан фақатгина истеъмол қилувчи шахсга айланганлигидир. Дастлаб бемаъни кўринган жиноятлар (оз миқдордаги талон-тарож, ўғирлик ва ҳоказолар) жиноятчи шахс учун катта аҳамият касб этади.

Умуман олганда жиноятчи шахс ва унинг психологиясини ўрганиш бу-содир бўлиши мумкин бўлган ва содир этишга ният қилган жиноятни олдини олади, агар шахс илгари жиноят содир этган бўлса уни рецидив жиноятчига айланишига тўсқинлик қилишдир.

*Агар шахсга таъриф берадиган бўлсак: **Шахс деб** – ўз «МЕН»лигини англаган, ўзгалар билан ўзаро муносабатларга кириша оладиган, табиат ва жамиятга актив таъсир ўтказа оладиган, ҳар қандай индивидга айтилади.*

Ҳозирги пайтда Ғарб психологиясида шахсни тадқиқ қилиш ва тушунтириш борасида «*инсонпарварлик психологияси*» деб аталмиш психология вакиллариининг психоаналитик назариялари ва қарашлари энг нуфузли йўналишлари бўлиб ҳисобланади.

Асримиз бошларидаёқ веналик психиатр ва психолог **З.Фрейднинг** қарашлари шахс фаоллиги манбаи характерининг ўзига талқинини тавсия қилган эди. Унинг кўпчилик издошлари томонидан маъқулланган нуқтаи назарига кўра, киши унда ҳайвонот дунёсига мансуб аждодлардан мерос қилиб олган

инстинктив майллар ва энг аввало, жинсий инстинкт ва ўзини ҳимоя қилиш инстинкти мавжуд бўлганлиги туфайли фаолдир. Лекин жамиятда инстинктлар ўзини ҳайвонот оламида бўлгани каби намоён қила олмайди, негаки, жамият кишини кўплаб чеклашлар турига ўраб ташлайди, унинг инстинклари ва майилларини «цензура»га рўбарў қилади, бу эса кишини уларни чеклашга, тайинлашига мажбур қилади.

3.Фрейднинг шахс фаоллигини бутунлай шахвоний хирсга боғлиқ қилиб қўйишига интилиши психологларнинг кўпчилигида эътироз туғдирди. Бу хил классик фрейдизмнинг ва ундан муайян чёкинишларининг бирикувидан иборат хусусиятига эга бўлган неофрейдизм (А.Кардинер, Э.Фромм, К.Хорни ва бошқаларнинг) келиб чиқиш сабабларидан бири бўлган эди.

Неофрейдчилар шахснинг фаоллигини тушуниш борасида шахвоний майлларнинг устунлиги фикридан воз кечишади ва инсоннинг биологик мавжудодлигидан четга чиқишади.

Шахснинг муҳитга боғлиқлиги биринчи ўринга қўйилади. Муҳит шахсга ўзининг энг муҳим хусусиятлари аксини сингдиради. Психология нуқтаи назардан қараганимизда нима учун жиноятни содир қилгани эмас, балки нима сабабдан айнан шу жиноят турини танлаганлигини аниқлаш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жиноятчини ички дунёсини билиш бу алифбони ўрганиш эмас, ички дунёга эса шахснинг психологиясидан келиб чиқиб ҳар бир воқеа ҳодисага таъсир қилиши мумкин. Шахсни маънавий бузилганлигини билиш қийин, чунки у буни яширишга ҳаракат қилади. Шахсни ўзидан бошқа ҳеч ким мукамал билмайди, билиши мумкин бўлса ҳам фақат баъзи бир одатларини, хатти-ҳаракатларини билиш мумкин. Бу эса шахсни тўла тўкис биламан дегани эмас.

XXI асрнинг 20-йилларида бу муаммони психолог олим **Д.Н.Узнадзе** очиб беришга ҳаракат қилган. Олимнинг фикрига кўра инсон баъзи бир содир бўладиган воқеа ҳодисага ўзини ва бошқа одамларни психологик жиҳатдан олдиндан тайёрлайди, лекин воқеа содир бўлгандан кейин у ўзини ўзи бошқара олмай қолганини ваз қилиб кўрсатади. Бу воқеа айниқса жисмоний яқинлашишда аниқ кўрсатилади.

Шахснинг ҳуқуқбузар бўлиб шаклланишда ва айнан жиноятчи бўлишида шахсга атроф-муҳитнинг таъсири муҳим роль ўйнайди. Чунки, шу муҳит ҳам ўзига хос шахс тарбиясига таъсири бор.

Масалан, оила шароитида ҳар куни ота наркотик моддалар билан шуғулланса, ўғилни ҳам қизиқиши бўлади. Таътиб кўриш учун унда қандайдир қизиқиш уйғонади. Натижада шахс икки ё уч марта истеъмол қилиб охири ўзини тийишга унда ирода етишмайди. Бу эса жиноятчиликнинг илк белгилари сифатида намоён бўлади.

Жиноятчининг шахсини (тавсифлаш) характерлаш – яъни, индивиднинг типологик, криминоген хусусиятларини аниқлаш ва ўрганишдан иборат. Жиноятчининг шахси – *индивиднинг кўплаб типологик хусусиятлари, у томондан жиноятнинг муайян бир турини содир этишига ёрдамлашувчи хусусиятдир*. Жиноятчи шахс – бу жиноят содир этган ва суд томонидан айбдор деб топилган шахсга айтилади. Суд психологиясида, жиноятчи шахси ҳақида гап кетар экан, айбдор шахснинг психологик ўзига хос индивидуал жиҳатларини инобатга олиш лозим.

Инсон хулқи мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса бўлиб, уни ўрганишда тизимли ёндашув ва эҳтимол тутилган жараёнлар ҳақидаги замонавий тасаввурларга эга бўлиш талаб қилинади. Ҳар бир ахлоқий ҳодисанинг моҳияти унинг шахс хулқининг умумий тузилишидаги ўрни билан боғлиқ. Индивидуал ривожланиш жараёнида ахлоқий тизимлар индивидуал ахлоқий стратегиянинг мураккаб мажмуига айланади ва шахснинг ахлоқий типини ҳосил қилади.

Анъанага кўра, ғайриижтимоий хулқ сабаблари икки гуруҳга – ижтимоий ва биологик сабабларга ажратилади. Бироқ, ахлоқ-одоб меъёрлари (қоида)дан оғувчи хулқнинг кўплаб кўринишларини таҳлил қилиш мазкур муаммони бошқачароқ, яъни тизимли-интеграциялашган (бирлашган) ҳолда ўрганиш зарур, деган хулосага олиб келади.

Ғайриижтимоий хулқ сабаблари ҳақида сўз борар экан, аввало, муаммони таҳлил қилишнинг асосий принципларини келтириб ўтамиз.

1. Ғайриижтимоий хулқ, нормадаги хулқ каби, кўп омиллидир, у бир ёки хатто бир қанча сабабларнинг оқибати эмас. Бироқ, алоҳида олинган индивидуал ахлоқий кўринишнинг кўп омиллар билан боғлиқлиги ва эҳтимолли хусусияти уни ўрганиб бўлмаслигини билдирмайди. Бу ўринда шахснинг типик индивидуал-психологик хусусиятлари ва ахлоқий қарашларини аниқлаш устун аҳамиятга эга. Ижтимоий ва биологик омиллар ўз-ўзича эмас, балки жиноятчи

хулқининг типини ҳосил қилувчи унинг шахсий-психологик хислатларида бирлашган ҳолда ғайриижтимоий хулқнинг аниқловчиларига айланади.

2. Ғайриижтимоий хулқ ижтимоий ижобий хулқдан йўналишининг мазмуни бўйича ҳам, психорегуляцион хусусиятлари бўйича ҳам ажралиб туради. Шахс хулқи унинг эҳтиёжлари, анланган ва анланмаган майллари тизими, олдига мақсад қўйиш ва унга эришиш хусусиятлари билан ажралиб туради. Агар уни схема тарзида тасвирлайдиган бўлсак, қуйидагича кўриниш ҳосил қилади.

Аксарият жиноятчиларнинг хулқига ижтимоий қадриятларга мослаша олмаслик (дезадаптация) ва ўзини ўзи бошқаришдаги нуқсонлар хосдир. Индивиднинг ўзини ўзи бошқариш имкониятлари паст даражада бўлганида, ғайриижтимоий майллари, одатлари нафақат назорат қилинмайди, балки уларнинг ўзлари хулқнинг мақсад ҳосил қилувчи механизмларига айланади.

3. Ғайриижтимоий хулқ индивиднинг ўз ижтимоий масъулиятини ҳимоя қилиш (ўзини оқлаш) мотивацияси, умум қабул қилинган ижтимоий қадриятларнинг қадрсизланиши асосида амалга оширилади. Инсон хулқи унинг эҳтиёжлари ва йўналганлик соҳаси, қабул қилган қадриятлар тизими, умуминсоний маданиятдан баҳрамандлик даражаси билан боғлиқдир. Инсон ҳайвондан фарқли равишда қандайдир ягона хулқ тизимларига маҳкум эмас, у кўп функциялидир. Унинг хулқини аниқ инстинктив (туғма) майллари эмас, балки ижтимоийлашув даражаси юзага келтиради.

4. Ғайриижтимоий хулқ – можароли хулқ бўлиб, доимо жамиятда, ижтимоий гуруҳларда, шахс билан ижтимоий гуруҳ, айрим шахслар ўртасида ва, ниҳоят, шахснинг ўзидаги ички зиддиятларга асосланган. Инсон хулқидаги ташқи ҳолатлар тизими унда шаклланган ички руҳий шарт-шароитлар тизими орқали намоён бўлади. Ушбу ички руҳий шарт-шароитларга қуйидагилар киради:

- қадриятлар тизими;
- ахлоқий йўналганлик;
- хатти-ҳаракатнинг умумлашган усуллари;
- ўзини ўзи тартибга солишнинг психодинамик хусусиятлари.

5. Инсон хулқида на объектив, на субъектив омилларни алоҳида ажратиш мумкин. Ижтимоий омиллар одамлар хулқида бевосита ички шахсий, индивидуал-психологик ҳодисалар орқали таъсир кўрсатади (ва бу, баъзан «жиноий табиат» иллюзиясини юзага келтиради).

6. Шахс қанчалик кам ижтимоийлашган бўлса (бу, одатда, жиноятчи шахснинг ўзига хос хусусиятидир), биологик омилларнинг устун (доминанта) бўлиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади. Инсон онгининг ривожланиши қанчалик чекланган бўлса, унинг хулқида иерархик жиҳатдан қуйи турадиган мотивация даражалари шунчалик катта роль ўйнайди.

Криминолог олим З.С.Зарипов ва И. Исмаиловлар жиноий хулқ шаклланиш жараёнини қуйидаги тоифаларга ажратишади: а) шахс эҳтиёжи ва манфаатлари бузилиши билан боғлиқ жиноий хулқ шаклланиш жараёни; б) шахс эҳтиёжи (манфаати) ва имконияти ўртасидаги фарқ (қарама-қаршилик) билан боғлиқ жараёнлар; в) шахс маънавий ва ҳуқуқий тасаввурининг, қадриятлар ва ижтимоий йўналишининг бузилиши билан боғлиқ жараёнлар; г) қарор қабул қилиш ва амалга оширишдаги нуқсон ва камчиликлар билан боғлиқ жараёнлар¹⁴.

Жиноий хатти-ҳаракат жараёни қуйидаги асосий қисмларни ўз ичига олади: мотивация, қарор қабул қилиш ва уни амалга ошириш. Ҳар қандай ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хатти-ҳаракат бу шахсдаги ўзига хос хусусиятлар билан ташқи муҳитнинг ўртасидаги алоқанинг натижаси деган фикрга асосланган ҳолда муайян жиноий хатти-ҳаракат жараёнини қуйидагича тасвирласа бўлади:

Рус олими Г. А. Аванесов инсон хатти-ҳаракатига салбий таъсир этувчи қуйидаги биологик шарт-шароитларни ажратади:

– жинсий бузилиш ва жиноятларнинг сабабига айланадиган биологик эҳтиёжлар патологияси;

– асаб тизимининг кўзгалувчанлигини кучайтирадиган, ноадекват реакцияни келтириб чиқарадиган ва ҳаракатларни ижтимоий назорат қилишни қийинлаштирадиган асаб-руҳий касалликлар (психопатиялар, невротениялар, касаллик ва соғлиқ чегарасидаги ҳолатлар);

– турли хил психосоматик, аллергик, захарвандлик билан боғлиқ касалликларга олиб келадиган ва кўшимча жиноий омил

¹⁴ Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология. – Т., 1996 – Б.130.

бўлиб хизмат қиладиган психофизиологик зўриқишлар¹⁵.

Руҳий аномалия (нормадан оғиш)лар эса ирсий (генетик) илдизларга эга бўлиб, асабий-руҳий бузилишлар фақат ноқулай муҳит таъсиридагина жинойий хулқнинг сабаби бўлиши мумкин.

XX асрнинг 20-йилларидаёқ психиатрлар (Ю.М.Антонян, Ц.А.Бородин, М.В.Виноградов, Ц.А.Голуб ва бошқ.) жинойий хулқ тури билан руҳий аномалия ўртасида боғлиқлик мавжудлигини таъкидлаганлар. Масалан, рус олими Ю.М.Антонянининг фикрича, «...ақли ожизлар, кундалик ҳаётга мослаша олмайдиганлар ўзларининг тубан эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўғрилиқ, баъзан эса қотиллик жиноятларини содир этадилар. Беқарор ва ташқи муҳит таъсирига тез берилувчан ихтиёрсиз психопатлар одатдаги ўғрилар сафини осон тўлдирадилар; маъносиз руҳий ҳис-туйғулар ва кучли тубан майлларга эга бўлган психопатлардан эса бандитлар, ғаразли қотиллар бошқаларга қараганда осонроқ ҳосил бўлади; патологик қўзғалувчанлиги билан ажралиб турадиган психопатлар арзимаган нарса туфайли атрофдагилар билан осон айтишиб қоладилар, жамоат тартибини бузадилар»¹⁶

Руҳий аномалияларга чалинган шахсларнинг улуши (коэффициенти) барча жиноятчиликларнинг тахминан 70 % ини ташкил қилади.

Маълум бўлишича, руҳий аномалия ҳолатида шахслар томонидан жисмоний куч ишлатиш (одам ўлдириш, номусга тегиш, тан жароҳати етказиш) ва безорилик жиноятлари содир этилган.

Шу маънода, аксарият жиноятчи шахсларнинг хулқида жанжалкашлиқ, тез таъсирланиш, салбий майлларнинг ўз-ўзидан пайдо бўлиши, ўз хулқини ижобий қадриятлар ва мотивациялар билан бошқариш механизмининг сустлигини кузатиш мумкин. Мазкур ахлоқий кўринишларнинг бари генетик аномалиялар – Клайн Фельтер синдроми (ортиқча Х-хромосома – 47/XXY синдром ёки ортиқча Y-хромосома – 47/XYX синдром) деб номланади. Бунда ортиқча Х-хромосома ҳаддан ташқари тажовузкорлик билан, ортиқча Y-хромосома эса мақсад қўйиш ва унга эришиш соҳасидаги оғиш (аномалия)лар, хулқнинг иродавий бошқарувидаги

¹⁵ *Аванесов Г. А.* Криминология и социальная профилактика. – М., 1999. – С.226-230.

¹⁶ *Антонян Ю. М.* Преступность и психические аномалии. – М., 1990. – С. 67.

бузилишлар билан изоҳланади¹⁷.

Шундай қилиб, *инсон хулқи ягона биоижтимоий омил билан боғлиқдир. Биологик жиҳатдан мерос сифатида олинган инсон хислатлари муайян ижтимоий шароитларда унинг руҳий хислатлари ривожланиши учун шарт-шароит ҳисобланади.*

Ҳар бир жиноят ғайриижтимоий йўналишдаги бошқарув механизмларга эга хулқ натижасидир. Хўш, бу субъектив руҳий омил жиноятни келтириб чиқаришга сабаб бўладими?

Албатта, руҳий омиллар жиноят содир этилишида биринчи ўринга чиқади ва бу уларнинг биринчи сабаби эканлиги хусусидаги фикрни юзага келтиради. Аслида, руҳий омилларнинг ўзи жиноятчи шахси шаклланишининг ҳақиқий шароитларида юзага келади.

Инсон хулқида ташқи омиллар тизими ички шарт-шароитлар тизими билан белгиланади. Шу боис ҳар бир жиноятда объектив ва субъектив омилларнинг бирлиги кўринади. Ҳеч бир ташқи омил ҳам, ҳеч бир ички ҳолат ҳам ўз-ўзича ахлоқий актни юзага келтирмайди.

Шу маънода, аксарият жиноятчиларда ўз-ўзидан юзага келадиган майлларнинг тасодифий вазиятларга боғлиқлиги хосдир. Шахснинг ўзини ўзи бошқариш тизимининг тарқоқлиги аксарият жиноятчиларни бир-биридан ажратиб турувчи асосий психологик жиҳатлардан биридир. Жиноятчиларнинг айрим худбинона интилишлари ғайриижтимоий тус олганда уларнинг ахлоқий тизимини онг ости майллари даражасида бошқаради.

Суд психологиясида, жиноятчи шахси ҳақида гап кетар экан, айбдор шахснинг психологик ўзига хос индивидуал жиҳатларини инобатга олиш лозим.

2-§. Профессional жиноятчиларнинг ўзига хос хусусиятлари

Касбий психологиянинг энг долзарб муаммоларидан бири гуруҳ бўлиб жиноят содир қилувчи шахслар психологиясини ўрганишидир.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунида бир шахснинг икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этиши ёки жиноий фаолият юритиши қонунда айбни оғирлаштирувчи ҳолатлар қаторига

¹⁷ Еникеев М.И. Юридическая психология. – СПб., 2005. – С. 55.

киритилган (масалан, такроран ёки қасддан янги жиноят содир этиш). Ҳақиқатан ҳам ушбу кўрсаткич шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини оширади. Агар жиноий фаолиятни икки ёки ундан ортиқ шахслар содир этган бўлса, жиноятларнинг ҳамда гуруҳнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси юқори бўлади.

Бундан ташқари, жиноий гуруҳларнинг шаклланишига олиб келувчи махсус психологик омиллар ҳам мавжуд, уларга:

– «бирлашмай туриб» жиноят содир этиб бўлмаслиги;

– жиноий манфаатларнинг умумийлиги;

– шахсий майллар;

– умумий ахлоқ нормалари, умумий эътиқодлар, ҳуқуқий онгдаги ўхшаш нуқсонлар ва шу кабилар киради.

Жиноий гуруҳларга қуйидаги белгилар хосдир (улар ушбу гуруҳларнинг уюшқоқлиқ даражасига кўра кўп ёки кам даражада намоён бўлади):

– уюшганлик – қатъий иерархик тузилишнинг мавжудлиги, қаттиқ интизом, қуйи бўғинларнинг юқори бўғинларга бўйсунishi;

– барқарорлик – узоқ муддатли ва барқарор жиноий алоқалар ҳамда фош бўлганидан ва жиноий таъсир чораси қўлланилганидан кейин тикланиш (бутунлай ёки қисман);

– жипслик – гуруҳ аъзоларининг алоқа, бирлашиш даражаси. Жипсликнинг детерминантлари қуйидагилардан иборат:

а) аъзоларнинг бир-бирига тортадиган мотивацион асос, жумладан уларнинг ғаразли шахсий манфаат ва эҳтиёжлари мажмуи;

б) жиноий гуруҳ аъзоларининг гуруҳ мақсадлари, дастури, низомида ўз ифодасини топадиган мотивлари;

– ҳимояланганлик – тузилмада ҳимоя, таъминот блокларининг, руҳий таъсир ва жисмоний зўрлик аппаратининг мавжудлиги.

Иштирокчилиқнинг уюшган шаклларига уюшган гуруҳ ва жиноий уюшмалар киради. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 29-моддасининг 4-қисмида «уюшган гуруҳ» тушунчаси кўрсатилган бўлиб, унда «икки ёки ундан ортиқ шахснинг биргалиқда жиноий фаолият олиб бориш учун олдиндан бир гуруҳга бирлашиши уюшган гуруҳ деб топилади», дейилган. Бу билан қонун «жиноий фаолият» уюшган гуруҳнинг зарурий белгиси эканлигини кўрсатмоқда. Бироқ, Жиноят кодексида «жиноий

фаолият»га таъриф берилмаган. Хўш, унда «фаолият» сўзининг ўзи нимани англатади?

Фаолият – инсоннинг турмуш кечириш усули. Бу тушунча инсон онгли равишда иштирок этадиган, мақсадга йўналтирилган жараённи билдиради. Фаолият одам эҳтиёжини қондириш воситаси сифатида вужудга келади. Лекин бу фақат восита ва шароитдангина иборат бўлмайди, балки турмушнинг шакли ва усули ҳисобланади. Фаолиятда инсоннинг ўзи шаклланади, унинг қобилияти ривожланади. Инсон фаолиятининг бошланғич шакли – меҳнат, моддий амалиёт ҳисобланади.

«Фаолият» тушунчасининг мазмунидан кўриниб турибдики, у инсоннинг турмуш тарзини англатади. «Фаолият» тушунчасини жинойий фаолият билан таққослаб шуни айтиш мумкинки, жинойий фаолият бир неча ижтимоий хавфли қилмишларни доимий содир этишда ёки жиноят содир этишни «касб» қилиб олишда намоён бўлади.

Уюшган гуруҳнинг жинойий фаолият билан шуғулланиши муаммосига кўпгина олимлар тушунча беришга ҳаракат қилган, аммо уларнинг мулоҳазалари турлича бўлиб, ҳанузгача ягона фикр мавжуд эмас. Жумладан, А. И. Гуоров «жинойий фаолият жиноятчиларнинг асосий ёки қўшимча фойда олиш манбаи»¹⁸, деб ёзади

Бу фикр чуқурроқ таҳлил қилинса, айрим уюшган гуруҳларга мос келмаслиги кўринади. Масалан, шахсларнинг миллий, ирқий ёки диний мансублигига қараб, уларнинг қонуний манфаатларига зарар етказиш мақсадида тузилган уюшган гуруҳ; геноцид жиноятини содир этиш учун бирлашган гуруҳ; доимий равишда номусга тегиш жиноятини содир этиш учун бирлашган гуруҳ ва бошқалар.

Ҳуқуқшунос олимлар А.С.Якубов ва Р.Қабулов қуйидаги белгиларни ажратишган ва уларнинг йиғиндиси гуруҳни уюшган деб ҳисоблаш учун жинойий-ҳуқуқий асос бўлишини таъкидлашган:

- 1) олдиндан тил бириктириш;
- 2) жинойий фаолият билан ҳамкорликда шуғулланиш учун бирлашиш;
- 3) уюшганлик.

¹⁸ *Гуоров А.И.* О некоторые вопросы криминального профессионализма // Советское государство и право. – 1987. – №5. – С.82-86.

Юқорида келтирилганлар олимлар берган таъриф бу борада масаланинг моҳиятини аниқроқ ифодалайди. Яъни, «жиноий фаолият – айрим жиноят таркиблари йиғиндисидан иборат ягона тизимни вужудга келтирувчи, ташкиллашган бир неча қилмишлардан иборат»¹⁹, дейилган. Бу таъриф қисқа бўлишига қарамай, бир неча жиноятларни содир этиш фақат ягона тизим шаклида жиноий фаолиятни ташкил этишини англатади. Аммо бу таърифда бир неча жиноят таркиблари ҳақида сўз юритилган. Шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, уюшган гуруҳ нафақат таркибида бир неча жиноят бўлган қилмишни, балки таркибида биргина жиноят бўлган қилмишни содир этиш билан ҳам кўзга ташланиши мумкин.

Уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланишининг объектив ва субъектив белгилари мавжуд. Гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланганлигини кўрсатувчи биринчи мезон сифатида гуруҳ аъзоларининг бир неча жиноятлар содир этганлигини ва яна содир этишга тайёргарлик кўраётганини айтиб ўтиш мумкин. Шу билан бирга, ўта пухта ташкиллаштирилган, тайёргарлик кўриш учун кўп вақт талаб қилинадиган ягона жиноятни содир этган гуруҳни ҳам жиноий фаолият билан шуғулланган деб ҳисоблаш мумкин (бунда жиноятнинг ва унда иштирок этган шахсларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда бошқа бир қанча омиллар инобатга олинади).

Умуман олганда, жиноий гуруҳлар жиноят содир этиш учун ташкил этилган, деб айтиш мумкин.

Жиноий гуруҳларнинг шаклланганлик даражасига қараб қуйидаги турларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

- 1) жиноий жамоа;
- 2) жиноий корпорация;
- 3) гуруҳ ассоциацияси;
- 4) аморф (диффуз) гуруҳлар.

Аморф гуруҳдагиларда аниқ тизим йўқ, вазифа бўлинмаган, аслида жиноятни содир қилиш нияти йўқ. Масалан, кинога, самолётга, поездга чипта олишда пайдо бўлиб қолади.

Ассоциация гуруҳи уюшган, бошида улар жиноят содир қилиш учун эмас, балки баъзи бир эҳтиёжларини қондириш учун йиғилади, лекин яхши жиноий гуруҳ бўлиб шаклланиши мумкин. Лекин бу

¹⁹ Якубов А. С., Кабулов Р. Новое в уголовном законодательстве. – Т., 1995. – С14.

гуруҳларнинг ядросини ташкил этадиган, жинойтга қарши зид ҳаракат қиладиган шахслар мавжуд, улар барибир жинойт содир қилиши мумкин. Шунинг учун улар ҳуқуқбузарлар компанияси деб номланади.

Тез-тез йиғилиб турадиган жинойй гуруҳлар мавжуд, улар жинойт содир қилишдан аввал йиғилишади, масалан, ўғирлик, фирибгарлик, буларни гуруҳ ичидаги ядро бошқаради. Улар билан ишлаш анча оғир, уларнинг ўз анъаналари мавжуд, бу анъаналардан чиқишнинг ўзи бўлмайди. Бу ерда вазифалар тақсимланади, ўзаро ҳамкорликда поғона пайдо бўлади, субъектив боғланиш жуда тўғри ва ишончли бўлади. Бундай гуруҳлар жинойтни олдиндан режалаштиради, ташкиллаштиради. Бу *жинойй корпорация* дейилади. Шахс бу гуруҳда қолар экан гуруҳ ахлоқини ўзлаштиради ва ўзида шуни синаб кўради.

Уюшган жинойтчиликка хос асосий хусусият юксак даражадаги ўзини ўзи бошқариш ва иерархик тузилишга эга бўлишдир. У бошқарув, раҳбарлик, бўйсунуш ва жинойтчилар ўртасида вазифалар тақсимланишининг учта, бир қатор ҳолларда эса ундан кўпроқ даражаларига эга. Аксарият ҳолларда ушбу жинойй ташкилотлар пирамидасимон тузилишга эга бўлади. Мазкур пирамиданинг чўққисида асосий етакчи (лидер), унинг бевосита атрофида эса асосий қарорларни қабул қиладиган кичикроқ гуруҳ бўлади.

Жинойй гуруҳ психологияси жинойй психологиянинг махсус бўлими сифатида тузилманинг келиб чиқиши, таркиби, унда вазифалар тақсимоти, шунингдек, бошқарувнинг психологик механизмларини ўрганади.

Ўз вақтида фош этилмаган ва жазоланмаган жинойтчи жуда хавфлидир, чунки у сурбетлашиб боради ва майда жинойтлардан кўпинча катта жинойтларга ўтади, бунинг устига жазосиз қолиш бошқа беқарор шахсларда ҳам жинойй мақсадлар шаклланишига катта таъсир кўрсатади ва жинойй гуруҳлар ташкил этилишига кўмақлашади. Жинойй гуруҳнинг ташкил этилиши ижтимоий хавфнинг нафақат миқдор, балки сифат жиҳатдан кучайишидир. Бир қатор ҳолларда шахс ёлғиз ўзи соф техник жиҳатдан жинойй ҳаракатларнинг бутун режасини амалга ошира олмаслигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Жинойй гуруҳни таҳлил қилишда иштирокчилари орасидан қуйидагилари ажратилади:

– умуман гуруҳ ёки унинг айрим қисмларининг (иштирокчиларининг) ташкилотчиси;

– «масъул» жойдаги ижрочи;

– иккинчи даражали ижрочи;

– мухолиф, гуруҳнинг «бўш бўғини» (иродали инсон бўлиши ҳам мумкин)

– ўзи иштирок этаётган жиноятнинг содир этилишига қалбан рози бўлмаган субъект. Кўпинча бу бўғин гуруҳ ичида низоли вазиятни юзага келтиради.

Жиноий гуруҳлар уюшганлик даражасига кўра уюшган жиноий гуруҳлар, жиноий ташкилотлар ва жиноий уюшмаларга бўлинади.

Жиноий гуруҳнинг психологик тузилиши – қарор топган, интеграциялашган (бирлашган) муносабатлар – жиноий гуруҳ аъзоларининг атроф-муҳит билан муносабатлари. Интеграциялашган муносабатларнинг психологик тавсифи гуруҳ ичида шаклланган (шахслараро, горизонтал ва вертикал) муносабатни билдиради.

Уюшган жиноий гуруҳнинг интеграциялашган муносабатлари (масалан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва ҳокимият органлари билан муносабатлар) аввало у жиноий қилмишларни содир этадиган муҳитга, унинг шаклланиши ва ривожланишига имкон берган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-психологик ва бошқа шарт-шароитларга (коррупция, хуфия иқтисодиёт ва ш.к.) боғлиқ.

Интеграциялашган муносабатлар гуруҳ аъзоларининг функционал вазифалари табақалашувига, яъни вазифалар тақсимотига, жиноий гуруҳ иштирокчилари ўртасидаги жиноий фаолиятнинг хусусияти билан боғлиқ вазифаларга, иерархик поғонада эгаллаб турган мавқеи, мақоми ва шу кабиларга асосланади.

Жиноий гуруҳнинг қандай фаолият кўрсатишига қараб интеграциялашган муносабатларнинг хусусияти ҳақида сўз юритиш мумкин.

Жиноий гуруҳ фаолиятига унинг фаолият соҳасининг замон ва маконда аста-сёкин кенгайиб бориши, содир этилган жиноятларнинг кўпайиши, оғирроқ жиноятларга ўтиши хосдир.

Жиноий фаолиятнинг кенгайиши жараёнида жиноий гуруҳ ичида психологик ва функционал тузилмаларнинг шаклланиши юз беради. Гуруҳнинг ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса, унинг ички психологик тузилиши ҳам шунчалик аниқ кўринишга эга бўлади. Гуруҳ жипслашиб боради, унинг таркиби барқарор-

лашади, фаолияти мақсадга йўналган тус олади, гуруҳ аъзолари ўртасида вазифалар тақсимланади.

Жиной гуруҳ ривожланишининг қонуниятини ушбу гуруҳ иштирокчилари ўртасидаги эмоционал (ҳиссий) муносабатларнинг аста-сёкин биргаликдаги фаолиятга асосланган соф ишга, функционал муносабатларга айланиши ташкил қилади.

Уюшган жинной гуруҳда ишга оид муносабатлар ҳал қилувчи хусусиятга эга бўлиб, ҳиссий, шахсий муносабатлар аста-сёкин йўқолиб боради, бир қатор ҳолларда эса бундай муносабатлар умуман бўлмаслиги ҳам мумкин. Иштирокчилари қариндошлик ришталари билан боғлиқ бўлган гуруҳларда ҳам худди шундай жараёнлар кўзга ташланади.

Жинной гуруҳ шаклланиши ва фаолият кўрсатишининг охириги қонуниятини – унда доимо икки қарама-қарши куч амал қилишидир. Бири жинной гуруҳ аъзоларини янада жипслаштириш ва яқинлаштиришга қаратилган бўлса, бошқаси – уларни ажратишга қаратилган.

Бироқ жинной гуруҳ муваффақиятли фаолият кўрсатаётган даврда руҳий жиҳатдан жипслашган тузилма сифатида намоён бўлади. У жиноятларни муваффақиятли содир этишда давом этаётган, фош бўлмай қолаётган экан, унинг аъзолари ўртасида бирлашиш ва жипслашиш тамойили устунлик қилади. Агар жинной гуруҳ қандайдир муваффақиятсизликка учраса ҳамда фош бўлиш ва гуруҳ аъзоларининг жавобгарликка тортилиш хавфи юзага келса, унинг ажралиш тамойили кучаяди, яширин низолар, зиддиятлар кўринади, иштирокчилари ўртасидаги муносабатларда кескинлик ортади.

Жиноятнинг гуруҳ таркибида содир этилиши жиноят таркибининг айбни оғирлаштирувчи белгиси ҳисобланади. Одатда оддий, уюшган жинной гуруҳлар ва жинной ташкилотлар ажратилади.

Ҳар бир жинной гуруҳ унга хос бўлган гуруҳий ташкилот, гуруҳий динамика, аъзоларининг гуруҳдаги вазифаларининг ва социометрик мақомларининг функционал тақсимотига эга бўлган ижтимоий гуруҳ ҳисобланади ҳамда жинной фаолиятнинг жамоа субъектини ташкил этади.

Бир неча шахсдан ташкил топадиган *оддий жинной гуруҳ* қатъий иерархик ташкилотга эга бўлмайди, бундай гуруҳда етакчилик қисқа муддатли хусусиятга эга бўлиши мумкин (квартира ўғрилари, кўча талончилиги, фирибгарлар, вояга етмаган ҳуқуқ-бузарлар гуруҳлари).

Уюшган жиний гуруҳга иерархик тузилиш, гуруҳда вазибаларнинг функционал тақсимланиши, барқарор жиний жипслик, қатъий ягона бошчилиқ, жиний субмаданиятга эгалик хосдир. Бундай гуруҳда жиний «хунар» пухта режалаштирилади, кенг тармоқ отган гуруҳлараро алоқалар мавжуд, ахборот хизмати, жиноят изларини яшириш, ниқоблаш ва йўқ қилиш йўлга қўйилган. Бундай жиний гуруҳ таркибида барқарор жиний-касбий малакаларга эга бўлган профессионал жиноятчилардан иборат бирламчи гуруҳ (гуруҳ ядроси) ажралиб туради. Бундай гуруҳлар нисбатан мустақил бўлиб, одатда коррупциялашган алоқаларга эга бўлмайдилар. Улар доимий даромад келтирадиган масканлар ва доимий назорат қилинадиган ҳудудларга эга бўлмайди. Бироқ уларнинг жиний фаолияти юқори даражадаги профессионализми, гуруҳий жипслиги, шафқатсизлиги билан ажралиб туради (бандалар, шайкалар). Булар одатда анъанавий жиний гуруҳлар деб аталади.

Бундай гуруҳларнинг асосий қисмини «жангарилар» – жисмонан бақувват, шафқатсиз ва гуруҳ бошлиғига садоқатли одамлар ташкил қилади. Улар муайян ҳудудни назорат қилади (фирибгарлик билан шуғулланади, тижорат тузилмаларига «ҳомийлик» қилади, ўлпон йиғади ва даюслик билан шуғулланади).

Уюшган жиний гуруҳлар ижтимоий уюшган бирлик сифатида фаолият кўрсатадилар, кенг миқёсдаги ижтимоий алоқаларга эга бўлган умумий (ягона) функционал-иерархиялашган тизимга бирлашадилар, катта миқдордаги пулга эга бўлган жамғармалар ташкил қиладилар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини коррупцияга тортиш орқали ўз хавфсизлигини таъминлайдилар. Уларнинг жиний фаолияти кўп ҳолларда легал (қонуний) ташкилотларнинг фаолияти билан ҳам боғлиқ бўлади. Жиний синдикатлар хайрия ишларини амалга ошириш, сиёсий алоқаларни йўлга қўйиш орқали ўзининг обрўсини мустаҳкамлашга ҳаракат қиладилар.

Жиний гуруҳни уюшган деб аташ учун асосий мезон тариқасида қуйидаги белгиларни ҳисобга олиш лозим:

- гуруҳнинг барқарорлиги;
- ташкилотчининг бўлиши;
- бир неча жиноят содир этиш мақсадида тузилганлиги;

- жиноятни амалга ошириш режаси ва йўл-йўриғи ишланганлиги;
- ҳар бир иштирокчи ўртасида вазифалар тақсимланганлиги;
- техника билан таъминланганлиги;
- жиноятни яшириш чоралари кўрилганлиги;
- умумий интизомга ва жиноий гуруҳ ташкилотчисининг кўрсатмаларига итоат қилиниши ва шу кабилар.

Уюшган гуруҳнинг яна бир неча қўшимча белгилари мавжуд бўлиб, улар факультатив белгилар деб юритилади. Бу белгиларнинг мавжудлиги гуруҳнинг ижтимоий хавфлилигини оширади, аммо иштирокчиликни шаклларга ажратишга таъсир этмайди. Буларга қуйидагилар киради:

Гуруҳнинг техник воситалар билан таъминланганлиги. Суд амалиёти ходимлари ишини енгиллаштириш мақсадида бу белгини биз факультатив белгилар қаторига қўшдик. Чунки гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиши учун техника керак бўлмаслиги мумкин, масалан, буюртма орқали одам ўлдириш жиноятини бажарувчи уюшган гуруҳларнинг жиноий фаолияти учун фақат ўқотар қурол керак ва улар бошқа техника сотиб олмаслиги мумкин. Техника билан таъминланганлик деганда, гуруҳнинг фаолият юритишда техникадан, масалан, автотранспорт воситаси, овоз эшитиш, суратга олиш, видео ва бошқа аппаратлар, турли рациялар ва бошқа шунга ўхшаш воситалардан кенг фойдаланишини тушуниш керак.

Вазифаларнинг тақсимланганлиги. Бу уюшган гуруҳнинг яна бир факультатив белгиси ҳисобланади. Гуруҳ аъзолари белгиланган вазифаларни бажаради, аммо айрим ҳолларда вазифалар аниқ белгиланмайди ва гуруҳ аъзоси кейинги жиноятни содир этишда қайси вазифани бажаришини билмайди, жиноий фаолият давомида у бир вазифани бажаришдан иккинчи вазифани бажаришга ўтказилиши ёки бевосита жиноят содир этиш вақтида вазифаси аниқ бўлиши мумкин.

Умумий пул жамғармасининг мавжудлиги. Умумий пул жамғармаси жиноятчилик дунёсида «обшак», «умумий қозон» деб юритилади. Уни ташкил этишдан асосан икки мақсад кўзда тутилган: биринчидан, гуруҳ аъзоларининг фавқулодда вужудга келадиган эҳтиёжлари (қамоққа олинган пайтда уни ва оила аъзоларини таъминлаш), гуруҳнинг манфаатлари ва йўлбошчининг айрим харажатлари учун сарфлаш; иккинчидан, гуруҳ аъзоларининг

барқарорлигини таъминлаш мақсадида тузилади. Гуруҳ аъзолари ўзларини «ижтимоий» ҳимояланган ҳисоблайдилар ва шу йўл билан уюшган гуруҳ аъзоларига нисбатан ғамхўрлик қилинаётганлиги кўрсатилади. Ушбу жамғарма айрим уюшган гуруҳларда мавжуд бўлмаслиги мумкин.

Гуруҳда жиноий фаолиятни касб қилиб олган шахсларнинг мавжудлиги. Айрим уюшган гуруҳлар таркибида жиноий фаолият ҳаёт тарзига айланган шахслар бўлади. Кўп ҳолларда бундай шахслар гуруҳга йўлбошчилик қилади ёки гуруҳнинг «обруманди» саналади. Бундай шахслар ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмайди. Уларни гуруҳ жиноий фаолиятда уддабурон «малакали кадр» сифатида ва жиноий гуруҳнинг бошқа аъзоларига ўрнак қилиб кўрсатиш мақсадида сақлайди.

Гуруҳнинг ўқотар қуроллар билан таъминланганлиги. Уюшган гуруҳлар доимий равишда катта фойда олиш ва гуруҳнинг барқарорлигини таъминлаш, жиноятларни «муваффақиятли» содир этишга интилади. Кўпчилик уюшган гуруҳлар шу мақсадда ўқотар қуролларни қўлга киритадилар ва жиноятларни содир этишда бевосита ундан фойдаланадилар.

Ижтимоий назоратни бартараф этиб, жиноий фаолиятга шароит яратиб берувчи тизимнинг мавжудлиги. Уюшган гуруҳнинг мавжудлиги ва жиноий фаолият билан шуғулланишида ушбу тизимнинг аҳамияти катта. Уни ташкил этувчи шахслар бевосита жиноят содир этишда қатнашмасалар ҳам жиноят содир этилишига шароит яратиб берадилар. Масалан, айрим давлат назоратини олиб борувчи мансабдор шахслар жиноий гуруҳ фаолиятига, маълум сабабларга кўра, тўсқинлик қилмайдилар ва бунинг натижасида давлат ҳамда фуқароларга жиддий моддий ва маънавий зарар етказилади.

Уюшган жиноятчиликнинг асосий белгилари:

- 1) турғунлиги ва режа билан иш қилиши;
- 2) юқори ташкилотчилиги ва лидер ядросининг борлиги;
- 3) қўлга тушмаслик учун ниқобланишнинг мавжудлиги;
- 4) катта пулга эгалиги;
- 5) чуқур конспиратив характерга эга эканлиги;
- 6) таъсир доирасининг кенглиги;
- 7) фаолиятини янгилаб бориши (тажриба асосида);
- 8) жамиятга қарши ғоясининг аниқлиги.

Аниқ вазифаларнинг тақсимланиши, гуруҳлардаги иерархиялашган тизимнинг ички жипслиги асосида манфаатлар ётади. Қаттиқ тартиб, топшириқларни сўзсиз бажариш, фаолиятни ўз қонун-қоидалари асосида олиб бориш, сукут сақлаш гуруҳ учун муҳим роль ўйнайди. Мана шу тартибдан қайсидир банди бузилса, гуруҳ аъзоси қаттиқ жазоланади, оғир жисмоний жазо белгиланади.

Гуруҳ аъзолари қўлга тушмаслик учун ниқобланадилар. Бунда орган ходимларини шантаж қилиш, сотиб олиш ва уларнинг режаларини олдиндан (разведка қилиб) билиш ва керакли чораларни кўриш муҳим аҳамият касб этади.

Давлат аппаратидаги мансабдор шахсларнинг орган ходимлари билан боғлиқлиги, орган ходимларининг жиноят олами билан боғлиқлиги уларнинг ишини енгиллаштиради, улар орқали жиноят оламига кириб боришади. Агар коррупция билан иш битмаса, мансабдор шахсларни дискриминация (камситади, болаларини ўғирлайди) қилиш, уларни бошқа шахслар билан алмаштиришга ҳаракат қиладилар.

Уюшган гуруҳда катта миқдордаги пулни мавжудлиги мансабдаги шахсни сотиб олишга имконият яратиб, бу билан фаолият масштабини кенгайтиришга хизмат қилади.

Уюшган жиноятчилик чуқур конспиратив характерга эга. Жиноят содир этишга кўпроқ одамларни жалб қилиш уни очишни анча мушкуллаштиради. Орган ходимлари жиноятчиларнинг бир қисмини қўлга олса, иккинчи қисми жиноят содир этади. Орган ходимлари улар орасига қанча кўп кириб борса, иш шунча мушкуллашади. Бу уюшган жиноятчиликка қарши курашмаслик керак дегани эмас, балки курашнинг янги усулини топиш демакдир.

Жиноят содир этган гуруҳни уюшган деб баҳолаш учун юқорида келтирилган асосий белгилар мавжуд бўлиши керак. Чунки бу белгилар барча уюшган гуруҳларга хос ва шу белгиларнинг ўзи гуруҳнинг уюшганлигидан далолат беради.

Кўшимча белгилар уюшган гуруҳни кенгрок таърифлаб, унинг ижтимоий хавфлилигидан далолат беради, унинг уюшганлик даражасини белгилайди ва шу билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг амалий ишларида гуруҳни уюшган деб баҳолашда кўмаклашади. Бу турдаги белгиларнинг факультатив деб аталишига сабаб уларнинг барча уюшган гуруҳларда мавжуд бўлмаслигидир.

Юқоридаги билдирилган фикрлардан келиб чиқиб, уюшган гуруҳга куйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқдир. «Уюшган гуруҳ – умумий мақсадга эга бўлган, ўзининг мустақамлиги, таркибининг барқарорлиги, гуруҳ раҳбарига бўйсунуш асосида (доимий ядрога эга бўлган) ташкил этилганлиги билан белгиланадиган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг бир ёки бир неча жиноятни содир қилиш учун бир гуруҳга бирлашиши»²⁰ дир.

Биз юқорида санаб ўтган белгилари мавжуд бўлган гуруҳни уюшган деб аташ мумкин. Чунки бу белгилар гуруҳ фақат жиноий фаолият билан шуғуллангандагина мавжуд бўлади. Жиноят кодексида берилган таърифда ҳам гуруҳнинг фақат жиноий фаолият билан шуғулланган вақтда уюшган бўлиши эътироф этилган.

Амалиётдаги жиноий ишларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда бевосита жиноят содир этган шахсларнинг ҳаракатларини квалификация қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш ходимлари гуруҳни уюшган деб баҳолаганлар, аммо қайси белгиларига қараб бундай хулосага келганликларини баён қилмаганлар.

Демак, жиноий фаолият билан шуғулланиш мақсадида барқарор йўсинда бирлашган ва норасмий қоидаларга риоя қилиб, ташкилий тарзда жиноят содир этувчи ҳамда ягона йўлбошчига бўйсунувчи гуруҳ уюшган деб ҳисобланади.

Жиноий ташкилот – функционал-иерархик кўринишга эга бўлган, гуруҳ ичида табақалашган – раҳбар, ижрочиларнинг турли гуруҳлари (кўрикчилар, алоқачилар, касса сақловчилар, назоратчилар ва бошқалар), яхши йўлга қўйилган разведка ва контрразведка, ҳокимият тузилмаларидаги ўз одамларига, жуда катта моддий базага эга бўлган, ниҳоятда уюшган жиноий гуруҳ.

Жиноий ташкилот куйидаги йўллар билан фаолият кўрсатади:

– жиноий фаолиятнинг фойдали йўналишлари ва барбод бўлишининг имкониятдаги йўллари оид зарур маълумотларни доимий тўплаш. Тўпланадиган маълумотлар башорат (прогноз) йўналишига эга бўлади. Жиноий фаолиятни режалаштиришда башорат (прогноз) қилиш ўзини ўзи ташкил қилиш хусусиятига эга, яъни жиноятчилар уни албатта амалга ошириш йўналишида ҳаракат

²⁰ Пулатов Ю.С. «Уюшган жиноятчилик» тушунчаси ҳақида айрим мулоҳазалар // Ўзбекистон Республикасининг янги кодекслари: назария ва амалиёт. – Т., 1994. – Б.97-100.

қиладилар. Ушбу фаолиятнинг барбод бўлиш имкониятларини башоратлаш (прогноزلаш)да уни «ўзини ўзи бузувчи» деб ифодалаш мумкин: у уюшма ёки унинг тегишли бўлинмаси фаолиятини эҳтимол тутилган прогноз амалга ошмаслигига йўналтиради;

– ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва бошқа давлат органларини зарарсизлантириш ва доимий равишда коррупциялаштириш йўли билан. Коррупциялашган мансабдор шахслар жинойий ташкилотни зарур маълумотлар ҳамда кадрларга оид масалаларни ҳал қилишда, жинойий фаолиятнинг фойдали йўналишларини аниқлашда ва ўзини ҳимоя қилишни ташкил этишда ҳақиқий ёрдам билан таъминлайдилар;

– ўз ҳаракатларига ташқаридан қараганда қонуний тус бериш мақсадида мамлакатда амал қилаётган асосий ижтимоий-иқтисодий институтлар ва шарт-шароитлардан моҳирлик билан фойдаланиш;

– кўрқув ҳамда ўзининг қудрати ҳақида миш-мишлар тарқатиш. Бу жинойий гуруҳга кўп фойда келтиради, миш-мишлар ва кўрқув гувоҳлар ва жабрланувчиларни тушкунликка туширади. Улар жиноятчиларнинг жазолашидан қўрқадилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳимоя қила олишига ишонмайдилар;

– жинойий фаолиятни бошқаришнинг раҳбарларни муайян қилмишларни бевосита ташкил қилиш ва уларнинг содир этилишида иштирок этиш заруратидан халос этадиган тузилмасини ташкил қилиш. Бу тариқа улар жинойий жавобгарликдан кутулиб қоладилар. Жинойий уюшма бошқа шахслар ёки гуруҳчаларни жинойий жавобгарликка тортиш орқали ўзини сақлаб қолади, ўзига содиқ одамларга зарур ёрдамни таъминлайди;

– ғаразли мақсадларга эришиш ҳамда муайян бир соҳа ёки қайсидир бир ҳудудда назоратни, ҳокимиятни қўлга олишдан иборат етакчи ва устун мотивларга эга бўлган ҳолда турли жиноятларни содир этиш.

Уюшган жиноятчилик ижтимоий институтлар фаолиятининг механизми ҳисобига яшовчи жинойий тузилма ҳисобланади.

Жинойий уюшмалар жинойий гуруҳларнинг энг хавфли тури бўлиб, жинойий мақсадлари йўлида гуруҳий уюшганликнинг ижтимоий-психологик механизмларидан – ижтимоий назорат воситасининг гуруҳий нормалари, гуруҳ ичидаги функционал табақалашув ва иерархиядан, расмий тузилмалар билан қўшилиб кетишдан, коррупцияга берилган давлат, маъмурий ва ҳуқуқни

муҳофаза қилиш органларининг ҳимоясидан фойдаланадилар. Уюшган жиноятчиликнинг тарқалиши жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий беқарорлиги билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 29-моддаси 5-қисмида «Икки ёки ундан ортиқ уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши жиноий уюшма деб топилади», деб кўрсатилган.

Уюшган жиноятчиликни ажратиб турувчи жиҳат унинг жамият «танасига» – давлатнинг маъмурий бошқарув аппаратиغا, ҳокимиятнинг энг юқори поғоналаригача кириб олганлигидир. Бу эса унинг ижтимоий хавфлилигини кучайтиради, яъни давлат бошқарувининг негизларига зарар келтиради, оммавий ҳуқуқий онгга жиддий таъсир кўрсатади, ҳуқуқий давлатнинг, маданий иқтисодий муносабатларнинг амал қилиш имкониятига путур етказилади.

Жиноий уюшмалар бошлиқлари салобатли турмуш тарзи кечириб, расмий элита гуруҳлари таркибига кирадилар.

Қуйидагиларни жиноий уюшманинг асосий белгилари деб ҳисоблаш мумкин:

- таркибида икки ва ундан ортиқ уюшган гуруҳларнинг мавжудлиги;
- уюшган гуруҳнинг ҳамкорликда жиноий фаолият билан шуғулланиши;
- уюшган гуруҳнинг жиноий фаолият билан шуғулланиш учун олдиндан бирлашиши;
- жиноятчилик оламида ягона йўлбошчининг бошқариши ва унинг атрофида жиноятчилик дунёсида ном чиқарган «обруьманд» шахсларнинг тўпланиши;
- умумий пул фонди («общак»)нинг мавжудлиги;
- уюшмада норасмий тартиб-қоидаларнинг мавжудлиги;
- «жазо» гуруҳи ёки «шахсий соқчилар»нинг мавжудлиги;
- жиноий фаолиятнинг махсус тарзда ташкил қилиниши;
- жиноятларни содир қилишда ўта уюшқоқлик билан ҳаракат қилиш, яъни жиноий режани пухта тайёрлаш, техника воситаларидан тўла фойдаланиш, жиноят изларини яшириш чораларининг кўрилиши ва бошқалар;
- «ҳимоя» гуруҳининг ташкил қилинганлиги;
- ўқотар қуролларнинг мавжудлиги;

- жиноий мафкурани тарғиб қилиш;
- гуруҳ аъзоларининг барқарор йўсинда бирлашганлиги;
- жиноятчилик дунёсида яккаҳокимлик қилишга қаратилган ҳаракатлар.

Жиноий уюшманинг қўшимча белгиларига қуйидагилар киради:

- жиноий йўл билан топилган даромадни қонунийлаштириш;
- озодликдан маҳрум қилиш жойларида уюшманинг «филиал»ларини ташкил қилиш ва бошқалар.

Юқори даражадаги жиноий уюшмалар ўз ташкилотининг тармоқ отган тузилишга эгаллиги билан ажралиб туради. Улар бошқарувнинг мураккаб иерархик тизимига, барқарор, даромад келтирувчи мулкка (банк ҳисобварақлари, кўчмас мулкка), расмий ҳимояга (рўйхатдан ўтган корхона, жамғармалар, дўконлар, ресторанлар, казинога) эгадирлар.

Бу гуруҳлар баъзан бир неча минг кишидан ташкил топади, жамоа бўлиб бошқарувчи марказларга, катта ижтимоий гуруҳлар типигаги барқарор ташкилотга, махсус режалаштириш ва назорат, ахборот хизматларига, минтақалараро алоқаларга, ҳокимиятнинг коррупцияга берилган тузилмалари билан ўзаро алоқа таъминотига, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва суд органларига эга бўлади.

Улар жуда катта таъсир зоналарига, кўплаб минтақавий ва «тармоқ» тузилмаларига эга бўладилар (қимор бизнеси, фоҳишаликни назорат қилиш, жиноий хизматлар кўрсатиш билан шуғулланадилар), коррупциялашган расмий идораларда илдизларига эга бўладилар.

Ушбу гуруҳлар мотивларининг йўналишига кўра ғаразли йўналишга эга бўладилар. Уларнинг асосий мақсадлари – қонунга хилоф йўл билан катта фойда олиш. Зўрлик ишлатиб амалга ошириладиган жиноятларни улар ғаразли мақсадларига эришиш, капитал тўплаш учун содир этадилар. Уларнинг ниҳоятда катта даромадлари хорижий банклардаги ҳисобварақларда туради, мамлакатдаги ва хориждаги катта кўчмас мулкка инвестиция қилинади.

Жиноий уюшма жамият фаровонлигига асосий хавфдир. У ўсиб келаётган авлоднинг ижтимоийлашувига таҳдид солади, жамият негизлари ва иқтисодиётига путур, тадбиркорлик ва кредит-банк тизимига зарар етказади. У миллий даромадни стихияли тарзда

жиной уюшган ҳолда қайта тақсимлайди, қонуний иқтисодий тузилмаларга улкан моддий зарар етказади.

Жиной уюшма жиной йўналишга эга бўлган қуйидаги гайриижтимоий функцияларни шакллантиради:

– жиной уюшма фаолиятининг стратегия ва тактикасини ишлаб чиқиш;

– жиной мафқурани тарғиб қилиш ва тарқатиш;

– хавфсизликни таъминлаш, «элита»ни кўриклаш, унинг юксак обрўсига кўмақлашиш;

– жиной йўналишга эга бўлган разведка;

– жиной йўл билан топилган бойликларни легаллаштириш;

– уюшма аъзоларининг индивидуал талаблари ва манфаатлари амалга ошишига кўмақлашиш.

Жиной уюшма асосий эътиборини хавфсизликни таъминлаш, жиной ташкилотнинг фош этилишига тўсқинлик қилувчи шароитларни яратиш, ижрочиларни қонуний (легал) ҳимоя воситалари билан таъминлашга қаратади.

Юқорида келтирилган белгилардан келиб чиқиб, уюшган гуруҳга қуйидагича таъриф бериш мумкин: жиной фаолият билан шуғулланиш мақсадида барқарор йўсинда бирлашган ва норасмий қодаларга риоя қилиб, ташкилий тарзда жиноят содир этувчи ҳамда ягона йўлбошчига бўйсунувчи гуруҳ уюшган деб ҳисобланади.

Жиной гуруҳларда ўзаро муносабатларнинг ўзига хослиги.

Жиной гуруҳнинг ривожланишидаги муайян босқичда унинг ички тузилишида етакчи сиймоси пайдо бўлади. У одатда гуруҳ ташкилотчиси ва раҳбари сифатида фаолият кўрсатади. Гуруҳ етакчиси пайдо бўлиши билан гуруҳ уюшади ва жипслашиб қолади, унинг фаолияти жадаллашади, мақсадга қаратилган хусусиятга эга бўлади ва борган сари ижтимоий хавфли тус ола бошлайди. Ички психологик тузилиш билан бир вақтда жиной гуруҳнинг функционал тузилиши ҳам ташкил топади. Ҳар бир янги жиноят гуруҳ иштирокчиларининг вазифаларини янада аниқроқ белгилаб беради: айримлар қилмишни бевосита бажаради, бошқалар жиноят объектини қидириб топади, яна бошқалари ўғирланган нарсаларнинг ўтказилишини таъминлайдилар ва ҳоказо. Функционал тузилиш жиной гуруҳнинг шахсий таркиби, содир этилаётган жиноятнинг тури, тажовуз объекти ва бошқа омиллар билан боғлиқ бўлади.

Етакчилик қобилияти ва атрофдагиларни бошқариш маҳорати етакчининг қайғудош бўлиш субъектив имкониятларини жиддий равишда чекловчи ёки бунга тўсқинлик қилувчи ҳиссий совуқ-қонлик билан таъминланади. Айни вақтда бу жиҳат атрофдагилар билан зарур ижтимоий-психологик масофани сақлаб туриш, юзага келаётган вазиятнинг барча муҳим жиҳатларини инобатга олган ҳолда таҳлил қилиш ҳамда шу асосда оқилона қарор қабул қилишга имкон беради. Етакчиларнинг ушбу гуруҳлари ўртасида рақобат, яширин душманлик мавжуд, аммо мақсадлар ва унга эришиш йўллари умумийлиги сабабли улар ҳамкорлик қиладилар. «Етакчи» кўпинча судланмаган, жуда ақлли, маълумотли, ташкилотчилик қобилиятига, маслаҳатчилар сифатида эса «обрўмандлар» ва ҳатто «қонундаги ўғрилар»дан иборат тажрибали профессионал жиноятчиларга эга бўлади²¹.

Жиноий гуруҳлар етакчилари кўл остидагилар устидан руҳий ҳокимиятга эгадирлар. Уюшган жиноий гуруҳлар юзага келиши ва мавжудлигининг ўзи ана шу ҳодисага асосланади. Психологияда «ҳокимият» тушунчасининг шундай таърифи мавжуд: индивид ўзини ўраб турган дунёга таъсир кўрсатиб ҳосил қиладиган ҳар бир самара (эффект) унинг қобилият, куч, билимдонлик сифатида тушуниладиган ҳокимияти билан боғлиқдир. Ҳокимиятнинг манбалари – ҳокимиятни қўллаётган субъект бошқа бировнинг тегишли мотивлари қондирилишини таъминлашига, ушбу қондирилишнинг ушлаб турилиши ёки олди олинишига ёрдам берадиган воситалардир. Мавжуд таснифлардан бирига кўра ҳокимиятнинг олтита имкониятдаги манбаи ажратилади²².

Жиноий гуруҳ ташкилотчилари унинг аъзолари ўртасида етакчилигини сақлаб қолиш учун фойдаланиладиган ҳокимият манбаларини кўриб чиқамиз.

Мукофотлаш ҳокимияти. Унинг кучи гуруҳ талаблари ҳокимият объектлари (жиноий гуруҳ аъзолари)нинг умидларини қанчалик қондиришига, шунингдек етакчи бундай қондиришни гуруҳ аъзосининг ўзи учун исталган хатти-ҳаракатига боғлаб қўйишига боғлиқ. Аслида жиноий гуруҳ аъзосининг ғаразли мотивлари фақат

²¹ Гуров А. Организованная преступность: не миф, а реальность. – М., 1992. – С.23.

²² Хекхаузен Х. Мотивация и деятельность. – М., 1986. – С.354–362; Политическая психология. – СПб., 1992. – С.7.

етакчи қўйган вазифалар бенуқсон бажарилган тақдирдагина амалга ошиши мумкин. Ушбу ҳокимият кутиладиган мукофот миқдори билан бирга ошиб боради.

Мажбурлаш ёки жазолаш ҳокимияти. Унинг кучи қуйидагиларга боғлиқ: 1) эҳтимол тутилган жазолар репертуарига; 2) жазо таҳдиди минус итоаткорлик туфайли жазодан қутулиш эҳтимоллигига. Етакчи ўрнатган ва сақлаб турадиган қаттиқ интизом, сотқинлар ва муртадлар, шунингдек, уларнинг яқинларига ўлим жазосини назарда тутган қонунлар ҳамда энг кичкина жазо сифатида – даромадни тақсимлаш чоғида улушини камайтириш (бинобарин – ғаразли мотивини қондирмаслик) – буларнинг бари ҳокимиятнинг ушбу манбаи эга бўлган кучдан далолат беради.

Эталон ҳокимияти. У гуруҳ аъзосининг етакчи билан идентификациясига ҳамда гуруҳ аъзосининг етакчига ўхшашга исташига асосланган. Дастлаб «янги келганлар жамият олдидаги мажбуриятлардан холи бўлган гўзал ҳаётнинг ўғрилар романтикаси, одамлар устидан ҳукмронлик қилиш, кўп пул топиш кабилар билан йўлдан урилади»²³. Буларнинг бари жинойий гуруҳ тепасида турган «обрўманд»да мавжуд.

Норматив ҳокимият. Бунда гап етакчи муайян хатти-ҳаракат қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, зарур бўлганида эса, буни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўладиган нормалар ҳақида боради. «Жинойий ташкилотларнинг асосий белгиларидан бирига норасмий хулқ нормалари, анъаналар ва қонунлар, уларни бузганлик учун жазолар кўринишидаги низомнинг мавжудлиги киради (ўрганиб чиқилган ташкилотлардан иккитасида ёзма низом мавжуд бўлган)»²⁴.

Билимдон ҳокимияти. Бутун куч гуруҳ аъзоси етакчида бор деб ҳисоблайдиган ҳамда гуруҳнинг ушбу аъзоси шуғулланадиган жинойий фаолият соҳасига доир алоҳида билимлар, интуиция ёки маҳоратларнинг катталигига боғлиқ. Айтиш мумкинки, раҳбариятнинг стратегик хатолари жинойий фаолиятнинг фош этилишига, ўта катта фойда олинмаслигига ҳамда жинойий гуруҳлар ўртасида таъсир доиралари бўлишда рақобатбардошликнинг йўқотилишига олиб келиши мумкин бўлган юксак даражада уюшган жинойий

²³ Гуров А. Организованная преступность: не миф, а реальность. – М., 1992. – С.31.

²⁴ Ўша манба. – Б.25.

гуруҳларда муайян етакчининг обрўси айнан шу ҳокимиятга асосланади. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, жиной гуруҳлар етакчилари «...уларнинг таълим даражаси анча юқори – ўрта, ўрта-техник ва олий маълумотга эгаллиги, аксарияти судланмаганлиги билан ажралиб туради»²⁵, улар жиной гуруҳнинг ақлий маркази ҳисобланади. Гуруҳ етакчиларининг турли соҳалардаги мутахассисларни жалб этишга интилиши ҳам ана шундай ҳокимият манбаининг мавжудлиги билан боғлиқ.

Ахборот ҳокимияти. У етакчи гуруҳ аъзоларига номаълум бўлган, бунинг устига вазиятни баҳолаш ва хатти-ҳаракатни бошқариш учун муҳим ахборотга эга бўлган шароитларда юзага келади. Уюшган жиной гуруҳларда ҳокимиятнинг бу тури аввало етакчининг ахборотни гуруҳнинг оддий аъзоларига оз-оздан беришида, айна вақтда тўлиқ ахборотга фақат гуруҳ етакчисининг ўзи эга бўлганлигида кўринади.

Ҳозирги замон жиной гуруҳларида, махсуслик қонунига кўра, қуйи бўғинлар ўз раҳбарларини умуман билмайдиган тизим ташкил қилиниши ҳам етакчиликка ёрдам беради. Гуруҳнинг оддий аъзолари етакчининг фақат кўринишларини, атрибутларини – кучли кўриқланиш, қаттиқ сир тутилиши (ахборотнинг телефон орқали берилиши, раҳбарнинг фақат овозини эшитиш мумкинлиги, бу эса фантазия учун майдон беради), операцияларга сарфланадиган катта пул маблағларини кўрадилар – буларнинг барчаси гуруҳ аъзоларига психологик таъсир кўрсатади, етакчининг олдида кўрқиш ва иззат-икром муҳитини яратади.

Ташкилотда етакчи қанчалик юқори турса, иерархик пиллапоя қанчалик юқори бўлса, унда кўрқув шунчалик кам бўлади, қанчалик паст бўлса, кўрқув шунчалик кўп бўлади. Низоларнинг асосий сабаби – иерархик тузилмадаги тенгсизлик, даромадларнинг тенг тақсимланмаслигида кўринади.

Бироқ гуруҳ етакчиси иштирокчилар унинг жиной фаолияти ҳақида тергов органларига хабар беришлари, гуруҳ фош бўлган тақдирда гуруҳнинг жиной фаолияти учун бутун айбни етакчига тўнкаб, ўзларининг ҳолатини яхшилашлари, эҳтимол тутилган жазони енгиллаштиришлари мумкинлигидан кўрқади.

Етакчи билан «муҳолиф» ўртасидаги низолар муҳолиф ўзини гуруҳ етакчисига, унинг бошқа аъзоларига, баъзи ҳолларда эса

²⁵ Мафия: призраки и признаки // Экономическая газета. – 1988. – №.48.

бутун гуруҳга қарши қўйиши натижасида юзага келади. Бундай мухолафатнинг сабаблари турлича: ҳокимият учун кураш, етакчиликни эгаллаб олишга интилиш, ҳасад, рашк, бошқа иштирокчиларнинг жиноий фаолият усулларида қоникмаслик, ўзининг гуруҳдаги мавқеидан, шунингдек, ўғирланган нарсалардан оладиган улушидан қоникмаслик.

Шу маънода жиноий гуруҳларнинг зарур элементларидан бири етакчи (лидер)нинг мавжудлиги бўлиб, у маълум бир вазиятда норасмий раҳбар вазифасини бажаради. Бундай шахсларда раҳбарлик, ташкилотчилик қобилияти устун туради. Шунинг учун ҳам жиноий-ҳуқуқий нуктаи назардан баҳо берилганда лидер гуруҳларнинг ташкилотчиси ва раҳбари ҳисобланади. Етакчи (лидер)нинг асл маъноси «ташкилотчи», «раҳбар» деган маънони билдиради.

Етакчи фақат баъзи бир юқоридаги сифатлари учун танланади дейиш катта хато бўлади. Агар етакчи ўзининг қайсидир томонлари билан гуруҳ ташкил этилган дамларда панд берса, уни алмаштириш чоралари кўрилади. Лекин етакчиликдан кетиш албатта курашлар, керак бўлса қурбонликлар талаб қилади.

Етакчининг функциясига қуйидагилар киради:

- ташкилотчилик;
- хабар бериш;
- маълумотларни стратегик ишлаш;
- тартиб ўрнатиш ва бошқалар.

Етакчининг раҳбарлиги қуйидаги ҳолатларда кўринади: жиноий гуруҳни ташкил қилади, раҳбарлик қилади, жиноятни амалга оширишда ҳар бир иштирокчига вазифаларни бўлиб беради. Хабар бериш, олиш, хабардор бўлиш раҳбарнинг энг асосий сифатларидан биридир, яъни хабарни ташқаридан олиш билан бирга, гуруҳ ичидаги вазиятдан ҳам хабардор бўлиб туради, гуруҳ аъзолари ўртасидаги муносабатни билиш ҳам муҳим ҳисобланади.

Стратегик ишлар гуруҳ етакчисининг ғоялари билан амалга ошади, у олдиндаги қийинчиликларни кўра билади, гуруҳга ўзгартиришлар киритади, олинган ўлжаларни тақсимлайди. Етакчининг кўрсатмаларини бажармаган ёки бажаришдан бош тортганлар қаттиқ жазоланади, етакчи жазонинг турини аниқлайди, амалга ошириш йўллариини таклиф қилади ва жазоловчини тайинлайди.

Етакчининг бу сифати айниқса уюшган жиноий гуруҳларга тааллуқлидир. Жиноий гуруҳлар содир этилиши керак бўлган

жиноятни амалга оширишга кетаётганда, иштирокчилардан бири операцияда баъзи камчиликлар бор, режани аниқлаштириш керак деган фикрини шипшитиб кўяди, бу лидернинг қулоғига етгандан кейин шу шахсни қаттиқ жазолашни буюради, чунки гуруҳ орасида иккиланиш пайдо бўлиб, операция муваффақиятсизликка учраса, бояги фикрни тарқатган одам ҳақ бўлиб, қаҳрамонга айланиши мумкин.

Мазмунига кўра жиний гуруҳ раҳбари етакчи ташкилотчи, етакчи руҳлантирувчига, раҳбарлигига қараб демократик ва авторитарга бўлинади. Демократик раҳбарликда ҳам, авторитарда ҳам демократик йўл тутилади, авторитарда барча вазифа шакллари шахснинг ўзи ҳал қилади, тартибни жуда қаттиқ ушлайди.

Жиний гуруҳлар ичида қуйидагилар ўртасида зиддиятлар бўлган, бўлиб келади:

- лидер ва гуруҳ аъзолари;
- лидер ва тарафкашлар;
- гуруҳнинг янги ва эски аъзолари;
- жиний фаолиятини тугатмоқчи бўлган шахс ва гуруҳдаги аъзолар ўртасида;
- ҳар хил жиноятларни содир этишда турли вазифаларни бажарувчи жиноятчилар ўртасида;
- гуруҳда юқориқоқ мавқени эгалламоқчи бўлган шахс ва гуруҳ аъзолари ўртасида;
- жиний гуруҳ билан бошқа бир жиний гуруҳ ва ҳоказо.

Жиний гуруҳлардаги шахслар ўртасида тенглик йўқ, бўлиши мумкин ҳам эмас, агар тенглик бўлса, у гуруҳ бўлмайди. Улар ўртасида ёпиқ психологик бир-бирини кўра олмаслик ётади. Гуруҳнинг ядроси, ўзаги бўлиб, у энг фаол қатнашчилардан ташкил топган бўлади.

Гуруҳнинг етакчиси (верхушкаси) жиноятдаги асосий хатти-ҳаракати билан аниқ ажралиб туради ва «мозговой центр» ҳисобланади. Улар ички тартибни ўрнатади, бошқарувчи вазифасини бажаради. Бундай шахслар ўлжанинг кўпроқ қисмини олишга ҳаракат қилади, етакчиликда асосий фаолиятни тартибга солиш билан бирга, кўп масъулиятни ҳам ўзига оладилар.

Шу нуқтаи назардан етакчи жамиятга қарши гуруҳ тузувчи ёки тузилган гуруҳ тепасига ўз фаолияти билан чиққан жиний фаолият ташкилотчисидир.

Ижтимоий психология етакчининг баъзи бир хислатларини ажратади:

- 1) гоя беришига кўра фаоллиги;
- 2) ташкилотчилик қобилияти;
- 3) мулоқотга кириша билиши, ўзига жалб қилиши;
- 4) баъзи масалаларни ечишда компитентлиги.

Криминоген гуруҳнинг асосий тавсифи:

- 1) жиний хатти-ҳаракати;
- 2) жиний тажрибага эга эканлиги;
- 3) ўғрилар анъанасига риоя қилиши;
- 4) ўғрилар жаргонини ва татировкаларини яхши билиши.

Ҳозирги вақтда жиноят оламида етакчиларнинг қуйидаги ижтимоий-психологик таснифи мавжуд:

- ҳаракат дастурини бериб, руҳлантиради;
- мураккаб вазифани бажаради;
- гуруҳни ташкил қилади ва йўналтиради.

Жиний гуруҳни психологик таҳлил қилишда унинг аъзолари ўртасида ахборот узатиш усулларини аниқлаш жуда муҳим. Ахборот узатишнинг қуйидаги усуллари мавжуд:

Ташкилотчи фақат асосий йўналишлар (молни ўтказиш, транспорт, бухгалтерия, муайян ҳудуддаги жиний фаолиятнинг аниқ бир турига масъул шахслар) раҳбарлари билан алоқада бўлади. Бу раҳбарлар, ўз навбатида, одатда ижрочилар билан бевосита алоқаларга эга бўлган воситачилардан фойдаланган ҳолда у ёки бу коммуникатив тузилмани ўрнатадилар.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, уюшган гуруҳ етакчиси иштирокчиликнинг бошқа (оддий ва мураккаб) шаклларидаги гуруҳ раҳбаридан (ташкилотчисидан, йўлбошчисидан) фарқ қилади. Уюшган гуруҳ етакчиси барча фаолият устидан назорат олиб боради, жиноят содир этишга розилик беради ёки бермайди, жиний режаларни кўпинча ўзи тузади, жиноят содир этиш вақтини белгилайди, жиний фаолият орқали топилган моддий бойликларни тақсимлайди, гуруҳ ичида «норасмий» тартиб-қоидаларга риоя этилишини назорат қилади, уни бузганларга нисбатан чора кўради. Жиний уюшма таркибига кирадиган уюшган гуруҳларда етакчи ҳар бир жиноятдан тушган «даромад»дан уюшма аъзоларига ҳисса бериб туради ҳамда уюшма кўрсатмаларининг бажарилишини

таъминлайди. Бундан ташқари, етакчи бевосита гуруҳ йиғиладиган жойни тайинлаши мумкин.

3-§. Уюшган жиноятчиликка қарши курашишда психологик омилларни ҳисобга олиш

Жамиятимизнинг бозор иқтисодиёти муносабатлари ва жиноят қонунига оид ҳозирги либераллаштириш сиёсатидан келиб чиққан ҳолда жиноий фаолият билан шуғулланувчи уюшган гуруҳ қатнашчиларига жазо ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чоралари қўллашнинг икки йўналишини ажратиш мумкин.

Биринчиси, жиноий фаолият билан шуғулланувчи уюшган гуруҳ аъзоларига жазо тайинлаш ва айрим моддаларга жазони оғирлаштирувчи белгиларни киритиш.

Иккинчиси, уюшган гуруҳнинг айрим аъзолари ҳаракатига енгиллаштирувчи ҳолат тусини бериш ҳамда рағбатлантирувчи нормаларни қўллаш.

Ҳуқуқшунос олимлар И.Исмоилов ва Д.Бухаров бугунги кунда уюшган жиноий тузилмалар фаолиятини ва улар содир этадиган жиноятларнинг олдини олиш соҳасидаги ҳамкорлик қуйидаги тўрт даражада амалга оширилади, деб таъкидлайдилар:

- ички идоравий ҳамкорлик;
- идоралараро ҳамкорлик;
- жамоатчилик билан ҳамкорлик;
- халқаро ҳамкорлик.²⁶

Жиноий уюшма ва уюшган гуруҳларнинг аъзоларига жазо ва бошқа жиноий-ҳуқуқий таъсир чораларини қўллашдан асосий мақсад – жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни тез ҳамда ҳар томонлама кўриб чиқиб, айбдорларни аниқлаш ва уларга қонунда белгиланган тартибда тегишли, одилона жазо тайинлашдан иборат.

Шу маънода уюшган жиноятчиликка қарши курашда психология, социология ва иқтисодиёт соҳасидаги олимларнинг уюшган жиноятчиликдек салбий ҳолат юзасидан олиб борган тадқиқотларининг хулосаларига таяниш катта аҳамиятга эга. Чунки

²⁶ *Исмоилов И., Бухаров Д.* Уюшган жиноий тузилмалар шаклланиши ва фаолиятининг олдини олишда ҳамкорликни ташкил этиш (муаммо ва ечимлар). – Т., 2007. – Б.11.

жамият ҳаётидаги мавжуд иқтисодий-ижтимоий камчиликлар, қайд этиб ўтганимиздек, уюшган жиноятчиликни юзага келтиради ва унинг ривожланиши учун шароит яратиб берувчи омиллардан бири саналади.

Ушбу ижтимоий иллатга қарши олиб бориладиган кураш стратегияси билан боғлиқ ҳуқуқий, психологик ва профилактик чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш зарур. Бундай тадбирларнинг амалга ошишини таъминлаш эса мавжуд ҳуфиёна иқтисодиёт ва иқтисодиёт билан боғлиқ барча жиноятларни атрофлича таҳлил этиш билан узвий боғлиқдир.

Шунингдек, ҳозирги кунда жамиятнинг ижтимоий тизимини илмий жиҳатдан баҳолаш, аҳолининг турли қатламлари ва гуруҳларига нисбатан дифференциал сиёсат юритишни йўлга қўйиш талаб этилади.

Шу маънода қуйидаги тоифадаги шахсларга алоҳида эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир:

– шубҳали тарзда даромад топаётган ва кўп миқдордаги мулк ва молиявий маблағларга эга шахслар;

– кам даромадли, умуман моддий таъминотга эга бўлмаганлар;

– жиний ва маънавий бузуқ йўлга кирганлар (жиноятни касб қилиб олганлар, бир неча бор судланганлар, ичкиликка ружу қўйганлар, гиёҳвандлар, ўзгалар ҳисобига кун кўрувчилар, дайдилар ва ҳ.к.)²⁷.

Ўтказилган тадқиқотлар ва жиноятчиликка қарши кураш амалиёти шуни кўрсатадики, охириги тўққиз йилда жиноятчилик таркибида бир гуруҳ шахслар содир этган жиноятлар 15-16% ни ташкил этган бўлса, талон-тарожлик жиноятлари бўйича бу кўрсаткич 28-30%ни ташкил этади. Жиноятни бир-икки марта оддий иштирокчилик асосида содир этган шахслар, *биринчидан*, содир этган жинояти учун жазосиз ёки енгил жазо билан чекланиб қолаётганидан; *иккинчидан*, жиноятдан ўзлаштирилган маблағ ҳисобига «яхши ҳаёт» кечираётганлигидан; *учинчидан*, ортиқча маблағ эгаси бўлаётганлигидан; *тўртинчидан*, айримлари эса «руҳланиб», бу «ютуқларни» янада мустаҳкамлаш учун аста-сёкин жиний гуруҳ фаолиятини кучайтириш, кенгайтириш, режалаш-

²⁷ Криминология / Проф. З. С. Зариповнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2007. – Б.391.

тириш, уни қуроллантириш ва бошқа жиноий гуруҳлар билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қила бошлайдилар²⁸.

Умуман олганда, уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни бартараф этиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг шакл ва усулларини яратиш орқали уларнинг фаолият йўналишларини тармоқлараро тузиладиган мувофиқлаштирувчи орган олиб борадиган ҳамда маълум бир вақт оралиғига мўлжалланган дастур асосида зарур вазифаларнинг бажарилишини белгилаш;

– уюшган жиноятчиликка қарши курашишда махсус тайёргарликдан ўтган шахсларни жалб қилиш;

– уюшган жиноятчиликка қарши курашувчи махсус гуруҳларни зарур моддий-техника воситалар билан таъминлаш.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, жиноят йўлига кирган ёки жиноий ҳаракатларидан пушаймон бўлиб тузалиш йўлига ўтмоқчи бўлганларнинг ижобий ҳаракатларини жазони енгиллаштириш ёки ундан озод қилиш йўли билан жиноятларнинг олдини олишга шароит яратиш ёхуд жиноятни касб қилиб олган ва жиноий фаолият билан доимий шуғулланмоқчи бўлганларнинг жазосини оғирлаштириб, уларнинг янги жиноятлар содир этишига тўсқинлик қилиш умумий жиноятчиликнинг олдини олишга ўз ҳиссасини қўшади.

***Ҳозирги вақтда жиноий гуруҳлари коммуникациясининг
8 тури мавжуд:***

- 1) тўлик;
- 2) доира;
- 3) занжир;
- 4) юлдуз;
- 5) ўзаглик;
- 6) ўзаги ажратилган;
- 7) комбинациялашган (*аралаш*);
- 8) мураккаб.

Тўлик – бунда барча гуруҳ аъзолари бир бири билан боғлиқ.

Доира – ҳар бир гуруҳ аъзоси икки ва бошқа шахслар билан боғлиқ.

²⁸ *Исмоилов. И. Жиноятчиликда уюшганликнинг олдини олишни ҳуқуқий таъминлаш. – Т., 2007. – Б.19.*

Занжир – бу бир биридан ажралган доира ҳисобланиб, бунда кетма-кетлик мавжуд.

Юлдуз – бунда лидер барча билан боғланган, қолганлари бир-бирисини билмайди.

Ўзаглик – бунда раҳбар бошқа аъзоларга битта шахс орқали чиқади.

Ўзаги ажратилган – бунда раҳбар битта шахс орқали боғланади лекин шахслар бир-бирини билмайди.

Комбинациялашган – лидер ташкилотчи ва қатнашчилар билан ҳам *воситачи* орқали боғланади.

Мураккаб – комбинациялашганга яқин лекин бунда лидерни топиш анча қийин, лекин ўзи ичида бошқариб юради, яъни бошқа шахслар орқали.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, ҳуқуқбузарликни, ҳуқуқбузар шахснинг психологиясини ўрганиш, билиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган ходимлари фаолиятида, жиноятчиликнинг олдини олишда, унга қарши курашишда ҳамда тергов жараёнида самарали фаолият олиб бориш учун қулай имкониятлар яратади. Масалан, тинтув, тергов ҳаракати олиб бораётганда керакли объектни топиш учун ҳуқуқбузар шахснинг хатти-ҳаракатларидан билиб олиш мумкин.

Ҳуқуқбузар шахсларда хавотирланиш ўзига хослигини инobatга олиб, ушбу шахс ўзи атрофига яқин жойда керакли объектни бекитиб қўйиши мумкин. Ҳар бир жиноятчини ўзига хос бўлган психологик хислатлари мавжуд бўлиб, у бошқа шахсларнинг хислатларига ўхшамайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган ходимлари ҳар бир ҳуқуқбузар шахсларнинг руҳиятини тўлиқ тушунишлари керак. Буни билиш эса фақатгина психологик билим ва тажрибалар ёрдамида амалга оширилади.

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг гуллаб равақ топиши ва бугунги тараққиёти учун аввало ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда жиноятчиларнинг психологик хусусиятларини ўрганиш ҳуқуқни муҳофаза қилиш орган ходимлари учун муҳим психологик омил бўлиб ҳисобланади.

Жумладан, Биринчи Президентимизнинг 2006 йилда чоп этилган «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий қадрият» номли китобида психология фанининг ўрни ва аҳамиятига қуйидагича тариф бериб ўтган. «Психология фани биз учун энг зарур

соҳалардан бири, десак, тўғри бўлади. Психологияни ўрганиш – ҳаётни, инсонни ўрганиш дегани. Керак бўлса, раҳбарлик қилмоқчи экансиз, етакчи бўлиб одамларга кўрсатма бермоқчи экансиз, олдин уларнинг психологиясини ҳар томонлама ўрганиш керак. Бунинг тагида жуда катта маъно бор»¹ деб таъкидлайди.

Оддий ёки мураккаб жиний гуруҳларга нисбатан, уюшган гуруҳ ўзининг доимий жиний содир этиши, бу хатти-ҳаракат гуруҳ аъзоларининг «касбига» айланиб қолиши, ўта оғир ва катта ҳажмдаги жинийларни содир этиши, жиний фаолиятини доимий ривожлантириб бориши, жиний содир этиш учун қулай шароитлар яратиши, катта миқдордаги зарарлар етказиши ва бошқа белгилари билан ўта хавфли ҳисобланади.

Шахсининг ҳаёти ва соғлиғи, ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчлик ва инсоният хавфсизлигини жиний тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жинийларнинг олдини олиш Жиний кодексида кўзда тутилган асосий вазифалардан ҳисобланади. Уюшган гуруҳларни ёки жиний уюшмаларни юқорида кўрсатилган тўрт гуруҳ йўналишларидан фақат биттаси билан шуғулланади, деган хулосага келиш нотўғри. Уюшган гуруҳлар жиний фаолият давомида кўпроқ жиний даромад олиш ёки бошқа жиний мақсадларда аралаш жинийларни ҳам содир этиши мумкин. Аммо амалиётда содир этилган жинийларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, улар жуда кўп ҳолларда асосан бир йўналишга мослашиб жиний фаолият билан шуғулланадилар.

Ҳуқуқбузарликни, ҳуқуқбузар шахсининг психологиясини ўрганиш, билиш, ички ишлар орган ходимлари фаолиятида, жинийчиликнинг олдини олишда, унга қарши курашишда ҳамда тергов жараёнида самарали фаолият олиб бриш учун қулай имкониятлар яратади. Масалан, тинтув, тергов ҳаракати олиб бораётганда керакли объектни топиш учун ҳуқуқбузар шахсни хатти-ҳаракатларидан билиб олиш мумкин.

Ҳуқуқбузар шахсларда хавотирланиш ўзига хослигини инобатга олиб, ушбу шахс ўзи атрофига яқин жойда керакли объектни бекитиб қўйиши мумкин. Ҳар бир жинийчини ўзига хос бўлган психологик хислатлари мавжуд бўлиб, у бошқа шахсларнинг хислатларига ўхшамайди.

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари – энг олий кадрят. –Т.14. – Т., 2006. – Б.121.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Жиноятчи шахси ва унинг ўзига хос психологик хусусиятларини изоҳлаб беринг.
2. Ҳуқуқбузар ва жиноятчи томонидан олдиндан режалаштирилган ҳамда содир этилган жиноятни оқлаш усулларига нималар киради?
3. Ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этган шахсларнинг эҳтиёжларига психологик тавсиф беринг.
4. Жиноятчи шахс типологиясини тушунтириб беринг.
5. Алоҳида тоифадаги жиноятчи шахсларнинг психологик хусусиятлари нималардан иборат?
6. Профессional жиноятчиларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида нималарни биласиз?

16-мавзу. ЖАБРЛАНУВЧИ ШАХС ПСИХОЛОГИЯСИ

1-§. Жабрланувчи шахснинг психологик тавсифи

Жабрланувчи шахс психологияси соҳаси – мазкур тоифадаги шахсларнинг жиноят содир этгунига қадар, жиноят содир этилаётган вақтдаги ва жиноят содир этилганидан кейинги хатти-ҳаракатларини ўрганади.

Шунингдек, одамларни жинoий тажовузлардан етарли даражада ҳимоя қила оладиган ахлоқий, руҳий-иродавий фазилатларни тарбиялашга доир амалий тавсияларни ишлаб чиқади. Жабрланувчи психологияси жиноят ҳуқуқи, криминология, ижтимоий психология, педагогика ва бошқа фанлар билан чамбарчас боғлиқдир.

Жабрланувчи шахс хатти-ҳаракатининг жиноятни келтириб чиқишдаги ўрни қанчалик юқори бўлса, жиноятчи шахснинг ғайри-ижтимоий йўналиши (ориентацияси) шунчалик жадал бўлади. Шахсга қарши жиноятларда бундай боғлиқлик ёрқинроқ намоён бўлади, чунки жиноятни содир этишнинг психологик механизмида жиноятчи шахсининг характери, темпераменти, йўналганлиги, ҳиссиётлари (эмоциялари) ва иродавий фазилатлари катта аҳамият касб этади. Чунки салбий ҳиссиётлар, зўриқишлар баъзан руҳий

портлаш (аффект) даражасигача ўсади, натижада шахсда ўз хулқ-атворини назорат қилиш, оқибатини англаш кўлами тораяди ва импульсив (ихтиёрсиз) равишда ғайриқонуний хатти-ҳаракатни содир этади.

Жабрланувчи шахсини психологик жиҳатдан таҳлил қилишда шуни назарда тутиш лозимки, шахсга қарши жиноятларнинг деярли 80 фоизини жабрланувчи билан қариндошлик, ишқий ва бошқа яқин муносабатларда бўлган шахслар содир этадилар, жиноят эса ушбу муносабатлар натижасида юзага келган низонинг охириги босқичи бўлади.

Шу маънода, жабрланувчи ва жиноятчи шахсини чуқур психологик тадқиқ этиш, низоли вазият сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш йўллариини белгилашда ҳар бир шахснинг индивидуал-психологик хусусиятлари, эмоционал-иродавий ҳолатлари ҳамда билиш жараёнларини инобатга олиш вазиятни тўғри идрок қилиш имконини беради.

Жиноят-процессуал қонунчилигида жабрланувчи деганда жиноят туфайли маънавий-руҳий, жисмоний ёки мулкый зарар кўрган шахс тушунилади. Агар гап шахсга қарши жиноят, яъни одам ўлдириш, баданга шикаст етказиш, номусга тегиш, ўғрилиқ, талончилик, босқинчилик, автотранспорт ҳодисаси ёки безорилик ҳақида борадиган бўлса, бу дастлабки тергов ҳамда ишни судда кўриб чиқишда марказий фигураларидан биридир. Жиноят икки, яъни тергов босқичида бири айбланувчи, бошқаси жабрланувчи деб топиладиган икки шахснинг ўзаро салбий муносабатлари натижасида содир этилади.

Бунда асосий диққат-эътибор, табиийки, биринчисига қаратилади, чунки бунда унинг айби, жавобгарлиги аниқланади, тақдири ҳал этилади. Буларнинг бари айбланувчининг шахсини, жиноят билан кечган аниқ вазиятлар батафсил ўрганилганидагина амалга оширилиши мумкин. Бироқ ушбу аниқ вазиятлар, жиноят сабаблари ва унга имкон берган шарт-шароитлар билан бир қаторда жабрланувчи шахсининг руҳий ҳолатлари (ҳис-туйғулари, кечинмалари, майллари ва бошқ.) эътиборга олинмайдиган бўлса, тўлиқ очилиши мумкин эмас.

Жуда кўп ҳолларда айбланувчининг жиноий хатти-ҳаракатлари жабрланувчининг ноқонуний, эҳтиётсиз ёки оддийгина енгилтак ҳаракатлари туфайли юзага келиши кузатилган.

Илгари илмий адабиётлар ҳамда амалиётда жабрланувчи шахснинг ўрнини етарли баҳоламаслик кузатилган, чунки жабрланувчи бир томонлама, фақат шахсий манфаатлар соҳиби сифатида қаралган. Аини вақтда жабрланувчи шахсига ҳар қандай ишда кўп ёки кам ҳажмда ижтимоий манфаатлар хосдир. Жиноий ниятлар (режалар)нинг амалга оширилиши жабрланувчи шахсининг руҳий-иродавий, индивидуал психологик хусусиятлари тузилишига ҳамда унинг шахсий фазилатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатига боғлиқдир.

Жабрланувчи жиноий тажовуздан фаол муҳофафаланиб (ҳимояланиб), жиноий фаолиятга тўсқинлик қилса, нафақат ўзининг, балки жамиятнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилади.

Жабрланувчининг шахсини ҳамда дастлабки тергов ва суд босқичидаги фаолиятини психологик жиҳатдан тадқиқ этиш жуда долзарбдир, чунки бу қатор масалаларнинг ечилишига имкон яратади.

Жабрланувчи шахсини тадқиқ этиш методикасини шартли равишда иккига бўлиш мумкин:

биринчиси – «статик соҳа». Бунга жабрланувчи шахснинг жинси, ёши, миллати, хизмат мавқеи кабилар киради, ушбу белгилардан баъзиларини бевосита қонун талаби бўйича аниқлаш зарур, бунинг устига уларнинг айримлари (жинсий жиноятларда – шахснинг ёши, қаршилиқ кўрсатишда – хизмат мавқеи ва ш.к.) жиноятни квалификация қилишда бевосита таъсир этиши мумкин;

иккинчиси – «динамик соҳа», яъни жабрланувчининг жиноят ҳодисасидан олдинги ҳамда бевосита жиноят ҳодисаси давридаги хатти-ҳаракати, ушбу хатти-ҳаракатининг жиноятчи хатти-ҳаракати билан боғлиқлиги (масалан, ҳимоя жадаллиги сабабли ҳужумнинг жадаллиги, жабрланувчидан қочиш ва ш.к.)²⁹.

Жабрланувчи шахснинг хатти-ҳаракатини жиноятдан, айниқса, транспорт ва хавфсизлик техникаси соҳасидаги жиноятлардан аввал келган босқичдаги ҳолатларини тадқиқ этиш муҳимдир. Масалан, жабрланувчи шахснинг бевосита ушбу жиноят содир этилишидан аввалги шахсий хислатлари ва руҳий-эмоционал ҳолатларини ифодаловчи омилларга мастлик, эҳтиётсизлик, тажрибасизлик, ҳаддан

²⁹ Васильев В.Л. Юридическая психология. – М., 1991. – С.271.

ташқари ўзига ишониш, қаттиқ чарчаш, интизомсизлик, ўзини ёмон сезиш, юрак касалликлари, неврозлар ва реактив ҳолатлар шаклидаги руҳий бузилишлар, шунингдек, темпераментига хос индивидуал хусусиятлар (асаб тизимининг ожизлиги, авария ҳолатларида секинлашган реакция) киради.

Жабрланувчининг жиноят содир этилиши пайтидаги хатти-ҳаракати, руҳий ҳолати, ҳиссиётлари ҳар қандай инсоннинг хатти-ҳаракати сингари қуйидаги психологик омилларга боғлиқ:

– жиноий ҳужум хавфи кузатилган ёки бошқа салбий таъсир кўрсатилган ҳолларда ташқи муҳитнинг таъсири;

– ташқи жиноий таъсирга нисбатан жабрланувчида ички ҳимояланишни таъминлайдиган инстинктив механизмларнинг намоён бўлиши (ҳушдан кетиш ҳолатидан тортиб ўзини ҳимоя қилиш ёки жиноятчига фаол ҳужум қилишгача).

Жинсий соҳасидаги жиноятларга, транспортдаги жиноятлар, хавфсизлик техникаси қоидаларини бузиш жиноятларига оид ишлар бўйича жабрланувчининг хатти-ҳаракатида ҳаётий тажриба катта аҳамиятга эга (хавфсизлик техникаси қоидаларининг бузилиши соҳасидаги жиноят содир этилганида жабрланувчининг махсус ва касбий кўникмалари катта аҳамият касб этади).

Жабрланувчининг хатти-ҳаракатига унинг ҳуқуқий онги жиддий таъсир кўрсатади: қонунни ва ўз ҳуқуқларини билиш жиноий ҳужумни қайтаришда кўшимча имконият беради, жиноий тажовузга тўсқинлик қиладиган инстинктив (туғма) хатти-ҳаракатларни содир этишда ўзининг ҳақлигига ишончини оттиради. Ижтимоий-иқтисодий манфаатлар нуқтаи назаридан жабрланувчининг жиноий тажовузларга қаршилик кўрсатиш ва чек қўйишга қаратилган ҳамда ушбу вазиятлар учун қонунда белгиланган доирадан чиқмайдиган (зарурий мудофаа институти ва ҳ.к.) фаол, мақсадга йўналтирилган хатти-ҳаракати энг мақбул ҳаракатлардан ҳисобланади.

Жабрланувчиларнинг салбий хатти-ҳаракати уларга нисбатан жиноятлар содир этилиши эҳтимолини оширади. Бундай хатти-ҳаракат айнан жиноятчининг жабрланувчига қизиқиши бошланадиган нуқта ҳисобланади. Бу қизиқиш жиноий хатти-ҳаракатнинг механизмини аниқлаш жиҳатидан ҳам, низоли вазиятдаги ҳаракат доирасида бўладиган салбий фаолиятни зарарсизлантириш жиҳатидан ҳам бўлиши мумкин.

«Жиноят қурбони» тушунчаси «жабрланувчи» тушунчасига караганда кенгроқ тушунча. Қонунда белгиланган тартибда жабрланувчи деб топилган-топилмаганидан қатъи назар, ғайриқонуний қилмишдан маънавий-руҳий, жисмоний ёки мулкый зарар кўрган ҳар қандай инсон жиноят қурбонидир. Бошқача айтганда, «қурбон» виктимологик тушунча, «жабрланувчи» эса жиноят-процессуал тушунчадир. Бу тушунчалар ўзаро мос келмаслиги ҳам мумкин. «...Айрим бир шахснинг виктимлиги... жиноий ҳаракат туфайли амалга ошган (рўёбга чиққан) «мойилликдир», аниқроғи муайян вазиятларда жиноят қурбони бўлиш қобилияти ёки бошқача айтганда, олдини олиш имкони бўла туриб хавфдан қоча олмасликдир».

Сўнгги йилларда криминологияга оид тадқиқотларда жиноятни очиш ва тергов қилишда «жиноят қурбони»га кўпроқ эътибор қаратила бошлади.

Виктимология криминологиянинг муҳим йўналишларидан бири сифатида жабрланувчи шахсини, унинг алоқаларини, жиноятчи билан ўзаро муносабатларини, жиноятчига айб қилиб қўйилаётган вазиятда жиноят қурбонининг хатти-ҳаракатига хос хусусиятларни ўрганеди. Виктимологик тадқиқотларда жиноятнинг келиб чиқишида жиноят қурбонига, унинг жиноятчи билан алоқалари ва муносабатларига алоҳида ўрин берилади.

2-§. Жинсий соҳадаги жиноятлардан жабрланганларнинг психологик ўзига хослиги

Номусга тегиш жиноятлари бўйича жабрланган шахсларни психологик ўрганиш жиддий аҳамиятга эга. Жумладан:

– жабрланган ва номусга тегувчи (гумон қилинувчи) шахсини, уларнинг ножўя хатти-ҳаракат (деликт)идан аввалги муносабатларини ўрганиш жиноятни тўғри квалификация қилиш имконини беради ҳамда бу тоифадаги ишлар бўйича тергов ва суд хатоларининг олдини олишга кўмаклашади;

– жабрланган аёл шахсининг руҳий-эмоционал ҳолатини ўрганиш, ходимнинг у билан психологик алоқа ўрнатиши мазкур жиноятнинг ишқий тафсилотлари ҳақида тўлиқ ва холисона маълумотлар олиш учун қўшимча имкониятлар беради;

– жабрланган аёлнинг маънавий-ахлоқий қадриятлари, шахсига хос хусусиятлари ва қарашларини психологик-педагогик таҳлил қилиш мазкур жиноятнинг келиб чиқишини чуқур текширишга ҳамда шу асосда ушбу тоифадаги ишлар бўйича профилактик тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишга имкон беради.

Жиноятдан олдинги ўзаро муносабатларнинг жиноятга ўсиб ўтишида жиноятчининг вазиятни қандай кўраётгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Аёлнинг ўз ихтиёри билан киришадиган ва объектив равишда шахвоний эҳтиёжни қўзғайдиган «шахвоний ўйин»ларни намоён қилиши эркак томонидан жинсий яқинликка таклиф сифатида баҳоланади, бу ҳол унинг истаги, шахвоний майллари аёлнинг истаги билан мос келишидан далолат беради, деб талқин қилинади. Мазкур ҳолатлар номусга тегиш жинояти келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

Жабрланувчи аёлнинг жиноятдан олдинги салбий хатти-ҳаракатлари жиноят содир этилиши учун зарур шароит яратувчи ифво ҳисобланади. Субъект жабрланувчи аёлнинг қаршилиги ёлғон эмас, балки ҳақиқийлигини англаган пайтдан бошлаб у жинсий тус олади. Номусга тегиш жиноятини содир этишнинг психологик механизми ана шундай бошланади.

Жиноятчи шахси билан жабрланувчи аёлнинг жиноятгача бўлган хулқи ўртасидаги алоқадорлик ва боғлиқлик ҳар томонлама ривожланишининг психологик механизми ва динамикасини муайян даражада ўзгариб бориши бир қатор олимлар (М.И.Еникеев, Г.П.Шиханцев, С.А.Беличева ва бошқ.)нинг тадқиқот ишларида ўз аксини топган.

Жинсий зўравонлик, баданга шикаст етказиш ҳолатлари жабрланувчининг маънавий-ахлоқий ва психологик жиҳатдан жароҳатланишига олиб келади ва уларда тушкунлик, фрустрация кайфиятини пайдо қилади.

Тажовузкорлик, яқинларига нисбатан қаттиққўллик, улар билан чиқиша олмаслик, алкоголь истеъмол қилишга мойиллик, жинсий бузуқлик, жумладан, вазият оқламаган ҳолдаги ишонувчанлик билан кечадиган вақтни қувноқ ўтказишга мойиллик оқибатида танишлар танлашда адашиш сингари хислатлар жабрланувчиларнинг ахлоқий-психологик қиёфасини акс эттиради. Бундай

хислатларнинг мавжудлиги турли хил жиноятлар содир этилишига олиб келиши кузатилган.

Юқорида билдирилган фикрларга янада ойдинлик киритиш мақсадида 8–14 ёшдаги спортчи қизларни текшириш натижалари ўрганилган.

Бунда К. К. Платонов ишлаб чиққан мустақил характеристикаларни умумлаштириш методикаси бўйича қуйидаги схемага асосланган. Жумладан:

1) ижтимоий-психологик анамнез, педагогик кузатув ва эксперимент маълумотларидан фойдаланган ҳолда шахснинг тузилиши ҳақидаги маълумотларни умумлаштириш;

2) текширилаётган вазиятда жабрланувчининг руҳий-иродавий ҳолати ва индивидуал-психологик хусусиятларини таҳлил қилиш;

3) юқорида келтирилган омилларни ҳар томонлама қиёслаш асосида эксперт хулосасини тузиш, бунда жабрланувчининг имкониятларини албатта ҳисобга олиш.

К. К. Платоновнинг шахснинг динамик функционал тузилиши ҳақидаги концепциясига таянган ҳолда махсус ишлаб чиқилган методика ёрдамида жабрланган аёл шахси устидан унинг номусига тегиш ҳаракатлари содир этилишга мойиллик берувчи энг кўп маълумот берадиган хислатларини тизимлаштиришга уриниб кўрилган. Таҳлил учун жабрланувчи аёл шахсининг психологик тузилиши, ташқи таъсирларга берилувчанлиги базаль ва дастурлаштирувчи таркибий қисмларга ажратилган. Булар:

– шахснинг йўналганлиги;

– унинг ҳаётий тажрибаси ва мўлжаллари;

– шахс руҳий жараёнлари ва хислатларининг ривожланиш хусусиятлари;

– биоруҳий ёки индивидуал-типологик характеристикалари.

Жабрланувчи шахсларни текшириш мақсадда экстенсив (сўроқ қилиш ва юзлаштириш давларида жабрланувчи аёлни кузатиш методи, жиноят иши материалларини психологик таҳлил қилиш, биографик метод) ҳамда интенсив (экспериментал-психологик) методлардан фойдаланилган.

Мазкур методлар ёрдамида олинган натижаларга кўра, спортчи қизлар гуруҳида турли реал тўсқинларга дучор бўлган (фрустрацион) вазиятларда қаршилик кўрсатиш, химояланиш ташқи айблов реакциялари устунлик қилган бўлса, жабрланган қизлар

гуруҳида айбламайдиган реакцияларнинг устунлик қилганлиги кузатилган.

Муносабатларнинг бундай йўналганлигини шахснинг ўзига хос психологик ҳимояси деб баҳолаш мумкин. Бундай йўналишга эга бўлган қизлар дастлабки тергов босқичларида юзага келган вазиятни қандайдир муқаррар нарса сифатида идрок этишга, вазиятга жалб этилганликни сусайтириш ҳамда қаршилик кўрсатиш ва ҳимоя тормозланишини кучайтириш мақсадида «ўзидан кетишга» мойил бўлганлар. Жабрланган қизларда, шунингдек, мавжуд тўсиқларда тўхтаб қолиш (фиксация)нинг юқорилигини акс эттирувчи реакцияларни ишончли даражадаги юксак баҳолаш кузатилган. Ушбу кўрсаткичлар жабрланганлар низони ҳал қилишда пассив бўлганлигини, мустақил бўлмаганлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, жабрланганларнинг вазиятга юқори даражада ҳиссий берилиши, етарлича реалист бўлмаслиги кузатилган. Шундай қилиб, руҳий мослашув (адаптация)нинг самарадорлиги суд-психологик экспертизада муҳим диагностик мезон ҳисобланади. Психик (руҳий) мослашувнинг бузилиш эҳтимоли шахснинг юқори даражадаги фурустрацион зўриқиши ҳамда хатти-ҳаракат интеграциясининг хусусияти билан боғлиқ. Жабрланганларда фрустрация бошланишининг пастлиги экстремал вазиятда барқарор ахлоқий стереотиплар шаклланишини тормозлайди (секинлаштиради).

Шахс хатти-ҳаракатларининг муҳим регулятори (бошқаруви) ўзини ўзи баҳолашининг ривожланганлик даражасидир.

Мамлакатимиз ҳамда хориж психологларнинг тадқиқотларида таъкидланишича, ўсмирлик даврида шахсда ўзини нафақат катталарнинг талаблари орқали, балки ўз талаблари орқали ҳам баҳолаш қобилияти шаклланади. Ўзини баҳолашдаги асосий мезонни ўсмирнинг бошқа одамлар билан муносабатларидаги ахлоқий-психологик жиҳатлар ташкил эта боради. Педагоглар берган тавсифномаларида болаларнинг тортинчоқлиги, ўз нуқтаи назарини ҳимоя қила олмаслиги, ташаббус кўрсатмаслиги таъкидланади.

Ўзига юқори баҳо берадиган жабрланувчи аёлларда кучи етмайдиган вазифаларни ҳам зиммасига олиш, таваккалчиликка мойиллик кузатилади. Бу эса тергов жараёнида афсусланиш, омадсизлик учун

жавобгарликни бошқаларга (зўравонларга), вазиятга юклаганга интилишда ёрқин намоён бўлган.

Экспертларнинг иш ҳолатлари ҳақидаги саволларига жабрланувчи аёл унинг номусига теккан эркакка қарши тура олишига умид қилганлигини, бундай вазиятларга бир неча мартаба тушган бўлсада, доимо охири яхшилик билан тугаганлигини таъкидлайди.

Таҳлил жараёнида жабрланганларнинг шахси мураккаб психологик тузилишга эгаллиги ҳисобга олинган. Уларнинг шахси уч таркибий қисмдан иборат эканлиги аниқланган:

- ўзига нисбатан юқори эмоционал муносабат;
- шахснинг айрим хислатларини англаш ва ўзини баҳолаш;
- ҳаётининг фаолият мақсадлари ва ушбу мақсадларга эришиш учун зарур воситаларни англаш.

Ўзига нисбатан ҳиссий муносабат шаклланишига ўсмирларнинг ўз шахсий хусусиятларини ва хатти-ҳаракат шакллариини ўзлари учун идеал ҳисоблайдиган муайян нормалар билан қиёслаш жиддий таъсир кўрсатади. Таҳлилларнинг кўрсатишича, айрим жабрланган қизларда ўзига хос ўзини баҳоловчи ҳавотир, ўзи ҳақидаги тасаввурларга таҳдид мавжуд бўлган вазият сифатида идрок этиш ҳамда бунинг натижасида кучли ҳаяжон, кўрқув кузатилган.

Жиноят қурбонини психологик тадқиқ этиш жараёнида унинг қадриятлар тизими ва қарашлари муҳим ҳисобланади. Шахснинг қадриятлар тизими ва қарашлари унинг йўналганлигини, ҳаётдаги ўрни (позицияси)ни белгилаб беради. Таҳлилларнинг кўрсатишича, жабрланганларда ностандарт (номос) вазиятларда ўзини ўзи баҳолаш, қадриятлар тизими ва мўлжаллари беқарор бўлиши кузатилган.

Масалан, сўралган 32 нафар жабрланганнинг 14 нафаригина низоли вазиятда ўзини тутиш усулини танлашга ва ҳуқуқ нормаларига таянишга тайёр эканликларини билдиришган, қолганлари анъанавий ахлоқ қоидаларини афзал кўришган.

Шу маънода, жиноят қурбонининг виқтим хулқига шароит яратган ундовчи кучларни таҳлил қилиш зарурати юзага келади. Жабрланувчи аёл шахсини индивидуал психологик хусусиятлари билан ўзаро боғлиқликда синчиклаб таҳлил қилиш унинг хатти-ҳаракатидаги ҳақиқий мотивларни аниқлашга ёрдам беради.

Жабрланувчининг кўрсатмаларини психологик таҳлил қилиш. Жабрланувчининг кўрсатмалари гувоҳнинг кўрсатмала-

ридан процессуал табиати билан фарқ қилади, улар нафақат дадиллар манбаи, балки ўз манфаатларини ҳимоя қилиш воситаси ҳамдир. Жабрланувчининг ҳақиқатни аниқлашга муносабати турлича бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда у ҳақиқатнинг очилишидан манфаатдор бўлади, бошқа ҳолларда иш бўйича ҳақиқатнинг аниқланиши ёки аниқланмаслигига бефарқ, яна бошқа ҳолларда жиноятнинг очилиши ва фош бўлишига тўсқинлик қилишдан, ниҳоят, тўртинчидан, аслида мавжуд бўлмаган ҳолатларни исботлашдан манфаатдор бўлади (бу ҳам ҳақиқатни очишга тўсқинлик қилиш шаклидир). Жабрланувчи жиноятнинг очилиши ва ҳақиқий айбдорнинг фош бўлишидан манфаатдор бўлган ҳолларда унинг манфаатлари ҳақиқатни аниқлаш вазифасига батамом мувофиқ келади. Ушбу типга, аввало, хизмат ёки ижтимоий бурчини бажариши оқибатида жабрланувчи бўлиб қолган ташаббускор одамлар киради.

Уларнинг тергов вақтидаги хатти-ҳаракати, ижтимоий қарашлари ҳам ижобий хусусиятга эга. Баъзи сабабларга кўра жиноятчига қаршилик кўрсатмаган, аммо ўзини терговда виждонан ва фаол тутаётган пассив ёки нейтрал жабрланувчиларни ҳам ана шу типга киритиш мумкин. Жабрланувчи кўрсатмаларининг ўзига хос жиҳатларини текшириш ва баҳолаш чоғида мазкур ҳолатларни инобатга олиш лозим. Жабрланувчи албатта сўроқ қилиниши керак, чунки кўрсатма бериш унинг процесс иштирокчиси сифатида қонунда қафолатланган ҳуқуқидир.

Жабрланувчига унинг ҳуқуқларини тушунтириш ҳамда сўроқ чоғида нафақат ўзига маълум бўлган маълумотларни бериш имкониятини таъминлаш, балки унда юзага келган тахминларни баён этиш, жиноят ишининг у ёки бу материаллари юзасидан изоҳлар бериш ҳамда тегишли далиллар келтириш имконини ҳам таъминлаш лозим.

Жабрланувчидан бошқа маълумотлар билан бир қаторда қуйидаги маълумотларни ҳам сўраш керак:

- жиний қилмишнинг ҳолатлари ва муҳим белгилари (жиноят вақти, жойи кабилар) хусусида;
- жиноятда иштирок этган шахслар, уларнинг ҳар бирининг роли ҳақида;
- жиноят туфайли етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдори ҳақида;

– унинг айбланувчи билан ўзаро муносабатлари ҳақида.

Қонун жабрланувчига сўроқ қилинишидан аввал унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилишини тақозо этади.

Жабрланувчининг кўрсатмалари муҳим процессуал ҳужжат бўлиб, уни жабрланувчининг шахсига хос хусусиятларни инобатга олган ҳолда, далилий аҳамияти нуқтаи назаридан баҳолаш лозим.

Жиноятни тергов қилишда жуда муҳим омиллардан бири жабрланувчининг ҳуқуқий онгидир. Жабрланувчи кўрсатмаларининг ишончлилиги ва аниқлиги унинг ҳуқуқбузарликларга қанчалик муросасиз муносабатда бўлишига, одил судловга қанчалик ёрдам беришни исташига боғлиқ.

Жиноят ҳолатларини аниқлашнинг асосий, баъзан эса ягона манбаи жабрланувчининг кўрсатмалари ҳисобланади. Шу боис терговчи жабрланувчининг руҳий-эмоционал (ҳис-туйғулари, стресс, фрустрация, аффектив ва бошқ.) ҳолатлари ва индивидуал-психологик хусусиятлари (характер, қобилият, темперамент ва бошқ.)ни инобатга олган ҳолда у билан руҳий алоқа ўрнатиши ва шу тариқа кўрсатмаларнинг тўлиқ ва аниқлигини таъминлаши жуда муҳим. Бу, асосан, сўроқ қилиш, юзлаштириш, таниб олиш сингари тергов ҳаракатларига тааллуқлидир.

Жабрланувчининг психологик хислатлари, асаб жараёнларининг кучи, ҳаракатчанлиги, олий нерв фаолиятининг типи, темпераментини ўрганиш унинг у ёки бу ҳаракатларни бажариш имкониятини аниқлашга, умуман эса воқеанинг тўғри манзарасини яратишга ёрдам беради. Ушбу хислатларни жабрланувчи билан алоқа ўрнатиш чоғида, тергов ҳаракатларини ташкил қилишда инобатга олиш зарур.

Ижтимоий-психологик жиҳат айбланувчининг жабрланувчи билан ўзаро муносабатлари, уларнинг низоси ва бошқа одамларга муносабати нуқтаи назаридан қамраб олиши мумкин. Воқеани тўғри тиклаш учун низоли вазиятни таҳлил қилиш, унда ролларни тақсимлаш муҳим.

Жабрланувчининг кўрсатмалари босқичма-босқич шаклланади. Ушбу жараёнда учта босқич ажратилади: идрок этиш, эслаб қолиш ва хотирада тиклаш. Уларнинг ҳар бирида терговчи учун зарур маълумот тушиб қолиши ёки бузилиши мумкин. Хато ва камчиликларни иложи борича камайтириш учун буни ҳисобга олиш зарур.

Идрок – билишнинг ҳиссий босқичи, инсоннинг нарса ва ходисаларни барча хусусиятлари билан яхлит тарзда онгда акс эттириши. Субъектив нуқтаи назардан, идрокнинг олдиндан режалаштирилганлиги, сезги аъзоларининг таъсирчанлик даражаси, жабрланувчининг тажрибаси ва билими, жиноят пайтидаги ҳолати (масалан, алкоголь ёки наркотик моддадан мастлик ҳолати) муҳимдир. Тафаккур идрокни бошқариши мумкин, аммо жабрланувчининг кўрсатмаларига турли хил хом хаёлларнинг кириб қолиши ва идрокдаги камчиликларни тўлдириши каби салбий жиҳатлар ҳам унинг таъсири билан боғлиқ.

Ниҳоят, жабрланувчининг ҳиссий ҳолати ҳам идрок жараёнида алоҳида ўринга эга. Жиноят туфайли жабрланувчида юзага келган ҳиссий зўриқишлар муқаррар равишда унинг эътиборини жинойий ҳаракатларга тортади, аммо ўткир ҳиссий кечинмалар унинг онгини торайтиради ҳамда инъикосининг тўлиқлиги ва аниқлигини пасайтиради. Стресс вазиятнинг оқибатлари кейинчалик тергов жараёнида ҳам ўзини кўрсатиши мумкин. У эслаб қолиш, идрок этилган нарсани хотирада сақлаб қолишга ҳам катта таъсир кўрсатади.

Кўрсатмалар шаклланишининг иккинчи босқичига тасаввурлар ҳосил бўлиши ва сақланиб қолиши хосдир. Тасаввур – илгари идрок этилган ва асосий тўсиқ бўлмиш вақт туфайли муайян даражада бузилган образлар мажмуи. Жабрланувчи, одатда, жиноят ҳолатларини яхши эслаб қолади, уларни гувоҳга қараганда ёрқинроқ идрок этади, чунки юз берган воқеа бевосита унинг манфаатларига дахлдордир. Кўрсатмаларнинг тўлиқлиги ва аниқлиги кўп жиҳатдан жиноят содир этилган пайтдан кейин ўтган вақтга боғлиқ, шу боис жабрланувчиларни улар айтиб бериши лозим бўлган воқеадан кейин иложи борича тезроқ сўроқ қилиш тавсия этилади. Аммо стресс вазияти оқибатлари биров сусайиши учун сўроқни кечиктириш баъзан фойдали бўлади. Жабрланувчи хотирасининг тури ҳам аҳамиятга эга бўлиб, у образли, мантиқий ва ҳиссий бўлиши мумкин. Терговчи жабрланувчини воқеанинг тўлиқроқ манзарасини яратишга рағбатлантириб, бу омилни ҳисобга олиши лозим, бунда бир ҳолда воқеадан кейин дарҳол юзага келган фикрларни, бошқа ҳолда эса воқеа билан боғлиқ кечинмалар, ҳиссиётларни эшлаш тавсия этилиши керак.

Жабрланувчилар кўрсатма бераётганларида ўзлари идрок этган ва хотирасида қолган ҳолатларни тиклайдилар. Аммо бу воқеа

вазиятидан оддийгина нусха кўчириш эмас, балки тафаккур, иродавий зўриқишлар, ҳиссиётлар фаол иштирок этадиган, манфаатларнинг йўналганлиги намоён бўладиган мураккаб руҳий жараён. Бир томондан, бу идрокнинг самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатиши, бошқа томондан эса адашишлар ва хатоларга олиб келиши мумкин. Хотирада тиклаш жараёнида жабрланувчи ўз кўрсатмаларининг аҳамиятини англаши, ишга ва унда иштирок этаётган шахсларга муносабати, сўроқ вазиятининг ўзи каби хусусиятлар намоён бўлиши мумкин. Бу босқич ҳам айрим тактик усулларни қўллашни талаб этади. Масалан, жабрланувчи ишга алоқадор ҳамма нарсани эркин ҳикоя шаклида баён этиши мақсадга мувофиқ, терговчи саволлар билан унинг гапини бўлмаслиги лозим. Одатда, бундай ҳикоя бошланишидан аввал жабрланувчи юз берган воқеани англашга ҳаракат қилади, воқеани қандай кетма-кетликда баён этишни ўйлаб олади.

Атайин ёки бехосдан амалга оширилган ишонтириш жабрланувчининг кўрсатмаларига таъсир этувчи омил бўлиши мумкин. Кўп жиҳатдан бу вояга етмаган жабрланувчиларга хос, аммо катталарни ҳам ишонтириш мумкин. Жабрланувчилар гувоҳларга қараганда кўпроқ ишонувчан бўладилар, айниқса ишонтирилаётган маълумотлар уларнинг манфаатларига мос келса.

Энди айрим хулосаларни чиқаришимиз мумкин. Жабрланувчининг шахси одил судловда катта роль ўйнайди. У турли хил, аммо ўзаро боғлиқ бўлган нуқтаи назарлардан кўриб чиқилиши мумкин. Шундай қилиб, жабрланувчи шахсини ўрганишда комплекс муаммоларни ечишга тўғри келади.

Ушбу муаммоларнинг энг муҳим жиҳатлардан бири – жабрланувчидан ишончли кўрсатма олиш мақсадида уни дастлабки терговда ўрганиш.

Жабрланувчининг кўрсатмалари кўплаб субъектив ва объектив омиларга боғлиқ. Жабрланувчининг кўрсатмалари шаклланиши жараёнининг психологик қонуниятларини ва хусусиятларини билиш, жабрланувчининг мотивациясини ўрганиш терговчига ишончли маълумотлар олиш учун керакли тактик усулларни танлашида ёрдам беради. Жабрланувчи ҳақидаги маълумотлардан нафақат сўроқ жараёнида, балки бошқа тергов ҳаракатларини ўтказишда ҳам фойдаланилади.

3-§. Одам савдоси жабрланувчилари билан ишлашнинг психологик жиҳатлари

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар, энг аввало, фуқароларимизнинг тинч ва осуда ҳаётини, уларнинг ҳеч нарсага муҳтож ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигини таъминлаш орқали ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаб, буюк келажак сари етаклашга қаратилган. Афсуски, ушбу бунёдкор мақсадларга эришиш осон кечмаяпти. Бу йўналишда турли тўсиқ ва ғовлар, жумладан одам савдоси каби иллатлар салбий таъсир кўрсатмоқда.

Одам савдосининг юртимиз тараққиёти ва жамият учун хавфлилиги нафақат унинг бугунги кунда дунё мамлакатларида, балки давлатимизда яшаётган фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва эркинлигига таҳдид солаётгани ҳамда бунинг натижасида юзага келувчи салбий оқибатлар билан ҳам тушунтирилади. Одам савдоси шахснинг озодлиги, шаъни ва кадр-қимматига қарши қаратилган, уюшган трансмиллий характерга эга бўлган жиноят. Шу боис қонун чиқарувчи содир этилган бундай жиноятлар учун энг оғир санкцияларини назарда тутати. Бу ҳолат ўз-ўзидан одам савдоси жиноятларини очиш бўйича ўтказиладиган тезкор тадбирларнинг йўналиши ва ҳолатига таъсир ўтказмаслиги мумкин эмас. Одам савдоси жиноятларининг олдини олиш ва очишда, ҳақиқатни аниқлашда ички ишлар органлари ходимларига катта масъулият ва талаблар қўйилган. Бу борада хатоларга йўл қўйилса, гуноҳсиз одамни жазоланишига олиб келади. Шунинг учун одам савдоси жиноятлари бўйича ўз вақтида тезкор йўллар билан тўпланган барча далилларни текшириш керак бўлади.

Одам савдоси – ўғирлаш, ёллаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, мажбурлашнинг турли усуллари ҳамда хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда жабрланувчини Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан олиб ўтиш, чет элда қонунга хилоф равишда ушлаб туриш, қалбаки ҳужжатлардан фойдаланиб, жабрланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини олиб қўйиш, яшириш ёки йўқ қилиб юбориш ҳаракатларини ўз ичига олади.

Одам савдоси учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддасида белгиланган. Одам савдосининг уюшган трансмиллий жиноий фаолият сифатида асосий фарқ қилувчи хусусияти шундан иборатки, уни содир этиш оқибатида

жисмоний шахслар товарга айланадилар, яъни сотиб олиш ёки сотиб юбориш, ҳады қилиш, топшириш, ташиш, фойдаланиш учун ёллаш ва бошқалар учун объект бўлишлари мумкин, яъни улар жонсиз буюмга тенглаштириладилар.

Одам савдоси жиноятлари уюшган жиноий гуруҳлар томонидан олдиндан пухта режалаштирилган ҳаракатлар асосида амалга оширилади.

Одам савдоси жиноятларини содир этиш ҳаракатларини амалга оширувчи уюшган жиноий гуруҳ таркиби қуйидагилардан иборат:

- ёлловчи;
- жабрланувчиларни келишилган жойга етказиш, чегарадан ўтказиш ёки чиқиб кетишни таъминловчи шахс;
- жабрланувчиларни белгиланган давлатда кутиб олувчи ва бевосита эксплуатация қилувчи шахс ва бошқалар.

Одам савдоси жиноятларини содир этиш элементлари:

- ёллаш;
- олиб ўтиш;
- сотиш;
- эксплуатация қилиш.

Ёллашга хос бўлган белгилар:

- катта маош тўланадиган ишга ёлғон ваъдалар;
- йўл харажатлари учун барча хизматларга тўловлар;
- ишончга кириб, алдаш;
- шахснинг ижтимоий заиф ҳолатидан фойдаланиш ва ҳоказо.

Жабрланувчиларни олиб ўтиш йўллари:

- давлат чегараларидан ташқарига ёки давлатнинг ичида бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтиш;
- қонуний ёки ноқонуний йўллардан фойдаланиш;
- давлат чегараларидан қалбаки ёки ҳақиқий ҳужжатлар билан олиб ўтиш ва бошқалар.

Эксплуатация қилиш ҳолатлари:

- меҳнат қилишга ёки хизмат кўрсатишга мажбурлаш;
- қарамликка олиб келувчи қарздорлик;
- ҳужжатларини олиб қўйиш орқали ҳуқуқларини чеклаш ва поймол қилиш;
- эркин ҳаракатланишини чеклаш;
- жисмоний ва руҳий зўрлик ишлатиш;
- тобелик ҳолати;

– жабрланувчининг яқинларига нисбатан товламачилик ва турли таҳдидлар қилиш ва бошқалар.

Эксплуатация қилиш кўринишлари:

- ишлаб чиқариш, фабрика ва корхоналарда мажбурий меҳнат;
- қишлоқ хўжалигида меҳнат;
- уй-рўзғор ишлари;
- шахвоний хизматлар;
- мажбурий тиламчилик;
- мажбурий донорлик;
- мажбурий никоҳ;
- сунъий оналик, мажбурий бола туғиш ва бошқалар.

Одам савдоси инсон, унинг шаъни, қадр қиммати, осойишта турмуши ҳамда келажагига таҳдид солаётган трансмиллий уюшган жиноятчилик кўринишларидан бири бўлиб, ўзининг чегара танла-маслиги, шунингдек гирдобига асосан ёшлар ва аёлларни тортаётганлиги билан барчада катта ташвиш ва хавотир уйғотмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва унинг қуйи тизимларида одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари сифатли, тўлиқ, холисона тергов қилиниб, жиноятчиларнинг ҳаракатларига алоҳида ҳуқуқий баҳо берилиб, жиноят учун жазонинг муқаррар-лиги таъминланиб келинмоқда.

Бугунги кунда республика ҳудудида одам савдосига қарши кураш бўйича кўрсаткичларни жамлаш, уларни таҳлил қилиш, қуйи тизим ходимларининг бу борадаги ишларини мувофиқлаштириш юзасидан бир қатор ташкилий ва амалий тадбирлар ўтказиб келинмоқда.

Мамлакатимизда одам савдосидан жабрланиш асосан аҳолининг миграцияси билан боғлиқлигини амалиёт кўрсатмоқда. Кўпгина фуқаролар шундай вазиятга тушиб қолиши мумкинлиги онгли равишда сезиб ҳам ўз ҳаракатларини давом эттирадилар.

Одам савдоси жиноятларининг ўзига ва ўзбек менталитетига хос бўлган жиҳатларидан бири, бу унинг юқори латентлигидир. Яъни ҳар доим ҳам одам савдосидан жабр кўрган шахс тўғридан-тўғри кўрган жабри ёки унинг бошланғич босқичларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бермайди, ўз ҳақ-ҳуқуқлари-нинг поймол бўлганлигини атрофдагиларга билдирмайди.

Лекин ҳар бир инсоннинг кечинмаларини, унинг ички руҳий ҳолати ўзгаришини, ҳис-туйғуларини кузатиш ва махсус билимлар-дан фойдаланиб ўтказилган суҳбатлар орқали англаш мумкин.

Ушбу жиноятларга қарши курашнинг самарадорлигига, энг аввало, уларни ўз вақтида аниқлаш ва фош этиш чораларини кўриш орқали эришилади. Бунинг учун эса одам савдоси жабрланувчиларини аниқлаш ва улар билан ишлашнинг психологик жиҳатларини ўзлаштириш лозим.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, шу жумладан ички ишлар органлари ходимлари кундалик хизмат фаолияти тақозоси билан баъзан мураккаб, қалтис вазиятларга тушадилар. Бундай вазиятларнинг юзага келиши объектив сабабларга боғлиқ бўлса, бундай вазиятда ходимнинг психологик ҳолатининг кескинлашуви субъектив сабабларга боғлиқ бўлади. Масалан, киши ўзидаги эмпатик, яъни ҳамдардлик ҳисси орқали бошқа шахсларга ёрдам беришни исташи, ҳиссиётга берилиши ёки ҳолатни атрофлича ўрганмасдан туриб унга субъектив баҳо бериши мумкин.

Бу кўпинча одам савдоси жабрланувчилари билан ишлаш жараёнида кузатилади.

Одам савдоси жабрланувчилари билан ишлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг психологик билимларга эга бўлишлари керакли натижаларга эришишга имкон яратади.

Одам савдоси жабрланувчиларини аниқлаш асосан икки жараённи ўз ичига олади. Биринчиси, одам савдосидан жабрланганлар ҳақида дастлабки маълумотларни олиш, иккинчиси, ушбу маълумотларни текшириш.

Одам савдосидан жабрланган шахслар ҳақидаги маълумотлар қуйидаги манбалардан олинади:

– бу ҳақда ички ишлар органларига жабрланувчилардан тушган ариза ва шикоятлар, ишонч ва бошқа телефонлар орқали тушган хабарлардан;

– одам савдосидан жабрланганларнинг яқин қариндошлари ва таниш-билишларидан тушган ариза ва шикоятлардан;

– давлат органлари, корхона ва муассасалар, нодавлат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошқариш органлари (реабилитация марказлари ва бошқалар)дан қилинган мурожаатлардан;

– ички ишлар органлари ходимлари томонидан кундалик хизмат фаолиятини амалга ошириш вақтида, жумладан доимий яшаш жойларидан узок муддатга кетганлар бўйича ишлашда;

– ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига кўмаклашаётган шахслар ва кенг жамоатчиликдан;

– Интернет тармоғи, ОАВ ва бошқа манбалардан.

Одам савдоси жинояти ҳақида тушган ҳар бир хабар, албатта, қисқа вақт ичида ҳолисона текширилиши ва аниқланиши лозим.

Одам савдосидан жабрланган шахслар ҳақидаги маълумотлар қандай усулларда текширилиши лозим?

Бунда расмий йўллардан ташқари, психологик усулларида унумли фойдаланиш самарали натижаларни беради. Яъни жабрланувчилар, уларнинг яқин қариндошлари ва танишбилишлари билан психологик алоқа ўрнатиш ва улар билан ишончли муносабатларга киришиб, керакли масалаларни ойдинлаштириб олиш зарур. Бунга қуйидаги психологик усуллардан фойдаланиш натижасида эришилади:

- сўров;
- кузатув;
- маълумотлар таҳлили.

Одам савдоси билан жабрланганлардан керакли маълумотларни олишнинг энг самарали усули «сўров» усулидир. Бу усулдан фойдаланганда ходимнинг одам савдосидан жабрланганларни аниқлаш борасидаги билим ва кўникмаларни намоён бўлади. Ходим мутахассис сифатида одам савдосидан жабрланганлар билан ишлашда қуйидаги жараёнларни билиши керак бўлади:

- одам савдосидан жабрланганларни аниқлаш ва улар билан ишлаш;
- одам савдоси қурбонлари билан мулоқотга киришиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;
- одам савдосидан жабрланганларнинг ташқи белгиларига эътибор қаратиш.
- жабрланувчиларнинг ишончини қозона олиш;
- одам савдосидан жабрланганлар билан мулоқотга киришишда эътибордан четда қолдириб бўлмайдиган ҳолатлар, яъни жинсий, руҳий, ақлий, ҳиссий ва мотивацион тўсиқларни инобатга олиш;
- жабрланувчиларга ёрдам берувчи бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик;
- жабрланувчилар билан гувоҳ сифатида ишлаш.

Ушбу ҳолатлар юзасидан зарур билимларга эга бўлиш одам савдоси жинояти жабрланувчиларини аниқлаш ва улар билан ишлашда яхши самара беради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳар доим ҳам

одам савдосидан жабрланганларни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган сўровларнинг самарали натижаларига эришиш учун керакли шарт-шароитларни, ишончли муносабат муҳитини яратиш кўникмаларига эга эмас. Шунинг учун ҳам ички ишлар органлари ходимларида одам савдосидан жабрланганларни аниқлаш кўникмаларини шакллантириш ва улар билан профессионал тарзда ишлашлар масалаларига алоҳида эътибор қаратиш керак.

Шу нуқтаи назардан, жабрланувчиларни аниқлаш ва улар билан мукамал ишлаш учун қандай муҳит ва шарт-шароит бўлиши лозим?

Ходим сифатида одам савдосидан жабрланганларни аниқлаш ва улар билан самарали ишлаш малакасини эгаллашда қуйидагиларни инобатга олиш муҳимдир:

– одам савдосидан жабрланувчиларга қайта озор бермаслик учун уларга жиноятчи эмас, балки жабрланувчи сифатида қараш мақсадга мувофиқдир;

– жабрланувчиларнинг зарур ва ўринли ёрдам олишларини кафолатлаш;

– одам савдоси билан шуғулланувчи шахсларга қарши кўрсатмалар ёки уларни ушлашда керак бўладиган ҳар қандай маълумотлар билан ўртоқлашишлари учун жабрланувчилар билан ишончли алоқа ўрнатиш.

Шу маънода, ички ишлар органлари ходимларининг асосий вазифаси одам савдосидан жабрланганларни аниқлаш, уларга ёрдам кўрсатиш ва уларнинг ёрдами ва кўрсатмаларига қараб ҳақиқий айбдорларни аниқлашдир.

Одам савдосидан жабрланганлар – жиноят жабрланувчилари. Шунинг учун ҳам уларни ўз вақтида аниқлаш, уларга ёрдам кўрсатиш ва яхши муносабатда бўлиш жиноятни очиш ва жиноятчиларни топиш учун замин яратади.

Одам савдосидан жабрланганлар аниқлангандан сўнг улар билан қандай алоқага киришишни билиш лозим.

Ички ишлар органлари ходими ҳар қандай вазиятда ўзини тута билиши, жабрланувчининг руҳиятига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳис-туйғуларини билдирмаслиги, аксинча унга ҳамдард эканлигини намойиш қилиши лозим. Ходим одам савдосидан жабрланганлар ундан ёрдам кутишини унутмаслиги лозим.

Одам савдоси қурбонига айланишнинг сабаб ва шароитлари

билиб олинганидан сўнг, муҳим жиҳатлардан бири бўлган жабрланувчи ишончини қозониш масаласидир.

Одам савдоси жиноятларини аниқлашга ёрдам берадиган омиллардан бири жабрланувчининг ишончига кириш усули ҳисобланади. Чунки керакли тезкор маълумотларни олиш учун уларнинг ишончига кириш катта аҳамиятга эга. Бошқача айтганда, жабрланувчиларни ишонтириш ва кўнглига йўл топиш керак бўлади. Бу билан жиноятни фош қилиш ва жиноятчиларни қўлга олишда жабрланувчилар билан ҳамкорлик йўлга қўйилади. Жабрланувчиларнинг ходим билан ҳамкорлиги жиноят ишини очишда муҳим омил ҳисобланади.

Шунинг учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходими ишнинг дастлабки босқичида жабрланувчилар билан ижобий алоқани йўлга қўйишлари керак, биринчи алоқа узоқ вақт ёдда қолади.

Жабрланувчиларнинг ишончига киришнинг муҳимлиги шундаки, улар жабрланувчи сифатида кўнгли нозик, гап кўтара олмайдиган бўлиб қолишади. Улар кучи йўқлиги ёки ҳамкорликни истамаслиги учун ҳам гапирмаслиги мумкин. Шунинг учун ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари уларга қуйидагиларни тушунтиришлари керак:

- ходим ўз вазифасини;
- у билан гаплашишдан кўзланган мақсадни;
- жабрланувчининг жиноятни фош этиш ва жиноятчини қўлга олиш учун хизмат қиладиган маълумотга эга эканлигини ва буни маълум қилиши ҳар икки томонга ҳам яхши бўлишини.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари одам савдосидан жабрланганлар билан муносабатда ҳурмат кўрсатишлари, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини поймол қилмай ишлашлари керак.

Жабрланувчилар ишончига кириш ва у билан ҳамкорлик қилиш узоқ вақт талаб қилиши мумкин. Кўпинча жабрланганлар берилган саволларга атрофлича жавоб бермайдилар. Фақат аниқлаштирувчи қўшимча саволларни бериш билан ходим тўлақонли маълумотга эга бўлиши мумкин. Жабрланувчининг ишончига кирмай туриб, ундан ҳаққоний жавоб кутиш тўғри эмас.

Одам савдоси жабрланувчилари билан ишлашнинг асосий вазифаларидан бири – уларга ўзига бўлган ишончни қайтариш. Уларда ўзларига бўлган ишонч сўндириб қўйилганини унутмаслик керак. Жабрланувчиларга шахсий ҳужжатларини қайтариш орқали

уларнинг ўзига бўлган ишончини қайтариш мумкин. Бу ҳаракат билан ходим, орган ходими сифатида, жабрланувчиларга ёрдам беришга тайёр эканлигини ифодалайди.

Жабрланувчилар ўзларини одам савдоси жиноятчиларининг таъсири ва назорати остида яшаётгандек ҳис қиладилар. Ходим уларнинг эркига тазйиқ ўтказмаслиги, савдоси жиноятчилари каби эркка қарши хатти-ҳаракатларни амалга оширмасликлари лозим.

Ўз ҳаёти йўлида тўғри қарор қабул қилиши учун жабрланувчиларга ҳуқуқий маълумот ва психологик ёрдам берилиши керак. Бу билан улар мустақил қарор қабул қилиш имкониятига эга бўладилар. Жабрланувчи қандай қарор қабул қилишидан қатъи назар унинг фикрига ҳурмат билан муносабатда бўлиш талаб этилади.

Жабрланувчиларга тазйиқ ўтказиш, уни бўлган воқеаларда айб-лаш ёки бошқа шунга ўхшаш ҳаракатларни амалга ошириш мумкин эмас. Аксинча, уларга нисбатан хайрихоҳ муносабатда бўлиш лозим. Бу жиноятни тўлиқ очиш, тергов ишини енгиллаштириш ҳамда бошқа бошланаётган жиноятларнинг ўз вақтида олдини олиш учун хизмат қилади.

Жабрланувчиларнинг ишончини қозонадиган, у билан тўғри муносабат ўрнатишга ёрдам берадиган суҳбат, кузатиш, маълумотларни тўплаш, фаолият натижаларини таҳлил қилиш каби усулларни билиши керак. Жабрланганлар билан мулоқотга киришишдан олдин уларнинг қониқтирилиши дарҳол талаб этиладиган эҳтиёжларини, диний ва маданий эътиқодини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Жабрланувчиларда қондирилиши зарур бўлган эҳтиёжлар қуйидагича бўлиши мумкин:

- тез тиббий ёрдамга муҳтожлик;
- шахсий хавфсизлик масалалари;
- руҳий жароҳатни даволаш учун психологик ёрдам ва ҳоказо.

Ички ишлар органлари ходимлари жабрланувчининг этник келиб чиқиши, диний эътиқоди ва жинсини ҳам ҳисобга олишлари муҳимдир. Масалан, кўп халқларда болалардан катталарга нисбатан ҳурмат сақлаш талаб этилади. Ҳатто бу унинг ҳаёт-мамонт масаласи билан боғлиқ бўлса ҳам. Кўп халқларда аёллар билан эркаклар муносабатлари муҳокама қилинмайди ва бу ҳақда оғиз очиш ҳам мумкин эмас. Сўров самарали бўлиши учун ва орада жинс билан

боғлиқ тушунмовчилик бўлмаслиги учун жабрланувчилар билан ўз жинсидагилар суҳбат олиб бориши мақсадга мувофиқ. Бу омиллар ҳисобга олиниши керак. Жабрланувчи билан ишлаш учун унинг тили, этник кадриятлари ҳамда психологик ҳолатини тушуна оладиган ходимни танлаш мақсадга мувофиқдир.

Агар ходимга одам савдоси билан шуғулланувчи шахснинг жинси маълум бўлса ва бу жабрланувчининг маданиятига зид бўлмаса, унда жабрланувчи билан қарама-қарши жинсдаги ходим иш олиб боргани маъқул. Масалан, одам савдоси билан шуғулланувчи шахс эркак киши бўлса ва у томонидан жабрланувчига нисбатан таҳдид ўтказилган ёки куч ишлатилган бўлса, унда жабрланувчи аёл ходим олдида ўзини биров энгил ҳис қилиши мумкин.

Жабрланувчи билан муносабатга киришишда у оғир жиноят жабрланувчиси эканликларини ҳисобга олиш зарур. Жабрланувчиларга эътибор ва ҳамдардлик кўрсатиш ўзаро тушуниш, ҳурмат ва ҳиссий яқинликни юзага келтиради. Бу ходимнинг иши самарали бўлишига ёрдам беради. Жабрланувчи билан бўлаётган суҳбат меъёрини ходим назорат қилиши зарур.

Содда, оддий фикрлар осонроқ қабул қилинади. Мулоқот давомида жабрланганларга нисбатан ҳақоратли сўзларни қўллашдан эҳтиёт бўлиш даркор. Мулоқот давомида унга босим ўтказиш мумкин эмас. Мулоқотда давомида қўллайдиган сўз ва ибораларни тўғри танлаш зарур.

Нотўғри танланган сўзлар, иборалар, овоз тони ёки кучи уларга ёмон таъсир қилиши ёки кўрқув солиши мумкин. Ходим жабрланувчи билан муносабатга киришганда қуйидаги омилларни инобатга олиши зарур:

- жабрланувчи билан хотиржам суҳбат олиб бориш, ақл ўргатишдан ўзини тийиш;
- жабрланувчини диққат билан тинглаш;
- улар учун унча аҳамиятли бўлмаган деталлар ходим учун муҳим бўлиши мумкинлигини унутмаслик;
- агар жабрланувчи ўз ҳаётини гапириб бермоқчи бўлса, унинг гапини бўлмай охиригача эшитиш;
- қўшимча ва аниқлаштирувчи саволларни у фикрини баён қилиб бўлганидан кейин бериш.

Жабрланувчи ходим билан мулоқотга киришишга қийналиши бир қатор сабабларга кўра юз бериш мумкин, масалан:

– улар одам савдоси билан шуғулланаётган шахслардан кўрқиши, агар бирор маълумот берсалар яқинлари, оила аъзолари ёки ўзларига зиён етказилишидан ҳайиқиши;

– содир бўлган воқеадан тушкунликка тушиб қолиши, қалбан жароҳатланиши ёки ўзини йўқотиб қўйиши;

– ҳолатидан оила аъзолари хабар топишидан уялиши;

– орган ходими унинг гапига ишонмаслиги ва сўнгги дамда ёрдам бера олмайди деб ҳисоблаши;

– шахсий ҳаётида содир бўлган воқеадан кейин уйга қайтиш мумкин эмас деб ҳисоблаши;

– баъзан эса одам савдоси билан шуғулланувчи шахс унинг ягона яшаб қолиш имкониятидек туюлиши ва ҳоказо.

Бундай ҳолатларда уларнинг ички ишлар органлари ходимлари билан ҳамкорлик қилишлари эҳтимолдан узоқ.

Жабрланувчилар билан мулоқот жараёнида турли ваъдалар беришдан тийилиш лозим. Улар билан сўзлашишда келгуси тақдирларини белгилаб берувчи хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ масалаларда очиқ гаплашиб олиш ва улар ўз тақдири ҳақида тўғри қарор қабул қила олиши учун имкон берадиган вариантларни кўриб чиқиш керак.

Одам савдоси жабрланувчилари билан ишлаш жараёнида тўғри психологик алоқа ўрнатишнинг афзалликларидан яна бири – улар гувоҳлигида жиноятни очиш, жиноятчиларни қўлга олишда фойдаланиш. Жабрланувчи муаммони ечишнинг асосий калити бўлиши ва жиноятчини тутишда катта ёрдам кўрсатиши мумкин. Мулоқотга киришганда уларнинг гувоҳлиги жиноятни очиш ва жиноятчиларни аниқлаш учун зарур манба эканлигини айтиш мақсадга мувофиқдир. Жабрланувчиларнинг ички ишлар органлари ходими билан самимий муносабатга киришишида биринчи учрашувда олган ижобий таассуротлари яхши сабаб бўлади.

Жабрланувчилар гувоҳлик бераётган вақтида улар билан содир бўлган салбий ҳолатни эслаш орқали худди шу вазиятга яна бир бор қайтадилар. Сухбат мобайнида ўша салбий кечинмалар кўпинча руҳий жароҳатни чуқурлаштириши мумкин.

Унутмаслик керакки, одам савдоси жабрланувчиларининг ҳаммаси ҳам гувоҳлик беришни истамаслиги мумкин. Бундай вазиятда ички ишлар органлари ходимлари жабрланувчиларга эътиборсиз ёки жабрланувчи эмас деб қарашлари тўғри бўлмайди.

Жабрланувчилар гувоҳлик бермасалар ҳам жуда айёрона ташкиллаштирилган жиноий хатти-ҳаракатларни очишга хизмат қилиши мумкин бўлган қимматли ахборот манбаи бўлиб қолаверадилар. Бу эса ходимлар учун далиллар тўплашда ёрдам вазифасини ўташи мумкин. Жабрланувчилар, гувоҳлик бериш-бермаслигидан қатъи назар, жиноий гуруҳнинг бошқа жиноятларини очишда жуда муҳим маълумотга эга бўлишлари мумкин.

Жабрланувчиларга ёрдам кўрсатишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари билан нодавлат ташкилотларнинг ҳамкорлиги жиноятчиликка қарши курашнинг асосий йўллари билан биридир. Бундай ташкилотлар жабрланувчиларга қисқа ва узоқ муддатли руҳий, тиббий ва ижтимоий ёрдам бериш билан уларнинг моддий-маънавий ҳолатларини яхшилашга кўмаклашадилар. Бундан ташқари, ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қиладилар ва келгусида амалга оширилиши керак бўлган ҳаракатлар тизимини яратишга ёрдам берадилар.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг вазифаси далил ва исботларни йиғиш ҳамда жиноятни очиш бўлса, бошқа ташкилотнинг вазифаси одам савдоси жабрланувчиларига турли кўринишда ёрдамни кўрсатиш, уларнинг қизиқишларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ҳамкорликни таъминлашда одам савдоси жабрланувчилари билан ишлашнинг мукамал йўналишларини ишлаб чиқиш керак. Ички ишлар органлари фаолияти ҳамда руҳий, ижтимоий-гуманитар ёрдам кўрсатиш фаолиятининг ваколатларини ажратиб олиш муҳим. Жабрланувчиларда ҳар икки ташкилот ва уларнинг бевосита вазифалари тўғрисида тасаввур бўлиши керак.

Бошқа ташкилот ходимлари профессионал ёрдам кўрсатиш малакасига эга бўлган кишилардир. Улар ўз йўналишига кўра психологик, эмоционал, тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиши, жабрланувчиларга ҳаёт тарзини шакллантиришда кўмак бериши лозим.

Жабрланувчилар билан ишлашда самара бериши мумкин бўлган бир қатор омиллар мавжуд. Булар:

- ✓ одам савдосидан жабрланганларни аниқлаш ва улар билан ишлашга эътибор қаратиш;
- ✓ ҳар қандай шароитларда улар билан мулоқотга кириш;
- ✓ жабрланувчиларнинг ишончини қозона олиш;

✓ жабрланувчиларга ёрдам берувчи бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик ва ҳоказо.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Жабрланувчи шахси ва унинг ўзига хос психологик хусусиятларини изоҳлаб беринг.

2. Ҳукукбузарликлардан жабрланувчи бўлишга мойилликни тақозо этувчи шахснинг хислатлари ва хулқи нималардан иборат?

3. Жабрланувчилар билан профилактик суҳбат ўтказишга тайёрланишнинг психологик жиҳатлари деганда нимани тушунасиз?

4. Жабрланувчи шахсга психологик тавсиф беринг.

5. Одам савдоси жиноятдан жабрланган шахсларнинг психологик хусусиятлари нималардан иборат?

6. Фирибгарлик жиноятдан жабрланган шахсларнинг психологик хусусиятларини тушунтириб беринг.

17-мавзу. МУТААССИБ ШАХСНИНГ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

1-§. Мутаассибликнинг турлари ва психологик тавсифи

Мутаассибликнинг ўзига хос жиҳатлари шунда намоён бўладики, ҳокимият, куч-қудрат, бойлик, назорат қилиш кабиларга бўлган қизиқиш бошқарувнинг энг самарали усули тариқасидаги «мутаассибликка умид боғлашга» олиб келади. Бу эса онгнинг мутаассибликка берилган турининг аниқ бир мақсадга йўналтирилган ҳолда шаклланиши ва қўллаб-қувватланишини тақозо этади. Сўнгги пайтларда фақат ўз қарашлари ҳақиқий, барча қолганларники эса ёлғон ёки хато деб даъво қилувчи кўплаб ёшлар пайдо бўлмоқда. Бундай хатти-ҳаракатлар мурасасизлик ва мутаассибликнинг намоён бўлишига хосдир.

Психология бўйича энциклопедияда мутаассибликка шундай таъриф берилган: мутаассиблик – одамнинг ўз фаолияти ва муомаласида намоён бўлувчи турли муқобилларни рад этиб, муайян фикрни ҳимоя қилишга интилишидир.

«Мутаассиблик» тушунчаси арабча сўздан олинган бўлиб, «бирон эътиқодга ёки дунёқарашга ўта берилганлик, бошқа ҳар

қандай қарашларга тоқат қила олмаслик»³⁰, деган маънони англатади. Мутаассиблик аввало субъектнинг оғишмайдиган ҳамда барча қолган муқобилларни рад қиладиган, унинг бутун фаолияти ва муомаласида ўз ифодасини топадиган муайян маслакка алоҳида хусусият бахш этиб, унга берилишидир³¹. Бу ҳар қандай бошқа қарашларга мурасимликда намоён бўлувчи бирор-бир маслак ёки нуқтаи назар билан сўнгги даражасига етказилган берилувчанликдир.

Шундай қилиб, мутаассиблик бирор нарсага қаттиқ берилишдир. Мутаассиб шахс доимо дунёқарашининг асосини ташкил қилувчи ҳамда ўзи учун ўта қимматли ва ҳаддан ташқари муҳим ғоялар таъсирида бўлади. Ана шу ғоялар унинг ҳаётига мазмун бағишлайди, унинг бошқа одамлар билан муомаласининг асосини ташкил қиладди. Бундай кишилар атрофдагилар билан мураса қилиш ва суҳбатга қуришга ноқобил бўладилар³². Бундай шахслар бошқача қарашларни билдирадиган кишиларга душман сифатида қарайдилар, уларга нисбатан ўз маслагига мос келадиган қурашнинг барча воситаларидан фойдаланадилар. Ўта мутаассиб одам эҳтимол тугилаётган оқибатга эътибор қилмайди, олдида қўйилган мақсадга мувофиқ ўз концепциясини амалга оширади.

Мутаассиблик доимо ушбу ўз ғоялари, қарашлари ва фикрлари учун ўзини қурбон қилишга тайёр туриш билан боғлиқдир.

Мутаассиб инсонга ҳиссий ҳодиса сифатида керагидан ортиқ саъй-ҳаракат, ғайрат, ўз (ҳаммадан кўпроқ экстремал, диний ёки сиёсий) қарашларининг тўғрилигига кўр-кўрона ишонч хосдир.

Психологик мутаассиблик кўпинча ғоявий радикализм (лотинча «radix» – туб, илдиз деган сўздан олинган бўлиб, мавжуд ижтимоий ва сиёсий институтларни тубдан ўзгартиришга қаратилган ижтимоий-сиёсий ғоялар ва хатти-ҳаракатлар тариқасида таърифланади) ва экстремизм (французча «extremisme» ва лотинча «extremis» сўзларидан олинган бўлиб, охириги, сиёсат ва мафкурага энг сўнгги қарашлар ва хатти-ҳаракатлар билан берилганлик)га таянади ва одатда, реал терроризм – ўзлари қўшилган мафқуран

³⁰ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Б. 874. // www.ziyouz.com кутубхонаси.

³¹ *Ольшанский Д. В.* Психология терроризма. – М., 2002.

³² *Короленко Ц. П., Дмитриева Н. В.* Социодинамическая психатрия. – М., 2002.

кенг ёйиш учун содир этиладиган зўравонлик ҳаракатларига замин бўлади³³. Бу ҳар қандай мутаассиб террорчи дегани эмас, бироқ аксарият террорчилар ўта кетган мутаассиблардир.

Фақат ўзининг қарашларига берилганлик, одатда, мутаассибларда барча бошқача фикрловчиларга мурасасизлик, «беҳабарлар» учун тушунарсиз ва етиб бўлмайдиган, бироқ мутаассиблар учун ўта қимматли бўлган қандайдир мақсадларга эришишга тўсқинлик қилувчи мавжуд юридик ва ахлоқ нормаларига ниҳоятда беписанд қараш билан қўшилиб кетади. Айнан ўз қарашларини шахсий ҳаёти эвазига тасдиқлаш энг кўп тарқалган мутаассиблик туридир.

Юқорида келтирилган таърифлардан яққол кўриниб турибдики, мутаассиблик – қарашлардаги бирёқламаликнинг намоён бўлишидир.

Мутаассиблик ранг-баранг шакллар ва турли кўринишларда жамият ва одамларнинг барча соҳалардаги ҳаётини фаолиятида намоён бўлади.

Мутаассибликнинг ягона таснифи йўқ. Мавжуд таснифларда ҳам тизимлаштиришнинг турли принципларидан фойдаланилади ҳамда уларнинг ҳар бири тадқиқотнинг мақсадига қараб қўлланилади. Мутаассибликка қуйидаги аломатлар хос:

□ мазмунига кўра: *диний мутаассиблик* (баъзан диний фундаментализмнинг энг экстремал шакли сифатида қаралади); *сиёсий, мафкуравий мутаассиблик*; *этник, миллий, ирқий мутаассиблик* (миллий, ирқий устунликнинг бошқа миллат ёки ирқ вакилларига нисбатан очикдан-очик нафрат кўринишида намоён бўлиши) ва бошқ.;

□ ғояни эгаллаш даражасига кўра: *кескин ва мўътадил мутаассиблик*. Кескин мутаассибликда инсон фаолиятининг барча соҳаларида: мулоқотида; шахсий қизиқишларида; қониқиш ҳосил қилиш усулларида; бўш вақтини ўтказиш усулларида намоён бўладиган ғоянинг шахсини тўлиқ эгаллаб олади. Мўътадил мутаассибликда дастлабки установкага қарамасдан, инсон ушбу концепциядан ташқарида яқинлари ва дўстлари билан муносабатларда ўзини бошқача намоён қилиши, муайян фаолият соҳасидан ташқарида бўлганда мутаассиб сифатида ҳаракат қилмаслиги мумкин;

□ жалб қилиниш даражасига кўра: *оммавий ва индивидуал (якка тартибдаги) мутаассиблик*. Индивидуал мутаассиблик одатда ўз

³³ Ўша манба.

ички дунёсига қаратилган, бировга кўшилишга эҳтиёж сезмайдиган «ювош» мутаассиблар маслаги. Оммавий мутаассиблик деганда, бирор ғояга бутун вужуди билан берилган кишилар гуруҳи (кўпинча сиёсий, диний мутаассиблар ёки спорт ишқибозлари) тушунилади;

□ мотивация хусусиятига кўра: *ғоявий, экспансив* (тез қизишиб кетадиган), «*кучга асосланган*» мутаассиблар (бутун ҳаёти давомида бошқа бераҳм ва шафқатсиз кишиларни, ҳеч бўлмаса, вақтинча жалб қилиш ва ортидан эргаштиришга қодир бўлган кўр-кўрона ишончга асосланган ғоя учун бутун вужуди билан курашади); *ўзининг шахсий қизиқишларига эга мутаассиблар*; ўз ғояси ва қизиқишларига эга бўлмаган *ноаниқ (мужмал) мутаассиблар* (қоида тариқасида, улар гуруҳларда иштирок этадилар); *конформ, тобе мутаассиблар*; *аралаш турдаги мутаассиблар*;

□ шахс нуқтаи назари (позицияси) бўйича: *эссенциал* – дастлабки, классик, таркибий тузилишга эга (бундай кишилар озчиликни ташкил қилади, уларнинг бир қисми харизмага эга ва кишиларга кучли таъсир кўрсатади. Уларнинг фаолияти, қоида тариқасида, афсоналарга буркалган. Улар раҳнамонинг катъий устун турган позициясини эгаллаган, устун турган ғояни амалга ошириш учун ҳар нарсани ва ҳаммани (жумладан, ўз ҳис-туйғулари, қизиқишлари, оиласини) қурбон қилишга тайёрдир.

Соддалаштирилган ҳолда мутаассибликни диний, ғоявий, сиёсий ва ватанпарварлик руҳидаги мутаассибликка ажратиш қабул қилинган.

Диний мутаассиблик тарихан мутаассибликнинг дастлабки шакли сифатида унинг бошқа турлари орасида ўзига хос ўрин тўтади. У яширин равишда ҳар қандай дин таркибида бўлади, муайян тарихий шароитларда ривожланиши ва ўзининг ижтимоий-сиёсий мақсадларига эришиш воситаси сифатида турли диний ва сиёсий гуруҳлар томонидан қўлланилиши мумкин. Аслида, диний мутаассиблик – диний дунёқарашнинг ўзига хос талқини ва диний идрок қилишнинг алоҳида усули. Диний мутаассибликнинг юқори даражадаги хавфлилиги шундан иборатки, у диндорлар онги ва хулқ-атворини манипуляция қилиш омили сифатида қўлланилиши мумкин.

Бу диний фаолият чуқур кириб бориш, ҳаммаслақлар гуруҳига сиғиниш ва тобе бўлиш билан унга берилиб кетишнинг энг охирги даражасидир. Диний мутаассиблик, одатда, Худо учун қилинган

курбонликнинг муқаддаслигига асосланади. Унинг психологик асоси – ишонч. Психологик ишонч ҳар доим эътиқод, ишонтириш ва тақлид қилишга тайёрликни назарда тўтади. Айни пайтда, ишонч ҳам ишонтириш, эътиқод ва тақлид қилишнинг натижасидир. Ишонч туйғуси, худди ҳар қандай эмоцияга хос бўлгани каби, «циркуляр реакция» ва «эмоционал парвоз» таъсирига берилади³⁴. Ишонч диндорлар оммасини осонгина ташкил қилади. Аксинча, ишонч омма ичида, кўпинча, бошқариб бўлмайдиган аффект даражасига чиқиб ва диний жазава шаклига кириб, осон тарқалади ва мустаҳкамланади³⁵.

Э.Дюркгейм таъкидлаганидек, «қачонки у ёки бу даражадаги кучли қўзғалиш одамлар гуруҳи ўртасида бўлар экан, у, шубҳасиз, диний хусусият касб этади».

Одатда, мутаассибларга *паранойял* (тафаккур жараёни бузилишининг кўриниши бўлиб, нерв системасининг шикастланиши натижасида юзага келади ва шахснинг тасаввурида яширин душманлар пайдо бўлади ва улар билан доимий равишда кураш кечадиган хулқ-атвор) ва *нарцисстик* (нарцисстик ахлоқ – шахсий буюклик туйғуси ва ўзининг аҳамиятлилигига ташқаридан тасдиқлашларига юқори эҳтиёж билан бошқариладиган ахлоқ, ўзига нисбатан кучли севги туйғуси) хусусиятлари билан фарқланиб турувчи харизматик шахслар, баъзан эса *эпилептиклар* (юнонча тутаман, тутқанок, қуёнчик – бош миянинг сурункали касаллиги, кўпинча тиришиш, ҳушдан кетиш, бемор шахсининг ўзгариши, айрим ҳолларда ақлий қобилиятнинг сусайиб бориши билан кечади (феъл-атвор ўзгарувчан, сержахл, гинахон бўлиб қолади ва ҳ.к.) раҳнамолик қилади. Хусусан, Наполеон инсониятдан нафратланиб, шундай деган эди: «Менга ўхшаган одам миллионлаб кишиларнинг ҳаётига тупуради!», Гитлер эса ўзи ҳақида қуйидагича фикр билдирган: «Биз талаб қилаётган нарса шунчалик ноодатий ва шунчалик кучлики, фақат мутаассибнинг қалби ва табиатигина бунга жалб қилинишини ҳис этиши мумкин».

П. Б. Ганнушкин шахватпарастлик, тажовузкорлик ва диний ҳиссиётларнинг боғлиқлигини биринчилардан бўлиб кўрсатиб,

³⁴ А.Назаретяннинг фикрича, «циркуляр реакция – бу ўзаро юқтириш, яъни эмоционал ҳолатни организмлар ўртасидаги алоқанинг психофизиологик даражасига ўтказишдир».

³⁵ Ольшеванский Д. В. Психология терроризма. – М., 2002. – С.48.

диний мутаассибнинг ибодат қилиш пайтидаги кўтаринки руҳи ва жавабаси худди сиёсий митинг, рок-концерт ёки спорт мусобақаси пайтидаги каби, унда барча келиб чиқадиган оқибатлар билан биргаликда, ички наркотик – эндорфиннинг отилиб чиқишига сабаб бўлади. Мутаассиблар ўз «Мени»дан чиқиб, ҳаммаслақлари гуруҳига сингиб кетиб, ўзларини хавфсиз деб ҳис қиладиган «Биз»га ўтишга интиладилар. Дунё улар учун «бизникилар (биродарлар)» ва «душманлар», диндорлар ва динсизларга бўлинади.

Ғоявий мутаассиблик ғоянинг ғалабаси учун ўзини қурбон қилишга тайёрликка асосланади³⁶. Ер думалоқ деган ғоядан воз кечмасдан худди шундай мутаассиб бўлган инквизиция гулханида ёнган Жордано Бруно ғоявий мутаассиб бўлган. Ғоялар турли хил бўлиши мумкин, бироқ мутаассиблик психологик жиҳатдан ҳар доим яғонадир.

Профессор Ольшанскийнинг фикрича, ижтимоий утопиянинг (фантастик) аксарият муаллифлари – Т. Мордан Ш. Фурьегача мутаассиб бўлишган. Шак-шубҳасиз, радикализм, экстремизм ва террорчилик усулларида фойдаланиш тарафдори бўлган Л.Д.Троцкий ҳам мутаассиб бўлган. Лотин Америкасининг таниқли инқилобчиси Э.Че Ге-вара ҳам худди шундай мутаассиб бўлган. У Куба инқилобида кўп жиҳатдан Л.Д.Троцкийга жуда ҳам ўхшаб кетадиган ўринни эгаллаган.

Шунга эътибор қаратиш керакки, мутаассиблар, одатда, ўзларига ихлос қўйишларини, уларнинг ортидан боришларини яхши кўришади. Чунки улар, энг аввало, ўз ҳаёт фаолиятида манфатпараст одамлардек фикр-мулоҳаза юритмайдилар, бу эса ҳар доим одамларни ўзига жалб қилади.

Сиёсий мутаассиблик сиёсий тизим, тартиб, ҳокимият белгилаб берган ўз сиёсий мақсад ва қарашларининг устунлигини ҳимоя қилади ва улар учун (масалан, «Буюк Германия» учун ёки совет ҳокимияти учун, «демократиянинг ғалабаси» учун ва ш.к.) қурбонлик талаб қилади. Сиёсий мутаассиблик ва у билан боғлиқ бўлган терроризмнинг ҳокимият учун ва аксинча, ҳокимиятни сақлаб қолиш учун ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида олиб борган курашларидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Психологик манбаларда кўрсатилишича, сиёсий мутаассибликда ҳар доим ҳокимиятга орзумандлик, ҳокимиятга қизиқиш, қандай

³⁶ *Ольшанский Д. В.* Кўрсатилган асар. – Б.49.

қилиб бўлмасин ҳокимиятни эгаллаш ва одамларни бўйсундиришга интилиш яшириниб ётади. Шунинг учун ҳам энг кўзга кўринган мутаассиб сиёсатчилар ҳар доим у ёки бу даражада террорчилик усуллариغا мурожаат қилганлар ва пировард натижада жуда кўп ҳолларда ўзлари террор қурбонига айланганлар³⁷.

Ватанпарварлик (миллатчилик) руҳидаги мутаассиблик, ватанпарварлик ва миллий ғурурнинг охириги даражаси сифатида, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан, одатда, шовинизмда ўз аксини топади. Бу тушунча французча миллатчиликнинг сўнгги шакли, миллий устунликни тарғиб қилиш, бир миллат манфаатларининг бошқа барча миллатлар манфаатларига қарши қўйилиши, миллий «мағрурлик»ни кенг тарқатиш, миллий адоват ва нафратни аланга олдириш; ҳарбий кучларга умид боғлаб, керагидан ортик нодонликкача борадиган ватанпарварликни англатувчи *chauvinisme* сўзидан келиб чиққан.

Шовинизм³⁸ (франц. *Chauvinisme* – Наполеон I босқинчилик сиёсатининг мухлиси француз аскарлари Н.Шовен номидан)– миллатчиликнинг ўта агрессив шакли. Ўзга миллатларни камситиш, таҳқирлаш, ўз миллатини бошқа миллатдан устун қўйиш, миллий калондимоғлик, миллий худбинлик иллатларини ўзида мужассам этади. Шовинистлар ғоявий-назарий жиҳатдан миллий манфаат ва устуворликка хизмат қилиб, ўз ғояларини тазйиқ ва зўравонлик орқали амалга оширади. «Шовинизм» термини XIX асрнинг 30-йиллари Францияда пайдо бўлди. Кейинчалик бу сўз миллий экстремизмнинг турли кўринишларини ифодалашда қўлланила бошлади. Шовинизм бирор бошқа миллатнинг тарихий тараққиёт ютуқлари, инсоният цивилизациясига қўшган ҳиссаси, жаҳон тарихидаги ўрни, миллий, маънавий ва маданий қадриятларини поймол қилишга ҳаракат қилиб, айрим жиҳатлари билан нацизм ва фашизмга ҳам ўхшаб кетади. Шовинизм кўп миллатли давлатда кўпинча бир миллатнинг устуворлигига, чексиз имтиёзларга эга бўлишига олиб келади. Баъзан эса муайян давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий манфаатларини миллий манфаатлар ниқоби остида намоён этиб, ўзга давлатга тазйиқ ўтказиши ҳам мумкин. Бу ҳол буюк давлатчилик шовинизми сифатида таърифланади.

³⁷ Ўша жойда.

³⁸ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. – Б. 178. // www.ziyouz.com кутубхонаси.

Шовинизм XX асрда дунёнинг турли давлатлари ва минтақаларида ўзининг мудҳиш мақсадларини амалга оширди.

XX аср бошларида «шовинизм» атамаси бирор миллат ёки давлатнинг ҳарбий устунлик ғоясига ҳаддан ташқари берилганлигини ифодалаш учун қўлланила бошланди. Ҳозирги замон сиёсатида «шовинизм» тушунчаси, энг аввало, мутаассибона ультрамиллатчиликни англатиш учун қўлланилади. Шовинизм бонапартизм, фашизм, ирқчилик каби террорчилик оқимларининг одатдаги таркибий қисмидир. Фақат «буюк» миллий муваффақиятлар ва вазифаларга берилишни бўрттириб кўрсатиш билан шовинизм ҳар доим, ҳақиқий оламнинг ҳар қандай радикал, ҳаддан ташқари экстремал, очикдан-очик мутаассибона кўринишлари каби, яққол бузғунчи роль ўйнайди.

Мутаассибликнинг ижтимоий психологиясини кўриб чиқишни тугатар эканмиз, айрим хулосаларни илгари сурамиз. Мутаассиблик – психиканинг ўзига хос ҳолати. Энг аввало, у инсон онгининг тораёйиши, «моноидеизми» билан белгиланади. Қандайдир бир ғоянинг фавқулодда тўғрилигига чуқур ишонган мутаассиб ушбу ғоя учун ўзини бутунлай қурбон қилишга тайёр туради. Муҳими, у бунда ҳеч қандай алоҳида «жасорат»ни кўрмайди, унинг учун бутун ҳаёти давомида фақат битта ғояга бўйсунуш нормал ҳаётий жараён ҳисобланади. Ташқи жиҳатдан, мутаассибнинг хулқ-атвори ҳар доим кўзгалувчан бўлади.

2-§. Мутаассиб шахси психологияси

Нега инсон мутаассиб бўлиб қолади, қандай мотивлар уни ўз ғояси учун мутаассибларча курашишга ундайди? Бу саволларга жавобни инсон психологиясидан излаш лозим. Мутаассибликни келтириб чиқарувчи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа кўплаб сабаблар мавжуд. Уларнинг ўзгариши, муайян омиллар, психологик механизмлар, шахсда мойилликнинг мавжудлиги, пировардида, инсонни мутаассиблар сафига олиб келади.

Профессор Ольшанскийнинг фикрича, мутаассиблик – гуруҳий ва оммавий психологиянинг ўзига хос ноёб ҳодисаси. Ўзаро эътироф этишда бир-бирини қўллаб-қувватлаб турадиган мутаассиблар учун кучли эмоционаллик, ўз қарашларини тасдиқловчи ҳар қандай ахборотга кўр-кўрона ишониш ва аксинча,

ҳатто хайрихоҳлик руҳидаги ва амалий бўлса-да, танқидни қабул қилмаслик хосдир.

Мутаассиб дунёни ўз қарашлари ва эътиқоди орқали идрок қилади. Ўзининг кескин қарашлари ва эътиқодига мос келмайдиган ҳеч бир нарсани қабул қилмайди.

Г.В.Старшенбаумнинг таъкидлашича, ўз ҳаёти учун масъулиятни зиммасига олишга қодир бўлмаган ва фақат кучли раҳнамо бошқарадиган гуруҳдагина ўзини дадил ҳис қиладиган тобе шахслар диний мутаассиблар гуруҳи аъзоларига айланадилар. Улар ўзлигини қанчалик кўп йўқотсалар, қудратли кучни ҳис қилиш учун раҳнамо ва гуруҳ билан ўзини идентификация қилиш (бирдай бўлиш)га шунчалик кучли эҳтиёж сезадилар.

Н.Ининининг фикрича, мутаассиб – ҳар доим «инфантил (организмнинг етилмай қолиши, катта одамларда ёш болаларга хос жисмоний ва руҳий ҳолатларнинг сақланиши), ғўр, ўзини ва ўзининг асл мотивларини яхши англамаган одамни келтириб чиқарадиган» тизимлар ва оммавий маданиятнинг меваси. Унинг мотивлари эса бири-бирига қарама-қарши: бир томондан, бу муайян йўл-йўриққа муҳтожлик (нимага ишониш, нима учун курашиш, нимани гапириш, нима ҳақида ўйлаш); бошқа томондан эса, ўзини мустақил, эркин, кучли ҳис қилиш истаги. Бундан инсоннинг ўзи ҳам англаб етолмайдиган шахснинг ўзига хос ички зиддиятлари яққол кўриниб туради. Бу икки тарафламалик уни турли хил таъсирларга мослаштиради ва мойил қилади. Мутаассиб оламининг англаб бўлмас қаърида кўрқув, ишончсизлик, хавотирлик яшайди. Бу эса уни ўзини у билан бир хил деб ўйлайдиган ҳамда шу йўл билан ўзини кучли ва ҳақ деб биладиган кучли ғоя ёки раҳнамо томонга ундайди. Айнан ушбу заминда бошқаларга нисбатан зўравонлик ғояси илдиз отади.

Мутаассибнинг яна бир муҳим белгиси чуқур эгоцентризмдир. Н.Инина нима учун мутаассиб билан суҳбат олиб бориш, қатъий фикр-мулоҳазалардан келиб чиққанда, имконсиз эканлигини шундай изоҳлайди: «Суҳбат турли фикр-мулоҳазаларнинг тўқнаш келишини назарда тўтади. Мутаассиб оламида бошқа инсон шахси, бошқа фикр-мулоҳаза, қарашлар, яшаш усулига ўрин йўқ. Бундай эгоцентрик, инфантиль хусусият ҳар қандай етук соғлом шахсга хос бўлган рефлексиянинг мавжуд эмаслигини англатади».

М.Вершинининг «Деструктив ва террорчилик (радикал) гуруҳлари аъзоларининг психологик хусусиятлари» номли асарида

мутаассибликка мойил шахсларнинг характеридаги қуйидаги ижтимоий хусусиятлар келтириб ўтилади: (фақат баъзиларгина тушуна оладиган муайян билимларни эгаллашдан олдинги ўзига хос тайёргарлик) истероидлар, паранойял кайфиятдаги шахслар, психоастениклар, тобе шахслар, нотўлиқ оила ва ғайриижтимоий оиладан чиққан шахслар, жисмоний имкониятлари чекланган шахслар, оғир рухий зарбани бошидан кечирган шахслар, эйдетик идрок қилиш (ўнгидаги галлюцинация) ривожланган, диний эътиқоддаги шахслар, террорчиларнинг болалари, набиралари ва қариндошлари.

Шахс қанчалик кичик ёшда бўлса, у шунчалик ташқи таъсирларга берилувчан бўлади, диний эътиқоддаги шахсларнинг фикрларини тўғри, эътирозсиз қабул қилади. Ёш ўсмир пубертат (эрта жинсий етилиш) даврида кичик гуруҳдаги ҳиссий мулоқотга нисбатан адаптациянинг (мослашув) фаол йўналтирилганлиги билан тавсифланади. Мазкур ёшда диний эътиқоддаги шахсларга даҳо сифатида сиғиниш, уларнинг фикрларини чуқур ҳис қилиш ва хатти-ҳаракатларига тақлид қилиш анча юқори бўлади.

Бу ёш даврида ўспирин жамиятда ўзини кўрсатишга, бошқаларнинг уни тан олишига ҳақиқий ташналик ва «Мен» образини шакллантиришга жуда кучли мотивация юзага келади, бироқ бунинг учун реал имконияти етмайди, шунинг учун ҳам бу ёшдаги ўспиринни ўзидан кучли ва маълумотли бўлган ҳомий қўллаб-қувватлаши керак бўлади. Шу сабабли ушбу ёшдаги ўспиринларни мутаассиблик домига тортиш осон кечади. Бундан ташқари, диний гуруҳларда «онгни назорат қилиш» деб аталадиган усулдан фойдаланилади.

Роберт Лифтоннинг фикрича, гуруҳ аъзоларининг онгини назорат қилиш қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади:

Муҳит назорати – танланган номзоднинг ҳаёт тарзи ва гуруҳдаги шахслараро муносабатини назорат қилиш. Бунга нафақат кишиларнинг бир-бири билан мулоқот қилиши, балки қарор қабул қилиш чоғида аста-сёкин белгиловчи омилга айланадиган инсон онгига гуруҳий тасаввурларнинг сингиши ҳам киради.

Мистик манипуляция – «тасодиф» ва «ғайритабиий» ҳодисаларни режалаштиришнинг махсус технологияси. Энг юксак мақсадлар учун барчани манипуляция қилади.

Покликни талаб қилиш – танланган шахсда айбдорлик ҳиссини яратишга ёрдам берадиган хулқ-атворнинг бажариб бўлмайдиган

стандартларини ўрнатиш. Инсон қанчалик ҳаракат қилиши, қандай куч сарфлашига қарамай, у ҳар доим муваффақиятсизликка учрайди, ўзини ярамас, бўлмағур деб ҳис қилади ва янада кўпроқ тиришқоқлик билан ишлайди.

Тавба қилиш (эътиқод)дан – гуруҳ қоидаларига тўғри келмайдиган ҳар қандай фикр, ҳис-туйғу ёки хатти-ҳаракатни назорат қилиш ва гуруҳ қоидаларига мос келувчи ғояларни тан олдириш мақсадида фойдаланилади.

Муқаддас илм – гуруҳий ақиданинг мутлақ илмий ва ахлоқий ҳақиқат эканига ишонч, у қандай бўлмасин, бирор-бир масала ёки муқобил нуқтаи назар учун ўрин қолдирмайди.

Гуруҳ ичидаги тил – гуруҳ ичидаги шахслараро ўзаро муносабатларда мустақил танқидий тафаккурни бартараф қиладиган мутлақ, оқ-қора формулалар билан чеклаш мақсадида, иборалар ва бир қолипдаги сўзлардан фойдаланиш.

Мутаассиблик таълимотининг тўғрилиги – шахсинг онги, дунёқараш ва ҳаётий тажрибасига қарши ўлароқ, гуруҳий ақиданинг мутлақ тўғрилигига ишонч ва эътиқодини мустаҳкамлаш.

Ҳаётнинг бўлиниши – гуруҳ аъзоларининг яшаш ҳуқуқига эгаллигига, ҳар қандай танқид, муртадлар ва ғайридинлар эса бўлмаслигига ишонч. Гуруҳ мақсадларига эришиш учун ҳар қандай восита тўғридир.

Бундай хатти-ҳаракатлар таъсири остида нормал шахс ўрнини гуруҳ манфаатларига тўлиқ бўйсунадиган аддиктив (тобе) шахс эгаллайди. С. Хассен тобе шахс қандай қилиб ўзининг илгариги мақсадларидан воз кечиши, муҳим муносабатларни узиб ташлаши, гуруҳга ўз вақти ва маблағининг барчасини бериши, унинг учун сув тёкинга ишлаб беришини батафсил баён этади. У яхши овқатланмайди, кам ухлайди, касаллик аломатларини эътиборга олмайди, тиббий ва психологик ёрдамни рад қилади, врачларнинг маслаҳатларига эътибор қилмайди. Унинг кийими, соч турмаги, вазни, овқатланиш тартиби ўзгаради; унда гиёҳванднинг жонсиз, жиддий қарашлари пайдо бўлади, сўз қурилиши, нутқи, мимикаси ва ҳаракат (муомала) тарзи ўзгаради, юмор ҳисси камаяди. У экстрове́ртдан интровертга айланиши ва аксинча бўлиши мумкин. Таҳлилий мушоҳада юритиш сеҳрли мушоҳада юритишга ўтади. Дангаса меҳнатсеварга, масъулиятсиз масъулиятлига, исқирт озодага, паришонхотир жуда аниқ, пухта одамга айланади. Илгариги қизиқиш ва хоббилар йўқолади,

виждонлилик ва поклик ҳақидаги тасаввурлари ўзгаради. Хулқ-атвори яширин, мужмал ёки муҳофазакор, оила аъзоларига нисбатан муносабатлари эса қораловчи, айбситувчи кўринишга ўтади. У мутаассибларча ўз динига бошқаларнинг эътиборини қаратишга интилади, «бағишланганлар учун» жаргонидан фойдаланади, ёд олган постулатларини (исботсиз ҳам қабул қилинаверадиган дастлабки қоида, фараз) механик равишда бир хилда такрорлайди. Оиласи ва дўстлари худди қутқаришга, халос бўлишга эҳтиёж сезаётгандек, унинг ваъзлари объектига айланади. У шахсий эҳтиёжлари ва гуруҳ учун пул олиш мақсадида босим ўтказади. Оила ва дўстлари билан алоқалари йўқолади, у кучоқлашиш ва ўпишишдан ўзини олиб қочади, ўз қобиғига ўралиб олади, оилавий тадбирларда иштирок этмайди, кўп вақтини гуруҳ билан ўтказади, гуруҳнинг бошқа аъзолариникига яшаш учун кўчиб ўтади. Сиёсий ва диний эътиқоди ўзгаради, талабалар таълимнинг кечки шаклига ўтадилар, ихтисослигини ўзгартирадилар ёки ўқишни тўхтатадилар.

Умуман олганда, мутаассибликка мойиллар – турли хил манипуляция, гипнозга осонгина берилувчан шахслар бўлиб, кўпинча уларда оқиллик етишмайдиган ишонувчан, самимий, раҳмдил, ижобий субъектлардир. Назарий жиҳатдан қараганда, ҳар қандай шахс мутаассиб бўлиши мумкин, чунки ҳар бир индивидга муваффақиятли таъсир кўрсатишга қодир бўлган психотехника мавжуддир.

Мутаассибларнинг асосий кучи уларга ўзлари керак деб ҳисоблаган нарсаларни иккиланмасдан ўтказишга ёрдам берадиган енгилмас иродасидир. Улар эътиқод овозини эшитмайдилар, уларнинг мураккаб бўлмаган ҳаёти тўлалигича динга хизмат қилишдан иборатдир, қаршилиқ кўрсатиш ва таъқиб қилиш эса уларни фақатгина тоблайди. Мутаассибнинг ҳаёт йўли унинг ички моҳияти билан белгиланади: у воқелик билан тўқнашмасдан камдан-кам ҳолларда айланиб ўтадиган кураш одамидир.

3-§. Мутаассибликнинг шаклланишига сабаб бўлувчи психологик омиллар

Мутаассибликнинг вужудга келиш сабаблари турли хил бўлиши мумкин. Масалан: сиёсий (давлат ёки халқни бошқаришга ёрдам тариқасида); психологик (ҳақиқий оламдан чёкиниш ёки ўз

«Мен»ини топиш воситаси тариқасида); диний (айрим диний нормалар ёки динда буюрилган нарсалар, дин амрини нотўғри тушуниш муносабати билан диндорларга ортиқча талаблар тариқасида); ижтимоий (ижтимоий қарама-қаршилиқлар, айнан салбий хусусиятга эга, айниқса, ҳозирги даврдаги зиддиятларни бартараф этиш тариқасида).

Мутаассибликнинг шаклланишига ёрдам берувчи омиллар сирасига қуйидагилар киради:

□ болаликдаги тарбия (авторитар, эзувчи, шубҳали, тотал (умумий) назорат қилувчи, «оила кумири» типи бўйича, ҳамма нарсага рухсат этилган ва бошқ.);

□ шахснинг ўзига хос хусусиятлари (ўзига паст баҳо бериш, ўзини кўрсатишда устун турувчи мотивлар (шахснинг ўзлиги, ҳаётий позицияси, нуқтаи назари ва ғоялари) ва ўзини идеаллаштириш, рефлексия, таҳлил қилиш ва фантазияга нисбатан чегараланган қобилият, психологик ҳимоянинг устувор невротик механизмлари);

□ кескин вазиятларда хулқ-атворнинг аутодеструктив (вайрон қилувчи, емирувчи ва ўзига қаратилган) стратегияси;

□ шахснинг бузилиши: тобе, хавотирли, нарцисстик.

Жамиятда мутаассибликнинг ва мутаассибона онгнинг шаклланиш механизмлари сирасига, энг аввало, мафкуралаштириш ва ақидапарастлик киради. Мутаассибона онг шаклланишининг асосий хусусиятлари ва механизмлари ақидапарастлик, конформлик, мурасасизлик ҳисобланади. Ақидапарастлик – субъект томонидан ҳақиқий деб топилган қоидалар (ғоялар, қарашлар)нинг ақидага айланиш жараёни; ақидага айлантирилган онг руҳий-маънавий қаттиқлик, барқарорлик, мурасасозликка бегоналик ва трансформация қилинмаслик (ўзгармаслик), ташқи таъсирнинг ҳар қандай уринишларини тажовузкорона қабул қилишдан иборат. Мутаассибнинг онги моҳиятан ақидаларга асосланган, чунки объект уни Олий Ҳақиқат, Олий Қадрият, Олий Мавжудот ва шу қабилар деб тан олади ва бу масалада ҳеч қандай шубҳага бормади. Конформизм ва конформ хулқ-атвор – ижтимоий хатти-ҳаракатлар, мослашувчанлик, меъёрий ҳужжатлар, тегишли тартиб, фикр-мулоҳазаларни пассив қабул қилиш, ўз нуқтаи назарининг мавжуд бўлмаслиги, кучли босимга эга бўлган ҳар қандай нусха, стереотипга принципсизларча ва танқиддан холи эргашиш. Конформчи

мутаассиблар муҳитига тушиб қолиб, мутаассибга айланади, чунки у ерда психик «юқтириш» самараси жуда юқоридир. Шу билан бирга, у фақатгина мутаассибона хулқ-атворни қайта тиклаши мумкин, чунки бор-йўғи янги вазиятга мослашади. Бу шундан далолат берадики, ақидапарастликдан фарқли ўлароқ, конформизм мутаассибликни «тарқатувчи» ҳисобланади.

Мурасасизлик тадқиқотчилар томонидан мутаассибликнинг асосий аломатларидан бири деб топилган. А.А.Любишевнинг фикрича, бирор-бир қарашни фақатгина унинг ўз қарашларига зид бўлгани учун қатъиян рад қилувчи ҳар қандай одам мурасасиз ҳисобланади. Мутаассибона онг ақидапарастлик билан бевосита боғлиқ бўлган мурасасизликдан холи бўлиши мумкин эмас, чунки ўзининг ва фақат ўзининг ғоялари (фикр-мулоҳазалари, қарашлари)ни тан олиш бегоналарникини фаол равишда қабул қилмасликка олиб келади.

Шу билан бирга, бу мутаассибона онгнинг бир-биридан жуда ҳам фарқланиб турадиган томонларидир, агар ақидалаштириш мутаассиблик шаклланишининг ўзига хос ақл-идроқка асосланган механизми ҳисобланса, мурасасизлик эмоционал механизмдир.

Мутаассибликнинг ривожланиши ҳақида сўз кетар экан, шахс тарбияси ва характери, ижтимоий мавқеи ва жамият билан ижтимоий алоқа даражаси, жамиятнинг тарихий-сиёсий тарзи ва индивиднинг ахлоқий-психологик хусусиятлари катта аҳамият касб этади. Яъни, маълумотли, етук, ўз нуқтаи назарига эга, ижтимоий жамиятда ўз ўрнини топган, касбий ва шахсий жиҳатдан муваффақиятга эришган шахс, қоида тариқасида, турли кўринишдаги таъсирларга етарли даражада барқарордир. Бироқ, Т.Лири, М.Стюарт ва бошқалар («Деструктив культларда онгнинг ўзгариш технологиялари»)нинг фикрича, инсонни психологик қайта ишловга дучор қилиш ва деструктив гуруҳларга тортишнинг кўплаб усуллари мавжуд.

Бу гуруҳлар мақсадли равишда зиёли, қобилиятли, иқтидорли ва муваффақият қозонган кишиларни қидириб топадилар (тўғрироғи, ушлаб (тутиб) оладилар). Мурोजаат қилишнинг муваффақиятига доктрина ёки ташкилот эмас, балки унинг вакиллари бўлган кишилар анча катта таъсир кўрсатадилар. Бошни айлантирадиган «ижодий» режалар тўғрисида ҳикоя қиладиган ақлли, сўзамол ва бахтли, эркин, самимий, очиқ ва ўз ишига содик

гуруҳ аъзолари томонидан ўрнатилган шахсий алоқа катта роль ўйнайди. Аксарият секта ва гуруҳларнинг кенгайиб бораётганлиги ва гуллаб-яшнаётганлиги шундан далолат берадики, улар ёлловчиларни тайёрлашни, яъни «товарнинг юзини кўрсатишни» яхши билишади.

Ёлловчиларга инсон нимага қодирлигини бир зумда баҳолаш ва унга гуруҳ тўғрисидаги ахборотни «айтиб бериш» ва «жойлаштириш»ни ҳисобга олиш ўргатилади. Бошқача қилиб айтганда, уларнинг вазифаси – инсонни хўрак илинган қармоқни ютишга мажбур қилишдир. Бу ерда хўрак ролини айнан уни қизиқтириши лозим бўлган ахборот ўйнайди.

Ёлловчилар барча кишилар тўрт типга: фикрловчилар, ҳиссиётчилар, фаоллар ва диндорларга бўлинишига асосан «шахснинг тўрт типи модели»дан фаол фойдаланадилар (Т.Лири, М.Стюарт ва бошқ.). Фикрловчилар – ҳаётий муаммоларни кўпинча ақлга таяниб, «бош» билан ҳал қиладиган кишилар, улар асосан интеллектга суянадилар. Ҳиссиётчилар – ҳаётий муаммоларни ҳал этишда, кўпинча, эмоцияга амал қиладиган кишилар. Улар асосан ҳиссиётлар билан яшайди. Фаоллар – «ҳаракат одамлари» деб аталадиган кишилар. Диндорлар ҳаётнинг илоҳий асосига ишонадиган кишилар ҳисобланади.

Фикрловчи шахсни ёллашда интеллектуал ёндашувдан фойдаланилади. Масалан, унга гуруҳ томонидан ташкиллаштирилган илмий конференцияларнинг бирида турли муаммоларни катта қизиқиш билан муҳокама қиладиган Нобель мукофоти совриндорлари ёки файласуфларнинг фотосуратини кўрсатишади ва бу билан ушбу буюк мутафаккирлар мазкур ҳаракатни қўллаб-қувватлайдилар, деган сохта тасаввур ҳосил қилишади. Ҳақиқатан эса, фотосуратларда акс этган кишилар кўпинча сектага умуман алоқаси йўқ ва кун тартибидаги масалаларга мутлақо қизиқмайдилар. Улар конференцияга худди шундай таклифнома, бунинг устига, мутлақо тёкин – ҳомийлар уларнинг бориш-келиш йўлкирасини, меҳмонхона ҳақини тўлашади ва яна каттагина пул беришади – таклифнома олган дўстлари ва ҳамкасблари билан мулоқот қилиш имконияти туфайли ташриф буюришган.

Ҳиссиётчилар ҳар доим ёлловчиларнинг уларга нисбатан муносабатларидаги самимият, меҳр ва ғамхўрликка «сотиладилар». Бундай кишилар билан мулоқотда «ягона катта ва аҳил оилада

яшаётган» гуруҳ аъзоларининг эмоционал жиҳатдан хотиржамлигига алоҳида эътибор қаратилади. Бундай кишилар билан ҳар доим гуруҳдаги «ҳақиқий меҳр-муҳаббат» ва оддий оламдаги «тушунишнинг» йўқлиги тўғрисида гапирилади. Гуруҳий вазиятларда ҳис қилувчилар автоматик равишда ўз-ўзидан гуруҳ уларни қабул қилиши учун интиладилар, шунинг учун ҳам ёллаш чоғида уларга беписанда меҳр, қўллаб-қувватлаш, қабул қилиш ва маъқуллаш намоёиш этилади.

Фаоллар чақириқни қабул қилиш ва ҳаракат қилишга мойилдирлар. Улар ўз олдиларига мақсад қўйишни ва аниқ натижаларга эришишни яхши кўришади. Агар кишиларнинг камбағаллиги ва эзилаётганини кўрсалар, улар ушбу хунук ҳодисани бартараф этиш учун нимадир қилишни хоҳлашади, уларга гуруҳ ушбу йўналишда қандай ишларни олиб бораётганлиги ҳақида ҳикоя қилиб берилади. Агар уларни урушлар ва миллий низолар муаммолари қийнаётган бўлса, унда уларга ушбу гуруҳ урушга қаршилик кўрсатиш ва низони тинч йўл билан тартибга солиш бўйича аниқ режа ишлаб чиққан ягона ташкилот эканлиги айтиб берилади (ҳатто бундай режа мавжуд бўлмаса ҳам). Фикрловчиларга гуруҳ молиялаштирадиган ва қўллаб-қувватлайдиган «йўқолиб бораётган» дунёни барқарорлаштириш ва қайта тиклаш бўйича юзлаб дастурлар санаб кўрсатилади.

Диндор кишилар ҳаётнинг илоҳий (диний) мазмунини излайдилар ва Худони англашга интиладилар. Бундай кишилар, кўпинча, ёлловчиларга ўзларининг тушлари, ҳиссиётлари ва ваҳийлар орқали эгаллаб олинган илоҳий тажрибалари тўғрисида гапириб берадилар. Асосан, бундай кишилар шунчалик «очиқки», уларнинг ўзлари ёлланадилар (аксарияти ёлловчи билан учрашишни уларга Рухлар буюрган, деб ҳисоблашади). Ёлловчиларга шахсга фақатгина «илоҳий тажрибалар» тўғрисида ифодали қилиб айтиб бериш, учрашувнинг олдиндан белгилаб берилганлигини тасдиқлаш ва Худо бизнинг илтижоларимизни эшитаётганини билдириш қолади, холос.

Кенг тарқалган фикр-мулоҳазаларга қарамай, аксарият ёлланган кишилар диндорлардан эмас, балки ҳиссиётчилар ва фаоллардан иборат. Фикрловчилар деб аталадиганлар ичидан чиққанларнинг кўпчилиги эса пировард натижада сектанинг раҳнамоларига айланишади.

Ушбу моделни қўллаш ёлловчиларга уларнинг ишларида муваффақиятга эришишга ёрдам беради. Улар, қисқаси, «балиқ овловчилар» бўлиб, қармоқ ташлашади, бироқ балиқ эмас, балки инсон қалбини овлашади. «Одам овловчилар» иши жиддий равишда осонлашади, чунки аксарият кишилар ўзларини сурбетларча ёллашаётганини тасаввур ҳам қилмайдилар ва йирик деструктив секталарда ёллаш чоғида жалб қилинадиган катта ресурс (бойлик)лар тўғрисида ҳеч нима билишмайди.

Аксарият йирик ақидапарастлар пул маблағларини йиғишнинг техника ва стратегиясини ўзлаштириб, шунингдек банк ҳисоблари ва уларнинг аъзолари мулкларидан фойдаланиш ҳуқуқини олиб, жуда бойиб кетганлар. Улар тўпланган маблағларни турли хайрия фондларига йўналтирилишини таъкидлаб, жамоатчилик фикрини чалғитадилар. Аслида эса, йирик секталар маблағнинг энг катта қисмини янги аъзолар ёллашга ҳамда уларнинг жамиятдаги «ижобий қиёфасини» яратадиган фирмалар фаолиятига сарфлайдилар.

Қарор қабул қилар эканмиз, биз, одатда, ўзимиз ишончли деб билган ахборотга асосланамиз. Бизни ҳамма ҳар доим нимагадир – сиёсат, иқтисодиёт, ахлоқ, дин, таълим, тарбия, юриспруденция ёки маркетинг масалаларига – ишонтиришга уринади. Бизнинг мулоҳазаларимизни шакллантиришда бундай уринишлар муқаррардир. Бироқ, айрим уринишлар, гарчанд улар бошқаларидан ёмон ҳам, яхши ҳам бўлмаса-да, самаралироқ кўринади. Умумий ахборот оқимидан келиб чиқаётган ҳар бир маълумотнинг ишончилигини текшириш учун бизда вақт тиғиз. «Яхши» ёки «ёмон» хабар ёрлиғини, уларнинг мазмунига қараб, биз ўзимиз ёпиштирамиз. Ахборот мазмуни бизга ёқса, биз уни жон деб қабул қиламиз, ёқмаганда эса ҳимоя филтрларини ўрнатиб, бу маълумотларни ташвиқот деб атаймиз. Биз дўстларимиз ва ваколатли «экспертлар»нинг фикр-мулоҳазаларига ишонишга мойилмиз. Маорифдан жалб қилишни, маълумотдан ташвиқотни нозик чегара ажратиб туради. Агар ахборот эгаси бизга жозибадор ва сўзамол, яхши ниятли бўлиб кўринса, агар у ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилиш учун кўплаб далиллар келтирса, биз ҳаммадан кўп унинг қарашларига бериламиз.

Ёшларни жалб қилиш «юксак мотивлар» орқали амалга оширилади, деб ҳисоблайди М.Вершинин. Ёшлар ақлий ва маънавий

жиҳатдан етук бўлмаганлиги туфайли радикал, миллий, ижтимоий ёки диний ғояларни осон қабул қилишади. Уларни, кўпинча, тоталитар (кишиларнинг хоҳиш-иродасини бутунлай тийиб қўювчи ва уларни фақат «дохий», «устоз» хоҳиш-иродасига бўйсундирувчи), диний ёки мафкуравий секталар орқали жалб қиладилар. Террорчи ва ақидапарастларни тайёрлашда махсус психологик тайёргарликда қўлланиладиган усуллар орқали (тафаккурни ўзгартиришга олиб келадиган) қийин шароитларда узоқ муддат бўлиши ўзига хос муҳитнинг пайдо бўлишига олиб келади. Жиноий муҳит билан ўхшашлигига кўра, ушбу муҳитни ташкил этувчи кишиларни ўзига хос онг типига эга бўлган террорчилик муҳити деб аташ мумкин. «Жалб қилинган» шахс хулқ-атворининг шаклланиш генезиси ва динамикаси тўғридан-тўғри тарбия, маълумот, дунёга қараш, ҳозирги ҳаётда ўз-ўзини реализация қилиш имконияти, ушбу шахс атрофидаги жамият каби омилларга боғлиқдир.

Мутахассисларнинг фикрича, радикал ёки террорчилик ҳаракатларига кўпинча, шахсларнинг вужудга келган қийин вазиятдан чиқолмаслик ҳисси, унда ўз ҳолатини драматик баҳолаш майлини уйғотадиган психологик дискомфорт ундайди. Шунинг учун эмоционал ҳолатда бўлган шахсларни энг аввало ибодатга, кейинчалик бошқа радикал ёки террорчилик ҳаракатларига ёллаш осон кечади. Бу қоида тариқасида фожиали ҳодиса, ажрашиш, яқин кишисининг ўлими, ишни йўқотиш ва шулар кабилардан сўнг оғир кечинмалар келтириб чиқарган стрессдир. Террорчилик ёки ақидапарастликнинг фарқли жиҳатларига қарамай, уларнинг умумий жиҳати ташкилот раҳнамоларининг мақсад ва ғояларга кўр-кўрона эргашиши ҳамда уларга содиқлигидир. Ушбу мақсад ва ғоялар кишиларни ташкилотларга киришга ундайди. Бироқ, маълум бўлишича, бу жуда ҳам мажбурий эмас. Мақсад ва ғоялар ушбу ташкилотларга мансубликни оқилона тушунтиришга хизмат қилади. Асосий сабаб қўшилишга ва гуруҳга мансубликка кучли эҳтиёж ҳамда ўзини тенг кўриш ҳиссини кучайтиришдир.

Одатда, радикал (деструктив ва террорчилик) ташкилотларнинг аъзолари нотўлиқ оиладан чиққанлар, у ёки бу сабаб билан мавжуд жамоат тузилмаси доирасида қийинчиликка дуч келган, ишини йўқотган ёки умуман иш жойига эга бўлмаган кишилар бўладилар. Бундай вазиятларда юзага келадиган бегоналашиш ҳисси одамни

худди ўзи каби ғайриижтимоий кўринган гуруҳга бирлашишга мажбур қилади. Шундай қилиб, террорчи ва ақидапарастларнинг умумий белгилари бўлиб, ўзини тенглаштириш муаммолари билан боғлиқ бундай кишиларни гуруҳга қўшишнинг кучли эҳтиёжи ҳисобланади. Шу нарса аёнки, бундай гуруҳ аъзолигига бирданига эришилмайди. Радикал ва деструктив ташкилотлар аъзолари бўлишдан олдин инсон апатия (лоқайдлик) ва ижтимоий дезадаптациянинг бошқа шакллари орқали ўтади. Ғайриижтимоий (радикал ёки деструктив) гуруҳлар билан тенг бўлиш бундай кишиларга, гарчанд у салбий бўлса-да, ижтимоий ролни таъминлаб беради. Ушбу «жалб қилинган» шахслар учун гуруҳдан чиқиб кетиш деярли имконсиз, бу психологик ўзини ўзи ўлдириш билан баробардир. «Жалб қилинган» шахсларнинг тасаввурини турмушга чиқмагандан кўра омадсиз никоҳни яхшироқ деб биладиган айрим аёлларнинг тасаввурига ўхшатиш мумкин. «Жалб қилинган» шахслар учун ташкилотни ташлаб кетиш ўзини идентификация қилиш (тенг кўриш)ни йўқотиш демакдир. «Жалб қилинган» шахс ўзини ўзи шунчалик паст баҳолашга эгаки, унинг учун қайта эгаллаб олинган ўзини ўзи идентификация қилиш (тенг кўриш)ни рад қилиш деярли имконсиздир. Бундай гуруҳларга қўшиларкан, улар авторитаризм олдидаги кўрқувдан ҳимояланишга эга бўладилар. Бунда гуруҳга қилинган ҳар қандай ҳужум улар томонидан шахсан ўзларига қилинган ҳужумдек идрок қилинади. Тегишли равишда ташқаридан бирор-бир мақсадни кўзлаб қилинган ҳаракат гуруҳдаги жипсликни сезиларли даражада оширади. Террорчилик ташкилотига қарши ахборот урушини ташкил этганда шунини ёдда тутиш лозимки, «жалб қилинган» шахс иложи бориша ўз ташкилотининг мафқурасига кириб бораркан, у объектив воқеликни кўришдан тўхтайдди, унинг учун гуруҳнинг ҳаёти ва мафқураси воқелик ҳисобланади.

Бундай вазият (жараён) «жалб қилинган» шахсларда жамиятга ҳамда ким бўлишидан қатъи назар, душманга зарба бериш майлини уйғотади. Душманни ташкилот раҳнамолари белгилайдилар. Улар нишонни, шунингдек фойдаланиш лозим бўладиган ҳужум усуллари ҳам белгилаб берадилар. Бир вақтнинг ўзида аҳолининг муайян гуруҳларига (давлатга муҳолиф бўлган ва ш.к.) террорчилик ташкилотлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларни алишиб, мазкур гуруҳлар ҳам террорчиларни қўллаб-қувватлаш

мажбуриятини ўз зиммаларига олишлари лозимлиги тушунтирилади. Террорчилар раҳнамоларида юқорида кўрсатиб ўтилган гуруҳлардан молиялаштириш, таъминлаш, яшириш, янги «номзодлар»ни етказиб бериш ва шу қабилашни талаб қилиш имконини берадиган ўзига хос бўлган бир-бирини қўллаш имконияти юзага келади. Бу билан терроризм ўзининг ижтимоий базасини яратадиган ва жамиятда зўравонликка қаршилик кўрсатишга қийналаётган аҳолининг катта гуруҳини бевосита ёки билвосита жалб қилади. Ваҳоланки, терроризм ижтимоий гуруҳларнинг қўллаб-қувватлашини талаб қилмайдилар, балки онгни назорат қилиш технологиясидан фойдаланган ҳолда, ижтимоий гуруҳларни эгаллаб олиш ва назорат қилишни маъқул кўрадилар.

Бу ерда шу нарса муҳим хусусият касб этадики, террор ёки ақидапарстликка «жалб қилинган» шахсий мулкка эга бўлмаслиги лозим ва бунда террор ёки ақидапарстлик унга ёрдам беради. Терроризм, радикал ташкилотлардан фарқли ўлароқ, йирик муассасаларни ва моддий жиҳатдан таъминланган менежерларни назорат қилади. Радикал (террорчилик) гуруҳлар кўрқитиш ва жамиятдаги вазиятни беқарорлаштириш учун йўқ қилишни, замонавий терроризм эса ўз таъсирининг ошиши учун бирлаштириш ва фойдаланишни маъқул кўрадилар.

Мафкуравий марказ, махсус тузилмалар ва ижтимоий базадан иборат бўлган, зўравонликка асосланган бундай радикал-культ муҳити уни назорат қиладиганлар қўлидаги етарли даражадаги самарали воситадир.

Ҳозирги жамиятда ўтакетган мутаассиблик маҳаллий эмас, балки глобал ҳодисадир. У ҳар қандай жамиятда, унинг сиёсий, этник ёки диний ҳолатига қарамай, у ёки бу шаклда мавжуд. Фарқ фақат мутаассибларнинг сони ҳамда тажовузкорона бўладими ёки ўз даҳоларини илоҳийлаштириш бўладими, ўз «меҳр»ини намоён этишдадир.

Бола ўта кетган мутаассибга айланиб қолмаслиги учун, унга болалиқдан ўз хатти-ҳаракатларини танқидий баҳолаш қобилятини сингдириш, унда ўзини ўзи ҳурмат қилиш ва бошқаларга ҳурмат билан қараш, ўз хатолари учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш лозим.

Ўта кетган мутаассибликни кўпинча дин билан боғлашлари ва террордан фойдаланиб ҳамда мусулмонлар учун муқаддас бўлган

Оллоҳ номи остида ўзининг даҳшатли ишларини амалга ошираётган, моҳиятан, минтақада вазиятни беқарорлаштираётган бир қатор ташкилотлар фаолияти билан боғлиқ воқеаларнинг шарқда юз бераётганига эътибор қаратган ҳолда, Али Апшероннинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринлидир: «Ислому, – деб ёзади у, – ўта кетган мутаассиб инқилобчиларга муҳтож эмас, аксинча, у чуқур ва самимий эътиқодга эга бўлган, бошқача фикрловчи, бошқа тилда сўзлайдиган ёки бошқа динга эътиқод қиладиган кишиларга нисбатан бағрикенглик ва очиқлик хос бўлган тақводор ва ҳудожўй кишиларга муҳтождир».

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Мутаассибликнинг турлари ва психологик тавсифини изоҳлаб беринг.
2. Мутаассиб шахси психологияси нималардан иборат?
3. Мутаассибликнинг шаклланишига сабаб бўлувчи психологик омиллар нималардан иборат?
4. Оломон таркибида мутаассиб шахсларни аниқлашда профайлинг методининг аҳамиятини тушунтириб беринг.
5. Қўрқувнинг ўзига хос ташқи белгилари ва қўшимча сигналлари нималардан иборат?

18-мавзу. ТЕРРОРЧИ ШАХС ТИПОЛОГИЯСИ

1-§. Замонавий терроризмнинг моҳияти

Бугунги кунда жамиятимизга хавф солаётган ҳодисалар ичида терроризм хавфи алоҳида ўрин тўтади. Терроризм энг мураккаб ва хавфли бўлган ҳолатларни ўз ичига қамраб олади, ҳамда жамият олдида катта хавф туғдиради. Терроризм – у одамларда ёвузлик ва қўрқув ҳиссиётини пайдо қилади.

Терроризм – (лотинча – даҳшат) деган маънони англатади. «Терроризм» терминига 200 га яқин таъриф берилган, бироқ ҳали уларнинг биронтаси тан олинмаган. Шунинг учун ҳам бу ҳодисага аниқ ва тугал таъриф бериш жуда қийин.

Ушбу фикримизни тасдиқлаш учун терроризмга берилган бир нечта таърифни келтириб ўтайлик. «*Терроризм сиёсий мақсадда амалга ошириладиган, асосланган зўровонликдир*» (Б.Крозье, Буюк

Британия); «Терроризм – сиёсий, мафкуравий ёки социал-революцион мақсадлар ҳамда интилишларга эришиш учун ҳукуматларни, аҳоли доираларини мунтазам қўрқитиб туриш» (Г.Деникер, Швецария); Халқаро ҳуқуқ бўйича таниқли мутахассис, профессор Ричард Фалк терроризмга икки хил таъриф беради: «Сиёсий зўравонликнинг, уни ким – революцион гуруҳми ёки ҳукуматми – ишга солишдан қатъи назар, монанд равишдаги ахлоқий ва юридик важ-корсони бўлмаган ҳар қандай туридир», «танлаб ўтирмасдан ёки айбсиз шахсларга қарши зўравонликни ишга соладиган сиёсий экстремизм».

Ҳуқуқшунос олим Б.Таджиханов эса терроризмга ўзининг куйидаги таърифини берган: «Терроризм – халқаро муносабатларни чигаллаштириш, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни бузиш, давлатларнинг хавфсизлигига раҳна солиш, уруш ва қуроли тўқнашувлар келтириб чиқариш, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, аҳолини қўрқитиш ёки қасос олиш мақсадида жисмоний ёки юридик шахсларни бирор-бир фаолиятини амалга оширишга ёки амалга оширишдан тийилишга мажбурлаш учун қилмиш кўринишида ёки уни амалга ошириш билан қўрқитиш тарзида ошкора содир этиладиган, шахсга ёки мулкка хавф туғдирадиган ҳаракатдир».

Терроризм – Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 155-моддасида назарда тутилган ва портлатишлар, ўт кўйишлар ёки одамларнинг ҳалок бўлиши, катта мулкий зарар келтириш ёхуд ижтимоий хавfli оқибатларга олиб келиш хавфини туғдирувчи бошқа ҳаракатлар содир этишдан иборат бўлган ва жамоатчилик хавфсизлигига қарши қаратилган жиноят. Мазкур ҳаракатларнинг жамоат хавфсизлигини бузиш, аҳолини қўрқитиш ёхуд ҳокимият органларининг қарор қабул қилишига таъсир ўтказиш мақсадида амалга оширилган-лигига, шунингдек, ана шу мақсадларда амалга оширилиш хавфи мавжудлиги ушбу жиноятнинг муҳим жиҳатларини ташкил этади².

Шу нуқтаи назардан бугунги кунга келиб, жамиятда содир этилаётган террористик оқимлар бутун инсоният учун энг хавfli бўлган ҳодисалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Терроризм ва халқаро терроризм уюшган жиноий гуруҳ сифатида регионал ва миллатлараро муаммоларни юзага келтиради.

¹ Юридик энциклопедия // У.Таджихановнинг умумий таҳрири остида. – Т., 2001. – Б.434.

Бугунги кунга келиб сиёсий экстремистлар, криминал ишга қўл урган бизнесменлар ва жиноий жазони ўтаб қайтган баъзи бир шахслар жамият олдида аниқроғи одамлар тақдирига катта хавф туғдирмоқдалар.

Ҳозирги кунда террорист шахс ва террористик хатти-ҳаракатларни юзага келтирувчи психологик механизмлар тўлиқ ўрганилмаган, шунинг учун терроризмга қарши курашиш ва унинг олдини олишда психологик билимлар муҳим ўрин эгаллайди.

Замонавий терроризмнинг психологик ўзига хос белгилари:

- 1) террор – психологик таъсир этиш воситаси;
- 2) террорчилик актлар олдиндан пухта режалаштирилади ва ваҳшиёна амалга оширилади;
- 3) террор умуминсоний қонуниятларни инкор этади;
- 4) ўз қарашларини очиқ-ойдин ошкора этади;
- 5) террорчилик замонавий оммавий ахборот воситалари билан қуролланган.

1. Терроризм – бу психологик таъсир этиш воситаларидан биридир. Унинг фарқли хусусиятларидан бири инсонлар онгида қўрқув ҳиссини пайдо қилиш, жамиятда мураккаб вазиятларни юзага келтиришдан иборат. Одамлар онгида қўрқув ҳиссини пайдо қилиш унинг асосий моҳияти саналади. Уларнинг асосий объекти – ким террор қурбони бўлгани эмас, балки кимнинг тирик қолганидир. Терроризмнинг асосий вазифаси – одам ўлдириш эмас, тирик қолган шахсларни руҳан синдиришдан иборат. Шу нуқтаи назардан терроризм фақат моддий ва сиёсий зарар етказади.

2. Террористик актни содир этиш бу оддий иш эмас. У яширинча, пухта ва мукамал равишда амалга оширилади. Бу ишларни амалга ошириш учун ойлаб ва йиллаб тайёргарлик кўрилади.

3. Терроризм – умуминсонийлик қонуниятларини инкор этади, яъни у инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олмайди.

4. Терроризм – салбий ўз хатти-ҳаракатларини очиқ ойдin ошкора қилади. Терроризм – бу жамиятга ноошкора эълон қилинган уруш, яъни унинг асосида кадрсизланган инсон ҳаёти мавжуддир.

5. Ҳозирги кунга келиб терроризм, замонавий оммавий ахборот воситалари билан тўлиқ қуролланган, баъзи ҳолатларда оммавий ахборот воситалари орқали террористик актлар инсонлар онгига кучли психологик таъсир кўрсатади.

Терроризмда катта аудиторияларга кенг оммага таъсир ўтказиш муҳим ўрин эгаллайди. Шу билан бирга замонавий терроризмда ижтимоий хавфли бўлган сифатлар аниқ намоён бўлади:

✓ оммавий инсонлар қурбони ва моддий зарарлар келтириши, унинг ошкорона ва ҳамда вахшиёна тус олиши;

✓ террористик тизимни моддий – техник ва моддий қўллаб қувватлашнинг юқори даражаси;

✓ халқаро террористик тизимларни фойдали қазилмалар ҳамда энергия манбаларига эгалик қилиш учун интилиши;

✓ халқаро ва миллат даражасида террористик тизимлар ўртасидаги қатъий алоқа, шу билан бирга, одам савдоси, қурол-яроғ, психотроп моддалар ва наркотик воситалар билан, ноқонуний жиноий уюшмалар билан алоқадорлиги;

✓ ёлланма шахслардан фаол фойдаланиши;

✓ террористларнинг ядро қуроли, химик, биологик ва бошқа оммавий қирғин қуролларига эга бўлишга интилиши ҳамда ушбу қуроллардан жиноий фаолиятида фойдаланиш хавфи орқали;

✓ янги терроризмнинг кўринишларини пайдо бўлиши (муҳим саналган давлат ва жамиятдаги компьютер бошқарув тизимини блакировка қилиш) орқали;

✓ ижтимоий ташкилотлар қарамоғи остида ҳаракат қилиши, яъни жангариларни тайёрлаш учун ўқув марказлари ва лагерлар, қурол яроғ ва озиқ-овқат учун омборхоналар ташкил этиш, террористик актларни содир этиш учун фирма, банк ва фонд ташкилотлари хизматидан фойдаланиш ва бошқалар¹.

Бундан кўриниб турибдики, террористик фаолиятнинг чегараси ва уни амалга ошириши мумкин бўлган фаолияти жамият учун жиддий хавф солиши намоён бўлмоқда.

Терроризм маълум сабаб ва вазиятларга кўра пайдо бўлади. Бу сабабларга шахсий (фанатик тарбия базаси асосида) мотивлар бўйича яқин қариндошларидан (турмуш ўртоғи, отаси, акаси) бирон бирининг ўлими ёки қамалиши, уруш даврида ўйининг бузилиши ёки моддий бойлигини йўқотиши, маҳаллий раҳбар томонидан қаттиққўл муносабат натижасида (агар улар бошқа миллат ва бошқа эътиқодда бўлса) намоён бўлади.

¹ Основы противодействия терроризму // Под.ред. Я.Д.Вишнякова. – М., 2006. – С.26-27.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Биринчи Президентимиз Ислом Каримов ўз нутқида бу глобал муаммога жиддий эътибор бериб ўтди. Жумладан, «Юртимизда чет элдаги марказлар томонидан молиявий таъминланган ва бошқарилган террорчи тўдалар Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманлари орқали суқилиб кирган таҳликали кунларни ҳам эслашимиз лозим. Агарки ана шу ёвуз ниятли кучларнинг қабих ва узоқни кўзлаган бузғунчилик мақсадлари амалга ошганида борми, мамлакатимиз фуқаролар уруши олови ичида қолиб кетган ва унинг оқибатлари, ҳеч шубҳасиз, бутун Ўрта Осиёдаги вазиятни портлатиб юборган бўлар эди»³.

Фақат чинакам чуқур билимли, маърифатли мусулмон уламо-ларгина ваҳобийликнинг сохта ғояларини фош қилишлари, фанатизимга чек қўйишлари мумкин. Фақат уларгина одамларни терроризм, экстремизм, гиёҳфурушлик каби иллатлардан қайтара оладилар.

Динни ниқоб қилиб, турли кўпоровчиликлар, зўравонликлар содир этаётган кучлар муайян марказлар томонидан бошқарилмоқда. Буни сўнги йилларда нафақат юртимизда, балки АҚШ, Россия, Жазоир, Покистон, Саудия Арабистони, Туркия, Буюк Британия каби мамлакатларда юз бераётган воқеалар кўрсатиб турибди. Диний-экстремистик ташкилотлар сўзда бир қарашда ижобийдек туюладиган мақсадларни илгари сургани билан, уларнинг асл нияти ҳокимиятни эгаллашдир. Бу йўлда улар ҳар қандай ваҳшиёна усуллардан тап тортишмаяпти. Керак бўлганда миллатчилик, этник низолардан ҳам усталик билан фойдаланишмоқда. Бундай хатти-ҳаракатлар натижасида халқ, шахс эркинлигига даҳл қилиши, уруш ва зўравонликни келтириб чиқараши, оқибатда минглаб бегуноҳ одамлар жафо чёкиши, қирилиб кетиши мумкин. Аммо ҳеч қандай динни, эътиқодни зулм – зўравонлик ёрдамида қурол кучи билан ёйиш мумкин эмас. Маънавий кадриятлар ҳақида гап кетганида қурол ҳал қилувчи роль ўйнамайди¹.

2-§. Террорчи шахс психологияси

³ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Т., 2007. – Б.9.

¹ Баймуханов З. Дин – бузғунчиликка қарши // Қалқон. – 2006. – Б.28-29.

Инсонни террористик фаолият билан шуғулланишга ва террористик ташкилотларга аъзо бўлишга қандай мотивлар ундайди? Бу саволга жавобни унинг психологиясидан қидириш лозим. Аслида терроризмни вужудга келтирувчи ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва бошқа кўп сабаблар мавжуд бўлиб, буларнинг барчаси шахсни ва мавжуд шахсий омилларни, психологик механизмларни, шахснинг қадриятларини издан чиқаради, охир-оқибат одамни террористлар қаторига олиб киради.

Психологлар одамларни терроризм йўлига кириши учун ундовчи мотивларга айланадиган бир қатор шахсий мойилликларни ажратадилар¹.

Террорчилик фаолияти билан шуғулланишга ундовчи шахсий омиллар:

1) ўз «мен»ини доимий равишда ҳужумкорлик – ҳимояга тайёргарлик орқали мудофаа қилишга тайёр туриш;

2) етарли бўлмаган шахсий мослик, ўз-ўзини қуйи баҳолаш;

3) гуруҳга ёки гуруҳий айнанликка бўлган кучли эҳтиёж;

4) ўзининг омадсизликларига жамиятни айбдор деб билиш, ижтимоий адолатсизликни бошдан кечириш;

5) ижтимоий яққаланиш ва бегоналашув, ҳаётга ва келажакка қизиқишнинг сўниши.

Юқорида келтирилган тавсифлар террорчи шахсининг қандайдир умумлашган психологик хусусиятлар ҳисобланади. Шу ўринда шахснинг гуруҳга киришида бир қатор сиёсий-мафкуравий мотивлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Лекин улар кўпроқ чуқур шахсий мотивларни такомиллаштириш шакли ҳисобланади.

Террорчи гуруҳлардаги индивидлар психологик жиҳатдан тўлиқсиз ёки издан чиққан психоижтимоий мослик натижаси эканлигини кўришимиз мумкин. Булар унинг учун барқарорлаштирувчи психологик асос ҳисобланади, ўзини яхлит шахс сифатида ҳис қилади.

Террорчи шахс учун дунёни салбий жиҳатдан тушуниш бир қатор омиллар таъсири остида вужудга келиши характерлидир. Биринчидан, ўз-ўзини бошқариш имкониятлари ва реал дунёни идеал образи орасидаги тафовут тегишлидир. Бу идеал субъектнинг

¹ Психологи о терроризме (материалы круглого стола) // Психологический журнал. – 1995. – № 4

шахсий ва ижтимоий жиҳатдан билишининг қарама-қаршилигидир, натижада террорчи шахсда «Мен яхши, дунè ёмон» деган қараш шаклланади. Бу қараш турли хил деспруктив ҳаракатларни оқлаш ва ўз-ўзини руҳий ҳимоялаш воситаси бўлиб қолади.

Террорчилик фаолиятини таъминлашга жалб этилган ижтимоий-психологик омиллар:

- 1) шахснинг онгини тозалашга қаратилган ҳар хил турдаги психотехнологияларни қўллаш;
- 2) гуруҳий идентификациялаш механизми;
- 3) руҳиятни деиндивидуаллаштириш;
- 4) низоли ҳолатлар;
- 5) террористик ташкилот аъзолари билан шахсий алоқаси.

Террористик ҳодисалар ва фаол контртеррористик тадбирларнинг ҳаракатдаги профилактикаси террористлар шахсиятининг зарурий типологик ҳисобини олиб боришни тақозо этади. Ҳаммасини ҳам бирдек олиб кўриш мумкин эмас. Террористик ташкилот, бошқа ҳар қандай жиной ташкилот сингари мураккаб иерархик тузилишга эга ва унинг турли хил поғоналарида турли хил одамлар жойлашадилар, қайсики, уларнинг ҳар бирига маълум бир индивидуал хусусиятлар хос бўлади. Лекин террористик фаолият бошқа ҳар қандай фаолият тури сингари, ана шу фаолият билан шуғулланувчи инсонларда маълум бир типик хулқ-атвор усуллари ва шахснинг типик ўзига хосликларининг ишлаб чиқарилишига олиб келади. Бинобарин, террористик ташкилотга қўшилишнинг ўзи ҳам шахсдан муайян у ёки бу иерархик поғонага мансуб бўлган хусусиятларнинг мавжуд бўлишни олдиндан тақозо қилади.

Терроризм муаммосининг турли хил психологик тадқиқотларини умумлаштирган ҳолда, террористлар шахсиятининг қуйидаги таснифини келтириш мумкин:

ТЕРРОРЧИ ШАХСИНИНГ ПСИХОЛОГИК ТАСНИФИ

1. «Ташкилотчилар»

- а) мафкуравий фанатлар;
- б) бевосита ташилотчилар;
- в) намоийшкорона тип.

2. «Таъминловчилар»

- а) ёлловчилар;
- б) терактларни тайёрловчилар;
- в) педагог – мураббийлар;

с) технологлар.

3. «Бажарувчилар»

а) тажоввузкор тип;

б) фанатик тип;

в) зомбилаштирилган тип;

г) қасоскор тип.

1. «Ташкилотчилар»

Биринчи категорияга аъзо бўлганларни генетик террористлар ёки инсонлар дейиш мункин, улар ёшлик давридан террорчилик фаолияти билан шуғулланишга молик бўлган шахслардир. Ҳозирги замон медицина нуқтаий назардан олиб қарасак, генетик террористлар мия структурасининг мавжуд туғма ёки эрта ёшлигидаги оғишлар натижасида ҳокимиятни қўлга олиш, бошқариш каби иллатларга мубтало бўладилар. Уларда сиёсий ёки ижтимоий кўринишдаги ҳокимиятга эришиш поғонама-поғона қадамлар билан эришиш эмас, балки умуминсоний кадриятларга зид бўлган ваҳшиёна хатти-ҳаракатларни амалга ошириш орқали эришишга асосланади.

а) *мафкуравий-фанатлар* – террорчиларнинг жуда хавфли типи ҳисобланади, шахсий эътиқодлари (диний, мафкуравий, сиёсий) ва хатти-ҳаракатларига, шунингдек ўз дунёқарашлари, ўзининг гуноҳсизлиги ҳамда инсонларнинг тақдирини бошқариш мумкинлигига ишонадилар. Ушбу тоифадагилар нотиклиги, етарли даражада юқори ақлий даражаси ва бошқа одамларга самарали психологик таъсир эта олиш қобилияти мавжудлиги билан ажралиб турадилар.

б) *бевосита ташкилотчилар* – маълум маънода барқарор ва совуққон тип. Аниқ терактлар, олдиндан ўйланган ва режалаштирилган террорчилик актлари ғоявий таъминланганлик ва эмоционал қатъиятлилик билан амалга оширилади. Лидер ушбу фаолиятдан ташқарида бўлишни маъқул кўради.

в) *намойишкорона тип* – очикчасига жанговар бошқарувчи, мақтанчоқ ва ўзини яхши кўрувчи «довюррак-жангчи». Барча нарсалар ва ҳаммага нафрат кўзи билан қараб лаззатланади. Ўз-ўзини буюклигига ишонтириш уларга хос хислат.

Буларнинг ҳаммаси ходимларда касбий жиҳатдан муҳим бўлган ва билишнинг самарадорлигини таъминлайдиган хислатларни ривожлантириш заруратини келтириб чиқаради. Шу боис, ички

ишлар органлари ходимлари билиш хислатларининг махсус тренинги катта аҳамият касб этади. Тренинг жараёнида мазкур хислатлар ривожлантирилади.

2. «Таъминловчилар»

Иккинчи категорияга турли кўринишдаги ноқонуний ёки жиноий йўллар ёрдамида оддий маблағ йиғиш билан шуғулланувчи шахслар киради.

а) *ёлловчи* – бошқаларни террорчи ташкилотларга жалб қилувчи шахс. Юқори ва тез психологик алоқа ўрнатишга мойил, психотехнологик кўникмаларга эга, ишонтириб (гипноз) таъсир қилиши билан ажралиб туради. Ушбу тоифадагилар террорчи ташкилотларда энг кучсиз бўғин ҳисобланиб, уларнинг вазифаси таъсирга тез берилувчи одамларни аниқлаш ва топиб, психологик таъсир ўтказишдан иборат.

б) *терактларни тайёрловчилар* – асосан собиқ махсус хизмат ходимлари бўлиб, икки ёки ундан ортиқ давлатларда махсус хизматларда тайёргарликдан ўтганлар. Уларда узоқ йиллар давомида кўпорувчилик, баъзан эса антитеррорчилик фаолияти билан шуғулланиш натижасида террорчи шахсларга хос бўлган психологик сифатлар шаклланган. Бироқ, ёш жиҳатидан ёки бирор-бир сабаб туфайли давлат хизматининг ижтимоий йўналганлигини ўзгартиради. Масалан, улар одатий давлат хизматида, бироқ «душман тарафи»да бўлиб фаолият олиб борадилар. Бундай махсус хизмат ходимларининг маънавий-ахлоқий, инсоний кадриятлари кўпорувчилик фаолияти билан узоқ йиллар давомида шуғулланиши натижасида йўқ бўлиб кетган. Ижтимоий йўналганликнинг ўзгаришида асосий ролни «моддий манфаат» ўйнайди. Терроризмда ушбу фаолият билан шуғулланувчилар учун давлат хизматига қараганда бир неча баробар кўп ҳақ тўланади.

в) *педагог-мураббийлар* – терактларни тайёрловчилар билан бир жабҳада фаолият кўрсатадилар. Бу шахслар террорчилик фаолиятининг барча мутахассислиги бўйича йўриқчи (инструктор)лик фаолияти билан шуғулланадилар. Одатда улар бойлик гирдобига тушган собиқ махсус хизмат ходимларидир. Педагог-мураббий террорчиларнинг профессионал фаолияти ўзгармайди. Улар илгари терроризмга қарши курашишни ўргатган бўлсалар, эндиликда эса, ўтмишдаги тажрибаларига суянган ҳолда,

террорчиларни ўзларининг собиқ шогирдларига қарши курашишга ўргатадилар.

с) **технологлар** – ҳам террорчи ташкилотларнинг аъзолар бўлиб, уларнинг асосий вазифаси терактларнинг содир этилишини техник жиҳатдан таъминлаб бериш ҳисобланади. Аниқ террорчилик хатти-ҳаракатларини содир этиш учун шарт-шароитларни тайёрлаш ва портловчи мосламаларни яратиш соҳасида техник, ҳамда бошқа малакаларга эга бўладилар. Кимдир террорчилар учун сохта ҳужжатлар, кимдир транспорт воситаси ва самолёт учун чипта, яна кимдир портловчи мосламалар учун омборхоналар тайёрлайди.

3. «Бажарувчилар»

Учинчи категориядаги шахслар террорчи ташкилотнинг энг қуйи поғоналарида турадилар ва уларнинг асосий вазифаси бевосита терактларни амалга ошириш ҳисобланади. Булар портловчи мосламани ҳодиса жойига олиб борувчи, масофада туриб портловчи мосламани ҳаракатга келтирувчи, ўлимдан қайтмайдиган йўл кўрсатувчилар, ўзини «қурбон» ёки «шаҳид» қилувчи аёл ва эркеклардир.

а) **тажавузкор тип** – тоифасидаги одамлар зўрлашга, ўлдиришга, ҳамма нарсани бузишга ва ҳаммани кўрқитишга хос тажовузкор эҳтиросга эга. Террор – эмоционал қониқишнинг асосий усули. Ушбу тоифадагилар «қотиб қолган» (отмарозка), умуман маънавийсиз, ваҳший, рағбатлантириш учун ишловчи, кимни сўйиш ва кимни отиш уларга барибир.

б) **фанатик тип** – террорчиларнинг энг хавфли типларидан биридир, улар терактларни содир этишга боришда ўз ўлимига олдиндан ва онгли тайёрланадилар.

в) **Зомбилаштирилган тип** – тоифадагилар ўз жонига қасд қилиш вазифаларини идеал тарзда бажарувчилардир. Дастурлаштирилган автомат сифатида ва таъсирга берилиш оқибатида ҳаракат қилади. Вазифани бажаришда тез фикрлайди ва кўркувни ҳис қилмайди.

г) **қасоскор тип** – асосий мотиви ўзи учун, яқинлари ёки дўстлари ҳамда ягона эътиқоддошлари учун қасос олиш ҳисобланади. Ушбу тоифадагилар ичида кўпроқ ўспиринлар ва аёллар учрайди.

д) **авантюрист тип** – қаттиқ сиёсий эътиқод ва барқарор сиёсий йўналишга эга бўлмаган одам. Ушбу тоифадаги одамнинг бошқалардан фарқи – якка ҳолда ҳаракат қилади.

Учинчи категорияга кирувчи «бажарувчиларни» ўз жонига қасд қилувчи-террорчилар тоифасига киритиш мумкин. Ушбу тоифадаги одамларда ўлиш ва ўлдиришга хоҳиш юқори бўлади, ўзини жуда кучсиз ҳис қилади. Ушбу эътиқоднинг ички мотивларидан бири ўз кучи билан заифликдан қутилишдир. Бундай одамларда тобелик экстремал кечинма ҳисобланади.

Ўз жонига қасд қилувчи террорчиларнинг мақсадлари – одамлар кўп жойларда, шаҳарнинг марказий туманларида ўзларига катта эътибор қаратишни назарда тўтади. Агар аҳолидан тўсиб қўйилса, у кўпроқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларини йўқ қилишга ҳаракат қилади. Улар музокара олиб боришда бир мақсадни кўзлайди – ён-атрофига имкони борича кўпроқ одамларни йиғиш, яъни ўз жонини қимматроққа сотишга ҳаракат қилади.

Терроризм кейинги пайтларда турли кўринишда намоён бўлмоқда. Агар илгари муайян мақсадларга эришиш йўлида унинг одамларни гаровга олиш, аҳоли ўртасида ваҳима уйғотиш, у ёки бу давлат объектларини портлатиш, давлат арбобига суиқасд қилиш ва ҳоказо кўринишлари кузатилган бўлса, бугун ўз ғаразли мақсади йўлида тўғридан-тўғри инсон ресурсларидан фойдаланиш ҳоллари ҳам оммалашиб бормоқда. Терроризмнинг бу кўриниши «қурбонлик» ёки «шаҳидлик» терроризми деб аталади.

«Қурбонлик» ёки «шаҳидлик» терроризми халқаро терроризмнинг бир кўриниши сифатида турли ижтимоий-сиёсий тартибларда муайян сабаблар ва омиллар таъсирида намоён бўлади. Унинг бундай кўриниши Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. 2004 йил 29-30 март кунлари «шаҳидлик» терроризмининг дастлабки кўриниши кузатилди³⁹.

Одатда «шаҳидлик»ни қарор қилган шахслар ўз жонини қурбон қилишни таклиф қилмайдилар. Уларни «маънавий мураббийи» ёки сардори танлаб олади. Шундан сўнг эса узок муддатга режалаштирилган психологик тайёргарлик жараёнлари бошланиди. «Қурбонлик» ёки «шаҳидлик» мақомидаги террорчиларни одатда Яқин Шарқ, Кавказорти, Афғонистон ва Покистонда тайёрлайдилар.

«Қурбонлик» ёки «шаҳидлик»ка мубтало бўлган террорчиларни зарарсизлантириш жуда мушкул, чунки у ўлимга тайёр. Бундай нобакор ишларга қарши махсус хизмат ходимларининг самарали

³⁹ Қодиров А., Исмоилов М. «Қурбонлик» ёки «шаҳидлик» кўринишидаги терроризм // Ҳуқуқ–Право–Law. –2004. – №2. –Б.16-17.

меҳнатлари орқали натижага эриши мумкин. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, террорчи ҳар сонияда ҳаёт билан видолашишга тайёр эмас. У доимий равишда бармоғини ҳаракатга келтирувчи тугмада тутиб туриши мумкин эмас. Террорчи ўз жонига қасд этиши учун камида ярим дақиқа вақт керак бўлиши ҳисоблаб чиқилган. Мана шу ярим дақиқа ҳал қилувчи вазифани бажаради.

Террорчи шахснинг сифатлари:

- 1) тажовузкор ва шафқатсиз (қаттиқ қўл) хулқ-атворга эгалик;
- 2) ўзини оқлаш. Сиёсий мафкуравий мотивлар одатда шахсни яширин эҳтиёжларини қондириш сифатида намоён бўлади;
- 3) агрессивлик хусусияти, яъни воқеликка тўғри баҳо бера олмаслик, айбни ташқи омиллардан қидириш ва ўзининг муваффақиятсизлигини вазиятга юклашга мойиллик;
- 4) террорчи ташкилотларга, унинг вазифа ва идеалларига кўр-кўрона содиқлик;
- 5) етарли даражада ақлий ривожланмаганлик, билим даражасининг пастлиги;
- 6) одатда носоғлом оилалардан чиққанлиги, ижтимоий патологик ривожланишга эга бўлмаганлиги. Жамиятда ўз ўрнини топа олмаган одамлар, иш ўрнини йўқотган ёки унга эга бўлмаганлар, яқин кишиларини йўқотганлар, жисмоний имконияти чегараланган шахслар, оғир психотравмаларни бошидан кечирганлар, террорчилик ёки диний анъаналарга риоя қиладиганларнинг қариндошлари, фарзандлари ёки неваралари бўлиши мумкин;
- 7) доимо ўз «мен»лигини ҳимоя қилиш, ўз фикрини тасдиқлашга интилиш, бошқа инсонларнинг истак ва ҳиссиётларига эътибор бермаслик ва фанатизм;
- 8) шошқалоқлик, ўзгарувчанлик ва иккиланишлар ва ҳоказо;
- 9) Ёш хусусиятлари асосан одатда 16-35 ёшдагилардан иборат.

3-§. Терроризмга қарши курашнинг психологик муаммолари

Шуни таъкидлаш лозимки, терроризм хавфини бартараф этиш мумкин, ушбу кўринишларни азалий қочиб бўлмайдиган муаммо деб ҳисоблаш нотўғри эди. Терроризмнинг устидан ғалаба қозонишда жамиятнинг барча қатламлари ва ҳамма гуруҳларнинг ҳаракатларини бирлаштирилган тақдирда амалга оширилади.

Ҳозирда фуқароларда ёқимсиз ҳиссиётни сиёсий кураш методи сифатида шакллантириш ўта муҳим ҳисобланади, шунингдек, бутун жамиятни жабр зулмга қарши курашишга чорлаш керак. Маълумки, оператив-қидирув ва тергов фаолияти аҳолининг қўллаб қувватлаши ва ишончи орқали самарали натижага эришиш мумкин.

Шунинг учун ички ишлар орган ходимлари профилактик чора тадбирларни олиб бораётган даврида замонавий терроризмнинг асосий ғоялари ва мафкурасини, мавқеини обрўсизлантиришга қаратилган ҳаракатларни ташкил этишлари керак. Профилактик фаолият давомида шундай муҳим ҳолатни ҳисобга олиш керакки, бирданига террорист бўлиб қолинмайди. Ҳозирда террористик фаолиятга баъзи бир шахсларни жалб қилишнинг узоқ муддатли жараёни кетяпти. Одатда бу ҳол ўзининг психологик тузилиш секторига яқин бўлган алоҳида гуруҳлар фаолияти билан амалга оширилади. Шунинг учун ҳам юқоридаги гуруҳларни аниқлаш ва улар фаолиятининг олдини олиш жуда муҳимдир.

Профилактика фаолияти террористик гуруҳ ва ташкилотларнинг шаклланиши ва амал қилишининг ижтимоий-психологик механизмларини албатта ҳисобга олишни талаб этади. Бу гуруҳларнинг психологик таркиби, бажарилаётган вазифаларнинг тақсимланиши, гуруҳлараро ўзаро муносабатларнинг хусусиятларини билиш жуда муҳимдир. Бу гуруҳларни бўлиб ташлаш (ажратиш) учун бундай жиноий уюшган гуруҳларни бўлиб ташлаш учун ишлаб чиқилган тактик психологик услубларни қўллаш муҳимдир:

- гуруҳ лидерларини ажратиш услуби;
- гуруҳ лидерларини обрўсизлантириш услуби;
- гуруҳни ичида «бузиш» услуби (портлаш);
- гуруҳнинг ички муносабатларида зиддиятларни келтириб чиқариш услуби
- «заиф бўғиндан» фойдаланиш услуби ва бошқалар

Халқаро терроризмга қарши курашишда самарали усулларни ишлаб чиқиш ва уни татбиқ этиш учун унинг келиб чиқиш ва намоён бўлиши ҳақида тасаввурга эга бўлиш керак:

- террорчилар максимал даражада натижа олиш учун объект танлаганликлари учун террорчилик ҳаракатларини содир этиш жойини олдиндан кўриш ва аниқлаш жуда қийин;

□ террорчининг шахсий сифатларини одатда аниқлаб бўлмади (ўз жонига қасд этиш ва унинг воқеа жойидан қочиб кетганда ҳам номаълум бўлиб қолади);

□ халқаро терроризм катта масштабда ривожланмоқда, шунинг учун террорчиларнинг хужум қилиш объекти сифатида аҳоли, маъмурий бинолар ва қурилмалар бўлиб, улар нафақат террорчилик ҳаракатлари олиб борилаётган давлат ҳудудида, балки бошқа давлатларда ҳам ўз аксини топади¹.

Қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда иккита хулоса чиқариш мумкин:

1. Терроризмга қарши кураш комплекс тарзда амалга оширилиши керак (террорчилик гуруҳ ва аъзоларининг йўналганлик даражасини аниқлаш, террорчиларнинг халқаро алоқаларини бузиш, бўлажак содир этилиши мумкин бўлган террорчилик ҳаракатларига тайёргарлик ҳақидаги маълумотга ўз вақтида эга бўлиш, айбдорларни ушлаш ва уларни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ихтиёрига топшириш);

2. Террорчилик ҳаракатларини содир этувчининг шахси, вақти ва жойининг ноъмалумлигида асосий диққат этиборни террорчилик ҳаракатлари содир этилиши мумкин бўлган объектларга ва улар томонидан фойдаланиш мумкин бўлган воситаларга ўз вақтида диққат этиборни қаратиш керак.

Турли кўринишдаги жиноятларга комплекс тарзда олиб бориладиган курашда асосан жиноятларни келтириб чиқарувчи объектив ва субъектив сабабларга диққат этиборни қаратиш керак. Замонавий, халқаро ва миллий терроризмларда бундай таъсир этиш баъзи бир қийинчиликларни юзага келтиради.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бўлажак террорчиларнинг яшаб тарбияланган ижтимоий маданий воқеяликни кўрсатиб ўтиш керак. Бу одатда диний фанатлар, замонавий цивилизация ва маданиятга бўлган муносабат, бошқа этиқод ва ғояларга ғаразлик билан қарашда намоён бўлади.

Террорчилик ҳаракатларини содир этишга тайёр бўлган террорчилар маълумки дахрийлар билан курашда улар ўзларини-ўзлари қурбон қилишга тайёр турадилар. Бундай инсонларнинг шахсига таъсир этиш жуда ҳам қийиндир. Уларни қайта

¹ Основы противодействия терроризму / Под.ред. Я.Д.Вишнякова. – М., 2006. – Б.27-28.

тарбиялашнинг умуман иложи йўқ. Террорчи шахсларни индивидуал тарбиялаш мумкин, қачонки замонавий инсоний қадриятларга суянган ҳолда болалик давридан тарбияласа ютуққа эришиш мумкин. Бу эса инсоний, барча маданий қадриятларда ўз аксини топган демократик давлатда амалга ошириш мумкин.

Террорчилар одамларни гаровга олган вазиятларда аниқ антитеррор тадбирларни амалга ошириш психологик жаҳатдан жуда қийин. Бундай вазиятларда ходимларнинг муваффақиятли ҳаракати гаровга олинганларни озод қилиш бўйича музокараларни тўғри олиб боришга боғлиқ бўлади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Замонавий терроризм ва диний экстремизмнинг психологик хусусиятларини изоҳлаб беринг.

2. Замонавий терроризмнинг психологик ўзига хос белгилари нималардан иборат?

3. Террорчи шахсга хос психологик хусусиятларни тушунтириб беринг.

4. Террорчилик фаолияти билан шуғулланишга ундовчи шахсий омилларга нималар киради?

5. Терроризм ва диний экстремизм билан боғлиқ оқимлар шаклланишининг умумий психологик сабаб ва шароитлари санаб беринг.

БОШҚАРУВ ПСИХОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ

**19-мавзу. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА
БОШҚАРУВ ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИНИНГ
ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ИЛМИЙ
ТАДҚИҚОТ УСУЛЛАРИ**

**1-§. ИИО фаолиятида бошқарув психологиясининг предмети,
мақсад ва вазифалари**

Охирги йилларда инсон омилига эътиборнинг ортиб бориши муносабати билан бошқариш психологияси масалаларига ҳам қизиқиш кучайди. Шу асосда ижтимоий психологиянинг махсус бўлими – **бошқарув психологияси** пайдо бўлди. Бошқариш психологияси психологиянинг шундай тармоғики, у бошқарув фаолияти билан боғлиқ бўлган муаммоларни, шахс ва шахслар гуруҳи томонидан бошқа гуруҳлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва биргаликдаги фаолиятини амалга оширишнинг психологик механизмларини ўрганади.

Раҳбар кадрлар муаммосини ўрганиш психология тарихида сезиларли даражада ўрин эгаллайди. Бунинг асосий сабаби социология, ижтимоий психологияда раҳбарнинг ижтимоий турмушдаги мамлакат, халқ тақдиридаги масъуллиги, тараққиёт (прогресс), фаровонлиги, бахтли турмуш кўп жихатдан унинг шахсиятига, фаолиятига, қобилиятига, ақл-заковатига боғлиқ эканлиги баён қилинган.

Мутафаккир аждодларимиз таълимотларида, халқ ижодиётида адолатли ва адолатсиз шоҳ тўғрисидаги маълумотлар ҳаддан зиёд кўп. Абу Райҳон Беруний, ал-Фаробий кўлèзмаларида раҳбар (юксак лавозим эгаллаганлар назарда тутилади) инсонларнинг шахсий фазилатлари, уларнинг олдида турадиган мураккаб, масъулиятли вазифалар, айрим иллатларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш йўл-йўриқлари бўйича ибратли фикрлар билдирилган. Айниқса, раҳбарнинг фаҳм-фаросати, донишмандлиги,

халқпарварлиги, инсоф диёнатлилиги, саҳоватпешалиги амалий намуналар асосида таъкидлаб ўтилган.

Бугунги кундаги раҳбар, бошқарувчи, ўзининг ижтимоий-маънавий, ижтимоий-психологик тузилиши билан ўтмишдошлари—дан кескин фарқ қилиши керак. Изланувчан, тадбиркор, салоҳиятли, фидойи раҳбаргина бозор иқтисодиёти муҳитига мослаша олади. Юқори ташкилотлардан буйруқ кўтадиган, боқимандалик психологияси устуворлик қиладиган кадр раҳбар бўлиб фаолият кўрсатишни уддасидан чиқмайди.

Бошқарув психологияси ижтимоий психологиянинг бир бўлаги бўлиб, *раҳбарнинг бошқариш соҳасида юзага келадиган муаммоларини ҳал қилишга, умуман жамоани ва шахсни бошқариш методикасини ўргатади.* Бошқаришнинг умумий назариясини кибернетика фани ўрганади. Кибернетика (грекча сўзидан олинган бўлиб «**kibernetike**» – кораблни бошқариш санъати демакдир).

Бошқарувнинг назарияси ўзига хос генезисга эга бўлиб, аввало ижтимоий ҳаётини тажрибаларга суянади. Бошқариш – ўзи санъат, санъат эса – қобилиятдир. Демак, шахс доимо бошқаришга муҳтождир. Бошқарувда раҳбарнинг доимо объекти мавжуд бўлиб, қонун, буйруқ ва кўрсатмаларга асосланиб, ўз фаолиятини олиб боради. Фаолият эса кўп ҳолларда хабарлар йиғиндисидан иборатдир.

Бошқарув назарияси қонун, буйруқ ва кўрсатмаларга асосланган бўлса, психологик билимлар эса бошқарувнинг асосий қуроли ва усули ҳисобланади. Шунинг учун бошқарув психологияси билан ижтимоий психология фанининг ўртасида аниқ чегара йўқ. Бошқарув фаолиятида раҳбар ўзининг ижтимоий хатти-ҳаракатини тартибга солиб боради. Бошқарув фаолиятини ўзига хослиги шундан иборатки, агар бошқарув фаолияти тўғри йўлга қўйилмаса, ҳар қандай қарор, буйруқ ва кўрсатмалар ижроси таъминланмай қолишлиги барчага маълум.

Ички ишлар органлари ходимлари жамоасини бошқариш бугунги кундаги энг долзарб муаммолардан биридир. Бошқаришда алоҳида шахслар ёки гуруҳлар объект бўлиб, уларга махсус ташкил этилган, тизимли ва режалаштирилган усуллар орқали таъсир этилади.

Ички ишлар органлари жамоаларини бошқариш юридик ҳужжатларга асосланган ва психолого-педагогик билимларга таянган ҳолда тартибга солинади. Ички ишлар органлари

жамоаларини бошқаришнинг горизонтал ва вертикал жиҳатлари мавжуд бўлиб, горизонтал бу психологик билимларга асосланса, вертикал эса юридик хужжатларга асосланган бўлади.

Бошқарув – бевосита ижтимоий психология билан боғлиқ бўлиб, энг аввало шахсни бошқариш ва шахс орқали унинг фаолиятини бошқариш демакдир. Бошқарувнинг асосини ижтимоий, ҳуқуқий, психологик билимлар ташкил этади.

Бошқарув назарияси ўзининг моҳиятига кўра фан сифатида XX асрда юзага келган бўлиб, унинг асосини меҳнат психологияси ташкил этади, меҳнат психологияси эса умумий психологиясининг таркибий қисмидир.

Психологияда бошқариш назариясининг қуйидаги жиҳатлари ўрганилади:

- а) бошқариш фаолиятининг назарияси;
- б) бошқаришда касбий фаолиятнинг психологик таҳлили;
- в) бошқариш тизимида гуруҳларнинг фаолияти;
- г) бошқариш тизимида шахслараро мунособатлар;
- д) бошқариш тизимида раҳбарлик;
- е) бошқаришда психологик таъсир этиш усуллари ва ҳоказо.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бошқарув психологияси ички ишлар органларида бошқарувнинг ижтимоий-тарихий тамойилларига ва қонуниятларига бевосита асосланади. Булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Демократик децентрализм (маҳаллий бошқарув устуворлиги);
2. Бошқарувда яккабошчилик;
3. Сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий раҳбарликда (маъмуриятда) хўжалик юритишнинг бирлиги;
4. Хўжалик ҳисобининг оқиллиги;
5. Бошқарувнинг режалилиги;
6. Омманинг бошқарув жараёнида фаол қатнашуви;
7. Ҳамкорлик фаолиятининг иштирокчиларини маънавий ва моддий жиҳатдан рағбатлантириш;
8. Кадрларни тайёрлаш, танлаш ва жойлаштириш жараёнида психодиагностика тизимига асосланиш.

Бошқарув психологиясининг предмети таърифи бўйича бир қанча шаклдаги мулоҳазалар мавжуд бўлса-да, лекин уларнинг биронтаси ҳам унинг туб маънодаги хусусияти ва моҳиятини очиш

имкониятига эга эмас. Бу аснода ХХ асрнинг 60-70 йилларида берилган таърифлар хилма-хил бўлиб, улар соҳанинг йўналиши мазмунини чуқурроқ ёритилишига қаратилгандир. Ушбу фикримизни далиллаш мақсадида айрим маълумотларга мурожаат қиламиз ва уларни таҳлил этишга (шарҳлашга) интиламиз.

Жумладан, *биринчи таъриф*: «Бошқарув психологиясининг предмети – раҳбар (менежер) кадрлар ва ижрочиларнинг психологик хусусиятлари, яхлит тизимдаги ҳамкорлик фаолиятида уларнинг ўзаро алоқасини ўрганишдир». Унинг навбатдаги (*иккинчи таъриф*): «Бошқарув психологиясининг предмети – гуруҳ ва омманинг психологик хусусиятлари, уларнинг шахс онгига ва хулқига таъсирини текширишдан иборатдир».

Юқорида келтириб ўтилган муаммоларга асосланган ҳолда бошқарув психологиясининг предмети аниқлаш мумкин. Бизнингча, унга қуйидагича таъриф бериш мақсадга мувофиқ: «Ҳамкорлик фаолиятида шахснинг хулқи ва онгига гуруҳий (оммавий) таъсир ўтказишнинг психологик хусусиятларини, раҳбар билан қўл остидаги ходим ўртасидаги муомала маромини текшириш, шахслараро муносабатлар босқичлари (шакллари) ҳамда эмоционал ҳолатларини тадқиқ этиш, раҳбарнинг психологик муҳитини таъминлаш билан боғлиқ фаолият услуги ва унинг механизмларини тадқиқ қилиш бошқарув психологиясининг предмети дир». Бундан ташқари мазкур психология соҳасининг предмети таркибига амалий ва назарий кўникмаларни эгаллаш хусусиятлари, идора қилишнинг қонуниятлари, жамоадаги психологик мослик, жипсликни таъминловчи омиллар ва механизмларни ўрганиш сингари бир қатор муаммоларни киритса бўлади. Шу боисдан бошқарув психологияси предмети чеклаш, унинг бирламчи ва иккиламчи атамалари асосий ва ёрдамчи, бевосита ва билвосита йўллари ҳамда воситалари юзасидан мулоҳаза юритиш режалаштирилган ғоя ёки мақсадни амалга ошириш жараёнга сунъий тўсиқ вужудга келтиради.

Бошқарув психологиясининг асосий мақсади – бўлғуси ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий психологиянинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланган бошқарув психологиясига доир билимлар тизими (системаси) билан қуроллантириш, ўзлаштирилган амалий кўникмаларни амалий фаолиятига татбиқ қилишга ўргатишдан иборатдир.

Бошқарув психологиясининг вазифалари:

1) тингловчиларда ички ишлар органларида бошқарувнинг механизмлари, қонуниятлари, иш услуби, идора қилиш маҳорати, муомала санъати, мароми, мулоқотга киришиш, шахслараро (гуруҳлараро) алоқа ўрнатиш хусусияти тўғрисида билимларни эгаллашга эришиш;

2) бошқарув психологияси масалалари, муаммоларни ишлаб чиқаришга нисбатан тингловчиларда қизиқиш уйғотиш, касбий маҳоратини шакллантириш, назарий билимларни амалий фаолиятга қўллаш малакаларини шакллантиришдан иборатдир. Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бошқарувда замонавий психологик билимларни эгаллаш учун уларга умумий психология, ижтимоий психология, тараққиёт психологияси, жамоа психологияси, муомала психологияси, кичик гуруҳлар психологиясига оид билимларни ўзлаштириш ҳамда улардан касбий фаолиятларида унумли фойдаланиш, муайян мўлжалга (ориентирга) эга бўлиш тақозо этилади.

Бошқарув психологияси асосларини пухта эгаллаш орқалигина ҳар бир раҳбарда юксак ҳис-туйғулар, меҳнатга ижобий муносабат, ижтимоий фаоллик, комфорт ҳисларини шакллантириш мумкин.

2-§. ИИО фаолиятида бошқарув психологияси фанининг илмий тадқиқот усуллари

Биринчи Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Раҳбар одам бошқаларга нисбатан узоқроқни кўриши керак. У нафақат бугунни, балки, эртанги кунни аниқ тасаввур этиб ишлаши, келажакнинг ташвиши билан яшаши зарур. Ҳали кўзга ташланмаган муаммоларни сезиши, кўра билиши керак. Раҳбар унга ишонган одамларни атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисалардан, эртага у қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан огоҳ этиб бориши лозим»⁴⁰.

Ички ишлар органларида бошқарув бевосита инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ва жамоа олдида қўйилган мақсадларни амалга оширишда энг аввало фаолиятни ва унинг натижаларини

⁴⁰ Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз // Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т.8. – Т., 2000. – Б.357-403.

башорат қилиш ва қилинадиган ишларни режалаштириш билан боғлиқ.

Бошқарувда башорат – бу мақсадга эришиш учун фаолиятда барча усул ва услублардан фойдаланиш ҳамда шу орқали ижобий ёки салбий натижаларни юзага келишини олдиндан билишдир.

Ички ишлар органлари бошқарув тизимида инсон омилини ўрганишда қуйидаги методлардан фойдаланилади:

1. *Ҳужжатларни таҳлил қилиш методи;*
2. *Қўл остидаги ходимларнинг биографиясини ўрганиш методи;*
3. *Раҳбарнинг иш шароитини баён қилиш (ифодалаб бериш) методи;*
4. *Хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатни кузатиш ҳамда қайд қилиш методи;*
5. *Воқелик ва ҳодисани оқилона ҳал этиш методи;*
6. *Инсон психикасини ўрганишда ундаги функционал ҳолатларни (физиологик функцияларни) қайд қилиш методи;*
7. *Индивидуал суҳбат методи;*
8. *Интервью;*
9. *Ўзига ўзи ҳисобот бериш методи;*
10. *Анкета методи;*
11. *Эксперт баҳолаш методи;*
12. *Фаолият маҳсулини таҳлил қилиш методи;*
13. *Эксперимент методи;*
14. *Психологик портрет яратиш (сўз ёрдами билан чизиш) методи;*
15. *Шаҳодатлаш (аттестациялаш) методи.*

Ҳужжатларни таҳлил қилиш методи – жамоа ҳужжатларни алоҳида таҳлил қилиш орқали раҳбар ёки ходимнинг касбига, фаолиятига нисбатан муносабатини, масъулияти ҳиссини аниқлашга имкон беради.

Алоҳида олинган ҳужжатнинг ташқи кўриниши, тузилиши, мазмуни, моҳияти, яъни унинг шаклий томони ва ички моҳияти сиртдан кузатувчи учун муайян тассурот қолдирса, унда ҳаяжон, қониқиш ҳиссини вужудга келтирса, демакки илиқ баҳолаш тенденцияси туғилганлигидан далолат беради. Агар ҳар бир ҳужжат унга юклатилган функцияни акс эттирган бўлса, бинобарин, у мақсадга мувофиқ яратилганлигини аниқлатади.

Ҳужжатларнинг тадрижий, изчил, иерархик равишда тузилганлиги, зарур маълумотларни ундан олиш имконияти мавжудлиги юзасидан муайян қарорга келиш уларнинг тузувчилари тўғрисида илмий психологик таассурот олиш, хулоса чиқаришга пухта асос яратади. Жумладан, қуйидаги маълумотларни олиш мумкин:

1) раҳбар ёки унинг қўл остидаги ходимнинг биринчи навбатда фаолиятга нисбатан масъулият ҳисси шаклланганлигини билдиради;

2) уларнинг у ёки бу нарсага нисбатан майли, интилиши, қобилияти мавжуд эканлигини англатади;

3) юксак ҳис-туйғулар, нафосат кечинмалари таркиб топганлигидан далолат беради;

4) маълумотга бойлиги раҳбар ходимнинг савияси, дунёқараши, эътиқоди юзасидан таъсирот олишга имкон туғдиради;

5) ҳар қайси ахборот ёки маълумотнинг батартиблилиги мантиқий юксакликни акс эттиради;

6) ҳужжатларни ўз ўрнида сақланиши, уларга нисбатан эътиборлилик мобилизацион қобилият мавжудлигига кафолатдир.

Қўл остидаги ходимларнинг биографиясини ўрганиш методи – одатда биографик маълумотларни таҳлил қилиш орқали шахснинг психологик жиҳатлари ўрганилади. Маълумотлар асосида раҳбар ўз қўл остидаги тобе ходимлар, кичик бўғиндаги раҳбарлар юзасидан ғоялар банкини тузади. Уларга асосланган ҳолда резерв раҳбарлар рўйхатини тузиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш ишлари йўлга қўйиши мумкин.

Раҳбарнинг иш шароитини баён қилиш (ифодалаб бериш) методи – ушбу метод асосида раҳбарнинг жамоага, касбий фаолиятига, қўл остидаги ходимларига нисбатан ҳис-туйғулари, кечинмалари тўғрисида муайян психологик материал тўплашга шароит яратиб беради ва муайян хулоса чиқаришга замин ҳозирлайди:

1) раҳбарнинг касбига нисбатан ички муносабати, ғурури, фахр туйғусининг қатъий эканлиги унинг овоз тони, суръати, жарангдорлигида ифодаланади;

2) раҳбар мулоҳазаларида ишонч, истиқболга нисбатан эзгу ният аломатлари акс этиб турса, у ҳолда меҳнати ёки фаолиятидан қониқиш ҳисси мавжудлигини билдиради;

3) практик ҳислар (меҳнатдан лаззатланиш) фақат раҳбарга,

яъни эгосубъектга эгоцентристик муносабатни акс эттирмаслиги лозим, чунки жамоадаги психологик муҳит якка раҳбар шахси билан чекланмаслиги шарт ва ҳоказо.

Хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатни кузатиш ҳамда қайд қилиш методи – ушбу метод орқали қўл остидаги ходимларнинг касбий фаолияти, шахслараро муносабат жараёнида ташқи ва ички кўринишдаги хатти-ҳаракати хоҳ у вербал, хоҳ новербал ифодаланиши таҳлил қилинади ва қайд этиш манбаида белгиланиши лозим.

Эмпирик методлардан ташқари раҳбар қўл остидаги ходимлар психологиясини ўрганиши аниқ аппаратлар ёрдами билан амалга оширилади, улар одатда *хронометрик аппаратлар* деб номланади. Бунда ходимнинг психик жараёнлари, индивидуал-психологик хусусиятлари, эмоционал-иродавий ҳолатларини ўрганиш асосида унинг касбга яроқлилиги аниқланади.

Бошқарув психологиясининг методлар қаторига **воқелик ва ҳодисани оқилона ҳал этиш методи** киради: фотоаппарат, киноаппарат, видеокамера, магнитофон.

а) фотоаппарат орқали турли хил вазиятлар, шасхлараро муносабатлар, алоҳида шахснинг тимсоли, иш жойининг суръати, умумий пейзаж акс эттирилади. Худди шу боис объектив ҳолат фото объективда ўз ифодасини топади. Олинган воқеликнинг акси ўзини аниқлик даражаси билан муҳим аҳамият касб этади. Лекин тасвир ҳаркатсиз бўлганлиги туфайли «жонли», «вазиятбоп», такроран акс эттириш имконияти йўқ. Воқеликнинг ёрқин тасвири психологик омил тариқасида илмий материал ролини ўйнайди;

б) киноаппарат ва видеокамера ўзининг қамрови кенглиги, жонли ҳаракатлар мажмуаси эканлиги билан фактик аҳамият касб этади. Натижада раҳбар кадр ва ходимларнинг ҳар хил вазиятлардаги кўриниши, иш устидаги ҳолати, бўш вақтини тақсимлаш, ҳордиқ чиқариш ва бошқа ижтимоий ҳодисаларни ёритиб бериш тўғрисида маълумотлар тўплаш ҳамда умумлаштириш имконияти туғилади. Тасвирнинг алоҳида элементларини таҳлил қилиш орқали психологик материаллар йиғиш мумкин;

в) магнитофон тасмасига ёзиб олинган вербал муносабатларнинг ифодаси фактик материал сифатида воқелик моҳиятини очиш учун хизмат қилади. Бунда шахслараро муносабатнинг суръати, ритмикаси, частотаси, вокал ҳолати аниқ

акс этган бўлади. Одамларни ўрганиш, сонлардан хабардор бўлиш, ўзаро таъсир ўтказишни аниқлаш, шунингдек, психологик муҳит юзасидан маълумот олиш магнитофон ёрдами билан амалга оширилади.

Инсон психикасини ўрганишда ундаги функционал ҳолатларни (физиологик функцияларни) қайд қилиш методи – куйидаги аппаратлар ёрдами билан амалга оширилади: томир уриш, ҳарорат ўлчаш, қон босими, тери галваник реакция, электромиограмма, ЭЭГ ва бошқалар. Раҳбар кадр ва ходим физиологик ҳолатларини текшириш жараёнида уларнинг психологик хусусиятлари ва ўзгариши юзасидан маълумотлар олиш, уларни умумлаштириш ҳамда муайян даражада хулосага келиш имконияти туғилади.

Олинган маълумотлар ҳам нормал, ҳам патологик ҳолатлар юзасидан мулоҳаза юритишга асос бўлади. Шунингдек, уларнинг касбий лаёқати, касбий яроқчилигини ташхис қилиш учун материаллар тўплашга шароит яратади. Инсоннинг саломатлиги, ишчанлиги, реакцияларга ҳозир жавоблиги, имконияти тўғрисида муайян материал йиғиш ва уни психологик жиҳатдан таҳлил этиш шахс омилини аниқлашда муҳим роль ўйнайди.

Индивидуал суҳбат методи – вазият, шароит, муҳит омилларидан келиб чиққан ҳолда ходим билан суҳбатлашиш унинг айрим психологик хусусиятларини ўрганишга имкон яратади. Суҳбат муайян мавзу, муддат, мақсад, вазифа, тайёрланган саволлар тизими каби таркибларга асосланган ҳолда амалга оширилиши мўлжалланади. Суҳбатни амалга оширишда икки хил вариантни қўллаш назарда тутилади: стандарт ҳолда тор маънодаги мавзу бўйича фикр алмашиш эвазига шахснинг айрим психологик хусусияти, фазилати тўғрисида маълумот олиш мумкин; ностандарт, яъни кенг кўлдамдаги ҳодисалар юзасидан мулоҳазалар юритиш, мушоҳада қилиш туфайли ходимни психологик жиҳатидан ўрганиш. Биринчи вариантда чекланган мавзу атрофида фикр юритиш орқали чуқурроқ маълумот олиш имконияти мавжуд, чунки диққат-эътибор фақат ягона объектга йўналтирилган бўлади. Ҳудди шу боис шахс тузилмасига кирувчи айрим маълумотлар тўлароқ акс этади, лекин ходимнинг яхлит психологик портретини яратиш имкониятига эга бўлмайди. Иккинчи вариант ҳар хил мавзулар юзасидан фикр алмашиш орқали ходимнинг савияси, дунёқараши,

характер хислати, фикр юритиш хусусияти ва нутқий қобилияти бўйича психологик маълумот олинади. Унинг касбий тайёргарлиги, шахслараро муносабати, юксак туйғулари юзасидан материал йиғишда индивидуал суҳбат муҳим аҳамият касб этади.

Интервью – ижтимоий психологиянинг энг оммалашган методи ҳисобланиб, у ўз навбатида стандарт ва ностандарт турларига ажратилади. Ҳар икки турдан фарқли ўлароқ унинг модификацияси мавжуд бўлиб, вазиятни ва шахсий фикрни аниқлашга йўналтирилганлиги билан бошқаларидан тафовутланиб туради.

Интервью маълумотлари магнитофон тасмасига, текширувчи қайд қилиш дафтарига мужассамлаштирилади. Энг муҳим томони шундаки, интервьюни такроран таҳлил қилиш, унинг ичидан зарур аломатларни ажратиб олиш имконияти мавжуддир. Хуллас, вазият ва шахсий мустақил фикрлашни текширишда, уларга муайян жавоб топишда интервью методи муҳим роль ўйнайди.

Ўзига ўзи ҳисобот бериш методи – турли хусусиятли инсон омилини очишга хизмат қилади. Ходимнинг ўзига ўзи ҳисобот бериши бир неча вазиятларни қамраб олади, биринчидан, бўлиб ўтган воқеликларга ижобий ёки салбий муносабатини билдириш, иккинчидан, баҳолаш жараёнидаги интернал ва экстернал назорат функциясини роли, учинчидан, хатоларни келтириб чиқарувчи сабабларини аниқлаш, тўртинчидан, нуқсонларнинг олдини олиш ҳақидаги мулоҳазалар, бешинчидан, фаолият, муомала, хулқ-атвор самарадорлигини ошириш юзасидан ўй-фикрлар ва ҳоказо.

Анкета методи – очиқ, ёпиқ ва шкала шакллардан ташкил топган бўлиб, сиртдан баҳо бериш, муносабат билдириш, хоҳишни акс эттириш каби психологик мезонлар ёрдамида турли хусусиятдаги эмпирик материалларни тўплаш имконини беради. Анкета ўзининг хусусиятига биноан текширилувчилардан рўй-рост фикр билдиришни, баъзан номсиз (шахснинг исми, шарифсиз) ахборот узатишни тақозо этганлиги туфайли объективроқ маълумот олиш имконини яратади.

Эксперт баҳолаш методи – раҳбар ёки ходимнинг фаолияти, шахсиятига бериладиган ташқи баҳо ҳамкасабалари, ёрдамчилари, қўл остидаги ходимлари, жамоатчилик томонидан амалга оширилади. Эксперт баҳолашнинг муҳим томони шундан иборатки, аксарият ҳолларда мазкур жараён объективлик хусусиятига эга

бўлади. Эксперт баҳолаш методини қўллаш орқали раҳбар кадр ёки хизматчилар тўғрисида муайян даражада маълумотлар тўплаш имконияти туғилади ва уларнинг асосида психологик тавсиф яратилиши мумкин. Шу билан бирга, инсонларда учрайдиган нуқсонларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этишга замин ҳозирланади.

Фаолият маҳсулини таҳлил қилиш методи – индивидуал, гуруҳий ва жамоавий шаклда олиб борилиши мумкин. Фаолият маҳсулининг ҳар қайси алоҳида таҳлил қилинса ва баҳоланса унинг аниқлик кўрсаткичи юқори бўлади. Алоҳида раҳбар ёки ходим фаолиятига берилган баҳо умумлаштирилиши орқали яхлит шахснинг психологик портрети ёки тимсоли (тасвири, образи) вужудга келади. Умумлашган тавсифлар мажмуаси шахс тўғрисида маълум маълумотлар олишига шароит туғдиради.

Эксперимент методи – иккита асосий тури фарқланади: лаборатория эксперименти ва табиий эксперимент.

Лаборатория экспериментининг характерли белгиси фақат унинг лаборатория шароитларида махсус психологик асбоб ускуналар ёрдамида ўтказишларида ва синалувчиларнинг хатти-ҳаракатлари йўл-йўриққа биноан содир бўлиши билангина эмас, балки синалаётганини биладиган синалувчи (гарчи одатда, синалаётган киши экспериментнинг моҳияти нималардан иборатлигини, конкрет нимани ва нима мақсадда тадқиқ қилишаётганини билмас ҳам) кишининг муносабати билан ҳам белгиланади. Лаборатория эксперименти ёрдамида диққатнинг хоссаларини, идрок ва хотира, сезги чегараларини ва бошқаларнинг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ қилиш мумкин.

Лаборатория шароитида тестлар, ишбилармонлик ўйинлар, бошқатирма топшириқлар ва бошқа тадқиқот шакллари ёрдами билан инсоний билиш жараёнлари, индивидуал-типологик хусусиятлари, фаолият, хулқ, муомала сифатлари ўрганилади. Бунда проектив методикалар, расмли тестлар, тугалланмаган гап, ижодий (креатив) фикрлаш каби бир қатор портатив методларни иштирокчиларда синаб кўриш ижобий натижалар беради.

Лаборатория шароитида сезги, идрок, хотира, тафаккур жараёнларини, шахснинг индивидуал-типологик хусусиятларини, асаб тизимини, физиологик механизмларни аниқ электрон асбоблар ёрдами билан ўлчаш мумкин. Бундан ташқари, касбий мойиллик,

касбий лаёқат, касбий яроғлилик ҳам асбоблар билан аниқ ва такроран ўлчаш имкониятига эга.

Табиий эксперимент (биринчи марта 1910 йилда А.Ф.Лазурский таклиф этган) мўлжалланганига кўра, эксперимент ўтказилаётганини биладиган синалувчида ҳосил бўладиган зўриқишга йўл қўймаслиги ва тадқиқотни одатдаги, табиий шароитларга (дарс, суҳбат, ўйин, уй вазифаларини бажариш ва бошқалар) кўчириши лозим.

Табиий эксперимент методидан фойдаланиш алоҳида аҳамият касб этади. Умумий психология фанида қўлланиладиган табиий эксперимент методи менежер фаолияти ва муомала жараёни кечишининг объектив тарзда баҳолаш учун хизмат қилади. Умумий тамоилларга биноан кузатилувчи, ўрганилувчи, текширилувчи одамлар тажриба вазиятидан беҳабар бўлишлиги лозим, акс ҳолда унинг ҳолисоналиги пасаяди, самарадорлиги кўрсаткич қиймати эса қадрсизланиб боради.

Раҳбар ёки ходим фаолияти кечишининг (иш бошидан то охиригача) маълум мақсад, муайян босқичларнинг рўёбга чиқишига асосланган ҳолда текширилиши унинг ишга муносабати (фаоллиги, серғайратлиги, қатъиятлиги, уюшқоқлиги, масъулиятлиги, жиддийлиги, режалилиги, собитқадамлилиги, мақсадга йўналганлиги, меҳнатсеварлиги ва ҳоказо), иш ўрни, қуроли, режаси, яққоллиги (кундалиги ёки истиқболлиги) кўрсаткичига эҳтиёж сезиш етукликдан далолат беради. Ҳар кунги график бўйича меҳнат фаолиятини ташкил қилиш ва уни бошқариш муайян даражада қайд қилиб бориш орқали шахснинг хусусиятлари, иш услуби, касбий кўникма ва малакалари бўйича маълумот олинади. Шунингдек, вақтни идрок қилиш, ахборотларни хотирада сақлаш, фикр юритиш, фаҳм-фаросат, вербал ва новербал нутқдан фойдаланиш ва уни қўллаш технологияси, иш юритиш тактикаси, инсон техника муносабатини рўёбга чиқариш суръати, тембри, частотаси бўйича психологик маълумотлар тўпланади. Маълумотларни тўплаш ва уларни сифат, миқдор жиҳатидан таҳлил қилиш табиий шароитда кечган фаолиятнинг ўзига хослиги ҳамда уни амалга оширувчи шахснинг фазилатлари, мотивацион эмоционал, иродавий, когнитив, регулятив хусусиятлари аниқланади. Уларни (маълумотларни) умумлаштириш натижасида инсоннинг психологик тасвири, ички кечинмалари илмий мезонлар ёрдамида яҳлит ҳолга келтирилади.

Шахслараро ёки гуруҳлараро муносабат хусусиятини текширишда муомалага киришиш ва унинг табиий шароитда кечишини кузатиш, вазият ва унинг ечимини топиш, ўзига хос равишда омиллар ҳаракатланувини қайд қилиш мақсадга мувофиқ. муомаланинг коммуникатив, интерактив, перцептив таркиблари юзасидан маълумотлилик (билимга эгаллик) мулоқот моҳияти, шакли, мароми, функцияси, вазияти, муаммоси ва унинг ечимини топишда шериклар (муомаладошлар) нинг ҳуқуқий тенглиги муомала барқарорлигини таъминлайди. Муомаладошини ҳурмат қилиш, унинг имкониятини объектив баҳолаш, эркин самимий фикр алмашиш, бири иккинчисига камроқ таъсир ўтказиш натижасида ўзаро тортилганлик ҳолати юзага келади. Муомаланинг барқарорлиги, узлуксизлиги, кўтаринкилиги, шерикларнинг (мулоқотга киришувчиларнинг) бир-бирини тушунувига ва ўзаро қабул қилувчанлигига боғлиқ. Муомаланинг кечишига унинг функцияларини тўғри амалга ошиш шароити билан тавсифланади. Муомаланинг ташқи (экстернал) ва ички (интернал) ифодаси менежер билан ходим ўртасидаги фикр алмашув мулоқотдошларнинг нутқи қобилияти, таъсир ўтказиш имконияти, касбий назокати, хулқ-атвори, фикрлаш даражаси, инсонни инсон томонидан идрок қилишнинг одиллиги, оқиллиги тўғрисида психологик маълумотлар тўпланади. Мазкур маълумотлар ишончлилиги текширув ёки эксперимент жараёнининг табиий равишда кечишида ўз ифодасини топади. Фикр узатиш ва уни қабул қилиш кезида ўзаро назокатлиликка риоя қилишлик ва ўзаро тушунув, ўзаро ҳурмат, ўзаро симпатия, ҳатто эмпатия туйғулари мавжудлигидан далолат беради.

Муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва унинг ечимини топиш методи синалувчининг ақл-заковати кўрсаткичи, ижодий изланиши, ақлнинг чуқурлиги, теранлиги, маҳсулдорлиги, тезлиги, ҳиссий кечинмаларини идора эта олиш имконияти, шахснинг интервертлиги экстравертлиги хусусиятлари, хавотирланиш (безовталаниш) даражаси юзасидан ҳам назарий, ҳам амалий материаллар йиғишга мўлжалланган. Одатда муаммоли вазиятни табиий шароитда яратиш муайян босқичлар орқали ечимини топиш туфайли амалийлигини барқарорлаштиради:

- а) муомма моҳиятига кириш;
- б) муаммо ечимини излаш учун воситалар, йўллар танлаш;

- в) сараланган усуллар, воситалар ва йўллари татбиқ этиш;
- г) ечимнинг тўғрилигини текшириш.

Психологик портрет яратиш (сўз ёрдами билан чизиш)

методи – раҳбар ёки мутахассиснинг психологик портрети тўғрисида маълумотга эга бўлиш, шахсий тавсифнома ёзиш, лавозимга лойиқликлигини баҳолаш, умумий рухий муҳитни аниқлаш, шахслараро муносабат мароми юзасидан мезоний маълумотларни умумлаштириш учун амалий аҳамият касб этади. Айнан унинг негизида шахснинг психологик портрети яратилади. Ушбу яралиш жараёни оғзаки (сўзлар узатилиши ёки қабул қилиниши орқали) ва ёзма (муайян одам тўғрисида хужжат, очерк, тавсифнома ва ҳоказо) тарзда ифодаланади. психологик портретнинг оғзаки ва ёзма шакли билан танишиш орқали у ёки бу тарздаги таассуротлар, кечинмалар, хайрихоҳлик, самимият, антипатия, фахр туйғуларини вужудга келтиради.

Раҳбар ёки ходим фаолияти юзасидан билдирилган мулоҳазалар уларнинг психологик портретини ҳосил қилади ва тахминий баҳолашга имкон туғдиради ҳамда шахслараро муносабат маромини аниқлашга хизмат қилади. Тасаввур образлари, умумлашма образлар, авторитар муносабат психологик портрет негизида шаклланиши мумкин.

Шаҳодатлаш (аттестациялаш) методи – раҳбар ёки ходимнинг шу касбга (лавозимга) лойиқлиги ёки нолайиқлиги тўғрисида қатъий баҳолаш тизимини вужудга келтиради. Аксарият ҳолларда унинг психологик хусусиятлари, шахсий хислатлари, индивидуал-типологик сифатлари, иродавий фазилатлари, ҳистуйғулари, билимдонлиги, интеллектуал даражаси, кенг қўламдаги қобилиятлари, дунёқараши, иймон, эътиқодининг шаклланганлик даражаси аниқланади ва баҳоланади. Бунинг учун махсус тестлар, экспериментал текшириш, сўровнома, муаммоли вазият, савол-жавоб ва бошқа тадқиқот методлари қўлланилади. Олинган натижалар текширилувчининг яхлит психологик баркамоллигига оид мезонларга муносиб бўлса, у тақдирда шаҳодатлаш жараёни амалга оширилиши мумкин.

Психология фанида шаҳодатлашнинг бир неча туркумлари мавжуд ва қўлланиладиган методикалар ҳам ранг-баранг бўлиши назарда тутилади. Улардан биттаси раҳбар ёки ходимнинг мотивацион, эмоционал, когнитив, иродавий, регулятив соҳаларини

ўрганиш орқали шаҳодатлаш. Касбий фаолияти тизимини пухта эгаллашга нисбатан баҳолаш мезони ҳам шаҳодатлашга имкон беради. Раҳбар ёки ходимни шаҳодатлаш жараёнида шахсий текширилиш натижаси билан эксперт баҳосини уйғунлаштирилса мақсадга бўлади.

3-§. ИИО фаолиятида бошқарув психологияси фанининг функциялари

Ички ишлар органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуни талаблари асосида ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солинади. Ушбу қонунга кўра, ички ишлар органларининг асосий вазифалари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкани, конституциявий тузумни ҳимоя қилишдан, шахс, жамият ва давлатнинг хавфсизлигини таъминлашдан, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактикасида иборат.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда нафақат юридик фанлар, балки шахсларнинг ички руҳий ҳолати, ҳиссий кечинмаларини ва шахсий фазилатларини билиш учун психологик билимлар ҳам керак бўлади. Бу эса ҳар бир раҳбарнинг бошқарув фаолиятида психология илмининг сир-асрорларидан хабардор бўлиш ва шу асосда қонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов: «Психология фани биз учун энг зарур соҳалардан бири. Психологияни ўрганиш – ҳаётни, инсонни ўрганиш дегани. Керак бўлса, раҳбарлик қилмоқчи экансиз, етакчи бўлиб, одамларга кўрсатма бермоқчи экансиз, олдин уларнинг психологиясини ҳар томонлама ўрганиш керак»⁴¹, – деган эди.

Шу маънода, бошқарув психологиясининг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуни, ҳукумат қонунлари, ИИВнинг буйруқ ва кўрсатмалари ҳамда замонавий психологияга оид назарий ва амалий билимлар ташкил этади.

⁴¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрият. Т.14. – Т., 2006. – Б.121-122.

Ички ишлар органлари фаолияти психологияси, ўз моҳиятига кўра, ижтимоий психология фани таркибига қиради.

Ички ишлар органлари фаолияти психологияси – ҳамкорлик фаолиятида шахсинг хулқи ва онгига гуруҳий (оммавий) таъсир ўтказишнинг психологик хусусиятларини, раҳбар билан қўл остидаги ходим ўртасидаги муомала маромини текшириш, шахслараро муносабатлар босқичлари (шакллари) ҳамда эмоционал ҳолатларини тадқиқ этиш, раҳбарнинг психологик муҳитини таъминлаш билан боғлиқ фаолият услуги ва унинг механизмларини ўрганади.

Бошқарув психологияси умумий психология фанининг бошқа соҳалари билан узвий боғлиқликда ўзи тўплаган маълумотларини чуқур ва атрофлича илмий жиҳатдан оқилона, омилкорлик билан таҳлил қилиш имкониятига эга бўлди. Умумий психология, социал психология, меҳнат психологияси, муҳандислик психологияси, ёш психологияси, кичик гуруҳ психологияси, муомала психологияси сингари соҳалар билан жипс алоқа қилган ҳолда психологик ҳолатлар, муносабатлар, оммавий ҳаракатлар, шахсга таъсир ўтказиш бўйича ўзини ўзи, гуруҳни ва жамоани бошқариш, унда психологик илиқ муҳитни таъминлаш, ҳамкорлик фаолиятининг самарадорлигини ошириш, шахслараро муносабатларнинг юксак даражасини вужудга келтириш, низоли, зиддиятли, можароли ижтимоий вазиятларнинг олдини олиш имконияти туғилади.

Ана шу сабабдан бошқарув психологияси учун умумий психология соҳасида эришилган ютуқлар, тўпланган назарий ва амалий маълумотлар, физиологик ва психофизиологик механизмлар, қонуниятлар ҳамда ўзгаришни вужудга келтирувчи, ҳаракатлантирувчи кучлар, ижтимоий-тарихий омиллар, мураккаб ички ва ташқи боғланишлар, такомиллашиш босқичлари (йўллари, воситалари, шакллари, бетакрорлиги, ўзига хослиги), шахсинг онтогенетик хусусиятлари ва уларни келтириб чиқарувчи манбалар, сабаблар, ҳамкорликнинг таркибий қисмлари тўғрисидаги илмий, амалий ахборотлар мажмуаси муҳим аҳамият каст этади. Шунинг билан бирга инсоннинг ички регулятив функциялари (мотив, мотивация, ҳис-туйғу, мураккаб кечинмалар, англашилган ҳолатлар), билиш жараёнлари (сезги, идрок, тасаввер, хотира, тафаккур, ҳаёл, ижодиёт, интеллект), онгнинг такомиллашуви, шахслараро муносабатнинг манбалари (диққат, нутқ), шахсинг

индивидуал-топологик, яъни биологик шартлашган хусусиятлари, камолот босқичлари ва уларга таъсир этувчи ирсий белгилар, ижтимоий муҳит, ички руҳий захира ва имкониятни руёбга чиқариш, ижтимоий фаоллик ҳамда мустақиллик муаммоларига, асосларига, маълумотларга суяниш ўз навбатида бошқарувни мақсадга мувофиқ амалга оширишни таъминлайди.

Бошқариш жараёнида вақтдан самарали фойдаланиш бугунги кун талабларидан биридир. **Вақт** – бу тўхтатиб бўлмайдиган жараён ҳисобланади. Вақтдан самарали фойдаланган шахсинг ишида унум, барака бўлади. Вақтни бошқариш тушунчаси бу инсоннинг ўзини ўзи бошқариши бўлиб қолмасдан, балки жамоани, оилани бошқариш демакдир. Вақтдан унумли фойдаланиш мажлисбозликдан, қоғозбозликдан ва фойдасиз ишлардан холи бўлиш демакдир.

Бошқарув назарияси ва методологиясида раҳбарнинг муомаласи энг асосий категориялардан биридир. Муомаланинг энг муҳим таркибий қисми – мулоқот ҳисобланади.

Ички ишлар органларида бошқарув функциясини ёритишда объект-субъект муносабатлари тизимини ташкил этишга, улар эса узлуксиз равишда ўзаро таъсирга эга бўлиши кўлами муҳитини қарор топтиришга оид тизимлар ўртасидаги алоқа доимий равишда мувофиқлаштириб туришни талаб қилишга тўхталиш мақсадга муовофиқ.

Ички ишлар органларида бошқарувида объекти ва субъект муносабатлари

Бошқарув объекти

Бошқарув субъекти

Бошқарувга оид тизим
Ходимлар, ижрочилар, мутахассислар

Раҳбар шахси
Бошқарувни амалга оширувчилар

Айнан мана шу мувофиқлаштириб туриш бошқарув функциясининг асосини ташкил этади ва унда у ёки бу объектни идора қилишга оид аниқ вазифалар бўйича чора-тадбирлар мажмуаси ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. *Бошқарув* – бу жараён сифатида ўзининг функцияларида намоён бўлади. Шу ўринда «функция» – лотинча (ижро қилмоқ, бажармоқ) сўзидан

олинган бўлиб, бирон ходимнинг иш фаолият доираси ва вазифаси деган маъноларни билдиради.

Бошқарув фаолиятида бошқарув субъектининг вазифаси психологик, ижтимоий психологик нуқтаи назаридан муайян объектга нисбатан аниқ таъсир этиш йўналишларини акс эттиришдан иборатдир.

Бошқарув функциялари – кўп қиррали ва мураккаб тушунча бўлиб, уларни муҳим белгиларга кўра туркумларга ажратиб ўрганиш мазкур фаннинг вазифаси эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилади.

Бугун бир бошқарув жараёнининг самарадорлигини ошириш учун бошқарувда психологик функцияларнинг моҳияти, туркумланиши ва тизимини изчил равишда тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда бошқарувнинг иккита *асосий функцияси* фарқланади: *мақсадга йўналтирувчи ва ташкилий функциялар*.

Мақсадга йўналтирувчи функция ички ишлар органларини янада такомиллаштиришга қаратилади. *Ташкилий функция* эса ички тартиб-қоида ва ҳамкорликдаги фаолиятда ўзаро мувофиқликни таъминлайди.

Мақсадга йўналтирувчи функцияни амалга оширишда натижани олдиндан башорат қилиш, мақсад сари фаолиятни режалаштириш ва амалга ошириш мотивациялари киради ҳамда ташкилий функциялар орқали таъминланади.

Мақсадга йўналтирувчи функция жамоани маълум мақсадга олиб боровчи вазифаларни мужассамлаштиради. Ташкилий функция эса жамоанинг турли бўлим ва бўлинмаларидаги мавжуд имкониятлардан оптимал даражада фойдаланишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2017 йил 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида инсон манфаатлари билан боғлиқ масалаларни кечиктирмасдан ҳал қилиш лозим бўлган бугунги кунда эскича фикрлаш, ишни эски «қолип»лар асосида ташкил қилиш, ўз бурчини элга хизмат тамойилига асосланиб эмас, балки шахсий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда бажариш каби амалиётлар давом этаётганлигини таъкидлаб ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши, муаммоларни кабинетда ўтириб эмас, балки халқ орасида юриб аниқлашга ва уларнинг ечимини топишга қаратиш, якуний натижа учун раҳбарларнинг шахсий жавобгарлигини ошириш, фуқаролар муурожаатларини қисқа муддатларда ҳал қилиш, ишда аниқ тартиб ва қатъий интизом ўрнатиш, соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш, ишдаги ҳар қандай салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва бундай иллатлар илдизини қуритиш – ички ишлар органларининг устувор вазифаси эканини алоҳида таъкидлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, раҳбарнинг бутун бошқарув тизимида етакчи ўрин эгаллаши, бир томондан, қўйилган вазифаларни амалга оширишда масъулиятни ўз бўйнига олиш зарурати, иккинчидан эса қўл остидаги ходимларнинг раҳбарга бўлган ишонч ва умидлари билан асосланади. Тажрибаларнинг кўрсатишича, айнан шу иккинчи омил ходимларда ўзига хос хусусиятга эга, раҳбар шахсида нуфузли, билимли ва тўла-тўқис инсонни кўришни хоҳлайди. Бунинг учун эса раҳбар ички ишлар органлари бошқарув тизимида инсон омилини билиши ва замонавий психологик билимларни эгаллаган бўлиши ҳамда қўл остидаги ходимларга психологик таъсир ўтказа олиши керак.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Ички ишлар органлари фаолиятида бошқарув психологияси фанининг предмети, мақсад ва вазифаларини тушунтириб беринг.
2. Ички ишлар органлари жамоасида ижтимоий-психологик муҳитнинг ўзига хослигини изоҳлаб беринг.
3. Бошқариш назариясининг психологик жиҳатларини айтиб беринг.
4. Ички ишлар органлари фаолиятида бошқарув психологияси фанининг функциялари нималардан иборат?
5. Ички ишлар органлари бошқарувида объект ва субъект муносабатларини изоҳлаб беринг.
6. Мақсадга йўналтирувчи ва ташкилий функциялар ҳақида тушунча беринг.

20-мавзу. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЖАМОАСИНИ БОШҚАРИШДА ПСИХОЛОГИК БИЛИМЛАРНИНГ ЎРНИ

1-§. Ички ишлар органлари жамоасида ижтимоий-психологик муҳитнинг ўзига хослиги

Жамоа – мақсад, қизиқиш ва фаолият муштараклиги асосида бир жойга бирлашган ва муайян барқарорликка эга бўлган кишилар уюшмасидир.

Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат жамоалари деб давлат ҳокимияти томонидан фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини, хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни очиш мақсадида ихтиёрий-мажбурий равишда ташкил этилган бошқаришнинг яқка бошчилик принципига қатъий амал қиладиган катта ёки кичик гуруҳларга (бўлинма, бўлим, бошқармаларга) айтилади. Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат жамоаларини уларнинг иш фаолиятига қараб қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

- жиноят қидирув;
- уюшган жиноятчиликка қарши кураш;
- тергов;
- жамоат тартибини сақлаш;
- жиноятларнинг олдини олиш;
- миграция ва фуқароликни расмийлаштириш;
- навбатчилик қисми;
- пост-патруль ва бошқалар.

Ички ишлар органлари ходимлари *хизмат жамоаларининг ҳам ўзига хос белгилари* ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир⁴²:

1. *Мақсад бирлиги* – хизмат жамоасининг асосий белгиси. У жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда хизмат жамоасининг асосий мақсадини ва шу мақсадни амалга ошириш учун одамларга ўз атрофида бирлашишини билдиради. Ички ишлар органларидаги хизмат жамоаларининг асосий мақсади - жиноятчиликнинг олдини олиш ва уни тугатиш асосида фуқароларнинг тинч-тотув яшашини

⁴² *Муҳаммадиев Н.Э.* Ички ишлар идоралари ходимларининг касб этикаси ва эстетик маданияти. – Т., 2014.

таъминлаб, келгусида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилишдан иборатдир.

2. *Гоявий бирлик* хизмат жамоасининг яна бир белгиси бўлиб, у хизмат жамоалари аъзоларининг миллий истиқлол мафкураси талабларидан келиб чиққан ҳолда жамиятда инсонпарварлик, адолатпарварлик, қонунийлик, жамоатчилик ва ватанпарварликнинг тантана қилиши учун маънавий-руҳий жиҳатдан бирлашишидир.

3. *Ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам* – хизмат жамоасининг навбатдаги белгиларидан бири бўлиб, у ҳар бир ходимнинг ўз бурчини бажаришида биродарлари билан ҳамкорлик қилиш ва ўзаро ёрдам бериш хусусиятларини ифодалайди. Бу хусусият ҳар бир инсон учун табиий бўлиб, усиз хизмат жамоаларини тасаввур қилиш қийин.

4. *Раҳбарлик* – хизмат жамоасининг асосий белгиси бўлиб, ишларни бошқариш, мақсадни аниқлаш, режалаштириш, иш натижаларини таҳлил қилиш эҳтиёжларидан келиб чиқувчи зарурий фаолият ҳисобланади. Хизмат жамоасида раҳбарлик қилиш асосан яккабошчилик принципига асосланади.

5. *Демократия* – хизмат жамоасининг муҳим белгиси бўлиб, у ҳар бир жамоа аъзосининг бажарилаётган иш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиш ҳамда раҳбарнинг шу фикрлар асосида тегишли қарорлар қилиши асосида ишни ташкил этишга асосланган фаолият шаклидир. Демократиясиз хизмат жамоаси ўзининг мазмунини йўқотади ва қандайдир механизмга айланиб қолади.

6. *Тартиб-интизом* – хизмат жамоаси вужудга келиши ва мавжуд бўлишининг асосий шарти. Тартиб-интизомсиз хизмат жамоаси ўз олдида турган вазифаларни бажара олмайди. Ҳар қандай бошбодоклик хизмат жамоасига ёт нарса ҳисобланади. Қаерда тартиб-интизом бўлса, ўша жойда муваффақият бўлади.

Ҳар бир раҳбар доимо хоҳлайдики, унинг кўрсатмасини, буйруғини барча ходимлар айтган вақтида, муддатида бажарса, шунда раҳбар фаолиятида идеал ҳолат юзага келади, лекин аслида ҳаётда ҳар доим биз ўйлаганимиздек бўлавермайди, чунки буйруқни бажарадиган энг аввало одам, ундан кейин ходим эканлиги кўпчилики эсидан чиқиб қолади. Ходимлар шахс сифатида жуда мавҳум мавжудот, уларнинг биологик тузулишида ўхшашлик бўлгани билан психологик жиҳатларида турли-туманлик мавжуд. Ходим ўзининг касбий моҳиятига кўра учта омилдан ташкил топгандир, яъни биологик, ижтимоий, психологик. Шунини

эсдан чиқаришга ҳаққимиз йўқки, яъни учта вектордан иккитаси яъни биологик ва психологик векторлар психика билан боғлиқдир.

Ички ишлар органлари ходимларининг асосий вазифаларидан келиб чиқиб, раҳбарлик фаолиятида учрайдиган психологик билимлар билан чуқурроқ таништириш, уларга касбий фаолиятда зарур бўладиган бошқарув психологиясига оид билимларни бериш, керакли укувларни шакллантириш ва кўникмаларни ҳосил қилиш зарур.

Раҳбар ходимларнинг қўл остидаги ходимларни бошқаришида қуйидаги **вазифаларни** амалга оширади:

– қўл остидаги ходимларни бошқаришда бошқарув психологиясининг предмети, вазифалари ва илмий тадқиқот усулларига таянади;

– ички ишлар органлари тизимини бошқаришда намоён бўлувчи психологик омиллар, қонуниятлар ва механизмлар ҳамда бошқарувни такомиллаштиришда керакли психологик ёндашувларнинг илмий асослари ҳақида назарий билимлардан фойдаланади;

– жамоага самарали раҳбарлик қилиш учун зарур бўлган билимлар тизими, кўникма ва малакалардан фойдаланиб, аҳоли орасида ходимларнинг мавқеини кўтаришга ҳаракат қилиши лозим.

Бошқаришда юридик ҳужжатларга асосланган ҳолда, шунингдек, психологик ва педагогик билимларга суянган ҳолда қўл остидаги ходимларнинг фаолиятини тартибга солади.

Жамоани бошқаришда психологик ва педагогик билимлар раҳбар учун ҳуқуқий билимлардан кўп бўлса кўпки, кам зарур эмас. Раҳбар бу педагог, раҳбар бу психолог, раҳбар бу юрист, раҳбар бу маъмурият.

Раҳбарлик ўзи нима? Бошқарилаётган фаолиятдан ходимларни қониқтира олиш, бир шахсга иккинчи шахс томонидан касбнинг моҳиятидан келиб чиқиб руҳий таъсир ўтказиш, уни ижобий фаолият кўрсатишга йўналтириш.

Психологияда «бошлиқ-ходим» деган тушунчалар мавжуд бўлиб, бунда ҳам шахматдагига ўхшаб ким нимага қодир эканлигини аниқ айтиб бериш қийин жараён ҳисобланади, чунки барча ходим аввало тирик жонзот ҳисобланади.

Жамоадаги ижтимоий-психологик муҳит бевосита ходимларнинг ахлоқий психологик ҳолатига боғлиқдир. Жамоадаги ижтимоий-психологик муҳитни турли нуқтаи назардан кўриши

мумкин, яъни бу раҳбарнинг фаолиятининг натижалари деб тушунсак ҳам хато бўлмайди.

Раҳбар жамоани бошқаришда ижтимоий-психологик муҳит орқали фаолиятини жонлантириши мумкин ёки буни акси ҳам бўлиши табиий. Раҳбарнинг ахлоқий сифатларига энг биринчи навбатда касбга садоқат, шахсий жавобгарликни ҳис қила олиши, касбий бурчида қонун доирасида хизмат қилиш, интизомлилик, ҳалоллик ифодаси, бурчини бажараётганда касбга ҳурмати кабилар киради.

Психологик сифатларга эса:

- психологик ва иродавий ҳиссиётларга бирдан берилмаслик;
- кучли мантиқий фикрларга эга бўлиш;
- муаммони ечишда мустақил фикрлаш ва муаммони ечишга ижодий ёндашиш;
- касбий муҳитга мослашув: юқори даражадаги ишчанлик, ишдаги бир хиллик, жамоада ишлай олиш хислати;
- янги билимларга эга бўлишда ўзини устида ишлаш, касбий ва хизмат соҳасида ўсишга бўлган интилиш.

Шундай қилиб, ижтимоий-психологик муҳитнинг мазмунини ходимларни ахлоқий-психологик сифатлари ташкил этади.

Жамоадаги ижтимоий-психологик ҳолат бу ижтимоий-психологик муҳит маъносида тушунилади. Шуниси қизиқки, «муҳит» тушунчасини ўзига изоҳ беришимиз керак, яъни «*klima*» (климотос) грекча сўздан олинган бўлиб, «қия», «эгилиш» маъносида тушунилади (бунда ерга қуёш нурини қай даражада сочиши маъносида тушунилаяпти).

Замонавий географияда «климат» об-ҳавога боғлиқ ҳолатда тушунилади. Лекин муҳит билан «климат»нинг фарқи бор, яъни муҳит климатга қараганда кенгроқ тушунчадир. муҳит ўз навбатида қуйидагиларга бўлинади. Илмий нуқтаи назардан, яъни ахлоқий, психологик, ижтимоий муҳит. Бу учаласи ҳам бевосита бир-бири билан боғлиқдир.

Жамоадаги ижтимоий-психологик муҳит, аввало, ҳар бир ходимга боғлиқ, чунки ҳар бир ходимнинг кайфияти аста-сёкин жамоанинг кайфиятини акс эттиради. Агар ички ишлар жамоасида ижтимоий-психологик муҳит яхши бўладиган бўлса, албатта ҳар бир ходим ишга яхши кайфият билан боради ва ўзини жамоадаги вазиятга бахшида этади. Бугунги кундаги социологик тадқиқотлар

(яъни жамоаларни ўрганиш билан боғлиқ бўлган) шуни кўрсатадики, жамоадаги ижтимоий-психологик муҳит яхши бўлмаса, ходимлар бошқа ишга ўтиб кетишга ёки сал нарсага касал бўлиб қолишга, ишга келмасликка ҳаракат қилишади. муҳит яхши жамоада эса ходим касал бўлса ҳам касалликни оёқда ўтказди ёки касал бўлмасликка ҳаракат қилади.

Иш жойидаги ижтимоий-психологик муҳитнинг яхши эмаслиги, албатта, оиладаги муҳитга ҳам таъсир қилиши ҳеч кимга сир эмас.

Қандай ижтимоий-психологик муҳитни ижобий деб баҳолаш мумкин:

- а) мулоқотда мажбурийликнинг йўқлиги;
- б) ходимларнинг жамоат ишларида фаол иштирок этиши;
- в) ҳар бир ходимнинг бир-бирларини ҳурмат қилишга ҳаракат қилиши;
- г) раҳбар томонидан ҳар хил майда нарсаларга эътироз билдиравермаслик;
- д) жамоадаги ишларни раҳбарни қайта-қайта такрорлашга мажбур қилмасдан бажариши.

Ички ишлар органи жамоаси ўзининг моҳиятига кўра эркаклар жамоаси ҳисобланади ва баъзида аёллар ҳам фаолият олиб борадилар. Жамоадаги муҳитнинг ижобий бўлишига жамоадагиларнинг ёши, маълумоти, жинси ҳам муҳим ҳисобланади.

Жамоада ҳам барча ходим бир хил эмас, уларнинг орасида сал нарсага жанжал чиқарадиган, зиддиятли вазиятларни юзага келтирувчи ходимлар ҳам мавжуд. Бундай ходимлар билан Ички ишлар вазирлигининг тегишли буйруқлари асосида иш олиб бориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жамоадаги психологик муҳитнинг йўқолиши ва зиддиятларга мойиллик бир қатор омиллар билан боғлиқ:

- раҳбарнинг қўл остидаги ходимларнинг иш фаолияти ва жамоа аъзолари ўртасидаги муносабатдан қониқмаслик оқибатида кайфиятнинг бузилиши;
- раҳбар билан ходимлар ўртасида ўзаро тушунмовчиликлар, раҳбар ва ходимнинг нуфузга эга эмаслиги;
- жамоа аъзоларида бошқарув ва ўзини ўзи бошқаришдаги фаоллик даражасининг етишмаслиги;
- жамоа аъзоларининг бир мақсад йўлида жипслашмаганлиги;

- онгли тартиб-интизомнинг йўқлиги;
- фаолият натижаларидан қониқмаслик ва бошқалар.

Шундан кўриниб турибдики, жамоада зиддиятли вазиятларни кам бўлиши ва психологик муҳитни меъёрда бўлиши раҳбарнинг бошқарув психологиясидан хабардорлиги, ходимларнинг компетентлиги, раҳбар томонидан берилган кўрсатмаларни бажаришдаги ижрочилик интизоми ва ҳамжиҳатлик фаолиятига боғлиқ.

Хизмат жамоаларининг бошлиқлари Ўзбекистон халқига, Президентига, ҳукуматига, мустақиллик ғояларига содиқ бўлган, олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат йўналишларини теран тушуниб, жиноятчиликнинг олдини олиш, очиш ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда доим шай тура оладиган юксак ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлиши лозим. У ҳар қандай ғайриқонуний ҳолатларга қарши мурасасиз курашувчи, кўркмас, хушёр, зийрак, ҳар томонлама маълумотли, собитқадам, халқ хизматидан чарчамайдиган, ўз кўл остидагиларига талабчан ва айни вақтда меҳрибон, тўғрисиўз, намунали хулққа ва аҳоли ўртасида нуфузга эга, ўз касбини яхши биладиган ҳар томонлама соғлом бўлиши керак. Ана шундай ахлоқий фазилатларга эга бўлган раҳбарга жамоа аъзолари эргашадилар.

«Раҳбар ўзини мен ҳукмдор эмасман, балки менга ишонч билдириб танлаган одамларнинг хизматчисиман, деб ҳис қилганида эди, бугунги ҳаётимизда қанча бемаза, номақбул ишларга чек қўйилган бўлур эди.

Энг ёмони, энг ачинарли томони шуки, аксарият мансабда ўтирганлар ўз вазифасини фақатгина ўзини бошқалардан устун қўйиш, буйруқ бериш, бир сўз билан айтганда, ҳукмдорлик қилишда деб билади»⁴³.

2-§. Жамоани шакллантиришда психолого-педагогик ва ҳуқуқий билимларнинг ўрни

Кейинги йилларда тўпланган материаллар таҳлилининг кўрсатишича, раҳбар (бошқарувчи) фаолиятида бир қатор нуқсонлар мавжуд бўлиб улар жамоани шакллантиришга салбий таъсирини кўрсатади. Қуйида уларнинг айримларига тавсиф бериб ўтамыз.

⁴³ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т., 2000. – Б.134-138.

1. Ўзини ўзи бошқариш имкониятига эга эмаслиги.

Раҳбар кадр ўз фаолиятини режалаштира олмаслиги, ўзини ўзи назорат қила билмаслиги, ўзини ўзи баҳолаш имкониятига эга эмаслиги, ўзига ўзи буйруқ бериш, ўзини ўзи такомиллаштириш, ўз ақлий ва жисмоний захираларини ўзи рўйёбга чиқариш имконияти йўқлиги туфайли ўзини ўзи бошқара олмайди.

Ўзини ўзи бошқаришнинг икки томони мавжуд бўлиб, унинг биттаси хулқ-атвори, иккинчиси эса билиш жараёнини, яъни фикрлаш, хотирлаш, фаҳмлаш, идрок қилишни ўзида акс эттиради. Ақл-заковатнинг заифлиги, хотиранинг бўшлиги, ироданинг кучсизлиги, қатъиятликнинг етишмаслиги оқибатида ўзини ўзи бошқариш сусаяди. Оқибатда жамоа аъзолари ўртасида раҳбарнинг нуфузи пасаяди, кундан-кун кадр ва қиймати йўқола боради. Бу эса жамоада психологик муҳитнинг ўзгаришига олиб келади, чунки кадрсизланган раҳбар ташкилотни идора қила олмайди.

2. Шахсий қадриятларнинг путурдан кетганлиги. Биринчи навбатда раҳбар муайян қадриятлари билан жамоа ўртасида ўзининг «Мен»ини, индивидуаллигини намоён қилади. Мавжуд қадриятларга мослашган жамоа ходимлари раҳбарнинг аввал шахс, сўнг субъект сифатида тан оладилар, уларнинг негизида бошлиққа нисбатан муносабат, диққат-эътибор шаклланади. Лавозим раҳбар характери ўзгартирса, баъзи иллатлар вужудга келса, у мавжуд қадриятлардан чёкинади ёки улардан воз кечади, оқибат натижада жамоа аъзолари ўргасида обрўсига путур етади.

Сохта билимдонлик, кибру ҳаво, ўз «Мен»ини супер «Мен»га айлантириши, бойликка ҳирс кўйиш, адолатли қарорлардан воз кечиш сингари иллатлар пайдо бўлиши натижасида раҳбарнинг қадриятларга нисбатан муносабати ўзгаради. Бу ўзгаришлар, муносабатлар жамоа аъзолари томонидан эксперт сифатида баҳоланади, уларнинг бошлиққа нисбатан муносабати заифлашади, унга эътиқоди пасаяди.

3. Шахсий мақсаднинг ноаниқлиги. Раҳбар лавозимни эгаллагандан кейин улуғвор ва бош мақсад белгилайди, қадам-бақдам уларни амалиётга татбиқ қилиш учун муайян саъй-ҳаракатларни амалга оширади. Фаолиятда фаоллик, аниқлик, собитқадамлик, мақсадга мувофиқ интилиш устуворлик қилади. Лекин айрим объектив ва субъектив сабабларга кўра мақсаднинг улуғворлиги йўқола боради, аниқ хатти-ҳаракатлар миқдори камаяди,

режали фаолият ташкил қилиш имконияти тобора тораяди. Мақсаднинг ноаниқлиги тўғриси унинг йўқолиши жамоа равақини паймол қилади, юзаки интилишлар мавжудлиги намойиш этилади, холос.

Умумиятга қаратилган мақсад – кўпинча шахсиятга йўналтирилади. оқибатда «Биз» билан «Мен» ўртасида қарама-қаршилик вужудга келади. Раҳбар билан жамоа ўртасида низоли, зиддиятли ва можароли вазиятлар вужудга келади ҳамда уларни бартараф қилиш учун қанча ақлий куч-қувват сарфланади. Аниқ мақсаднинг йўқолиши жамоа истиқболнинг батамом нурашига олиб келади. Худди шу боис раҳбар мақсаднинг ноаниқлиги фаолият моҳиятини, ташкил этиш функциясини мақсадга мувофиқ амалга ошишини таъминлай олмайди.

4. *Ўзини ўзи камол топтиришнинг издан чиққанлиги.* Раҳбар ўзини ўзи тарбиялаш, ўзини ўзи камол топтириш, мустақил билим олиш, маънавий дунёсини узлуксиз равишда такомиллаштириш устида саъи-ҳаракат қилса, демакки унинг истиқболи порлоқ. Лекин унинг фаолиятини назорат қилмаслик, баҳоламаслик, рағбатлантирмаслик каби омиллар ўз устида ишлашни пасайтиради, лавозимига нисбатан совуққонлик, лоқайдлик илллати намоён бўлади. Шу соҳада ва тизимда фаолият кўрсатаётган ҳамкасбларининг маслаҳатлари, ишга муносабатлари уни сустлаштиради, аста-сёкин фаоллик йўқола боради.

Янъи ахборотлар олиш устидаги қизиқишнинг камайиши, муайян кўникмаларни эгаллашга нисбатан муносабатнинг пасайиши камолотга интилишни йўққа чиқара бошлайди. Маълумки, ўзини ўзи камол топти-ришга интилмаган раҳбар бугунги кун талабига жавоб бера олмайди, на-тижада у раҳбарлик майдонини тарк этади.

5. *Муаммоларни ҳал қилиш малакаларининг етишмаслиги.* Ички ишлар органлари жамоасида турли хил муаммолар намоён бўлиб туради. Бу муаммоларни бартараф этиш учун раҳбарда етарлича малакага, ҳуқуқий, психолого-педагогик билимларга эга бўлишлиги керак. Ўз-ўзидан маълумки, замондан орқада қолган қоқоқ раҳбар жамоа учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди.

6. *Ижодий ёндашувда нуқсонларнинг мавжудлиги.* Ички ишлар органлари жамоасида раҳбарлик доимо изланишни тақозо этади. Ижодий фикрлаш, ижодий режалар, улуғвор ғоялар замон руҳи билан ҳамоҳангликда бўлиши лозим. Ижодий ёндашувдаги нуқсон ҳам

маънавий, ҳам иқтисодий зарар келтиради. Ижодийлик раҳбар шахсиятига бегона бўла бошлар экан, демакки, нуқсонлар юзага келади ва ижтимоий психологик муҳит бузилади.

7. *Ходимларга таъсир ўтказишни уддалай олмаслиги.* Раҳбарнинг салоҳияти, умуминсоний маданияти, муомала маромини ўзлаштирганлик, нотиклик санъатини эгаллаганлик, шахсий фазилати, мустаҳкам иродаси, ростгўйлиги, ғамхўрлиги, ишчанлиги қўл остидаги ходимларга таъсир ўтказишнинг асосий омиллари бўлиб ҳисобланади.

Обрў-эътиборнинг пасайиши, нутқий нуқсонлар, ижтимоий муно-сабатларни ҳал қила олмаслик, қатъиятликнинг заифлашуви, хулқ-атвордаги камчилик қўл остидаги ходимларга таъсир ўтказиш даражасини кескин тушириб юборади. Қўл остидаги ходимларга сўзини ўтказа олмаслик раҳбарлик лавозимидан воз кечиш демакдир. Ҳиссиётга берилиш, ақл-заковат кўрсаткичи мўртлашуви ҳам ходимларга таъсир ўтказишнинг ночорлигига олиб келади.

8. *Бошқарув фаолиятини етарли даражада тушунмаслиги, унинг идрок майдонини сиздира олмаслиги.* Бошқарув фаолияти жуда мураккаб бўлиб, у молиявий, иқтисодий, мафкуравий, ҳуқуқий, психологик, педагогик тарбиявий томонларни қамраб олади. Шунингдек, у бир қанча функцияларни бажаради: «инсон-инсон», «инсон-техника», «инсон-табиат», «инсон-образ» муносабатларини акс эттиради.

Раҳбар фаолиятининг ҳар бир жабҳаси ва функцияларини юқори даражада эгаллаш орқали юксак мартабага эришади. Лекин унинг у ёки бу томонини тушунмаслик эвазига жамоада ишлар юришмай қолади, сунъий тормозланиш юзага келади. Тушунмаслик туфайли бошқарувга путур етказилади, раҳбарнинг идрок майдони уларни қабул қила олмайди, натижада бошқарувда айрим узилишлар вужудга келади. Улардаги ўзаро уйғунликнинг бузилиши, «таваккал» билан иш тутиш каби салбий оқибатларга олиб келади.

9. *Раҳбарлик қилиш малакаларининг заифлиги.* Раҳбарлик муайян тузилишга, ўзаро боғлиқликка эга бўлган мураккаб шахслараро муносабатни мақсадга мувофиқ амалга оширишдир. Бундан ташқари, раҳбар жамоани молиялаштиришдан тортиб, қўл остидаги ходимларни тарбиялаш функцияларни бажаради, бунинг учун эса маълум касбий малакаларга эга бўлишлиги, акс ҳолда уларнинг заифлиги бошқарувни қийинлаштиради.

Жамоани бошқаришни йўлга қўйишда муомала маромидаги бузилиш, тарзиб-интизомни назорат қилиш каби муаммоларни ҳал қилишда қийналиш, хатоларга йўл қўйиш раҳбарлик малакасининг заифлигадан далолат беради.

10. Бошқаларни ўқитиш, уларга сабоқ бериш, ўргатиш уқувининг йўқлиги. Жамоанинг ривожини таъминлашда қўл остидаги ходимларнинг ма-лакасини ошириш ва муайян билим ҳамда кўникмалар билан қуроллантириш билан кўп жиҳатдан боғлиқ. Бу муаммо «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да ўз аксини топган. Раҳбар ўз тажрибасини ёшларга ўргатмас экан, захира яратиш тамойили бузилади, янги билимлар билан қуроллантирмаслик ва муайян малакаларни уларда шакллантирмаслик, истиқболга кўр-кўрона ёндашишни юзага келтиради.

Таълим-тарбиявий уқувнинг йўқлиги раҳбарни нохуш ксчинмалар ва ёмон оқибатлар оғушига етақлайди. Тарбиявий қобилият мавжуд эмаслиги раҳбарнинг ашаддий нуқсонидир.

11. Жамоани жипслаштириш қобилиятининг қўйи даражада эканлиги.

Жамоадаги илиқ психологик муҳит раҳбар муваффақиятининг на-мунасидаир. Психологик муҳит ўзаро ёрдам, дўстлик, ўзаро мослик, аҳиллик, тотувлик, ўзаро тушунув, симпатия сингари ҳистуйғуларнинг барқарор мажмуасини ўзида акс эттиради. Жамоа фикри, гуруҳий интилиш, жамоавий онг, тафаккур, умумийлик (бирлик) ўртасидаги мослик, шахслараро мутаносиблик психологик муҳитнинг таркибий қисмидир.

Турли ёшдаги, жинсдаги кишиларнинг характеридан, миллий мансублигидан қатъи назар уларни жинслаштириш раҳбарнинг асосий функцияси ва унинг маҳоратидир. Жамоа аъзоларини жипслаштириш уқувининг заифлиги психологик муҳитга зарар еткази, ҳамкорлик, ҳамдардлик туйғуларини сусайтиради. Бу эса жамоада умумий ҳалокатнинг кўринишидир. Унинг олдини олиш ва бартараф қилиш раҳбарнинг муҳим вазифасидир.

12. Қўл остидаги ходимларни шахсан ўзига жалб қилишга уқувсизлиги.

Раҳбарда янги ғоялар туғилиши, муайян мақсадлар вужудга келиши мумкин, лекин у ана шу нарсалар билан қўл остидаги ходимларни жалб эта олмаслик бошқарув санъати заифлигини билдиради. Бунинг учун «ўзини рек-лама» қилишдан ор қилмаслик

лозим, чунки янгиликлар билан ўртоқлашиш қабилида иш тутиш имконияти мавжуд.

Шунинг учун жалб қилиш, ҳатто аттракция (маҳлиё қилиш) нинг турли услублари мавжудлигини унутмаслик керак. Ҳар хил баҳона билан намойиш қилиш орқали, фикр алмашиш ёрдамида янгиликларга ўзга кишиларни жалб этиш мумкин. Ана шундай уқувга эга эмаслик бошқарувда нолайоқликдан далолат беради, у мазкур лавозимдан кетиши зарур.

13. Қўл остидаги ходимлар билан муомалага киришишнинг йўқлиги.

Раҳбар этнопсихологик хусусиятларга эга бўлиши орқали дилкашлик, иболилик ва назокатлилик фазилатларига эга бўлади. Миллий қиёфа, миллий онг, миллий характер, миллий ҳис-туйғу, қўл остидаги ходимларнинг миллий минталитетидан келиб чиқиб шахслараро муносабатга киришсагина кўзлаган мақсадга эришиши мумкин. Миллий минталитет, этнопсихологик хусусиятлар ҳақида билимнинг йўқлиги шахслараро муносабатларда маълум маънода қийинчиликларни келтириб чиқаради.

14. Ақл-идрок ва фаросат бобида сусткашлилиги. Раҳбарлик лавозимида тайинлаш ёки кўтариш жараёнида шахснинг ақл-идрок, фаҳм-фаросати ҳисобга олинади. Чунки яхши раҳбар жамоанинг эллик фоиз кучидир, акс ҳолда жамоада салбий психологик муҳитнинг келиб чиқишига олиб келади. Билимдонлик, истеъдодлилик, ақл-заковатлилик раҳбарнинг муҳим хусусияти эканлигини таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқ.

15. Ишбилармонлик қобилиятининг сустлиги. Замонавий раҳбар ишбилармон, уддабурон, теран фикрли, ўта синчков шахс бўлиши лозим. Кескин ўзгаришларга тез муносабат билдирмасдан туриб, муайян ютуқларга эришиш мумкин эмас. Мазкур қобилиятнинг сустлиги жамоани бошқаришда қийинчиликлар мавжудлигини билдиради. Ҳар қандай вазият ва ҳолатдан муваффақиятли чиқиб кетиш ишбилармонликни тақозо этади.

Жамоани бошқариш бу ўзига хос санъатдир. Бошқарув тизимида илм ва санъатнинг махсус турлари борасида фозил, ақлли ва турли даражали маҳоратга эга бўлган кишиларнинг ўрни алоҳида ифодаланади.

Жамоани шакллантиришда раҳбарда ҳуқуқий билимлардан ташқари албатта педагогик-психологик билимларга талаб катта.

Чунки раҳбарнинг касбий маҳоратини шакллантиришда юридик тайёргарликка алоҳида талаб бўлиши билан бирга махсус тайёргарлик ҳам муҳимдир. Махсус тайёргарлик ўз навбатида касбий фаолиятни қамраб олади, умумий ва махсус профилактика усуллари қўллай олиш, ИИВнинг ички ишлар органларининг фаолиятини ташкил этиш, ҳуқуқбузарларни ушлаш кўникмасини шакллантириш, фуқаролар, ходимлар билан муомала қила олиш ва уларга психологик таъсир этиш усулларига эга бўлиш. Ташкилотчилик қобилияти (маҳалла аҳли билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиши).

Психологик тайёргарлик албатта касбий психологик тайёргарликни ҳам ўзига қамраб олади. Касбий-психологик тайёргарлик – бу касбий фаолиятни амалга оширишда унинг психологик жиҳатларини инобатга олиш, касбий вазифаларни ҳал қилишда қийинчиликларни бартараф эта олиш, стресс ҳолатлардан чиқиб кетиш усулларига эга бўлишдан иборат.

Касбий психолого-педагогик тайёргарликнинг тузилиши:

– касбий психолого-педагогик билимлар мажмуасига эга бўлиш;

– касбий психолого-педагогик билимлардан фойдалана олиш кўникмаларга эга бўлиш;

– раҳбарда шахсий-касбий фазилатларни ривожлантириш;

– раҳбарда иродавий сифатларни мустаҳкамлаш.

Касбий психолого-педагогик билимларга эга бўлиш қонунни мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам беради. Психологик билимлар касбий фаолият учун хизмат қиладиган билимлар йиғиндисидир.

Касбий психолого-педагогик билимлар ўз навбатида раҳбарда қўл остидаги ходимларга таъсир эта олиш кўникмасига олиб келади.

Касбий кузатувчанлик – касбий сезгирлик, касбий диққат, касбий хотира, касбий тасаввур, касбий тафаккур, касбий артистизм каби сифатларнинг барчаси психологик билимлар асосида вужудга келади ва қўл остидаги ходимларга психологик таъсир этишда педагогик билимларга таянади.

Раҳбар жамоани бошқаришда энг аввало педагогик маданиятга эга бўлиш керак бўлади, чунки унинг ҳар қандай ҳаракатда тарбиянинг элементлари мавжуд бўлиши лозим. Қўл остидаги

ходимларга таърбиявий таъсир педагогик билимлар асосида берилмаса касбий бузилиш юзага келади.

Ҳуқуқий билимлар эса раҳбар ходимнинг касбий фаолиятини белгиловчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. Чунки ҳуқуқий билимлар бу кенг тушунча бўлиб юриспруденциянинг барча йўналишларини ўз ичига қамраб олади. Ҳуқуқий билимлар бу динамик характерга эга бўлиб, нафақат раҳбардан, балки барча ходимлардан ўзини устида тинмай ишлашни талаб қилади. Лекин, ҳамма раҳбар ҳам ўзини устида ишлашни хуш кўради деб айта олмаймиз, яъни янгиликдан кўрқадиганлари ҳам мавжуд. Янгиликдан кўрқиш эса албатта психологик тўсиқни юзага келтиради, турғунликка олиб келади.

3-§. Ички ишлар органлари бошқарувида раҳбарнинг педагогик қобилияти

«Ҳар қайси раҳбар қатъиятлилик, талабчанлик, керак бўлса, қаттиққўллик хусусиятларига эга бўлиши лозим. Ҳаёт олдимизга қўяётган кўпдан-кўп муаммоларни вақтида ечиш ҳақида муттасил қайғуриш, бу йўлда кечани кеча, кундузни кундуз демай, ўз ҳаловатидан воз кечиб, бошлаган ишини охирига етказмагунича тиним билмаслик – бу ҳам ҳар қандай раҳбарга қўйиладиган ҳаққоний талаб, десак асло хато бўлмайди»⁴⁴.

Бошқарув жараёнини мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириш учун раҳбар идора қилишнинг қайси бўғинида бўлишидан қатъи назар муайян қобилиятларга эга бўлиши керак. Раҳбар ўзининг шахсий фазилатлари, мустаҳкам характери, кучли иродаси, барқарор ҳиссиёти барча нарсаларга ва жабҳаларга нисбатан махсус қобилиятлари билан жамоани бошқара олади, холос. Чунки фан ва техниканинг ривожини, ходимларда онглилик даражасининг юксак кўрсаткичи, ижтимоий тажрибаларнинг таъсирчан кучи, муайян билимларга эга эканлиги раҳбарнинг комил инсон камолоти поғонасига кўтарилишини тақозо этади.

Педагогик қобилият педагогик маданиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Педагогик қобилият бу раҳбарнинг энг зарур сифатларидан бири ҳисобланади. Педагогик қобилият аввало

⁴⁴ Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т. 11. – Т., 2003. – Б.94-96.

рахбарга унинг педагогик психологик билимларига боғлиқ. Рахбар фаолиятида педагогик йўналганлик эрудиция, ахлоқий билим, ўзига бўлган талабчанлик, юқори ташкилотчилик қобилияти ва, мулоқот маданиятининг асосини ташкил қилади.

Ҳозирги замонда буйруқ, кўрқитиш, зўрлик билан ходимларга муомала қилиб бўлмайди, ундай даврлар ижтимоий турмуш майдонидан аллақачонлар чиқиб кетган.

Бугунги кундаги рахбар ижтимоий ҳаётдаги муносабатлар, уларнинг тузилиши ва моҳияти билан яқиндан таниш бўлиши, бошқарув жараёнида уларни ҳисобга олишни тақозо қилади. Қўл остидагилар орасида рахбар ўзининг ҳар томонлама устуворлиги билан обрў-эътибор, нуфуз ортириши мумкин.

Рахбар шахси баркамоллаши, қатъий характери, маиший қиёфасидан ташқари бир қатор қобилиятларига эга бўлиши табиий равишда обрў қозонишга пухта негиз ҳозирлайди, лавозимнинг кейинги босқичлари учун имкон яратади, истиқбол режаларини рўёбга чиқаради. Бизнингча, қуйида мулоҳаза юритиладиган қобилиятлар рахбар кадр учун жуда муҳим ҳисобланади.

1. Ташкилотчилик қобилияти. Ички ишлар органлари бошқарувида рахбар ўта уддабурон, ишбилармон, жамоа олдида турган вазифаларни мақсадга мувофиқ собитқадамлик билан бажаришни уюштира олиш имкониятига эга бўлиши керак. Ташкилотчилик тизимига тахминан қуйидагилар киради: а) жинойтларнинг олдини олиш профилактикасини тўғри ва оқилона ташкил қилиш, ҳудуддаги вазиятни биров олдинроқ пайқаш; б) ҳудуддаги вазиятдан келиб чиққан ҳолда буйруқ, кўрсатма ва фармойишларни ишлаб чиқиш; в) фавқулодда вазиятларда келиб чиққан муаммоларни тезкорлик билан ҳал қила билишлик, ўз вақтида индивидуал ёки жамоавий қарор қабул қилиш; г) қўл остидаги ходимларнинг касбий фаолиятига муносабатини баҳолаш ҳамда кескин чора- тадбирларни амалга ошириш (рағбатлантириш, жазолаш, танбеҳ бериш, эътироз билдириш, муроСага келишлик); д) қўл остидаги ходимларнинг жинси, ёши, тажрибаси ва касбий имкониятини ҳисобга олган ҳолда кадрларни жой-жойига қўйиш; е) ижрочилар қобилияти, истеъдоди, меҳнат стажи, интилиши, қизиқши, иродавий хусусияти, жонбозлиги сингари фазилатларга биноан иш тақсимлашни йўлга қўйишлик; ж) жамоанинг истиқболи

ва қўл остидаги ходимларнинг ижтимоий ҳимояси учун ҳамиша ғамхўрлик қилиш кабилар.

2. *Иймон-эътиқодга, фаол ҳаётий позицияга йўналганлик қобилияти.* Раҳбар иймон-эътиқодли, муайян ҳаётий позицияга эга, ростгўй, самимий, жонкуяр, инсонпарвар, ватанпарвар фазилатли инсон бўлмоғи – ходимлар учун ибрат-намуна вазифасини бажармоғи лозим. Токи сўз билан иш бирлиги касбий амалиётида бевосита ўз ифодасини топсин, бошқалар унинг хатти-ҳаракати ва кишилар билан муносабатида тақлид қилишга одатлансин-лар. Раҳбар жамоанинг кўзгуси, маънавият, қадрият ва шахслараро муносабат мезонига айлансин. Поклик, масъулият, фидойилик намунаси тақлид учун замин ҳозирласин, баркамоллик учун интилиш тушунчасини вужудга келтирсин.

3. *Нутқий қобилият.* Раҳбар саводхон сўзлашга ва нотиклик санъатига эга бўлиши шарт. У теварак-атрофдагилар билан узлуксиз равишда муомалага киришиб турганлиги туфайли нутқи мазмунли бўлиши, фикр юритаётган мавзуни ҳар томонлама чуқур билишидан дарак бериб туриши, адабий ва грамматик жиҳатдан тўғри, ҳар қандай шевачиликдан холи бўлиши, аниқ, равшан, қисқа ва тушунарли ифодаланиши, мантиқий изчил, соф, кераксиз сўз ва иборалардан холи бўлиши, ифодали, таъсирчан, ёрқин, тингловчида қизиқиш уйғотадиган бўлиши, аниқ, содда, гўзал бўлгани ҳолда нутқ мавзусига мос туриши керак. Нутқнинг жарангдорлиги, сўзлашганда пауза, мантиқий урғуга риоя қилишлик унинг таъсирчанлигини оширади.

Фавқулодда ҳолатларда нутқ сўзлаш, фикр алмашиш лозим бўлса, у ҳолда сира ҳиссиётга берилмаслик, ўзини қўлга олиб, оҳиста, лавозими ва имтиёзини кўз ўнгига келтириб нутқ фаолиятини амалга ошириш зарур. Маълумки, нутқнинг нуқсони, мазмунсизлиги, таъсирчанлик даражаси заифлиги раҳбар нуфузи ва обрўсига путур етказди.

4. *Нуфуз (обрў)га эга бўлишлик.* Раҳбар ўзининг нуфузи билан бошқаришни амалга ошира олади, холос. Лекин эгалланган лавозим туб маънода обрў келтирмайди, чунки ходимларнинг унга нисбатан муносабати вақтли хусусиятга эга бўлади. Барқарор, ҳақиқий нуфузни эгаллаш табиий равишда амалга ошади. Раҳбар ўзининг шахсий хусусиятлари, би-лимдонлиги, ақл-фаросатлилиги, мустаҳкам иродаси, салоҳияти, истеъдоди, таланти, фидойилиги,

баркамоллиги, камтарлиги, самимийлиги билан обрў орттиради. Сохталик, шахсиятпарастлик, сафсатабозлик, қаттиққўллик ҳеч қачон чин нуфуз қозонишга олиб келмайди. Раҳбар учун ҳар бир нарса оддий, пухта, табиий, ҳуқуқий, одатий тусга эга бўлиши мақсадга мувофиқ.

5. *Перцептив (идрок қилиш) қобилияти.* Раҳбар учун биринчи ва иккинчи даражали масалалар бўлиши мумкин эмас, чунки ҳаёт муайян қисмлардан ташкил топган бўлади, худди шу боис барча нарсаларга эътибор қилиш керак. Раҳбар қисқа вақт оралиғида ходимлар ташқи қиёфаси, ишга муносабати, касбий фаолиятини амалга ошира олиши, ходимларнинг кайфияти бўйича маълумот олиш фазилати перцепцияда ўз ифодасини топади. Қисқа вақт ичида умумий ҳолат билан танишиш – жамоани қандай бошқариш учун муайян негиз яратади, айрим олдиндан кўзланган режаларга ўзгартиришлар киритилади.

6. *Дидактик қобилият.* Раҳбар бевосита педагог бўлмаса-да, лекин унинг фаолияти маълум маълумот ва хабарларни қўл остидаги ходимларга етқади. Худди шу боис ходимларга касбий фаолиятида келиб чиққан муаммоларни осон йўл билан тушунтириши зарур. Айрим муаммоларни оддий ходимлардан тортиб то ўринбосарларгача етказиш ва уларнинг онгига сингдириш муайян қобилиятни тақозо этади. Фавқулоддаги ҳолатлар, вақт тақчиллиги раҳбардан дидактик қобилиятга эга бўлишликни тақозо эзади. У мазкур қобилиятни махсус машқлар, тренинглар ёрдами билан ижтимоий ҳаётий тажриба ортиши орқали эгаллайди.

7. *Академик қобилият.* Ҳозирги замон талаби раҳбар кадр ҳар то-монлама камол топган инсон бўлишини тақозо қилади. Ҳамкорликдаги фаолиятни амалга ошириш учун раҳбарнинг дунёқараши кенг, ҳар бир соҳадан муайян билимларга эга бўлиши, улардан ўз ўрнида муваффақиятли фойдалана олиши, молиявий, иқтисодий, маънавий, мафкуравий, миллий, соҳалараро муаммолар муҳокама қилинаётганда раҳбар шунчаки иштирокчи эмас, балки баҳснинг тенг ҳуқуқли аъзосига айланиши ҳамда муаммо моҳиятини тушуниши ва унга ўз муносабатини билдириши назарда тутилади.

8. *Диққатни тақсимлаш қобилияти.* Ички ишлар органлари бошқарувида раҳбарнинг фаолияти кенг кўламли, энг оддий нарсадан давлат аҳамиятига молик муаммогача масъул бўлганлиги туфайли раҳбар синчков, теран, кузатувчан бир вақтнинг ўзида бир

неча объектларга ўз муносабатини билдира олишида намоён бўлади. Раҳбардаги диққатни тақсимлаш қобилияти ходимларни ҳушёр торттиради, масъуллик эса тартиб-интизомни мустаҳкамлайди, лоқайдлик илллати муҳитни тарк этади.

9. *Психологик таъхис (диагноз) қобилияти.* Раҳбар турли тоифадаги ходимлар билан ҳамкорлик қилади, уларни тарбиялайди, уларга иш ўргатади, етук мутахассис ёки мукамал шахс сифатида камол топтиради. Ҳар қайси ходимнинг келажагини оқилона тасаввур қилишдан иборат олдиндан башорат этиш қобилияти раҳбар учун муҳим аҳамиятга эга. Жамоада кадрларни жой-жойига қўйиш, истиқболли захирани яратиш каби ишлар раҳбар учун таъхис қобилиятини тақозо этади, чунки аниқ мезонларга асослангандагина шахснинг фаолияти ва имкониятини тўғри баҳолай олади.

10. *Муомала ва мулоқот ўрнатиш қобилияти.* Раҳбар ҳар хил ёшдаги, жинсдаги ходимлар билан мулоқотга киришади. Ички ишлар органлари бошқарувида мулоқот воситаси ва коммуникатив таъсир этиш усуллари, қўл остидаги ходимлар ва фуқаролар билан психологик алоқа ўрнатиш усуллари, мулоқотда тинглаш муаммоси ва трансакт анализ, низоли ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш, улар билан муомала қилиш маданияти, шахслараро муносабатда ўз хатти-ҳаракатларини ҳиссий-иродавий бошқариши, инсон хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатини психологик баҳолашда профайлинг методидан фойдалана олишида намоён бўлади. Худди шу сабабдан шахслараро муносабатга киришларида қўл остидаги ходимлар ва фуқароларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиши ўзаро муносабатларни илиқлаштиради, ўзаро ишонч ва яқинлик туйғусини уйғотади.

11. *Ташаббусга илҳомлантириш қобилияти.* Турмушдаги айрим қийинчиликлар тўғрисида ибратли маълумотлар келтириш, ўткинчи заҳмат ортда қолиши юзасидан тасалли бериш, уларнинг олдини олиш мумкинлигини асослаш орқали ходимларни фаолиятга илҳомлантириш қобилияти раҳбар кадр учун мутлақо зарур. Фидойилик туйғусини уйғотиш, қўл остидаги ходимларда ташаббус ҳиссини вужудга келтиради.

12. *Конструктив қобилияти.* Жиноятларни очиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш, яширинган жиноятчиларни қидириб топиш каби ҳаракатларни режалаштиришга қаратилган тафаккур

фаолияти тушунилади. Конструктив қобилиятда билиш фаолиятининг босқичлари режалаштирилади, яъни бунда номаълум нарсани қандай кетма-кетликда излаш кераклиги ҳақидаги саволга жавоб берилади.

13. Гностик қобилият. Жинойтларни очиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш, яширинган жинойтчиларни қидириб топиш каби ҳаракатларни режалаштиришда тажрибали ходимларни жалб этиш раҳбардан гностик қобилиятни талаб этади.

Таъкидлаб ўтилган раҳбар шахсининг қобилиятлари муҳим аҳамият касб этиб, характер, миллий қиёфа қандай роль ўйнаса, улар ҳам худди шундай қийматга эгадир.

Хулоса қилиб айтганда, Биринчи Президентимиз Ислон Абдуғаниевич Каримов таъкидлагандек: «Биз кўпинча, раҳбар ақлли, доно, билимдон бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз. Албатта, бу хусусиятлар керак, лекин бугунги кунда уларнинг ўзи етарли эмас. Нега деганда, инсон ақлли, доно ва билимдон бўлиши мумкин, лекин у ҳаётда ёниб яшамаса, ҳаммаси бекор.

Бу фикрга қўшимча қилиб шуни айтмоқчиманки, бугунги кунда раҳбар фақат ўзи ёниб қолмай, унга кўз тикиб, ундан кўп нарсани кутиб турган халқни ҳам ёндира олиши зарур.

Мен ёндириш деганда, авваламбор, одамларни бирлаштиришни, одамларни бошқаришни, уларни юксак мақсадлар сари сафарбар этишни назарда тутаман.

Яъни, раҳбар эзгу мақсад-муддаоларга, олижаноб режаларга эришиш учун одамларни ўз ортидан эргаштира билиши керак».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 9 февраль куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида «..кейинги вақтларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жинойтчиликка қарши курашиш, жамоат тартибини сақлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жамоатчилик билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилганини қайд этди.

Президентимиз бугун ички ишлар органлари замон талабларига нечоғли жавоб бера олаётганига эътибор қаратди. Инсон манфаатлари билан боғлиқ масалаларни кечиктирмасдан ҳал қилиш лозим бўлган бугунги кунда эскича фикрлаш, ишни эски

«қолип»лар асосида ташкил қилиш, ўз бурчини элга хизмат тамойилига асосланиб эмас, балки шахсий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда бажариш каби амалиётлар давом этмоқда» деб таъкидлади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, жамоада ижобий психологик муҳитни шакллантиришда раҳбардаги ҳукуқий билимлар билан бир қаторда психологик билимлар ҳам муҳим ўрин тўтади.

Ички ишлар органлари ходимлари мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, жамоат тартибини сақлаш, ҳар бир оила, ҳар бир инсон, маҳалла хавфсизлигини таъминлашдек мураккаб, айна вақтда шарафли вазифани бажаришларида замонавий психологик билимлар муҳим аҳамият касб этади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Ички ишлар органлари жамоасини бошқаришда психологик билимларнинг ролини тушунтириб беринг.

2. Ички ишлар органлари жамоасида ижтимоий-психологик муҳитнинг ўзига хослигини изоҳлаб беринг.

3. Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат жамоалари ва унинг ўзига хос белгилари ҳақида нималарни биласиз?

4. Жамоадаги психологик муҳитнинг йўқолиш сабабларини психологик таҳлил қилиб беринг.

5. Касбий психолого-педагогик тайёргарликнинг тузилиши нималардан иборат?

6. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолиятга мослашишда раҳбарнинг роли ва педагогик қобилияти ҳақида тушунтириб беринг.

21-мавзу. БОШҚАРУВ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

1-§. Шахсий мотивациялаш услублари

Ходимлар мотивациясини бошқариш мавзуси юзасидан ўтказилган таҳлил ўзгаларни мотивациялаш масаласига бағишланди. Аммо, бошқарув психологиясида ўз-ўзини мотивациялаш

деган ибора ҳам борки, у кўпроқ ўз фаолиятини янада такомиллаштириш устида ишлаётган турли буғин раҳбар ва ходимларга тегишли.

Раҳбар фаолиятида шундай ҳолатлар ҳам бўладики, қачонки у бирон мансабни эгаллаб, аста-секин ишга қизиқишини йўқота бошлайди, ҳатто лавозимига ҳам совуққонлик билан қараб, уни сақлаб қолиш учун курашмайди. Бу ҳолатнинг сабаби турлича бўлиши мумкин. Қуйида шу сабаблардан бир нечтаси санаб ўтилади ва шу ҳолатни ижобий томонга ўзгартириш юзасидан тавсиялар берилади.

Раҳбарни ўз ишига қизиқишини сўнишининг сабабларидан бири – бир лавозимда узоқ вақт қолиб кетишидир. Раҳбарда меҳнат мотивациясини сусайтирувчи омиллардан яна бири – унинг саломатлиги, аниқроғи турли касалликларга дучор бўлишидир. Оилавий муҳитдаги инқирозли ҳолатлар ҳам раҳбарни асосий ишидан чалғитади ва меҳнатга бўлган шижоатини сусайтиради. Меҳнат жамоаси аъзоларининг раҳбарга қарши туришлари гуруҳни бошқаришдан кўнгил совушига олиб келади.

Санаб ўтилган омиллар (албатта, бу қаторни яна давом эттириш мумкин эди) таъсирига берилмаслик кўп жиҳатдан раҳбарнинг ўзини бошқариш қобилиятига боғлиқ ва психологик моҳиятга эга баъзи бир тадбирларни қўллаш асосида инсон ўз-ўзини мотивациялаб, меҳнат фаолиятига бўлган иштиёқини янада кучайтириб туриши мумкин.

Ташкилотдаги ходимлар ва раҳбар мотивациясини таъминлаб туришнинг асосий шартлари, жамоадаги меҳнатни ташкил этиш масалаларига келиб тақалади. Ташкилотда турли йўлга қўйилган кадрлар сиёсати қатор соҳаларни ҳисобга олиши лозимки, бу йўналишдаги фаоллик нафақат ташқи мотивация, балки раҳбарнинг ўз-ўзини мотивациялаш омилидир. Булар қаторига олимлар қуйидагиларни киритадилар:

Ходимларнинг бир лавозимда ишлаётганлигини мунтазам текшириб бориш ва ходимни тахминан 5-7 йилларда лавозимда ўзгартириш (бу эса албатта, бир поғона юқорига кўтаришгина эмас, балки шу лавозимга яқин, яъни ўхшаш бўлимлар ёки касблар бўйича горизонтал йўналишдаги ўзгартиришларни ҳам назарда тутати).

Ташкилотдаги ўзаро муносабатларнинг янги шаклларини яратиш ва татбиқ этиш (масалан, раҳбарнинг ходим билан суҳбати,

маъмурият ва ходимлар ўртасидаги норасмий мулоқотни кўпайтириш, ходимларнинг иш жойларига тез-тез ташриф буюриш ва шу учрашув вақтида улар билан мулоқотда бўлиш, ташкилий масалаларда демократик тамойилларга таяниш ва шу кабилар). Ташкилот ҳаётига шундай ранг-барангликни қўшиш ниятида бўлган раҳбар доимо ўзини ўзи мотивация қилиб боради. Шунинг учун бу тавсиялар нафақат ходимлар, балки раҳбар манфаатида ҳам ишлайди.

Ўз-ўзини мотивациялашнинг асосий услубларидан яна бири – иложи борича ўз руҳий қийинчиликлари сабабини таҳлил қилишдир. Олимларнинг аниқлашича, инсоннинг касб доирасида ривожланиши, унинг ёши ўтиши билан алоҳида хусусиятларни тақозо қилар экан. Хусусан, улғайиши билан инсоннинг ташкилот миқёсидаги роли ўзгариб, ривожланиб бориши табиий ҳолдир. Бунга мувофиқ, инсоннинг фаол касбий ҳаёти қуйидаги ёш кўрсаткичларида тааллуқли босқичларга бўлиниши мумкин:

Касбий шаклланишнинг бошланиши (ташкилотга кириш, унда ўз ўрнини топиш) – 20-24 ёшларда.

Ўзини намоён этиш, муваффақиятга эришиш, ташкилот томонидан тан олиниши – 30 ёшлар атрофида.

Юксак касбий маҳоратга етишиш, ўз қобилиятини янада кенгроқ доирага татбиқ этиш, ташкилотда эгаллаб турган ҳолатини янада мустаҳкамлаш – тахминан 35-40 ёшлар.

Ўз ютуқларини, бажарган ишларининг аҳамиятини қайта баҳолаш, ҳаёт йўлини тўғри танлаганми ёки йўқми ҳақидаги шубҳаларни таҳлил этиш – 40-50 ёшлар оралиғида.

Моҳирлик босқичи. Бунда юқори малакали мутахассис диққат-эътиборини ҳамкасб ходимларига ёрдам беришга қаратади, ўз ташкилоти равнақи ҳақида қайғуради, бошқарув маҳоратларини намоёйиш этади – 50 ёшдан сўнг ва нафақага жўнагунча давом этади.

Бундай тартибни баён этишдан асосий мақсад шуки, кўрсатилган босқичлар алмашиши даврида инсон ўз ҳаётида юзага келаётган ўзгаришлар туфайли маълум қийинчиликларни бошидан кечиради. Янги даврга ўтиш бир томондан табиий ривожланиш натижаси бўлса, иккинчи томондан янги ва номаълум вазиятда фаолият олиб бориш ҳамдир. Шунинг учун, бир босқичдан иккинчисига ўтиш инқирозли бўлишини билишнинг ўзи мана шундай вазиятларга тетик қарашни, бу қийинчиликлар вақтинчалик

эканлигини англашга ёрдам беради ва инқирозли ораликдан анча ишонч билан енгиб ўтишни таъминлайди. Ушбу таъкид, шундай вазият ўз-ўзидан ўтиб кетишини кутиб, қўл қовуштириб ўтириш керак дегани эмас, албатта. Инқирозли ҳолларга тушиш эҳтимолини камайтириш учун ходим қуйидаги ориентирлар билан фаолият олиб бориши тавсия этилади: бугунги куннинг ташвиши билан эмас, балки аниқ мақсадга интилиб яшанг.

Ҳаётга ва меҳнатга бўлган интилишга оид масъулликни ўз бўйингизга олинг. Сиздан бошқа ҳеч ким тақдирингиз учун масъул бўлолмайди. Психологияда «ўзгалар ёрдамига муҳтожликнинг» ҳаёт давомида орттирилган ҳолати аниқланган бўлиб, у инсоннинг бошқалардан ёрдам кутиб яшашида, ўз кучи ва имкониятига етарли даражада ишонмаслигида ифодаланади. Иложи борича бу ҳолатдан қочишга ва ҳаётингизнинг барча жабҳалари бўйича фаол бўлиш учун масъулиятни ўзингизга олинг.

Шуни ёдда тутингки, инсонлар ва ташкилотлар айнан қийинчилик даврида ривожланади. Қийинчиликлар ва инқироз эски услуб ишламаётганлиги белгиси бўлиб, эскича ҳаёт тарзини ўзгартириш, ундан воз кечиш заруратидир. Мавжуд қийинчилик ва омадсизликларга шу йўсинда қараш имкониятимизни янада жонлантиришни, янги йўллар излаб ютуқ сари интилишимизни тақозо этади.

Меҳнатга бўлган мотивациямиз – ҳаётга бўлган мотивациямизнинг бир қисмидир холос. Бундай таъриф меҳнатга бўлган муносабатимизни ўзгартириш учун янада янги имкониятлар беради. Ҳаётимизга, дам олиш соҳамизга янгилик киритиш меҳнатга оид мотивациямизга ҳам янгилик олиб киради, уни янада ранг-баранг қилади ва демак унинг ҳаётийлигини таъминлайди.

Қайд этилган фикрлар ва тадбирлар ҳар бир раҳбар ва ҳатто ходимда учраши мумкин бўлган инқирозли даврларга хос мотивация сусайишини қайта жонлантириш, меҳнатга янги шижоат билан киришишни таъминлайдиган ҳолатлардир.

2-§. Мажлислар ўтказиш технологияси

Иш юзасидан ўтадиган йиғилишлар бошқарувдаги муаммоларни асосий ҳал этиш воситаси бўлиб ҳисобланади. Бундай учрашувларда нафақат ишга алоқадор масалалар, балки ходимлар

муносабатларига оид психологик вазифалар ҳам ҳал этилади. Масалан, йиғилиш олиб борар экан, раҳбар автократик ёки демократик тамойилларга мойиллигини намойиш этади, ходимлар орасида ишончлиларни ажратиш ва уларга қўшимча масъулият юклаш тадбирларини амалга оширади. Бу эса ташкилот ичидаги йиғилишлар кўпқирралилиги ва уларни амалга оширишда моҳирлик талаб этилиши далолатидир.

Раҳбар иш вақтининг 70% ни йиғилишларда ўтказди. Афсуски, бундай йиғилишларнинг айримлари самарасиз бўлиб, бунинг сабаби мажлисни тайёрлаш ва ўтказиш пайтида ташкилий ва психологик хатоларга йўл қўйилишидир.

Бошқарув назариясида уч хил йиғилишлар фарқланади:

Маълумот тўплашга қаратилган суҳбат. Бу тадбир ходимлардан ҳисобот йиғиш учунгина ўтказилади. Бундай тарздаги ҳисобот йиғиш ҳар бир ходимдан ёзма равишда маълумот олиш услубидан афзалроқ бўлиб, раҳбар хоҳлаган вақтида аниқлаштирувчи саволлар бериши мумкин. Бошқа афзаллиги шундан иборатки, ҳисобот бераётган ходимни тинглаш орқали, бошқалар ташкилотдаги умумий аҳвол ҳақида тасаввурга эга бўладилар;

Қарор қабул қилиш мақсадидаги йиғилиш. Бунда маълум муаммо юзасидан турли бўлим мутахассисларининг фикрини бир нуктага тўплаш орқали баҳс уюштирилади ва қарор қабул қилинади;

Ижодий гуруҳ йиғилиши. Бунда янги ғояларни яратиш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳақида фикр алмашинади.

Иш юзасидан бўладиган йиғилишлар самарали услуб бўлиб, уларда ташкилот ҳаётига оид муҳим бошқарув қарорлари қабул қилинади ва уларни ижро этиш имкониятлари таҳлил этилади. Йиғилишлар самарадорлиги асосан корхона бошқарувига оид маълумотлар ишлаб чиқиш ҳажми билан ўлчанади. Бу деган сўз – йиғилишга қадар мавжуд бўлган маълумотларни мажлис сўнгида тўпланган маълумотларга нисбати бажарилган ишнинг самарасини ифодалайди. Агар ушбу нисбат бирга тенг бўлса, бу йиғилиш бефойда, бекорга вақт ўтган ҳисобланади. Йиғилишда, қачонки, ҳал этилмаган ишларга оид муаммолар кўрилса ва бир киши урдалай олмайдиган масалалар устида мутахассислар гуруҳи бош қотирсалар, шу пайтда бу учрашув ўз вазифасини адо этган деб ҳисобланади.

Иш юзасидан ўтадиган йиғилишда қатнашувчилар аниқ бирон масала юзасидан тўпланиши, улар муҳокамадаги масала бўйича мутахассис бўлишлари лозим. Иш юзасидан бўладиган йиғилишда махсус малакага эга бўлмаган иштирокчиларнинг қатнашмаганлари маъқул, чунки уларнинг фикрини эшитиш ва муҳокама этишга сарфланадиган вақт гуруҳ фаолиятини бесамара этади.

Йиғилишга тайёргарлик одатда, қарор лойиҳасини ишлаб чиқиш, маълумотларни қисқа баённома ва диаграммалар тарзида яратиш билан тугалланади. Муаммо ечимининг мақбул вариантлари тахмин тарзида ишлаб чиқилади.

Одатда, йиғилиш, раҳбар ёки ёрдамчиларидан бирининг маърузаси билан бошланади. Бу маърузада муҳокама этилажак масала бўйича ҳамма маълумотлар иложи борица аниқ ва лўнда баён этилиши, агар масалада ноаниқлик бўлса бунга иштирокчиларнинг диққатини жалб этиш ва уни ҳал этиш йўллари ифодаланиши лозим. Йиғилиш олиб борувчи гуруҳ фикрини муҳокамадаги масала доирасида ушлаб туриши, аниқлаштирувчи саволлар бериши лозим. Лидер, айниқса, жамоада ахлоқ нормалари сақланишига эътибор бериши ва малакали мутахассислар шаънига бирон ноўя гап тегиб кетмаслигига эътибор бериши тавсия этилади. Йиғилишда бошқарув қарорларини қабул қилишнинг асосий гарови гуруҳдаги ижодийлик муҳити бўлиб, бу омилни кучайтиришнинг асосий услулари – жамоада эркинликни яратиш ва сиқувнинг йўқлигидир.

Иш юзасидан ўтадиган йиғилишлар бошқарув муносабатлари сингари демократик ёки автократик тарзда бўлиши мумкин. Йиғилишнинг демократик шаклида раҳбардан касбий маҳорат ва психологик мутассаддилик талаб этилади. Айнан шундай ҳолатда раҳбар ходимлари билан юзага келадиган мунозарани мутахассис ва тан олинган раҳбар сифатида олиб бориши мумкин. Автократик шаклдаги йиғилишда барча масалаларни раҳбарнинг ўзи ҳал этади. Бу тарзда ўтувчи йиғилишда ходимлардан етарли маълумотни олиш қийин ва гуруҳнинг фаоллиги якка раҳбарнинг ташаббуси орқали ифодаланади, натижада охириги қарор учун масъулият ҳам унинг зиммасига юкланади. Автократлик гуруҳни фаоллаштирувчи услублар тоифасига кирмайди.

Йиғилиш сўнгидаги энг муҳим натижа бошқарув қарорлари бўлиб, уларни амалга ошириш юзасидан янги фикрларга эга бўлиш

муҳимдир. Лекин, янги ғоя доимо эскисини инкор этади ва бундай вазиятда эса, ўз навбатида, маълум танқидий фикрлар юзага келиши табиий. Шунинг учун, раҳбар, гуруҳ олдига қўйилган вазифага мувофиқ равишда, гуруҳий муҳитни бошқариши ва вазиятни кескинлаштирмай, йиғинни мақсад сари йўналтириши лозим. Кескин вазиятда, қарама-қарши фикрлар муҳитида қабул қилинган қарор унинг ижросини ҳам қийинлаштиради. Ўринсиз фикрларни мулойим ва адоват уйғотмай рад этиш, қарор ижросида томонларнинг биргаликдаги ҳаракатини таъминлаш учун замин яратади.

Бошқарув қарорлари билан боғлиқ йиғилишнинг яна бир тоифаси – гуруҳ ёрдамида ишлаб чиқилган ёки мавжуд қарорни амалга оширишда ягона ёндашувни ишлаб чиқиш бўлиб ҳисобланади. Бошқарув қарорларини амалга оширишнинг бу босқичида, дастлаб қарама-қарши фикрга эга бўлган томонларни мақсад сари ҳамкорликда ишлашини таъминлаш, асосий вазифа қилиб қўйилади.

Раҳбар қарор ижросини муҳокама учун такдим этар экан, ижрога оид вазифалар тақсимотини, иложи борича, гуруҳ аъзолари ташаббуси орқали амалга оширгани маъқул. Ижро самарадорлигининг асосий гарови ташаббус ким томонида эканлигидир. Раҳбар томонидан тайинланган ижронинг кафолати раҳбар назорати ва иштироқи орқали таъминланади. Агар ташаббус ходимдан чиқса ва вазифа ижросини у шахсан қабул қилса, демак масъулият ҳам ходим бўйнида қолади. Йиғилишни айнан шу йўсинда олиб бориш ва ходимларнинг масъулиятни ўзлари қабул қилишлари шароитини яратиш, раҳбар олдида турган асосий вазифадир. Албатта, бу каби йиғилишларни олиб бориш ва бошқариш раҳбардан маълум психологик комилликни ва иложи борича автократик кўникмалардан воз кечишни талаб қилади. Бу тарзда йиғилиш олиб бориш технологиясининг асосий шартларидан бири – ҳар бир тақсимланаётган вазифани конкрет ижрочи билан боғлашга олинган мажбуриятларни қайд этиб боришдир. Бу қайдларда ижрочи, у қабул қилган вазифа, ижро муддати ва қандай натижа олиниши яратилиши лозим. Агар ижро бир неча киши иштироқида амалга оширилса ҳамкорликда бўладиган ходим ва бўлимларнинг номлари ҳам белгилаб ўтилиши мақсадга мувофиқ. Бундай тадбир нафақат қарор ижросини, балки унинг назоратини ва

зарур бўлган пайтда керакли ўзгартиришлар киритиш тадбирларини ҳам энгиллаштиради.

Қарорни ижро этиш бўйича мониторинг йиғилишларини мунтазам ўтказиб бориш, эришилган ютуқларни тақдирлаш ва йўл қўйилган хатоларни бартараф этиш бўйича хулосалар чиқариш жуда муҳимдир. Аниқ мақсадга йўналган йиғилишни ташкил этишдаги асосий томонлардан бири -иштирокчиларни қай тарзда таклиф этишдир. Муҳим қарор ишлаб чиқишга қаратилган йиғилишга иштирокчиларни раҳбар котиба/ёрдамчи орқали телефонда таклиф этмаслиги лозим. Бундай йиғилишларга махсус тайёрланган ёзма таклифнома орқали хабар берилгани маъқул.

Вақтни бошқариш

Иш жараёнида аксарият ҳоллардаги муваффақиятлар бирон-бир ишни тўғри бажариш эвазига эмас, балки шу ишни ўз вақтида бажариш ҳисобига эришилади. Шунинг учун вақтдан рационал фойдаланиш – касбий ва иш соҳаларидаги муваффақиятнинг асосий омилидир.

Албатта, вақт қайтариб бўлмас бойлик ва уни узайтириб ҳам бўлмайди. Шунинг учун инсон ихтиёридаги ягона имконият вақтдан тўғри ва унумли фойдаланишдир. Замонавий раҳбар учун энг муаммоли масалалардан бири, вақтни етказа олишдир. «Қани энди суткада 24 эмасу, 34 соат бўлса» деган раҳбарлар кам эмас. Вақтдан унумли фойдаланиш бир нечта ташкилий услублар бўлиб, уларга риоя қилиш вақтимизни тежашга ва маълум вақт оралиғида олдингига нисбатан кўпроқ иш бажаришга эришиш имконини беради. Бундан ташқари, қатор психологик омиллар ҳам борки, уларни ҳисобга олиш ва балки, улар устида ишлаш вақтдан унумли фойдаланиш учун асос яратади.

Шундай қилиб, вақтдан унумли фойдаланиш масштабини муҳокама этишда икки асосий жиҳатни – ташкилий ва психологик томонларни таҳлил этиш мумкин.

Ташкилий томонлар деганда бажарилаётган ишни режалаштириш, саралаш, ҳисобга олиш каби тадбирлар назарда тутилади. Иш кунини унумли ташкил этишдаги биринчи қадам мавжуд вақтни етарли эмаслиги сабабларини аниқлашдан иборатдир. Бунинг учун бир қоғоз олиб, унга устун тарзида вақтингиз танқислиги сабабларини ёзиб чиқинг. Бу сабаблар

ниманинг оқибати эканлигани таҳлил этинг. Бу сабабларни келтириб чиқарувчи муаммоларни ҳал этиш йўллари изланг.

Вақтни тўғри тақсимлашдаги энг асосий масалалардан бири – кундалик вазифаларни тўғри тақсимлашдир. Раҳбар ўз ихтиёридаги вазифаларни турли белгилар ва усулларга кўра тақсимлаши мумкин. Булар ичида энг самаралиси, бажарилиши лозим бўлган вазифаларнинг аҳамияти ва тезкорлик мезонлари бўйича тақсимлашдир. Мазкур услубга биноан, ташкилот раҳбари ихтиёрида бўлган вазифалар қуйидаги 4 кататка жойлаштирилади (3.1-жадвал).

3.1-жадвал

Вақтга ва бажарилаётган ишга нисбатан вазифалар таснифи

Аҳамиятли ва тезда бажарилиши лозим бўлган вазифалар	Аҳамиятли ва тезда бажарилиши шарт булмаган вазифалар
Кундалик ишлаб чиқаришда юзага келадиган муаммолар бўлиб, улар тезда ҳал этилиши лозим. Бу масалалар тезда ҳал этилмаса, ишлаб чиқариш жараёни тўхтаб қолади.	Ташкилотнинг истиқболдаги режаларини белгилаш. Стратегик режалаштириш. Ташкилотнинг 5-10 ва ҳатто 15 йилдан кейинги ҳолати ва бунга ҳозирги кунда қандай қилиб тайёрланиш керак. Янги, харидорталаб маҳсулотлар яратиш устида бош қотириш.
Аҳамиятсиз, лекин дарҳол ҳал этиладиган вазифалар.	Аҳамиятсиз ва бажарилиши лозим бўлмаган вазифалар.
Хат жўнатиш, телефонга жавоб бериш, факс қабул қилиб олиш ва ҳ.к.	Гаплашиб ўтириш, чекиш, иш пайтида турли ўйинларга вақт ажратиш.

Ташкилот миқёсида амалга ошириладиган вазифаларнинг ҳаммасини шу тўрт кататка жойлаштириш мумкин. Энди, ушбу кататкада кўрсатилган таърифларни диққат билан ўқиб чиқинг ва раҳбар сифатида, қайси кататкадаги ишлар билан кўпроқ

шуғулланишингизни айтинг. Бошқарув соҳасидаги етакчи мутахассислар фикрича, ушбу катаклардаги вазифалар тақсимооти, раҳбар лавозимига қараб қуйидагича кўринишга эга бўлиши мумкин: Биринчи катак корхона менежери лавозимида ишловчи ходим масъулиятдан келиб чиқиб бажариладиган вазифалар. Албатта, бошқарув тажрибамизга эндигина кириб келаётган менежер сўзи бизда мавжуд бўлим бошлиқлари, участка бошлиқлари каби лавозимларда ишловчи мутахассисликларга мос келади. Шу жиҳатдан олганда, менежер ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминловчи ходимдир.

Иккинчи катак ташкилот раҳбари зиммасига юклатиладиган вазифалар мажмуидир. Раҳбар ўзининг асосий эътиборини стратегик режалар қуришга, истиқболда ташкилотни кутаётган мақсадларни танлаш устида бош қотириши лозим. Тўғри, ҳозирги замон ўтиш даврига хос иқтисодиётимиз Ўзининг кўп жиҳатлари билан раҳбар масъулияти доирасидаги ушбу таърифларга мос келмаслиги мумкин. Лекин, раҳбар имкон қадар кундалик тезкор вазифаларни ўзидан озод этиши ва иложи борича эртанги кун ҳақида қайғуриши, унинг лавозимига қўйилувчи талабдир. Юқорида келтирилган вазифалар тақсимоотидаги биноан учинчи катакка хос бўлган вазифалар доимо раҳбар ёрдамчиси ва котиба орқали бажарилиши лозим. Раҳбарнинг бу каби ишларга вақт сарфлаши мутлақо уринсиз. Ва ниҳоят, тўртинчи катак нафақат раҳбар, балки ташкилот ходимларининг қанчалик иш билан бандлиги, вақтини беҳуда сарфлаётгани кўрсаткичи бўлиши мумкин. Демак ҳар бир раҳбар ўз вақтидан унумли фойдаланиши учун ўз ваколати ва зиммасидаги масъулиятдан келиб чиққан ҳолда, вазифаларни саралаб олиши, ўз мавқеи учун аҳамиятли ва аҳамиятсиз ишларни бир-биридан ажрата олиши лозим.

Кейинги ташкилий имкониятлардан яна бири – бажарилиши лозим бўлган вазифани иложи борича ёрдамчилар зиммасига ўтказишдир. Раҳбар бажараётган ишнинг шундай қисми мавжудки, буни бевосита раҳбарнинг ўзи бажариши шарт эмас. Мавжуд ишни таркибий қисмларга бўлиш ва уларни бажариш ваколатини ходимларга ўтказиш раҳбар вақтини тежашдаги асосий усуллардан биридир. Ҳатто, раҳбар баъзида ўзига «шу ишни бажаришим шартми, бажармасам нима бўлади» деган саволни бериб туриши

ҳам иккинчи даражали ишларни асосийларидан ажратиб олиш имконини беради.

Бошқарув функцияларини тақсимлай олмаслик раҳбарнинг ўз ваколатлари маълум қисмини қўл остидагиларга топшира олмаслик ходимларга ишонмаслик белгисидир ва бундай ҳолат жамоада салбий муҳит шаклланишига олиб келади.


Чет эл бизнес бошқарувига оид адабиётларда кўрсатилишича, истиқболдаги мақсадларга йўналганлик ташкилотнинг турли бўғин раҳбарларида қуйидагича тақсимланиши лозим экан: масалан, корпорация бошқаруви раиси 20 йил олдинга қараб ташкилот ишини режалаштирса, бошқарув аъзолари 12-15 йиллик истиқболни кўра олишлари керак ва бирон соҳа йўналишидаги раҳбар, яъни менежерлар эса 7 йиллик истиқболни прогноз қилишлари лозим.

Социологик тадқиқотлар натижаларига кўра менежернинг иш вақти тақсимоти қуйидаги тартибга тўғри келар экан:

Ишдаги одатий ва кунда қайтарилиб турадиган муаммоларни ечишга 80% вақт кетади ва бу сарфланган вақт 20% муваффақият келтиради.

Муҳим ва стратегик муаммоларни ҳал этишга 20% вақт кетади, лекин бу меҳнат эвазига корхонанинг 80% муваффақиятига эришилади.

Шундай таърифдан келиб чиққан долда ташкилот турли бўғин раҳбарларига хос бўлган вақт ажратиш шаклини қуйидагича тасвирлаш мумкин:



3.2-расм. Ташкилотдаги вазифаларни бошқариш ва бажаришга сарфланадиган вақтнинг турли бўғин раҳбарлари орасида тақсимланиши.

Раҳбарнинг вақтни бошқариши муаммони малакали тарзда аниқлай олиш, мақсад ва вазифани тўғри белгилаш, ходимлар ўртасида ишни тақсимлай олиш қобилиятига асосланади.

Юқорида санаб ўтилган тadbирлар кўпроқ технологик мазмунга эга бўлиб, вақт етишмаслигининг психологик сабаблари ҳам мавжуд. Қуйида санаб ўтиладиган шахс психологик муаммоларини малакали ҳал этиш орқали раҳбар ўз вақтидан янада унумли фойдаланишда қўшимча имкониятларга эга бўлиши мумкин:

1. Доимий шошилиш. Шошилиш ҳолатидаги шахс бирон-бир масала устида тўхтаб, батафсил мулоҳаза юритолмайди, манзур қарор қабул қила олмайди ва кўп ҳолларда учраганидек ушбу масалага яна ва яна қайтиш зарурати туғилади.

2. Чарчаш. Доимий шошилиш шароитида узоқ вақт ишлаш натижасида юзага келадиган ҳолат.

3. Бундан ташқари кўп вазифаларни ўз зиммасига олиш.

4. Пала-партишлик ишни ёмон ташкил этиш, режалаштирмаслик натижаси. Бу айрим ҳолларда инсон ўз ҳиссиётини бошқара олмаслик оқибатида намоён бўлади.

5. Доимо уйга иш олиш натижасида жисмоний ва руҳий чарчоқ пайдо бўлади ва оқибатда иш вақтида меҳнат қилиш қобилияти сусаяди.

6. Ишни режалаштирмаслик. Кўп ҳолларда бу хислат алоҳида шахс эмас, балки у ишлайдиган ташкилот муаммоси ҳамдир.

7. Меҳнат қилишга бўлган мотивациянинг сустлиги. Бу омил иш унумдорлигининг пастлигига ва натижада меъёрадаги вазифаларни вақтида бажара олмасликка сабаб бўлади.

8. Ирода сустлиги. Диққатни жамлай олмасликда, беқарорликда намоён бўлади. Қарор қабул қилишнинг қийинлиги унинг ижросини ҳам орқага чўзиб юборади.

9. Ишни бажаришда касбий моҳирлик – профессионализмнинг етишмаслиги.

Вақтдан унумли фойдаланишга салбий таъсир этувчи шундай омиллар ҳам борки, улар кўпроқ ижтимоий-психологик мазмун касб этади:

- жамоада ижобий муносабатларни сақлаш ва ривожлантиришга вазифани бажаришдан кўра кўпроқ эътибор берилади;

- жамоа ичида ҳамкорликдан кўра мусобақалаш, қарама-қарши туриш сиёсати устун туради;

- вазифани муваффақиятли ҳал этишга ишончнинг йўқлиги ёки камлиги;

- вазиятни қандай ҳал этиш ҳақида бировнинг кўрсатмасини

тазйик остида қабул қилиш;

- вазифани қандай ҳал этиш бўйича раҳбарликнинг, йуриқноманинг шаклланмаганлиги.

Демак вақтни тўғри тақсимлаш ва ажратилган вақтдан унумли фойдаланиш инсондан маълум психологик билимларни билишни талаб қилиш билан бирга, ушбу муаммолар бўйича шахснинг ўз устида мунтазам иш олиб бориши орқали ҳал этиш имкониятини беради. Юқорида таклиф этилганидек қоғоз ва қалам олиб қайси муаммолар туфайли вақт йўқолиши сабабларини аниқланг ва шу сабабни бартараф этиш бўйича янги хулқ шаклларини ўзингизда ривожлантиринг. Бу тадбирни амалга оширишда кичик бир психологик машқ таклиф этишимиз мумкин. У ёки бу тадбирга киришар экансиз, масалан, тез қарор қабул қилмоқчисиз ва қабул қилинган қарорга бошқа қайтмоқчи эмассиз. Ҳаётингизда ишончли ва тез қарор қабул қилган бирон-бир вазиятни эсланг. Шу вазиятни эслаш орқали ўша пайтдаги ҳолатни қайта жонлантиришга ҳаракат қилинг. Ишончли қарор қабул қилганингизда қандай вазиятда эдингиз, атрофингизда қандай одамлар бор эди, турган жойингизни кўз одингизга келтиринг, қандай товушлар келаётганини эсланг. Ўша вазиятдаги атроф-муҳит ва тасаввурларни максимал даражада қайта тиклаш натижасида шу вазиятга хос бўлган ҳислар яна тиклана бошлайди. Мана шу қайта тикланган ишонч ҳисси билан мавжуд муаммога қаранг ва ечим ўз-ўзидан, тез келганини ҳис этасиз.

Ушбу мавзунини яқунлар эканмиз, вақтни самарали бошқариш бўйича ҳар бир раҳбар ва ходим ёдда тутиши лозим бўлган қоидаларни эслатиб ўтмоқдимиз:

1. Вақтингизни ҳақиқатан ҳам жуда муҳим вазифаларни ҳал этишга сарфланг.

2. Кунингизни режалар билан тўлдириб юборманг, белгиланган ишларингиз орасида тасодифий ва тезкор ишлар учун ораликлар қолдиринг.

3. Муҳим (3 тагача) ва иккинчи даражали (5 тагача) ишларни режалаштиринг.

4. Кунингизни қийин, муҳим ва ёқимсизроқ ишлардан бошланг ва яқунлашда оддийроқ, ёқимлироқ ишларга ўтинг.

5. Вақтни шошилтирманг. Иш вақтидан керагидан «ортиғини сиқиб» чиқаришга ҳаракат қилманг.

6. Агар вақтингиз бўлса, вазифани ҳал этишга бугуноқ кириша қолинг. Муаммони тезроқ ва батафсилроқ ҳал этишга киришинг. Қолган вақтни дам олиш ёки бошқа ишларни ҳал этишга сарфланг.

7. Вазифани ёки унинг бир қисмини ходимларга бўлиб бериш имкониятини изланг.

8. Эски ишни тугаллаб, кейин янгисига киришинг. Янги ишни бошлар экансиз, ҳар қандай шароитда уни тугатишга ишончингиз комил бўлсин.

9. Вақтингизни оладиган ёки ўз вақтини сизнинг ҳисобингизга тежайдиган кимсалардан узоқроқ бўлинг.

10. Вақтни бошқаришга оид қобилиятингизни таҳлил қилишга ўрганинг.

11. Вақтнинг ҳатто, энг кичик бўлакларини ҳам тежанг

12. Ўзингизни «ҳаракатсизликда» айблайверманг. Раҳбар фаолиятида ижодий танаффуслар бўлиб туриши керак.

5.4. Бошқарувда назоратни такомиллаштириш.

Назоратнинг икки усули фарқланади:

- Сифатни назорат этиш.

- Ходимларни назорат этиш.

Сифатни назорат этиш:

Бундай ёндашувда марказий ўринда бажарилаётган меҳнат ва чиқарилаётган маҳсулот туради.

Бажарилаётган иш маълум сифатда адо этилишига ходимлар кафолат бўлиб хизмат қиладилар.

Ходимларни назорат этиш:

Бундай ёндашувда марказий ўринда ходим туради.

Раҳбар, ҳамма ходимлар иложи борича яхши шароитда меҳнат қилишларига эътиборини қаратади. Ходимларнинг эҳтиёжларини иложи борича қондириш, зеро, қилинаётган иш яхши сифатларда бажарилиши учун асос бўлади.

Бошқарув ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Мақсадларни билиш.

Ўзингиз нимага эришмоқчи эканлигингиз ва ходимларингиздан нимани кутаётганлигингиз ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш.

Ташкилотингиз фаолияти қаерга йўналяпти?

Бу саволларга аниқ жавобга эга бўлмай туриб, инсонларни бошқариш мумкин эмас.

Самарали фаолият олиб бораётган ташкилотларни кузатиш натижасида қуйидаги стандартлар аниқланди ва ҳар бир ташкилот беихтиёр буларни бажаришга интилади:

1. Мижозларга яхши хизмат кўрсатиш.
2. Мижозлар сонини ошириш.
3. Чиқимларни камайтириш.
4. Иш жойи ва атрофни тоза ва тартибли ушлаш.
5. Зарур даражадаги ишлаб чиқариш самарадорлигини ушлаб туриш.

Раҳбар ушбу руйхатдан вазифаларни долзарблиги бўйича танлаб олиши ва уларни тартиб билан амалга ошириши зарур.

Инсонларни билиш. Ҳамма инсонларнинг эҳтиёжлари бир хил бўлишига қарамай, улар ҳар бир инсон учун турлича аҳамиятга эгадир.

Ҳар бир инсонга тегишли эҳтиёжлар мажмуини билиш – шу инсон қалбига йўл топиш билан баробардир.

2. Аттестация. Аттестация – ходимнинг меҳнат фаолияти натижалари бўйича йил якунида баҳоланади.

Аттестация қуйидаги йўналишларда ўтади:

- бажарилган меҳнатнинг сифати;
- бажарилган меҳнатнинг иқтисодий самарадорлиги;
- хатоларга йўл қўймаслик борасида эришилган ютуқлар;
- вазифаларни бажариш тезлиги;
- қоғозлар билан ишлаш;
- бошқа мутахассисларни жалб этиш ва биргаликда ишлаш;
- гуруҳда ишлаш.

3. Интизом ва ахлоқ.

Интизом – бу ходимнинг ўз хоҳиш ва қулайликларини гуруҳ манфаатларига бўйсундиришдан иборатдир.

Ахлоқ – бу гуруҳий ҳолат бўлиб, нима яхшию, нима ёмон ҳақидаги қоидаларнинг амал қилишидир.

Жамоада яхши интизом мавжудлигини аниқлаш мезонлари:

Иш жойи:

- тоза;
- тартибли;
- хавфсиз;
- ҳар бир нарса ўз жойида туради.

Ходимларнинг ташқи кўриниши:

- қулай ва ишга мос тарзда кийинган;
- кийим иш шароити талаб қилган даражада тоза;
- ҳамма жойда хавфсиз ускуналардан фойдаланилади;
- назорат ва бошқарув ходимлари қоидаларга ўзлари мустақил равишда амал қиладилар;

- яхши намуна кўрсатадилар;
- ўз мустақилликлари имконияти ва чегарасини ҳис этадилар;
- ташкилотни танқид қилмайдилар.

Меҳнатнинг ўтиши:

- яхши сифат;
- яхши миқдор кўрсаткичлари;
- чиқимлар иложи борича паст;
- тўхтаб қолиш ва йўқотишлар йўқ.

Ходимларнинг ишдаги хулқи:

- вақтга риоя этиш;
- ишга мунтазам қатнаш;
- ички интизомни ривожлантириб бориш;
- дам олиш вақтини чўзиб юбормаслик, раҳбариятга ўзаро ҳурматда бўлиш.

Корхона ходимлари интизомида муаммоларни юзага келтирувчи манбалар:

- Раҳбар етарли бўлган обрў-эътиборга эга эмас.
- Ишга жалб этиш ва ундаш услублари маҳсулот сифатини таъминлаш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келмайди.
- Бошқарув аппарати, маъмурият итоатдаги ходимларга яхши намуна бўла олмайди.
- Бемаъни қоидаларнинг мавжудлиги.

Мавжуд қоидалар ташкилот миқёсида кенг тарқалмаган ва ходимлар томонидан қабул қилинмаган.

3-§. Раҳбар ходимлар бошқарувини сусайтирувчи омилларга қарши курашиш

Ходимлар ўз диққатларини жалб этувчи иш ҳажмига эга эмасликлари, янги ходимларнинг жамоага мослашиши (адаптацияси) нотўғри ташкил этилганлиги ҳамда жамоада маданият, ахлоқ ва одоб даражаси паст ходимларнинг мавжудлиги ҳам бошқарув самарадорлигига ўз таъсирини ўтказади.

Раҳбар сифатида ўз обрў-эътиборингизни қандай қилиб мустаҳкамлашингиз мумкин:

1. Камситилган обрў. Бу ҳолат ўзидан юқори мансабга эга бўлган раҳбарнинг муносабати натижасида содир бўлиши мумкин. Кўп ҳолларда, юқори бўғин раҳбари, ўзидан паст раҳбарни танқид қилган ҳолда, унинг обрўсини ходимлар олдида қадрсизлантиради. Бундай ҳолат юзага келганда, ўз раҳбарингизга, сизнинг обрўингизни олиш билан бирга, у ўз зиммасига сизнинг ҳам масъулиятингизни олаётганлигини мулойим тарзда етказинг. Бундай янги ва ўринсиз масъулият унга яна қўшимча муаммолар олиб келиши мумкинлигини ҳис эта олсин.

2. Билимлар:

- мустақил равишда ўз билим ва малакангизни ошириш билан шуғулланинг;

- жамоа ҳаётидаги меҳнат жараёни ҳақида доимо тўла маълумотга эга бўлинг;

- янги маълумотларни доимо сўраб билиб юринг;

- бошқарув малакангизни ривожлантиринг.

3. Шахсий хислатлар:

- яхши тингловчи бўлинг, фаол тинглаш услубидан фойдаланинг;

- янги ёндашувни қабул қилишга тайёр бўлинг;

- жасурлик хислатларига эга бўлинг;

- доимо масъулиятингизни ҳис этинг;

- атрофдагиларда шахсингиз ва малакангизга оид ишонч уйғотинг;

- узоқни кўриб иш юритинг;

- атрофдагиларга илтифотли бўлинг, лекин расмиётга берилманг;

- мулойим ва мулоқотга молик бўлинг;

- жамоа томонидан ҳурмат қозонишга эришинг, бунинг учун доимо жамоа манфаатлари ҳақида қайғуринг;

- лидерга хос хислатларингизни кучайтиринг.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Бошқарув технологиялари ва уларнинг аҳамиятли жиҳатларини тушунтириб беринг.

2. Ички ишлар органлари ходимларнинг хизмат фаолиятини янада такомиллаштиришда уларнинг мотивациясини бошқариш деганда нимани тушунасиз?

3. Раҳбар ходимлар мотивациясини сусайтирувчи омилларга нималар киради?

4. Жамоанинг фаолиятини пухта режалаштириш, мақсадларни янада аниқлаб бориш ҳамда ташкилий тадбирларнинг турли-туманлигини таъминлашни психологик таҳлил қилиб беринг.

5. Ўз-ўзини мотивациялашнинг асосий услублари нималардан иборат

22-мавзу. БОШҚАРУВДА ЛИДЕРЛИК МУАММОСИ

1-§. Психологияда бошқариш муаммоси

Охирги йилларда инсон омилига эътиборнинг ортиб бориши муносабати билан бошқариш психологияси масалаларига ҳам қизиқиш кучайди. Шу асосда ижтимоий психологиянинг махсус бўлими – **бошқариш психологияси** пайдо бўлди. Бошқариш психологияси психологиянинг шундай тармоғики, у бошқарув фаолияти билан боғлиқ бўлган муаммоларни, шахс ва шахслар гуруҳи томонидан бошқа гуруҳлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва биргаликдаги фаолиятини амалга оширишнинг психологик механизмларини ўрганади.

Бошқариш муаммолари ҳам бир қанча фанлар томонидан ўрганилади, жумладан, фалсафа, тарих иқтисод, ҳуқуқшунослик ва психология унинг ўзига хос томонларини очиш билан шуғулланади. Психология бошқаришни ҳам объекти, ҳам субъектини ўрганади. Психологик тадқиқотларда ўрганиладиган олимлар жамоаси, алоҳида шахс, уларнинг психологик ҳолатлари, улардаги айрим жараёнлар ва вазифалари бошқарув *объекти* деб айтилади. Бошқарувнинг *субъекти* ўрганилганда эса одатда бошқарувчи шахс ёки одамлар гуруҳи назарда тутилади.

Психология кўпроқ бошқарувчи шахс фаолиятининг психологик асосларини ўрганади ва шу асосда бўйсунувчилар ишларини самарали ташкил этиш, аниқ ва тўғри қарорлар қабул қилиш учун қандай психологик ҳолат ва жараёнларни ўзида

тарбиялаш лозимлиги каби қатор муаммоларни ечади. Масалан, конкрет ҳаётӣ шароитларда агар бошлиқ мажлис олиб бораётган бўлса, ҳар бир сўзга чиқувчиларнинг фикрлари, маърузалари ва ҳоказолар орқали уларнинг психологик ҳолатлари аниқланади, янги иш дастурлари ишлаб чиқарилади, қабул қилинган қарорларга кўра бошлиқнинг ва ходимларнинг ҳар бирига алоҳида кўрсатмалар ва маслаҳатлар берилади.

Бошқарув психологияси бошлиқ фаолиятини таҳлил қилганда асосий диққатни бошқариш унинг эҳтиёжи ёки қобилиятларига мос ёки мос эмаслиги, қайси индивидуал хусусиятларига кўра у бошлиқ даражасига кўтарилди, ишни муваффақиятли амалга ошириш учун у бошқарувнинг қай усулларидан фойдаланяпти, ходимларга психологик таъсир кўрсатиш мақсадида у қандай таъсир услубларини қўл-ляпти каби қатор масалаларга қаратади. Бошлиқ бўлишига турли шахсларнинг муносабатлари ҳар хил, чунки кимдир бошлиқда бўлган имтиёзларга берилади, ким учундир унга берилажак ҳуқуқларни афзал кўриш хос, кимгадир юксак масъулиятларни бўйинга олиш маъқул келади. Шахсларнинг бошлиқ функциялари ҳақидаги тасав-вурлари қанчалик хилма-хил бўлмасин, бошлиқдан реал шароитларда одамлар гуруҳини аниқ мақсад асосида фаолиятга йўллаш, уларга бош бўлиш, турли тадбирларни амалга ошириш, обрўга эга бўлиш, ҳар бир қилинган иш учун жавобгарликни ўз бўйнига олиш каби кўплаб сифатларнинг мужассам бўлиши талаб қилинади.

Айниқса бошлиқ учун турли гуруҳлардаги, кўп ҳолда бир бошлиқ учун бир вақтнинг ўзида бир қанча гуруҳлардаги шахслараро муносабатларнинг характериға жавобгар бўлиш қийинчиликлар туғдиради, чунки ўша гуруҳларни ташкил этган ҳар бир шахснинг ўзига хос индивидуаллиги, бошқарувчи ҳақидаги улар тасаввурининг ҳар хиллиги ва гуруҳларда норасмий лидерларнинг борлиги бошлиқдан одамлар билан ишлаш борасида ҳам тажрибанинг, ҳам психологик фаҳм-фаросатнинг ва сабр-қаноатнинг бўлишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам кундалик ҳаётимизда, ҳам илмий адабиётларда тез-тез ёнма-ён ишлатиладиган «лидер» ва «бошлиқ» тушунчаларининг психологик мазмунларини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Ички ишлар органлари жамоаларида раҳбарлик ва лидерлик. Ички ишлар органлари жамоасидаги ўзаро муносабатлар юқоридан пастга ёки аксинча бўлиб, жамоа аъзоларининг конкрет

мавқелари, бошлиқ билан бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларни ўз ичига олади. Бу борада «лидер» ва «бошлиқ» тушунчалари ўртасидаги фарқлар ҳақида гапириш лозим. Б.Д. Парыгин бу икки тушунчани фарқлаб шундай ёзади:

1) лидер асосан гуруҳдаги шахслараро муносабатларни бошқарса, раҳбар – шу гуруҳдаги расмий муносабатларни бошқаради;

2) лидерлик кичик гуруҳларгагина хос бўлган ҳодиса бўлса, раҳбарликнинг ҳақ-ҳуқуқлари катта гуруҳлар доирасида ҳам содир бўлиши, амалга оширилиши мумкин;

3) агар лидерлик стихияли, бетартиб жараён бўлса, раҳбарлик мақсадга қаратилган, жамиятда ишлаб чиқилган нормалар, тартиблар асосида сайловлар оқибатида содир бўладиган ҳодисадир;

4) лидерлик раҳбарликка нисбатан вақтинчалик ҳодиса бўлиб, гуруҳ аъзоларининг кутишлари, уларнинг кайфиятлари, фаолият йўналишига қараб, узоқроқ муддатда ёки қисқа муддатда рўй беради;

5) раҳбарнинг лидердан фарқи яна шундаки, у лидерда йўқ бўлган жазолаш ва рағбатлантириш тизимига эга бўлиб, шу асосда ўз ходимларига таъсирини ўтказиши мумкин;

6) лидер гуруҳда у ёки бу қарорлар, кўрсатмалар, ташаббусларни ўз ихтиёрича, бевосита чиқариши мумкин, раҳбарда эса бу йўналишда кўплаб расмий кўрсатмалар, режалар, нормалар, буйруқлар мавжудки, улар доирасидан чиқиб кетиши қийин;

7) лидернинг фаолияти фақат кичик гуруҳлар доирасида амалга оширилса, раҳбар шу гуруҳдаги, кенгрок ижтимоий доирадаги, жамиятдаги вакили бўлганлиги учун, унинг ваколатлари ҳам кенг, фаолият имкониятлари ҳам ортиқдир.

Лидер ҳеч қачон ёлғиз бўлмайди, у доимо гуруҳ аъзолари орасида бўлади, у шу гуруҳ аъзоларини у ёки бу ҳаракатларга чорлайди. Чунки лидер гуруҳ аъзоларининг психологияси, уларнинг кайфиятлари, интилишлари, қизиқишлари ва ҳоказоларни ҳаммадан ҳам яхши билади, улар ичида энг ташаббускоридир. Агар ички ишлар органлари жамоаси доирасида олиб қараладиган бўлса, турли хил лидер борлигини аниқлаш мумкин. Масалан, жамоа ичида ёши каттаси, амалий тажрибаси юқориси, бўлим, бўлинма ичида касб сирларини яхши биладигани, жамоа ичида ақл ўргатувчиси, топқирни, интеллектуал лидери, ходимлар ичида энг ҳазилкаши,

дилкаши, хушчақчағи, кўнгил сўровчиси, ўзгаларни тушуна оладиган – эмоционал лидер, гуруҳни иш фаолиятга чорлай оладиган, дадил, қатъиятли, иродали-иродавий лидерлар бўлиши мумкин. Улар айни вазиятларда вазият талабига кўра пайдо бўладилар ҳамда ходимлар онгида ўз сифатларига кўра обрў қозонадилар. Лидер сифатлари ичида яхши ва ёмонлари ҳам бўлиши мумкин, лекин гуруҳ лидерга эргашганда, уни ибрат сифатида танқидсиз қабул қилади ва шунинг учун ҳам барча ишларига эргашиб, кўрсатмаларига амал қилади. Ички ишлар органлари жамоасида хулқи кун тартиби, тартиб-интизом нормаларига тўғри келмайдиган лидерларнинг борлиги, улар маълум гуруҳ ичида сўзсиз обрўга эга эканлиги ҳам шу билан тушунтирилади. Масалан, лидер кўрсатма берса, унга эргашганларнинг ўрнатилган кун тартиби, тартиб-интизомни бузишлари билан тушунтирилади.

Шунинг учун ҳам ички ишлар органлари раҳбари ўз жамоасидаги расмий лидерлар билан ишлаш билан чекланмайди, балки норасмий лидерларни ҳам аниқлай билиши, улар билан ҳамкорликда ишлаши зарур. Тўғри, баъзи ҳолларда бўлим, бўлинмаларда расмий ва норасмий лидер бир ходим бўлиши ҳам мумкин. Бу жуда қулай, лекин лидерлик вазиятга боғлиқ бўлгани учун ҳам уларнинг ўзгариб туришини ҳисобга оладиган бўлсак раҳбарнинг бошқариш маҳорати ёки санъати унинг норасмий лидерлар билан самарали ишлаш усулидир.

Шундай қилиб, ҳар қандай лидер обрўга эга. Обрўлилик шахсининг шундай хусусияти, у бошқа шахсларга ҳам ҳиссий-эмоционал, ҳам иродавий таъсир кўрсата олиш қобилиятига эгадир. Норасмий обрўлилик яъни шахслараро муносабатлар маҳсули сифатида орттирилган обрў жуда самаралидир. Одамлар кўнглига йўл топиш, уларни турли вазиятларда тушуна олиш, ишонч ва шунга ўхшашлар обрў орттириш мезонларидандир.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Раҳбар ўзига ишонч билдирган одамларнинг юрак уришини доимо сезиб туриши, унинг сёкин ёки безовта уришига қараб, вазиятга тўғри баҳо бериши, шу асосда тўғри қарор қабул қила олиши даркор»⁴⁵.

⁴⁵ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.Т. 10. – Т., 2002. – Б.77-78.

Лидерликка оид назариялар – лидерлик ҳодисаси тўғрисида гап кетар экан, лидерлик назариялари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтиш ўринлидир. Ҳозирги кунга қадар лидерлик тўғрисида асосан учта назария мавжуд: харизматик назария; вазиятга боғлиқлик назарияси; синтетик назария.

*Биринчиси «лидерлик сифатлари назарияси»*дир ёки **харизматик назария**. Унинг моҳияти шуки, ҳамма ҳам лидер бўла олмайди, айрим шахсларда шундай сифатлар йиғиндиси туғма мавжуд бўлиб, улар унинг гуруҳда лидер бўлишини таъминлайди. Масалан, 1940 йилда америкалик К. Берд 79 сифатдан иборат бўлган лидерлик қирралари рўйхатини тузди. Бу рўйхатда жумладан ташаббускорлик, мулоқотга кириша олиш, юмор ҳисси, ўзига ишонч, тез ва аниқ қарорлар қабул қила олиш, ташкилотчилик каби сифатлар бор эди. Лекин бу назариянинг хатолиги шунда эдики, биринчидан, у юқоридаги сифатлар қандай қилиб намоён бўладию, қандай шаклланишини тушунтириб бера олмади, иккинчидан, сўроқлар мобайнида бирорта сифат ҳам мутлақ кўп марта қайд этилмади.

Иккинчи назария лидерликнинг вазиятга боғлиқлиги назариясидир. Бу ердаги асосий ғоя – лидер вазиятнинг маҳсули деган ғоядир. Ҳар бир одамда лидерлик сифатлари бор, лекин айрим вазиятлар айрим шахсларнинг ўзларини кўрсатишлари, лидер бўлишлари учун қулай ҳисобланади.

Юқоридаги икки назарияни танқид қилиш натижасида пайдо бўлган *учинчи назария* лидерликнинг **синтетик** назариясидир. Бу назария лидерни гуруҳий муносабатларнинг бевосита маҳсули деб қарайди, лидернинг руёбга чиқишида гуруҳнинг бирламчи ролини илгари суради. Психолог А.Н. Леонтьевнинг фаолият концепциясига таянган ҳолда, лидерликни фаолият маҳсули, гуруҳнинг ушбу фаолиятга муносабати ва гуруҳда қабул қилинган нормалар ва ижтимоий кутишларга ким кўпроқ жавоб беришига қараб лидерни аниқлаш мумкин. Ижтимоий кутишлар назарияси ҳозирда кўпчилик томонидан маъқул ёндашишлардан бири деб қабул қилинмоқда.

2-§. Лидерлик услублари ҳақида тушунча

Ҳар бир лидер ёки бошлиқ ўзича индивидуал ва қайтарилмасдир. Бунинг боиси ҳар бир бошлиқ ўз иш фаолиятини, бошқарув фаолиятини ўзига хос тарзда ташкил этишидадир.

Ижтимоий психологияда бошқарув соҳасида батафсил ўрганилган муаммолардан бири – **турли бошқарув услубларидир**. Бу соҳада немис олимлари Г.Гибш ва М. Форверг, рус олимлари В.Д. Парыгин, Л.Н. Уманский, М.Ю. Жуков ва бошқаларнинг ишлари айниқса диққатга сазовордир. Барча илмий тадқиқотларни умумлаштирган ҳолда ижтимоий психологияда қабул қилинган уч асосий бошқариш услубларига характеристика бериб чиқамиз. Бу уч услуб:

- авторитар;
- демократик;
- либерал иш услубларидир.

Авторитар раҳбар барча кўрсатмаларни ишчанлик руҳида, аниқ-равшан, кескин оҳангда ходимларга етказди. Мулоқот жараёнида ҳам ходимларга нисбатан дўқ-пўписа, кескин тақиқлаш каби қатъий оҳанглардан фойдаланади. Унинг асосий мақсадларидан бири – нима йўл билан бўлса-да, ўз ҳукмини ўтказиш. Унинг нутқи ҳам аниқ ва равон доимо жиддий тусда бўлади. Бирор иш юзасидан ходимларни мақташ ёки уларга жазо бериш, танқид қилиш соф субъектив бўлиб, бу нарса бошлиқнинг кайфиятига ва ўша шахсларга нисбатан шахсий муносабатига боғлиқ. Жамоа аъзоларининг тилак-истаклари, уларнинг фикрлари ва маслаҳатлари жуда кам ҳоллардагина инобатга олинади, аксарият ҳолларда бундай истақлар ёки кўрсатмалар тўғридан-тўғри дўқ-пўписа, камситиш ёки маънавий жазолаш йўли билан чекланади. Бундай раҳбар ўз иш услублари, келажак режалари, бирор аниқ ишни, операцияни қандай амалга оширмоқчилигини одатда, жамоадан сир тўтади, унинг фикрича, бу унинг обрўйига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Гуруҳдаги ижтимоий-фазовий муносабатлардаги ўрни жиҳатидан, у «жамоадан четда», автономдир.

Авторитар раҳбарда ҳар бир жамоа аъзоларининг қобилиятлари, ишга муносабатлари, мавқеларига кўра тутган ўринлари ҳақида тасаввурлар борки, шунга кўра у ҳар бир ходимнинг иш ҳаракатларини максимал тарзда дастурлаштириб қўйган, унда ҳар қандай чеклашлар унинг очик ғазабини келтиради ва бунинг учун унда жазолашнинг турли услублари мавжуд. Яъни бундай жамоаларда ҳокимият – марказлаштирилган, жамоа раҳбари ушбу марказнинг якка ҳокими – шунинг учун ҳам бу ерда «менинг одамларим», «менинг ишим», «менинг фикрим бўйича» каби

иборалар тез-тез ишлатилади. Бундай раҳбарларда ишига нисбатан шундай фидойилик борки, улар ўзларини шу ишсиз тасаввур қила олмайдилар, яъни иш унинг «бутун вужудини қамраб олган». Шу сабабдан бундай раҳбар жамоадаги ҳар бир ходимни унинг хизмат фаолиятини, унинг натижаларини жуда яхши билади. Лекин, аслида, уни ишнинг мазмунидан кўра, унинг ўша ердаги етакчилик роли, бошқариши кўпроқ қизиқтиради ва ўша сифатларга қараб баҳо беради. Бу сифат, табиийки, ишнинг сифатига ҳам таъсир қилгани учун жамоа олдида қўйилган барча топшириқлар бажарилмай қолмайди («темир раҳбар»). Бундай жамоаларда танқидийлик жуда суст, чунки у ўзини ҳам, бошқаларни ҳам танқид қилишларига йўл қўймайди. Танқид қилишга, унинг фикрича, фақат бошлиқ ҳақли, йиғилишларда сўзни ўзи бошлаб, ташаббусни охиригача бошқаларга бермайди, одамларнинг таклифлари, уларнинг ҳиссиётлари эътиборга олинмайди.

Г.Гибш ва М.Форвергларнинг таҳлил қилишларича, авторитар лидер бош бўлган жамоада ишларнинг самарадорлиги анча юқори бўлиб, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари ҳам юқори бўлар экан. Лекин жамоадаги руҳий-маънавий муҳит оғир, танг бўлиб, бу нарса одамларнинг жамоадан, ишдан қониқмасликларига олиб келади. Бундай раҳбарлар бошчилик қилган жамоаларида ишлайдиган одамлар ўз касблари, иш жойларини осонликча алмаштиришлари мумкин.

Демократик раҳбар, аксинча, бўйсунувчиларга мустақиллик эрк бериш тарафдори. Ишда топшириқлар берганда ишчиларнинг шахсий қобилиятларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлайди. Бунда у ходимларнинг шахсий мойилликларини ҳам ҳисобга олади. Буйруқ ёки топшириқлар, одатда, таклиф маъносида берилади. Нутқи оддий, доимо осойишта, сокин, унда ўртоқларча, дўстона муносабат сезилиб туради. Бирор кишини мақташ, унинг лавозимини ошириш ёки ишдаги камчиликка кўра ишига баҳо бериш доимо жамоа аъзоларининг фикри билан келишилган ҳолда амалга оширилади. Танқид, кўпинча таклиф, истак шаклида қилинган ишларнинг мазмунига баҳо бериш ҳолида «айбдорга» етказилади. Ҳар бир янги иш жамоа маслаҳатсиз бошланмайди. Шунинг учун ҳам унинг фазовий-ижтимоий ҳолати «жамоа ичида».

Жамоада танқид ва ўз-ўзини танқид шундай йўлга қўйилганки, унинг оқибатидан ҳеч ким азият чекмайди. Чунки кўпроқ бошлиқ эмас, балки жамоанинг бошқа фаоллари – норасмий лидерлар

танқид қиладилар. Бошлиқ йўл қўйган хато-камчиликларни жамоатчилик олдида бўйнига олишдан қўрқмайди. Чунки ундаги масъулият ҳисси нафақат юқори бошқарув ташкилотлари аъзолари билан мулоқот пайтида, балки, ходимлар билан мулоқотда ҳам сезилиб туради ва қўйилган топшириқ юзасидан масъулиятни бошқаларга ҳам бўлиб беришни яхши кўради. Бошлиқнинг ходимларидан сири йўқ, шунинг учун ҳам мажлисларда кўпроқ у эмас, балки барча ходимлар гапирадилар, охирги қарор чиқариш ва сўзларни яқунлаш, умумлаштириш ҳуқуқидан у тўлиқ фойдаланади.

Гибш ва Форвергларнинг таҳлилларига кўра, бундай бошлиқ раҳбарлик қилган жамоаларда маънавий-руҳий муҳит жуда яхши, ходимлар жамоадан, ишдан қониқиш ҳосил қилади, ишдан кетиш ҳоллари кам бўлади, лекин ишлаб чиқариш зўрға норма ҳолатида бўлар экан.

Либерал (лоқайд) услубда ишлайдиган раҳбарнинг кайфиятини, ишга муносабатини, ишдан мамнун ёки мамнун эмаслигини билиш қийин. Унда тақиқлаш, пўписа бўлмайди, унинг ўрнига кўпинча ишнинг охирги оқибати билан танишиш билан чекланади, холос. Жамоада ҳамкорлик йўқ бошлиқ жамоанинг муаммолари, ишнинг баланд-пасти билан қизиқмайдигандай, гўёки бошқа «коинотда» юрганга ўхшайди. Аниқ кўрсатмалар бермайди, унинг ўрнига ўринбосарлари, норасмий лидерлар ёки ўзига яқин кишилар орқали қилиниши лозим бўлган топшириқлар бажарувчиларга етказилади. Унинг асосий вазифаси, унинг назарида, ходимлар учун иш шароитини яратиш, ишдаги камчиликларни бартараф этиш, мажлисларда қатнашиш ва ҳоказолардан иборат.

Ходимлар билан мулоқотда бўлишга тўғри келганда, у доимо хушмуомала бўлиб, одоб, ахлоқ нормаларини бузмасликка ҳаракат қилади, лекин ҳеч қачон улар билан тортишмайди. Мажлисларда агар бирор муаммо мунозарани келтириб чиқарса, у бевосита жараёнга аралашмай, охирги сўзни ўзига қолдиради. Шундай қилиб, ходимларга фикрлаш ва хатти-ҳаракатлар эркинлиги бериб қўйилган, булар юзасидан бошлиқнинг фикри сўралган тақдирда ҳам, ундан аниқ гап чиқмайди, чунки у ходимларни яхши билмайди, қолаверса, уларни хафа қилиб қўйишдан қўрқади. Унинг фазовий-психологик ҳолати «гуруҳ ташқарисида».

Психологларнинг фикрича, бундай раҳбар ишни олиб борган жамоаларда барча кўрсаткичлар доимо орқада, қўним ҳам йўқ.

Либерал раҳбар ишда ўзбошимчаликка йўл қўйиб, кўп турмай, бошқа ердан иш қидиришга ҳаракат қилади.

Юқорида баҳо берилган бошқариш услублари кўпроқ лидерликка эмас, балки раҳбарликка тааллуқли, лекин илмий адабиётларда бу иккала ибора, кўпинча синонимдай ишлатилади. Аслида, энг яхши раҳбар ўзида барча лидерлик сифатларини ҳам мужассамлаштирган бўлади. Чунки соф ижтимоий психологик маънодаги лидернинг турлари турли шароитларда ўзида кўпроқ намоён этадиган шахсий сифатларига кўра табақаланади. Масалан, лидер-ташкилотчи, лидер-ташаббускор, лидер-эрудит, жамоа ҳиссий-эмоционал ҳолатни бошқарувчи лидер, лидер-билағон ва ҳоказо. Яхши раҳбар ана шу лидер сифатларини билган ҳолда, уларни ўзида тарбиялаши ва жамоадаги лидерлар билан ҳамкорликда ишлай олиши керак. Охирги йилларда Москва ва бошқа йирик илмий марказларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида шундай хулосага келиндики, аслида ҳаётда соф демократ ёки соф авторитар раҳбарни учратиш қийин, лекин учраган пайтда ҳам улар бир жамоани узоқ муддат бошқара олмаслиги маълум бўлди. Шунинг учун ҳам улар вазиятга боғлиқ, конкрет жамоа, унда қабул қилинган ҳатти-ҳаракат нормалари, шахслараро муносабатлар типи лидернинг ҳам, раҳбарнинг ҳам иш тактикаси ва услубини белгилайди, деган ғоя қабул қилинмоқда. Лекин бу раҳбарлик услубларининг психологик мазмун ва моҳиятини билишнинг амалий аҳамияти шундаки, ҳар бир услубда ўзига хос ижобий томон бор, моҳир раҳбар ўзини ўзи тарбиялар экан, ўшаларнинг энг маъқули, айниқса ўзи раҳбарлик қилаётган жамоага мосларини тарбиялаши мақсадга мувофиқдир.

Ички ишлар органлари жамоаларига раҳбарлик қилиш яккабошчилик принципига асосланади.

Хизмат жамоаларини бошқаришнинг **яккабошчилик принципи** деганда бошлиқларнинг вужудга келган вазиятни ҳар томонлама ўрганиш, баҳолашдан келиб чиққан ҳолда ёлғиз ўзи қарор қабул қилиши, қонун ва низомлар талабларига мувофиқ буйруқлар бериши ва уларнинг бажарилишини талаб қилиши, бажармаганларга нисбатан тегишли чоралар кўриш ҳуқуқи тушунилади. Ҳар қандай хизмат жамоаси бошлиқлар ва бўйсунувчилардан ташкил топади. Ўз хизмат мақоми ва махсус унвонига кўра айрим хизматчилар бошқаларга нисбатан бошлиқ ёхуд бўйсунувчи

мақомига эга бўлиши мумкин. Бошлиқ бўйсунувчига буйруқлар бериш ва уларнинг ижросини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Бошлиқ бўйсунувчи учун хушмуомалалик ва босиқлик намунаси бўлиши ва тақаллуфсизликка ҳам, ноҳолисликка ҳам йўл қўймаслиги лозим. Бошлиқ бўйсунувчининг инсоний қадр-қимматини поймол этувчи ҳаракатлари учун жавобгар бўлади. Бўйсунувчи бошлиқнинг буйруқларини сўзсиз бажариши шарт. Агар у ўзига нисбатан нотўғри муносабатда бўлинган деб ҳисобласа, буйруқни бажариб, ундан кейин шикоят қилиши мумкин. Ўз хизмат мақоми ва махсус унвонига кўра бошқа хизматчиларга нисбатан уларнинг бошлиғи ёхуд бўйсунувчиси саналмаган хизматчилар катта ёхуд кичик бўлишлари мумкин. Катталик хизматчиларнинг махсус унвонига қараб белгиланади. Махсус унвони бўйича кичиклар хизмат интизомини, жамоат тартибини, ахлоқ-одоб, махсус кийим-кечак кийиш ва ҳарбийчасига саломлашиш қоидаларини бузган ҳолларда, катталар улардан бу тартиббузарликни бартараф этишларини талаб қилишлари лозим. Унвони бўйича кичиклар катталарнинг бундай талабларини сўзсиз бажаришлари шарт.

Хизмат жамоаларининг бошлиқлари Ўзбекистон халқига, Президентига, ҳукуматига, мустақиллик ғояларига содиқ бўлган, олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат йўналишларини теран тушуниб, жиноятчиликнинг олдини олиш, очиш ва фуқароларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда доим шай тура оладиган юксак ташкилотчилик қобилиятларига эга бўлиши лозим. У ҳар қандай ғайриқонуний ҳолатларга қарши муросасиз курашувчи, қўрқмас, ҳушёр, зийрак, ҳар томонлама маълумотли, собитқадам, халқ хизматидан чарчамайдиган, ўз қўл остидагиларига талабчан ва айни вақтда меҳрибон, тўғри сўз, намунали хулққа ва аҳоли ўртасида нуфузга эга, ўз касбини яхши биладиган ҳар томонлама соғлом бўлиши керак.

3-§. Раҳбарлик сифатлари

Юқорида айтиб ўтилганидек раҳбарда туғма қобилият бўлади деб ҳам айтиб бўлмайди, иккинчи томондан, раҳбар вазиятга қараб стихияли тарзда тарбияланиб кетаверади, деб ҳам бўлмайди. Минглаб шахс сифатлари ичида кўплари раҳбарлик учун қулай ва маъқулдир. А.В.Петровский ана шундай ижобий сифатлардан бир

ярим мингини санаб чиққан. Лекин уларнинг барчасини умумлаштирадиган, албатта бўлиши лозим бўлган айрим сифат, қобилиятлар борки, улар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқ лозим.

Аввало, ҳар қандай раҳбарда интеллект – ақл-заковатнинг маълум нормаси бўлиши керак. Бу норма яхши раҳбар учун ўртадан юқори бўлмоғи мақсадга мувофиқдир, чунки гений даражасидаги интеллектга эга бўлган раҳбар билан ишлаш ходимлар учун қатор ноқулайликларни келтириб чиқаришини, бундай ақл-заковат қолганларнинг ижобий ривожланишига психологик тўсиқ бўлишини амалиёт ва ҳаёт кўрсатди. Раҳбардаги ўртадан юқори интеллектни қоплаб кетадиган яна бошқа муҳим сифатлар борки, улар бошқариш ишининг самарасига ижобий таъсир кўрсатади.

Масалан, раҳбарнинг мустақил фикрлилик, топқирлик, ташаббускорлик сифатлари. Чунки, айрим ҳолларда хато қилса ҳам, раҳбар оригинал фикрлар айтиб, йўл-йўриқлар кўрсата олиши, ҳар бир айтилган фикр, қилинган ишга мустақил баҳо бера олиши зарур.

Чунки мустақиллик шахс қиёфасини белгиловчи муҳим психологик хусусиятдир.

Раҳбарда мустақиллик бўлса, унда ўзига ишонч ҳам бўлади, бу эса, ўз навбатида, раҳбардаги субъектив талаблар даражасининг юқори бўлишига олиб келади. Кўпинча, раҳбарнинг бошқаларга талабчанлиги ҳақида гапирилади, лекин яхши раҳбар аввало ўз-ўзига нисбатан талабчан бўлиши керак. Ўз-ўзини баҳолаш ва шу асосда бошқаларга нисбатан муносабатлар тизимини ишлаб чиқиши муҳим бир омилдир.

Ҳар қандай раҳбар учун универсал, керак бўлган ҳислатлардан яна бири том маънода «зиёли» бўлиш ёки, бошқача қилиб айтганда, маданиятли бўлишдир. Бошлиқ ўзидаги маданиятни аввало муомалада, одамлар билан бўладиган кундалик мулоқотларда намоён этмоғи лозим. Муомала маданияти – бу ўринли, аниқ, қиска, самимий гапириш санъати ва иккинчи томондан, суҳбатдошни тинглаш қобилиятидир. Чунки, бошлиқ билан ходимлар ўртасида келиб чиқадиган шахсий зиддиятларнинг асосида ё тинглай олмаслик ёки гапни тўғри йўсинда гапира олмаслик ётади. Ўзганинг ўрнига ўзини қўя олиш, унинг ҳис-кечинмаларига шерик бўлиш, эмпатия ҳиссининг борлиги, диалогларда сабр-тоқатлилик ва бошқалар мулоқот маданиятининг муҳим томонларидир.

Жамоа фаолиятини ва ўз фаолиятини режалаштириш қобилияти раҳбар учун муҳим бўлган талаблардан биридир. Чунки режалаштириш асосида ўз-ўзини бошқара олиш ва бошқаларни ташқи фаолиятини мақсадга мувофиқ тарзда бошқара олишни таъминловчи муҳим психологик хусусият ётади. Режалаштириш – бу ўзига хос келажакни кўра олиш қобилияти, келажак образи бўлиб, бу нарса шахснинг қанчалик камол топганлиги ва мақсадга интилувчанлигининг муҳим белгисидир. Бу жуда мураккаб психологик жараён бўлиб, у шахснинг ўз диққатини қанчалик омилона тарзда бошқариши, уни фақат муҳим нарсаларга қарата олиши, вақтдан тез фойдалана олиш, ортиқча ишлардан ўзини тийиш, қўл остидагиларга, имкони борича, уларнинг қобилиятларига қараб иш буюра олиш ва ниҳоят, буюрган ишни ўз вақтида назорат қилиб, сўраб олиш имконияти билан боғлиқ. Ўз ишини пухта режалаштириш қобилиятига эга бўлган раҳбар реалистик тафаккурга эга бўлмоғи, яъни ҳар қандай шароитларда ҳам ўша муаммо ёки ишга тааллуқли барча альтернатив вариантлардан энг тўғриси ва мақсадга мувофиқини танлай оладиган, ишни тўғри ташкил эта билган, яъни энг кам куч ва вақт сарфлаб ишни уддалай олган, ноаниқ ёки тасодифий вазиятларда ҳам иш тактикасини тўғри йўлга йўналтира оладиган одам бўлиши керак. Бундан ташқари, яхши раҳбар учун олдида турган ишнинг ҳар бир алоҳида деталаригача тасаввур қилиб, уни амалга оширишнинг барча босқичлари ва воситаларини олдиндан кўра билиш қобилияти ҳам зарур. Шундай тақдирдагина у ишга дадил киришиши, ўзгаларни ўз ортидан эргаштириши ва ишлаб чиқаришда юксак кўрсаткичларга эришиши мумкин.

Юқорида айтиб ўтилган раҳбарлик сифатлари ичида энг муҳими, табиийки – қўл остидаги ходимлар билан ишлаш маҳоратидир. Жамоа фаолиятни самарали ташкил этиш учун бошлиқ қўл остидаги ҳар бир ходимнинг психологиясини яхши билиши зарур, чунки «ўзгалар психологиясини билиш улар устидан ҳукмронликнинг ягона йўлидир», – деб таъкидлайди инглиз психологлари. Ижтимоий психологик тренинг ёрдамида раҳбар ходимларларни жамоани бошқаришга муваффақиятли тарзда тайёрлаш мумкин.

Раҳбарнинг касбий муҳим сифатлари масаласи охириги йилларда мутахассислар ва амалиётчиларни кўпроқ қизиқтирмоқда. Бир

гуруҳ олимлар америкалик ҳамда япониялик раҳбарлар фаолиятини ўрганиб, уларга хос бўлган энг муҳим сифатларнинг блокларини ажратганлар. 1500 та америкалик менеджер ва 41 та йирик Япония фирмалари раҳбарларининг сифатлари қуйидагича табақаланди:

А. Концептуал қобилият ва хулқ-атвор стандартлари:

- дунёқарашнинг кенглиги, глобал ёндашув;
- узокни кўра билиш ва эгилувчанлик;
- ташаббускорлик ва дадиллик, таваккалчиликка мойиллик;
- мунтазам ўз устида ишлаш ва узлуксиз ўқиш.

Б. Шахсий сифатлар:

- мақсад ва йўналишларни аниқ белгилаш;
- ўзгалар фикрини тинглаш қобилияти;
- холислик, самимият ва бағрикенглик;
- адолатли қарорлар чиқариш орқали ходимларни жой-жойига қўйиш, улар имкониятларидан тўла фойдаланиш;
- шахсий ёқимтойлик;
- жамоа ташкил этиш ва унда уйғун муҳитни ушлаб тура олиш қобилияти.

В. Саломатлик.

Лекин барча ўтказилган тадқиқотлар натижасида шу нарса аён бўлдики, америкалик раҳбарлар кўпроқ ходимларнинг *шахсий-индивидуал ташаббуслар* кўрсатишларига имкон берувчи муҳитнинг бўлиши тарафдорлари бўлсалар, японияликлар – ходимларнинг *ҳамкорликдаги фаолиятлари* самарасини оширувчи шароитларни яратишга эътибор берадилар.

Шунинг учун ҳам раҳбарлик сифатлари хақида гап кетганда, шахснинг бир қатор билимдонликлари назарда тутилади.

1. *Профессонал билимдонлик* – ўзи бошқараётган соҳа фаолиятини мукамал йўлга қўйиш учун ўша фаолият борасида тўла маълумотлар, билим ва малакаларга эга бўлишлиқдир.

2. *Услубий билимдонлик* – билган нарсалари, шахсий малака ва кўникмалари, турли лойихалар хусусидаги маълумотлар, топшириқларни тез, тўғри ва тушунарли тарзда ходимларга етказа олиш қобилияти.

3. *Ижтимоий психологик билимдонлик* – одамлар билан ишлаш, улар билан тил топиша олиш, жамоани уюштира олиш, уни яхши ишлашга сафарбар қила олиш, ўзидаги лидерлик сифатларини тўла намоён эта билиш қобилияти. Бу тушунча кўпинча «коммуникатив

билимдонлик» тушунчаси билан синоним сифатида ҳам ишлатилади.

50-йиллардан бошлаб ўтказилган тадқиқотларда ҳар қандай фаолиятда ҳам муваффақиятни таъминловчи сифатларнинг юзлаб хилларини аниқланди. Лекин уларни умумлаштирилганда, 5% сифатларгина барча тадқиқотларда муҳим, деб эътироф этилди. Уларнинг орасида энг кўп марта такрорланганлари: а) *интеллект (одамнинг мураккаб ва мавҳум муаммоларни еча олиши қобилияти, у ўта юқори бўлмаслиги, аксинча, ўртачадан юқори бўлиши кераклиги эътироф этилди); б) ташаббускорлик (янгича ишлаш ва ҳаракатларга эҳтиёжни англаш қобилияти ва шунга мос мотивлар) киради.*

Раҳбарликка лойиқлик мезонлари асосида лидерликнинг вазифалари:

- лидер – маъмур;
 - лидер – режалаштирувчи;
 - лидер – сиёсатчи;
 - лидер – баҳоловчи эксперт;
 - лидер – жамонинг ваколатли вакили;
 - лидер – рағбатлантириш ва жазолаш ташаббускори;
 - лидер – ҳукм чиқарувчи ва яраштирувчи;
 - лидер – намуна «Ота»;
 - лидер – жамоанинг рамзи – референт;
 - лидер – индивидуал масъулликни чекловчи;
 - лидер – дунёқарашлар шакллантирувчи;
 - лидер – «Балогардон».
-

Лидерлик ва суперлидерлик

Америкалик тадқиқотчи **Линда Джуэлл** ўзининг «Индустриально-организационная психология» (2001 йил) китобида ижтимоий психологик ҳодисалардан муҳими бўлмиш **лидерлик** масаласига ўзининг ўзига хос ёндашувини баён этган. У бу муаммони айнан бизнинг шароитимиздаги талқини, яъни мардлик ва жасорат кўрсатиш учун очиқ майдонлар йўқ бўлган шароитда лидерлик хислатларининг намоён бўлиш хусусиятларини очишга уринади. Унинг фикрича, замонавий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги энг аввало ходимлар родини ошириб, лидерларникини аксинча, пастлаштириш, ёки аниқроғи,

камайтириш ҳисобига рўй беради. Шундагина раҳбарликда ортиқча бўғинларни камайтириш мумкин. Лидернинг, яъни америкаликлар раҳбарни лидер феномени доирасида тасаввур қилишади, вазифаси – гуруҳнинг самарали фаолият кўрсатиш йўллари белгилаб беришдир.

Бу китобда ижтимоий психологик нуқтаи назардан аҳамиятли бўлган тушунчадан бири бу – «**суперлидер**» тушунчасидир. Суперлидер ким ва қачон оддий лидер суперга айланади? Америкалик тадқиқотчилар Манц ва Симсларнинг фикрича, энг яхши лидер – бу «суперлидердир». Бу шундай шахски, у ўз ходимларининг аксариятини лидерларга, биринчи навбатда ўзлари учун лидерларга айлантира олади. Бундаги асосий ғоя шундан иборатки, агар одам энг **аввало ўзи учун лидер бўла олса**, ўзидаги бу малака ёки маҳоратни бошқаларга етказа олсагина, бу одам учун шундай вақт-саот етиб келадики, жамоа ўзи мустақил ишлайдиган, бевосита тепасида туриб бошқариб турадиган инсонга муҳтож бўлмаган механизмга айланади. Бу – суперлидерликдир.

Оддий раҳбар ёки лидернинг суперлидерга айланиши бир неча босқичларда кечади:

I – ўзи учун лидер бўлиш, яъни шахсий мақсад ва маслақлар, ўзини ўзи кузатиш, ўзини ўзи рағбатлантириш, ҳаёлий репитициялар ва когнитив таҳлиллар орқали ўзининг мустақил инсон, шахс эканлигини, ўзида бошқаларга ўртак бўлувчи сифатлар борлигини англаш;

II – юқорида қайд этилган сифатларнинг афзалликларини ўзгаларга намоёиш этиб, унинг афзалликларига ишонтира олиш;


III – ходимларига ўзларида ташаббус ва ўзига ишончни намоён этиш учун шароит яратиш;

IV – мустақил қобилият эгалари бўлган ходимларни рағбатлантириш, керак бўлганда, фақат конструктив танбеҳлар бериш;

V – ўз-ўзини бошқаришга асосланган ижтимоий фаолиятни ташкил этиш ва ишларга ҳадеб аралашаверишдан ўзини тийиш.

Демак, самарали бошқарув – аслида ижтимоий таъсирни амалга оширишнинг энг намоёишкорона кўринишидир. Шу маънода, лидерлик – аввал шахснинг ўзига, сўнгра ўзгаларга бера оладиган таъсирида кўринадиган фазилатлар мажмуидир, деб таърифланади.

РАҲБАРГА ЗАРУР БЎЛГАН ТҶРТТА «Т»



Раҳбарга зарур билимдонлик қирралари:

1. Профессонал билимдонлик
2. Услубий билимдонлик
3. Ижтимоий билимдонлик.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «Раҳбар ўзини мен ҳукмдор эмасман, балки менга ишонч билдириб танлаган одамларнинг хизматчисиман, деб ҳис қилганида эди, бугунги ҳаётимизда қанча бемаза, номақбул ишларга чек қўйилган бўлур эди. Энг ёмони, энг ачинарли томони шуки, аксарият мансабда ўтирганлар ўз вазифасини фақатгина ўзини бошқалардан устун қўйиш, буйруқ бериш, бир сўз билан айтганда, ҳукмдорлик қилишда, деб билади»⁴⁶.

Биринчи раҳбар қўл остидаги ходимлардаги ташаббускорлик, фидойилик туйғусини уйғотиши, уларнинг турмуши, кайфиятини яхши билиши, эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлаши зарур. Акс ҳолда, ходимлар қалбида ёниб турган умид рўёбга чиқмасдан сўниб қолади. Шу маънода маърузамизда санаб ўтилган раҳбарлик услублари ҳар бир раҳбар фаолиятида у ёки бу даражада намоён бўлади ва айрим раҳбарда бу услубларга хос белгилар аниқ кўринса, иккинчисида сустр кўзга ташланади. Баъзи бир раҳбар бирон услубга мойиллигини англаса, иккинчиси ўз хулқида аниқ

⁴⁶ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т., 2000. – Б.134-138.

бир услуб белгиларини ажрата олмайди. Шунга мувофиқ равишда раҳбар шахс сифатида услубдан ўзини ажрата олиши ва услубдан фойдаланишни ихтиёрий даражага олиб кела олиши керак.

Услубдан ўзини ажрата олиш қобилиятига эга бўлмаган раҳбар ўзгарувчан вазиятларга мослаша олмайди ва вазиятга монанд ҳаракатларни амалга оширолмайди.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Бошқарувда лидерлик муаммоси ва унинг аҳамиятини психологик жиҳатдан изоҳлаб беринг.
2. Лидерликка оид назариялар деганда нимани тушунасиз?
3. Ички ишлар органлари жамоаси бошқарув услубларига нималар киради?
4. Раҳбарликка хос сифатлари психологик таҳлил қилиб беринг.
5. Раҳбарликка лойиқлик мезонлари асосида лидерликнинг вазифаларини айтиб беринг.
6. Оддий раҳбар ёки лидернинг суперлидерга айланиш босқичлари нималардан иборат?

23-мавзу. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИДАГИ МУҲИМ ШАХСИЙ-КАСБИЙ СИФАТЛАРИ

1-§. Ички ишлар органлари бошқарувида раҳбар шахсига қўйиладиган ижтимоий-психологик талаблар

Психология кўпроқ бошқарувчи шахс фаолиятининг психологик асосларини ўрганади ва шу асосда буйсунувчилар ишларини самарали ташкил этиш, аниқ ва тўғри қарорлар қабул қилиш учун қандай психологик ҳолат ва жараёнларни ўзида тарбиялаш лозимлиги каби қатор муаммоларни ечади.

Ички ишлар органлари фаолиятида бошқарув психологияси ўзининг предметдан келиб чиқиб, раҳбар фаолиятини таҳлил қилганда асосий эътиборини унинг бошқарув фаолиятига қобилияти борми ёки йўқми, индивидуал хусусиятларига кўра жамоани бошқара оладими, ишни муваффақиятли амалга ошириш учун у бошқарувнинг қай усулларидадан фойдаланяпти, ходимларга

психологик таъсир кўрсатиш мақсадида у қандай таъсир услубларини қўллаяпти каби қатор масалаларга қаратади. Ички ишлар органлари жамоасини бошқаришда раҳбардан реал шароитларда ходимларни аниқ мақсад асосида фаолиятга йўллаш, уларга бош бўлиш, турли тадбирларни амалга ошириш, обрўга эга бўлиш, ҳар бир қилинган иш учун жавобгарликни ўз буйнига олиш каби кўплаб сифатларнинг мужассам бўлиши талаб қилинади.

Раҳбар ходимда бу сифатларни шакллантириш учун раҳбарлик фаолиятининг диагностик хусусиятларини билиш керак.

Раҳбарлик фаолиятининг диагностик хусусиятлари:

1. Раҳбар туб маънода реалист бўлиши, яъни унинг барча ҳаракатлари ички ишлар органлари жамоасининг манфаатларига мос келиб, унга фойда келтиришини тасаввур қилиши лозим;

2. Раҳбарнинг умуман қўл остидаги ходимлар ҳақида қандай тасаввурда эканлиги, улар тўғрисида нима деб ўйлаши, бу борадаги билимлари жуда муҳим;

3. Ҳар қандай нарсани йўл-йўлакай, қийинчиликсиз идрок қила олиш қобилиятига эга эканлиги;

4. Ўзгалар фаолияти ва жамоани яхлит тарзда бошқара олиш ҳамда бажараётган ишни биргаликда ҳамма қатори амалга оширишга тайёр бўлиши лозим;

5. Жамоа ҳамда қўл остидаги ходимларнинг мавқеи ва касбий тажарибасини аниқлаб, ўзи зарур хулосаларни чиқара олиши ва қарорлар қабул қила олиши;

6. Ҳар қандай тошпирилган вазифани охирига етказиш ва бундан маълум бир қониқиш ҳисси ҳосил қилиш учун ўзидаги қобилият ва куч-қувват захирасига эга бўлиши шарт. Бунинг учун эса:

а) ўз кучи, салоҳияти ва қобилиятларини энг асосий мақсадга қаратиш, иродани айнан шунга сарф қилиш;

б) доимо тетик ва соғлом бўлиб, ҳар доим ҳам ишга яроқли эканлигини кўрсата олиш;

в) бошқа ходимлар ҳам бажара олиши мумкин бўлган майда-чуйда ишларга қўл урмай, уларнинг назоратигагина эътиборни қарата олиш;

г) жамоа олдига қўйилган вазифаларни бажаришда бошқа жамоа ва соҳа вакиллари билан ҳамкорликни йўлга қўя олиши.

Касбий фаолият раҳбар ходимга кўплаб турли хил талаблар

қўяди, улар орасида энг муҳимларидан бири – *шахсда касбий жиҳатдан муҳим хислатларнинг ривожланган бўлиши*.

Уларга биринчи навбатда қуйидагилар киради:

унинг шахсига хос хислатларнинг касбий-психологик йўналганлиги;

психологик барқарорлик;

ривожланган иродавий хислатлар: мураккаб вазиятларда ўзини тута билиш, жасурлик, мардлик, оқилона таваккалга мойиллик;

яхши ривожланган коммуникатив хислатлар;

турли тоифадаги кишилар ва қўл остидаги ходимлар билан тезда алоқага кириша олиш, ишончли муносабатлар ўрната олиш ва сақлай олиш;

жамоани бошқаришда қўл остидаги ходимларга психологик таъсир кўрсата олиш қобилияти;

ролга, бошқа қиёфага кира олиш;

ривожланган, касбий жиҳатдан муҳим билиш хислатлари: кузатувчанлик ва диққатлилиқ, ривожланган хотира, ижодий тасаввур;

ривожланган тафаккур, қаттиқ ақлий ишга мойиллик, фаросат, ривожланган интуиция;

зийраклик, мураккаб вазиятдан чиқиб кета олиш.

Ушбу хислатлар инсонга аввалдан хос эмас. Уларни шакллантириш ва ривожлантириш – давомли ва қийин жараён, аммо у ички ишлар органлари раҳбар ходимининг касбий шаклланиши учун зарур шартдир. Ушбу хислатларнинг раҳбар ходим шахсида бўлмаслиги ёки етарли ривожланмаганлиги унинг ўз функционал вазифаларини нормал бажаришига ҳалақит беради, унинг бошқарув фаолиятида хатоларга йўл қўйишига олиб келади, қўл остидаги ходимларнинг ўз касбига мослаша олмаслигига ва касбий бузилишига олиб келади.

Раҳбар шахсига қўйиладиган ижтимоий-психологик талаблардан бири бошқарув маданиятидир. Бу раҳбарнинг жамоани бошқаришида намоён бўладиган (ахлоқий, ақлий, муаммовий негиздаги) фазилатлар мажмуасидир.

Раҳбар шахсидаги бошқарув маданияти – шахсий-касбий муносабатлар жараёнида намоён бўладиган қоида, кўникма ва қадриятлар мажмуидир. Улар қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

1) ғоявий ишонч ва жамоа фаоллигини юксалтириш;

- 2) хулқ-атвори бошқариш;
- 3) мустақил фикрлаш;
- 4) яккаҳокимлик принциpidан меъёрий фойдаланиш;
- 5) жамоада соғлом ижтимоий-психологик микромуҳитни мустаҳкамлаш;
- 6) мулоқот техникаси ва маҳоратини эгаллаш;
- 7) тарғибот ва ташвиқот, танқид ва ўзини ўзи танқиддан самарали фойдаланиш;
- 8) касбий малакасини ошириб бориш;
- 9) шахсий намуна орқали таъсир кўрсатиш;
- 10) ягона талаблар асосида фаолиятни баҳолаш тизимини стандартлаштиришда «маъмурий қайта қурувчи – яратувчилик» вазифаларини бажариш ва шу каби ҳолатларда ўз ифодасини топади. Раҳбар шахсидаги бошқарув маданияти жамоани самарали бошқаришни амалга оширишда омилкор восита сифатида қўлланилади.

Раҳбар шахсидаги кўп сифатларнинг бир бутунликда намоён этилиши орқали замонавий раҳбар даражасига эришиш мумкин.

Жамоада доимий равишда ҳар қандай ҳолатда, яъни:

- меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув;
- мавқе кўламини аниқлаш;
- жавобгарлик масъулиятининг тақсимоти;
- ваколат ва жавобгарлик нисбатини мувофиқлаштириш;
- фаолиятни функционал чегаралаш;
- назорат кўламини аниқлаштириш;
- ҳамкорликни йўлга қўйиш;
- жамоа фаолияти билан боғлиқ бўлган яна бир қатор муаммолар мажмуасини ижобий ҳал қилишда бир-бирига қарама-қарши, яъни «эгилувчанлик» ва «қатъийлик»ни ўз ўрнида кўрсата олиш қобилияти орқали раҳбар шахсидаги бошқарув сифатининг такомиллашуви ҳолати кузатилади. Бу жараёнда раҳбар ҳам ўзининг, ҳам қўл остидаги ходимларнинг шахсий типологиясини тўлиқ таърифлай олиши мумкин.

Раҳбарнинг юқори даражада самарали ишчанлигини сақлай билиши ҳам айнан шу омилга боғлиқ.

Самарали бошқарувни амалга ошириш кенг кўламли ишларни амалга ошириш билан кўпроқ боғлиқ бўлса-да, лекин аслида қуйидагиларни:

- а) ўз шахсий мақсадини аниқлаш;
- б) ўзини ва ўзгаларни холисона баҳолай билиш;
- в) ўз вақтини тўғри тақсимлаш;
- г) ўз вақтида ва айнан мақбул қарорларни қабул қилиш;
- д) фаол фаолият кўрсата олиш;
- е) стресс ҳолатини бартараф этиш;
- ж) ўзини ўзи назорат қилиш;

з) меъёрий даражада қийиниш ва гўзал яшаш сингари муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқдир.

Таъкидлаб ўтилган индивидуал шахсий сифатларнинг мажмуаси бошқарув соҳасида ўз фаолиятини ўзи бошлаган ҳар бир ходим қобилияти ва маҳоратини тўлиқ намоён этишига миконият яратади. қолаверса, ҳар бир алоҳида олинган ходимнинг:

- шахсий аниқ мақсадининг мавжудлиги;
- шахсий қадр-қимматининг англаганлиги;
- ўзгарувчан, қарама-қарши, мураккаб ҳолатларни тушуна олиш орқали уларни ҳал этиш маҳоратига эга эканлиги;

фавқулодда ва кутилмаган ҳолатларда юзага келган муаммоларни ҳал этиш бўйича қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошира олиш сингари сифатларни намоён қилиш ташкилот фаолиятини самарали юритишга кенг имкониятлар очиб беради.

Бизнингча, раҳбар кадрларни замон талаби даражасида тайёрлаш учун аввало уларнинг билиш сифатларини шакллантириш зарур.

Раҳбар шахсининг ғоявий-сиёсий сифатлари:

– ғоявий-сиёсий эътиқод, фидойилик, принципааллик, сиёсий са- водхонлик, ижтимоий фаоллик, ижтимоий бурчни англаганлик, ижтимоий фикрлаш, ташкилотчилик, тадбиркорлик;

– касбий-ихтисосий хислатлари: касбий етуклик, мустақиллик, би- лимдонлик, ақлнинг танқидийлиги, ахборотларни таҳлил қилиш, ўз фик- рини ифодалай олиш, илмий-тадқиқот ўтказишга мойиллик;

– ҳиссий ва ахлоқий фазилатлари: ватанпарварлик, ўзига ва ўзгаларга талабчанлик, камтарлик, ўзгаларни ҳурмат қилиш, ўзига ишонч, иболилик, ҳалоллик, адолатлилик, самимийлик, бегаразлик, виждонлилик, хулқ маданияти ва одоби, ҳамдардлик, оқилона баҳолаш, юмор ҳисси, дилкашлик, ўзини камол топтириш, билимга

чанқоклик, замонавийлик, ўзини тута билиш, ўз манфаатини устун қўймаслик, ахлоқ қоидаларига риоя қилишлик;

– махсус қобилиятлари: иймон эътиқодлилиқ, ташкилотчилиқ, нутқий ва нуфузли қобилият, сезгирлик, муомала ўрнатувчанлик, диққатни йўналтириш, аниқпик, холислиқ, сафарбарлик;

ташкилотчилиқдаги индивидуал фарқлари: психологик танловчанлик, амалий ақл-заковат, психологик такт, ижтимоий ғайратлилиқ, танқидийлик, ташкилотчилиқка узлуксиз мойиллик, уюшқоклик, букилмас иродалилиқ ва ҳоказо.

2-§. Ички ишлар органлари бошқарувида раҳбарнинг билиш сифатлари

Ички ишлар органлари бошқарувида раҳбар ходимларнинг билиш сифатлари, ҳис-туйғулари ва иродавий фазилатлари муҳим аҳамият касб этади.

Диққат ва унинг бошқарув фаолиятида тутган ўрни. Диққат раҳбар фаолиятнинг барча турлари, энг аввало, жамоани самарали бошқаришнинг муҳим ва зарур шартидир.

Диққат индивиднинг ҳиссий, ақлий ёки ҳаракатлантирувчи фаоллиги даражасининг оширилишини тақозо этадиган тарзда оннинг йўналтирилганлиги ва бир нарсага қаратилганлигидир.

Касбий диққат яхши шаклланган ихтиёрий диққатнинг анланганлиги ва керагича бошқариш имкониятининг мавжудлиги билан ажралиб турувчи ва нима, қачон, қаерда ҳамда нимага диққатни қаратиш кераклигини белгилаб берувчи жараён ҳисобланади. Касбий диққатнинг яхши ривожланганлиги унинг мақсадли ва моҳирона йўналтирилганлиги билан белгиланади. Диққатни бир жойга жамлаш ва уни тўғри йўналтиришда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш зарур:

– иш жараёнига хос ва мос шароитни яратиш, яъни иш жойини саранжомлаш, ёруғлиққа қулай жойлашиб олиш;

– муайян вазифани бажариш учун психологик тайёргарлик кўриш;

– ақлий тайёргарлик, зарур адабиётлардан фойдаланиш, тажриба орттириш, ақлий фаолият юритиш учун қулай вақтларни ҳисобга олиш (тонги соат 5 дан 11 гача, кундузги соат 16 дан кечки 20–24 гача ақлий фаолият унумдорлиги юқорилигини кузатиш

мумкин).

Ички ишлар органларида раҳбар ходимларни қўл остидаги ходимларнинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракатлари ва ички ҳис-туйғуларини ўрганишда диққатнинг асосий хусусиятлари (*тақсимланиши, тарқоқлиги, барқарорлиги, тез ўрин алмашиши*) ўзига хос аҳамият касб этади ва уларнинг руҳий ҳолатини кузатишда қўл келишини англаб етиш лозим.

Шундай экан, ички ишлар органларида раҳбар ходимларининг жамоада қўл остидаги ходимлар билан алоқа ўрнатишда касбий диққатни юзага келтириш учун қуйидаги усуллардан фойдаланишлари зарур:

– қўл остидаги ходимларни кузатиш жараёнида уларнинг эмоционал-иродавий ҳолатлари ва индивидуал-психологик хусусиятларни инобатга олиш;

– қўл остидаги ходимлар билан алоқа ўрнатишда уларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини кузатиш жараёнида диққатни тўғри тақсимлаш ва тез кўчира билиш кўникмасини шакллантириш усулларидан фойдаланиш;

– давомли машқ қилиш ёрдамида диққат марказида 2–7 тадан, 8–15 тагача бўлган объектни ушлаб туриш;

– диққатни бир объектдан иккинчисига кўчиришда ҳар бир сониядан унумли фойдаланиш;

– диққат доирасининг торайишини ҳисобга олиш, яъни ахборот қанчалик муҳим бўлмасин, бир объектга боғланиб қолмаслик;

– умумий кузатув объектида, шароитни ўрганиш мақсадида, диққатни тенг тақсимлаш орқали объектни қисмларга бўлиб кузатиш.

Диққатни кучайтириш усуллари:

– жавобгарлик ҳиссини сезиш, фаолият самарадорлигини белгиловчи аҳамиятли томонларни ҳисобга олиш;

– муайян хатти-ҳаракатларни амалга оширишда иродавий кучга таяниш;

– объектни «эътибор билан кузат», «яхшилаб қара», «яна бир бор текшир» каби диққатни кучайтирувчи буйруқларни бериш;

– салбий ҳиссиётларни кузатиш жараёнига аралаштирмаслик;

– кузатувчанлик фаолиятини сусайтирувчи омилларни инобатга олмаслик.

Диққатни жамлаш принциплари:

- муайян ҳолатга диққатни йўналтириш;
- аҳамиятсиз маълумотларни мияда сақламаслик;
- кераксиз фикрларга чалғимаслик.

Диққат жараёни, ўз навбатида, кузатувчанлик фаолияти билан уйғун шаклланади. Кузатиш қўл остидаги ходимлар билан тарбиявий профилактик ишларни олиб боришда ўзига хос аҳамият касб этади ва улар билан муносабатлар маромини тартибга солиш ҳамда уларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини кузатишда намоён бўлади.

Сезги ва унинг бошқарув фаолиятида тутган ўрни. Сезги оддий психик жараён бўлиб, у моддий оламдаги нарса ва ҳодисаларнинг айрим хусусиятлари аксидан, шунингдек, моддий кўзгатувчилар тегишли рецепторларга бевосита таъсир этганда организмда ҳосил бўладиган ички ҳолатлардан таркиб топади. Раҳбарнинг бошқарув фаолиятида сезгиларнинг роли жуда катта. Чунки, улар раҳбарнинг жамоа ҳақидаги ва ўзи тўғрисидаги билимларининг манбаи ҳисобланади. Раҳбар жамоада содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳамisha ахборот олиб туриши керак.

Ички ишлар органларида раҳбар ходимлар қўл остидаги ходимларнинг хулқ-атвори, рухий ҳолати ва хатти-ҳаракатларини кузатишида сезгининг ўрни беқиёсдир. Касбий сезгирлик ҳис қилиш жараёнларини машқ қилдириш орқали ривожлантирилади. Бу хусусият фаолият давомида шаклланиб борадиқўл остидаги ходимларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини олдиндан аниқлай бошлайди.

Идрок ва унинг бошқарув фаолиятида тутган ўрни. *Нарса ёки ҳодисаларнинг сезги аъзоларига бевосита таъсири жараёнида киши онгида унинг акс этиши идрок деб аталади.*

Ички ишлар органларида раҳбар ходимларининг ушбу таъминлаш фаолияти учун муҳим аҳамият касб этадиган ҳодиса, ҳолат, объектлардан предметли равишда керакли нарсаларни ажратиб олиб, яхлит ҳолда онгида акс эттириш, оддий шахс кўра олмайдиган ҳолатлардаги нарсаларни тез ва осон илғаш жараёнидир. Яхши ривожланмаган касбий идрок ходимда иллюзион (нотўғри) идрок қилиш хусусиятини шакллантиради.

Шу нуқтаи назардан идрок ички ишлар органларида раҳбар ходимларининг бошқарув фаолиятида муайян ўзига хос хусусиятларни намоён этади. Яъни, раҳбар қўл остидаги ходимларга

синчковлик билан назар солиш, уларнинг ўзини тутиши, хулқи ва айтаётган гапларини кузатиши ҳамда визуал ва вербал олинган маълумотларни вазиятга қараб объектив баҳолай олиши зарур.

Хотира ва унинг жазони ижро этиш инспекцияси хизмати ходимлари фаолиятида тутган ўрни. Индивиднинг ўз тажрибасини эсда олиб қолиши, эсда сақлаши ва кейинчалик уни яна эсга тушириши хотира дейилади.

Хотирада эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш ва унутиш каби асосий жараёнлар алоҳида ажратиб кўрсатилади. Бу жараёнларнинг ҳар бири алоҳида мустақил психик хусусият ҳисобланмайди. Улар фаолият давомида шаклланади ва ўша фаолият билан белгиланади.

Ички ишлар органларида раҳбар ходимлари фаолиятида **касбий хотира** – ходимнинг илгари идрок этиб амалга оширган, бошидан кечирган, ўз хизмат фаолиятига алоқадор ва уни муваффақиятли амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни эслаб қолиш, эсда сақлаш ва кейинчалик яна хотирада қайта тиклаш хусусиятларини ифодаловчи хислат.

Шу ўринда хотирани мустаҳкамлашнинг қуйидаги саккизта қонунини эслаб қолиш тавсия этилади:

Анланганлик қонуни. Оддий, лекин мураккаб қонун, яъни берилган материални қанчалик чуқур англасак, шунчалик уни хотирада мустаҳкам муҳрлаган бўламиз.

Қизиқиш қонуни. Анатолий Франс «Билимларни яхши ҳазм қилиш учун уни иштаҳа билан ютиш керак» деганда, албатта, материалга жонли қизиқиш билан муносабатда бўлишимиз ва уни яхши кўришимиз кераклигини назарда тутган.

Илгариги билимлар қонуни. Маълум мавзу юзасидан билимлар қанчалик кўп бўлса, янғисини эсда сақлаб қолиш шунчалик осон бўлади. Масалан, илгари ўқиган бирор китобни қайтадан ўқиб, уни янғидан ўқиётгандай ҳис қилсангиз, сиз илгариги тажрибангизни ҳис қилишингиз мумкин. Демак, эски билимлар тажрибага айлангандагина янғиларига замин бўла олади.

Эслаб қолишга тайёргарлик қонуни. Бирор материални эслаб қолишдан аввал, бўлғуси ақлий ишга қандай ҳозирлик кўрган бўлсангиз, шунга мос тарзда эслаб қоласиз. Агар материални мутахассис бўлишим учун жуда керак деб, муҳимлигини англасангиз, у нарса хотирада муқим сақланади.

Ассоциациялар қонуни. Бу қонун ҳақида эрамиздан аввал Арасту ҳам ёзган. Қонуннинг моҳияти шундаки, бир вақтда шаклланган тасаввурлар хотирада ҳам ёнма-ён бўлади. Масалан, муайян хона ўша ерда рўй берган ҳодисани ҳам эслатади.

Кетма-кетлик қонуни. Ҳарфларни алифбодаги тартибида ёддан айтиш осон, уни тескарисига айтиш қийин бўлганидек, хотирада ҳам маълумотларни маълум тартибда жойлаштиришга ва керак бўлганда, тартиб билан бирин-кетин тиклаш мақсадга мувофиқдир.

Кучли таассуротлар қонуни. Эслаб қолинадиган нарса тўғрисидаги биринчи таассурот қанчалик кучли бўлса, унга алоқадор образ ҳам шунчалик ёрқин бўлади ва сиз учун аҳамиятли маълумотлар оқимида эсланаётган материал ҳам яхши эсга тушади.

Тормозланиш қонуни. Ҳар қандай янги маълумот ўзидан олдинги маълумотни тормозлайди. Олдинги маълумотнинг ўчиб кетмаслиги учун, янгини эсда сақлашдан аввал, уни мустаҳкамлаш чораларини кўришингиз керак⁴⁷.

Ходимнинг касбий хотирасини мақсадли ривожлантириш қуйидаги йўналишларда машқлар бажаришни тақозо этади:

– қўл остидаги ходимларнинг юзлари, ташқи қиёфаси, белгилари ва хатти-ҳаракатларидаги ўзига хосликларни эслаб қолиш ва таниш;

– қўл остидаги ходимлар билан юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш хусусиятларини ифодаловчи сўздаги ахборотни эслаб қолиш ва хотирада сақлаш;

– қўл остидаги ходимларнинг психологик портретини эслаб қолиш ва хотирада сақлаш.

Ходимларнинг касбга оид муҳим маълумотларни эслаб қолиш, эсда сақлаш, эсга туширишларида бир қатор психологик усуллардан фойдаланишлари касбий хотирани ривожлантиришга ёрдам беради.

Маълумотни эсда сақлаш принциплари:

1) мақсадни тўғри танлаш;

2) ахборотни сақлаш учун (ҳиссий, образли, эшитиш, кўриш орқали) турли боғлиқликларни ўрнатиш.

Маълумотни ёдлаш принципи:

– маълумот идрок қилинганидан сўнг 20 сония ичида такрорлаш;

– маълумотни такрорлаш, такрорлашни ҳар икки соатда амалга ошириш;

– мавжуд имконият чегарасидан ортиқча ишлашга ҳаракат қилиш;

⁴⁷ Каримова В.М., Акрамова Ф.А. Психология. – Т., 2000. – Б.75-76.

– маълумотни мантиқий яхлитликда такрорлаш.

Касбга оид муҳим маълумотни эслаб қолиш самарадорлигини ошириш усуллари:

Эслаб қолиш ҳақида ўзига буйруқ (установка) бериш. Ходим ҳар сафар касбга оид муҳим ахборотга дуч келганида ўзига: «Буни эслаб қолиш керак!», деб айтиши зарур.

Ёдлаш. Катта ҳажмдаги, эслаб қолиш қийин бўлган маълумотни одам «ичида» ёки фикран такрорлаши, унинг хотирада аниқ сақланиб қолишига эришиши лозим.

Англаш. Ҳар қандай маълумот, агар у анланган бўлса, эса яхши сақланиб қолади. Эслаб қолинадиган маълумотдаги маъноли алоқаларни аниқлашга «нима учун» деган саволини қўйиш ёрдам беради;

Қонуниятларни излаш. Бу рақамли маълумотларни, масалан, автомашина ва телефон рақамларини эслаб қолишни осонлаштиради. Ушбу усул эслаб қолинадиган маълумотда муайян қонуниятни – маъноли, рақамли ва бошқа қонуниятларни топишга асосланади.

Аналогия, ўхшашликлардан фойдаланиш. Янги маълумотни маълум маълумот билан қиёслаш доимо уни эслаб қолишни осонлаштиради. Объект нимага ўхшашини аниқлаш керак.

Образли тасаввур. Сўзда ифодаланган маълумотни тасаввур қилиш орқали эслаб қолиш анча осон.

Хаёлан гапириш. Қидирилаётган шахснинг сурати, машиналарнинг номерлари, агар ходим уни эслаб қолаётганда фикран, ички нутқида «гапирса», юзидаги айрим жиҳатларни таъкидласа, хотирада мустаҳкамроқ ва аниқроқ сақланиб қолади.

Моделлаштириш. Мантиқий алоқалар ёрдамида бетартиб фактлар ягона тизимга бирлаштирилади. Ана шу тизим эслаб қолиш учун модель бўлиб хизмат қилади. Тахминни илгари суриш ёрдамида бўлган воқеа қайта гавдалантирилса, моделлаштирилса, керакли маълумотни яхши эслаб қолишга ёрдам беради.

Оқибатларини тасаввур қилиш орқали хотирани фаоллаштириш. Керакли маълумот хотирада сақланиб қолинмаса (ёки, аксинча, сақлаб қолинса) нима бўлишини тасаввур қилиш ҳам яхши самара беради.

Тартибга келтириш. Илгари эсда олиб қолинган маълумотни энди эсда олиб қолиш керак бўлган маълумот билан боғлаш уларнинг хотирада ишончлироқ сақланиб қолишига имкон беради.

Унутиш орқали эслаб қолиш. Ниманидир унутишни истасак, биз ана шу нарсага диққатимизни жамлаймиз ва натижада уни эсда олиб қоламиз. Хаёлан ёқтирган одамингизни душманингиз деб тасаввур қилишга ҳаракат қилиб кўринг... Тасаввур қилдингизми? Энди эса уни каллангиздан чиқариб ташлашга ҳаракат қилинг. Сиз бу тўғрида ўйламасликка қанчалик кўп ҳаракат қилсангиз, у сизни шунчалик кучлироқ таъқиб этади.

Вазиятни жисмонан тиклаш. Гўёки «ўша жойнинг ўзида бўлиб қолиш» ва у ердаги нарсаларни, масалан, керакли тартибда жойлаштириш лозим. Кўриш тасаввурларига таяниш зарур нарсаларни эслашни осонлаштиради.

Вазиятни хаёлан эсга тушириш. Ҳар доим ҳам ўша шароитда жисмонан бўлиш, аҳволни жисмонан эсга туширишнинг имкони бўлмайди, аммо бутун вазиятни унинг қисмлари бўйича хаёлан тасаввур қилиш, эсга тушириш, орқали маълумотни ҳам эслаш мумкин;

Вазиятларни саралаб танлаш. У ким? Эслолмайсиз... Шунда у кишини қаерда кўрган бўлишингиз мумкинлигини тасаввур қилинг: бўлимда, ўйингиз ҳовлисида, транспортда ва ҳоказо. Вазиятларни саралаш чоғида сизни қизиқтираётган шахс ҳақидаги маълумотлар ҳам чиқиб келади;

Воқеалар кетма-кетлигини хаёлан эсга тушириш (узилган занжирни тиклаш). Хотирада воқеаларнинг бутун кетма-кетлигини тиклаш занжирдаги йўқолган ҳалқани топишга ёрдам беради. Қидирилаётган маълумот сақланиши керак бўлган маълумотларнинг хаёлий занжиридаги барча ҳалқаларни кетма-кет текшириб чиқинг. Занжирда кемтик топганингизда ундан сакраб ўтинг, олдинроққа ўтинг, сўнгра орқага қайтинг. Агар ҳалқа тикланмаса, хотирангизни узоқ вақт зўриқтирманг – бунинг ёрдам бериши гумон.

Танани бўш қўйиш. Релаксация – танани бўшаштириш амалда ҳаммага ёрдам беради. Агар тез, айтайлик, уч дақиқага танангизни бўшаштиринг ва ҳеч нарсани ўйламасликка ҳаракат қилинг, керакли фикр мияга тез ва осон келади⁴⁸.

⁴⁸ Асямов С. В., Пулатов Ю. С. Ички ишлар идоралари ходимларининг
433

Хотирани ривожлантириш қонуниятлари⁴⁹

№	<i>Номланиши</i>	<i>Тавсифи</i>
1.	Ассоциация қонуни (Аристотель)	Нотаниш нарсани эслаб қолиш учун уни бирорта таниш нарса билан боғлаш зарур.
2.	Мустаҳкамлаш қонуни (А. Р. Лурия)	10 дақиқа инсонга бирор нарсани хотирасида мустаҳкамлаш учун етарли ҳисобланади.
3.	Эсдан чиқариш қонуни (Г. Эббингауз)	Ҳар қандай материал ёдланганидан сўнг, 1–2 соат ичида хотирада 40% қолади. Кейинроқ эсдан чиқиш тезлиги камаяди, 6 суткада ахборотнинг 20% сақланиб қолади.
4.	Б. В. Зейнгарник қонуни	Машғулоти энг қизиқ жойида тугаллаш, ёдланаётган материални энг қизиқ жойида тўхтатиш қайта ёдлаш жараёнигача материалнинг тўлиқ сақланиб қолишини таъминлайди.
5.	Ёш қонунияти	Хотира 18–25 ёшгача яхшиланиб боради, 45 ёшда бир хиллик сақланиб қолади, 45 ёшдан сустлаша боради.
6.	«Бошидан охиригача» қонуни	Ёдланаётган материалнинг боши ва охиридаги ахборот, ўртасидагига қараганда яхши сақланади.

Кўпгина мнемотехник тизимлар ушбу қонуниятларнинг амал қилишига асосланади. Эслаб қолишнинг қуйидаги асосий усуллари мавжуд: мантиқий, маъноли, механик ва мнемотехник.

Мантиқий эслаб қолиш – эслаб қолишнинг асосий усули. Ушбу усулдан қанчалик самарали фойдаланиш ақлий имкониятларга, маъноли ва мантиқий алоқалар ўрнатишга боғлиқ. Мантиқий эслаб қолишга асос бўладиган маъноли алоқалар тасодифий юзага келадиган алоқаларга қараганда анча мустаҳкамлиги билан ажралиб туради. Мантиқий эслаб қолишнинг муҳим усулларида бири, аввало, манбани гуруҳларга ажратиш, яъни маъноси бўйича гуруҳлаштиришдан иборат.

Механик усул – маъносини тушунмай куруқ ёдланадиган усул. Унинг асосини эсда олиб қолинадиган маълумотларни оддий такрорлаш, маъносини англамасдан туриб кўп марталаб идрок этиш

касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – Б.32.

⁴⁹ *Мальцева О. А., Ратова И. В.* Профессиональная психологическая подготовка сотрудников ОВД. – М., 1998. – С.29.

ташкил этади. Механик хотира анча юқори турдаги хотираларнинг энг оддий асосидир, усиз маълумотларни эслаб қола олмаймиз.

Мнемотехника энг қизиқарли ва машқ қилиб ривожлангирса бўладиган усул. У асосан маъносиз ахборотни билвосита эслаб қолишга хизмат қилади. Унинг ёрдамида маъноли ахборотни эслаб қолишнинг рационал усулини анча кучайтириш ва маъносиз материални механик эслаб қолиш самарадорлигини бениҳоя ошириш мумкин⁵⁰.

Касбий хотирани ривожлантиришнинг асосий қонуниятларини ёдда тутиш зарур.

Шунингдек, ахборот инсон ҳаёти ва фаолияти учун қанчалик муҳим бўлса, шунчалик мустаҳкам эса қолади ва осон ёдга тушади. Шунинг учун ҳам қандайдир ахборотни ёд олаётганда доимо уни ўзингиз, масалан, касбий фаолиятда мақсадга эришишингиз учун муҳимлигини таъкидлаб туришингиз зарур.

Ахборот инсон фаолиятига қанчалик алоқадор бўлса, шунчалик мустаҳкам ёдланади (эслаб қолинади). Хотирани ривожлантириш учун бирон билимни, қонуниятни оддийгина ёдлаш эмас, балки уни амалий фаолиятда иложи борича кенгроқ қўллаш муҳимдир.

Ахборот қанчалик чуқур анланса, у хотирада шунчалик яхши сақланиб қолади. Ушбу қонуниятдан фойдаланиш эслаб қолиш жараёнини фикрлаш жараёнига энг кўп даражада яқинлаштиришни билдиради. Анланган ҳолда эслаб қолиш объектларнинг энг муҳим жиҳатларини ва муносабатларини ифодаловчи мантиқий алоқаларга асосланади.

Қизиқиш уйғотувчи ёки манфаат келтирувчи ахборот осон эслаб қолинади. Ўзлаштираётган нарсамизни бизни қизиқтираётган, биз учун манфаат келтирадиган нарсалар билан боғлаш – муваффақиятли эслаб қолишнинг асосий шартларидан биридир. Муваффақиятли эслаб қолишда муайян ахборотни идрок этишга тайёргарлик ва яхши эслаб қолиш мақсадини қўйиш катта аҳамиятга эга. Булар эслаб қолиш жараёнига катта таъсир кўрсатиши билан бирга, унинг натижаларини олдиндан кўриш имконини беради ва хотирада тиклашни осонлаштиради.

Бир вақтнинг ўзида юзага келадиган тасаввурлар эслаш

⁵⁰ Асямов С.В., Пулатов Ю.С. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – Б.30.

жараёнида бир-бирини ёдга туширади. Хотиранинг ушбу қонуниятидан фойдаланиш учун эслаб қолиш ва эсга тушириш жараёнида табиий ассоциациялардан фойдаланиш, шунингдек, ички ишлар органлари ходимларининг касбий фаолиятида хотиранинг ишини энгиллаштирувчи сунъий ассоциатив алоқалар ўрнатишни ўрганишимиз зарур.

Хотирани шакллантириш усуллари:

– билишга бўлган қизиқишлар доирасини, хотирада сақлаш мақсадларини шакллантириш;

– мантиқий эслаш усулларини ўрганиш;

– жавобгарлик ҳиссини кучайтириш: билим олишга, ўрганишга, қунт қилишга, ўзини тарбиялашга эътибор бериш;

– ўтилган машғулотлардаги материалларни тизимли равишда қайта такрорлаш, хотирани мустаҳкамловчи машқларни бажариш.

Тафаккур ва унинг жазони ижро этиш инспекцияси хизмати ходимлари фаолиятида тутган ўрни. *Тафаккур* атроф-муҳитдаги воқеаликни нутқ ёрдамида бевосита, умумлашган ҳолда акс эттирувчи психик жараён, социал сабабий боғланишларни англашга, янгилик яратиш ва башорат қилишга йўналтирилган ақлий фаолиятдир⁵¹. Ички ишлар органлари раҳбар ходимларининг бошқарув фаолиятида тафаккур касбий масалаларни ечишга оид ҳолат ва ҳодисаларнинг моҳиятини тез англаш, турли туман ахборотлар ичидан зарурини ажратиб олиш, улар ўртасидаги фарқ ва тафовутларни осон аниқлаш, кўпчилик илғай олмайдиган майда нарсаларни кўриш билан уларни турли ҳаракат, шаклларда образлаштириш, жонлантиришда намоён бўлади.

Ички ишлар органлари раҳбар ходимларининг бошқарув фаолиятида мантиқий тафаккурни ривожлантириш катта аҳамиятга эга. Идрок ва тасаввурда акс этадиган нарса тафаккурда таққосланади, таҳлил қилинади ва умумлаштирилади.

Касбий тафаккур нафақат ҳаракатга келтириш зарур бўлган ақлий имконият, балки инсон омилини фаоллаштириш қуролидир⁵². Шу нуқтаи назардан, ички ишлар органлари раҳбар ходимларининг касбий тафаккури деганда, ўз хизмат вазифаларини бажаришларида муҳим аҳамият касб этадиган воқеа, ҳодиса ва ҳолатлардаги

⁵¹ *Ғозиев Э.* Тафаккур психологияси. – Т., 1990. – Б.15.

⁵² *Столяренко А.М.* Психологическая подготовка сотрудников ОВД. – М., 1997. – С.21.

умумийликни кўра олиш, анализ ва синтез қилиш, таққослаш, асослаш ва тахминий хулосалар чиқариш жараёни тушунилади.

Касбий ривожланган тафаккур ходимнинг муҳим хислати бўлиб, қўл остидаги ходимларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларидаги муҳим жиҳатларини билиш, улар ўртасидаги қонуниятли алоқаларни топиш қобилиятида намоён бўлади.

Касбий тафаккурни фаоллаштиришнинг асосий усуллари қуйидагилардан иборат⁵³.

Касбий вазифани тушуниш усули. Дастлаб умумий вазифани оддий вазифаларга бўлиш зарур. Жамода қўл остидаги ходимларга синчковлик билан назар солиш, ҳеч нарсани назардан қочирмаслик, унинг ўзини тутиши, хулқи ва айтаётган гапларини кузатиши ҳамда визуал ва вербал олинган маълумотларни вазиятга қараб объектив баҳолай олиши зарур.

Масаланинг ечимини топиш усули. Аввало, изланишнинг дастлабки нуқтаси ажратиб олинади, бунда излаш чегаралари аниқланади ва тартибга солинади. Излаш йўналишлари танланади, уйғунлаштирилади ва қайта кўриб чиқилади.

Текширилаётган ҳодисанинг манзарасини фикран шакллантириш усули. Ходимдан умумий манзара ва ундаги элементларнинг образли ишловини амалга ошириш ҳамда шу асосда текширилаётган ҳодисанинг қолипи (схемаси)ни шакллантириш талаб этилади (бу тезкор ёки тахминлар (тусмоллар) шаклида амалга оширилиши мумкин). Ҳодисанинг элементлари ўртасидаги алоқаларни кўриб чиқиш ва ишлаш, уларни бир бутун кўринишга бириктириш ҳамда асосий бўғинни топиш зарур.

Тафаккурни йўналтириш усули тадқиқ этилаётган вазиятда руҳий йўналиш олиш (масалан, озошликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахсларнинг хулқ-атвор мотивларини тушунишга ҳаракат қилиш), шунингдек психологик жиҳатдан таҳлил қилиш ва шу асосида вазиятнинг бундан кейинги ривожланишини башорат қилишдан иборат. Баъзи мураккаб вазиятларда рефлексия усулидан, яъни рақиб нуқтаи назардан мулоҳаза қилишдан фойдаланилади.

Тафаккур жараёнида назоратни кучайтириш усули. Ходим ўзини назорат қилишнинг сўзда ифодаланган формулаларидан

⁵³ Асямов С.В., Пулатов Ю.С. Ички ишлар идоралари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002. – Б.44.

(«мен буни қандай қилиб бажараман», «нима учун мен бундай хулосага келдим» ва ҳ.к.) фойдаланган ҳолда текшириб туриши зарур. Ўз хулосалари ва баҳоларида субъективликка йўл қўймасликка, шахсий мойиллик ва хусуматни йўқ қилишга ҳаракат қилиши керак.

Тафаккурни шакллантириш усуллари:

1) мустақил фикр юритиш, жавобгарлик ҳиссини англаш каби шахсий хусусиятларни ривожлантириш;

2) касбий масалаларни ҳал қилишда талаб этиладиган билим, кўникма ва тажрибани эгаллашга ҳаракат қилиш;

3) касбий масалаларни ҳал қилишда талаб этиладиган билим, кўникма ва тажриба эгаллашга ҳаракат қилиш;

4) бир-бирига қарама-қарши фикрлар чигалини ечиш, қийин, мавҳум вазиятларда ечим топиш машқларини мукамаллаштириш;

5) мантиқий фикрлаш, тафаккур операциялар моҳиятини англаш, масалани ечишдаги ғайритабiiй усуллар билан танишиш;

6) ақлий имкониятларни такомиллаштириш.

Хаёл ва унинг бошқарув фаолиятида тутган ўрни. *Хаёл* – инсон ижодий фаолиятининг зарур элементи бўлиб, меҳнатнинг охирги ва оралиқ маҳсулотларида ўз ифодасини топади, шунингдек, муаммоли вазият, ноаниқ ҳолатларда хулқ-атворнинг намоён бўлишини таъминлайди. Шу билан бирга, хаёл фаол фаолиятни йўналтирувчи эмас, балки унинг ўрнини алмаштирувчи тимсоллар ҳосил қилиш воситаси сифатида юзага келади.

Хаёл тафаккур билан чамбарчас боғланган. Хаёл ҳам тафаккур сингари келажакни олдиндан кўриш имконини беради. Тафаккур сингари хаёл шахсларнинг эҳтиёжларига асосланади. Эҳтиёжларни қондиришнинг реал жараёнидан олдин уларни қондиришнинг сохта, хаёлий жараёни содир бўлади, яъни бу эҳтиёжларнинг қондирилиши мумкин бўлган вазиятни жонли, ёрқин тасаввур қилиш мумкин.

Хаёл ўзининг фаоллиги билан тавсифланади. Айрим ҳолларда хаёл фаолиятнинг ўрнида, унинг сунъий аралашмаси сифатида намоён бўлиши мумкин. Мана шундай ҳолатда одам ҳал қилиб бўлмайдигандек кўринадиган масалалар, турмушнинг оғир шароитлари, ўз хатоларининг таъқиб ва шу қабилардан қочиш учун реал тасаввурлардан узоқ бўлган фантастика оламига вақтинча кириб кетади.

Фантазия ҳаётда гавдаланмайдиган образларни яратади, амалга ошмайдиган ва кўпинча амалга ошириб бўлмайдиган иш-ҳаракат дастурларини белгилайди. Ҳаёлнинг бундай шакли *пассив ҳаёл* дейилади. Киши пассив ҳаёлни олдиндан ўйлаб юзага келтириши мумкин. Атайлаб юзага келтирилган, ирода билан боғлиқ бўлмаган, лекин ҳаётда гавдалантиришга қаратилган ҳаёлнинг мана шундай образлари *ширин ҳаёл* деб аталади. Қандайдир қувончли, ёқимли, қизиқарли нарсалар ҳақида ширин ҳаёл суриш ҳамма одамларга хос. Мана шундай ширин ҳаёлларда фантазия билан эҳтиёж ўртасидаги алоқа энгил намоён бўлади. Аммо инсоннинг ҳаёлий жараёнларида ширин ҳаёл кечириш ҳоллари кўпроқ бўлса, бу шахснинг пассивлигидан далолат берувчи нуқсон ҳисобланади. Агар киши пассив бўлса, у келажакда яхши ҳаёт кечириш учун курашмаса, унинг ҳозирги ҳаёти эса қийин, кўнгилсиз бўлса, бундай ҳолда у ўзининг эҳтиёжлари тўла қондириладиган, истаган нарсасини қўлга кирита оладиган, ҳозирги пайтда умид қила олмайдиган бирор мансабни эгаллайдиган сохта ҳаётни кўп ҳаёл қилади.

Агар пассив ҳаёлни олдиндан ўйлаб ва ўйламасдан қилинган турларга бўлиш мумкин бўлса, *актив ҳаёлни* ижодий ва қайта тикловчи ҳаёл турларига бўлиш мумкин бўлади. Ўз асосида тасвирига мувофиқ келадиган образлар тизимини яратувчи ҳаёл *қайта тикловчи ҳаёл* деб аталади.

Ички ишлар органлари бошқарувида раҳбарнинг ўз ҳиссий-иродавий ҳолатларини бошқариши муҳим аҳамият касб этади.

Ҳиссиёт – кишининг ҳаётида юз бераётган воқеаларга ёки нима билан машғул бўлаётганига нисбатан ўзига турли шаклда билдирадиган ички муносабати.

Хоналар ва иш жойидан вужудга келган ёқимли ёки ёқимсиз ҳиссиёт меҳнат самарадорлигига, ходимларнинг кайфиятига сезиларли таъсир ўтказди. Жамода хотиржамлик, шахслараро илиқ муносабатлар, муомала, аҳиллик муваффақият кафолати, ижтимоий тараққиёт омили ҳисобланади.

Эмоция. Эмоционал жараёнлар, ҳолатлар ёки, қисқача айтганда, эмоция ҳиссий кечинмаларнинг ўзига хос шаклларида бири. Эмоция у ёки бу ҳиссиётнинг инсон томонидан бевосита кечирилиши (кечиши) жараёнидан иборат.

Баъзи ҳолатларда эмоция таъсирчанлиги билан ажралиб туради. У хатти-ҳаракатга, фикр-мулоҳаза билдиришга туртки

берадиган куч бўлиб, шижоатни ошириб юборади ва бу ҳолат *стенник* ҳислар деб аталади. Бошқа бир ҳолатда эмоция (*астеник* деб аталмиш эмоциялар) фаолликнинг сустлиги ёки лоқайдлиги билан ажралиб туради, ҳис-туйғуларнинг бошдан кечирилиши кишини бўшаштириб юборади.

Ҳис-туйғулар ҳиссиёт (эмоция), кайфият, кучли ҳаяжонланиш тарзида бошдан кечирилиши чоғида маълум даражада сезиладиган ташқи белгиларга ҳам эга бўлади.

Кайфият. Шахснинг хатти-ҳаракатларига ва айрим руҳий жараёнларига муайян вақт давомида тус бериб турувчи эмоционал ҳолат кайфият деб аталади.

Ички ишлар тизими жамоаларида ишчанлик, ўзаро ёрдам, ҳамкорлик, илиқ руҳий муҳит яратиш, самимий муомалани шакллантириш ҳам жисмоний, ҳам ақлий меҳнат самарадорлигини оширишнинг кафолатидир.

Аффект (ҳиссий портлаш) – кишини тез чулғаб оладиган ва шиддат билан ўтадиган жараён. У онгнинг анчагина ўзгарганлиги, хатти-ҳаракатларни назорат қилишнинг бузилганлиги, одамнинг ўзини ўзи идрок қила олмаслик, шунингдек, шахснинг ҳаёти ва фаолияти ўзгариб қолганлиги билан ажралиб туради. Аффект ҳолатида бирданига катта куч сарф қилиниши сабабли ҳам у қисқа муддатли бўлади. Агар оддий ҳиссиёт фақат руҳий ҳаяжонланишни ифода этса, аффект бўрондир.

Ҳиссий портлаш рўй берганда киши ўзини назорат қила олмай қолади, қилаётган ишининг оқибатини ўйламайди ва ақл-ҳушини йўқотиб қўяди. Тормозланиш мия қобиғини эгаллаб, кишининг тажрибаси, унинг маданий ва маънавий асосларда мустаҳкамланган муваққат боғланишларнинг таркиб топган тизимини ишлатмай қўяди.

Стресс психологик таърифига кўра, аффектив ҳолатга яқин турадиган, лекин давомийлигига кўра кайфиятга яқин бўлган ҳис-туйғулар бошдан кечирилишининг алоҳида шакли бўлиб, кучли ҳаяжонланиш (стресс) ҳолати (инглизча «*stress*»– тайзиқ кўрсатиш, зўриқиш деган сўздан олинган)дан ёхуд ҳиссий зўриқишдан иборатдир. Ҳиссий зўриқиш хавф-хатар туғилган, киши хафа бўлган, уялган, таҳлика остида қолган ва шунга ўхшаш вазиятларда рўй беради. Психология фанига «стресс» тушунчасини олиб кирган

олим канадалик физиолог Г.Селье ҳисобланади. Унинг талқини бўйича «стресс – инсон организмга қўйилган ортиқча талабдир»⁵⁴.

Фрустрация киши мақсадга эришиш йўлида бартараф этиб бўлмади деб ҳисобланган ёки шундай деб идрок этиладиган тўсқинликларга, ғовларга дуч келган ҳолларда юз беради.

Ирода кишининг олдига қўйган мақсадларига эришишида қийинчиликларни енгиб ўтишга қаратилган фаолияти, хулқ-атворини онгли равишда ташкил қилиши ва ўз-ўзини бошқаришидир.

Иродавий фаолиятда раҳбар ўзини ўзи бошқаради, ўзини қўлга олади, ўзи назорат қилади.

Ички ишлар органлари раҳбар ходимларида *иродавий* фазилатларни шакллантириш фаолият самарадорлигини таъминловчи психологик омиллардан саналади. Ички ишлар органлари раҳбар ходимлари қўл остидаги ходимлар билан юзага келувчи муносабат маромини, уларнинг хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатларини тартибга солишда, баъзан хизмат фаолиятларида мақсадга эришишлари учун тўсқинлик қиладиган турли тўсиқларга дучор бўладилар. Бундай вазиятларда улар ушбу қийинчиликлар ва тўсиқларни енгишга ундовчи иродавий фазилатларини намоён қилишлари муҳимдир. Иродавий кўникмаларни ривожлантириш учун машғулотлар жараёнига қўйилган вазифани бажаришга тўсқинлик қилувчи муайян элементлар, тўсиқларни киритиш катта ёрдам беради.

Иродани мустақил тарбиялаш усуллари қуйидаги шартларни ўз ичига олади:

1) иродани тарбиялашни нисбатан арзимас қийинчиликларни бартараф этишдан бошлаш;

2) қийинчиликларни ва тўсиқларни бартараф этиш маълум мақсадга эришиш учун руҳий-иродавий куч зарурлигини тушуниш;

3) қабул қилинган қарор бажарилиши кераклигини ҳис қилиш ва амалга ошириш учун ўз олдига установка қўйиш;

4) мақсадга эришиш босқичларини кўра олиш ва тўғри қарорлар қабул қилиш.

Ички ишлар органлари раҳбар ходимлари ўзида ва қўл остидаги ходимларда иродани тарбиялашни арзимас қийинчиликларни бартараф этишни одат қилишдан бошлаш керак. Дастлаб унчалик катта бўлмаган қийинчиликни, вақт ўтиши билан каттароқ

⁵⁴Селье Г. Стресс и дистресс. – М., 1999. – С.25.

кийинчиликларни мунтазам равишда енга бориб, иродасини машқ қилдиради ва чиниктиради.

Ички ишлар органлари раҳбар ходимларининг бошқарув фаолиятида ҳиссий-иродавий ҳолатларнинг ўрни беқиёсдир. Чунки раҳбар ходимнинг мураккаб вазиятларда қулай руҳий ҳолатни сақлаш қобилияти фаолият самарадорлигини таъминловчи омиллардан бири саналади.

Раҳбар ходимнинг ҳиссий-иродавий турғунлиги қуйидагиларда намоён бўлади:

– экстремал вазиятларда ҳаракат самарадорлигини пасайтирувчи, адашишлар туғдирувчи психологик реакцияларнинг йўқлиги;

– психологик жиҳатдан мураккаб шароитларда касбий вазифаларни беҳато бажариш;

– касбий зийракликни сақлаш, таваккал, хавф-хатар, кутилмаган вазиятларга нисбатан оқилона эҳтиёткорлик билан ёндашиш.

Шу нуқтаи назардан ички ишлар органларида бошқарув фаолиятининг самарадорлиги кўп жиҳатдан раҳбар ходимларнинг ўз хатти-ҳаракатларини бошқара олиши, ўз ҳис-туйғуларини назорат қила олишига боғлиқ. Шунингдек, раҳбар ходимларнинг ўзларини иродавий бошқара олиши, мураккаб вазиятларда тезкор, оқилона қарорлар қабул қилиши касбий қобилияти билан белгиланади. Яъни ходим ўзини иродавий бошқариш орқали салбий ҳиссиётларни йўқ қилиши, ўзида ишонч ҳиссини уйғотиши, диққатини бир жойга жамлаши ва бутун кучини қўйилган вазифани бажаришга сафарбар этиши унинг асосий сифатларидан саналади.

3-§. Ички ишлар органлари бошқарувида раҳбарнинг хулқ-атвор психологияси ва шахсий сифатлари

Бошқарув жараёнини психологик таҳлил этиш масаласи, авваламбор, раҳбарнинг фаолиятини такомиллаштиришни ўз олдига мақсад қилиб кўяди. Мазкур мақсадни амалга ошириш учун раҳбарга қўйиладиган талаблар, уларни бажаришга мойиллик ва бошқарув фаолиятини тўлақонли амалга оширишга тўсқинлик қилувчи шахс хусусиятларини ўрганиш зарурати туғилади.

Ички ишлар органлари бошқарувида раҳбар психологияси ва шахсий сифатлари тушунчасини таҳлил этар эканмиз, унга хос хусусиятларни уч гуруҳга бўлиб ўрганиш таклиф қилинади:

- биографик тавсиф;
- қобилият;
- шахсий сифатлар.

Раҳбар шахсининг *биографик* жиҳатларига унинг ёши, жинси, ижтимоий-иқтисодий мавқеи ва маълумоти киради.

Раҳбар ёши – бошқарув фаолиятини муваффақиятли амалга оширишнинг раҳбар ёшига боғлиқлиги ривожланган мамлакатлар тадқиқотларига асосланади. Аниқланишича, Япония қайта ишлаб чиқариш йирик компаниялари раҳбарларининг ўртача ёши 63,5 бўлса, шу тоифа америкалик раҳбарларнинг ёши 59 да экан. Умуман олганда, Японияда ходимнинг корхонага бир умр ёлланиш тажрибаси қўлланади. Маълум бўлишича, юқори бўғин раҳбарларининг кўпчилиги ўз ташкилотида 30 йилдан ортиқ ишлайди. Бу соҳада ўтказилган тадқиқотлар шундан далолат берадики, катта ёшли раҳбарлар, агар уларнинг соғлиги кўнгилдагидай бўлса, ушбу ташкилот учун катта тажриба манбаидир. Раҳбарнинг улуғ ёши ҳақида гапирар эканмиз, нафақат унинг биологик жиҳати, балки, ижтимоий томони, ҳаётий тажрибасини ҳам назарда тутишимиз даркор. Зеро, «Қари билганни пари билмас», деб халқимиз бежиз айтишмаган. Бироқ, ишлаб чиқаришга замонавий технологиянинг кириб келиши уларни ўзлаштиришда маълум маҳоратни талаб қилади. Бахтга қарши, ҳозиргача компьютерда ишлашни ўрганолмаётган катта ёшли раҳбарларни учратиш қийин эмас. Шу жиҳатдан олганда, ёш раҳбар кўпинча ташкилотга илғор технология ва тезкорлик олиб кирувчи омил сифатида қабул қилинади.

Ёш раҳбар бошқарадиган ташкилотдаги ходимларнинг ўртача ёш кўрсаткичи кўпинча паст бўлади. Ёшлик (30-35 ёш атрофида) бу янгилик ва кашфиётларга мойиллик ижодийлик кўрқмаслик ва ўзгурувчан муҳитга мослашувчанлик билан ифодаланади. Афсуски, бундай ташкилотда катта ёшдаги (40-45 дан юқори) ходимларга, ҳатто, шубҳа билан қарашади. Лекин, аниқланишича, инсон 35-55 ёшларида ўз касбининг моҳир устасига айланади, ўз соҳасидаги билимни яхши эгаллайди ва ихтироларни жорий этишга ўзида иштиёқ сезади. Шу билан бирга, унда вазиятни совуққонлик билан таҳлил этиш, вазминлик кайфияти шаклланади.

Албатта, ҳамма ёш раҳбарлар илғор технология тарафдори ва шунга мойил деб айтиш қийин, лекин ёшларга замонавийлик хос. Бу эса, ўз навбатида, ёш раҳбарнинг замонавий ва илғор ишлаб

чиқариш услубларига мурожаат этиш эҳтимолини кучайтиради. Халқимизда, ёши катта бўлса ҳам, кўнгли ёш деган ибора бор. Демак, замонавий раҳбар, ёшидан қатъи назар, илғор технологиялар тарафдори, ташкилот миқёсида замонавий ишлаб чиқаришни жорий этишга қобилиятли бўлиши лозим. Бу эса ўтиш даври талабидир.

Раҳбар жинси – инсон жинси, унинг айна бир ролга амал қилишини тақозо этади. Айниқса, бу ҳолат шарқ мамлакатлари, ҳудудимиз шароитида яққол намоён бўлади. Бу ҳудудда эркак ва аёлга хос жинсий ижтимоий нормалар аниқ белгиланган. Модомики шундай экан, инсон амалга ошираётган кўпгина хатти-ҳаракат айнан шу жинсий роль мезони таъсирида идрок этилади. Ҳозир, инсоннинг жинсий мансублигига қарамай, касб ёки лавозим поғонасида катта имкониятлар пайдо бўлаётганини кўрамиз. Мамлакатимизда тадбиркорлик ва давлат бошқаруви соҳасида аёлларга катта йўл очилган. Аммо, шунга қарамай, раҳбар сўзи кўпинча эркак жинси билан қиёсланади ва негади, аёл раҳбар идора этадиган соҳалар сифатида маориф, соғлиқни сақлаш, аҳолига хизмат кўрсатишдан нарига ўтилмайди.

Ҳақиқатдан ҳам аёлнинг у ёки бу соҳада бошқарув лавозимини эгаллаши, кўп жиҳатдан, бу соҳа аёлларга мосми ёки эркакларгами деган саволга боғлиқ бўлиб қолган. Бир қатор тадқиқотлар орқали аниқланишича, эркак ва аёл аралаш ишлайдиган жамоада кўпинча эркаклар ташаббусни ўз қўлларига олар эмиш. Тадқиқотчи Е. тажрибасига кўра, жамоа ичида ҳал этиладиган вазифани ечишда эркаклар кўпроқ мақбул йўл топа олишади ва устунликка интилишади. Олимнинг тушунтиришича, эркаларга хос бундай хатти-ҳаракат, кўп жиҳатдан, жамиятда ўрнатилган нормалар ва эркаклар хулқига оид установакалардан келиб чиқади. Бундай установакалар асосидаги стандартлар атрофдагиларнинг бўлаётган воқеа-ҳодисаларни идрок этишига ҳам катта таъсир этади. Масалан, психолог Р.Райе ўтказган тажрибада қуйидаги манзара кузатилади: тажриба давомида ҳарбий ўқув юрти курсантларида аёлларга нисбатан маълум (унчалик ижобий бўлмаган) установа шакллантирилган. Шундан сўнг, курсантларни учтадан қилиб икки гуруҳга бўлишган ва лаборатория шароитидаги тажрибада қатнашишга тақлиф этишган. Икки гуруҳ курсантга икки раҳбар – бири эркак, иккинчиси аёл бошчилик қилган. Гуруҳлар маълум бир мураккаб вазифаларни ҳал этишган ва ечим давомида раҳбар фаол

мавқе эгаллаган. Аниқланишича, аёл раҳбарлик қилган курсантлар гуруҳ муваффақиятини тасодифга йўйишган, эркак раҳбар бўлган гуруҳдаги курсантлар эса муваффақиятда айнан раҳбарнинг қобилиятини етакчи деб кўрсатишган. Мазкур тажриба шундан далолат берадики, атрофдаги воқеаларни баҳолашимиз кўп жиҳатдан айна жамиятда қабул қилинган норма ва меъёрларга боғлиқ.

Бошқарув амалиётида ва шунингдек баъзи бир адабиётларда эркак раҳбар фаолияти аёл раҳбарниқига нисбатан анчагина самарали деган тасаввур мавжуд. Одатда, бундай фикрга қуйидаги далиллар келтирилади: эркак ёрқин ифодаланган мантикий фикрлаш хусусиятига эга эмиш, аёл эса кўпинча ҳиссиётга берилади; эркак ўз ишига фидойи десак аёл кимматли вақтини оилага сарфлайди. Чунончи, эркак турли салбий таъсирларга, стрессларга чидамли бўлса, аёл мураккаб вазиятда ҳатто ақлини «йўқотиб» қўйиши мумкин экан.

Аммо, ҳаёт бунинг аксини кўрсатиб турибдики, айна пайт ишлаб чиқаришни самарали бошқараётган аёлларни кўплаб учратиш мумкин. Жинсий тафовутларни таҳлил этишда самарадан кўра бошқарув услуби ҳақида гапирса, ўринлироқ бўлади. Эркак раҳбар асосий диққат-эътиборини ишлаб чиқариш муаммоларига тааллуқли вазифаларга қаратса, аёл раҳбар кўпроқ жамоанинг ижтимоий-психологик жиҳатларига, психологик муҳитни соғломлаштиришга қаратади, деган хулосалар ҳам кам эмас. Албатта, бу фикр бир қанча баҳс ва мунозарага сабаб бўлса-да, эндиликда кўшимча тадқиқотлар ўтказишни ҳам тақозо этаяпти.

Хўш, аслида эркак ва аёл раҳбарлар муваффақиятга эришишларида маълум фарқ, тафовут мавжудми, деган саволга қуйидаги жавобни оламиз. Таниқли олима Ф.Денмарк катта ҳажмдаги тадқиқотлари асосида шундай хулосага келдики, бошқарув соҳаларида муваффақиятга эришишда сезиларли жинсий тафовутлар кузатилмас экан. Аёл ва эркак менежерларнинг бошқарув фаолиятидаги фарқ шундан иборат эканки, аёллар жамоадаги инсоний муносабатларга кўпроқ эътибор берадилар. Эркак ва аёл менежерларга хос жинсий психологик фарқнинг бўлиши табиий, лекин жамоа олдида турган вазифани бажариш, кўзланган мақсадга эришиш борасида жинсий тафовут кузатилмайди. Назаримизда, бу муваффақиятлар сабаби жинсга хос бўлмаган омиллар билан белгиланади. Масалан, шахснинг кўпгина

ишчанлик фазилатлари жинсий мойилликлар билан эмас, балки ижтимоий қадриятлар, характердаги хусусиятларга асосланади. Хусусан, инсоний муносабатларга эътибор, кўнгилчанлик бошқарувда демократик тамойилларга суяниш аёлларда кўпроқ учрайди ва бу кўрсаткичлар маълум маънода жамоа фаоллигига ижобий таъсир этувчи омиллардир.

Бир қатор тажриба ва кузатиш натижалари яна бир бошқа маълумотларни ҳам беради. Раҳбарлик даражаси қанчалик юқори бўлса, эркак ва аёл раҳбар ўз услубларида шунчалик қарама-қарши жинс хусусиятларини намойиш этадилар. Эркак раҳбар эркакка хос хислатдан ташқари аёлга хос айрим фазилатларни ҳам бошқарув амалиётида қўллашнинг кўрамиз: кўнгилчанлик, нозикдидлик, интуиция. Ўз навбатида аёллар ҳам эркакларга хос сифатларни ўз фаолиятларида қўллайдилар: мустаҳкам ирода, қатъийлик, фаоллик, тиришқоқлик. Демак бошқарув самарасини жинсий мансублик билан боғлаш нотўғридир. Бу ўринда бошқа омиллар аҳамиятлироқ ҳисобланади. Мисол учун интеллект, қадриятлар, шахс хусусиятлари, маълумот даражаси, бошқарув соҳасидаги тажриба каби кўрсаткичларни келтириш мумкин.

Биографик тавсифлар қаторига шахснинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи ва унинг маълумоти даражасини киритиш мумкин. Бошқарув фаолиятини муваффақиятли амалга оширишда мавқе ва маълумот ҳам муҳим омил саналади. Бизнес бошқаруви соҳасидаги олим Р.Стогдилл муаллифлигидаги «Бошқарув қўлланмаси»да таъкидланишича, муваффақиятли бошқарув ва шахснинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи ўртасидаги боғлиқлик 94% га тенг ҳамда маълумоти ўртасидаги боғлиқлик эса, 88% га тенгдир. Япониялик тадқиқотчи Т.Коно маълумотига кўра, оддий япон менежери, албатта, муҳандислик мутахассислиги ёки ижтимоий фанлар бўйича университет дипломига эга бўлиши шарт. Кўп ҳолларда менежерлар икки мутахассислик дипломига эга бўлса, бир қатор етакчи бизнесменлар ва йирик раҳбарларнинг биографик таҳлили уларнинг юқори маълумотга эга эканликларидан далолат беради.

Шахснинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи раҳбарлик фаолиятини бажаришида кучли омил ҳисобланади. Бунинг аҳамияти айниқса шарқ маданияти мисолида яққол кўзга ташланади. Худудимиздаги оддий фуқаро раҳбар шахсида нуфузли, ўзига тўқ ва тўла-тўқис инсонни кўришни хоҳлайди. Раҳбар майда иқтисодий

муаммоларни бемалол ҳал қила олиши, катта ижтимоий алоқаларга молик эканлиги билан ҳамда ўз ақлий қобилияти, тажрибаси бўйича бошқа ходимлардан устун туриши лозим. Раҳбарнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи дастлабки пайтларда етакчи ролни ўйнайди. Кейинчалик эса у ҳақдаги бўлган жамоа тасаввури раҳбарнинг вазифаларни адо этиш қобилиятига бориб тақалади. Аммо, шахс шаклланган муҳитнинг раҳбарликка, шунингдек, оилавий анъаналарнинг бошқарув қобилияти ривожланишига таъсирини ўрганиш ҳам ўта аҳамиятлидир. Ҳақиқатан, раҳбар оиласида туғилиш, улғайиш давомида ота тажрибасини ўзлаштириш доминантликка, яъни устунликка мойилликнинг шаклланишига асос бўлиши мумкин. Бизнес бошқаруви соҳасидаги олим Ф.Фидлер таърифи бўйича «компания президенти бўлишнинг энг ишончли омили – компанияга эгалик қиладиган оилада туғилишдир». Лекин, Ли Якокка каби буюк менежернинг биографияси тамоман юқоридаги таърифни инкор этади. Бинобарин, бу шахс раҳбарликнинг паст қатламларидан унинг энг юқори чўққисига кўтарилди.

Бир қатор машҳур тадбиркорлар ўтмишини таҳлил этиш натижасида аниқландики, уларнинг кўпчилиги оилада тўнғич фарзанд бўлиб ўсишган. Дарҳақиқат, оилада тўнғичлик ўз мавқеига кўра маълум масъулият ҳам демакдир. Ўзбек оилаларидаги кўпболалик шароити тўнғич фарзандга ота-онага мададкор бўлиш, кичикларга раҳнамолик қилиш ва назоратни ўз бўйнига олишини тақозо этади. Бу эса шаклланаётган шахснинг ташкилотчилик ва назоратга бўлган имкониятини янада оширади, келгуси фаолиятида ўз-ўзини идора эта олиш қобилиятини шакллантиради.

Ҳаёт тажрибаси – инсон тажрибаси ва унинг бошқарув фаолиятида намоён бўлиши икки асосий масала орқали таҳлил қилинади. Биринчидан, юқори бўғин раҳбари учун бошқарув тажрибаси зарур, шунингдек, улардан ҳаётини тажрибага эга бўлиш ҳам талаб қилинади. Иккинчидан, ўрта бўғин раҳбариди ўз соҳаси бўйича камида уч йиллик тажриба бўлиши лозим. Бу тоифа раҳбар тажрибасини таҳлил этар эканмиз, асосий эътибор касб соҳасига қаратилади.

Қобилият – одатда психология фанида қобилиятнинг умумий ва махсус турлари кўрсатилади. Умумий қобилиятлар шахснинг ҳар қандай фаолиятга киришишида муваффақият учун имконият яратса, махсус қобилият фақат айрим йўналишдаги фаолият турида

муваффақиятга эришиш учун асос бўлади. Мана шундай умумий қобилият туркумига инсон ақлини, яъни интеллектини киритиш мумкин.

Интеллектнинг муваффақиятли бошқарувга таъсир этишида кўпгина омилларга, улардан энг асосийлари – бошқарувга бўлган ишончнинг мавжудлиги, раҳбарлик соҳасидаги бой тажриба, шунингдек, юқори буғин раҳбарлари ва ходимлар ўртасидаги ижобий муносабат назарда тутилади.

Юқори буғинга мансуб раҳбар ўз бошқарув фаолиятида муваффақиятга эришиши учун анчагина юксак ақлий салоҳиятга эга бўлиши керак. Бундай салоҳият кутилмаган вазиятни таҳлил этишда, муаммони ҳал қилиш жараёнида бир неча вазифани параллел равишда бошқариш заруратидан келиб чиқади. Масалан, ташкилотчилик масалага оид ечимни тақлиф этиш, ташкилот ва гуруҳ манфаатлари ҳақида буғин раҳбарлари учун турлича ақлий салоҳият зарурлигини таъкидлайди. Юқори буғин раҳбарлар ёрқин ифодаланган ижтимоий интеллектга эга бўлишлари шарт. Улар ташаббускор, мулоқотга бой, юксак сиёсий ва ижтимоий мавқега эга, ишга алоқадар таниш-билишлари кўп, интуицияси ривожланган ва ташкилот фаолиятининг қаерга йўналишини тезда пайқаб олишлари керак.

Хар қандай ташкилотдаги асосий оғирликни ўзига олувчи ўрта буғин раҳбарларида эса махсус қобилият кўпроқ ривожланган бўлиши лозим. Улар ишга диққат-эътиборли, масъулиятли, катта ҳажмдаги миқдорий ва сифат маълумотларини таҳлил этиш қобилиятига эга шахслардир.

Шахсий хислатлар – юқорида айтиб ўтилган умумий қобилиятлар, муваффақиятли бошқарувни таъминловчи зарур шахс хислатларини аниқлаш ва уларни раҳбарликда ривожлантириш масаласини долзарб қилиб қўяди. Натижада нафақат мазкур хислатларни аниқлаш, балки бу йўналишдаги тадқиқотларни ташкил этиш бўйича бир қатор вазифаларни ҳал этишни талаб қилади. Бу борада амалий фаолият олиб борувчи тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, раҳбарларни баҳолаш кадрлар билан ишлаш масаласининг энг нозик қисмига айланган. Маълумки, раҳбарликка оид шахсий хислатларни аниқловчи бир қанча психологик методлар мавжуд бўлиб, уларни муваффақиятли қўллай олиш бир томондан тадқиқотчи малакасига келиб тақалса, иккинчи томондан ушбу

методикаларнинг ишчанлиги ва олинган маълумотларнинг ҳаққонийлиги масаласи туради. Масалан, ғарбда ишлаб чиқилган тест ва сўровномаларни маҳаллий ҳудудимизга, менталитетимизга мослаштириш шу вақтгача долзарб бўлиб келганига гувоҳмиз.

Муваффақиятли раҳбарликка оид шахсий хислатларни талқин этар эканмиз, шу мавзу юзасидан чет эл олимлари томонидан ўтказилган баъзи бир тадқиқот натижаларига мурожаат этамиз. Америка ва Япониялик 1500 менежерларни ўрганиш асосида самарали раҳбарликка оид қуйидаги шахсий хислатлар ажратиб кўрсатилади:

- стратегик режалаштиришга мойилликнинг кучлилиги;
- ишчиларни, меҳнат ресурсларини тақсимлаш бўйича мақбул ва ўз вақтида қарор қабул қилиш;
- фаолият доирасини кенгайтириш ёки юксак тартибда меҳнат қилиш эвазига ўз масъулиятини оширишга интилиш;
- экстремал вазиятда ижодий ва рационал қарор қабул қила олиш;
- ўз кучига чексиз ишонч;
- ўз ҳуқуқларини англаш ва масъулиятни ҳис қилиш;
- кези келганда қурбон беришга ҳам тайёр туриш;
- мулоқот малакаларини мукаммаллаштиришга интилиш;
- мураккаб ва инқирозли вазиятдаги жараёнларни таҳлил этиш ва интуитив тарзда башорат қила олиш;
- меҳнатга юксак қадрият сифатида қараш ва унга бутун куч-ғайратни сафарбар этиш;
- айбдорни излаш эмас, балки муаммони ҳал этишга интилиш, таваккалдан кўркмайдиган ва мустақил фикрдаги ходимлар билан ишлаш хоҳиши;
- амалга оширилаётган ғоя ва натижаларни ишлаб чиқаришга, жорий этишга худди шахсий мулкдек қараш.

Япониялик ва Америкалик менежерларни қиёсий ўрганиш натижасида олинган хулосалар шундан иборат бўлдики, япон менежерлари ўз бошқарув фаолиятида ижтимоий психологик жиҳатларга кўпроқ эътибор беришар экан ва жамоа фаолиятини ташкил этиш қобилияти етакчи ўринда турар экан, Америкалик менежерлар эса ходимларда яқка тартибдаги ташаббусни кўпроқ рағбатлантиришар экан.

Маълумки, бошқарувнинг кўп соҳаларида муваффақиятли раҳбарлик фаолиятини таъминловчи шахсий хислатларни аниқлашга доир кўплаб тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, ўтган аернинг 50-йилларида, ҳар қандай соҳада уддабурро раҳбар бўла олишликка тегишли хислатлар мавзуида юздан ортик тадқиқотлар ўтказилди. Натижада, бошқарувни мукамал ижро этувчи ҳамма раҳбарларга хос фазилатлар умумлаштирилганда, атиги 5% хислат кўзга ташланди. Булар қуйидагилардан иборат: ақл-идроқ мураккаб ва мавхум муаммоларни ечиш қобилияти ўртадан баланд, аммо жуда юқори бўлмаслиги шарт.

Ташаббускорлик ўзига ишонч, ўз маҳоратини ва интилишларини юксак баҳолаш, лекин кўп тадқиқотчилар диққат-эътиборидаги асосий хусусиятлардан бири – раҳбар шахсига хос доминантлик (устунлик)ка интилишдир. Айнан шу сифат раҳбарнинг ташаббусни ўз қўлига олишига, гуруҳга етакчилик қилишига ва мураккаб вазиятда масъулиятни ўз бўйнига олишига замин яратади. Шу муносабат билан тадқиқотчи Р.Стогдилл қаламига мансуб «Раҳбар кўлланмаси»да доминантлик бошқарувга зарур сифатлар рўйхатида биринчи ўринга қўйилади. Доминантлик сўзи бир неча маънони англатади. Раҳбарлик мавзусидан келиб чиқилса, ўзгаларга таъсир этиш деган бир жумла мазмунан ҳамма гапга асос бўлади. Юқорида таъкидланган маънодаги «таъсир этиш» ибораси ҳиссиёт туфайли ўзгаларни ўзига жалб эта билиш, ўзаро муносабат натижасида ўзига нисбатан хайрхоҳлик ҳиссини яратишни англатади. Чунки ташкилотнинг илғор фаолияти учун раҳбар ўз зиммасидаги расмий мажбурият ва ваколатлар ўзи етарли эмас. Бошқарув соҳасидаги мутахассислар Г.Кунц ва С.О.Доннелнинг фикрича «агар ходимлар раҳбарият томонидан ўрнатилган тартиб ва қоидаларгагина риоя этиб меҳнат қилганларида, улар ўзларининг 60-65% имкониятларини ишлата олар ва ўз мажбуриятларини бажариб, шунчаки ишдан бўшамасликларига баҳона топар эдилар, холос. Ходимларнинг қобилиятларидан тўла фойдаланиш ниятидаги раҳбар уларда шунга лойиқ ҳис-туйғуни уйғота олиши лозим». Бу ерда гап раҳбарнинг ўз лидерлик қобилиятини намоён этиши, ходимлар орасидаги обрў-эътибори ҳақида бораяпти. Ташкилот доирасидаги норасмий муносабатлар тизимида пешқадам ўринни эгаллаган раҳбаргина ўз ходимлари қобилиятини 100% жамоа ишига жалб эта олиши мумкин.

Юқорида зикр этилган қўлланмада эътироф қилинган шахсий сифатлардан яна бири, раҳбарнинг ўзига ишонч ҳиссидир. Сир эмас, ҳар биримиз раҳбар ўзига ишонган ва ишонмаган ҳолларда нафақат қандай иш тутишини, ҳатто ўзини қандай тутишини ҳам кўрганмиз. Бахтга қарши, ўзига ишончи бўлмаган раҳбар вазият ўзгариши билан, ўз қарорини ўзгартириб туради. Бундай раҳбар қўл остида ишлайдиган ходимлар ўз раҳбари тимсолида суянчиқ кўрмайдилар, ташкилотда ўтказаетган кунлари вақтинчаликдек туюлади. Боз устига, бундай раҳбар ўзгалар билан музокаралар олиб боришга ҳам қодир эмас. Чунки ўз шахсига ва қобилиятига ишонмаган одам ўзгаларда ҳам ишонч уйғота олмайди.

Замонавий раҳбарларга хос фазилатлардан бири – вазминлик ва сабру бардошлиқдир. Раҳбар ҳиссиётини мувозанатлашганлиги, унинг ички дунёсига хос қарама-қарши туйғуларнинг туғенига йўл қўймасликда ва кайфиятдаги сокинликда ифодаланади.

Маълумки, раҳбар одамлар орасида ва уларга хос турли ҳиссиётлар оғушида яшайди. Бинобарин, атрофдагиларнинг салбий ёки ижобий ҳис-туйғулари ўзаро кундалик мулоқотда тез «юқиш» хусусиятига эга. Шунинг учун раҳбар калтис ва зиддиятли вазиятларда нафақат бошқаларнинг ҳиссиёти таъсирига берилмаслик, балки атрофдагиларга ўз мувозанати ва жиловланган ҳис-туйғуси билан таъсир эта олиши керак. Шахснинг бу фазилати бир томондан асаб тизими билан белгиланса, иккинчи томондан орттирилган ҳаётий тажрибага боғлиқдир. Асаб тизимининг мўътадиллиги учун раҳбар ўз соғлиги ҳақида қайғуриши лозим. Меҳнат фаолиятини рационал тарзда ташкил этиш, яъни меҳнатдаги ижобий жиҳатларга кўпроқ эътибор бериш, ноҳуш вазиятларни донолик билан бартараф этиш, кўпроқ яқин дўстлар даврасида бўлиш, жисмоний тарбия ва фойдали машғулотларга ишқибозлик кайфиятида вақтни ўтказиш, ҳар қандай стрессга қарши тура олишни кучайтиради, шунингдек, организмнинг ишчанлик қобилиятини қайта тиклашга хизмат қилади.

Бошқарув фаолиятини самарали бажариш учун раҳбарга зарур фазилатлардан яна бири – муваффақиятга интилишдир. Раҳбар ўз олдига мақсад кўя олиши ва уни бажаришга уриниши лозим. Умуман олганда, инсонга хос интилишни икки тоифага бўлиш мумкин:

- муваффақиятга интилиш;
- мағлубиятдан қочиш.

Бирон-бир қийин ва инқирозли вазият пайдо бўлганда, баъзи бирлар мазкур вазиятни ҳал этиш орқали муваффақиятга эришиш ҳақида ўйласа, бошқа биров эса талофотга учрамаслик ғамида ўзини иложи борича «офат»дан олиб қочади.

Бу бир хил вазиятга икки хил ёндашув бўлиб, унинг эгалари турлича характердаги инсонлардир. Бошқарувни самарали олиб боровчи раҳбар эса айнан биринчи тоифага мансуб бўлгани сабабли, у муаммоларни тез ҳал этади ва янада ўз мақсади сари олдинга интилади. Бундай тоифа кишиси одатда таваккалчиликка ҳам бориши мумкин. Кези келганда у катта мақсадни кичик бўлақларга бўлиб, ҳар бир кичик мақсад ортида турган натижани олдиндан тасаввур этади. Бироқ, бундай омилни ҳамиша амалга ошириш осон эмас. Бинобарин, раҳбар таваккалга бора оладиган ва хавф-хатардан кўрқмайдиган характерга эга бўлиши лозим. Машҳур бизнесмен ва менежер Ли Якокканинг таъкидлашича: «Баъзида таваккал ҳам маъқул, лекин йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиб кетиш лозим».

Мақсадга эришиш иштиёқи билан яшайдиган одам доим ўз фаолият натижалари ҳақида хабардор бўлишни истайди. Меҳнат билан боғлиқ вазият эса фаолиятдан маълумот олиш орқали ўз ҳаёт мазмунини таҳлил этиш имконини беради. Айнан шу тоифага мансуб шахслардан бирининг айтишича: «Мен учун бизнес фақатгина бойиш воситаси эмас, бойлик орттириш мен учун ҳеч қачон мақсадга айланмаган. Бизнес шунинг учун ҳам менга роҳатбахшки, у ҳар кун чексиз муаммоларни ҳал қилиш мақсадида ақл-идрокимни бир нуктага жамлашга ундайди».

Бундай ибора кўпгина тадбиркорларга хос бўлиб, аниқланишича, мақсад йўлида малакаси ёркин бизнесменлар учун пул деган нарса унчалик катта қийматга эга эмасдир.

Самарали бошқарув учун яна бир зарурий хислат – масъуллик ва вазифани ҳал этишга қаратилган ишонч. Иқтисодий ва ижтимоий қалқиш пайтида ўз ҳамкорида ишонч уйғотиш, навбатдаги ишга кафолат бериш ва боз устига, уни уддалаш замонавий раҳбар учун муҳим фазилатдир. Бу жараёнда раҳбарлик тадбиркорлик фаолияти билан уйғунлашиб кетади ва ишонч тушунчаси марказий ўринга кўтарилади.

Раҳбарнинг, нафақат, обрўсини оширадиган, балки қийин вазиятда уни асосий мақсад йўлидан етақлайдиган фазилатлардан

бири – мустақилликдир. Раҳбар ўз қараши, мушоҳада лаёқати ва шахсий нуқтаи назарига эгалликка интилиши лозим. Тўғри, раҳбар ўз ҳамкасбларига, шунингдек, маслаҳатчиларига қулоқ тутиши керак, лекин қарор ва унинг ижроси раҳбар зиммасига юклатилади. Шу боис фикрлаш ва хатти-ҳаракатдаги мустақиллик самарали бошқарувнинг асосий омилларидан биридир. Аммо, мустақиллик қайсарлик кайфиятига айланмаслиги лозим. Бунинг учун раҳбар ҳамиша ўз ташаббусини ташкилот ёки жамоа мақсадлари билан уйғунлаштириб бориши зарур.

Навбатдаги зарурий хислатлардан яна бири мулоқотга мойилликдир. Аниқланишича, раҳбар ўз кундалик фаолиятининг тўртдан уч қисмини турли-туман мулоқотга сарфлайди. Мулоқотнинг бошқарувдаги аҳамиятини кўздан кечирар эканмиз, беихтиёр Ли Якокка эсдаликларига дуч келамиз: «Мен автомобиль соҳасида бир умр ишлаган одамни биламан. У олий маълумотли бўлиб, ўзини бошқариш қобилиятига эга, шунингдек, ажойиб стратег ва ўз компаниясининг йирик мутахассиси эди. Лекин, уни ҳеч қачон ҳеч ким юқори лавозимга тайинламаган, чунки у ўзга билан мулоқотда бўлишни билмас эди».

Шундай қилиб, раҳбар фаолиятидаги самарадорликни амалга оширадиган шахсий хислатлари билан танишиб ўгдик. Сир эмаски, ҳеч бир инсон ушбу рўйхатдаги хислатлар билан бирга туғилмайди. Буларнинг ҳаммаси инсонга ато этилган лаёқат, шунингдек, ижтимоий-тарихий яшаш шароитларининг маҳсулидир. Бундай хислатларнинг раҳбар фаолиятида намоён бўлиши, шахсдан мунтазам тартиб ва ўз устида ишлашни, доимо ўз идрокида намуна яратиш ва унга тақлид этишни талаб қилади.

Самарали раҳбар қиёфаси – юқорида самарали бошқарув фаолиятини амалга ошириш учун зарур шахсий хислатларни келтириб ўтди. Бу хислатларни билиш, раҳбар уларни ўзида шакллантиришга интилиши, сўзсиз, унинг бошқарув маҳоратини янада юқори поғоналарга олиб чиқади ва ташкилотнинг кўзланган мақсадга йўналишини тезлаштиради. Лекин, методология нуқтаи назаридан раҳбар шахси шунчаки хислат йиғиндисидан иборат эмас, айтилиши вақтда мазкур хислатларни мужассамлаштириб, уйғунлаштириб турувчи янада шиддатли кучлар борки, улар иштирокида хислатларнинг маълум комбинациясидан иборат раҳбар қиёфаси мавжуд бўлиши мумкин. Психология фанида ушбу фикр шахс

тузилиши деган ибора орқали ўз мазмунини топган. Ҳозирга келиб психология фанида шахс тузилишини ифодаловчи турлича таърифлар мавжуд бўлиб, уларнинг қиёсий тавсифини келтиришга ҳожат йўқ деб ўйлаймиз. Улардан энг аҳамиятлиси сифатида қуйидаги таҳлилни баён этиш мумкин. Шахсдаги барча психологик хислатлар ва ижтимоий сифатлар қуйидаги тизим шаклида тасаввур этилиши мумкин:



2.1-чизма. Шахснинг ижтимоий-психологик тузилиши.

Тасвирланган пирамиданинг таркибий қисмларини қатламлар деб, қабул қилсак, юқорида турган таркиб ўзидан пастда жойлашган қатламлардан шакл топади. Демак ушбу тизимнинг биринчи поғонасида турган «хатти-ҳаракатлар» деб аталувчи қатлам бирламчи ҳисобланади ва унинг асосида шахснинг янада юксакроқ таркибий сифатлари шакллана бошлайди. Юксак поғонада турувчи тузилмаларнинг сифати ва ифодаланиши пастки ўриндаги қатламлар сифат моҳияти билан боғланган. Шу нуқтаи назардан қараганда, инсонда аввал пастки қатламлар (хатти-ҳаракат ва установкалар) шаклланади, сўнгра улар қадриятларнинг шаклланишига асос бўлади, қадриятлар негизида инсоннинг эътиқоди шаклланади ва эътиқодлар миссияси ифодасида бирлашади. Энди, шу фикрга асосланган ҳолда юқорида тасвирланган пирамиданинг таркибий бўлақлари (катламлари) устида алоҳидда тўхталиб ўтамиз.

Миссия – энг олий мақсад бўлиб, инсон бутун умрини шу мақсадга интилиш учун бағишлайди. Одатда миссия шаклланиши ва инсон томонидан англаниши, унинг етук ёшларига тўғри келади. Миссия инсон ҳаётининг йўналишини ифодалайди. Одатда ҳар бир инсон ҳаётида ўз миссиясига эга ва ҳамма гап уни эрта ёки кеч англанишидадир. Психология фанида катта ўрин эгаллаган

гуманистик йўналиш эътироф этадиган асосий вазифалардан бири – инсонга унинг миссиясини англашда ёрдам беришдан иборатдир. Мавзуимиз мазмунидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, ҳар бир раҳбар ўз фаолиятини қандай миссия орқали ифодаланишини иложи борича эртароқ англаб олиши лозим. Масалан, миссия сифатида ўз халқига хизмат қилиш, ўз Ватанининг раванқ топишида иштирок этиш ёки бутун хатти-ҳаракатини оиласи фаровонлигига бағишлаш каби шарафли бурч бўлиши мумкин. Албатта, бундай иборалар рўйхати чексиз ва улар ҳар бир шахс учун индивидуалдир. Шахс ўз миссиясини нафақат англаши, балки, ташкилот умумий мақсади билан уйғунлаштириши лозим. Миссия ўз шаклига биноан аниқ ва равшан ифодаланиши, шахсдан «ташқарида» жойлашиши, яъни ташқи муҳит объектларида мужас-самлашган бўлиши лозим (масалан, касбий йўналиш, ўзгалар манфаати, хизмат соҳаси ва ҳ.к). Миссия ўз мазмунига кўра шахс эътиқодларидан келиб чиқади.

Эътиқод – инсон беҳад ишонадиган ғоя ва фикрлар бўлиб, уларни ҳатто шубҳа остига олиш шахс учун ноўриндир.

Инсон ташқи оламдаги воқеа-ҳодисаларни таҳлил қиларкан, кўп нарсаларга ўз эътиқоди нуқтаи назаридан қарайди.

Қадриятлар – энг қимматли маънавий бойлик бўлиб, инсон уни ҳақоратланиши ва таҳқирланишидан ҳимоя қилади, сақлайди. Одатда қадриятларнинг умуминсоний, бирон ижтимоий гуруҳ қадриятлари ва шахсий турлари фарқланади. Умуминсоний қадриятлар инсон қаерда яшашидан, бойлигидан, мансабидан ва бошқа хусусиятларидан қатъи назар, доим ардоқланадиган мазмундир, масалан – тинчлик, ҳаёт, озодлик, бирдамлик, масъулият, орият.

Ижтимоий гуруҳ қадриятлари бир гуруҳ инсонлар учун қадрли ва бошқа бир гуруҳ томонидан эътиборсиз маънавий бойлик бўлиб, миллийлик ёшлик ва кексалик, оилавий, сиёсий, ҳудудий ориентирлардан иборат. Шахсий қадриятлар деб, айтилиши шахсга тегишли қадриятларнинг ўзига хос мажмуига айтилади.

Ҳар бир инсоннинг ички дунёсида санаб ўтилган қадриятларнинг ҳамма гуруҳи мавжуд. Юқорида саналган уч гуруҳ қадриятларнинг ўзаро уйғунлашуви шахс ва жамият ўртасидаги мувофиқликни белгилайди. Агар шахсий қадриятлар рўйхатида умуминсоний ва гуруҳий қадриятлар етакчи бўлса, инсоннинг жамиятдаги ўрни ва ҳаёти ниҳоятда енгил ва раванқлидир. Акс

ҳолда, инсон ички дунёсида учрайдиган турли гуруҳ кадриятлари ўртасидаги номувофиқлик шахсда ички туғён ва низони келтириб чиқаради.

Установка – бу ибора психологияда инсон хатти-ҳаракатининг англанимаган дастури сифатида тушунилади. Инсон доимий бажарадиган хатти-ҳаракат даставвал англанилган ҳолда амалга ошади ва у такрорлангани сари беихтиёр, автоматлашган ҳолатга ўтиб боради. Айнан шундай англанилмаган ҳаракат режаси установка деб аталади. Ходимдаги мақбул ҳаракатлар мунтазам такрорланиши натижасида унда мақсадга мувофиқ фаолият установкаси шаклланади. Бинобарин, ходимнинг доимий фаолияти ва хулқини кузатган ҳолда унда қай мазмундаги установкалар устувор эканлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Пирамида шаклида тасвирланган шахс тизимининг асосий психологик мазмуни шундан иборатки, инсон ҳаётининг мазмуни бўлмиш миссия ва эътиқоди, пастки қатламда турувчи кадрият ва установкалар асосида шаклланади. Кадрият эса, ўз навбатида, инсон кадрловчи ориентир сифатида установкаларнинг ривожланиш натижасидир. Қатламлар ўртасидаги бундай боғлиқлик инсон фаолиятига маълум маъно киритади ва ҳатто инсон ички дунёсини бир бутун, яхлит тарзда тушуниш имконини беради. Гап шундаки, комил инсоннинг ҳаётидаги ҳамма қатламлар бир-бири билан уйғунлашган ҳолда намоён бўлади. Демак, унинг қилаётган ишлари кадриятларига мос келади, эътиқодига ва ҳаётидаги асосий мақсади бўлмиш миссиясига қарши чиқмайди.

Раҳбар ўз ходимини синчковлик билан кузатиши орқали, унинг шахсидаги қатламлар ўртасида уйғунлик ёки зиддиятни илғаши мумкин. Раҳбарнинг бундай назарга эга бўлишини яна бир шарт – ходим руҳиятидаги қатламлар зиддиятига ташкилот миқёсида шаклланган муҳит ҳам сабаб бўлади. Демак, ташкилотда шаклланган нормалар носоғлом бўлса, ходим носамимий ҳаракатларга йўл кўяди ва у ўз эътиқоди ва кадриятларига зид чиқиши мумкин.

Юқорида келтирилган шахс тузилишига асосланган ҳолда замонавий раҳбарни тавсифлар эканмиз, унга хос бўлган ижтимоий-сиёсий жиҳатлар ҳақида ҳам гапириб ўтиш лозим бўлади. Айнан шу жиҳатлар инсоннинг миссия ва эътиқод қатламларида мужассамлашган ҳолда самарали раҳбарнинг негизини ташкил этади. Раҳбар

эътиқодининг, етакчи қадриятининг жамиятдаги долзарб ижтимоий-сиёсий вазифалар билан уйғунлашганлиги, унинг фаолияти самарасини белгилайди. Шунинг учун бошқарув лавозимига кадрларни қўйиш ҳамда раҳбар кадрларни баҳолаш жараёнида эътиқод соҳаларини бирламчи деб қабул қилинса ва бу мезонга асосий эътибор қаратилса, ўринли бўлади. Демак, давр талаби билан, раҳбарнинг сиёсий бошқарувга қобилияти долзарб масалага айланади. Албатта, бундай қобилият раҳбарнинг маъмурий-хўжалик мажбуриятдан бир оз четланиш деб ўйланиши мумкин. Лекин, мамлакатимизнинг ҳозирги ривожланиш босқичи, хўжалигимизнинг умумжаҳон иқтисодиёти билан интеграцияси, инвестициялар соҳасидаги ҳамкорлик масаласи замонавий раҳбарни хўжалик муаммолари доирасида чекланиб қолмай, балки атрофдаги воқеаларни кенгроқ идрок этишини талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, замонавий раҳбар нафақат ташкилотни иқтисодий чўққига етакловчи шахс, балки, тарғиб этилаётган давлат сиёсатини меҳнат жамоаси онгига етказувчи фаол ҳамдир.

Юқоридаги матндан кўйидаги фикрлар келиб чиқади: раҳбарларни тайёрлаш ва малакасини ошириш мобайнида иложи бориша шахснинг ўз-ўзини англаши, ўз эътиқоди ва қадриятларини ҳаёти давомида аниқ ифодалаш чоралари ҳақида билим ва кўникмалар шакллантириш лозим. Ахир, айнан, ички поклик, самимийлик ва инсон табиатининг яхлитлиги ўзгага таъсир этишдаги асосий куч сифатида майдонга чиқади. Раҳбарни тайёрлаш, унинг малакасини ошириш билан боғлиқ ҳар қандай тадбир охир-оқибатда раҳбар шахси, унинг бошқарув маҳоратини такомиллаштириш, ўзгаларга таъсир этиш кўламини кучайтириш мақсадини кўяди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Раҳбарнинг фазилати, аввало, унинг одамларга муносабатида, одамларни рози қилиш, уларга ғамхўрлик, меҳрибонлик кўрсата олиш қобилиятида намоён бўлади. Раҳбар киши эл-юртнинг дарду ташвиши билан, шу ташвишларни имкон қадар осон қилиш ва енгиллатишни ўйлаб яшаши, одамларни ҳимоя қилишга доимо тайёр туриши, бир сўз билан айтганда, халқнинг дардини ўз дарди, деб билиши керак.

Ҳар қайси раҳбар қатъиятлилик, талабчанлик, керак бўлса, қаттиққўллик хусусиятларига эга бўлиши лозим. Ҳаёт олдимизга кўяётган кўпдан-кўп муаммоларни вақтида ечиш ҳақида муттасил

қайғуриш, бу йўлда кечани кеча, кундузни кундуз демай, ўз ҳаловатидан воз кечиб, бошлаган ишини охирига етказмагунича тиним билмаслик – бу ҳам ҳар қандай раҳбарга қўйиладиган ҳаққоний талаб, десак асло хато бўлмайди»⁵⁵.

Мутафаккир аждодларимиз таълимотларида, халқ ижодиётида адолатли ва адолатсиз шоҳ тўғрисидаги маълумотлар ҳаддан зиёд кўп. Абу Райҳон Беруний, ал-Фаробий қўлèзмаларида раҳбар (юксак лавозим эгаллаганлар назарда тутилади) инсонларнинг шахсий фазилатлари, уларнинг олдида турадиган мураккаб, масъулиятли вазифалар, айрим иллатларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш йўл-йўриқлари бўйича ибратли фикрлар билдирилган. Айниқса, раҳбарнинг фаҳм-фаросати, донишмандлиги, халқпарварлиги, инсоф диёнатлилиги, саҳоватпешалиги амалий намуналар асосида таъкидлаб ўтилган.

Раҳбарларда ижтимоий тренинглар ёрдамида шахсий-касбий сифатлари шакллантирилади, ишбилармонлик ўйинлари, психодрама, фикрлар жанги орқали иллатлар, нуқсонлар бартараф қилинади. Уларга махсус гаъсир ўтказиш туфайли жисмоний, асабий, ҳиссий, ақлий зўриқишлар камайтиради.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Ички ишлар органлари раҳбарларининг бошқарув фаолиятидаги муҳим шахсий-касбий сифатларини тушунтириб беринг.

2. Ички ишлар органлари бошқарувида раҳбар шахсига қўйиладиган ижтимоий-психологик талаблар нималардан иборат?

3. Раҳбарлик фаолиятининг диагностик хусусиятлари деганда нимани тушунасиз?

4. Раҳбар шахсидаги бошқарув маданиятини изоҳлаб беринг.

5. Ички ишлар органлари бошқарувида раҳбарнинг билиш сифатлари, ҳиссий-иродавий ҳолатлари ҳақида айтиб беринг.

6. Ички ишлар органлари бошқарувида раҳбар психологиясининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?

7. Самарали раҳбарликка оид шахсий хислатлар ҳақида тушунчангизни айтиб беринг.

⁵⁵ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т., 2000. – Б.134-138.

24-мавзу. ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ЖАМОАСИНИ БОШҚАРИШДА ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ

1-§. Бошқарув қарорлари қабул қилишга доир қарашлар ва уларнинг психологик талқини

Ички ишлар органлари жамоларида ҳар қандай даража ва ҳар қандай кўламдаги фаолиятни амалга ошириш бошқарув қарорлари қабул қилишдан бошланади. Шу боис, бошқарув қарорлари касбий фаолиятнинг марказий элементи саналади. Бошқарув қарорлари раҳбар томонидан қабул қилинади ҳамда аниқ натижага эришишга қаратилган тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган бўлади.

Бошқарув фаолиятининг охириги натижаси қарор қабул қилиш бўлиб, уни ишлаб чиқишни шундай тушуниш зарурки, унда раҳбар фаолиятининг мазмуни ва унинг қўл остидаги ходимларни мақсад сари йўналтирилган ҳаракат жараёни ўз аксини топади.

Халқимизда «Етти ўлчаб бир кес», деган мақол бор. Ҳар қандай бошқарув қарорини қабул қилишда халқнинг миллий-тарихий турмуши ва тафаккур тарзини, халқ анъаналари ва урф-одатларини ҳисобга олиш зарур.

Амир Темур ҳаётининг сўнгги йилларида ёзган эсдалик ва тузуклари жамланган «Темур тузуклари» асарида алоҳида фасл айнан қарорлар қабул қилиш масаласига бағишланиб, ушбу фасл «Салтанатни ўз эркимда сақлаш учун амал қилган тузугим» деб номланади. Яъни қарорлар қабул қилиш, унинг ижросини таъминлаш Амир Темур томонидан ҳокимиятни амалга ошириш билан бевосита боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади. «Бутун мамлакатда, – дейилади унда, буйруқ, фармон бериш ишлари подшоҳнинг ўз ихтиёрида бўлиши лозим. Подшоҳлар ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин.... Подшоҳ ўз қарорида қатъий бўлсин, яъни ҳар қандай ишни қилишга ўзига қасд қилар экан, то битирмагунича ундан қўл тортмасин.... Подшоҳ ҳукми жорий этилиши даркор, яъни қандай ҳукм чиқаришидан қатъи назар, амалга оширилиши керак....»⁵⁶.

⁵⁶ Темур тузуклари // Форсчадан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов таржимаси. – Т., 1991. – Б.68.

Буюк Соҳибқироннинг ақл-заковати ва донишмандлиги маҳсули бўлган «Тузуқлар»да кудратли давлатни бошқаришнинг барча асосий тамойиллари, йўл-йўриқлари ҳар жиҳатдан тўла асослаб берилган.

«Қарорлар қабул қилиш» атамаси илк бор XX асрнинг 30-йилларида америкалик олимлар Ч.Бернард, Э.Стин ва бошқалар томонидан қўлланилган. Улар ижтимоий ва ташкилий жараёнларни номарказлаштиришни таърифлашда ушбу атамадан фойдаланишган. XX асрнинг 60-йилларида мазкур назария Г.Саймон ва Д.Марчлар томонидан ривожлантирилди. Ҳозирги кунда иқтисод, социология, сиёсатшунослик, ижтимоий жараёнларни моделлаштириш назарияси доирасида ушбу назариянинг турли йўналишлари ишлаб чиқилмоқда.

Бошқарув қарорлари қабул қилиш масаласи, оқилона ва самарали қонунлар қабул қилиш ҳамда бошқа ҳужжатлар тайёрлаш жараёни азал-азалдан олимлар эътиборини ўзига тортиб келган. Давлат бошқаруви назариясининг шаклланишига Афлотун, Каутилья, Шан Ян каби қадимги мутафаккирлар улкан ҳисса қўшганлар. Лекин, аслида, илк бор қарорлар қабул қилишнинг махсус назариясини ишлаб чиққан мутафаккир – Арасту. Айнан Арасту қарорлар қабул қилиш жараёнини тавсифловчи категориялар мажмуини ифодалаб берган ва бу жараённинг назарий асосини ишлаб чиққан.

Қарорлар қабул қилиш назариясига тўхталишдан аввал «Қарор» тушунчасига, хусусан, «бошқарув қарори» тушунчасига изоҳ бериш мақсадга мувофиқ. Умуман олганда, қарор қабул қилиш деб, инсон фаолиятининг муқобил йўллардан яхшисини танлашга қаратилган алоҳида турини тушунамиз.

Қарор – бажарилиши лозим бўлган ишнинг аниқ бир йўлини танлаб олишдир. Бошқача айтганда, қарор – у ёки бу йўлни танлаб олишда бир тўхтамга ёки фикрга келиши.

«Қарор, – деб ёзади Э.Смирнов, – инсоннинг ақлий фаолияти маҳсули бўлиб, у ёки бу хатти-ҳаракатни амалга оширишга олиб келадиган хулоса. Қарор муайян мақсадга қаратилган бўлиб, бирор қисқа ёки узок муддатли вазифани амалга оширишга, содир бўлаётган жараённи давом эттиришга ёхуд тўхтатишга йўналтирилган бўлиши мумкин». Демак, *қарор* – инсон ақлий

фаолиятининг маҳсули бўлиб, унинг фаолиятини режалаштиради, тартибга солади.

Қарор қабул қилиш – мураккаб фикрлаш жараёни бўлиб, муаммони англаш, адекват мақсадни қўйиш ва унга эришиш учун восита танлаш.

Қарор қабул қилиш деб, биз инсон фаолиятининг муқобил йўллардан бири – яхшисини танлашга қаратилган алоҳида турини тушунамиз. Ушбу ёндашув танлаб олиш жараёнида қуйидаги учта элемент мавжуд бўлишини тақозо этади:

- ҳал бўлиши лозим бўлган муаммо;
- қарор қабул қиладиган шахс ёки жамоа;
- танлаш учун бир неча муқобил вариантлар.

Ушбу элементлардан бири бўлмаса, танлаш жараёни ҳам бўлмайди. Лекин бу, қарор қабул қилинмайди, дегани эмас, балки бунда онгли қарорга нисбатан бошқача турдаги қарор қабул қилинади.

Бошқарув қарорлари эса бошқарув жараёнида турли масалалар юзасидан турли даражада хилма-хил моҳият ва мазмунга эга бўлган якуний хулосадир. Яъни бошқарув қарорлари – раҳбар томонидан қабул қилинган, аниқ натижага эришиш мақсадида белгиланган тадбирларни амалга оширишга йўналтирилган ҳамда бажарилиши мажбурий бўлган ҳуқуқий ҳужжат. Бошқарув қарорлари *қарор, фармон, фармойиш, буйруқ* ва бошқа ҳужжатлар кўринишида бўлиши мумкин.

Психология фанида қарор қабул қилиш «ноаниқ вазиятларда дастлабки ахборотларни ўзгартириш асосида мақсад сари олиб боровчи хатти-ҳаракатлар изчиллигини шакллантиришнинг продавий ҳодиса»дир.

Бошқарув қарорларини қабул қилишнинг қуйидаги ўзига хос жиҳатлари мавжуд:

Ташкилий жиҳат бошқарув қарорларини жамоада ишлаб чиқиш ва ижро этишда намоён бўлади. Шунинг учун унинг йўналтирувчи, мувофиқлаштирувчи ва рағбатлантирувчи функциялари, яъни бу тушунчанинг кўп томонламалигидан гувоҳлик берувчи функциялари амалга оширилади.

Йўналтирувчи функцияси жамоанинг узоқ муддатли ривожланиш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинади, кўп топшириқларда конкретлаштирилади.

Қарорнинг мувофиқлаштирувчи вазифаси муддатнинг тасдиқланиши унга мос қарорни амалга ошириш учун ижровий ҳаракатга заруриятини ифода этади.

Қарорнинг рағбарлантирувчи функцияси ташкилий чоралар тизими (буйруқ, қарор, мажбурият), иқтисодий омил, (тақдирлаш, қўшимча рағбатлантириш), ижтимоий қиймат (иш фаоллигининг рухий-сиёсий омиллари: шахснинг ўзини тасдиқлаши, ижодий амалга ошириш) орқали амалга оширилади.

Бошқарув қарорлари, шунингдек, жамоада юзага келган низоли вазиятларни ҳал қилиш воситаси ҳамдир. Жамоада ходимларнинг ўзаро муносабатларида низо ва ихтилофлар муқаррар равишда юз беради. Одатда, низолар биргина қарор билан ҳал қилинмай, бир қатор бошқарув қарорлари қабул қилинишини талаб қилади.

Бошқарув қарорларининг таснифи. Бошқарув жараёнида турли масалалар юзасидан турли даража, моҳият ва мазмунга эга бўлган қарорлар қабул қилинади. Уларни бир неча белгилар бўйича гуруҳларга бўлиш мумкин.

1. Амал қилиш даврига кўра:

- стратегик қарорлар;
- тактик қарорлар.

Стратегик қарор мақсадга эришишда муҳим аҳамиятга эга. У юқори бошқарув органлари томонидан туб ва истиқболли дастурлар ишлаб чиқиш мақсадида қабул қилинади.

Тактик қарорлар – мақсадга эришишнинг восита ва усуллари хусусидаги жорий, тезкор қарорлар.

2. Таъсир доирасига кўра:

- умумий қарорлар;
- махсус қарорлар.

Умумий қарорлар бир хил муаммога дахлдор бўлиб, барча бўғинлар учун бирдек амал қилади. Масалан, ички ишлар органлари жамоасида ўрнатилган кун тартиби ва бошқалар.

Махсус қарорлар тор доирадаги муаммоларга тааллуқли бўлиб, жамоанинг муайян бир бўлими ёки бир гуруҳ ходимлар учун қабул қилинади.

3. Мазмуни ва амал қилиш хусусиятига кўра:

- ижтимоий-иқтисодий ва техник қарорлар;
- стереотип қарорлар;

– ташаббусли қарорлар. *Ижтимоий-иқтисодий* ва *техник қарорлар* мазмуни ўз номидан ҳам билиниб турибди.

Стереотип қарорлар қатъий йўриқномалар, меъёрий ҳужжатлар доирасида қабул қилинади. Бундай қарорлар кундалик масалалар бўйича қабул қилинади, лекин ўзгаришлар, асосан, муайян муддатга, айрим сифат параметрларига, ижрочиларга тааллуқли бўлади. Раҳбар стереотип қарорларни, одатда, ортиқча тайёргарликсиз қабул қилади. Ходимларни ишга олиш ва ишдан бўшатиш бўйича буйруқларни шундай қарорлар жумласига киритиш мумкин.

Ташаббусли қарорлар тавсифига кўра новаторлик, мазмунига кўра эса истиқболни назарда тўтадиган қарорлардир. Бундай қарорлар вазиятни синчковлик билан батафсил ўрганишни, махсус кузатув материалларига асосланишни, махсус ҳисоб-китобларнинг амалга оширилишини талаб қилади.

Ташаббусли қарорлар эркин ҳаракатга асосланиб қабул қилинади.

4. Такрорланиши ёки янгилик даражасига кўра:

- анъанавий қарорлар;
- тавсияли қарорлар.

Анъанавий қарорлар – одатий вазиятларда қабул қилинадиган қарорлардир. Уларнинг амал қилиш доираси олдиндан маълум.

Тавсияли қарорлар моҳиятига кўра ташаббусли қарорларга яқин бўлиб, уларда жамоа фаолиятини яхшилаш бўйича тавсиялар ўз аксини топади.

5. Ахборот билан таъминланганлик даражасига кўра:

- аниқ қарорлар;
- ноаниқ қарорлар.

Аниқ қарорлар тўла-тўқис ахборот мавжуд бўлган ҳолдагина қабул қилинади. Шу сабабли, бундай қарорларнинг амалга оширилиш эҳтимоли юқори бўлади.

Ноаниқ қарорлар – таваккал билан, яъни тўла бўлмаган ахборотга асосланиб қабул қилинадиган қарорлар. Бошқача айтганда, бундай қарорлар кутилган натижага баҳо бериш имконияти бўлмаган ҳолларда таваккал қилиб, қабул қилинадиган қарорлардир.

6. Амал қилиш хусусиятига кўра:

- вақтинчалик қарорлар;

- тезкор (оператив) қарорлар;
- мунтазам қарорлар;
- вақти-вақти билан қабул қилинадиган қарорлар.

Вақтинчалик қарорнинг амал қилиш муддати маълум вақт билан чекланади ёки доимий қарор қабул қилингунча амал қилади.

Тезкор (оператив) қарор кечиктирмай ижро этиш учун чиқарилади. Масалан, табиий офат содир бўлган ҳолларда уни бартараф қилиш бўйича қабул қилинган қарорлар.

Мунтазам қарорлар белгиланган муддатларда чиқарилади.

Вақти-вақти билан қабул қилинадиган қарорлар ҳар замонда бирор сабабга кўра қабул қилинади.

7. Қарорни қабул қилиш шаклига кўра:

- яккабошчилик принципи асосида қабул қилинган қарорлар;
- коллегиялик (кўпчилик фикри) асосида қабул қилинган қарорлар;
- якдиллик принципи асосида қабул қилинган қарорлар;
- консенсус принципи асосида қабул қилинган қарорлар;
- «Ринги» усули асосида қабул қилинган қарорлар.

Яккабошчилик асосидаги қарорлар кўп ҳолларда асосли танқидга учрайди. Сабаби, раҳбар яккабошчиликка асосланган қарорни аксарият ҳолларда ўзини кўрсатиш мақсадида қабул қилади. Бундай раҳбар фа-олиятининг 80-90 фоизи буйруқбозликка асосланган бўлади. Бу жамоада кескинлик юзага келишига сабаб бўлади. Бошқарув қарорлари жамоа фикрига таянган ҳолда қабул қилинмас экан, бошқарувчилар билан бўйсунувчилар ўртасидаги муносабатларнинг кескинлашуви, ўзаро ишончнинг йўқолиши, низоларнинг келиб чиқиши муқаррар.

Коллегиаллик (кўпчилик) тамойили «коалициялар», яъни ҳар хил фикрлар рақобат қиладиган ҳолларда амал қилади Шу сабабли қарор қабул қилишда овоз бериш йўлига ўтилади. Бундай ҳолларда қабул қилиш учун кўпчиликнинг овозига таянилади. Кўпчилик ҳолларда ярмидан кўп овоз, гоҳида принципал масалалар юзасидан меъёр 2/3 деб тасдиқланади.

Якдиллик тамойили моҳиятига кўра илгари сурилаётган муқобил фикрни сўзсиз қўллаб-қувватлашдан иборат. Бундай ҳолат жуда кам учрайдиган ҳодисадир, чунки қарорлар қабул қилишда қатнашадиган кишилар демократик услубда фикрлаш тарафдорлари

бўлсада, одатда, бошқаларникидан фарқ қиладиган ўз фикрига эга бўлади.

Якдиллик фавқулодда рўй берадиган вазиятларда қарор қабул қилишда, шунингдек, қаршилик кўрсатувчи гуруҳларда «коалициялар» бўлмаган ҳолларда юзага келади.

Консенсус қарорлар ишлаб чиқиш жараёнида баҳсли масалалар ва турли-туман фикрлар юзасидан бир битимга келишиш. Консенсусга ўзаро фикр алмашиш ва маслаҳат, шунингдек, илгари сурилаётган муқобил масалаларни мақсадга мувофиқлаштиришнинг ҳар хил усуллари қўллаш ёрдамида эришилади.

«*Ринги*» *усули* япон бизнесида кенг қўлланиладиган усул. Бу усулга кўра мажлисда эмас, балки сўраб чиқиш йўли билан розилик олиш воситасида ҳал этилади. Японияда «Ринги» усулини эҳтиёткорлик, авайлаш, жамоа масъулиятини олдинга сурувчи бошқарув фалсафасининг кўринишларидан бири деб ҳисоблаш одат тусига кирган. Япон раҳбарлари томонидан қўлланиладиган яна бир усул «*Кингисё*» ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Бу усулнинг фарқи шундаки, бунда қарорнинг тайёр лойиҳаси раҳбар томонидан тузилган рўйхат бўйича мутахассисларга берилади ва уларнинг эътирозлари ёзма равишда қабул қилинади. Сўнг мажлис ўтказилади, мажлисга фақат аниқ фикрга эга бўлган мутахассислар тақлиф этилади.

Бу иккала қарор турини эксперт-мутахассисларга таянган ҳолда қабул қилинган қарорлар деб айтиш мумкин.

8. Қарор шахс томонидан қабул қилинар экан, унда бу шахс фазилатлари муайян даражада акс этади. Шу нуқтаи назардан қуйидаги кўринишдаги қарорлар мавжудлиги эътироф этилади:

- мувозанатлашган қарорлар;
- туртки берувчи (импульсли) қарорлар;
- тинч ҳолатни сақловчи (инертли) қарорлар;
- таваккалли қарорлар;
- эҳтиёткорона қарорлар;
- оқилона қарорлар.

Мувозанатлашган қарорларни, одатда, мазкур муаммони чуқур билган, «етти ўлчаб, бир кес» қабилида иш тўтадиган, ўз хатти-ҳаракатларига таиқидий ёндашадиган раҳбарлар қабул қилади. Бундай бошқарувчилар қарор қабул қилишдан олдинроқ у ҳақда ўз қатъий фикрига эга бўлади. Қарор қабул қилишга бундай ёндашув бошқаларга нисбатан самарали ҳисобланади.

Туртки берувчи (импульсли) қарорларни қабул қилувчи раҳбар турли фикр, ғояларни тезда ўйлаб топадиган, аммо уларни аниқлаш, баҳолаш, текширишга имконият топа олмайдиган раҳбардир. Шу сабабли бундай қарорлар бирданига қабул қилиниб, етарли даражада асосланмаган ва ишончсизроқ бўлади.

Тинч ҳолатни сақловчи (инертли) қарорлар чуқур изланишлар натижасида қабул қилинади. Бунда қарор тезкор ғоянинг пайдо бўлишидан кўра кўпроқ аниқлик киритиш, назорат қилиш асосида қабул қилинади. Бундай қарор қабул қилишда раҳбар ҳар бир фикрни, шунингдек, фаразни (гипотезани) синчиклаб кўриб чиқади, ўзининг ҳар бир қадамини бир неча мартаба текшириб чиқади. Натижада, қарор қабул қилиш жараёни чўзилиб кетиши мумкин.

Таваккалли қарорларнинг импульсли қарорлардан фарқи шундаки, уни қабул қилувчи бошқарувчилар ўз тахминларини асослашга уринмайдилар. Улар ўзларига ишонган ҳолда ҳеч қандай хавфдан қўрқмайдилар.

Эҳтиёткорона қарорлар ўз ишига ниҳоятда пухта ёндашадиган, унга танқидий нуқтаи назардан қарайдиган, турли вариантларни баҳолаб иш тўтадиган раҳбарлар томонидан қабул қилинади. Қайд қилинган қарорлар, одатда, тезкор бошқарувни амалга ошириш мақсадида қабул қилинади.

Стратегик ва тактик бошқарув мақсадида эса иқтисодий таҳлилга, оптималлаштиришга асосланган **оқилона қарорлар** қабул қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, бошқарув қарорлари қабул қилишда шахс фазилатларини ҳисобга олиш унинг қандай самара бериши мумкинлигини англашга ёрдам беради. Шунингдек, раҳбар фаолиятида муайян фазилатлар (собитқадамлик, интизомлилик, софдиллик, масъулиятлилик, қатъиятлилик)нинг намоён бўлиши оқилона қарорлар қабул қилиш имкониятини беради.

2-§. Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг асосий босқичлари

Қарор қабул қилувчи раҳбар ходим ўз ҳаракатларидаги субъективлик даражасини пасайтириш учун қарорлар қабул қилишнинг қуйидаги алгоритминини пухта бажариши шарт:

– *бошқарув қарорлари объектини аниқлаштириш;*

- қондирилмаган манфаатлар;
- қабул қилинаётган қарорнинг пировард мақсади;
- мақсадни амалга ошириш воситалари;
- ҳал қилинадиган асосий муаммо;
- муқобилларни танлаш.

Бошқарув қарорлари объектини аниқлаштириш – бунда жамоада ходимларнинг қайси бири ўзгаришлар бўлишини истайди, улардан қай бири қарор қабул қилиши зарур, деган саволларга жавоб берилади. Шунингдек, бунда ходимларнинг қарор қабул қилинишидан билвосита манфаатдорлар ҳамда манфаатига зарар етказиладиганлар ҳам эътиборга олинади. Шундай қилиб, ходимларнинг қайси бири қабул қилинаётган қарорни маъқуллаши ва қайси бири унга қарши бўлишини аниқ билади.

Қондирилмаган манфаатлар – бошқарув қарорларининг ижрочилари қабул қилинаётган қарордан нима кутаётгани, нима истагини аниқлашга эътибор қаратиши лозим. Ваколатга эга раҳбар қабул қилинажак қарорнинг табиати, мазмуни, қатъийлигини, жамоа ходимлари манфаатларининг қондирилиш даражаси, демакки, қарор қабул қилиш заруратини келтириб чиқарган муаммонинг ҳал қилинганлик даражасини аниқлайди.

Қабул қилинаётган қарорнинг пировард мақсади – ҳар қандай ҳаракат мақсадга мувофиқ бўлиши зарур. Бироқ ҳар доим ҳам пировард мақсад қарорда ўз ифодасини топмайди. Замонавий раҳбар бўлажак қарор-нинг мақсадини кўп омилларни инобатга олган ҳолда шакллантириши зарур. Объектга таъсир кўрсатиш даражасига кўра мақсад стратегик, тактик ва тезкор (оператив) бўлиши мумкин. Ҳаракат вақтига кўра, мақсад узоқ муддатли, ўрта муддатли ва қисқа муддатли бўлиши ўз камровига кўра, қондири-лажак манфаатларнинг устуворлигига кўра, ходимлар учун мажбурийлик даражасига кўра фарқ қилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам малакали раҳбар қарор қабул қилаётган вақтида ўз олдига аниқ ва албатта эришиш мумкин бўлган мақсадни қўйиши зарур.

Мақсадни амалга ошириш воситалари – бошқарув кадрлари ўз мақсадини амалга ошириш воситаларини аниқлашда мураккаб муаммолар билан тўқнашади. Бундай воситаларни белгилашнинг асосий тамойилларини танлаш масаласи шулар жумласидан. Воситаларни излашда, аввало, икки машҳур қоидадан бирини танлашга тўғри келади: «Мақсад воситаларни оқлайди» ёки

«Адолатсиз воситалар орқали эришилган мақсад адолатли мақсад бўла олмайди». Кейинги вазифа – ўз мақсади ва уни амалга ошириш воситаларини қўл остидаги ходимларнинг мақсад ва воситалари билан мувофиқлаштиришдан иборат.

Ҳал қилинадиган асосий муаммо – бунда раҳбар барча ҳаракатларини ўз олдида турган муаммонинг асосий объектив зиддиятини бартараф қилишга йўналтиради. Таъкидлаш жоизки, қарор қабул қилувчи шахс нафақат раҳбар, балки у инсон ҳамдир. Шунинг учун асосий муаммони ҳал этишда қуйидаги субъектив муаммо – учлик билан тўқнашади, яъни «Истайман, лекин қўлимдан келмайди», «Қўлимдан келади, лекин иста-майман», «Ҳам истамайман, ҳам қўлимдан келмайди». Малакали раҳбар мазкур муаммо билан тўқнашганида улардан қай бирининг устувор бўлиши ҳар доим ҳам маълум бўлмайди.

Муқобилларни танлаш – ҳар қандай мақсадга эришишнинг кўплаб йўллари мавжуд бўлади. Қарор қабул қилувчининг асосий вазифаси шундан иборатки, у мазкур қарорни амалга оширишнинг иложи борица кўпроқ йўллари кўриб чиқиши лозим. Чунки айнан шу омил раҳбарга қарорнинг энг тўғри, самарали ва мақбул вариантини тўғри танлаш имконини беради. Ҳар бир вариант ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятларга эга эканлиги боис, барча муқобилларни моҳирона қиёслаб кўриш зарурати туғилади. Фақат шундагина қарорнинг энг мақбул вариантини танлаш мумкин бўлади. Шу ўринда «энг мақбул» атамаси қўшимча изоҳга муҳтож, қарор ким учун энг мақбул, деган табиий савол туғилади. Қарор қабул қилаётган киши учун мақбулми? Бундан энг кўп манфаатдор бўлган жамоа (ходимлар) учун мақбулми? Муҳими, қарор жамият учун энг мақбул бўлмоғи лозим. Ана шундай танловни амалга оширганида раҳбар ижтимоий масъулиятнинг энг юксак даражасини намоён қилади.

Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг асосий босқичлари:

1. *Устувор муаммоларни аниқлаш ва кундалик «кун тартиби»ни шакллантириш* – ушбу бошланғич босқичда бошқарув қарорлари қабул қилиш учун зарур бўлган дастлабки ахборотлар йиғилади, асосий маълумотлар танланади ва таҳлил этилади. Алоҳида ходимлар, хизмат жамоасининг манфаатлари, эҳтиёжлари ва талаблари ўрганилади, ўз ечимини кутаётган устувор муаммолар

танлаб олинади, шу муаммоларни ҳал этиш мумкин бўлган «кун тартиби» тузилади.

2. *Муаммоларни ҳал этишнинг муқобил вариантларини ишлаб чиқиш ва кўриб чиқиш* – бошқарув қарорларининг турли вариантларини ишлаб чиқиш уларнинг ичидан энг мақбулини танлаб олишга бўлган объектив эҳтиёждан келиб чиқади.

3. *Узил-кесил танлаб олиш, қарорни шакллантириш ва легитимлаштириш* – Бу жараён ўз моҳиятига кўра, қарорлар қабул қилишда асосий босқич бўлиб, у демократик усулларда овоз бериш усули ёки ўзаро келишув асосида амалга оширилади. Бу босқичда қарорларни бажариш билан боғлиқ бўлган ходимлар томонидан уни бажаришлари учун мажбурият пайдо бўлади.

4. *Қабул қилинган қарорни амалга ошириш ва амалиётда қўллаш* – бу босқичда бошқарув қарорлари амалий жиҳатдан ҳаётга татбиқ этилади. Жамоанинг олдига қўйган мақсадидан келиб чиқиб қабул қилинган стратегик қарорлар ижросини таъминлаш усулларидан (мажбурлаш ва ишонтириш йўллари билан), шунингдек, алоҳида социотехник воситалардан (манипуляция ёки маневр қилиш ва ҳоказо) фойдаланади.

5. *Қарорни амалга ошириш жараёнини назорат қилиш ва унинг натижасига нисбатан рўй берадиган «тесқари алоқа»* – бу қарор қабул қилишнинг яқунловчи босқичидир. Қарорни амалга ошириш жараёнини назорат қилиш ва унинг натижаларига нисбатан «тесқари алоқа»ларга аҳамият бермаслик натижасида қарорлар нотўғри талқин этилиши ёки улар бажарилмаслиги, шунингдек, қарорлар мазмунига тесқари бўлган нати-жаларга олиб келиши мумкин.

Бошқарув қарорлари қабул қилиш ва уни амалиётга қўллашда қуйидаги **ташқи омилларни** эътиборга олиш зарур: 1) қарорлар қабул қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқ бўлган жамиятнинг ривожланиш қонуниятлари; 2) қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотларнинг ҳажми ва қиммати; 3) қисқа вақт ичида қарорлар қабул қилишнинг салбий оқибати; 4) қарорлар қабул қилишнинг қандай усул ва услубиёт асосида шаклланганлиги; 5) қарорлар қабул қилувчи жамоанинг юқори органлардан қай даражада мустақил фаолият юрита олиш қобилияти.

Бошқарув қарорлари қабул қилиш ва уни амалиётга қўллашда қуйидаги **ички омилларни** эътиборга олиш зарур: 1) жамоадаги

руҳий муҳит, раҳбарнинг обрўси ва мавқеи; 2) раҳбарнинг илмий салоҳияти, унинг раҳбарлик тажрибаси ва маҳорати; 3) қарорларнинг ташқи экспертлар талабига мувофиқлиги; 4) жамоа аъзолари ижро интизомининг даражаси; 5) қарорлар лойиҳаси ишлаб чиқиш жараёнига салоҳиятли мутахассисларнинг жалб этилиши; 6) қарорларнинг муаммолар ечимига қаратилганлиги ва уларнинг жамоа манфаатларга уйғунлиги; 7) қарорлар қабул қилинаётган жамоада адолат қадриятлари талаблари асосидаги фаолиятнинг ташкил этилганлиги, раҳбарият томонидан кадрларга нисбатан муносабатларнинг тенглик тамойили асосида ўрнатилганлиги.

Самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш: биринчидан, вазият ва қарор қабул қилувчи субъект-ларнинг ўзига хос хусусиятларини билиш; **иккинчидан,** қарор қабул қилиш тартибини ишлаб чиқиш; **учинчидан,** қарорлар қабул қилиш жараёнини ташкилий мазмунга эга аниқ усуллар, услублар, тартиблар, технологияларнинг йиғиндиси сифатида тушуниш; **тўртинчидан,** қарорни идрок этиш; **бешинчидан,** қабул қилинаётган қарорнинг эҳтимол тутилган натижаларини олдиндан кўра билишга боғлиқ.

Сабаблар ҳар хил бўлиши мумкин, лекин хулоса битта – вазиятни ўзгартириш учун қарор қабул қилиш зарур. Бошқарув субъекти қуйидаги саволларга жавоб топиш асносида қарор қабул қилиш схемасини тузиши даркор:

1. Қарорни ким қабул қилади?
2. У қандай мазмунда бўлади?
3. Қарор қачон қабул қилиниши керак?
4. Қарорни қандай қабул қилиш керак?
5. Қарорни қай даража ва қаерда қабул қилиш керак?
6. Вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари қандай?
7. Мазкур қарор қайси тоифага киради?

8. Қарор нима учун қабул қилиниши керак? Қўйилган саволларга эътибор билан ҳолисона жавоб бериш қабул қилинаётган бошқарув қарорининг сифатли бўлишини таъминлайди.

Самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш раҳбарнинг компетентлиги ва ушбу фаолиятни юксак тарзда ижро этиш маҳорати – профессионализми билан боғлиқ. Бинобарин, бошқарув профессионализми қарор қабул қилиш ва унинг ижросини таъминловчи асосий омилдир.

Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов: «Бугунги кунда ҳукумат олдида турган вазифаларнинг тўлақонли бажарилиши учун, менинг фикрим бўйича, авваламбор, иккита нарсани талаб қилиш керак.

Биринчи талаб – ҳар бир мутасадди раҳбарнинг ў ишига бўлган масъулиятини тубдан ўзгартириш, шахсий жавобгарликни ошириш. Бизда баъзи вазирлар борки, йил давомида бирон нарсани сўрамасангиз, ўзича ҳеч қандай таклиф ва ташаббус билан чиқмайди. Уларнинг хаёлида бир гап: ҳеч ким менга тегмаса бас, тинчгина куним ўтса бўлди. Бу энг номаъқул, керак бўлса, энг зарарли ёндашувдир.

Иккинчи масала – ҳукумат аъзоси сифатида сизларга катта ишонч, катта вазифа юклатилган. Лекин шу ишонч, шу вазифага муносиб бўлиш учун ҳар қайсингиз тегишли билим ва тажриба, юқори малакага эга бўлишингиз шарт. Рус тилида буни «компетентность» дейди. Яъни, ўз соҳасида компетентли бўлиш – бу замон талаби. Ўзбекча айтганда, ўз ишининг устаси бўлиш, ўз соҳасининг сирларини ҳар томонлама чуқур билиш керак.

Биз ҳар бир раҳбарнинг фаолиятига мана шу иккита талабга қай даражада жавоб беришига қараб, баҳо берамиз ва хулоса чиқарамиз. Мен бу икки талабдан биринчисига, яъни, масъулият масаласига кўпроқ эътибор бераман. Майли, раҳбарнинг билими етишмасин, уни ўрганса бўлади. Лекин у масъулият ва жавобгарликни унутса, ишда ҳеч қандай силжиш ва ўзгариш бўлмайди».

Шуни доимо ёдда тутинг: бевақт қабул қилинган қарор самарасиз бўлиши, ҳатто зиён келтириши ҳам мумкин.

Яхши қарор қабул қилишда бир неча психологик тавсифга эга бўлган тўсиқлар пайдо бўлиши мумкин. И.П.Чередниченко ва Н.В.Тельных қуйидагиларни кўрсатиб ўтади:

Биринчиси – шошқалоқлик. У кўпинча вақт етишмовчилигидан келиб чиқади ва нотўғри қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлади. Бунда ахборот кераклича таҳлил қилинмайди, муҳим маълумотлар назардан четда қолиши эҳтимоли бўлади. Шошқалоқликда мавжуд йўлларнинг кўпи ўрганиб чиқилмайди, баъзилари эса ҳисобга олинмайди. Бундай вазиятда биринчи тўғри деб топилган қарор қабул қилинади, аммо бу қарор тўғри бўлиб чиқмаслиги мумкин. Тадқиқотчилар вақт тиғизлигида қарор қабул қилмасликни тавсия этадилар.

Иккинчиси – ҳаяжонланиш. Қаттиқ ҳаяжон таъсирида ҳам нотўғри қарор қабул қилиш мумкин. Қаттиқ ҳаяжонланиш негатив ва позитив эмоцияларда намоён бўлиши эҳтимоли бор. Кўпинча ташаббус ҳам одамни адаштиради.

Учинчиси – сусткашлик қилиш. М.П.Чередниченко, П.В.Тельный қарор қабул қилишни кечиктиришнинг олти сабабини келтирадилар:

1. Одамлар табиатан муаммо ечимини топишдан ўзларини тиядилар;

2. Одамлар вазиятга кўникадилар, шунинг учун муаммо ечимини топишга шошилмайдилар. Бундай установка кенг тарқалган ҳисобланади;

3. Муаммоларни коллегиял тарзда ечиш ғояси устунлик қилади;

4. Жуда катта ҳажмдаги ахборотнинг мавжудлиги жиддий муаммо ҳисобланади, раҳбарнинг ҳамма маълумотларни ўзлаштиришга вақти етмайди;

5. Тасодифий вариантларнинг пайдо бўлиши;

6. Қарор қабул қилишда иккиланиш.

Тўртинчиси – ўз хатоларини тан олмаслик. Мавҳум вазиятда одам ўз ҳаракатларини тезда тушуниб, тўғри хулосага келса, у бу вазиятдан шунчалик тез чиқиб кетади.

Бешинчиси – ҳаддан ортиқ ўзига ишонч. Фақат ўзининг фикрини тўғри деб ҳисоблайдиган раҳбарлар йўқ эмас. Бундай ёндашув бошқалар фикрини ўрганишга йўл қўймасдан тўғри қарор қабул қилишга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин.

А.Л. Ломакиннинг таъкидлашича, қарорлар самарасизлигининг сабаби 39% ҳолатда кутилмаган вазиятлар, 25% ҳолатда ижрочининг айби, 36% ҳолатда қарордаги камчиликда бўлади. Биринчи икки сабабда раҳбарнинг иш ташкил қилишда хатога йўл қўйганини эътироф этиш мумкин. Бундан кўринадики, қабул қилинаётган қарорларнинг ярмидан кўпида камчиликлар мавжуд.

Бошқарув қарорлари қабул қилишни шакллантириш имкониятлари бошқарув услубларига ҳам боғлиқ. Бошқарув услуби раҳбарлик фаолиятининг энг муҳим сифат кўрсаткичидир. Бошқарув услуби шахснинг ижтимоий ҳаёт қонуниятларига асосланган турмуш тарзи ва фаолият юритиш усули, етакчилик учун зарур бўлган таъсир кўрсатиш усуллариининг тизими, раҳбарнинг

ходимлар билан муомала қилиш усули, хизмат вазифаларини бажариш жараёнида ходимлараро муносабатлар тарзи ифодаси, қўйилган мақсадга эришиш йўлида раҳбар билан ходимлар муносабатига асос бўлувчи хулқ-атворининг умумий йиғиндисидир. Раҳбарлик услуби жамоа билан ўзаро муносабатларнинг шарт-шароити, жумладан, раҳбарнинг касбий лаёқати ҳамда шахсий фазилатлари таъсирида шаклланади. Бошқарувчилик услубининг умумий маъноси шундан иборат.

Раҳбарлик вазифаси жамоани таркиб топтириш, ходимларга вазифалар бериш, уларни ҳал қилиш вариантларини тавсия этиш, маслаҳат бериш, ҳар бир вазифани зарур моддий-молиявий ва меҳнат ресурслари билан таъминлашдан иборат. У ўз хизмат вазифаларини бажариш асосида одамлар билан ишлайди, персонални бошқаради, бунда ўзига хос бошқарувчилик услубини намоён қилади. Раҳбарлик услуби жамоа олдида турган вазифани тўғри, сифатли ва уюшқоқлик билан бажаришни таъминлаши керак.

Жамоанинг жипслиги ва уюшқоқлители ёки ички тарқоқлиги кўп жиҳатдан ходимлар барқарорлиги, фаоллиги, уларнинг ўзаро ва раҳбар билан муносабати, раҳбарнинг бошқарувчилик маҳорати, ходимлари орасидаги обрў-этибори, шахсий фазилати ва иш юритиш принципига боғлиқ.

Хизмат вазифасини виждонан бажарувчи раҳбар ва унга бўйсунувчи ходимлар баъзан руҳий ва жисмоний толиқиш даражасида ишлашлари мумкин. Баъзан стрессли ҳолатлар ҳам рўй бериши мумкин. Мутахассислар фикрича, бошқарув қарорлари тайёрлаш ва ижро этиш жараёнига бўлғуси ижрочиларни ҳам жалб этиш мақсадга мувофиқ, чунки улар олдиндан қарорнинг концепцияси ва ундан келиб чиқадиган вазифалар билан танишадилар. Қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этувчи бўлғуси ижрочилар ўз фикрларини билдирадилар, чунки қарорнинг предмети, унинг захираси ва қийинчиликларидан яхши хабардор бўладилар.

3-§. Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг психологик жиҳатлари

Қарор қабул қилиш жараёнининг психологик жиҳатини билиш мавжуд босқичларни янада самарали амалга ошириш имконини беради. Тўғри қарор қабул қилиш ва уни самарали жорий этиш учун

раҳбар психологик жиҳатдан ҳам муайян мезонларга риоя қилиши керак. Бу тадбирнинг асосий мазмуни шундан иборатки, раҳбар муаммоли вазият ҳақида маълумот тўплар экан, у ҳақда бирламчи тасаввур – ахборот моделини ярата бошлайди. Бу моделнинг ҳақиқат ва мавжуд вазиятга қанчалик мослиги олинаётган маълумотнинг тўлиқлиги, ҳар томонламалигига боғлиқ.

Ташқи муҳитдаги кўпгина омиллар таъсирида раҳбар вазият юзасидан объектив бўлмаган маълумотлар олади, ўз идроки жараёнида маълум субъективликка йўл қўяди. Айниқса, бундай тафовутга раҳбарнинг жинси, ёши, атрофидаги одамларнинг таъсири кучли бўлади. Шаклланаётган информацион модель объектив бўлиши учун раҳбар вазият ҳақида маълумот йиғиши, ташқи оламнинг тўла-тўқис акс этишини чекловчи идрок стереотипи ва установкакаларга эътибор бермаслиги лозим. Ахборот модель таҳлил этилиши ва қўшимча маълумотлар билан бойитилиши натижасида раҳбар онгида концептуал моделдан шаклланган фикр ва ҳиссиётларни, шунингдек, раҳбарнинг тажрибаси, билимларини қамраб олади. Раҳбар мавжуд вазиятнинг моҳиятини тушунган пайтда концептуал модель шаклланади, дейиш мумкин. Ажабланарлиси шуки, концептуал модель ҳақиқий вазиятга доимо ҳам мос келавермайди. Бундай ҳолат ҳар бир шахсда турлича бўлади. Кимдадир бу фарқ катта бўлса, кимдадир жуда кичик. Концептуал модель ва объектив вазият ўртасидаги фарқ қанчалик кичик бўлса, тўғри қарор қабул қилишга шунчалик аниқ замин яратилади.

Шахс ўзининг индивидуал-психологик хусусиятларига кўра, олаётган баъзи маълумотга эътибор бермаслиги ёки айримларини бўрттириб акс эттириши мумкин. Шунинг учун раҳбар вазият ҳақидаги ўз тасаввурининг объективлиги, ҳаққонийлиги ҳақида қайғуриши лозим.

Шу ўринда темперамент ва характернинг ишга, қабул қилинаётган қарорларга таъсири ҳақида айтиб ўтиш лозим. «Темперамент деганда инсонда кечаётган психологик жараёнлар ва унинг хатти-ҳаракатларининг динамик хусусиятлари, ушбу жараёнлар ва хатти-ҳаракатларнинг кучи, тезлиги, пайдо бўлиши ва ўзгаришини таърифлаб берувчи хислатларнинг йиғиндиси тушунилади».

Темпераментнинг тури (сангвиник, холерик, флегматик, меланхолик) иш фаолиятида махсус динамик хусусиятлар талаб этиладиган ҳолда ҳисобга олиниши керак.

Сангвиниклар қарор қабул қилиш ва уни ижро этиш жараёнида оператив бўлади, аммо жиддий муаммолар ва қабул қилинган қарорларнинг асосий элементларини коллегиял тарзда муҳокама қилишга мойил бўладилар. Сангвиникларни масъулиятли, юқори хавф билан боғлиқ қарорлар қабул қилиш ва уларни ижро этиш билан боғлиқ фаолият турларига жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Холериклар қарорлар қабул қилиш ва уларни ижро этишда тезкорлик ва шахсий ташаббусни хуш кўрадилар. Холериклар қабул қилган қарорлар юқори даражали таваккалчилик, қадриятлилик ва компромиссизлиги (келишувга бормаслик) билан ажралиб туради.

Флегматиклар табиатан осойишта характерга эга бўлиб, далилларга асосланиб фикрлаши билан ажралиб туради. Улар ишчан бўлиб, асосан, одатий технологияларни қўллайдилар, ҳар томонлама ўйлаб, қабул қилинган қарорлари хавфсизлиги билан ажралиб туради. Қарорларни амалга оширишда қатъиятли бўладилар.

Меланхоликлар ўта эмоционал, қарорларни тайёрлаш ва ижро этишга жуда катта масъулият билан ёндашадилар. Меланхоликлар қабул қилган қарорлар «ипидан-игнасиғача» ўрганиб, ишлаб чиқилганлиги ва пишиқ-пухта бажарилиши билан ажралиб туради. Соф темпераментлар камдан-кам учрайди. Кўпинча одамларда намоён бўлаётган хислатларни бирон-бир темперамент турига таққослаб бўлмайди. Лекин, тадқиқотчилар фикрича, кучли, ҳаракатчан ва вазмин одамлар бўш, инерт ва ҳаяжонли асаб тизими эгаларига қараганда яхши натижага эришадилар.

Темперамент инсон характери шаклланишига таъсир кўрсатади. *Характер* шахснинг психологик хусусиятларининг такрорланмас, индивидуал бирлигидир. Характерлар кучли ва кучсизларга (бўш) бўлинади. Кучли характер соҳиблари аниқ мақсадга эга, улар ташаббускор, дадил қарорлар қабул қиладилар ва амалга оширадилар, шижоатли, мард ва довюрак бўладилар. Бу фазилатлардан маҳрум кишиларни кучсиз, иродасиз дейдилар. Уларнинг фаолияти суст бўлиб, ниятлари яхши бўлса-да, ишда ижобий натижага эришмайдилар. Улар ўз кучи билан мустақил, дадил ҳаракат қила олмасликларини ҳис этадилар.

Қарор қабул қилиш зарурияти мавжуд ҳолатнинг бўлиши лозим бўлган ҳолат билан мос тушмаслиги натижасида юзага келади. Олимларимиз М.Шарифхўжаев ва, Ё.Абдуллаев томонидан бошқарув қарорларига қуйидаги талаблар қўйилган:

1. *Қарор илмий асосланган бўлиши лозим.* Бошқарув қарорлари муайян ишлаб чиқариш ҳолатини таҳлил қилишдан келиб чиқиши, иқтисодий, техникавий ва бошқа социал қонунларнинг амал қилишини ҳисобга олиши, ҳозирги замон фан-техника ютуқлари негизида қабул қилиниши, лўнда ва аниқ бўлиши лозим;

2. *Қарор бир-бири билан алоқадор ва яқдил бўлиши керак.* Муайян вазифани ҳал этишда асосий масаладан келиб чиқадиган қўшимча вазифаларни ҳал этишга тўғри келади. Бу вазифалар қарор қабул қилинаётган асосий вазифага бўйсундирилиши лозим. Барча қарор, кўрсатма, қоидалар бир-бири билан боғлиқ бўлиб, шунингдек, улар олдиндан қабул қилинган ва амалдаги қарорлар билан мувофиқлаштирилиши керак;

3. *Қарор ҳуқуқ ва жавобгарлик доирасида бўлиши лозим.* Раҳбар ўзига берилган ҳуқуқлар доирасидагина қарор қабул қилиши мумкин. Бу ерда гап бошқаришнинг барча бўғинларида ҳуқуқ ва жавобгарлик кўлами нисбати ҳақида бормоқда. Ҳуқуқлар катта, масъулияти кам бўлса, маъмурий ўзбошимчаликка, ўйламасдан қарор қабул қилишига йўл очилади. Ҳуқуқлар оз, лекин, масъулият катта бўлса, бу ҳам ҳеч қандай наф келтирмайди;

4. *Ҳар қандай қарор аниқ ва тўғри йўналишга эга бўлиши, аниқ ва бажарувчига тушунарли бўлиши лозим.* Қарордан можаро келиб чиқишига, уни турлича талқин қилиш ёки тушунишга йўл қўймаслик керак;

5. *Қарорлар қисқа муддатли бўлиши керак.* Ахборотлар билан ишлашда вақтни тежаш мақсадида қисқа муддатли қарорлар қабул қилиниши лозим;

6. *Вақт нуқтаи назаридан аниқ белгиланиши лозим.* Ҳар қандай қарорнинг бажарилиш муддати аниқ кўрсатилиши керак. Акс ҳолда унинг бажарилишини объектив назорат қилиш имкони бўлмайд;

7. *Қарор тезкор бўлиши керак.* Ҳар қандай қарор ўз вақтида, яъни ишлаб чиқаришдаги вазият талаб қилган вақтнинг ўзида қабул қилиниши зарур. Кечикиб ёки шошқалоқлик билан қабул қилинган қарорлар талабга жавоб бермаслиги мумкин;

8. *Қарор самарали бўлиши лозим.* Қабул қилинган қарорнинг самаралилиги деганда, қўйилган мақсадга энг кам харажат билан эришиш тушунилади.

Қарор қабул қилишнинг тўрт даражаси мавжуд ва уларнинг ҳар бирига қуйидаги малакалар талаб этилади (1-жадвал).

Қарор шакли	Зарур малакалар
<i>Биринчи даража:</i> одатий, кундалик	Йўриқнома ва қоидаларга сўзсиз амал қилиш, вазиятни тўғри баҳолаш. Назоратни ташкил этиш. Мотивация.
<i>Иккинчи даража:</i> танловга асосланган	Мақсад қўйиш. Режалаштириш. Маълумотларни таҳлил этиш.
<i>Учинчи даража:</i> мослашувчан	Муаммони идентификациялаш. Муаммони тизимли равишда ечиш. Ишчи гуруҳларни ташкил этиш. Мавжуд хавфларни таҳлил этиш.
<i>Тўртинчи даража:</i> инновацион	Ижодий бошқариш. Стратегик режалаштириш.

Одатий қарорлар – жамоа режаси бўйича амалга ошувчи кундалик дастур асосида қабул қилинади. Муаммо мавжуд ечимлар мажмуаси билан қиёсланади, улар ичида мақбули қабул қилинади ва амалга оширилади. Ташкилотдаги оддий ҳолатларда «мана бундай вазиятда, мана бундай қилиш керак» қабилида иш тугилади, айнан шу услуб ўрта ва қуйи бўғин бошқарувчиларга хос асосий қарор қабул қилиш шаклига айланади. Бундай вазиятдаги қийинчилик бошқарувчи (раҳбар)нинг малакасизлиги, мавжуд йўриқномаларни яхши билмаслик, вазиятни нотўғри баҳолаш ёки шахснинг журъатсизлиги туфайли келиб чиқиши мумкин. Вазиятни тўғри идрок этувчи ва мақбул хулосалар чиқарувчи ҳамда натижаларни назорат эта олиш қобилиятига эга бўлган бошқарувчи (раҳбар) ушбу вазиятда тўғри қарор қабул қилади. Қарор қабул қилишнинг бу даражасида ижодий ёндашув талаб этилмайди, чунки иазият ечимлари аввалдан белгиланган бўлади.

Танловга асосланган – даражада қарор қабул қилишда раҳбар мавжуд муаммо бўйича бир қатор имкониятларни таққослаб кўради, улар ичидан айнан шу муаммо ечимига мос келувчи самарали ва тежамлисига тўхталади. Бу даражада муайян чегарада ташаббускорлик ва ҳаракатлар эркинлиги талаб этилади.

Мослашувчан даражадаги – қарор қабул қилиш мураккаб бўлиб, бунда раҳбарнинг муаммога янгича ечим топиши талаб этилади. У мавжуд муаммога эскича ёндашишдан воз кечиши ва ижодий қарорга келиши лозим. Айни вақтда, раҳбар муваффақияти

унинг шахсий ташаббуси ва номаълумликка дадил қадам қўйишига боғлиқ бўлади.

Инновацион – яъни, янгиликларни жорий этиш билан боғлиқ қарорлар анча мураккаб ҳисобланади. Раҳбар кутилмаган ва башорат қилинмайдиган муаммоларни англаш усуллари топа олиши лозим. Бундай муаммоларнинг ечимини топиш учун ундан янгича ўйлаш, бу жараёнга ижодий ёндашиш, бошқа мутахассисларнинг ижодий ғояларидан фойдалана олиши талаб этилади. Жуда мураккаб муаммоларнинг ечимини топиш учун ҳаттоки, фан ва технологияларнинг янги соҳаларини яратиш лозим бўлиши ҳам мумкин.

Раҳбар муаммоли вазият билан тўқнаш келиб, қарор қабул қилар экан, авваламбор, ушбу вазият ва ундан кутилаётган ечимни юқорида санаб ўтилган қарорлар гуруҳига таққослаши ва тахминан бўлса ҳам, қайси тоифа-га киришини аниқлаб олиши лозим. Бундай ҳаракат раҳбарга муаммо ечими нимада ифодаланишини, қай шаклда намоён бўлишини қисман бўлса ҳам олдиндан тасаввур этиш имконини беради. Бу эса танланган йўл қанчалик тўғри ёки нотўғрилиги ҳақидаги маълумот билан бирга, зарур бўлган тақдирда ҳаракат услубини ўзгартиришга асос яратади. Ҳар қалай, қарорнинг ўйлаб қабул қилинганлиги уни бирон-бир тоифага киритиш, натижани қисман бўлса ҳам олдиндан тасаввур этган ҳолда талабдаги намуна билан таққослашдан иборат. «Қарор қабул қилишнинг қуйи даражасидан юқори даражасига кўтариш учун раҳбар ўзида юқори поғонадаги муаммолар ечимини топиш қобилиятини шакллантириши лозим».

Бошқарув қарорлари қабул қилиш тизимлашган жараён ҳисобланади. Раҳбар томонидан қарорлар қабул қилиниши унинг шахсий фаолиятига таъсир қилади, зеро, бу фаолият ўзгалар хатти-ҳаракати билан ўзаро боғлиқ. Қарорлар қабул қилиш жараёни орқали раҳбар ва ходимларнинг фаолият йўналиши белгилаб олинади. Раҳбар бошқарувчилик фаолияти давомида кўплаб қарорлар қабул қилишига тўғри келади, бу – вазият тақозоси. Қарор қабул қилиш кўп жиҳатдан раҳбарнинг ва ушбу жараёнга ҳисса қўшаётган мутахассисларнинг қобилиятига боғлиқ.

Самарали бошқарув қарорлари қабул қилиш раҳбар кадрларнинг интеллекти (фикрлаш қобилияти), тажриба ва интуициясига боғлиқ.

Бошқарув қарорлари мазмунига кўра қуйидагиларга ажратилади: 1) маълумот йиғиш учун қабул қилинадиган қарорлар – «Қайси маълумотлар ҳақиқий» деган саволга жавоб бериши керак; 2) ташкилий масалага оид қарорлар – «Қандай бўлиши керак» деган саволга жавоб бериши керак; 3) тезкор /оператив/ қарорлар – «Нима қилиш керак» деган саволга жавоб бериши керак.

Бошқарув қарорлари қабул қилишда раҳбарнинг тўрт вазифани бир вақтнинг ўзида бажаришига тўғри келади: 1) тадбиркорлик; 2) ишдаги камчиликларни тўғрилаб борувчи мутахассис; 3) ресурсларни тақсимловчи воситачи; 4) муроасага келтирувчи ҳакам.


Бошқарув қарорлари қабул қилишда мақсаднинг аниқ бўлиши зарурий бўлиб, унинг асосида: 1) бошқариш функциялари; 2) бошқариш усуллари; 3) бошқаришнинг тизилмавий таркиби; 4) ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш каби ишлар мажмуаси мувофиқлаштирилади. Демак, мақсаднинг аниқ бўлиши фаолиятнинг тўғри йўналтирилишига олиб келади.

Ҳар бир қабул қилинган қарор яна қарорлар қабул қилинишига олиб келади, табиийки, бу жараён узлуксиз давом этади. Шунинг учун қабул қилинган қарорларнинг салбий томони қанчалик кўп бўлса, шунга нисбатан қарорлар сони кўпайиб боради. Бу эса кўзланган мақсадга эришиш муддатининг чўзилиб кетишига олиб келади.

Қарорлар қабул қилишда хатоликка олиб келувчи сабаблар: 1) ахборотнинг етишмаслиги; 2) раҳбарнинг бошқалар фикрига кам эътибор бериши; 3) раҳбарнинг танлаш жараёнидаги иккиланиши; 4) раҳбарда масъу-лиятнинг етишмаслиги; 5) ҳисоб-китоблардаги камчиликлар; 6) раҳбарнинг ўзига ҳаддан зиёд ишониши.

Қабул қилинган қарор ўз вақтида тегишли чоралар кўриш юзасидан тадбирлар ишлаб чиқиш, қўйилган мақсадга эришишни таъминлашга йўналтирилган бўлиши керак.

Замонавий раҳбар муаммонинг келиб чиқиш сабабларини билиши, уни қандай ҳал этиш кераклигини, бунда қандай воситаларни қўллаш мақсадга мувофиқ эканлиги ҳақида маълумотлар тўплаш жараёнини тўғри ташкил этиши лозим. Чунки, муаммонинг келиб чиқиши замида муайян сабаблар бошқа асослар билан боғланган ҳолда намоён бўлади. Шунинг учун муаммони аниқлаш вазиятни таҳлил қилишдан бошланади.



2-чизма. Муаммонинг келиб чиқиш сабаблари.

Муаммони аниқлаш ва унинг ечимини ишлаб чиқиш тегишли шахслар томонидан амалга оширилади. Шунинг учун бошқарув қарорлари қабул қилишда белгиланадиган тадбирларни амалга ошириш учун қўйилган вазифалар бўйича ихтисослашувга эътибор бериш керак. Бундай ихтисослашув *мажбурият, масъулият, ваколат ва ваколатни юклатиш* каби ҳаракатларни тўғри йўлга қўйиш билан боғлиқ.

Мажбурият – белгиланган мансаб даражасига кўра, мақсад ва вазифаларни ҳал этиш учун юклатилган функцияларни бажариш.

Масъулият – юқори раҳбарият олдида топшириқларни бажариш учун ўрнатилган мезонлар бўйича ҳисобот бериш.

Ваколат – ташкилот томонидан берилган ва ходим томонидан қабул қилинган ҳокимият.

Ваколатни юклатиш – қуйи бўғин ходимларига ваколат, мажбурият ва масъулиятни топшириш.

Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг ҳар бир раҳбар эътибор қаратиши зарур бўлган 10 та қондаси мавжуд: 1) масаланинг ҳар бир таркибий қисмини таҳлил қилишдан олдин унинг умумий томонларини тушуниб олинг; 2) турли муқобил вариантларни кўриб чиқмасдан қарор қабул қилманг; 3) энг тўғри йўл деб ҳисобланганда ҳам қайта мулоҳаза юритинг; 4) олдинда турган муаммога турли нуқтаи назардан қаранг; 5) масаланинг моҳиятини тушуниш учун унинг моделини ёки муқобил йўлини ахтаринг; 6) муаммога тааллуқли иулган саволларга кўпроқ эътибор қаратинг, чунки тўғри берилган савол-жавобнингмазмунини тубдан

ўзгартириши мумкин; 7) дастлабки қарордан қаноатланманг; 8) қарор қабул қилишдан олдин бошқалар фикрини билиш орқали қарор лойиҳасини текшириб кўринг; 9) тажрибангиз ва ички ҳиссиётингизга ҳам эътибор беринг; 10) доимо огоҳ бўлинг, чунки ҳар бир киши маълум муаммога ўзига хос шахсий қарашлари орқали ёндашади.

Мутафаккир Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шахри» асарида талаб этиладиган ҳокимнинг (раҳбарнинг) фазилатлари тўғрисидаги фикрларига мурожаат қилайлик. Ҳоким: 1) аввало, тўрт мучаси соғ-омон бўлиши; 2) табиатан нозик фаросатли бўлиб, умумий аҳвол қандайлигини равшан тасаввур қила олиши; 3) англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши; 4) зеҳни ўткир, зукко бўлиши; 5) фикрини чиройли сўзлар билан ифодалай олиши; 6) устозлардан таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш, ўрганиш жараёнидан сира чарчамайдиган, бунинг машаққатидан қочмайдиган бўлиши; 7) таом ейишда, ичимлик ичишда, аёлларга нисбатан... ўзини тия оладиган бўлиши; 8) ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган. ёлғон ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши; 9) ўз қадрини билувчи ва номусли, ориятли, пасткашлардан юқори турувчи, туғма олийҳиммат бўлиши, улуғ, олий ишларга интилиши; 10) бу дунё бойликларига, динор ва дирҳамларга қизикмайдиган (мол-дунё кетидан қувмайдиган) бўлиши; 11) табиатан адолатпарвар бўлиши... ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга муросасиз бўлиши; 12) ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қаътиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, кўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги даркор.

1-илова

Бошқарув қарорларини қабул қилувчи раҳбарларга маслаҳатлар

Бошқарув қарорлари қабул қилишдан олдин раҳбарият муваффақиятсизликка учрамаслиги учун тафаккур воситасида энг самарали қарор қабул қилишга интилиши зарур. Шунинг учун ҳам раҳбарлар тажрибадан ўтказган қуйидаги маслаҳатларга амал қилинса нур устига аъло нур бўлади:

1. Ҳар бир қарорни чуқур ўйлаб, сўнгра қабул қилиш лозим, бунинг учун эса вақт керак. Ўзингиз учун қарорлар қабул қилиш

талабларидан келиб чиқиб, иш муддатини белгиланг, фикрингиз иллаган муқобил вариантни чуқур таҳлил этинг. Унинг ижобий ва салбий жиҳатларини белгиланг. Бу каби изчиллик қарорлар қабул қилиш қобилиятингизни ривожлантиради.

2. Ишни ташкил этиш стратегиясини танланг. Бу асосий масалаларнинг ечимини топиш учун муҳим. Бу ечим ишни ташкил этиш стратегияси асосида фаолият юритишга ҳалал бермаслиги, ҳаётга зид келмаслиги лозим. Акс ҳолда ўз нуқтаи назарингизни ўзгартиришга тўғри келиши мумкин.

3. Юзага келган вазиятни жиддий таҳлил қилинг. Ана шунда мўлжалланаётган қарорнинг ҳаққоний жиҳатлари очилади. Қарор қабул қилиш учуи бу ўта муҳим.

4. Қарор қабул қилишда муқобил қарорлар кўп бўлганлиги учун ҳам соғлом идрокка эга бўлиш муҳим аҳамият касб этади. Мантиқийликка суянинг, бу сизга самарали қарор қабул қилишга ёрдам беради.

5. Ишга ижодий ёндашинг. Ижодий ёндашув ноанъанавий қарорлар қабул қилишга ёрдам беради. Ташаббускорлик ва ижодкорлик сизга кутилган натижани олишга кўмақлашади.

Муаммоли вазиятни енгиллатиш учун қуйидаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қилинг: 1) муаммо мураккаб ва кўп босқичли йўл билан ечиладими ёки оддий йўл биланми; 2) бу ҳақиқатан ҳам илгари ечилмаган муаммоми ёки у илгари ечилган бирон-бир муаммонинг муқобилими; 3) унинг ечимини топиш учун қадам-бақадам изчилликка эришиш мумкинми.

Сиз қабул қиладиган қарор жамоа фаолиятининг диққат марказида туриши лозим. Сиз эҳтиёткорлик билан асосий ўзгаришларга салбий таъсир этмасдан қарорга тузатиш киритишингиз мумкин. Жамоа стратегияси ривожланиш истикболларини тасаввур этиш имкониятини бериши зарур. Юз бериши мумкин бўлган муаммоларни олдиндан билишга ҳаракат қилиш лозим, жамоа раҳбариятини боши берк кўчага киритиб қўймаслик лозим. Кутилмаган ва сизга таниш бўлмаган муаммоларни анъанавий усулларда ечишга ҳаракат қилинг. Бу каби ёндашув ташкилотнинг келажагини режалаштиришга шарт-шароитлар яратади.

- Сиз дуч келган муаммо ҳақиқий муаммоми ёки у сизнинг кўзингизга муаммо бўлиб кўринялтимми?

- Бу муаммо молиявий ва моддий сарф-харажатлар ёки инсон ресурси билан боғлиқми?

Пул ва персонал ҳар қандай ташкилотнинг яшай олишини таъминлаш омилидир. Шунинг учун молиявий ва кадрлар масаласини раҳбарнинг шахсан ўзи назорат этиши лозим.

- Агар қарор қабул қилинмаса нима бўлади?

Одатда, тез қарор қабул қилишга низоли вазиятлар сабаб бўлади. Шунинг учун ҳис-туйғулар асосида ҳаракат қилиб бўлмайди. Ҳис-туйғулар – ёмон маслаҳатчи. Баъзан шундай бўлади: агар қарор қабул қилиш кутиб турилса, муаммо ўз-ўзидан барҳам топиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда яхшиси – қарор қабул қилмаслик лозим.

Қарорлар қабул қилиш жараёнида уни қабул қилиш ҳуқуқи фақат бир кишида бўлса, унда ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди.»Барча нарсани ўзим ҳал этаман, ўзим қиламан», деган фикр имкониятларингизни чегаралаб қўяди. Ўз жисмоний имкониятларингиз чегарасидан чиққан ҳолда муаммоларни ечишга дуч келганингизда ваколатларингизни бошқаларга беришингиз лозим.

Ваколатларингизни бошқаларга берсангиз ижобий омилларга зоришасиз:

1. Ваколатларни бошқаларга бериш раҳбарни эски даврдан қолган бошқарув усулларида халос этади, ўз диққат-эътиборини бошқа муҳим ва ижодий ишларга қаратишга имкон беради;

2. Ваколатларни бошқаларга бериш жамоадаги бошқа кадрлар касбий малакасини оширишнинг мақсадга йўналтирилган шакли бўлиб, унинг натижасида кадрлар касбий салоҳияти ва тажрибадан фойдалана олиш қобилиятини ўстиради;

3. Ваколатларни бошқаларга бериш ходимларни мотивациялашга ижобий таъсир этади. Улар ўзларини иш фаолияти эгаси деб биладилар, бу эса иш қобилиятининг янги қирралари очилишига, ташаббускорлик, мустақиллик ва ғайрат-шижоатнинг шаклланишига олиб келади.

Раҳбар қарор қабул қилишидаги асосий ички тўсиқлар:

- 1) мақсаднинг ноаниқлиги;
- 2) гуруҳга ишонмаслик.

Мотивация йўналиши:

- 1) муваффақиятга интилиш;
- 2) мағлубиятдан қочиш;
- 3) идентификация ва интуициянинг сустлиги.

**Р. Доусон. Қарорларни дадил қабул қилиш 21 кунлик
ҳаракатлар дастури¹ (Китобдан парчалар)**

Қарор қабул қилиш учун сизда ахборот етарлими?

Ахборотнинг тўлалиги – тўғри қарор ишлаб чиқиш учун энг муҳим шарт, ҳар сафар имкониятларингизни баҳолашингиз лозим: сиздаги ахборот қарор қабул қилиш учун етарли бўладими? Мабодо, етарли бўлмаса, яхшиси, шошилиш хулосага келманг. Бошқа тарафдан, ахборот излаш учун вақт чегараланган бўлиши мумкин. Бундай ҳолда уни танлашга жиддий қара-лиши лозим.

Қарор қабул қилишни нима қийинлаштиради?

Ахборотнинг объектив эмаслиги.

Биринчи хавф – қўлингиздаги ахборотнинг объектив эмаслиги. Буни англамасангиз, уни энг ҳаққоний деб тан олишингиз хавфи бор.

Иккинчи тўсиқ – ахборотни жамлаётган одамнинг тажрибаси. У маълумотларни ўз субъектив фикр-мулоҳазалари нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда баҳолайди.

Шахсий фикр доим ҳам адолатли эмас.

Тан олинг: сиз кўпинча ахборотни фикрингизга зид келганлиги учун ҳам қабул қилмайсиз.

Хотирангиз панд бериши мумкин.

Уни эҳтиёткорлик билан танланг.

...нотўғри ахборот пайдо бўлишининг яна бир сабаби – унга бўлган бир томонлама муносабат. Биз ҳамма нарсани тўғридан-тўғри ёдлаб ола олмаймиз, шунинг учун далилларни танлаганда биз субъективмиз. Аввал ишониб, сўнгра текширинг.

Агар муайян кишининг гапига дарров ишонсангиз, сиз ўзингизни ахборот танлаш жараёнида эҳтимоли бўлган яна бир хавф таъсирига соляпсиз.

Янги ахборот таъсирида.

Инсон ахборотни тушунмаслиги натижасида нотўғри хулосага келиши мумкин.

Ўзингизга бошқа томондан назар солинг.

Ҳар ким ўз фикрига мос ахборотни қўлга киритишга интилади. Шундай вазиятда янглишмаслик учук эҳтиёт бўлиш керак.

Самарали қарор қабул қилишга таъсир этувчи тўсиқлар.

Қўлингизда керакли ахборот бор, сиз қарор қабул қилишга тайёрсиз, деб ҳисоблайлик. Аммо бу билан тўсиқлар тугади, деб бўлмайди.

Шундай қилиб, бешта тўсиқ мавжуд: 1) сиз муаммонинг моҳиятини тушунишдан жуда йироқсиз, 2) сиз ўзингизга жуда ишонасиз, 3) муаммо сизга жуда таниш, 4) сиз муаммонинг ечимини топиш билан жуда бандсиз, 5) сиз муаммони ноадекват қабул қиляпсиз.

Сизнинг фикрлаш қобилиятингиз учта нарсага боғлиқ:

1) хотирангизнинг имкониятларига;

2) ишчанлигингизга;

3) фикрингизни жамлай олиш қобилиятингизга.

Тўғри қарор қабул қилишда: 1) қарор қабул қилишнинг тўғри йўналишини излаш учун вазиятни ойдинлаштириш лозим; 2) муаммони аниқ ифода этиш керак; 3) муаммога тегишли ҳамма далилларни эсга олиш лозим; 4) ўзингизни интуитив фикрлашга тайёрланг; 5) муаммони ечишга сизни жалб этиш керак. Шунда сиз беихтиёр унга (муаммога) кириб кетасиз; 6) вазиятнинг бошқа томонини тасаввур қилинг. Ноанъанавий йўлдан боришга кўрқманг; 7) атрофдаги муҳитни таҳлил этинг; 8) яхшироқ жавоб топиш учун ўзингизга назар солинг; 9) ўзингизнинг интуициянгни текшириб кўринг.

Энг муҳимини унитманг!

Жамоавий қарор қуйидаги ҳолатларда афзалроқ бўлиши мумкин: 1) ташқаридан фикрлар жалб этилиши танлаш учун кўпроқ имконият беради; 2) мустақил экспертиза фойдалидир; 3) керак бўлганда ахлоқ қоидаларини ҳисобга олиш; 4) бирор шахснинг ёрдами керак бўлганда; 5) Сиз ўртага ташлаётган ғоянинг танқидга учрашидан кўрқсангиз; 6) ўзгалар билан мулоқот янги ижодий фикрнинг шаклланишига олиб келса; 7) агар атрофингиздагилар таклифингни маъқулламаслигини сезсангиз, албатта, буни улар билан муҳокама қилинг.

Жамоавий муҳокаманинг афзаллиги: 1) жамоавий муҳокама кўпинча хатолар эҳтимолини камайтиради; 2) жамоавий муҳокама муаммога бўлган қизиқишни кучайтиради; 3) жамоавий муҳокама ишончли муносабатлар шаклланишига йўл беради. Одамларни муаммо ечимига жалб этганда, улар жамоанинг касбий малакасига муҳтожлигини ҳис этади ва унга (жамоага) ишончлари ошади,

уларда ишдан қониқиш ва унга қизиқиш ортади; 4) жамоавий муҳокама ахборотнинг сифат даражасини оширади, чунки текширилмаган маълумотларга йўл қўйилмайди; 5) муҳокамага қанчалик кўп одам жалб этилса, мулоҳаза учун шунчалик манба кўпаяди. Раҳбар сифатида «қарор қабул қилиш учун биз муаммони етарли даражада биламиз», деб айтиш лозим; 6) жамоавий муҳокама ёрдамида ахборот тўлиқроқ, мулоҳаза эса аниқроқ бўлади.

Кичик гуруҳлар (8 кишигача) муаммоларни англаш учун, катта гуруҳлар эса истиқболли имкониятларни топиш учун афзал. Кўп кишилиқ жамоа билан муаммо ечимини топиш осон, аммо қарор қабул қилиш қийин.

Эмоцияларни назорат қилинг. Қарор қабул қилишда вақтнинг чўзилиши сабаблари: 1) муаммони ечишдан ўзимизни олиб қочамиз; 2) «муаммо етиб келмагунча унга тегма» – биз бундай фикрдан мамнунмиз; 3) ҳамма муаммоларни биргалиқда ечиш ғояси; 4) мавжуд ахборотнинг катта ҳажмга эгалиги; 5) келажакни башорат қилишга интилиш; 6) инқироздан қўрқиш.

Қарор қабул қилиш вақтини белгиланг. Баъзан қарор қабул қилишда кечикиш омадсизликка олиб келиши мумкин.

Қарор қабул қилишда профессионалларнинг 9 та тамойили мавжуд:

- 1) ноаниқликни хотиржамлик билан қабул қилинг;
- 2) энг муҳим вазифалар кетма-кетлигини белгиланг;
- 3) тинглаиши ўрганинг;
- 4) бошқаларнинг фикрига эътиборли бўлинг;
- 5) стереотиплардан узоқ бўлинг;
- 6) мавжуд шароитга мослашувчан бўлинг;
- 7) ишдаги ижобий ва салбий натижаларни тўғри баҳоланг;
- 8) шароит ва қийинчиликларни реал баҳоланг;
- 9) «миналик майдонлар»дан эҳтиёт бўлинг.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жаҳон ҳамжамиятида тенг ҳуқуқли мавқега эга бўлган Ўзбекистон Республикаси ўзининг танлаган ҳақ йўлидан борар экан, албатта, дунёда кечаётган воқеа ва ҳодисаларга, қолаверса, ўзгаришларга бефарқ бўла олмайди. Шундай экан, янгилаиш жараёнида республика ижтимоий-ҳаётида амалга оширилаётган туб бурилиш, яъни ислоҳотлар жараёни сезиларли даражада мамлакатда қабул қилинаётган ҳар бир қарор билан мустаҳкам боғлиқ, ислоҳотлар қабул қилинаётган қарорнинг

даражаси билан ўз йўналишини аниқ белгилаб олиши мумкин. Бу, ўз навбатида, қатор қийинчиликлар, зиддият ва муаммоларни енгиб ўтишни тақозо этади. Мамлакатнинг янгиланиш босқичида ислохотларни жадаллаштиришга асос бўла оладиган бошқарув қарорлари қабул қилиш йўлидаги изланишлар, тадқиқотлар, илмий текширишлар олиб бориш бугунги кун талабидир.

Қарор қабул қилишда инсон омили юқори ўринда экан, бу жараённинг асосий иштирокчилари, яъни қарор қабул қилувчи (раҳбар) ва мутахассисларнинг (ходимлар, экспертлар) профессионализм даражасини ўстириш, бунга шароит яратиш ва уни рағбатлантириш мақсадга мувофиқ. Жамоадаги психологик муҳитнинг ишга ижобий таъсирини назарда тутиб, унга эътиборни кучайтириш тавсия этилади, бунда мутахассис-психологлари жалб этиш ўз самарасини кўрсатиши мумкин.

Қарор қабул қилишда, айниқса, стратегик соҳаларда, гуруҳда қарор қабул қилиш усулларида кенг фойдаланиш, малакали, тажрибали мутахассисларни жалб этиш мақсадга мувофиқ. Гуруҳда қарор қабул қилишда қўлланиладиган усулларда муаммони идентификациясига эътибор бериш, унга алоҳида босқич деб қараш таклиф этилади. Бу босқичда раҳбар ўз билими ва тажрибасини ҳар томонлама кўриб чиқиши ва тўғри қарор қабул қилиши учун муҳокамага қайси мутахассис ва экспертларни жалб этиш зарурлигини ҳал этиши лозим.

Қабул қилинган қарор режа, топшириқ, буйруқ, фармон ва фармойишлар қарор қабул қилувчига берилган ваколат орқали юридик аҳамиятга эга бўлади. Шу нуқтаи назардан, қарорни бошқарув биносининг ҳуқуқий пойдевори дейиш мумкин. Бошқарувга оид ҳар қандай қарор самарали бўлсагина, у мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Раҳбарлик услубларининг бошқарув қарорларини қабул қилишга таъсири ҳам ўзига хос тарзда намоён бўлади. Масалан, раҳбарликнинг авторитарик услубида раҳбар барча масалалар бўйича қарорларни яқка ўзи ҳал қилади, раҳбарликнинг демократик услубида қарорларни қабул қилишдан олдин қўл остидаги ходимлар билан маслаҳатлашилади. Раҳбарликнинг либерал услубида қарорларни қабул қилишда раҳбариятдан кўрсатмаларни ёки кенгаш (жамоа ташаббусини) қарори кутилади. Лекин раҳбар ҳар қандай шароитда қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида

бошқарув қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва бажарилишини назорат қилиши лозим.

Баъзи ҳолларда бошқарув қарорларини тайёрлайдиган, лекин уларни қабул қилмайдиган шахсларнинг жавобгарлиги етарли даражада бўлмаслиги, бошқарув қарорларини қабул қилишдаги хатолар ва кечиктиришлар, ёмон тайёрланган ва сифатсиз бошқарув қарорлари қабул қилинишига олиб келади. Бундай ҳолатларнинг олдини олишда бошқарув қарорларини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёнида раҳбар масъулиятини ошириш бошқарув самарадорлигига таъсир кўрсатади.

Юқорида кўрсатилган салбий ҳолатларни такрорламаслик учун бошқарув қарорларини қабул қилишнинг эксперт натижаларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. **Биринчидан**, бошқарув қарорларини мақсадга мувофиқ ва вазиятга мос тарзда қабул қилиш, энг муҳими, мавжуд қонунчиликка хилоф келмайдиган тарзда қабул қилиш; **иккинчидан**, бошқарув тизими томонидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини кузатиб назорат қилиш; **учинчидан**, бошқарув тизимининг жорий иш фаолиятига оид барча информацияларни, шу жумладан, бошланғич қарорларни бир ерда тўплаш. Бошқача қилиб айтганда, экспертлар тизими турли фаолият соҳаларидаги мутахассисларга бошқарувчилик қарорларини қабул қилишда, кадрлар билан ишлаш жараёнида қабул қилинадиган қарорларнинг амалдаги қонунчилик доирасида бўлишига яқиндан ёрдам беради. Бундан ташқари, экспертлар тизимидан фойдаланувчилар қандай шахс ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини билиб олиши мумкин.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Ички ишлар органлари жамоасини бошқаришда қарор қабул қилиш ва ижросини таъминлаш деганда нимани тушунасиз?
2. Қарор қабул қилишнинг асосий элементлари нималардан иборат?
3. Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг асосий босқичларини тушунтиринг.
4. Бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уни амалиётга қўллашда қандай ташқи ва ички омиллар мавжуд?
5. Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг психологик жиҳатлари ҳақида айтиб беринг.

6. Темперамент ва характернинг ишга, қабул қилинаётган қарорларга таъсирини изоҳланг.

7. Бошқарув қарорлари қабул қилишнинг қоидалари ҳақида фикрларингизни баён этинг.

25-мавзу. БОШҚАРУВДА МУЗОКАРАЛАР ОЛИБ БОРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

1-§. Музокара олиб боришнинг психологик жиҳатлари ва босқичлари

Музокара – бу, бирон-бир масала юзасидан келишув жараёнидир. Бу жараёнда, одатда, камида икки томон иштирок этади ва ҳар қайси томон, ўз манфаатини амалга оширишни кўзлайди. Манфаатлари турлича бўлишига қарамай, умумий фаолият олиб борувчи томонлар маълум қоидалар доирасида ҳаракат қилиб, ўзаро қониқтирувчи ва ҳамма томонга маъқул ечим устида иш олиб борадилар. Айнан шу умумий фаолиятнинг мавжудлиги манфаат ва мақсадларни мувофиқлаштириш имкониятини туғдиради. Шунинг учун ҳам, музокара орқали мақсадга эришишни хоҳловчи раҳбар бу жараёнга хос томонларни, қолаверса, хусусиятларни билиши ва кези келганда уларни бошқара олиши лозим.

Раҳбар фаолиятида музокара. Музокара олиб бориш кўлами жуда кенг бўлиб, бу соҳа ташкилотдаги айрим зиддиятли ҳолатни ижобий йўналишда ҳал этишдан бошлаб, токи сармоя жалб этишдаги қулай позицияни кўлга киритишга ва ҳатто зиддиятдаги томонларни яраштириш йўлида воситачилик вазифасини бажариш мақсадида ҳам қўлланилади. Шу боис, раҳбар музокара олиб боришга оид асосий қонун ва қоидаларни билиши, улардан амалий тарзда фойдалана олиши лозим. Музокара бу, нафақат бирон масала юзасидан фикр алмашиш, балки музокара иштирокчиси бўлмиш раҳбар орқали унинг ташкилоти ҳақида хулоса чиқариш манбаи ҳамдир. Демак музокара олиб бориш маҳоратига эга раҳбар ҳатто ўртамиёна ташкилотни ҳам бошқа рақобатдош ташкилотга нисбатан афзаллик томонини намоён этиш қобилиятига эга. Ушбу жумлаларни ўқиган ўқувчида музокара бу, йўқ нарсани бор қилиб

кўрсатиш маҳорати эмасмикан, деган фикр туғилишининг мутлақо тарафдори эмасмиз. Раҳбар ўз ташкилоти имкониятлари, унинг кучли томонларини яхши тасаввур қила олиши ва бу хусусиятларни янада ижобий тарзда тақдим эта билиши лозим. Бу жараён раҳбардан нафақат ўзига, балки, ташкилот ходимларига ишончни, келажакка катта умид билан қарашни ва шахсининг муваффақиятга йўналишини ифодалайди.

Музокаралар турли шароит ва томонлар иштирокида ўтади. Бу эса, музокаранинг осон кечмаслигини, бу жараён давомида турлитуман кутилмаган омиллар таъсири мавжудлигини асослайди. Одатда музокара ҳар қандай мураккаб тузилма сингари бир неча асосий бўлақлардан иборат: музокара мазмуни, мулоқот, муносабатлар, тадбирлар (қоидалар, муҳокама тартиби, баённома). Музокаранинг жараён сифатида мураккаблиги шундаки, ушбу санаб ўтилган ҳар бир қисм долзарб аҳамият касб этади ва музокара натижасини ҳал этишга ўз улушини қўшади. Масалан, музокарага олдиндан тайёрланиш, ҳамма ҳужжатларни батафсил ўрганиб, мулозамат қоидаларини ўнига қўйиб ижро этиш мумкин, лекин ҳамсуҳбатимиз миллий хусусиятига оид баъзи жиҳатларга эътиборсизлигимиз бутун уринишимизни зое кетказиши мумкин. Бу жиҳатларни музокаранинг ташқи томони, пўстлоғи деб аташ мумкин. Лекин бу жараённинг ички томони ҳам борки, унда музокарага тайёрланган томондан қатор вазифаларни амалга ошириш талаб этилади. Бу вазифалар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- ўзга томонда қизиқиш уйғотиш;
- масала юзасидан ўз нуқтаи назарини тўғри тушунтиришга эришиш ва шу билан бирга ўзганинг қараши ҳақида тўла-тўқис тасаввурга эга бўлиш;
- ўзга томонда хайрихоҳлик ҳаракатларини уйғотиш;
- биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш ва ўзгада масъулият уйғотиш.

Ушбу вазифаларни амалга ошириш музокаранинг муваффақиятини таъминловчи асосдир.

Раҳбар ваколатидаги имкониятлардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ташкилот раҳбари олиб борадиган музокаралар ички ёки ташқи турларга бўлиниши мумкин. Ички музокаралар – ташкилот ичидаги муаммога йўналган бўлиб, ушбу музокарани

қўллаш зарурати мазкур шароитда бошқарувнинг одатий услублари ўз кучини йўқотганлиги билан асосланади. Бундан ташқари ташқи музокара ҳам мавжуд ва у ўз навбатида бир неча даражага бўлиниши мумкин: бир соҳа доирасида, соҳалараро ва халқаро музокаралар. Қайд этилган роғоналарга қанчалик юқори кўтарилсак бунда амалга ошувчи музокаранинг аҳамияти ҳам шунчалик ошиб бораверади. Хўш, қандай ҳолда музокарага муурожаат этилади ва қай шароитда музокарасиз ҳам иш кўриш мумкин. Музокарага муурожаат этиш ҳоллари қуйидагича: бир томонлама ҳаракат натижа бермайди; масаланинг ечими қонун билан белгиланмаган; масалани судгача ҳал этиш самаралироқ бўлган тақдирда ва шу каби ностандарт вазиятларда. Одатда музокараларнинг ташкилий, ҳуқуқий, ахлоқий томонлари фарқланади ва улар музокара шаклига кўра турлича мазмунга эга. Масалан, халқаро муносабатлар соҳасидаги музокаралар аниқ қайд этилган қоида ва меъёрий томонларига эга бўлса, хўжаликлараро учрашувлар доирасидаги кўпгина учрашувлар томонларнинг қўл сиқиши орқали ҳам тасдиқланиб кетаверади. Лекин музокара қай даражада амалга оширилмасин унинг натижаси келишувдан ва ушбу келишувни у ёки бу шаклда қайд этишдан иборатдир.

Музокара олиб бориш босқичлари. Музокаранинг самарали ўтиши кўп жиҳатдан амалга оширилган тайёргарлик жараёнининг пухталигига боғлиқ. Бу хусусида тадқиқотчи Р.И.Мокшанов қуйидаги тадбирларни амалга ошириш дастурини тақлиф этади:

1. Музокара мақсадини аниқ ифодалай билиш.

2. Ушбу мақсадга эришишга ёрдам берувчи вазифаларни аниқлаш (яъни мақсадга эришиш йўлида қандай қадамларни босиб ўтиш лозим).

Музокараларнинг ташкилий қисмини аниқлаштириш:

- ўтказиш муддати;

- ўтказиш жойи;

- жойни тайёрлаш;

- музокара жараёни учун хавфларни бартараф этиш;

- делегация таркиби;

- музокараларни молиялаштириш манбалари;

- музокара иштирокчиларига сарф-ҳаражатлар (канцелярия анжомлари, видео ва аудио мосламалар мавжудлиги, транспорт, алоқа, озиқ-овқат таъминоти, танаффус ва кофе-брейклар);

- ўзга томон делегациясини кутиб олиш ва жойлаштириш;
 - маданий дам олиш дастурини ишлаб чиқиш;
 - совға-салом ва ёдгорликлар;
 - яқуний зиёфат;
 - делегацияларни кузатиш.
- музокара асосидаги манфаатнинг турли даражаларини билиш.

- ўзга томоннинг манфаатларини иложи борича батафсил тасаввур этиш.

Музокаранинг қуйидаги жиҳатлари бўйича маълумот тўплашга эришиш:

- муҳокама масаласининг тарихи, ҳозирги ҳолати ва кўрсаткичлари;

- музокарада иштирок этувчи делегация вакиллари ҳақида маълумот (ёши, касби, шу соҳадаги тажрибаси, қизиқишлари, характер хислатлари, уларнинг шериклари кимлару, рақиблари кимлар, улар орасида иккиланувчилар борми ва ҳ.к);

- иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, психологик соҳаларда маслаҳатчиларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;

- музокара жараёнининг умумий стратегиясини аниқлаш;

- вазиятга қараб қандай ҳаракатни амалга ошириш тактикасини белгилаш;

- муҳокама этилажак муаммонинг мавжуд ечимларини аниқлаб қўйиш;

- агар музокара узилса, қай тарзда мақсадга эришиш йўлини белгилаш;

- музокаралар ўтаётгани ва натижа ҳақидаги маълумотларни қай тарзда ёритиш масаласини ўйлаб қўйиш (масалан, оммавий ахборот воситаларида).

Кўриниб турганидек музокарага тайёрланиш бу жараёни бошидан охиригача пухта режалаштириш демакдир. Музокарани тадқиқ этиш соҳасидаги кўпгина олимлар фикрича, учрашув натижаси, мақсадга эришишнинг асосий шарти музокара олиб борувчи шахснинг психологик жиҳатларига келиб тақалади.

Бу жиҳатлар қаторида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: музокара олиб борувчининг мақсадни аниқ билиши ва унга интилиши; кўп соҳаларда параллел тарзда фикрлашига қарамай мақсадни кўздан йўқотмаслик қай вазиятда ва вақтда қанча

маълумот беришни билиш, ўз нуфузи ва мавқеига оид ҳиссиётнинг ижобийлиги, музокара вазиятида диққатни жамлаш ва бир нечта йўналишга диққатни жалб этиш. Шу каби қатор психологик омиллар музокара олиб борувчи шахснинг ўта қийин вазиятда тўғри йўл топа олиши учун асосий шартлардир.

2-§. Самарали музокарани амалга оширувчи асосий омиллар

Самарали музокарани амалга оширувчи асосий омиллардан бири – музокара гуруҳидир. Оқилона ташкил этилган музокарада камида уч киши қатнашиши ўринли. Музокарадаги биринчи шахс раҳбар бўлиб, суҳбат давомида асосий фаолиятни ўз қўлига олади. Иккинчи иштирокчи эса ўзга томон вакиллариининг психологик ҳолатини талқин қилади, уларнинг манфаатларини ўрганади, улар нимани тасдиқлашяптию, нимада ўз сўзларига қарши чиқишаётганини аниқлайди, яъни кузатувчи ролини бажаради.

Умуман олганда, кузатувчилик вазифасини ўтаётган ходимнинг вазифаси ўзга томон вакиллариининг қанчалик самимийлиги даражасини аниқлашдан иборат. Кузатувчи берган маълумотлар нафақат ўзга томон, балки раҳбарнинг аниқ-ноаниқ ҳаракатлари борасида ҳам бўлиши мақсадга мувофиқ, яъни раҳбар кузатувчидан ўз хатти-ҳаракати ўринлилиги ёки асосий мақсадга зид бораётгани ҳақида маълумот олиб туради. Гуруҳ раҳбари орадаги танаффусдан фойдаланиб кузатувчидан маълумот олади ва музокара жараёнини ўзгартириш ёки такомиллаштириш учун асос яратади. Гуруҳнинг учинчи аъзоси эса музокара жараёнидаги аҳамиятли қисмларни ёзма қайд этади, баённомада акс эттирилади. Икки ёрдамчи берган маълумот асосида раҳбар энг мақбул қарор қабул қилиш имкониятига эга бўлади.

Маълумки, ҳар қандай музокара танишиш, контакт ўрнатишдан бошланади. Музокара жараёнининг бошланишидаёқ ўрнатилган ҳиссий муҳит кўп жиҳатдан унинг кейинги босқичларида ўз аксини топади ва ҳар бир томон ушбу муҳитни ижобийлаштиришга алоҳида эътибор бериши лозим. Ахир, музокаранинг бузилиши кўрсаткичларидан бири айти шу муҳитнинг совуқлашуви билан ифодаланади.

Музокара қийин ўтаётган вазиятдаги асосий шартлардан бири – кейинги учрашув учун ҳам «оқ йўл» қолдиришдир. Ҳатто ўйланган натижага эришилмаган тақдирда ҳам, биздан кейинги делегация музокара олиб бориши учун имконият қолдиришимиз зарур. Музокарларни таъминловчи муҳит ҳақида ўйлар эканмиз, ўзга томон вакилларига хос бўлган хусусиятлар ҳақида иложи борича тўла маълумотга эга бўлиш лозим.

Маълумки, турли миллат ёки жинс ёки ёш вакиллари ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу хусусиятларни музокара олдидан бир бор қайд этиш суҳбатни кўзланган маромда олиб бориш имконини беради. Ҳозирга келиб, халқаро муносабатлар мавзусига тегишли адабиётларда турли халқларга хос бўлган миллий психологик хусусиятлар ҳақида кўплаб маълумотлар ёзилган. Бундай манбалар билан танишиш, ёки ўзга гуруҳга оид ёш, жинс, касб мавзусидаги психологик билимларни қайд этиш музокара бошланиши чоғидаёқ ижобий муҳитни яратишга катта кўмак бўлади.

Учрашув натижалари кўпинча суҳбат олиб бориш услубига ва музокаралар қуришнинг методологик асосига боғлиқ. Психологик нуқтаи назардан, анчагина малакали тартибда ўтадиган музокара тури «мақсадга йўналган музокара» деб, аталади. Бундай музокаранинг асосий моҳияти – объектив меъёрларга асосланган қарор топиш мақсадида суҳбат учун мақбул ижтимоий-психологик шароитларни яратишдан иборатдир.

Бунда, объектив меъёрлар сифатида йўриқномалар, ҳуқуқий қонунлар ва имзоланган шартномалар иштирок этади. Музокара олиб боришнинг бу тури иш моҳиятига қатъий ёндашиш ва учрашув иштирокчиларига нисбатан эса илтифотли муносабатда бўлишни назарда тутди. Мақсадга йўналган музокаралар қўйилган мақсадларга эришиш ва шу билан бирга инсоний муносабатларни сақлаб қолиш имконини беради.

Мақсадга йўналган музокарадаги асосий тамойиллардан бири – томонларнинг муаммога қараши, масалага бўлган муносабати юзасидан баҳс олиб борилмайди, балки томонларнинг муаммода ифодаланган манфаатини аниқлаш ва уни қондириш йўл-йўриғини излашдан иборатдир. Музокара жараёнида асосий диққат-эътибор низодаги томонлар позициясига эмас, балки баҳс предметиға қаратилади. Баҳс предмети, уни ҳал этиш асосий ва ягона

масаладир. Музокара уч натижага эришилганда муваффақиятли деб ҳисобланиши мумкин:

- оқлона келишув;
- вақтни тежаш;
- томонлар ўртасидаги муносабатнинг яхшиланиши (ҳеч бўлмаганда ёмонлашмаслиги).

Ўзга томоннинг қарашини, уларнинг фикрлаш услуби ва масалага муносабати устида баҳс олиб бориш ўзганинг эътиқоди ва нафсониятига путур етказиш билан баробардир, бундай вазиятда эса музокаранинг узилиши муқаррардир. Демак, музокара қарашлар ўртасидаги келишмовчиликни эмас, балки турли манфаатлар ўртасидаги келишмовчиликни ҳал этишдан иборатдир. Музокара олиб борар эканмиз, муаммони муҳокама этишда қатъий туришимиз ва иштирокчилар билан муносабатларда эса юмшоқ бўлишимиз керак.

Музокара ташкил этилишида учрашув кимнинг ҳудудида ўтишига катта эътибор берилади. Меҳмонни кутиб олувчи томон қатор шартларни амалга ошириш билан бирга, ўз ҳудудида маълум имтиёз ва қулайликларга ҳам эга бўлади. Шунинг учун ҳам, худди спорт мусобақаси каби ўз ҳудудида ўтаётган учрашувдан раҳбар мақсадга эришиш йўлида иложи борича кўпроқ фойдаланиб қолиши лозим. Ўзга томон ҳудудида музокара олиб боришнинг ҳам ўз хусусиятлари бор. Бу эса авваламбор, меҳмонлик мавқеидан фойдаланиш ва ҳатто натижаси қониқарсиз бўлаётганда музокарани янада узоқроқ муддатга чиқиш имкониятидир.

Юқорида айтилганидек музокаралар давомида нафақат масала ҳал этилади, балки бўлажак муносабатларни такомиллаштириш учун пойдевор ҳам қурилади. Шу муносабат билан музокара жараёнидаги икки асосий жиҳатни ажратиб олган маъқул:

Муҳокама предмети.

Инсоний муносабатлар таҳлили. Бу икки жиҳат ўзаро муносабатда икки тамойилга риоя қилишни назарда тутди. Биринчидан, муҳокамага қўйилган масалада ютқазиб қуймаслик лозим, иккинчидан ўртадаги инсоний муносабатлар бузилиб қолмай, балки яхшилансин.

Музокара давомида инсоний муносабатни ривожлантириш ҳисобига муҳокама предмети юзасидан ютуқни қўлга киритиш мумкин. Масалан, жангари фильмларда кўплаб намоёниш этилувчи лавҳалардан бири – яхши ва ёмон полициячилар хулқидир. Ёмон

полициячи шубҳа остидаги кимсага аввалданоқ қўпол муносабатда бўлади ва ўртадаги муносабатни низо даражасига олиб келади, иккинчи полициячи эса шубҳали одамга ўта ижобий ва олижаноб муносабатда бўлади. Натижада яхши полициячи жиноят юзасидан яширилган маълумотни «хамирдан қил суғургандай» тортиб олади. Бу мисодда икки қарама-қарши ҳиссий муносабатга асосланган тактика тергов жараёни негизини тушунишга ёрдам беради.

Музокара ўтишидаги асосий босқичлардан бири – ечим талаб этаётган масалани муҳокама қилиш жараёни бўлиб, бунда ушбу масала юзасидан томонларнинг фикрини аниқлашга эътибор қаратилади. Бу босқичда томонларнинг масала юзасидан фикри аниқ тасаввур этилиши лозим. Музокара иштирокчисидан бу босқичда талаб қилинувчи малака – ўз фикрини аниқ равон баён этишдир. Ўз навбатида, бошқа томоннинг мулоҳазасини буткул тушуниш учун аниқлаштирувчи саволлар бериш ўринлидир.

Муаммони ҳал этишга оид ечимлардаги фарқ ва зиддиятларни ҳисобга олган ҳолда, одатда компромистик ёки иккала томоннинг манфаатини қондирувчи қарорга келинади. Бордию муаммо ечимини ишлаб чиқиш босқичи ҳаддан ташқари кўп вақт талаб қилса, музокара жараёнида қисқа танаффус эълон қилиш ўринлидир.

Муаммо ечими иккала томонни қониқтириши жуда қийин. Шу мақсадда музокара давомида бир неча ечимлар устида бош қотириш мақсадга мувофиқ – ҳар сафар у ёки бу ечим устида тўхталар эканмиз, унга таъсир этувчи омилларни аниқлаб олишимиз ва тўхтамага келишимизга салбий таъсир этувчи кучларни бартараф этиш имкониятини излаб топишимизни ҳам тақозо қилади. Мана шу кучлар ичида психологик мазмунга эгалари устида биров тўхталиб ўтишни лозим топамиз.

Музокара якунига салбий таъсир этувчи психологик омиллар. Қарор қабул қилиш жараёнига салбий таъсир ўтказувчи психологик омил сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

Юзага келиши кутилаётган номаълум шароитдан қўрқиш. Келажақда нима бўлишини билмаслик ва бундай номаълумликни қандай қилиб ҳал этиш муаммоси турли ечимни кечикиб қабул қилишга олиб келади. Айни шароитда энг мақбул воситалардан бири кутилаётган музокарага ижобий муносабатда бўлишдир.

Нотаниш вазиятда ишонч билан ҳаракат қилишнинг асосий усули – ижобий тарзда фикр юритишдир.

Ўзга томоннинг тасодифан қаршилик кўрсатиши. Бир қараганда текис ўтаётган музокара иштирокчиси учрашув охирлаган пайтда яна қаршилик кўрсатиши ҳар қандай одамни ғазабга, ҳам саросимага солади. Бундай вазиятда давомли пауза сақлаш орқали муносабатга бир оз масофа киритиш маслаҳат берилади. чуқур нафас олиб, хотиржам ҳолатда сабру тоқатда баъзи ибораларни такрорлаш орқали («Мен хотиржамман», «Ўзимни ўз қўлимда ушлаб турибман», «Вазиятни тўла-тўқис бошқараяпман») нафақат ўзимизни, балки хавотирда турган ўзга томоннинг кайфиятида ҳам ўзгариш пайдо қилоламиз ва суҳбатни давом эттириш пойдеворини қайта тиклаймиз. Вазият бир оз осойишта таланиб, руҳий ишонч қайтгандан сўнг ўзга томонга уни нима безовта қилаётгани, нега кайфияти бирданига ўзгаргани ҳақида савол билан муружаат этиш мумкин. Айнан шу услуб орқали мавжуд зўриқиш сабабини аниқлаш ва уни бартараф қилиш имконияти туғилади.

Кутилмаган фикр ва таклифлар. Одатда томонлар музокарага тайёрланар экан, юзага келиши мумкин бўлган ҳамма ечим вариантларини кўриб чиқадилар. Бу жараёнда ўзга томон айна ечимга қандай муносабатда бўлиши ҳақида бош қотирилади. Лекин, бу тахминлар доим ҳам музокара иштирокчисини қониқтирмаслиги аниқ ва аксинча, баъзан музокара мантиғига мутлақо тўғри келмайдиган фикр ва таклиф билан чиқиш ҳоллари ҳам учраб қолади. Бундай вазиятда музокара иштирокчисидан ўзга томонни тўлароқ тушунишга, янги ечим тафсилотини аниқлашга интилиш кузатилгани маъқул. Бизнинг тафаккуримиз одатда, ноанъанавий ва тасодифий ечимларга дарҳол ўз туғенини намоёни қилади. Психиканинг бундай хусусиятини билиш, кези келганда учраган қийинчиликни тезда енгиб ўтиш ва фаолликни янада ошириш имконини беради. Демак, кутилмаган таклифни иложи борича пухта ўрганиш ва уни асословчи далилларни талаб этиш лозим. Бундай вазиятдан қутилиш имконини берадиган яна бир усул қатъийят. Бу услуб, ўзга томоннинг баъзи камчилиги туфайли узилиб қолиши кутилаётган музокарани охирига етказишга ва ҳатто муваффақиятли якунлашга асос бўлади.

Кутилмаган ҳамкорлик. Баъзан ўзга томон биз кутганимиздан эртароқ шартимизни қабул қилиши, ҳамда биз билан ҳамкорлик

қилишга тайёрлигини намоён этиши мумкин. Айни пайтда ортиқча шубҳа ва ишончсизлик қарор қабул қилишимиз йўлидаги тўсиққа айланади. Мазкур вазиятга шубҳа билан қараш қулай имкониятни бой беришга олиб келиши мумкин. Аммо, кутилмаган розилик ортида яширин ниятнинг борлиги эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Бундай вазиятда юзага келган шубҳани ва ўзга томоннинг самимийлик даражасини аниқлаш лозим. Самимиятни аниқлаш музокара жараёнидаги анча мураккаб ҳолат ҳисобланади. Мавжуд имкониятлардан бири ўзга томон ҳаракатидаги новербал сигналларни таҳлил этиш орқали яширин, юзага чиқолмаётган маълумотларни олишдир.

Қарор қабул қилиш кўпинча вақт танқислиги вазиятида ўтади ва музокара иштирокчиларида маълум зўриқишни уйғотади. Ҳатто, музокара иштирокчилари ўзга томонни ноқулай вазиятга қўйиш ва имкониятни ўзлари томонга буриш мақсадида турли найрангларга ҳам борадилар. Шулардан бири ўзга томон учун вақт танқислиги шароитини юзага келтириш услубидир. Юзага келиши мумкин бўлган бундай нохуш вазиятга нисбатан раҳбар маълум даражада қарши тура олиш малакасига эга бўлиши лозим. Қуйида шундай малака ҳақида айтиб ўтилади ва бу, кези келганда, нафақат вақтни ютиш, ҳатто навбатдаги мақсадни бажариш учун ҳам ёрдам беради. Масалан, вақт танқислиги шароитида вақтдан ютишдаги услублардан бири – суҳбатдош таклиф этаётган ечим ёки қарорни батафсил такрорлашдир. Одатда бу усул психологияда «вербализация» деб, аталади ва бу орқали нафақат ўзга томон қарашини аниқлаш, балки, такрорлашга сарфланаётган вақт орқали «пауза» каби қўшимча муддатга эга бўлинади. Бундай шароитда қўлга киритилган ҳар қандай пауза ўйлаш учун яна бир муддатдир. Шу каби усуллар қаторига вақтдан ютиш мақсадида қисқа муддатли танаффус эълон қилиш, ойнани очиб қўйиш баҳонасида бир оз вақтни чўзиш, бир пиёла чой билан чалғиш ва ҳоказо услубларни санаб ўтиш мумкин.

Музокара олиб бориш шароитида тўсиқ пайдо бўлишининг яна бир манбаи – ўзга томонга хос шахсий муаммолардир. Бунинг натижасида ўртада зўриқиш, тушунмовчилик ва ҳатто, ўзаро шубҳа, ишончсизлик пайдо бўлади. Суҳбат чоғидаги бундай тўсиқларни олиб ташлаш малакаси жуда зарур ҳислатдир. Шу мақсадда қуйида бир неча услубни таклиф этамизки, уларни қўллаш нафақат муносабатларни ойдинлаштиради, балки музокара олиб борувчи

шахсининг ниятини самимийлаштириш имконини ҳам беради. Масалан, орада бирон зуриқиш вазияти пайдо бўлса, ҳазил-мутойибага мурожаат этиш, музокара иштирокчиларини ёқимли бирон-бир тадбирга таклиф қилиш, суҳбатни бошқа йўналишга буриш каби услублардан фойдаланиш керак.

Кўп ҳолларда ўзга томон музокара давомида асоссиз равишда ўз салбий муносабатини намоён қилади ёки суҳбат иштирокчиларига ишончсизлик билан қарайди. Бундай киши келаётган маълумот ичидан фақатгина ўз шубҳасини тасдиқловчи далилларни излайди, масала муҳокамасига кўпинча бир томонлама қарайди. Шунини унутмаслик керакки, ўзга томоннинг бундай муносабатини танқид остига олмаслик зарур ва имкон бўлган пайтда орадаги ишончсизлик булутини тарқатишга ҳаракат қилиш лозим. Бунинг учун, авваламбор мазкур инсоннинг ички ҳолатини иложи борица тўлиқ ақс эттиришга, уни тушунишга интилиш зарур. Бундай вазиятда раҳбар: «Хўш, мен унинг ўрнида бўлсам, нима қилган бўлардим, унга хос характер хислатлари ва имкониятлари менда бўлганда вазиятни қандай идрок этардим», деган саволни ўз-ўзига бериши керак. Умуман, суҳбат чоғидаги ҳар қандай салбий ҳолат мақбул ечим топиш имкониятини камайтиради ва музокарани боши берк кўчага киритади. Шунинг учун, иложи борица салбий ҳолатларни камайтириш ва уларни ҳатто бартараф этиш устида доимий иш олиб бориш лозим. Бу йўналишдаги оддий тадбирлардан бири – иложи борица ўзганинг салбий ҳолатига нисбатан шу тарзда жавоб беришга интилмасликдир. Суҳбатдошингиз қанчалик зўриқишига қарамай иложи борица ўзингизни хотиржам тутинг. Ундаги салбий ҳолат такрорланаверса, энг мақбул йўллардан бири – бу ҳолат натижасида пайдо бўлаётган ўз ҳиссиётингиз ҳақида очиқ-ойдин гапиришдир. Бундай услуб вазиятни ойдинлаштириш орқали, суҳбатдошининг ишончсиз ва салбий муносабати суҳбатга қандай тўсқинлик қилаётгани ҳақида унга аниқ маълумот беради.

Ҳаққоний ечим топиш йўлида. Масалани ҳал этиш даврида асосий эътибор томонлар манфаатини қондирувчи ечимга қаратилади. Тўғри тушунилган эҳтиёжлар ечимни топишни енгиллаштиради. Ечим излашда одатда икки томон ҳам ўз фикрини айтади ва таклиф этилаётган мулоҳаза қанчалик уларнинг манфаатига мос келиши таҳлил этилади. Бирон ечимга келиш осон эмас, ҳар бир томоннинг ечими ўзи учун тўғри ва тушунарли.

Айни шароитда ечимнинг тўғри ва мақбуллигини аниқлаш мақсадида объективлик мезонларидан фойдаланилади. Бундай мезонлар сифатида самимийлик ҳаққонийлик, қонунийлик ва амалиёт тамойиллари таклиф этилиши мумкин. Ушбу мезонларни томонлар қабул қилар экан, уларнинг амалий жиҳати ҳам бир хил тарзда қўлланиши керак. Агар ечим иккала томон учун бир хил ишлай олса, демак у ҳаётий ва объективдир. Мабодо музокарада бир томоннинг манфаати устун қўйилса, учрашув чоғида ғурур ва «паст кетмаслик» каби ғайритабиий ҳислар намоён бўлса, тамойиллар ишламайди. Агар бир томон ўз ечимида қаттиқ турсаю, ўзга томонни эшитишни хоҳламаса, демак музокара муддатидан аввал тугаши табиий.

Таклиф этилаётган ва ишлаб чиқиляётган ечимларга эътиборли бўлиш ҳамда бу ечимлар ўзганинг манфаатига қиёслаб борилиши лозим. «Агар бу ечим Сизнинг манфаатларингизни қониқтирса, нега уни қабул қилмаяпсиз? Чунки, бу ечим Сизники бўлмагани учунми?». Бу саволлар суҳбат узилиши арафасида учрайдиган кўп ҳоллардан биридир. Агар ечим анча вақтгача баҳс мавзусига айланаётган бўлса, томонлардан – «умуман музокарани давом эттириш керакми ёки йўқми» деб сўраш лозим.

Низолар мавзусидаги «СЕН-МЕН маълумот» услубига қаранг ваҳоланки, музокарадаги қийинчиликларни муҳокама этиб бориш мавжуд тўсиқларни тезда бартараф этиш имконини беради. Шундан сўнг, ҳар қандай қабул қилинаётган қарорнинг объективлиги бир неча бор текшириб ўтилиши даркор. Агар бу текширув давомида санаб ўтилган тамойиллардан четланиш сезилса, музокара давом эттирилиши ва мақбул ечим устида яна иш олиб борилиши лозим. Мабодо, ўзга томон масалани ечишдан бош тортаётган бўлса, ҳаққоний бўлмаган қарор қабул қилиниши қандай оқибатга олиб келиши ҳақида биргаликда ўйлаб кўриш керак. Вазият тақозоси билан объектив мезонга мос келувчи қарор топилса, унинг устида тўхталган маъқул, ҳар қалай ҳеч қандай ечимдан кўра бирон-бир қарор устида тўхташ муаммони ечиш имконини беради ва зарурат туғилган пайтда музокара столига яна қайтиш мумкин.

Музокара давомида ёлғон ишлатиш. Музокара давомида ёлғон маълумот бериш объектив мезонга зид келувчи, лекин шунга қарамай, кўп учраб турадиган ҳолдир. Музокарадаги у ёки бу томоннинг ёлғон ишлатиш сабабларини таҳлил этмаган ҳолда,

ёлғонга берилмаслик ва унга қарши туриш имкониятлари ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Ёлғондан самарали фойдаланиш кўпгина сотув шартномаларига оид музокараларда, қисқа муддатли шартномани имзолашда кўп учрайди. Авваламбор, шуни айтиш лозимки, алдовнинг самараси иккала томоннинг иштирокини тақозо этади, алдовчи жараёнга қанчалик тайёрланган бўлса, ўзга томон ҳам ҳар қандай алдовга қарши тура олиш малакасига эга бўлиши лозим. Умуман олганда, одам икки ҳолда кўпроқ алданади – биринчидан, ушбу муаммони тезроқ ҳал қилиш мақсадида шошилганда, аниқроғи унинг ижобий натижасини жуда хоҳлаганда, иккинчидан эса, масала ҳақида етарлича маълумотга эга бўлмаган пайтда. Шунинг учун, музокара олиб борувчидан доимо вазиятни аниқ тасаввур этиш ва ўз орзуси қурбони бўлиб қолмаслик ҳамда бўлажак музокара мавзуси ҳақида кўпроқ маълумот йиғиш лозим.

Бундан ташқари, маълум психологик қонунлар мавжудки, уларнинг инсон руҳиятида амал қилиши ёлғонга берилиш эҳтимолини кучайтиради. Жумладан, қуйидагиларни киритиш мумкин:

Обрў-эътиборга эга шахс билан мулоқотда унга шубҳасиз ишона бошлаймиз.

Ўзга шахс бизга қанчалик ёқимли бўлса, унинг маълумотини шунчалик ишонч билан қабул қиламиз ва аксинча, биз ёқтирмаган кимсанинг маълумотини шубҳа остига оламиз ва ишонқирамай қараймиз.

Одамнинг билим савияси ва ақлий салоҳияти қанчалик юқори бўлса, у ҳаётга шунчалик ишонч билан қарайди, у мушоҳадага мойил, вазиятларни мустақил равишда таҳлил қила олади ва ёлғон таъсирига камроқ берилади.

Мулоқот давомида инсоннинг айрим хатти-ҳаркатлари унинг ёлғон ишлатиши аломати бўлиб ҳисобланади.

Суҳбатдошимиз кўзини кўли билан беркитиши шу каби ҳолат ҳақида маълумот бериши мумкин. Ёлғон гапириш соҳасида баъзи «пихини ёрган» кимсалар бундай пайтда бурнига кўлини текизиш билан чекланади ва бу билан ёлғондан ўт олган ҳаяжонини яширмоқчи бўлишади,

Кўпчилик ёлғон гапирётган одамлар шеригининг кўзига қарашга уялишади. Шунинг учун кўз ҳаракатларига ҳам эътиборли

бўлиш керак. Кузатишлардан аниқланишича, одам ёлғон гапираётганда, яъни мавжуд бўлмаган нарсани хаёлида тасаввур этаётган пайтда кўзи ҳам ўзига хос равишда ҳаракатлар содир қиларкан. Хусусан, мавжуд нарсани хотирлаётганда иккала кўз гавҳари юқорига ва чап томонга йўналади, янги нарсани (ёлғонни) яратишда эса аксинча, юқорига ва ўнг томонга ҳаракатланади. Айтгандай, чапақай кимсаларда бу жараён тескари ўтади. Бундан ташқари ёлғон гапираётган кимсанинг кўзи ён атрофга тез-тез ҳаракатланади.

Аниқланишича, тананинг маълум ҳолати ҳам ёлғонни ифодалаш мумкин. Одам ҳақиқатни гапираётганда бош ўнг томонга сал энгашади ва тана хотиржам бўлади, ёлғон гапираётганда бош тўғри ҳолатни эгаллайди ва тана зўриқиш ҳолатига келади.

Қуйида келтирилган белгилар суҳбатдошимиз ёлғон гапираётганлигини аниқлаш учун ахборот манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин:

- кўп гапириш, аниқ матннинг кузатилмаслиги.
- жавоб беришдан аввал узоқ сукут сақланиши.
- чўзиб ва паст товушда гапириш.
- ички зўриқиш.
- номуносиб қўл хатти-ҳаракатлари.
- табиий бўлмаган юз ифодаси.
- юзнинг нотабиий қизариши ёки оқариши.
- кўз қорачиғининг ниҳоятда кенгайиши.
- кўзни суҳбатдошдан олиб қочиш.
- ишончсизликни ифодаловчи қўл ҳаракатлари (даханни, бурунни, кўзни қашиш).
- чаккани қашиш.
- мийиғида кулиш, сунъий юз ифодалари.

Шуни унутмаслик лозимки, ҳар бир инсонда ушбу кўрсаткичларнинг намоён бўлиши ўзига хос тарзда ўтади. Одамни билмай туриб, у ёки бу белгига қараб талқин бериш мумкин эмас. Кўрсатилган белгиларга асосланишдан аввал ўзга кимса билан қисман бўлса ҳам оддий мулоқот шароитида бўлиш лозим. Эслаб қолинган айнан шу вазият, кейинчалик таққослаш намунаси бўлиб хизмат қилади. Огоҳлантириш шундан иборатки, юқоридаги ҳар бир кўрсаткич ўзга кимсанинг ҳаяжонланиши ифодаси бўлиши ҳам

мумкин. Сухбат чоғида алданиб қолмай деган кимса қуйидаги қоидага амал қилгани маъқул: «Бир манбадан олинган маълумот – хали маълумот эмас. Икки манбадан олинган маълумот -фикрлаш учун туртки. Ва фақатгина уч манбадан олинган маълумот ушбу ахборотнинг ҳаққонийлигини у ёки бу даражада тасдиқлаши мумкин».

3-§. Террорчи шахслар билан музокаралар олиб боришнинг психологик жиҳатлари

Шуни таъкидлаш лозимки, терроризм хавфини бартараф этиш мумкин, ушбу муаммони ҳал этиб бўлмайди, деб ҳисоблаш нотўғри. Терроризм устидан ғалаба қозониш жамиятнинг барча қатламлари ва гуруҳларининг ҳаракатларини бирлаштириш орқали амалга оширилади. Террорчи шахсларнинг асосий мотивларидан бири фуқароларни гаровга олиш экан, уларни қутқаришда террорчи шахслар билан музокара олиб боришга тўғри келади.

Гаровга олинганларни қутқариш учун музокара олиб боришда қуйидаги психологик омиллар ҳисобга олиш керак:

- 1) гаровга олган жиноятчининг шахси;
- 2) гаровга олишнинг одатий мотивлари;
- 3) гаровга олувчиларнинг ўзини тутишини олдиндан кўриш;
- 4) музокаралар ўтказиш жараёни;
- 5) музокара олиб борувчи ва психолог маслаҳатчини таъминлаш;
- 6) музокара олиб борувчи, раҳбар ва қутқарув гуруҳи ўртасидаги ўзаро ҳаракат.

Музокара олиб борувчининг муҳим касбий сифатлари:

- 1) ҳиссий барқарорлик ва чидамлилиқ;
- 2) эшитиш қобилияти ва мулоқотга киришимлилиқ;
- 3) ўзгаларни асосларга таянган ҳолда ишонтириш ва мантиқий ҳукм чиқаришни билиш;
- 4) сухбатдошининг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар осон психологик алоқа ўрната олиши;
- 5) соғлом тафаккур ва нозик дидга эғалиги;
- 6) ноаниқ ҳолатларда ҳаракат қила олиши ва масъулиятни ўз зиммасига ола билиши;
- 7) музокарага жиддий ёндашиши;

8) агар музокаралар ижобий натижа бермаса ва гаровдагиларнинг ҳаёти хавф остида бўлса, куч ишлатиб бўлса-да озод этишга ёрдам бера олиши.

Нима учун одамлар гаровга олинади? Одамларни гаровга олишнинг мотивлари турлича бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам аён бўлавермайди. Сиёсий терроризмда хусусан жамоатчиликка ҳокимият аҳолини ҳимоя қилишга қодир эмаслигини сингдириш ҳақида гап боради. Шу билан бирга, одамларни гаровга олиш оммавий ахборот воситаларининг эътиборини жалб қилади. Террорчилар шундай низолар сонининг ортиши охир-оқибат аҳолининг кўзғалиши ва ҳукуматни ағдариб ташлашига олиб келади, деб умид қиладилар.

Лекин гаровга олишнинг бирламчи мотиви қандай бўлишидан қатъи назар, уларни кейинчалик ушлаб туриш мотиви ўзгариши мумкин. Масалан, банкни талаш пайтида фош қилинган жиноятчи аввалига катта миқдорда пул талаб қилиши, кейинчалик эса ўзининг жисмоний хавфсизлиги ёки суднинг муруввати кафолатланиши билан қониқиши мумкин. Террорчилар дастлаб зудлик билан сиёсий ўзгаришлар ёки бошқа шартларни талаб қилиш, лекин охир-оқибатда ушбу шартлар юзасидан музокараларга розилик бериши мумкин. Одамларни гаровга олишнинг дастлабки мотиви қандай бўлишидан қатъи назар, кўпинча маълум вақт ўтганидан кейин гаровга олувчи ўз даъволарини камайтиришга рози бўлади.

Гаровдагиларнинг ўзи музокараларда муҳим роль ўйнайди. Гарчи уларнинг ҳар бири ўзини турлича тутса-да, баъзан хатти-ҳаракатлардаги «Стокгольм синдроми» деган ном билан маълум бўлган умумий қирралар аниқланади. Бу синдромнинг ўзига хос белгилар тўплами қуйидагича:

- асирлар ўзларини қўлга олувчиларга қиёслай бошлайдилар;
- қурбон кўпинча қутқарувчилар кўраётган чоралар унга зарар етказиши эҳтимоли борлигини тушунади;
- асирда узоқ вақт бўлиш қурбоннинг жиноятчини одам сифатида билиб олишига олиб келади;
- асир ҳиссий томондан вазиятдан узоқлашади, бу нарса у билан содир бўлмаслиги керак, бунинг ҳаммаси туш, деб ўйлайди.

Асирдагилар ўзларини гаровга олганларга қиёслай бошлайдилар. Ҳеч бўлмаганда, бу аввалига ҳимоя механизми бўлиб, у агар ҳаракатлар биргаликда бўлса ва ижобий қабул қилинса, жиноятчи

қурбонга зарар етказмайди, деган янглиш ғояга асосланади. Асир амалда чин дилдан гаровга олувчининг ҳомийлигига эришишга ҳаракат қилади.

Қурбон кўпинча қутқарувчилар кўраётган чоралар унга зарар етказиши эҳтимоли борлигини тушунади. Қутқаришга уриниш вазиятни тубдан ўзгартириши, барқарор вазият ўта хавфлига айланиши мумкин. Агар гаровдаги одам қутқарувчилар ўқиға учрамаса, гаровга олувчининг ўқиға дучор бўлиши мумкин.

Асирда узоқ вақт бўлиш қурбоннинг жиноятчини одам сифатида билиб олишиға олиб келади. Унинг муаммолари ва интилишлари маълум бўлади. Бу, айниқса, асир ўзини гаровга олувчининг нуқтаи назарини, ҳокимиятдан норозилиги сабабларини билган сиёсий ва мафкуравий вазиятларда жуда яхши иш беради. Шунда қурбон жиноятчининг йўли ягона тўғри йўл деб ўйлаши мумкин.

Асир ҳиссий томондан вазиятдан узоқлашади, бу нарса у билан содир бўлмаслиги керак, бунинг ҳаммаси туш, деб ўйлайди. У фойдасиз, лекин вақтни олувчи «оғир ишда» қатнаша туриб вазиятни эсдан чиқаришға уриниши мумкин. Ўзини гаровга олувчи билан бир хил деб ўйлаши натижасида қутқарувчилар ва уларнинг интилувчанлигини ҳақиқатан ҳам бўлиб ўтаётган воқеада қоралаши мумкин.

Музокара олиб бориш нуқтаи назаридан бу синдром бир вақтнинг ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий томонларга эга. Ижобий томони шундан иборатки, «Стокгольм» синдроми қанчалик кучли бўлса, гаровга олувчи гаровдагиларни ўлдириши эҳтимоли шунчалик кам бўлади. Бошқа томондан гаровга олинганлардан келаётган хабар ишончли бўлмаслиги мумкин.

Одамлар гаровга олинганда уларнинг ҳаётини сақлаб қолиш, гаровга олувчиларни ушлаш ва мулкни қайтариш ёки муҳофаза қилиш асосий вазифа ҳисобланади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари музокара предмети бўлиши мумкин. Фақат сўрашаётган нарсанигина бериш керак. Агар бутерброд сўрашса, фақат бутерброд бериш, унга ичимликни ёки бошқа нарсани қўшиш керак эмас.

Ичимликлар ҳам музокара предмети бўлиши мумкин. Қоида тариқасида, бу алкогольли ичимликларга тегишли эмас. Бордию, ишончли манба орқали алкоголь гаровга олувчини бўшаштириши

ва юмшатиши маълум бўлса, уни беришга таваккал қилиб кўриш мумкин. Агар аксинча, алкоголь уни асабий ва жангари қилиб қўйиши маълум бўлса, ҳеч қандай ҳолатда унга ичимлик бериш керак эмас.

Гаровдагиларни озод қилиш ҳамisha музокара предметиدير. Гаровга олувчиларга озодлик бериш ҳам шундай предмет бўлиши мумкин. Уларни озод қилишга фақат гаровдагилар қўйиб юборилгандан кейингина ваъда берган маъкул.

Сотиб олиш энг кўп тарқалган талаблардан биридир. Бу тажриба кўпинча гаровга олувчи шахс ўраб олинганда қўлланилади.

Гаровдагиларни бошқа шахсларга алмашиш кўп сабабларга кўра қониқарсиз тактикадир. Гаровдаги одамни ҳуқукни муҳофаза қилиш идоралари ходимига алмаштириш кескинликни кучайтиради, чунки у гаровга олувчи учун катта хавф туғдиради. Бундан ташқари, гаровга олувчи учун оддий фуқародан кўра ҳуқук-тартибот ходимини ўлдириш кўпроқ обрў келтиради.

Гаровдагиларни гаровга олувчининг оила аъзоларига ҳам алмаштирамаслик керак. У «ўз-ўзини ўлдириш учун одам тўплаш» мақсадида қариндошлари ва дўстларини талаб қилаётган бўлиши мумкин.

Алмашувни амалга ошириш анча қийин жараён, чунки сиз гаровга олувчига яна бир кишини гаровга бериб, эвазига ҳеч нима олмаслик таваккали хавфи остида қоласиз. Бундан ташқари, ҳар бир алмашилган гаровга олинувчи билан сиз «Стокгольм синдроми» билан боғлиқ бўлган устунликни йўқотасиз.

Қандай қилиб бўлса ҳам музокараларни чўзиш керак. Вақт гаровдагилар соғ-саломат ва зиён етмай озод қилинишига хизмат қилади. Бунинг қуйидаги сабаблари бор:

1) озиқ-овқат, ичимлик суви, уйқу ва шу кабиларга бўлган эҳтиёж ортиб боради;

2) хатар камайиб боради;

3) одамларнинг кўпчилиги ҳиссиётларини жиловлай бошлайди;

4) «Стокгольм синдроми» шакллана бошлайди;

5) гаровдагиларда қочиб кетишга кўпроқ имконият пайдо бўлади;

6) олинган маълумотлар ишни яхшироқ билиб қарор қабул қилишга имкон беради;

7) музокара олиб борувчи ва гаровга олувчи ўртасида яхши муносабат ва ишончлар муҳит ўрнатилиши мумкин;

8) гаровга олувчининг талаблари камайиши мумкин;

9) низо ўз-ўзидан барҳам топиши мумкин. Баъзан гаровга олувчилар эвазига ҳеч нима талаб қилмай, ўз асирларини шунчаки қўйиб юборганлар.

Гарчи вақт шубҳасиз музокараларга қулайлик туғдирса-да, салбий оқибатларга ҳам олиб келиши мумкин. Музокара олиб борувчи ва кутқарувчилар чарчоқ таъсирига тушиб қолишлари натижасида хатолар қилишлари, низони тугатиш истагида ҳуқуқ-тартибот кучлари воқеаларни тезлаштиришни хоҳлаб қолишлари, масалан, улар тегишли эҳтиёт чораларини кўрмай, гаровга олувчиларга яқинлашиши ёки ўзлари яширинган жойда хушёрликни йўқотишлари мумкин.

Мулоқот ўрнатиш учун вақтни аниқ белгилаб олиш, гаровга олувчига тинчланиши учун вақт бериш лозим. Вақтидан олдин қилинган алоқа стресс ҳолатини келтириб чиқариши ҳамда уни ўйлаб кўрилмаган ва тажовузкор талабларга ундаши мумкин. Агар унда тинчланиш ва вазиятни реал баҳолаш учун вақт бўлса, унинг талаблари мулоҳазалироқ бўлади.

Алоқага киришишда мегафон ва бошқа овоз кучайтиргичлар ўзаро ишонч муҳити ҳамда яхши муносабат ўрнатишда самара бермаслиги мумкин. Юзма-юз мулоқот гаровга олувчининг руҳий ҳолати ҳақида яхшироқ мулоҳаза юритишга имкон беради. Музокара олиб борувчини кўриш имкони ҳам муносабатларни яхшилаши мумкин. Юзма-юз мулоқотнинг асосий камчилиги музокара олиб борувчи дуч келадиган хавфнинг катталигидир. Фақат бошқа алоқа воситалари орқали алоқа ўрнатилгандан кейингина юзма-юз музокара олиб боришга киришиш, яъни музокара ҳимоя тўсиқлари мавжуд бўлганда олиб борилиши керак.

Юзма-юз музокара олиб бориш жараёнида қуйидаги тавсияларга амал қилиш керак:

1. Аввало инсонларни гаровга олган одам Сизга ҳеч қандай зарар етказмаслиги тўғрисида сўз берсин.

2. Сизга нисбатан қурол ўқталган ҳолатда гаплашманг ва ундан қуролни тушириб мулоқотга киришишни сўранг.

3. Юзма-юз гаплашиш учун бироз вақт талаб қилинади, жинойтчи шахс билан тегишли муносабатлар ўрнатилиб, ўзаро

ишонч ва муҳит пайдо бўлганидан кейин музокарага киришинг.

4. Ҳеч қачон бир нечта жинойтчи билан юзма-юз ва айнан бир вақтда суҳбат олиб борманг.

5. Музокара давомида, вазият тақозо этса, қочиш имконияти ва шароит ҳисобга олинг.

6. Музокара вақтида гаровга олган одамга ҳеч қачон орқа ўгирманг.

7. Одамларни гаровга олган шахснинг кўзига доимо тик қаранг.

8. Одамларни гаровга олган шахснинг олдига бориш ёки яқинлашишдан аввал унинг ташқи кўриниши ва қиёфасини тезда кўздан кечиринг.

9. «Хавфсизлик доирасини» баҳоланг, жинойтчининг шу доирага кириши натижасида юзага келадиган хавфни ва ҳимояни чамаланг.

Телефон орқали мулоқот олиб бориш мулоқот олиб бораётган шахс учун максимал даражада хавфсизликни таъминлайди ва мулоқот олиб борилишини соддалаштиради.

Одамларни гаровга олган жинойтчи шахслар билан алоқа ўрнатиш. Одамларни гаровга олган жинойтчи шахснинг ёши, жинси, атрофдагилар тўғрисида имкони борича кўпроқ маълумот олишга ҳаракат қилиш керак. Жинойтчи савол берганда «ҳа» ёки «йўқ» деган жавоб билан чекланмасдан, тўлиқ жавоб қайтаришга ҳаракат қилиш лозим. Алоқа ўрнатиш жараёнида одамларни гаровга олган жинойтчи шахсга шундай саволлар берилиши керакки, у саволга жавоб бериш учун кўпроқ вақт сарфласин.

Музокара жараёнида жинойтчи билан жинойтчилар олами тилида гаплашиш яхши самара бериши мумкин. У билан мулойимлик ва босиқлик билан, қўполлик ишлатмасдан, «Инжил» ёки «Қуръондан» суралар ўқиса, ширк келтирмасдан гаплашиш лозим.

Одамларни гаровга олган жинойтчи шахс билан алоқа ўрнатиш жараёнида энг муҳим жиҳатлардан бири жинойтчининг руҳий ҳолатини баҳолаш ҳисобланади. Жинойтчининг руҳий ҳолати (кучли стресс ҳолатида, кўрқувда, хаяжонланяпти, девонасифат ва ҳоказо)ни билиш музокара олиб боришда ёрдам беради. Шунингдек, унинг фикрлаш доираси, билими, дунёқарашларини ҳам назардан четда қолдирмаслик керак.

Одамларни гаровга олган жинойтчи шахс билан музокара жараёнида ошкора алоқа ўрнатишга ҳаракат қилиш керак. Мулоқот

олиб борувчи ўзини таништириши, исмини айтиши ва жинойтчи ўзини қандай атаган бўлса, уни шундай чақиритиш керак. Унга «мулоқотларни олиб борувчи шахс» сифатида ўзини мунтазам таништиришдан, шунингдек, жиддий салбий жавоб беришдан воз кечиш лозим. Бу ҳаракатлар муносабатларни чигаллаштиради. У билан муросага келишга ҳаракат қилиш тавсия этилади. Масалан: *«Сиз ва мен бир қарорга биргаликда келиб, муаммонинг ечимини топишимиз мумкин», «Мен бошлигимга Сизнинг мактубингизни етказаман ва талабларингизни тўла қабул қилиши учун ҳаракат қиламан, аммо ўйлайманки, бу масалани ҳал қилиш жараёни қийин кечади»* ва ҳоказо.

Жинойтчи шахснинг мунтазам равишда қарорлар қабул қилиш билан банд бўлишига эришиш керак. Нима қилиш, муаммони қандай ва қачон ҳал қилишни ўзи ўйласин. Агар у овқатланишни хоҳласа, нимани емоқчи ёки ичмоқчи эканлигини билиб, етказиб беришга ҳаракат қилиш лозим. Бу мулоқотнинг самарали юзланишига ёрдам беради.

Жинойтчи шахс билан мулоқотни мунтазам равишда олиб бориш, агар у бирор нарсани талаб қилса, эвазига ундан ҳам бирор нарсани талаб қилиш керак. Шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, сигарета эвазига гаровдаги шахслар алмаштирилган.

Содир этилган ҳаракатлар, отишма натижасида ходимлар орасидан кимдир ҳалок бўлган ёки атрофдагилардан кимдир ўлган бўлса, бу тўғрисида жинойтчига билдирмаган маъқул. Акс ҳолда жинойтчи шахс боши берк кўчага кириб қолади ва бу ҳолат уни фавқулодда ҳаракатларни амалга оширишга ундайди.

Мулоқот жараёнида жинойтчи шахснинг бирон-бир нарсага эришиш умидининг сўнмаслигига мулоқотнинг давом эттирилишига сабаб бўлади. Мулоқотни шундай олиб бориш лозимки, бунда барча шахслар, яъни гаровга олинганлар, жинойтчи ҳамда музокара олиб борувчида ижобий натижага эришиш туйғуси устунлик қилсин. Рақибни алдаш билан боғлиқ ҳар хил уринишлар, масалан овқат ва ичимликларига гиёҳвандлик моддаларини кўшиб бериш катта таваккалчиликни юзага келтиради. Амалиётда кимёвий моддалар ёки гиёҳвандлик моддалари мавжудлигини осон йўл билан аниқлаш мумкин. Агар жинойтчи уни алдашга ҳаракат қилинганини билиб қолса, мулоқот жараёнига путур етади. Шунинг

учун шубҳа остига тушадиган ҳеч қандай ҳаракатларни содир қилмаслик лозим.

Гаровдаги шахсларни озод қилиш билан боғлиқ музокараларни олиб бориш мураккаб жараён бўлиб, оқилоналик ва яхши тайёргарлик натижасида олиб борилган мулоқотнинг ижобий натижа билан тугаши шубҳасиз.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Бошқарувда музокаралар олиб боришнинг психологик жиҳатлари ҳақида нималарни биласиз?

2. Раҳбар фаолиятида музокаранинг аҳамиятли жиҳатлари нималардан иборат?

3. Музокарага тайёрланишда амалга ошириш талаб этиладиган вазифалар тушунтиринг.

4. Музокара олиб боришнинг қанақанги босқичлари мавжуд?

5. Самарали музокарани амалга оширувчи асосий омилларга нималар киради?

6. Музокара олиб бориш шароитида вужудга келадиган тўсиқлар ва ижобий психологик алоқа ўрнатишни изоҳлаб беринг.

7. Музокара олиб борувчининг касбий-муҳим сифатлари нималардан ташкил топган?

ЭТНОПСИХОЛОГИЯ

**26-мавзу. ЭТНОПСИХОЛОГИЯ ФАННИНГ ПРЕДМЕТИ,
ВАЗИФАЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ**

**1-§. Этнопсихология фаннинг предмети, вазифалари ва
аҳамияти**

Ижтимоий ҳодисаларга муносабат жамият тараққиётининг муайян босқичларида турлича намоён бўла бошлайди. Мустақиллигимизнинг илк куниданоқ ҳаётимизнинг барча жабҳаларида «қадриятлар», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий ғурур», «миллий ифтихор» сингари тушунчалар тилга олина бошланди. Зеро, мустақиллик дегани миллий тикланиш дегани ҳамдир.

Ушбу атамаларнинг ҳаётимизга кириб келиши Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканини алоҳида таъкидлаш керак. Мустақиллик туфайли ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ўзгаришлар, жумладан, миллий қадриятларимиз, маданиятимиз, урф-одат, анъаналаримизнинг тикланиши, миллий ғуруримиз, миллий ўзлигимизни англашимизнинг борган сари юксалаётганлиги Биринчи Президентимиз асарлари ва нутқларида фахр-ифтихор билан эътироф этилмоқда. «Халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, – деб ёзади Ислом Каримов, – жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг маданий ва маънавий мероси теранлиги ва чуқурлиги англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олижаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айти чоғда ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ва уларга ошно бўлиш зарурлиги равшан англаб етилганлиги – мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирки, бизнинг янгилашни ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашини ошириш, аҳолининг сиёсий етуклиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз мана шу заминга таянади».

Ана шундай муҳитни вужудга келтириш, мамлакатда том маънода ҳар томонлама, барқарор тараққиётни таъминлаб туриш бу бевосита давлат сиёсатининг халқ талаби ва эҳтиёжларини, руҳий ва маънавий ҳолатини нечоғлик ҳисобга олинганлиги билан белгиланади. Ёки Ислом Каримов ибораси билан айтганда: «Халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олға силжитишда ҳал қилувчи, таъбир жоиз бўлса, белгиловчи аҳамиятга эгадир».

Этнопсихология ижтимоий психологиянинг алоҳида соҳасидир. Шунинг учун этнопсихология хусусида сўз юритишдан аввал ижтимоий психология фанига ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқ лозим.

Ижтимоий психология – одамларнинг ижтимоий гуруҳларга бирлашишини, бу гуруҳий тавсифни, шахснинг гуруҳий фаолияти ва хулқ-атворини, ижтимоий психологик қонуниятлар, ҳолатлар, ҳодисалар, ижтимоий установка кабиларни тадқиқот қилувчи психология соҳаси (Э.Ғ.Ғозиев).

Ҳозирги кунда ижтимоий-психология предмети хусусиятларига хос 4 та йўналиш мавжуд: биринчи йўналиш, катта ва кичик гуруҳлар, жамоа, расмий ва норасмий гуруҳлар, оиладаги шахслараро муносабатлар, лидерлик, мослик, жамоани бошқариш ва ҳоказолар; иккинчи йўналиш, гуруҳ ва жамоада шахснинг ҳолати, унинг мавқеи, ўрни, роли, бошқаларни идрок этиши, ўзига ва бошқаларга муносабат мотивлари ва йўналганлигини ўрганади; учинчи йўналиш, мулоқот муаммосига тааллуқли бўлиб, мулоқотнинг психологик таъсири, турлари, коммуникация каналлари, тўсиқлар ва бошқаларни ташкил этади; тўртинчиси, халқлар миллатлар, элатлар психологияси бўлиб у миллий ижтимоий ҳодисаларни, яъни миллатлар ва элатлар, халқнинг онгида, руҳиятида асрлар давомида сақланиб қолган анъаналар, расм-русмлар, ақидалар, удумлар ва бошқаларни ўрганади. Бу йўналиш этнопсихология фани билан боғлиқ.

Ижтимоий-психологиянинг замонавий, назарий ва амалий вазифалари мавжуд:

1. Назарий вазифаси – мустақил фикрловчи, эркин тафаккурли, инсонпарвар шахсни тарбиялаш, ёшларга мустақиллик

ғоясини сингдириш, халқимизнинг минг йиллик урф-одатларини сақлаш, халқимизда ўзаро муносабатларда демократия тамойилларига амал қилиш.

2. Ижтимоий-психологиянинг амлий вазифалари – саноатда, таълим, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги ижтимоий ҳодисаларни чуқур ўрганиш.

Ижтимоий психология бир неча соҳаларни ҳамдараб олади: дин психологияси, оила психологияси, муомала психологияси, кичик гуруҳ психологияси, катта гуруҳ психологияси, модалар психологияси, инсонни инсон томонидан идрок қилиш психологияси, этнопсихология ва бошқалар.

«**Этнопсихология**» термини – уч сўздан ташкил топган (юнонча): «**этнос**», сўзи «**халқ, элат**», мазмунида келади, «**псюхе**» – «**қалб, рух**» ва «**логос**», «**сўз**», «**таълимот**» мазмунида.

Демак, «**этнопсихология**» халқ (этнос) руҳи тўғрисидаги фандир (таълимот).

Этник гуруҳлар (этнослар) этнопсихология фани объектидир.

Этнос ва унинг вакиллари психик чизгилари, этнослараро ўзаро таъсир ва низолар эса этнопсихология фани **предметидир**.

Замонавий этнопсихология фани олдида турган **муаммолар:**

- этноснинг психик тузилишини ўрганиш (хусусан-миллатнинг), қандай психологик қонунларга бўйинсуниши, ривожланиши, тузилиши ва функцияларини аниқлаш;

- этник (миллий) характер муаммоси;

- этник гуруҳларнинг психик тузилиши ва характери ўртасидаги тафовутларни аниқлаш;

- этник характер типологиясини очиб бериш.

Этнопсихология фани олдида турган **вазифалар:**

- халқ маданиятини ўрганиш, унинг психологик моҳиятини очиб бериш.

- дин ва этнос психологияси ўртасидаги муштаракликни ўрганиш.

Этник психология – «этник психикани» ўрганувчи фан. Этник психика ўз ичига этник гуруҳнинг тараққиёти давомида ўзлаштирилган хусусиятлар, жараёнлар ва чизгиларни олади.

Этнос ибораси XIX аср охирларидан илмий тушунча сифатида фанга киритилди. Бироқ этнос тушунчасининг мазмуни хусусида

ҳозирга қадар олимлар ўртасида яқдиллик мавжуд эмас:

1. Этнос бир тилда сўзлашувчи, ўзига хос турмуш тарзи, урф-одат, маросимлар ва анъаналари тизимига эга бўлган, ўзининг келиб чиқиши бирлигини тан олувчи ўзига хос кишилар гуруҳи (С.М. Широкогоров).

2. Этнос тил, давлатга тегишлилик, иқтисодий алоқалар, маданий турмуш, дин бирлиги сингари бир қатор ижтимоий алоқалар натижасига асосланадиган кишилар жамоаси (С.А.Токарев).

3. **Этниклик** бу реал ижтимоий-иқтисодий алоқалар шароитида ўзаро тушунарли тилда сўзлашадиган муайян ҳудудда яшайдиган кишилар орасида ўзаро шаклланиб борадиган ва ўзининг маълум маданий хусусиятларини, мустақил ижтимоий гуруҳ эканлигини бутун ҳаёти давомида англаб борадиган ҳар қандай жамоадир (Н.Н. Чебоксаров).


Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, **этнос** – бу кишилар ижтимоий гуруҳларининг тарихий вужудга келган шакллари, жамоа бўлиб яшашнинг алоҳида шаклидир. Бундай жамоа табиий – тарихий йўл билан пайдо бўлади ва тараққий этади, улар жамоа гуруҳига кирадиган кишиларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмасдан, ўзини ўзи қайта тиклай олиш қобилияти ҳисобига юз йиллар мобайнида яшашга қодирдир.

Ҳозирги кунда ўзининг методологик ёндашуви ва тадқиқот усуллари билан фарқли этнос билан боғлиқ турли қарашлар ва мактаблар шаклланган.

Булар қаторига:

1. Л.Н.Гумилевнинг пассионарийлик назарияси.
2. Ю.В.Бромлейнинг дуал концепцияси.
3. Н.Н.Чебоксаров ва С.А.Арутюновнинг этнос билан боғлиқ инфор­мацион концепцияси.
4. Г.Е.Маркова ва В.В.Пименовнинг тизимли-статистик назарияси.

Демак, ҳозирги кунга қадар этнос тушунчаси ва таърифи бўйича фанда ягона фикр мавжуд эмаслигини эътироф этишимиз лозим.



Энди «миллат» тушунчасига ойдинлик киритсак.

Миллат атамаси қадимда ва ўрта асрларда келиб чиқиши бир бўлган, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан умумийлик касб этган маълум бир гуруҳ кишиларига нисбатан қўлланилган. Миллатнинг илмий концепцияси Э.Ренанга хосдир. Унинг фикрича, миллат маълум бир гуруҳга тааллуқли кишиларнинг биргаликда яшаши, олдинги аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган анъаналарни сақлаб қолишга бўлган ҳаракати ҳамда умумий мақсад йўлида бирлашишидир.

В.М.Мижуев «этносдан фарқли ўлароқ миллат бу менинг туғилишим билан белгиланадиган факт эмас, балки менинг шахсий танловим ва ҳаракатларим маҳсулидир. Этносни мен танламайман, миллатни эса танлашим мумкин. Миллат бу индивиднинг давлатга тааллуқли, ижтимоий, маданий мансублигидир. Асло унинг антропологик ва этник мансублиги эмас» деб таъкидлайди.

Бир этнос таркибига маданият ва диний кофессияларига сингари ўнлаб миллатлар кириши мумкин. Этнос миллатнинг бир қисмини англатиши мумкин. Масалан, миллат таркибидаги этник – диний гуруҳлар (болгарлар орасидаги мусулмон ва христианлар, немислар орасидаги протестантлар); этник ирқий гуруҳлар (Америка миллати бунта мисол бўлади); этник ҳудудий гуруҳлар (маълум миллат вакиллари у ёки бу ҳудуд, мамлакатда жипс бўлиб яшаши); учинчидан, этнос миллат ёки миллат шакилланишидан олдинги даврни англатиши мумкин.

Этнос миллатдан кенгрок тушунча бўлганлиги учун унга миллатдан ташқари ирқлар, уруғлар, қабилалар, элатлар каби миллий гуруҳларга хос этник гуруҳлар ҳам киради.

Шундай қилиб, «Этнос» атамаси «миллат» иборасига нисбатан кенг мазмунга эга эканлигини кўрамиз. Шу билан бирга, юқоридаги таъриф ва таҳлиллардан келиб чиқиб бу иккала тушунчалар орасидаги фарқлар ҳал қилувчи эмаслигини алоҳида таъкидламоқчимиз.

2-§. Миллатга хос хусусиятлар, уларнинг ўзига хослиги ва этник гуруҳларни бирлаштириб турувчи умумий хусусиятлар

Этнослар қуйидагиларга биноан уюшади:

1. **Этнослар умумий биологик аجدодларга эга ё шундай афсоналари мавжуд.** Масалан, туркийлар хусусида бир қанча афсоналар мавжуд (Раҳмон Насимхон. Турк хоқонлиги. – Т., 1993).

Ғарбий денгиз қирғоғида яшаган туркийларнинг ота-боболари кўшни қабилалар томонидан қириб ташланди. Фақат ўн ёшли бола яшириниб тирик қолди. Ўша ерда яшайдиган урғочи бўри унга хотин бўлди. Очликдан қутқариш, душманлардан яшириниш учун бўри ўша болани олиб Турфон тоғларига қочиб кетди. Тоғда бир ғор бор эди. У ерда урғочи бўри ўнта бола туғди. Болаларнинг отаси ўша қутқарилган турк эди. Бўри болалари Турфондаги аёлларга уйланди. Ҳар бир боладан бир уруғ келиб чиқди. Ўғилларидан бирининг исми Ашин эди. Унинг номи ҳамма қабила номини англатадиган бўлди. Ашин бошқа ака-укаларига караганда қобилиятлироқ, ҳам ақллироқ эди. Шу сабабли Ашин янги қабиланинг доҳийси бўлиб қолди. Уруғ сони аста-секин бир неча юз кишига етди. Ашиннинг меросхўрларидан бири, қабила доҳийси Асян шад бўри авлодларини Турфондан Олтой ерларига олиб келди. Бўри авлодлари бу ерда жужанларнинг фуқаросига айланиб, уларга темир қазиб берар эдилар, Олтойда улар турк номини олдилар.

Афсонага кўра, «турк» сўзи Олтой тоғининг энг қадимги номидан келиб чиққан. Иккинчи афсонанинг мазмуни шундай: Турк қабиласинининг ота-боболари Со салтанатига бориб тақалади.

Бу салтанат Олтойнинг шимолида жойлашган эди. Қабила бошлиғи Абанбунинг ўн еттита укаси бор бўлиб, шулардан бири

Ичасин Ишид «Бўри ўғли» деб ном олган эди. Со салтанати душманлар томонидан кунпая-кун қилинди. Омон қолганлари тарқалиб кетдилар. Бўри ўғли жуда тадбиркор эди. Шу сабабли имконият топиб, уруғини қийин аҳволдан олиб чиқди. Унинг ўғилларидан бири Оққуш бўлиб, Абакан дарёси бўйларида ҳукмронлик қилди. Иккинчи ўғли эса Цигу салтанатига асос солди. Бу салтанат Кама дарёси бўйларида эди.

Учинчи ўғли эса Чжучже дарёси бўйларида ҳукмронлик қилди. Катта ўғли Нудулу шад Ғарбий Саянга ўрнашди. Нудулу шаднинг ўнта хотини бўлган. Унинг ўғиллари онасининг қабиласи номини олдилар. Энг кичик хотинининг ўғли Ашин эди. Нудулу шад вафотидан кейин тахтга биронтаси ўтириши керак эди. Шунда ака-укалар, кимки кучли ва эпчил бўлса, ўша уруғ йўлбошчиси бўлади, деб қарор қилдилар. Мусобақада Ашин ғалаба қилди. У Асян шад номини олиб, уруғ боши бўлди. Унинг вафотидан кейин эса ўғли Туу тахтга ўтирди. Туунинг ўғли Тумин (Бўмин) турк хоқонлигига асос солди.

Тўба қабиласи Шимолий Хитойни босиб олди, у ердаги қабилалар орасида Ашиннинг беш юз оиласи бор эди. Шу пайтда Ашин уруғи хун ҳокими Муғанга қарам эди (Хунлар-туркийларнинг аждоди, бу давлатда бир қанча қабила-уруғлар бор эди). 439 йилда тўбалар хунлар устидан ғалаба қозонди. Шундан кейин хунларга тобе бўлган Ашиннинг беш юз қабиласи жужанлар ҳузурига қочиб борди. Олтой тоғларининг жанубида ўрнашиб, жужанларга темир қазиб бера бошладилар.

Ашин уруғи қаерда, кимнинг ҳукмронлиги остида бўлмасин, ўзларининг тилини сақлади. Тўбалар сингари тилини йўқотмадилар. Ҳатто шу кичкина уруғнинг урф-одати бошқа қабилаларга таъсир қилди.

Хитойлар ўзларига тобе бўлган Ашин қабиласини Ту-кю деб атаганлар. Хитойча Ашина ҳам дейилади. П.Пельо бу сўзни «турк-ют» (яъни туркийлар) деб изоҳлаган. **Турк** атамаси кучли, мустаҳкам демакдир. **Ашина** эса бўри дегани. Туркийча бўри мўғулча шоно, чино дейилади, **а** кўшимчаси хитойча ҳурмат маъносини билдиради. Бундан хулоса чиқадики, Ашина-ҳимматли, мард бўри деган маънодадир.

Қадимги Хитой муаллифлари туркий хони ва бўри сўзини маънодош деб қараганлар. Шунинг учун бири ўрнида иккинчисини

қўллайверганлар. Уларнинг Марказий Осиёдаги мавқеи баланд эди. Ҳатто сяньбий маликаси ўз эри Шаболио хонни бекорга «Бўри феъл-атворига эга бўлган хон», деб айтмаган эди.

Бўри ҳақидаги тасаввур Ашин уруғининг ҳамма томонига кириб борган.

2. Умумий ҳудудда ривожланади: Масалан: Туркийлар қанчалик катта ҳудудни эгаллаган бўлсалар, улар яратган ёдномалар шунчалик катта ҳудудга ёйилган. Бу ёдномалар Урхун дарёси бўйларидан Дунайгача, Ёкутистондан Гобигача, ҳатто Шарқий Оврупога ҳам тарқалган.

Ёдномалар қадимги туркий қабилалар бирлашмасининг маданий-сиёсий марказларига ва иқлим белгиларига қараб гуруҳланади. Улар қуйидагича:

1). **Шимолий Мўғулистон ёдномалари.** Бу гуруҳга йирик ёдномалар – Билга хоқон, Кул тигин, Тўнюқук, Унгин, Кули чур, Селенга, Қорабалсағун, Сужи ёдномалари, шунингдек, Хайто Тамирдан топилган ўнта ёднома, Их-Асхетедан топилган иккита ёднома, Хангай ва Гобидан топилган майда ёдномалар киради. Туркшуносликда бу гуруҳ **Урхун ёдномалари** деб юритилади.

2) **Энасой ёдномалари.** Бунга тошга, қояга, олтин ва кумуш идишларга, тангаларга ёзилган етмишдан ортиқ ёдномалар киради.

3) **Лена – Байкалбўйи ёдномаларига** қирққа яқин, ўқилиши қийин бўлган қисқа матнлар киради.

4) **Олтой ёдномалари** унчалик кўп эмас, битта қояга ёзилган ёднома ва қабрдан топилган бир неча кумуш идишлардаги ёзувлар, холос.

5) **Шарқий Туркистон ёдномалари** Турфондан топилган ва тошга битилган, Дунхуан ва Мирандан топилган қоғоздаги ёзувлардир.

6) **Ўрта Осиё гуруҳи ёдномалари** – Еттисув ва Фарғона гуруҳларидан ташкил топган. Еттисув гуруҳига Таласдан топилган ёдномалар (тангалар, уй рўзғор буюмлари, ёғочларга битилган ёзувлар), Фарғона гуруҳига керамика ва металлга битилган ёзувлар мансуб.

7) **Шарқий Оврупо ёдномалари** – Донецк ва Дунай гуруҳларига бўлинади. Биринчи гуруҳга Новочеркасскдан топилган иккита, Маяц шаҳридан ва Сарикўлдан топилган битта ғиштдаги ёзув мансуб. Иккинчи гуруҳга Над-Сен-Миклошдан топилган

кумуш идишдаги ёзув ва металлларга битилган ёдгорликлар киради.

Юқорида тилга олинган ёдномалар турли жойларга тасодифан келиб қолган эмас, балки қадимги турк ҳоқонлиги даврида шу жойларда туркий қабилалар яшаган – уларнинг Ватани бўлган.

Битигтошлар аввало туркийлар тарихи учун асосий манба, ҳам ёзма адабиётнинг илк намунасидир. Шу билан бирга, у этнографияга оид қизиқ маълумотлар беради. Топилган ашёлар қадимги туркийларнинг урф-одатлари турмуш тарзига оид далилларни бирмунча тўлдиради (Раҳмон Насимхон. Турк ҳоқонлиги. – Т., 1993).

3. Умумий маданият ва анъаналарга эга. Масалан: Туркийларнинг Утуканни муборак (идук) ҳисоблашлари ва «Оталаридан қолган» юртларига содиқ бўлишлари Ватан шуури ва муҳаббатининг энг юксак ўрнагидир. Эски турк динига (шомонийликка) биноан «Турк Тангриси» турк миллатининг ҳомийси бўлганидек, турк юртлари, хусусан, тоғлари, булоқлари, сувлари, ота-боболарининг мазорлари ва хотиралари ҳам муқаддас руҳларнинг макони ҳисобланиб, мамлакатнинг қўриқчиси ҳисобланарди. Чунончи, битикларда: «Тангри, Умай иа муборак Ер-сув биз учун душманни ғафлатда қолдирди», деган ифодалар учрайди. Кун ҳукмдори Метенинг: «Тупроқ миллатнинг илдизидир, уни қандай берайин», дейиши ҳам Ватан шуурининг туркларда қадимдан шаклланиб, ардоқланиб келаётганидан далолат беради.

Турк ҳоқонлари ва халқи миллий маданият, низом ва анъаналарни муқаддас билиб, ўта ҳассослик билан уларни ҳимоя этганликлари ҳам аниқ-равшан (Турон Усмон. Туркий халқлар мафкураси. – Т., 1995).

4. Бошқа шундай ижтимоий гуруҳларга ўзларини қарши қўяди. Масалан, Билге ҳоқон асорат даврида ўтказилган чин таъсири мупосабати билан: «Чин миллати ширин сўзу юмшоқ мол орқали узоқдаги қавмлар кўнглини (яъни туркийларнинг) олмоқчи бўлдилар. Лекин ақлли инсонларни барибир алдай олмадилар» (Турон Усмон. Туркий халқлар мафкураси. – Т., 1995).

5. Тараққиётининг юқори даражасида ўз давлатчилигини ташкил этади. Масалан, Милоддан олдинги 626 йилнинг кузида туркийлар тарихида биринчи давлат барпо бўлган, Алп Эр Тўнга шу давлатнинг асосчиси эди. Бу давлат тарихда сак (искиф) турк давлати деб ном олди. Сак-искиф турк давлати милоддан олдинги

еттинчи-эрамизнинг иккинчи юз йилликларида яшади. У Доғистондан Кичик Осиёга қадар чўзилган ҳудудни ўз ичига олган эди (Раҳмон Насимхон. Турк хоқонлиги. – Т., 1993).

6. Этнос ва миллатнинг умумий дин бирлиги бўлади. Масалан, Мўғулистон ҳудудида яшаган туркий қабилалар орасида буддизмнинг биринчи марта давлат дини сифатида пайдо бўлганидан дарак беради. Таспар хоқоннинг илтимосига кўра, унинг қароргоҳида будда ҳайкалчаси ўрнатилди. Бу ҳайкалча ва бугут мраммартосининг санскрит ёзуви битилган, бузилиб кетган томони Чинагуптага бағишланган. У Ҳиндистондан келган, хоқон қароргоҳида ўн йил яшаган буддистлар устози эди. Биринчи турк хоқонлари ҳокимият барпо бўлгандан бошлаб, катта империяни бошқариш ва ушлаб туриш учун буддизм қудратли ғоявий омил бўлади, деб тушундилар. Чамаси, бу даврда шомон дини ҳам бўлгану лекин стихияли тарзда бўлиб мавқеини унчалик мустаҳкамлаб олмаган эди.Сирдарё бўйидан топилган ёдномадан англашилишича, бургутга илк туркийлар сажда қилган. У осмон илоҳасини жонлантирган ва сулоланинг номига ишора қилган. Бургутга сиғиниш шомонликдан далолат беради.

Ўрта ва Марказий Осиёда шомонлик бора-бора умумий дин бўлиб қолди. Турган гапки, ҳаммабоп дин таркиби жиҳатидан турли ҳокимиятда умумий ғояни шакллантиришга хизмат қилди. Ҳар бир қabila ўз дини ва худосига эга бўлган пайтда умумий дин бирлик, ҳамкорлик учун катта аҳамиятга эга эди (Раҳмон Насимхон. Турк хоқонлиги. – Т., 1993).

7. Умумий тил. Масалан, Келиб чиқиши жиҳатидан бир бўлган халқларнинг тили ягонадир. Бу тилларда феъл, айниқса от туркумидаги сўзлар умумий. Қариндошлик анъаналари узоқ давом этган. Кейинчалик улар мустақил қабилаларга ажралган. Тиллари ҳам ўзича ривожланган. Турк сўзи бир минг беш юз йил давомида ўз маъносини ўзгартирган. V асрда Ашин атрофига тўпланган ўрда аҳолиси турк деб юритилган. Ҳаммаси туркий тилда гаплашганлар. Ана шу тилда гаплашган бошқа кўшни қабилаларга турк номи қўлланмаган. Фақат ҳудудий бирлик номга асос бўлган. Ўша даврларда Ўрта ва Марказий Осиёга саёҳат қилган араб тарихчилари асарларида шундай фарқлаш бор. Улар турк номи остида қайси тилда гапиришидан қатъи назар, Ўрта ва Марказий Осиёда яшовчи ҳамма қабилаларни назарда тутганлар. Рашидиддин

турк ва мўғулларни тилига қараб фарқлаган. Чунки XIII асрда мўғул тили алоҳида тил сифатида ажралиб чиқиб, туркий ёзув асосида ўз ёзувини шакллантирган эди (Раҳмон Насимхон. Турк хоқонлиги. – Т., 1993).

8. Этнос аъзолари умумий психологик хусусиятларга эга. Масалан, Ватан туйғуси Билга хоқонда жуда юксак. У турк халқининг Ватани абадий бўлиши учун курашади. Ватанни сақлаб қолиш фақат хоқоннинг ўзига эмас, халққа ҳам боғлиқ. Аждодларнинг ютуғларини хатоси буни тасдиқлайди. Халқ ўз хоқонининг йўл-йўриқларини амалга ошириши лозим, акс ҳолда унинг бошига кўп кулфатлар келади. Ўта ишонувчан бўлмаслик, бошқаларнинг гапини мулоҳаза қилгандан кейин иш юритиш керак. Самимийлик билан ёлғонни фарқлай билиш керак. Самимийликнинг остида кўпинча ёлғон бўлади. Қаттиқ гапирган, қаттиққўл хоқон ўз халқига ёмонликни раво кўрмайди. Одамни ажрата билмай, тўқис ишонувчан бўлса, фожиага йўл очилади, дарбадарлик шундан бошланади: «Эй турк халқи, тўқис ишонувчансан, самимий, носамимийни ажратмайсан, ким қаттиқ гапирса, самимийни ҳам танитайсан. Ўшандайлигинг учун тарбият қилган хоқонингнинг сўзини олмайин, ҳар қаерга кетдинг, у ерларда бутунлай ғойиб бўлдинг, ном-нишонсиз кетдинг. Ўша ерда қолганинг ҳар жойда зўрға ўлиб-тирилиб юрган эдинг» дейди Билга хоқон (Раҳмон Насимхон. Турк хоқонлиги. – Т., 1993).

Хуллас, этник психология ривожининг илк босқичида халқлар маънавий маданиятининг психологик ўзига хослигини ўрганишдан иборат бўлган XIX асрнинг ўрталарига келиб этнопсихологиянинг умумий категориялари шаклланган: халқлар психологияси, миллий характер, миллий руҳ каби. Х.Штейнталь, М.Лацарус, В.Вундт, Г.Лебонлар этнопсихологиянинг фалсафий-психологик йўналишига асос солганлар.

Этник психологиянинг категориал аппарати.

Ижтимоий гуруҳ – баъзи бир умумий хислатлар ва мақсадлар негизида бирлашган икки ёки ундан ортиқ одамлар жамоаси.

Референт гуруҳ – шахс учун муҳим ижтимоий гуруҳ.

Миллат – минглаб ва миллионлаб одамлардан иборат катта ижтимоий гуруҳ.

Этнос – табиий-тарихий жараён натижасида пайдо бўладиган ўзига хос ижтимоий гуруҳ.

Халқ муайян давлат ҳудудида яшовчи этносдир. Халқнинг этносга тааллуқлилигини онгли қабул қилган қисми – **миллат** деб юритилади.

Икки ёки ундан ортиқ халққа таалуқли индивидлар **метислар** номини олганлар.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Этнопсихология фаннинг предмети, мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. «Этнос» терминининг моҳиятини тушунтириб беринг.
3. Этнопсихологияни ўрганишнинг долзарблиги, илмий ва амалий аҳамияти ҳақида тушунтириб беринг.
4. Этнопсихологик хусусиятларни ўрганишдаги мураккабликлар деганда нимани тушунасиз?
5. Этнопсихология предмети ва объектини аниқлашда учрайдиган мураккабликларни изоҳлаб беринг.

27-мавзу. ЭТНОПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ ҒАРБ ВА ШАРҚДА ЎРГАНИЛИШИ

1-§. Этнопсихологик ғояларнинг вужудга келиши

Юнон файласуфларининг этнопсихологик қарашлари. Инсоният тарихининг қадимги даврларидан бошлаб этник гуруҳ психик ҳаётининг турли жиҳатлари билан боғлиқ масалаларга бўлган қизиқиш фақат ортиб бормоқда. Этник ва ижтимоий муносабатларга доир фикрлар динамикасига эътибор берадиган бўлсак, қадимги Юнонистон мутафаккирларининг ёзма манбаларда қолдириб кетган қарашларини таъкидлашимиз жоиз.

Қадимги дунё мутафаккирлари Аристотель, Геродот, Гиппократ, Демокрит, Пифагор ва бошқалар барча ижтимоий ва психологик ҳодисаларни тушунтириб бериш учун ягона бўлган умумий тамойилларни ишлаб чиқишга, хусусан, халқларнинг турли психологик хусусиятларга эга бўлишининг сабабларини очиб беришга ҳаракат қилганлар. Улар этнопсихологик хусусиятларнинг вужудга келишини, асосан, табиий-географик муҳитнинг таъсири билан боғлаганлар. Гиппократ (эрамиздан аввалги 460-375) ўзининг

«Ҳаво, сув ва қуруқлик» деб номланган асарда халқларнинг турли психологик ва жисмоний хусусиятлари бевосита иқлим шароити билан белгиланишини таъкидлайди.

Пифагор (эрамиздан аввалги 570-500) халқларнинг характер ва темперамент хусусиятлари вужудга келишида улар истеъмол қилаётган озиқ-овқатлар аҳамиятли деб ҳисоблаган. Унга кўра, ҳайвон гўшти ва ёғининг кўп истеъмол қилиниши одамларда қаттиққўллик ва дағалликни вужудга келтиради. Ўсимлик мевалари ва сабзавотларнинг муттасил истеъмол қилиниши эса тана фаолиятини сустлаштириб, одамлар табиатини мулойимлаштириши мумкинлиги таъкидланади.

Умуман олганда, қадимги олам мутафаккирлари ижтимоий муносабатлар кўп жиҳатдан одамларнинг яшаш муҳити билан белгиланиши мумкинлигини алоҳида эътироф этганлар.

Шарқ мутафаккирларининг этнопсихологияга доир фикрлари.

Шарқда этнопсихологик хусусиятлар тўғрисидаги фикрлар Қуръон ва муқаддас ҳадисларда кўплаб учрайди. Масалан, Пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг қуйидаги ҳадислари эътиборга моликдир: Унга кўра, Абу Ҳурайра (р.а.) ривоят қиладилар: «Расуллуллоҳ (с.а.в.): «Куфрнинг боши машрик томонда бўлиб, манманлик ва кибр кўчманчи отбоқар, туябоқар ва молбоқарларда, вазминлик (босиқлик, камтарлик) эса қўйбоқарлардадир»,- дедилар. Ушбу ҳадисда шахсдаги характер хусусиятлари халқларнинг кундалик фаолияти билан узвий боғлиқ эканлигига яна бир бор гувоҳи бўлишимиз мумкин. Қолаверса, мазкур фикрда психология фанидаги онгнинг фаолиятда ривожланиш тамойили мазмуни акс этаётгани ҳам эътиборлидир.

Шунингдек, бошқа ҳадисда эса Уқба ибн Амр ва Абу Масъудлардан ривоят қилинади: «Расуллуллоҳ (с.а.в.) муборак қўллари билан Яман тарафга ишора қилиб: «Имон ҳов анави Яман тарафдадир (эҳтимол бу ишора яманликлар ўта ҳалим бўлганликлари учундир-Б.Б). Огоҳ бўлингларки, кўполлик ва тошбағирлик эса шайтоннинг шохлари чиқадиган (яъни Машрик) тарафда яшайдиган Рабиъа ва Музор (қабиласидан бўлмиш) сигирлар думига эргашиб юрувчи молбоқарларда бўлади», – дейилади. Яъни, бу ҳадисда характер хусусиятларининг этнопсихологик жиҳатлари тўғрисидаги фикрлар ва уларнинг

ижтимоий муносабатларга таъсири масаласи ўзига хос тарзда таҳлил қилишга ҳаракат қилинган.


Ислом оламида «миллат» тушунчасининг ўзагини «мил», яъни «туб моҳият», «негиз» сўзлари ташкил этади. У бир неча маънода келади: 1) дин, мазҳаб; 2) уммат, бир мазҳабга мансуб аҳоли; 3) халқ. Ислом дини ижтимоий оламни соддалаштириб акс эттиришга интилади. Унга кўра, инсонлар иккига бўлинади: аҳли имон ва кофирлар. Шунга кўра, уларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари таркиб топади.

Ислом дини илк бор шахс хусусиятларини географик ва биологик детерминизмдан озод этиб, ижтимоий ва маданий детерминантларни олиб кирган. Шу билан бирга, инсон ички оламини инсоннинг ташқи оламга бўлган муносабатларига (фаолиятда) боғлиқ равишда ўрганиш лозимлигига ишора қилган. Ички ва ташқи олам ўртасидаги ҳалқа вазифасини имон бажарган. «Имон» категорияси инсон-олам координаталари моҳиятини очиб бера олган.

Имон диндаги устувор категориялар сирасига кирар экан, тадқиқот ишида мазкур жиҳатнинг фалсафий-психологик негизини очиб бериш зарурияти туғилади.

Фалсафада имонга «мураккаб тафаккур тарзи ва кучли хотирага эга инсон онги ва психологиясининг нодир ҳодисаси» сифатида қаралади.

Имон амал билан мукаммал. Амал деганда ислом динида ижтимоий муносабатлар ва фаолиятга доир муносабатлар тушунилади. «Муносабат» категориясининг киритилиши имонни ижтимоий-психологик феноменга айлантиради. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, одамлар қуйидаги тоифаларга бўлинади:



Кофирлар тоифасига мунофиқлар, мушриклар киради; мўминлар тоифасига гуноҳсиз мутеълар ва гуноҳкор муслимлар киради. Мунофиқларда амал бўлса-да, имон бўлмайди, шунинг учун улар зоҳирий мусулмонлар гуруҳига киритилади (улар тўқис амал қилганлари боис, атрофдагилар томонидан чин мусулмондай эътироф этиладилар); гуноҳкор муслимлар, ўз навбатида: тавбакор ва тавбасиз кишиларга бўлинади. Улар ботинан муслимдирлар (ваҳоланки, беамал бўлганликлари боис кофирдай кўринсалар-да). Кофирлар ва гуноҳкор мўминлар – золимлар қавмини ташкил этади. Мазкур тасниф нисбийдир, зотан Қуръонда: (Оли Имрон сураси оятларидан), «Аҳли китоблар орасида шундайи (ҳам) борки, унга катта миқдордаги пулни омонат берсанг, сенга (хиёнатсиз яна) қайтаради. Лекин шундайи (ҳам) борки, унга бир динор (пул)ни омонат берсанг, то устида қаттиқ туриб олмаганинггача, сенга қайтариб бермайди. Бунинг сабаби: Омийлар (араб мусулмонлар)га бизга (даражамизга етишга)ча йўл бўлсин». Яъни, яна бир бор кишиларни баҳолашда уларнинг ижтимоий муносабатларга кириша олиш хусусиятларини инобатга олиш лозимлиги эътироф этилмоқда.

Мунофиқларнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари тўғрисида пайғамбаримиз (с.а.в.) қуйидаги саҳиҳ ҳадисларида келтириб ўтадилар:

Расулуллоҳ (с.а.в.): «Мунофиқнинг аломати учта: сўзласа, ёлғон сўзлайди, ваъдасига вафо қилмайди, омонатга хиёнат қилади», - деганлар.

Расулуллоҳ (с.а.в) айтганлар: «Қуйидаги тўртта хислат кимда бўлса, аниқ мунофиқдир, кимдаки улардан биттаси бўлса, уни тарк этмагунча мунофиқликдан бир хислати бор экан, дейилади: омонатга хиёнат қилади; сўзласа, ёлғон сўзлайди; шартнома тузса, шартида турмайди; уришиб қолса кек сақлайди ва ноҳақлик қилади». Демак, мунофиқлик аломатлари бир бутунликни ташкил этмагунча, биз инсонни мунофиқлар тоифасига киритишга ҳақли эмасмиз, балки мунофиқлик аломатлари бор мўмин дейишимиз лозим.

Асл мўминларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим Ал-Бурсавий ўзининг «Мўминнинг сифатлари» номли китобида зикр этганлар.

Қуръони Каримда таъкидланганидек, ҳадиснинг ҳам биринчи

китоби иймон китобидир. Исломдан мурод иймон демакдир. Иймон мукаммал бўлмоғининг уч шарти кўрсатилади.

- тўғри эътиқодли бўлмоқ;
- кишилар билан яхши муносабатда бўлмоқ;
- киши ўз устида ишламоғи ва ўзини ибодат ва итоатда чиниқтирмоғи.

«Учта хислатни ўзида мужассам қилган кишининг иймони мукаммал бўлгайдир:

- инсофли ва адолатли бўлмоқ;
- барчага салом бермоқ;
- камбағаллигида ҳам садақа бериб турмоқ».

Демак, ҳақиқатан ҳам ислом динининг муқаддас арконлари мазмунида ижтимоий муносабатлар марказий мавзулардан бири сифатида гавдаланади.

Марказий Осиё мутафаккирларининг ижтимоий муносабатларга доир қарашларини ўрганар эканмиз, уларнинг ғоялари ислом динида илгари сурилган инсонни баҳолаш мезонларига асосланишини таъкидлаб ўтиш лозим.

Абу Наср Форобий ҳам шахс камолоти, шахс ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳақидаги кўплаб фикр-мулоҳазаларини ўз асарлари орқали ифодалаб беришга ҳаракат қилган. Мутафаккир фикрига кўра, жамоа аъзоларининг фаолияти бир бутун ҳолда уларнинг ҳар бирига яшаш ва комилликка эришув учун зарур бўлган нарсаларни етказиб беради. Шунинг учун инсонлар кўпайдилар ва ернинг аҳоли яшайдиган қисмига ўрнашдилар, натижада одамлар жамоаси вужудга келди, деб қўшиб қўяди муаллиф.

«Аҳолиси хушхулққа эга бўлмаган мамлакатда ҳокимиятга эҳтиёж сезилади», – деган фикри билан Форобий жамиятнинг демократлашуви, инсон эрки ва ҳуқуқларининг тўла таъмин этилиши мамлакат аҳолисининг хулқ-атворида, маънавий-ахлоқий камолотига боғлиқлигини кўрсатган. Мутафаккир агар аҳоли ўз ҳуқуқ меъёрлари доирасида амалдаги қонунларга бўйсуниб яшашни турмуш тарзига айлантурса, ўз хатти-ҳаракатини маълум қонун-қоидалар йўналишига тушира билса, ақл-идрок, одоб-ахлоқ категорияларини ҳаётнинг ҳар бир дақиқасида намоён қилиб борса, жамиятнинг маънавий қиёфаси баркамол, шахснинг яшаш тарзи етук, эркинликлари эса чексиз бўлади, дея эътироф этади.

Шарқнинг бошқа бир мутафаккири Берунийнинг фикрича, инсон ердаги бунёдкор ва яратувчи кучдир. Шунингдек, у инсоннинг ижобий ва салбий томонларини таъриф этади.

Алломанинг инсон хулқ-атвори хусусидаги мулоҳазалари бундан минг йил аввал қанчалик долзарб бўлса, бугун ҳам шунчалик муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, унинг инсон моҳиятини ақлда, ақл моҳиятини эса ҳаракатда кўриш мумкинлиги хусусидаги фикрининг ҳозирги замон психологиясида устувор бўлган «психика фаолиятда намоён бўлади», деган тамойилга қанчалар ҳамоҳанглигини сезса бўлади.

Абу Райҳон Беруний ҳам барча даврларда долзарб бўлган – жамият, инсоннинг ижтимоий ҳаёти, унинг бахти хусусидаги масалаларни четлаб ўтмаган.

Одамларнинг жисмоний тузилишидаги айрим фарқларни уларнинг ирқий келиб чиқиши билан боғлайдиган назарияларга қарши чиқар экан, Беруний одамлар, умуман жамият турмушидаги географик омилларнинг аҳамиятини ҳам инобатга олиш жоизлигини таъкидлайди. Берунийнинг географик омиллар ўрни хусусидаги тасаввурлари, кадр қиймати, биринчидан, унинг кузатишлари самараси эканлиги билан белгиланса, иккинчидан, унинг ўз кузатишларидан пишиқ-пухта хулосалар чиқара олиш қобилияти билан белгиланади.

Беруний фикрига кўра, у ёки бу халқларнинг кўплаб жисмоний хусусиятлари ва фарқлари улар яшаётган шароитлар, географик муҳитдаги тафовутлар билан боғлиқ.

Хоразмийлар, сўғдлар, юнонлар, римликлар, форслар, ҳиндлар, яҳудийлар ва бошқаларнинг қарашлари, анъаналарини таҳлил қилар экан, аллома ниҳоятда объектив бўлишга интилади. Бу юқорида айтилган фикрни тасдиқлаб, унинг илмий методига хос муҳим жиҳатлардан бирини кўрсатади.

Олим у ёки бу халқнинг ахлоқий қарашлари, урф-одатлари устида тўхталар экан, унинг ўзига хос анъаналарини сира камситмаган ҳолда кўрсатишга интилади. У халқларни табақаларга бўлиб, бирини иккинчисидан устун қўйишни қаттиқ қоралайди.

Географик омилнинг башарият турмушида тутган ўрни хусусидаги ўз мулоҳазаларини баён этар экан, Беруний нафақат унинг жисмоний тузилишини белгилашдаги ўрни тўғрисида, балки турли кўринишга эга ижтимоий ҳодисалар детерминацияси ҳақида ҳам сўз юритган.

Беруний турли халқларнинг у ёки бу урф-одати, удумидаги тафовутларни таҳлил қила туриб, бу тафовутлар географик шарт-шароит билан боғлиқ, деб тушунтиради. Беруний тиллар ўртасидаги фарқни ҳам ана шу нуқтаи назардан изоҳлаб кўрсатади.

«Тиллар ўртасидаги тафовут, деб ёзади мутафаккир, кишиларнинг халқларга бўлиниш ҳамда уларнинг бир-бирларидан узоқ-узоқда яшашлиги билан боғлиқдир». Берунийнинг турли тилларнинг мавжудлиги тўғрисидаги фикрлари Форобийнинг: «Бир халқ бошқа халқдан учта табиий нарса: ахлоқ, характер ва кишилар характериға асосланган учинчи – фикр ифодалаш воситаси бўлган тил билан фарқ қилади», деган фикриға жуда мос келади.

Шу нарса характерлики, Берунийға кўра, жамиятда яшовчи кишининг эҳтиёжи тил пайдо бўлишининг асосий сабабчисидир. Бу борада Беруний ёзади: «Ҳар бир халққа умум томонидан қабул этилган нутқ керак, чунки кишилар мана шу тил ёрдамида ўзларининг турли-туман мақсадлари (фикри)ни ифодалай олишлари мумкин бўлсин».

Юқорида номлари тилға олинган мутафаккирларимиздан ташқари Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби алломалар ҳам шахс камолоти, шахсининг камолотға эришувида жамият ва қадриятларнинг ўрни хусусида ўзларининг ноёб фикрларини ёзиб қолдирганлар. Аждодларимизнинг илмий фалсафий таълимотлари тор миллий қобикда ўралиб қолмасдан, балки ҳам миллий, ҳам умумбашарий аҳамиятға эға бўлган таълимотлардир.

Ўрта асрларда этнопсихологик гоёларнинг европа мутафаккирлари томонидан ривожлантирилиши.

Халқларнинг психологик хусусиятларини иқлим ва бошқа табиий омиллар билан боғлаб тушунтириш кейинги даврларда – Ш.Монтескье, Ж.Ж.Руссо, Д.Дидро, А.Гумбольдт, шунингдек, айрим замонавий тадқиқотчилар фаолиятида ҳам учрайди (Ч.Валихонов, Семёнов Тянь-Шанский ва бошқалар). Социологиядаги «географик детерминизм» оқимининг асосчиларидан бири – Ш.Монтескье (1689-1755) ҳам халқлар ўртасидаги психологик тафовутларни кишиларға доимий таъсир этадиган турли-туман табиий иқлим ҳосиласи, деб тушунтиради. Файласуф иқлим ва замин халқларнинг ахлоқ меъёрларигагина таъсир этиб қолмасдан,

давлат сиёсатига, маданий тараққиёт даражасига, «психологик қиёфа»сига ҳам кучли таъсир кўрсатади, деб ҳисоблайди. Ш.Монтескье совуқ иқлимда яшайдиган халқлар чидамли, бақувват; иссиқ иқлимда яшайдиган халқлар эса жисмоний жиҳатдан заиф ва ожиз бўлишади, деб иқлимнинг кишилар хулқ-атвориغا бўлган таъсир кучини муболағалаштиришга ҳаракат қилган.

Бизнингча, иқлим таъсирида инсон танасида рўй берадиган физиологик жараёнларни ижтимоий-сиёсий ҳодисалар ва ахлоқ меъёрлари вужудга келиши учун моддий асос қилиб олиниши, биологик ва ижтимоий қонуниятларни бир-биридан фарқлай олмаслик оқибатидир. Бу эса, назаримизда, ижтимоий-тарихий ҳодисаларни тушунтириб беришдаги янглиш хулосаларда ўз аксини топиши мумкин.

Ғарбий Европа мутафаккирларининг этник ва ижтимоий муносабатларга доир қарашларини шарқ алломалари маълум даражада кенгайтиришга эришганлар.

Этник ва ижтимоий муносабатларга доир қарашлар ривож топар экан, секин-аста уларни тадқиқ этишнинг илмий негизлари ҳам вужудга кела бошлаган. Этник ва ижтимоий муносабатларга доир қарашларнинг илмий асослари XX аср ўрталарида концептуал яқун топган.

2-§. Германияда халқлар психологиясининг тадқиқ этилиши

Тадқиқотлар маркази бўлган «халқлар психологияси»ни мустақил йўналиш каби асослашга ҳаракат XIX аср ўрталаридан бошланган. Янги фан соҳасининг асосчилари немис олимлари М.Лацарус (1824-1903) ва Х.Штейнталлардир (1823-1899). Улар концепциясининг асосий мазмуни келиб чиқиш ва истиқомат муҳитининг ягоналиги натижасида «бир халқнинг барча индивидлари қалби ва вужудида ўз халқи табиатининг алоҳида тамғаси босилади»; бунда «вужуднинг қалбга таъсири натижасида барча индивидларда бир хил бўлган руҳ хусусиятлари, мойилликлар туғилиб, пировардида, уларнинг барчаси бир хил халқ руҳига эга бўладилар», деган мулоҳазасида ўз ифодасини топган.

«Халқлар психологияси»нинг асосий вазифалари қилиб қуйидагилар белгиланган: а) халқ руҳи ва унинг ҳаракати

моҳиятини психологик жиҳатдан англаш; б) халқнинг турмушдаги, санъатдаги ҳамда илмдаги ички маданий ёки идеал фаолият қонуниятларини тушуниш; в) бирон-бир халқ хусусиятларининг пайдо бўлиши, ривож ва йўқолиш сабабларини очиш.

«Халқлар психологияси»да икки жиҳатни фарқлаш мумкин: биринчидан, умуман халқ руҳининг ўзи, халқнинг яшаш ва фаолият шароити ўхшашлиги таҳлил қилинади ҳамда унинг тараққиёти умумий унсурлари ва уларнинг ўзаро муносабатлари аниқланади; иккинчидан, халқ руҳи ва унинг тараққиёти хусусий шакллари батафсилроқ тадқиқ қилинади. Биринчи жиҳат этнотарихий психология, иккинчиси психологик этнология номини олган. Тадқиқ қилиш жараёнида халқ руҳиятининг мазмунини очиб берадиган таҳлилнинг бевосита объектларига афсоналар, тиллар, ахлоқ, турли маданиятларнинг турмуши ва бошқа хусусиятлари киради.

М.Лацарус ва Х.Штейнтал томонидан 1859 йили илгари сурилган ғоялар баёни ниҳоясида «халқлар психологиясининг» қисқача изоҳини берамиз. Улар «халқлар психологияси»ни улар этник психологиянинг, халқ руҳини тушунтирувчи фанлар, халқларнинг маънавий ҳаёт унсурлари ва қонунлари хусусидаги таълимотлар сирасига киритишни ҳамда уни умуман инсон зотининг, башариятнинг руҳий моҳиятини тадқиқ этиш асосида шакллантиришни таклиф қилишган.

М.Лацарус ва Х.Штейнтал ифодалаб берган маданиятларни тадқиқ қилишнинг умумий йўналиши, улар кўйган муаммолар ҳозирда ҳам ўрганилмоқда. «Халқлар психологияси»ни таҳлили (этнопсихология ёки маданиятнинг ментал тури, ёки «ибтидоий тафаккур» муаммоси кўринишида) XX асрда маданиятларни тадқиқ қилишнинг энг асосий қисми бўлиб қолади.

В.Вундтнинг энциклопедик тизимидаги «халқлар психологияси» бошқа руҳият хусусидаги фанлар ичида алоҳида ўрин эгаллайди. В.Вундт «халқлар психологияси» атамаси ўзининг шахсий кашфиёти эмаслигига қарамай, илмнинг ушбу соҳасига ўзгача муносабатда бўлган. В.Вундтнинг фикрига кўра, «халқлар психологияси» башариятга тааллуқли маънавий ҳодисаларни ўрганиши лозим эди. Ушбу соҳага доир психологик фанга бўлган эҳтиёж асосан қуйидагилар билан изоҳланган: «гарчи одамларнинг биргаликдаги турмуши, шаксиз, психик табиатга эга бўлса-да, индивидуал руҳий ҳаёт қонунлари ва шароитлари билан

тушунтириб бўлмайдиган ҳодисаларни келтириб чиқаради. Шундай экан, бунга ўхшаш феноменларни тадқиқ этувчи алоҳида фан зарур».

Индивидуал психология йўналиш вакилларининг қарашлари «халқлар психология»сини ихтилофлар ҳудудига айлантирди. Ушбу йўналиш тарафдорлари фикрига кўра, алоҳида воқеликка эга ҳеч қандай интерментал⁵⁷ руҳий ҳаёт мавжуд эмас; жамият – алоҳида индивидлар хулқ-атворининг механик конгломератидир⁵⁸ холос; социум⁵⁹ руҳий ҳаётининг аниқ борлиғи конкрет одамлар руҳий ҳаётининг реал воқелигига эпифеноменал⁶⁰ нисбатдадир; барча руҳий жараёнлар фақатгина конкрет индивидуумлар онгида кечади; ижтимоий шуур – бу индивидуал онглари йиғиндисидир. Индивидуализм методологиясининг нуқтаи назари «жамиятда индивидда йўқ ҳеч нарса мавжуд эмас» деган формула орқали ифодаланади. Агар бундай қарашларни таянч нуқта қилиб оладиган бўлсак, унда нафақат социология, балки ижтимоий психологиянинг мавжуд бўлиш ҳуқуқи шубҳа остида қолади. Чунки бунда уларнинг иккиси ҳам индивидуал психология фанининг бўлимларига айланарди.

Вундт бундай қарашлар чекланганлигини яхши англаган. Унинг таърифига кўра «халқ руҳи» қаердадир кўкларда парвоз қилмай, бизнинг вужудимизда яшайди. Бироқ у аниқ бир кимса томонидан яратилмайди, у ҳамжамият меҳнати маҳсули. Унинг эмпирик сезса бўладиган шакли – кўплаб индивидларнинг ҳамжиҳатликдаги руҳий фаолияти натижасидир. Жамиятнинг руҳий қиёфаси минглаб одамлар ижоди орқали намоён бўлади. «Халқ руҳи» воқелиги – кўплаб одамларнинг биргаликдаги фаолияти самараси ва уларнинг алоҳида ҳеч бириники эмас. Вундтнинг «халқ руҳи» тушунчаси Дюркгеймнинг «жамоавий тасаввурлар»ига ўхшаш ва ўз ичига индивид томонидан эмас, балки индивидлар яратаётган, индивидуал қалб кўрида яшайдиган – бироқ унинг томонидан туғилмайдиган барча нарсаларни олади.

¹ Интерментал (лот. Inter – ўрта, mental – тафаккурий, ақлий) – тафаккурлараро.

² Конгломерат – йиғинди, уюшма.

³ Социум – ижтимоий муҳит.

⁴ Эпифеномен (юн. ері – ёнида, phainomenon – ҳодиса) – бу ерда, ҳаракатсиз кўшимча сифатида тушунилади.

Индивидуализмнинг номиналистик нуқтаи назарига В.Вундт ўзининг реализм ёндашувини қарши қўяди. Унинг далиллари қуйидаги жумлалар билан асосланган: «Албатта, халқ руҳи унга тааллуқли алоҳида руҳлардан иборат; алоҳида руҳларсиз у ҳеч нарса ва у ниманиқи вужудга келтирар экан, бизни беилож ортга, индивидуал руҳ хоссалари ва қудратига мурожаат этишга мажбур қилади. У безътироф мавжуд экан, маълум таркибий яхлитлик туғдирадиган азалий шартлар унинг аъзоларида бўлмоғи лозим, бироқ бу билан таркибий яхлитлик яратаётган ҳосилаларни унинг азалий шартлари билан тушунтирса бўлади, дея эътироф этилмайди. Бир хил уюшилган кўплаб индивидуумларнинг ҳамжиҳатликдаги турмуши ва ушбу турмуш тарзи оқибатида келиб чиқадиган ўзаро таъсир, киритилган янги шарт каби, яна ўзига хос қонунларга эга янги ҳодисаларни пайдо қилади. Гарчи ушбу қонунлар индивидуал шуур қонунларига зид бўлмаса-да, бироқ айнан шу боис ҳам у сўнггиларда мавжуд эмас».

Агар юқорида келтирилган мисолдан немисча «халқ руҳи» иборасини мазмунан ўхшаш бошқа бир иборага алмаштирилса муаллифлиги Э.Дюркгеймга тааллуқли матн кўзга ташланади. Нима бўлган тақдирда ҳам: фикр ва унинг мантиғи ривожининг ўхшашлиги кундай равшан. Фақатгина В.Вундт Э.Дюркгейм тез орада хатлаб ўтган чизик олдида тўхтади. Вундт учун жамоавий руҳий борлиқ *sui generis* воқелиги чизгиларига эга. Зотан, пировардида, немис мутафаккири ижтимоий воқеликдан дюркгеймона иборага ўхшаш хулосани чиқармайди. Вундтни психолог сифатида тўғри мазмундаги жамият эмас, балки ижтимоий ҳаётнинг «ўзига хос маънавий», «ментал» таркибий қисми қизиқтиради. Бир ҳисобда унинг тадқиқотлари предмети «ўрмон эмас» «дарахтлар»дир. У ижтимоий воқеликни бус-бутунлигини эмас, биргина ушбу воқеликнинг «инсоний мезонини» ўрганайди. Шунинг билан, Вундтнинг аниқ мазмуний (методологик эмас) тадқиқий режалари психологик билимларнинг ўзига хос масалалари ўзанида белгиланди.

Биринчидан, В.Вундт «халқлар психологиясини» нафақат индивидуал психологияга, балки психологик билимларнинг «ирқлар психологияси» ва «омма психологияси» каби бўлимларига қарши қўяди. В.Вундт ижтимоий-маданий жараённинг асл субъекти сифатида бир ҳудудда яшовчи, бир давлат тасарруфидаги, бир

тилда сўзлашувчи ҳамда умумий маданий–тарихий меросга эга алоҳида ижтимоий жамоа, одамлар гуруҳини қабул қилади. В.Вундтнинг қандайдир ижтимоий-гуруҳий бирлик эмас, балки халқ психологияси қизиқтирган. В.Вундтнинг тушунишича, «халқлар психологияси» кенг маънодаги «ижтимоий психологияга» монанд эмас. Бошқа ижтимоий жамоаларнинг ҳам ўз «руҳи» мавжуд. Зеро, омма қалби ва халқ руҳи моҳиятан турли нарсалардир. Айнан халқлар маънавий маданият устувор кўринишларининг асл яратувчилари сифатида башарият тарихида саҳнага чиқадилар, айнан улар маданий-тарихий амалиётнинг асл субъектларидир.

Иккинчидан, «Халқлар психологияси»нинг ички тадқиқий ҳудуди ҳам маълум бир чегаралар билан ажратилган. Янги фанни номлаш учун танланган атама М.Лацарус ва Х.Штейнталлардан ўзлаштириб олинган бўлса-да, уларнинг талқинида «халқлар психологияси» башариятнинг маънавий оламидаги барча ҳодисаларни ҳамдараб олган.

Вундт бундай ёндашувдан аввал бошидан воз кечади. Дейлик, адабиёт, санъат ва фанни руҳий феномен сифатида Вундт ўзининг принципиал мулоҳазаларига кўра, «халқлар психологияси»нинг тадқиқий соҳасидан олиб ташлайди. Инсон фаолиятининг ушбу маҳсулларида, унинг фикрича, алоҳида одамлар характери ва тафаккурининг ўзига хос хусусиятлари акс этади (бундан ташқари, юқорида қайд этилган маданий ижод соҳаларида онгли ёндашувнинг йирик унсурини топишимиз мумкин; анланган феномен эса, ўз моҳиятига кўра, алоҳида инсон шахсининг бетакрор ва уникал қобилиятлари измидадир). Вундтнинг хулосасига биноан – юқорида зикр этилган жабҳаларда халқ руҳи таъсири иккинчи даражалидир. У ўзини, энг аввало, одамларнинг жамоавий ижоди маҳсулларида намоён қилади. Халқ қалби, руҳининг «тўлақонли» ҳақиқий ҳаётини Вундт: биз фақат – тилда, афсоналарда ва одатларда кузатамиз, – дейди. Биргаликда улар «уч томонлама иттифоқни» ташкил қилиб халқ руҳининг устивор таркибий тавсифини беради. Халқ руҳи доирасидаги тил, афсона ва одатлар алоҳида одамлар қалбида тасаввурлар, туйғулар ва ирода вазифасини бажаради. Манбаи тасаввурлар бўлган руҳнинг онгли фаолияти эса хусусий воқеликнинг тил шаклидаги ифодасидир. Аффектларда илдиз отган туйғулар афсоналар «онасидир». Ирода эса одатлар меъёрларига жавоб берадиган аниқ инсоний хатти-

ҳаракатларда аксланади. Тил, афсона ва одатлар индивидуал кашфиёт маҳсули эмас. Улар одамзотнинг кўп асрли табиий эволюцияси жараёнида яратилган. Ушбу ҳодисаларнинг биронтаси аниқ жой ва аниқ вақтда ментал инновация натижаси сифатида вужудга келмаган. Тил, афсона ва одатлар конкрет индивидлар «заковати» билан эмас, умуман одамлар ҳамжамияти «заковати» орқали дунёга келган. Вундт, ушбу нуқтаи назардан, антропосоциогенезнинг⁶¹ турли индивидуалистик концепцияларини танқид қилади (тил, дин, давлат пайдо бўлишининг индивидуалистик назариялари; жамоавий битим назариялари).

Халқлар психогенези⁶² ва антропо-социогенезини баҳолаш мезонлари ҳали ишлаб чиқилмаган бир пайтда, халқлар психологияси тараққиётини белгиловчи баъзи бир кўрсаткичларни фарқлашдан олдин, умуман халқ ва инсоннинг табиий кўрсаткичларига таъсир этувчи тизимли омилларни аниқлаб олмоқ жоиз эди. Г.Лебон ўзининг «Халқлар ва омма психологияси» номли асарида халқлар психологияси тараққиётини баҳолашнинг муҳим мезонларини ажратишга муваффақ бўлган. Г.Лебон таъкидлашича, ҳар бир халқнинг туйғулари, фикрлари, эътиқоди ва санъати унинг анатомик хусусиятлари каби барқарор, ўзига хос руҳий тузилишга эга. Ушбу ҳолатда Г.Лебоннинг В.Вундт фикрига эътирози киши ва унинг психикаси психофизиологик хусусиятларини фарқлашга қаратилган. Ҳар бир ирқ ўзининг анатомик тузилишига ўхшаш барқарор психологик тузилишга эга эканини Г.Лебон бир неча бор қайта такрорлайди. Ўз асарида, Г.Лебон, у ёки бу халқнинг психологик хусусиятини аниқлаш имконини берадиган, ўртача типни ташкил қиладиган, асосли тарзда менталитет, дея атаган психологик хусусиятларга эътибор қаратади. Г.Лебон тасодифан олинган минглаб француз, минглаб инглиз, минглаб хитойлар, албатта, бир-биридан ажралиб туришини таъкидлайди. Бироқ улар ирқларининг наслий кучига кўра француз, инглиз, хитойликнинг идеал типини тиклаш имконини берувчи умумий хоссаларга эгадир.

Г.Лебон фикрлари биогенетик ва психик тараққиётнинг маълум кўриниши ва унга асосланган халқлар психогенезининг баъзи бир чизгиларини аниқлаш мумкинлиги билан боғлиқлигини эътироф этишимиз лозим.

⁶¹ Антропосоциогенез – инсоният жамиятининг тараққиёти.

⁶² Психогенез – психик хусусиятлар тараққиёти.

Халқлар психогенези ва социогенезини баҳолашнинг кейинги мезони умумий эътиқодлар, умумий манфаатлар, вужудга келаётган ижтимоий вазиятларнинг умумий баҳолалиши каби кўрсаткичлар билан боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, халқ психогенези ташкил топишининг муҳим кўрсаткичи бўлмиш онгнинг турли даражалари ҳақида фикр юритишига асос бўлмоқда. Г.Лебон бир-бирига сира ўхшамайдиган турли ғоя ва туйғуларга эга бўлган кичик элатлар (пикардий, фламанд, бургунд, гаскон, бретон, провансаль) дан ташкил топган француз миллати умумий ғоя, эътиқод, миллий манфаатларнинг англанилиши оқибатида ягона француз миллатига айланганини таъкидлайди. Пировардида, алоҳида шахснинг индивидуал онги бутун халқнинг шуурига сингади, у француз миллати психогенези шаклланишида муҳим таркибий қисм сифатида иштирок этган, дейди Г.Лебон.

3-§. Америка этнологиясидаги психологик йўналиш ва этнопсихологиянинг собиқ иттифокдаги ривож

XX аср бошларида ўз олдида маданият ва шахс ўртасидаги ўзига хос муносабатларни акс эттиришни мақсад қилиб олган бир неча турли ёндашувлар пайдо бўлди ҳамда ушбу муносабатларни ўрганишга қаратилган бир қатор методлар ишлаб чиқилди. Ушбу муносабатлар илмий тадқиқот предметига айланган илк тадқиқий уринишлар инсон психологиясини ўз илмий йўналиши нуқтаи назаридан кўздан кечирадиган этнографлар томонидан амалга оширилган.

Ўз назарий тамойилларини бевосита жойларда ўтказилган тадқиқотлар орқали олинган материалларга асослашга уринган: Маргарит Мид, Вестон Лоббар, Рут Бенедикт каби олимлар, маданият ва шахсни ўрганишга мўлжалланган илмий ёндашувларнинг фундаменти ишлаб чиқишган (Margaret Mead, Weston Lobarre, Ruth Benedikt).

М.Мид ва унинг ҳамкасблари психоаналитик А.Кардинер ҳамда антропологлар Р.Линтон ва К.Дюбуаларнинг тадқиқотлари «устувор шахс» ва «модал шахс» каби тушунчаларнинг пайдо бўлишига ҳамда маданият ва шахс ўртасидаги ўзаро боғлиқликни ўрганишнинг янги йўллари аниқланишига туртки бўлди.

Р.Бенедикт ва М.Мид каби машҳур америка этнологларининг ишларида этник жиҳатлар психоанализ ва экспериментал психологияга таянган ҳолда ўрганилган. Ушбу тадқиқотлар концепцияси З.Фрейддан ўзлаштирилган бўлса, методика – В.Вундтникидир. Этнологларга шахс пайдо бўлишининг, тараққий этиши ва ҳаёт кечиришининг антропологик хусусиятларини тадқиқ қилишга ва уни ўрганишнинг психологик методларига таянувчи психологик назария зарур эди. Психоанализ ўша даврда шундай назария ва методга айланди. У этнопсихологлар томонидан психиатрия ва клиник психологиядан ўзлаштирилган методлар билан бир қаторда қўлланилган. Этнопсихологлар З.Фрейднинг маданият ва шахснинг ўзаро муносабатини субъектив невротик ҳолатлардан келтириб чиқариш мумкинлиги хусусидаги фаразидан кенг фойдалана бошлашди. Бундай ёндашув «модал шахс» – турли этник гуруҳларга тааллуқли индивидларнинг кўзга ташланадиган чизгиларини белгиловчи, этнопсихологларнинг устувор атамаси таҳлилида кучлироқ намоён бўлади.

«Модал шахс» ўлчамларига: фикр юритиш техникаси, туйғулар, тадқиқ этилаётган шахснинг кўзга ташланадиган аломатлари сифатидаги алоҳида маданиятнинг ўзига хос ўртачалаштирилган характери киради. «Модал шахсни» тадқиқ этиш жараёнида невротик шахс ва ибтидоий одамни қиёслаш имкони борлиги ҳамда меъёр ва патология ўртасидаги чегара нисбий экани тўғрисидаги З.Фрейд фаразидан кенг фойдаланилган. Бунга биноан, ҳар бир халқ ўзига хос патология ташувчиси бўлиб ҳисобланади. Турли маданиятлардаги патология ташхиси маълум даражада ўз исботини топгани, Р.Бенедиктнинг этномаданиятларда турли «меъёрлилик» стандартлари мавжуддир, деган хулосасига асос бўлди. Бундай ёндашувда индивидуал даражадаги диагностиканинг ўзига хослиги, одатда, бутун ижтимоий жамоага кўчирилган, бу эса маданиятлар бетакрорлиги хусусидаги тезиснинг пайдо бўлишига олиб келган.

Ушбу ёндашувга биноан, ҳар бир халқда шахснинг ўз устувор тузилиши мавжуд ва у ижтимоийлашув орқали авлоддан авлодга ўтиб келади ҳамда маълум даражада ушбу халқнинг тақдирини белгилайди. Ушбу ёндашув вакилларининг эътиборини ижтимоийлашувнинг илк босқичида онг остида пайдо бўлувчи шахснинг ички низолари ўзига қаратган. Бу, ўз навбатида,

ижтимоийлашувнинг кейинги босқичларида вужудга келадиган қийинчиликларга сабаб бўлиб, психологик ҳимоя механизмларидан проекциянинг шаклланишига олиб келган.

Чекка шимол ва Полинезиянинг туб аҳолиси орасида ўтказилган кўплаб эмпирик тадқиқотлардан олинган натижалар психоаналитик талқинга эга. А.Кардинер, зуни⁶³ халқи маданиятини таҳлил қилар экан, ушбу қабиланинг тинчликсевар хулқ-атвори асосини туб жамоа тузилишидаги кучли уят ҳиссининг мавжудлигида, деб билади. Бу уят ҳисси, ота-онанинг кайфиятига тобе фарзанд, кичик айби учун шафқатсиз жазога мустаҳиқ қилинадиган тарбия оқибатидир. Ушбу фарзандда улғайиш давомида жазоланиш хавфи социумдаги шахсий мувафакқиятсизликка йўлиқишдан қўрқиш хавфига айланади, бу ҳол ўз ижтимоий маъқулланмайдиган хатти-ҳаракатлари олдидаги уят ҳисси билан кузатилади. Одамхўрлик сақланиб қолган қабилалар, А.Кардинер томонидан, «Эдип комплекси» таъсири нуқтаи назаридан талқин қилинади. Кейинчалик «шахснинг устувор тузилмаси» тушунчаси «модал шахс» каби эмпирик тушунча билан тўлдирилган. Ушбу ёндашув индивидуал маълумотларни мунтазам йиғиш ва ушбу маданиятда энг кўп учрайдиган шахс типи тадқиқотнинг муносиб объектидир, деган тахминга асосланган.

Хулоса қиладиган бўлсак, «модал шахс» тушунчасининг «шахс устувор тузилмаси» тушунчасидан иккита катта устунлиги мавжуд:

1) жамоанинг барча ёки кўплаб аъзолари бир хил шахс тузилмасига эга бўлолмайди;

2) «модал шахсни» ўрганишга қаратилган тадқиқотларда кузатув, биографик маълумотлар ва тест натижалари мустақил равишда олиниши, чоп этилиши мумкин, хулосалар ва статистик таҳлиллар орқали уларнинг ишончлилигини ошириш имконияти юқори.

Психоаналитик ёндашувда, асосан, проектив методикалар – Роршах тести, тугалланмаган жумлалар ва тематик апперцепцион тест (ТАТ) қўлланилган.

«Маданият ва шахс» мактабининг ютуғи қуруқ субъектив этнографик тавсифлардан верификация қилиниши мумкин бўлган психологик тадқиқотларга юз бурганидадир. «Миллий характерни»

⁶³ Зуни – Африкадаги қабилалардан бирининг номи.

ўрганиш ушбу турдаги тадқиқотларнинг мантиқий давомига айланган.

АҚШда миллий характерни ўрганиш иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқ. душманларни ва уларнинг лидерлари психологиясини тушуниш нафақат уруш давомидаги операцияларни режалаштиришда, балки урушдан кейинги давлат сиёсатини юргизишда ҳам самарали ҳисобланган. АҚШ урушга киришганидан кейин Р.Бенедикт, К.Клакхорн каби йирик антропологлар Вашингтонга кўчиб ўтиб миллий характерни ўрганишга қаратилган тадқиқотларда иштирок эта бошлашган. М.Мид гувоҳлигига кўра, 1943 йилдан бошлаб Вашингтоннинг турли давлат идораларида миллий характер муаммолари билан шуғулланувчи кўплаб психолог ва антропологлар бўлган. Япон, немис, рус миллий характерларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар – бунинг ёрқин намунаси.

Америкаликлар фикрича, ушбу урушдаги энг ғаройиб душман – Япония бўлган. Япон ҳукуматининг ўзини тутиши, шунингдек, япон аскарлари хулқ-атвори америкаликларни мушкул аҳволга солган. Масалан, япон аскарларининг императорга содиқлиги ва муваффақиятсизликка йўлиққандан сўнг ўз жонига қасд қилишга тайёрлиги уларни лол қолдирган. Бироқ, бундан-да ажабланарлиси, асир аскарларнинг парадоксал хулқ – атворидир: улар ҳиёнатни жуда енгил кечиришиб, америкаликларга бажонудил ёрдам беришга киришишида. Ушбу фактларни К.Клакхорн тушунтириб беришга ҳаракат қилиб кўрган. Унинг фикрига кўра, япон ҳарбий асирлари ўз оиласи, дўсту биродарлари ва Ватанидан айрилгач, ўзларини «ўз жамияти учун ўлгандай» идрок қилишларида эди. Зотан, улар жисмонан тирик экан, янги жамият томонидан қабул қилиниш илинжида, америка армиясига киришга, уларни батафсил ахборот билан таъминлаб туришга мажбур қиларди. Шунга асосланган ҳолда, америкалик антропологлар япон жамияти ахлоқи вазиятий, деган хулосага келганлар.

Америкалик антропологлар, етук ёшли япон вакили характерининг негизи бурч ва мажбуриятдир дея таъкидлашади. Ўрта ёшли японлар, қариялар ва болалардан кўра камроқ шахсий эрка эга бўлиб: бу ҳол америка жамиятининг буткул акси экани, шундай хулосага сабаб бўлди (америкада ўрта ёшлилар- қариялар ва болалардан кўра кўпроқ шахсий эрка эга). XX аср ўрталарида,

америкалик маданий антропологлар нигоҳи илғаган япон миллий характер «моҳияти» шундайдир.

Немис миллий характерини З.Фрейднинг иқтидорли шогирди Э.Фромм ўрганган. У немис халқи нима учун Гитлернинг диктаторлик режимига учганини тушунишга ҳаракат қилган. У, Германияда нацистлик ҳаракатини пайдо бўлишини, ушбу давлатда шахснинг авторитар кўриниши устивор эканлиги билан изоҳлаган. Бундай шахс ўзидан юқорироқ мансаб эгаларига нисбатан ҳожатбарор бўлиб, ўз кўл остидагилари билан бўлган муносабатда эса такаббур, беписанд. Фромм фикрича, бундай характер эгалари турли демократик муассасаларга хавотир билан қарайдилар ва ўзларини қулай ҳис қиладиган авторитар тизимларга ўтиш, яъни «эркдан қочиш» тенденциясини намоён қилишади.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг тадқиқотлар марказини Рус миллий характери эгаллади. Британиялик антрополог Д.Горер ўзининг «йўргак» назариясини илгари сурди, М.Мид уни оммалаштирди, Э.Эриксон эса «М.Горький ёшлиги ҳақида афсона» деб номланган мақоласида уни ўзига хос тарзда қайта ишлади. Д.Горер русларда гўдақларни илк ойларидан бошлаб маҳкам йўргаклаш анъанаси мавжуд дейди. Бу эса, унинг фикрига кўра, уларни кучли ва босиқ бўлиб вояга етишига олиб келар экан, акс ҳолда улар ўзларига осон жароҳат етказишлари мумкин эмиш. Қисқа муддатга йўргакдан озод қилишганда эса улар билан фаол ўйнашиб, ювинтиришар экан. Горер бундай узоқ муддатли ҳаракатсизлик ва қисқа муддатли мускулли фаоллик ва кучли ижтимоий ўзаро муносабатларни кўргазмали тарзда рус миллий характерининг маълум бир жиҳатлари ҳамда Россиянинг ташқи сиёсати билан боғлаган. Аксарият руслар, унинг фикрига кўра, кучли руҳий кечинмаларга мойил бўлиб, узоқ чўзиладиган депрессия ва «ўзни айблашлардан» сўнг рўй берадиган қисқа муддатли ижтимоий фаолликни ҳис қилишар экан. Унинг фикрига кўра, ушбу қонуният жамиятнинг ижтимоий ҳаётини ҳам белгилар экан: ташқи авторитетларга бўлган кучли тобеълик даври интенсив инқилобий фаолиятнинг ёрқин давлари билан алмашинади.

Албатта, рус миллий характерининг «йўргакли» комплексидан бошқа назариялар ҳам бўлган. Клиник интервью ва психологик тестлаш «буюк роснинг» «модал шахси»ни яратилишига олиб келди. Америкалик антропологлар фикрига кўра, у «илик, одамий,

ижтимоий қовушувга интиладиган жуда тобеъ, лабил (эмоционал беқарор), кучли, бироқ ҳукмрон инсонга бўйсунишга тайёр интизомсиз шахс».

Собиқ Иттифоқда этнопсихологик муаммолар узоқ пайтгача тақиқ остида бўлган, зеро иттифоқда миллий, миллий ўзликни англаш масалаларининг қўйилишининг ўзи ножоиз саналган. Ўша давр мафқурасига кўра собиқ иттифоқ таркибига кирувчи барча давлатларда Совет одами яшаши лозим эди. Бироқ, 70-йиллардан бошлаб этнопсихологик масалалар яна ўз долзарблигини кўрсатиб ўтди. Ва миллий онг, миллий ўзликни англаш муаммолари тадқиқотларнинг аксариятини ташкил эта бошлади.

Миллий ўзликни англаш жараёнини ўрганиш бўйича М.Н.Губогло (1973), Г.В.Старовойтова (1976), А.А.Кожанов (1977)лар тадқиқий ишларни олиб борганлар. Ушбу тадқиқотлар хусусий характерга эга бўлиб этник тараққиётнинг барча жараёнларини очиб беролмаган. Миллатлараро муносабатлар, миллий психологияга ва миллий ўзликни англашга қонун нормалари қандай таъсир қилиши масалалари тадқиқотчиларнинг диққат марказидан четда қолган.

1980 йиллар охирларидан гуруҳлараро ва миллатлараро муносабатларга бағишланган илк психологик тадқиқотлар пайдо бўла бошлади (Г.У.Кцоева, О.И.Дреев ва ҳ.к.).

1990 йилларда З.В.Сикевич, Г.У.Солдатова, В.Ю.Хотинец ва бошқа қатор олимларнинг амалий этнопсихологик тадқиқотларининг натижалари чоп этилди.

Г.У.Солдатованинг монографиясида миллатлараро тарангликни тадқиқ этишга мўлжалланган ижтимоий-психологик ёндашувнинг методологик ва назарий тамойиллари очиб берилган.

1994 йили К.Касьянованинг «Рус миллий характери хусусида» номли монографияси чоп этилди. Бунда муаллиф рус ва америка танланмасида ММРІ тести орқали олинган қиёсий материалларини келтирган. К.Касьянова тарихий ва ижтимоий кўринишдаги оригинал ва чуқур интерпретация орқали Рус миллий менталитетига хос чиройли концепцияни илгари суради. Алоҳида эътибор «ижтимоий архетипларга» қаратилаган бўлиб, муаллиф улар рус маданиятига хос бўлган одатий вазиятларда ғайришуурий тарзда хулқ-атвор мотивларини идора қилиши мумкинлигини таъкид-

лайди. Монографияда тоқат, изтироб, тобелик каби маданий қадриятларга алоҳида урғу берилган.

Шу йилларда этник психология муаммоларига бағишланган қатор ишлар чоп этилган. Буларга Ю.П.Платоновнинг, Л.Г.Почебут (1993), А.О.Бороноев ва В.Н.Павленко (1994), Э.А.Саракуева ва В.С.Крысько (1996), Н.М.Лебедева (1997), Т.Г.Стефаненко (1999) ишлари тааллуқлидир.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Этнопсихологик тадқиқотларнинг ўрганилишида Ғарб ва Шарқ олимларининг тутган ўрни ҳақида ёритиб беринг.

2. Этнопсихологик хусусиятларни ўрганишга бўлган қизиқишларнинг вужудга келишига нима сабаб бўлган?

3. Психологик хусусиятларнинг вужудга келишида табиий-географик муҳитнинг роли ҳақида тушунтириб беринг.

4. Ўрта асрларнинг буюк мутафаккирларидан бири бўлган Фаробийнинг этнопсихология фанига қўшган ҳиссаси ҳақида тушунтириб беринг.

5. «Модал шахс» тушунчаси ва унинг ўлчамлари нималар иборат?

6. Америка этнологиясидаги психологик йўналиш ва этнопсихологиянинг собиқ иттифоқдаги ривожинимлардан иборат бўлганлигини изоҳлаб беринг.

7. Халқлар психогенези ва социогенези тушунчаларига изоҳ беринг.

8. «Географик детерминизм» назарияси бўйича олимлар ўртасидаги ҳар хил фикрлилик нималардан иборат бўлган?

28-мавзу. ЭТНОПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРНИНГ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

1-§. Сиёсий-иқтисодий ва жамиятдаги ижтимоий омилларнинг ўрни

Айрим тадқиқотчилар ва муаллифлар этнопсихологик хусусиятларнинг реал мавжудлигини инкор этадилар ёки уни

текшириш учун қийин объект эканлигини таъкидлайдилар. Тўғри, этнопсихологик хусусиятларни ўрганишдаги қийинчиликларни инкор этиб бўлмайди. Лекин, шу билан бирга, бу реал мавжудми ёки йўқми деган саволнинг қўйилиши ортиқча деб ўйлаймиз. Этнопсихологик хусусиятлар келиб чиқиши жиҳатидан бугун ўтмиши, ҳаёт тарзи ва тарихи билан боғланиб кетган бўлиб, бу хусусиятлар миллат шаклланмасдан аввалроқ вужудга кела бошлаган (маълумки, миллат этник бирлик тараққиётининг юқори босқичидан юзага келади).

Этнопсихологик хусусиятларининг айрим белгилари кишилар бирлигининг ҳамма тарихий даврлари (уруғ, қабила, миллатлар)га хосдир. Этнопсихологик хусусиятлар, айрим тадқиқотчилар кўрсатганидек, фақат бир омил – табиий муҳит таъсири билангина вужудга келиб қолмай, унинг вужудга келишида учта омил таъсир кўрсатади. Биринчи омилга сиёсий-иқтисодий ва жамият ҳаётида бўлаётган ижтимоий жараёнлар тизими, иккинчисига шу этник бирлик яшаб турган табиий-географик муҳитнинг хусусиятлари, учинчи омилга эса халқ ҳаётида бўлиб ўтган тарихий ҳодиса ва воқеалар киради. Лекин шунини айтиш керакки, этнопсихологик хусусиятлар тизимида кишилар руҳиятининг мазмуни аввало биринчи омил – сиёсий-иқтисодий ижтимоий ўзгаришлар билан белгилаб берилади. Табиий географик омил эса асосан этнопсихологик қиёфанинг ташқи ифодаларини белгилайди. Шунинг учун ҳам бу омил кузатаётган киши назарида биринчи омилга қараганда яққол намоён бўлади. Халқ ҳаётида бўлиб ўтган муҳим тарихий воқеалар сўзсиз унда психологик учмас из қолдиради. Табиатдаги айни бир воқеаликнинг доим таъсири натижасида кишилар бу воқеликдаги хусусиятларни бошқа шароитда яшаётган этник гуруҳ вакилларига қараганда чуқурроқ идрок этишга ўрганиб қоладилар. Чунки ташқи муҳит бизнинг сезги аъзоларимизга беҳисоб информациялар, яъни хилма-хил таассуротлар юбориб туради, натижада эволюцион тараққиёт давомида танамизда шу ташқи муҳит билан адекват (муносиб) муносабатни таъминловчи нейро-физиологик механизм шаклланади. У кишиларнинг сезги ва идрокларини намоён этади. Шунинг учун у ёки бу халққа хос стереотип хатти-ҳаракатларни, идрок хусусиятларини ташқи муҳитга мослашувининг олий кўриниши деб ҳисоблаш керак.

Ташқи муҳитнинг доимий таъсирида вужудга келган руҳий хусусиятлар бу тассуротларнинг бутун системаси (тизими) ни эмас, балки унинг учун муҳим бўлган ва ўтмиш тажрибасида синалган, мустаҳкамланган қолган томонларинигина акс эттиради.

Мия ўз-ўзидан ташқаридан келаётган информацияларсиз фикрлай олмайди. Психолог П.П.Бео́нский айтганидек, «Бўм-бўш бошда фикр бўлмайди».

Ижтимоий-тарихий, ижтимоий шарт-шароитлар инсон фаолиятини белгилайди. Бу эса, ўз навбатида, руҳий жараёнлар оннинг мазмун-моҳиятини белгилайди. Турли даврларда, замонларда яратилган меҳнат маҳсулотларида ўша давр ва замон одамларининг билимлари ва имкониятлари ўз аксини топган бўлади. Зеро, меҳнат жараёнида субъект объектга кўчади, инсоннинг куч ва қобилиятлари у яратаётган нарсаларда гавдаланади. Шунинг учун ҳам психологлар турли тарихий даврларда яшаган кишиларнинг руҳий хусусиятларини, давр руҳини, улар яратиб қолдирган фаолият маҳсулотларини ўрганиши орқали билиб олишлари мумкин.

Ҳар бир халқнинг тарихи ва тақдири ўзига хос тарзда кечади. Агар халқ тарихини ва унинг психологик хусусиятларини бири-бирига солиштирсак, биз этнопсихологик хусусиятларда халқ тарихини чуқур акс эттиришини кўрамиз. Юқоридаги зикр этганимиздек, этнопсихологик хусусиятларнинг шаклланишида табиий муҳит ҳам таъсир кўрсатади. Географик ва иқтисодий шароитларнинг ўхшаш бўлмаслиги, этник жихатдан бир-бирига яқин бўлган икки қўшни ва қардош халқ – ўзбеклар билан қозоқларнинг психологик қиёфасида маълум тафовутларни вужудга келтириб чиқарди.

Маълумки, ўзбекларнинг асосий қисми деҳқончилик билан шуғулланиш имконияти мавжуд бўлган воҳаларда жойлашган. Ерга хусусий мулкнинг вужудга келиши, ердан унумли фойдаланиш деҳқончилик маҳсулотларини кўплаб етиштиришга олиб келди. Бундан ташқари, ўзбеклар яшайдиган йирик шаҳарларнинг ғарбдан шарққа, жанубдан шимолга ўтувчи катта карвон йўлларда жойлашганлиги нафақат бу ерларда деҳқончиликни, балки пул-товар муносабаларини, ҳунармандчиликни, қўшни халқлар билан савдо-сотик ишларини ривожлантиришга олиб келди.

XV-XVI асрдаёқ Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Хива, Қўқон, Хўжанд каби йирик шаҳарлар Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Россия,

Арабистон каби мамлакатлар билан кенг савдо-сотик ишларини олиб боришган. Буларнинг ҳаммаси ўзбек халқининг ҳаёт тарзига ва психологиясига сингиб, ўз аксини топиб борган. Қўшни мамлакатлар билан савдо-сотик ва бошқа иқтисодий-маданий алоқаларнинг қизғин олиб борилиши улардан хушмуомалалилик, хуштабиатлилик, ҳозиржавоблик, тадбиркорлик каби хусусиятларни талаб этган.

Ўзбек халқининг ҳаёти ва турмуш тарзини ўрганган тадқиқодчиларнинг барчаси ўзбекларга хос бўлган очик юзлилик ва хушмуомалаликни таъкидлаб кўрсатишган эди. Шунингдек, ўзбекларга хос бу хусусиятларни қозоқ адабиётининг буюк намояндаси Абай ҳам таъкидлаб, «илтифотлилик, хушмуомалалик буларнинг ҳаммаси сартлардадир», деб ёзган.

Юқорида айтилганидек, ўзбекларнинг бир неча асрлар мобайнида деҳқончилик билан шуғулланиб келишлари ишлаб-чиқаришнинг асосий воситаси – ерга нисбатан уларда тежамкорлик ва омилкорликни вужудга келтирди.

Н.Жондильдик қозоқ халқига хос бўлган айрим вазминлик, камсукумлиликни хўжалик юритиш ишлари билан боғлиқ деб кўрсатади, бутун умр чорвачилик билан шуғулланишлари уларнинг хўжалик ҳаётининг деярли бутун қисмини ташкил этган. Аҳолини тарқоқ ҳолда жойлаштириш улар ўртасида алоқа ўрнатишни қийинлаштирган, улар ҳатто узок вақт давомида ёлғиз яшашга мажбур бўлганлар. Бу эса уларда ўзаро муомалада камгаплик, ҳатто энг нозик ва қайноқ туйғуларини баён этишда вазминликни вужудга келтирган.

Шундай қилиб, икки қардош ва қўшни халқ (ўзбеклар ва қозоқлар) ўзларининг узок иқтисодий ва маданий алоқаларига этник жиҳатдан яқинлиги, тилининг ўхшашлигига қарамай, юқоридаги сабаблар туфайли бутун хусусиятлари билан фарқ қилувчи миллат бўлиб шаклланган.

2-§. Табиий-географик муҳит ва унинг этник хусусиятларига таъсири

Табиий-географик омилларнинг объектив таъсирларини холислик билан ўрганиш, ҳеч қандай ирқчилик ва миллатчилик назарияларни келтириб чиқармайди. Шу нарса маълумки, серунум

ер, мўътадил иқлим ва бошқа табиий шароитлар, кўп жиҳатдан ишлаб чиқаришнинг ривожига, аҳоли сонининг ўсиб боришига таъсир кўрсатади. Аксинча, масалан, шимолдаги ва тропик мамлакатлардаги элатлар ва халқлар тарихий тараққиётида нисбатан мўътадил иқлим шароитларига эга бўлган халқлардан орқада қолиб кетишган.

Агар шимолнинг қаттиқ совуқ табияти деҳқончилик қилишга ва санъатнинг ривожлантиришга мойиллик қилган бўлса, иқлимдаги заминнинг сермахсуллиги кишиларнинг дангаса ва таралла-бедот қилиб, бир этнографик сўз билан айтганда, кишиларни худди болаларга ўхшаш ожиз, номустақил қилиб, унинг тараққий этишининг табиий зарурат қилиб қўймайди.

Шу нарсани пайкаш қийин эмаски, деб ёзадики, этнограф Ю.В.Бромлей – социал иқтисодий, географик ва бошқа шарт-шароитлар таъсири натижасида меҳнатсеварлик каби хусусият ҳамма халқларда ҳам бир хил намоён бўлавермайди.

Табиий муҳитнинг ўзига хослигига кўра, кишилар яшаши учун зарур бўлган нарсаларга эришишда учрайдиган қийинчиликларни турлича енгиб ўтадилар.

Психолог И.С.Коннинг ёзишича, Янги Гвинеянинг ичкарасида ва нисбатан Европа таъсири кам етиб борган жойларда яшайдиган халқлар қулай иқлим шароитларига ва табиатнинг мўл-кўл неъматига эга бўлганлиги учун ҳам баъзи қийин шароитда яшайдиган кишиларга ўхшаб эртанинг ташвиши билан яшашга ўрганмаганлар. Шунинг учун ҳам улар фақат кундалик эҳтиёжларини қондириш учунгина меҳнат қилишади. Кўплаб нарса ишлаб чиқишга ва ғамлаб қўйишга ҳаракат ҳам қилмайдилар. Уларнинг назарида ким куйиб-пишиб кўп ишласа, очкўз ва ёмон одам ҳисобланади.

Шунга кўра, уларнинг иқтисодий маданий ривожланиши ҳам ишларига яраша даражада.

Қаерда ишлаб чиқариш юқори савияда ташкил қилинмаган бўлса, меҳнаткашлар бўлмаса, у ерда ижтимоий, тарихий ривожланиш ҳам бўлмайди. Ривожланган қайси бир мамлакатни олиб кўрманг, шу ерда меҳнатга муносабат, меҳнаткашлик жуда юқори даражада эканлигини кўрамиз.

Табиий-географик муҳит таъсири қанчалик сезиларли бўлмасин, бироқ этнопсихологик хусусиятларнинг шаклланишда

унинг етакчи омил қилиб қўшиш тўғри эмас. Шу билан бирга, унинг ролини инкор этиш, ёхуд ортиқча ошириб юбориш нотўғри хулосалар қилишга олиб келади.

Психолог С.Л.Рубинштейн кўрсатганидек, «Рухий хусусиятларнинг шаклланишини табиий шароитлар ёки ижтимоий муҳит билан бирга асослаб тушунтириш мумкин эмас. Буларнинг бири бўлмасин мулоқотлаштириш малакасини барбод бўлишга маҳкум этади».

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Халқ ҳаётида бўлиб ўтган муҳим тарихий воқеаларнинг психологияда акс этиши ҳақида нималарни биласиз?

2. Ўзбек халқига хос айрим психологик хусусиятлар ва уларнинг шаклланиши сабаблари нималардан иборат бўлган?

3. Фаолият тури ва шаклидаги фарқлар ҳамда олий рухий функциялар тизимидаги тафовутларни тушунтиринг.

4. Билиш жараёнларининг ижтимоий-иқтисодий омилларига боғлиқлиги дегада нимани тушунасиз?

5. Синфий психологиянинг вужудга келиши ҳақида фикрларингизни баён этинг.

29-мавзу. ЭТНОПСИХОЛОГИЯНИНГ ТУЗИЛИШИ, КОМПОНЕНТЛАРИ ВА МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР МУАММОСИ

1-§. Миллий психологик қиёфа ва унинг тузилиши

Этнопсихологик хусусиятларни ўрганишда айрим терминологик чалкашликлар ҳам мавжуд. Этнопсихологияга оид адабиётлар айрим муаллифлар томонидан этник психология билан миллий психологик қиёфани айнан бир ижтимоий ҳодиса сифатида талқин қилинади. Масалани бу хилда тушунтириш ва талқин этиш нотўғри.

Этник психология нисбатан кенг тушунча бўлиб миллий психологик қиёфага қараганда воқеликдаги кўпроқ ҳодисаларни ўз ичига олади. У этник хусусиятларни миллат вакиллари акс этилиш сифатидагина намоён бўлиб қолмасдан, шунингдек, дунёни билиш, англаш шакли бўлиб ҳам намоён бўлади.

Этник психологияда халқнинг яшаш шароитларидан келиб чиқадиган ижтимоий ва маиший одатлар, миллий характер, анъаналар, миллий туйғу, миллий таъб-дид, миллий онг каби хусусиятлар акс этади.

Миллий психологик қиёфа этник психологиянинг асосий компонентларидан ҳисобланиб, миллий онг билан биргаликда этнопсихологияни ташкил этади.

Миллий психологик қиёфа деганда биз кенг маънода муайян табиий ижтимоий муносабатлар шароитида яшовчи кишилар рабиатдаги воқеаларни, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини ўзига хос талқин қилиши ва уларни таъб ва туйғулар, урф-одат ва анъаналар, характер тарзида гадаланишини тушунамиз.

Миллий психологик қиёфа миллатнинг реал мавжуд ва идрок этиш мумкин бўлган белгиларидан бири бўлиб, унинг келиб чиқиши халқнинг бутун тарихи билан узвий боғлангандир, психологик қиёфанинг илк намуналари миллат вужудга келмасдан олдиноқ вужудга кела бошлаган. Миллий психологик қиёфанинг айрим белгилари этноснинг ҳамма тарихий birlikлари – уруғ, қабила ва элатларга хос.

Миллий психологик қиёфа қандайдир бир омил таъсирида вужудга келмайди, балки бунда икки омил ўзаро таъсир кўрсатади. Биринчи омилни ижтимоий-тарихий тараққиёт, иккинчисини эса муайян халқ яшаб турган табиий шароитнинг хусусиятлари ташкил этади. Бу ерда кишилар руҳий қиёфасининг ташқи ифодалари иккинчи омил билан узвий боғлангандир. Негаки, иккинчи омил ўзининг конкретлиги, табиий яққалиги билан яққолроқ кўзга ташланади.

Ижтимоий ҳаётни фалсафий идрок этишда жамият ва кишилар онгига ижтимоий турмушнинг муҳим таъсири намоён бўлади, халқ ҳаётида рўй берган муҳим тарихий процесслар ва воқеалар айна пайтда унинг психологик қиёфасида ўчмас из қолдиради, Буни биз ҳар бир халқнинг тарихий тараққиётида юзага келган ғоялар ва тасаввурлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Масалан, рус халқи ижтимоий онгининг табиатида крепостнойлик муносабатларининг таъсири кучли бўлган эди. Натижада онгда лоқайдлик, боқимандалик, ҳафсаласизлик кайфияти юзага келган. Бу эса деҳқонларнинг психологик қиёфасини белгилаб берган.

Тадқиқотчиларнинг эътирофича, шаклланган миллий психологик қиёфа маълум даражада халқ руҳиятини муҳофаза

қилувчи механизм ролини ўйнайди. У ёт нарсаларни худди элакдек ажратади, уни ё қабул қилади, ёки шу халқда мавжуд амалий меъёрлар асосида қайта ишлаб беради, ёхуд уни инкор этади.

Атрофдаги воқеликни, ҳодисаларни ўзига хос идрок, тафаккур, тасаввур қилиш ва таъб, туйғу, урф-одат, анъана, характер тарзида намоён бўлиши миллий психологик қиёфанинг қайтарилмас хусусиятларини ташкил қилади. Маълум бир миллат вакилларининг воқеликни ўзига хос идрок этиши, фикрлаши, орзу-истаклари, олий психик хусусиятларини тушуниш ва тушунтириш учун, унинг намоён бўлиш сабабларини организм ёки мия тузилишидан эмас, балки юқорида айтганимиздек, халқнинг тарихий тараққиёти, табиий муҳитнинг шарт-шароитларидан қидириш керак. Ўтказилган кўплаб тажрибалар шуни кўрсатадики, мураккаб билиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган руҳий жараёнларгина эмас, балки нисбатан оддий руҳий жараёнлар ва функциялар ҳам инсон туғилиши биланок намоён бўлмайди, воқеликдаги ҳамма нарса ва ҳодисалар каби ҳаётдаги ижтимоий-тарихий шароитлар асосида вужудга келади, ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар, географик муҳит, аввало, инсон фаолиятини ва бу фаолият, ўз навбатида, руҳий жараёнлар ва онгнинг тузилишини белгилайди.

Ҳар бир халқнинг тарихи ва тақдири ўзига хос. Агар биз халқ тарихи ва психологик қиёфасини бир-бирига солиштирсак, миллий психологик қиёфада, миллий характерда унинг тарихи чуқур акс эрганлигини кўришимиз мумкин. Географик муҳит ишлаб чиқаришнинг табиий асоси бўлганлиги учун ҳам унинг ривожланишига муҳим таъсир кўрсатади. У ёки бу мамлакатда ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, хўжалик юритиш хусусиятлари ва турмуш тарзи маълум жиҳатдан географик шарт-шароитлар билан боғлангандир. Географик ва иқтисодий шароитларнинг ноўхшашлиги этник жиҳатдан бир-бирига яқин бўлган икки қўшни халқ – ўзбеклар билан қозоқларнинг психологик қиёфасида маълум тафовутларни вужудга келтириб чиқарганлигини кўриб ўтайлик. Маълумки, ўзбекларнинг кўп қисми дехқончилик билан шуғулланган. Хусусий мулкнинг вужудга келиши, ердан интенсив фойдаланиш дехқончилик маҳсулотларини қоплаб етиштиришга олиб келди. Бундан ташқари, улар яшайдиган йирик шаҳарларнинг Ғарбдан Шарққа ўрувчи катта қарвон йўлларида жойлашганлиги бу ерларда фақат дехқончилик эмас, шунингдек, пул-товар муносабат-

лари, турли хил хунармандчилик, савдо-сотик ишлари ривожланишига олиб келди.

XV-XVI асрлардаёқ Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Қоқон ва Хива каби йирик шаҳарлар Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Россия ва бошқа мамлакатлар билан кенг савдо-сотик ишларини олиб борган. Дехқончиликнинг ривожланиб бориши, хунармандчилик ва савдо-сотикнинг ўсиши каби омиллар ўзбек халқининг турмуш тарзи ва психологиясига ўз таъсирини ўтказмай қолмаган. Бу жараён улардан хуштабиатлик, хушмуомалалик, ҳозиржавоблик, аҳиллик ва зийраклик ҳислатларини талаб этар эди. Ўзбеклар бир неча асрлар давомида деҳқончилик билан шуғулланиб келишган. Бу эса ишлаб чиқаришнинг асосий восита ва бойлик манбаи бўлган ерга нисбатан уларда тежамкорлик ва омилкорликни вужудга келтирган. Ислом Каримовнинг ёзишича, «цивилизация белгиларини асраб-авайлаш қанчалик зарур бўлса, қишлоқ хўжалиги минг йиллар мобайнида бутунлай суғориладиган деҳқончиликка асосланган минтақада ер ва сувни асраб-авайлаш ҳам шунчалик муҳимдир. Ер, ҳаво, сув ва олов (Қуёш) Марказий Осиёда қадимдан эъзозланиб келинган».

Ҳар бир миллат вакиллари миллий психологик қиёфанинг специфик хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради ва намоён этади, Миллатга хос хусусиятлар қандай шаклланади? Маълумки, бола ўзига Ватанни ёки ота-онани танлаб туғилмайди. Шундай экан, у ўз миллатига мансуб бўлган тайёр хусусиятларни ва миллий характерга хос айрим хусусиятларини мерос қилиб олади, холос.

Бола ҳаётининг биринчи кунлариданоқ, ихтиёрсиз ҳолда ўзи дунёга келган муҳитдаги турли-туман таъсирлар ва таассуротлар остида шакллана бошлайди. Боланинг биологик ва психик жиҳатдан ривожланиши учун таъсир этадиган бу информациялар турли ижтимоий муҳит ва географик шароитларда бир хил бўлмайди. Мана шу турли хил муҳит ва ундан келадиган информацияларнинг хилма-хиллиги бир-бирига ўхшамайдиган халқларнинг юзага келишида муҳим роль ўйнайди. Бола миллий муҳитда яшаб турганда шу миллат ва элатга хос бўлган хусусиятларни эгаллаб, айни миллат вакили бўла олади. Миллий психологик қиёфанинг асослари эса боланинг онтогенетик (организмнинг индивидуал тараққиёти) даврида шакллана бошлайди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, кўрган нарсаларни идрок этиш ва мазмунини тушуниб этиш қобилияти фақат миянинг туғма

хусусияти бўлмай, шу билан бирга турмуш тажрибаси асосида шаклланади, Шунинг учун турли табиий шароит ва турли ижтимоий муҳитда яшаб вояга етган кишилар воқеликларни идрок этишда ўзига хос ижтимоий психологик хусусиятларга эга бўлишади. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, Африка қитъасининг ижтимоий тараққиётда орқада қолган баъзи қабилаларининг болалари тажриба билан боғлиқ. Амалий аҳамиятга эга нарсаларни, ҳодисаларни эсда олиб қолишда ажойиб хотира намуналарини кўрсатишган. Улар ов қилинадиган сўқмоқларни топиш, ёввойи ҳайвонлар изини фарқлаш, ўрмон ичида йўл топа билишда европалик тенгдошларига қараганда бирмунча устунлик қилган ҳолда, геометрик шаклларни деярли фарқлай олмаганлар. Одам ижтимоий зот сифатида шаклланиб борар экан, шу ижримоий муҳитдаги муносабатларни, миллий хусусиятларни ўз-ўзидан стихияли равишда ўзлаштирмайди, балки аста-секин шу жамиятда қабул қилинган маълум таълим тарбия тизими орқали уларни ўзлаштириб боради. Ҳар бир авлод вакиллари аجدодларнинг турмуш тажрибаларини, дин ва маданий хусусиятларини ўзлаштириб, миллат учун умумий бўлган шарт-шароитлар таъсирида ўсиб, тарбияланиб бориши натижасида уларда шу миллатга хос умумий психологик хислатлар шаклланади.

И.М.Сеченов ва И.П.Павловлар «Физиологик ва ижтимоий тараққиётнинг қандай даражасида бўлишларидан қатъи назар, ҳамма халқлар олий нерв фаолиятининг бир хил аппарати – биринчи ва иккинчи сигнал системасидан ташкил топган аппаратга эгадир», – деб даъкидлайдилар.

Яқин-яқингача «миллий психологик қиёфа» ва «миллий характер» терминлари синоним сўзлар сифатида ишлатиб келинган. Улар маълум даражада мазмун жиҳатдан ва психиканинг асосий хусусиятларига тааллуқлиги билан бир-бирига тўғри келса ҳам, лекин айни бир нарса эмас. Миллий психологик қиёфа масаласи билан шуғулланаётган тадқиқотчилар «миллий психологик қиёфа», «миллий характерга қараганда кенг тушунча бўлиб, «миллий характер миллий психологик қиёфанинг таркибий қисми эканлигини таъкидлашади. Бу икки тушунчани бир-биридан фарқлаб Н.Сарсенбаев миллий характер миллий психологик қиёфанинг анча ҳаракатчан ва нисбатан тез ўзгарувчан элементи эканлиги ва у асосан, капиталистик муносабатлар шаклланиши

даврида юзага келгани ҳолда, миллий психологик қиёфанинг бошқа элементлари кишилар бирлигининг барча тарихий шаклларига ҳам озми-кўпми бирдай тааллуқлигини кўрсатиб беради.

Миллий психологик қиёфа билан миллий психологияни баъзида айнан бир нарса, деб талқин этиш ҳодисалари учраб туради. Масалани бу хилда тушуниш ва баён этиш нотўғри, албатта. Миллий психология миллий психологик қиёфага қараганда кенг тушунча бўлиб, воқеликдаги кўп ҳодисаларни ўз ичига қамраб олади. Миллий психологик қиёфа миллий психологиянинг асосий компонентларидан бўлиб, миллий онг билан биргаликда миллий психологияни ташкил қилади. Миллий психологияда халқнинг яшаш шароитларидан келиб чиқадиган ва улар асосида тасвирланадиган ижтимоий одатлар, туйғуларнинг психологик томонлари, миллий характер, урф-одат ва анъаналар, миллий манфаат, миллий онг каби хусусиятлар акс этади.

Турли муаллифлар томонидан миллий психологик қиёфанинг табиати турлича шарҳланиб қолмасдан, балки унинг структура тузилиши тўғрисида ҳам турли қарашлар мавжуд.

А.Д.Горячева миллий психологик қиёфа структурасига миллий характер, одатлар, таъб ва анъаналарни киритади, «Миллий психологик қиёфа, миллий характердан ташқари, ўз ичига расм-русумлар, таъб, хурофий одатлар, урф-одат ва анъаналарни қамраб олади», деб ёзади у. Умуман олганда, бу фикрга қўшилиш мумкин. Объектив жиҳатдан миллий хусусиятларга эга бўлади. Шунинг учун фанда миллий характер этнопсихология фани ўрганадиган муаммолардан ҳисобланади,

Миллий психологик қиёфа структураси ҳақида Н.Сарсенбоев ҳам ўзига хос фикр юритади. Унинг фикрича, миллий психологик қиёфа ўзаро боғланган ва бир-бирини тақозо этувчи учта таркибий қисмни ташкил этади: миллий туйғу, урф-одат, анъаналар ва миллий характер.

Юқоридагиларга қўшимча қилиб шуни айтишимиз мумкинки, миллий психологик қиёфа, аввало, миллий характер, миллий урф-одат ва анъаналар, миллий туйғу ва анча барқарор бўлган миллий таъб каби элементлар орқали намоён бўлади. Мана шу принципга таяниб, биз миллий психологик қиёфанинг асосий элементлари – миллий характер, урф-одат ва анъаналар, миллий туйғу ва таъб тўғрисида қисқача тўхталиб ўтамиз.

2-§. Миллий характер

Миллий характер ҳақида сўз юритишдан олдин характер тушунчасининг моҳият-мазмунини, умумий жиҳатларини белгилаб олиш лозим. «Характер» сўзи юнончадан олинган бўлиб, «печат», «чеканка» деган маъноларни англатади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида характер қуйидагича таърифланади.

Характер-(грек) инсон хулқи ёки ахлоқида намоён бўладиган ва унда одат тусига кириб қолган энг муҳим руҳий ҳолатлар мажмуи, феъл-атвор. Психологик жиҳатдан характер шахснинг фаолияти ва мулоқотида намоён бўладиган барқарор индивидуал хусусиятлар йиғиндиси. Характер шахснинг ижтимоий борлиғи билан белгиланади, социал тажрибани ўзлаштиришга асосланади ва шу асосда унинг типик белгилари юзага келади. Характернинг ижтимоий-типик бирлигида унинг индивидуал ўзига хослиги намоён бўлади, оқибатда субъектнинг социаллашуви юзага келади, айти пайтда унинг индивидуаллигини табиий заминлари – қобилияти, темперамент, олий нерв системаси акс этади.

Индивид характериға хос белгилар орасида баъзилари етакчи, бошқалари иккинчи даражали ўрин тутлади. Характер фаолиятда намоён бўлади, индивид учун шахсийлик маъносига эга бўлади. Характер инсоннинг атроф-муҳитга муносабати тизимида кўзга ташланиб туради: бошқа кишиларга муносабат самимийлик ёки носамимийлик, ҳаққонийлик ёки сохталик; ишга муносабати масъулиятлилик ёки масъулиятсизлик, меҳнасеварлик ёки дангасалик: ўзига муносабат – камтарлик ёки худбинлик; мулкка муносабат – саҳийлик ёки очкўзлик, тежамкорлик ёки исрофгарчилик ва ҳ.к. Характер шахснинг дуёқараши, унинг эътиқоди ва ахлоқий тамойилларига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Масалан, ҳалоллик, принципаллик, инсонпарварлик ахлоқий эътиқодлар билан боғлиқ бўлиб, иккиюзламачилик, нотайинлик, бемехрлик билан мутлақо келиша олмайди. Характернинг шаклланиши учун ижтимоий тарбия муҳим роль ўйнайди.

Биз юқорида инсон характериға хос бўлган энг умумий жиҳатлар тўғрисида фикр билдирдик. Ҳар бир инсон ижтимоий жиҳатдан олиб қараганда, муайян халқ, миллатнинг вакили ҳисобланади. Шундай экан, инсон характери фаолиятининг бир хил

аппарати – биринчи ва иккинчи сигнал системасидан ташкил топган аппаратга эгадир», – деб таъкидлайдилар. Инсон руҳияти фақат уни ўраб турган ташқи муҳит шароитларига мослашиб ва унинг хусусиятларини акс эттириб қолмайди, балки доимий тараққий этувчи ижтимоий ҳодисаларнинг ўзгариб туришига ҳам мослашиб туради.

Этнопсихология фанининг тадқиқот объекти халқ ва элатдир. Бу фан халқларнинг психологик хусусиятлари, ўзаро ўхшашлиги, тафовурлари, ижтимоий ва оилавий турмуши, миллий таъб ва ғурури, миллий ўз-ўзини англаши, миллий маданияти, ҳис-туйғулари, шунингдек, миллат характерини ҳам ўрганади.

Миллий характер миллий қиёфанинг ажралмас бир қисми. Жаҳонда бирорта соф этник бирлик бўлмаганидек, характери бир хил бўлган икки миллат ҳам йўқ.

Миллий характер муаммоси қизиқарли ва айна пайтда нозик масала бўлганлиги учун ҳам жуда кўплаб олимларнинг диққатини ўзига тортиб келади. Тилшунос С.Мўминов шундай фикр билдиради: «Миллий характерда халқнинг «Мулоқот хулқи» акс этади, миллий характерни ўрганмай туриб, мутлақо мулоқот хулқини ўрганиб бўлмайди. Миллий характер деганда маълум ижтимоий гуруҳ (миллат) ўртасида асрлар мобайнида авлоддан-авлодга ўтиб келган ўзига хосликлар мажмуи тушунилади. Миллий характерга мазкур миллат аҳолиси сиғинадиган дин, атроф-муҳит ва ижтимоий турмуш тарзи жиддий таъсир кўрсатади ва бу таъсир ўз-ўзидан мулоқот хулқида намоён бўлади. Олим мулоқот хулқида акс этиб турувчи миллатга хос бўлган хусусиятларга тўхталиб ўтади.

Ер юзидаги ҳар бир халқнинг ўзига хос хулқ-атвори, миллий хусусияти, туйғуси, диди, таъби мавжуд бўлиб, бошқа миллатлардан ажралиб туради. Халқлар ўзидаги эҳтиёжнинг мавжудлиги, қизиқишларнинг турли хиллиги, тафаккурининг сифати, турмуш тарзи, шахслараро муносабати, мулоқот мароми, анъаналари, урф одат ва маросимлари билан ҳам бир-бирларидан фарқ қиладилар.

Бу фарқлар ўз-ўзидан психологик қиёфанинг таркибий қисмларини: миллий характер, миллий таъб ва миллий маданиятни келтириб чиқаради. Миллий характер ҳар бир халқнинг ўзига хос феъл-атвори бўлиб, табиатни, жамиятни, яшашдан мақсадни англаб етиш, атрофидагиларни тушуниш, уларга муносабат билдиришда намоён бўладиган психологик хусусиятдир. Масалан, халқимиз

ҳиммат кўрсатиб фазилатини ардоқлаб келган. Халқнинг бошига қандай ташвиш тушмасин, не балоларни бошдан кечирмасин асл саховати билан ажралиб туради. Ҳиммат бу халқимиз характеридаги бир хислар. Унинг мазмунида саховат, покизалик ўрин эгаллаган. Ҳимматли кишилар халқ қандай вазиятда ҳам эл файзи ва роҳати учун қайғуради. Улар одамларга доимо саховат кўрсатиб, ночор, хайр-эҳсонга муҳтож бўлганларга ёрдам берганлар.

Миллий характер аввало оилада шаклланиб, кейинчалик ибрат намуналари орқали мустаҳкамланиб, такомиллашиб боради. Оила ўзининг урф-одатлари, анъана ва қадриятлари билан ўз аъзоларига таъсир этиб боради. Бола дунёга келиб, илк бор кўрган кишилари ота-онаси, яқинлари бўлади. Уларнинг меҳр-муҳаббатларини бола чақалоқлигидан ҳис қила бошлайди. Бола учун ота-она меҳрибон, ғамхўр сиймо ҳисобланади. Бола ота-онага ишонч билан қарайди. Уларнинг ҳар бир сўзи ва айниқса, хатти-ҳаракатларига алоҳида эътибор билан қарайди.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Этнопсихологиянинг терминалогик муаммолари ҳақида нималарни биласиз?
2. «Миллий психология» ва «Этнопсихология» ўртасидаги ўхшашликлар нималардан иборат?
3. Миллий психологик қиёфа ва миллий характернинг ўзаро муносабатни тушунтиринг.
4. Миллий характерни ташкил этувчи компонентларни айтиб беринг мавжуд?
5. Миллий ва умуминсоний характер хислатларига нималар киради?

30-мавзу. МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАР, УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ВАЗИФАЛАРИ

1-§. Миллий урф-одат ва анъаналар

Киши шахс сифатида нафақат ўзи яшаб турган даврдаги ижтимоий муносабатлар, балки тарихий тажрибалар, аجدодлар томонидан яратилган ва тўпланган маданий мерослар таъсири

остида ҳам шаклланади. Бунда ҳар бир халқнинг миллий урф-одат ва анъаналари муҳим роль ўйнайди. Шундай экан, миллий психологик қиёфанинг асосий элементларидан бўлган урф-одат, анъана, удум ва турли маросимларни чуқур ўрганиш, уларнинг вужудга келиши, намоён бўлиши, сақланиши ва ўзгарувчанлик қонуниятларини очиб бериш нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эгадир. Зеро, уларда фақат айрим индивиднинг эмас, балки бутун бир халқ, миллатнинг ижтимоий эҳтиёжлари, ахлоқ меъёрлари, хоҳиш-истаклари, амалий тажрибалари ва тарихий яшаш шарт-шароитлари ўзига хос равишда мужассамлашган бўлади.

Урф-одат ва анъаналар янги инсонни тарбиялаш билан боғлиқ соҳалар билан узвий боғланиб кетганлиги учун ҳам катта аҳамиятга эга. Одамзод онгли ҳаёт кечира бошлагандан буён вужудга келган урф-одатлар ва маросимлар, удум ва анъаналарни ҳисоблаб чиқиш жуда мураккаб. Ҳар бир давр, ҳар бир халқнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, табиий-географик шароитга мос тушадиган ва уни ўзида акс эттирадиган урф-одат, анъаналар мавжуд бўлади. Урф-одат ва анъаналар халқнинг ҳаёт кечириши, ижтимоий ва маънавий фаолияти жараёнида туғилади. Ҳар бир халқ ўз тарихи давомида яшаш шароитининг характер ва хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалий эҳтиёжлари натижасида кишилар хатти-ҳаракатининг маълум меъёрларини ишлаб чиқади. Кишилар хатти-ҳаракатининг бу йўл-йўриқлари авлоддан-авлодга ўтиш билан урф-одат ва анъаналарга айланиб кетади.

Қайси бир урф-одат ёки анъана, удум ёки маросимнинг келиб чиқиши тўғрисида чуқурроқ ўйламасдан фикр юритиладиган бўлса, улар бир қарашда қандайдир бемаъни, беҳуда бўлиб кўринади. Аслида эса уларнинг ҳаммаси ўз вақтида халқнинг ижтимоий-иқтисодий ва амалий эҳтиёжлари натижасида вужудга келган.

Ўрта Осиё ва Кавказда яшовчи айрим халқларда «қалин» одатини ўрганган баъзи олимлар, ҳозирги даврда ҳам уларнинг қолдиқлари мавжудлиги, лекин борган сари символик қимматга эга бўлиб қолганини таъкидлашади. Маълумки, экзогам никоҳи ҳукм сурган даврларда қиз олиш ва қиз бериш бир қабила ёки уруғ доирасида бўлмасдан, балки қабила ва уруғлараро ҳам бўлиб турган. Бир қабила бошқа қабилага қиз бергандан кейин, қиз мансуб бўлган қабила ёки оила заифлашиб қолмаслиги учун, улар ҳам,

албатта, кўшнидан қиз олишлари ва шу билан аҳолининг ўсиш нисбатини сақлаб туришлари керак бўлган. Лекин айнан шу пайтда кўшни қабилада бўйи етган қизнинг бўлмаслиги ёки биринчи қабилада вояга етган йигитнинг бўлмаслиги нарижасида қиз алмаштиришлар систематик тарзда амалга ошмас эди. Бундай ҳолда йигит томон қиз бериш имконияти келгунга қадар қиз томонга турли-туман мол-дунё ҳисобида заколат ёки ҳозирги тушунчамизча «қалин» бериб турган.

Бу фикрнинг маълум даражада тўғри эканлигини шундан ҳам билса бўладики, экзогам никоҳни қўллаш мажбурий бўлмаган Ўрта Осиёнинг ўтроқ халқларида қалин бериш ҳодисаси деярли учрамайди. Учраса ҳам, экзогам никоҳи қўлланиладиган халқлар даражасидаги кўриниш ва мазмунда эмас.

Кузаришлар яна шуни кўрсатадики, у ёки бу нарсага нисбатан турли халқларда мавжуд бўлган тақиқлар, ман этишларнинг ҳаммаси ҳам бемаъни ва зарарли эмас экан. Аксинча, кўпгина тақиқлар одат ёки диний ақида бўлганлиги учунгина эмас, балки турмуш зарурияти ва кишиларнинг эҳтиёжларига мос келганлиги учун ҳам асрлар давомида авлоддан авлодга ўтиб келган. Масалан, бир вақтлар ислом дини томонидан тўнғиз гўштини истеъмол қилишни тақиқлаш маълум гигиеник зарурат асосида вужудга келган экан. Яман Демократик Республикасида бир неча йиллар ишлаб қайтган врач К.Н.Суворовнинг ёзишича, «...Арабистон шароитларида тўнғиз гўшти тақиқланиши мақсадга мувофиқ бўлган, чунки бу гижжа ва трихонела касалидан сақлаган».

Н.Сарсенбоев тўғри кўрсатганидек, бундай мисоллар, яъни «...урф-одат ва анъаналар онгли равишда кириб келади, лекин уларнинг таъсири стихияли бўлади».

Дарҳақиқат, урф-одатлар авлоддан-авлодга ўта бориб, урф-одат ва анъаналар бажарилиб турилиши зарур бўлган барқарор меъёрларга айланиб қолган. Мустаҳкамланиб қолган урф-одат ва анъаналарга амал қилмаслик кўпчилик томонидан қораланган.

2-§. Урф-одат ва анъаналарнинг ижтимоий вазифалари

Урф-одат ва анъаналар кўпинча синоним сўзлар сифатида ишлатилса ҳам, улар ўртасида фақат терминологик тафовут бўлиб қолмасдан, маъно жиҳатдан ҳам ўзаро фарқланади. Урф-одатлар

асосан оилавий, маиший соҳалар билан боғланган бўлади ва унда ахлоқий, диний ва ҳуқуқий нормалари тўла ўз аксини топади.

Анъаналар эса ижтимоий ҳаётнинг ҳамма соҳаларида мавжуд бўлиш билан бирга, яна келиб чиқиш жараёнини ҳам қамраб олади. Анъанада кишиларнинг нарса ва буюмларга, табиатга бўлган муносабатлари ифодаланади. Маълумки, адабиёт ва санъатда, армия ва олий ўқув юртларида, спорт ва ишлаб чиқариш жамоаларида урф-одатлар бўлмайди, балки анъаналар мавжуд. Масалан, армияга янги борган аскарнинг қасамёд қабул қилиши, олий ўқув юртига кирган ёшларнинг талабалар сафига қабул қилиниши, йирик спорт мусобақаларида ғолиб чиққан спортчи шанига мамлакат байроғининг кўтарилиши ва мадҳия янграши анъаналардир. Бундан ташқари, анъаналарнинг таъсир доираси нисбатан кенг бўлиб, битта анъана бир неча урф-одат, удум ва маросимларни ўзида қамраб олиши мумкин. Масалан, халқимизда мавжуд бўлган меҳмондўстликни олиб қарайдиган бўлсак, меҳмондўстлик у ёки бу даражада ҳар бир халқ ва миллатга хос бўлган хусусиятдир. Лекин бу нарса, юқорида кўриб ўтганимиздек, ўзига хос ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар таъсирида, оилавий-маиший ҳаётдаги муносабатлар натижасида ўзбек халқида ўзига хос бир йўсинда намоён бўладики, бу ўзбек халқининг миллий хусусиятига, миллий анъанасига айланиб қолган. Мана шу меҳмондўстлик анъанаси бир неча урф-одатлар, удумлар орқали тўла намоён бўлади. Масалан: ўзбек қоидаларида меҳмон ҳар доим очик чехра ва ширин калом билан кутиб олинади. Хонадондаги энг ноёб нарсалар меҳмон олдида қўйилади. Меҳмоннинг кадр-қиммати ўта юқори ҳисобланади.

Энди удум ва маросимларга келсак, улар кучли психологик ва ҳиссий таъсир этиш кучига эга бўлиб, шулар ёрдамида урф-одат ва анъаналар бевосита юзага чиқади. Удум – у ёки бу урф-одат ва анъананинг бажариш вақтида амал қилинадиган тартиб-қоидалар. Маросим – удумни кўз-кўз қилиб турадиган ташқи безак тасвири, яъни бажарилиш жараёни.

Ижтимоий мазмунини ва аҳамиятига қараб урф-одат ва анъаналар илғор ва қолоқ бўлади ва ижтимоий ривожланишга ижобий таъсир кўрсатади. Қолоқ урф-одат ва анъаналар деб, умрини ўтаб бўлган, давр руҳига мос келмайдиган, ижтимоий ҳаёт тараққиётига монелик қиладиган урф-одат ва анъаналарга айтилади.

Халқ ҳаётига сингиб кетган урф-одат ва анъанани фармон бериш, тақиқлаш билан йўқ қилиб бўлмайдиган, эски урф-одатларни сиқиб чиқариш учун янги, жозибали удум ва маросимларни яратиш, халқ ҳаётига сингдириш керак. Шунинг учун ҳам урф-одат ва анъаналарни ўрганишда, риоя қилишда ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ёндашиш керакки, натижада норозиликларга ва тузатиб бўлмас хатоларга олиб келмасин. Бироқ урф-одат ва анъаналар ҳар бир халқда абадул-абад берилган ва ҳеч ўзгармайдиган нарса эмас. Ҳаёт уларни ғалвирдан ўтказиб, пучини пучакка, сарасини саракка ажратиб боради: янги даврга мослаша олгани сақланиб қолади. Шу билан бирга, ҳар бир давр ўзининг удум ва маросимларини, урф-одатлар ва анъаналарини яратади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Этнопсихологик хусусиятларнинг шахсда мужассамлашишини тушунтириб беринг.

2. Ташқи хатти-ҳаракатларни ички ҳаракатларга ўтиши ва шахсда этнопсихологик хусусиятларни шаклланиши деганда нимани тушунасиз?

3. Урф-одат ва анъаналарда халқнинг ижтимоий эҳтиёжлари, манфаатлари ва амалий тажрибаларининг акс этишини тушунтиринг.

4. Шахс шаклланишида миллий урф-одат ва анъаналарнинг қандай роли мавжуд?

5. Давр ва ижтимоий тизимлардаги ўзгаришлар ва янги урф-одат ва анъаналарнинг вужудга келиш сабабларини айтиб беринг.

31-мавзу. МИЛЛИЙ ТУЙҒУЛАР ВА ТАЪБ (ДИД)ЛАР

1-§. Миллий туйғулар ва уларни тадқиқ этишда қўйиладиган талаблар

Миллий туйғу туғма ҳодиса эмас, у тарихий категориядир. Миллий туйғу шу халқ ва миллат вакилларига ташқи объектив омилларнинг доимий таъсир этиб туриши натижасида вужудга келади. Унинг асосида миллий манфаат ва эҳтиёжлар, айниқса, унинг тинчлиги ёки нотинчлигини таъминловчи омиллар ётади.

Миллий туйғунинг намоён бўлиш кучи ва интенсивлиги ҳамма халқ ва миллатларда бир хил эмас. Ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг ўзгариши билан кишиларда ўз халқи, она тили, она тупроғига бўлган меҳр-муҳаббати янада чуқурлашиши мумкин. Ўз миллатини ортиқча кўкларга кўтариш, унинг бошқа миллатда бўлмаган фазилатлари тўғрисида гапиравериш, ўз халқини бошқаларга қарама-қарши қилиб қўйиш, бошқа халқни менсимаслик руҳини келтириб чиқариши мумкин.

Миллий туйғу этнопсихологик хусусиятларни ташкил этувчи компонентлар ичида нисбатан кам ўрганилган соҳа ҳисобланади. Ижтимоий ҳодисалар ичида миллий туйғу ўзининг келиб чиқиши билан узоқ ўтмишга бориб тақалади. Шунинг учун уни ўрганишда ниҳоятда эҳтиёткорлик ва зийраклик билан иш олиб бориш талаб этилади.

Миллий туйғулар асосида миллий манфаат ва эҳтиёжлар, айниқса, унинг муваффақияти ёки муваффақиятсизлиги, тинчлиги ва нотинчлигини таъминловчи нарсалар етади. Миллий туйғулар кишининг миллий воқеликдаги барча нарса ва ҳодисаларга, миллий жараёнларга, она табиат ва заминга, шунингдек, халқнинг тарихи ва маънавий меросига, миллий қадриятларга бўлган муносабати шаклида намоён бўлиб, миллий-маънавий ҳаётида катта аҳамиятга эгадир. Миллий туйғунинг таъсирчанлиги, айниқса, ҳар бир халқнинг миллий хусусиятлари тил орқали ўз ифодасини топади. Миллий тилга бўлган муносабатнинг салгина бўлса ҳам бузилиши халқлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатларга катта зарар етказди.

Фарзандларимиз онгида Ватанимизга, бой тарихимизга, миллий қадриятимизга нисбатан ҳурмат-эҳтиромни қарор топтириш, уларда ҳар хил ёт мафкура ва қадриятларга эргашмайдиган миллий иммунитетни шакллантириш жуда муҳим масала. Бунинг учун уларнинг тафаккурида ўзлигини англаш ва унутмаслик қарор топиши, ўз тарихи, ўтмиши, буюк аجدодлари ҳаёти, миллий қадриятларини ва миллий урф-одатларини яхши билиб, ўзлаштиришлари лозим.

Ватанга муҳаббат, ватанпарварлик туйғуси одамнинг қалбида табиий равишда туғиладигандек туюлади. Аслида, туйғуларнинг ҳам шаклланишида маълум таълим-тарбиявий тадбирларга эътибор бериш зарур. Инсон ўзлигини англагани, насл-насабини билгани сари юрагида Ватанга муҳаббат туйғуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чуқур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу

қадар чексиз бўлади. Бунда, айниқса, она тилига бўлган муносабат етакчи ўринда бўлади.

Чунки, она тили – бу миллатнинг руҳидир. Ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар.

Миллий туйғулар тарихий категория бўлиб, шу миллий ва халқ вакилларига ташқи объектив омилларнинг доимий таъсир этиб туриши натижасида вужудга келади. Шахсда миллий туйғу ва онгни шакллантириш, ривожлантириш учун халқимиз тарихини, миллий қадриятларни, буюк аждодларимиз ҳаётини, бой маънавий меросини чуқур ўрганиш лозим.

Миллий туйғуларнинг намоён бўлиш кучи ва интенсивлиги ҳамма халқ ва миллатларда бир хил бўлавермайди. Бу туйғулар кичик, кам сонли этносларда катта, кўп сонли халқлардагига қараганда, шунингдек, кам тараққий этган мамлакатларда ривожланган мамлакат халқларидагига қараганда кучли ва ёрқин намоён бўлади.

Айниқса, илгари жабр-зулм кўриб келган, эзилган ва ранжитилган халқларда миллий туйғулар ниҳоятда сезгир ва таъсирчан бўладиги, ҳатто ҳазил шаклида миллат шаънига айтилган фикрлар ҳам норозилик туғдириши, ҳиссиётларни жумбушга келтириши, миллий низоларни келтириб чиқариши мумкин.

Миллий туйғулар хилма-хил бўлиб, унга ахлоқий, эстетик, интеллектуал ва маиший туйғулар киради. Улар ватанпарварлик, миллий ифтихор, ҳамкорлик, хайрихоҳлик ёки ғаразгўйлик, душманлик каби кўринишларда ўз ифодасини топади. Ватанпарварлик ва ўз она табиатига меҳр-муҳаббат туйғулари миллий туйғуда муҳим аҳамиятга эга. Ватанпарварлик асрлар ва минг йиллар давомида биргаликда яшаган этник гуруҳда шаклланган энг чуқур туйғулардан биридир. Етук ватанпарварлик туйғуси маҳаллий, ҳудудий парчаланишлар ва турли-туман майда этник тафовутлар тугатилиб, элат ва миллатларнинг шаклланиши жараёнида вужудга кела бошлайди.

Маълумки, XIX асрнинг 70-йилларигача ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида учта хонлик – Қўқон ва Хива хонлиги, Бухоро амирлиги мавжуд эди. Ўзбек элати шу учта хонлик ва амирликда яшаса ҳам, ҳудудий, иқтисодий, сиёсий парчаланиш ягона ўзбек миллатини вужудга келтирмайди. Демак, шу даврда ягона миллий туйғунинг мавжудлиги тўғрисида сўз бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Ўзбекистон Республикасининг ташкил топиши, ўзбек элатини миллат даражасига кўтарди. Натижада, миллий туйғу шаклланди ва ривожланиб борапти.

Ҳақиқий ватанпарварлик, деб кўрсатган эди америкалик этнопсихологлар Б.Гонний ва В.Жеромлар, фақат халқи ва ватанининг жаҳон миқёсида тутган мавқедан фахрланиш билангина намоён бўлмайди. Миллат ҳаётида шундай даврлар ва ҳолатлар бўладики, бунда ҳақиқий ватанпарварлик туйғуси уялиш ва орланиш билан тўлиб топиши мумкин. Дарҳақиқат, миллатнинг ўқимишли вакилари, зиёли ва олимлари, ёзувчилари миллат ҳаётига, миллий жараёнга теран объектив кўз билан қараб, миллат ҳаётидаги айрим камчилик ва нуқсонларини руй-рост айта олишган, танқид қилишган. Таниқли ўзбек маърифатпарвари Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёки ахлоқ» китобида бундай ёзади: «Бизлар на учун ҳаракат қилмаймиз, қимирламаймиз? Бошқа миллатларни ўғиллари, қизлари кеча демай, кундуз демай, ёз демай, киш демай илм йўлида жонларини фидо қилиб, қовушиб, югуришиб, кўзларимизни қамаштириб турган бир замонда, бизлар ҳамон уйқудан, жаҳолатдан бошимизни кўтармаймиз, ибрат олмаймиз»...

Социал-иқтисодий шарт-шароитларнинг ўзгариши билан кишиларда ўз халқига, она тилига, она тупроғига бўлган меҳр-муҳаббат туйғулари йўқолиб кетмайди, лекин айримларнинг фикрича, ҳозирги кунда инсонларни она табиат ва атроф-муҳитдаги географик ва маданий нарсалар қизиқтирмай қўйди. Ватан энди уларга фақат яшаш, пул топиш, бойлик орттириш учун хизмат қиладиган макон бўлиб қолди, деган космополитик ғояларни тарғиб қилмоқчи бўлади, яъни улар «бедананики қаерга борса питпилдик» деган нақлдек, қаерда ҳаёт яхши бўлса, одам ўша ерга интилади. Ватан, ватанпарварлик туйғулари эскирган, қоқоқ тушунчалар, деб исботлашмоқчилар. Бу билан улар бир неча минг йиллар давомида яратилган миллий маданиятнинг қадрсизлантиришга, кишиларнинг ватанпарварлик туйғуларини йўқотишга, ўз Ватанини бошқа халқ ва миллат тазйиқидан ҳимоя қилмаслик каби ярамас ғояларни одамлар онгига сингдиришмоқчи бўлишади.

Муқаддас Ватан учун жонини фидо этишга тайёр туриш кишининг юксак ахлоқийлигидан далолатдир. Ватанпарварлик

қадимий туйғулардан ҳисобланади.

Мусофир юртларда яшаб, ишлари юришиб кетган аксарият одамлар ҳам ўз бахтини, фаровонлигини кемтик кўрадилар. Чунки уларга Ватан соғинчи тинчлик бермайди. Бутун қалби билан Ватанга интиладилар. Бироқ фақат нафсини ўйлайдиган одамлардагина ватанпарварлик туйғуси бўлмайди. Улар бир жойдан иккинчи жойга, бир юртдан бошқа юртга осонгина кўчиб ўтаверадилар. Улар қаерга борсам, барибир кунимни кўравераман деб ўйлаб, яшашдан мақсад ўз нафсини қондириш деб биладилар.

Тарих шунга гувоҳлик берадики, азал-азалдан Ватан шу қадар азиз ва муқаддас бўлганлиги боис, энг оғир жиноят қилганларга жазо сифатида Ватандан бадарға қилиш ҳукм қилинган.

2-§. Миллий дид ва эстетика. Миллий дидни шакллантирувчи омиллар

Идрок этилаётган воқеалар ва ташқи олам нарсаларини билишдан вужудга келадиган ҳиссий-психологик реакция турли халқларда турлича тарзда нармоён бўлади. Табиий шароитлар – ўрмон, чўл, даштлик, тоғ, сув бўйлари, водий ва воҳалар халқларнинг идрок этиш қобилиятига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Шу ўринда «таъб» тушунчасига изоҳ бериб ўтсак. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида таъб – кишининг характерида унинг кишиларга, нарсаларга муносабатида намоён бўладиган ички табиати, мижози – деб таърифланган. Миллий таъб эса – гўзаллик ва хунуқлик тўғрисида халқ ва миллатнинг кўпчилик вакилларида тарихан шаклланган баҳодир.

Шахс маълум муҳитда яшаб ва вояга етар экан, унинг психологик хусусиятлари миллатнинг психологик хусусиятларидан «кўчирма» олади. Шахс ўтмишда тўпланган маданий меросни ўзлаштиради ва унда ўзини ўраб турган атроф-муҳит, иқлим шароитлари ва ҳайвонот оламини идрок этишга нисбатан махсус таъб ҳосил бўлади.

Одам энг аввало илк болалик давриданоқ эҳтиёжларини қондирадиган нарсаларнинг хусусиятларини чуқурроқ идрок этишга интилади. Воқеликни идрок этишда унинг ижтимоий ва

шахсий кўникмалари, миллатига хос бўлган хусусиятлар ўз аксини топади. Шунинг учун табиат ва жамиятдаги ҳар бир нарса ва ҳодиса бир миллат ва элат вакилларида бошқаларига нисбатан бошқачароқ эмоционал психологик реакцияни вужудга келтириши мумкин.

Масалан, чўл қозоқ халқи турмуш тарзи кечадиган ўзига хос макон. Шу боисдан улар чўлга чуқур ҳурмат билан муносабатда бўлади. Аксинча, водий, денгиз соҳиллари, ўрмонларда умргузаронлик қиладиган одамлар учун чўл манзараси ҳеч қандай ижобий муносабат туғдирмаслиги, ёки унинг учун зерикарли бўлиши мумкин. Халқнинг яшаш тарзи, унинг кундалик эҳтиёжлари (тарихан) гўзаллик тўғрисидаги тасаввур ва тушунчаларни вужудга келтиради. Шахс ва жамоа ҳамда шахслараро муносабатлар тўғрисида ҳам шу асосда меъёрлар шаклланади. Шунинг учун ҳам муайян халқ вакиллари бошқа халқларнинг муносабатлари, хатти-ҳаракатлари, урф-одатларини кўриб таажжубланиши, бу нарсалар унга қандайдир ғайри табиий бўлиб кўриниши мумкин. Масалан, Қуддусни босиб олган французлар арабларнинг кўп хотинлик одатига нафрат билан қарашган, араблар эса француз аёлларининг очиқ юришларини ҳаёсизлик деб ҳисоблашган. Қирғиз ва қозоқларда қиз олиб қочиш одати ҳам бунга мисол бўла олади. Албатта, бундай анъаналарга эга бўлмаган халқлар учун бу хатти-ҳаракатлар ғайри табиий кўринишни вужудга келтиради. Лекин ҳар қандай урф-одатнинг вужудга келишида ижтимоий-иқтисодий омилларнинг таъсири белгилловчи роль ўйнайди. Кўчманчи ва ярим кўчманчи халқларда уйланиш маросимларида «қалин» тўланган. Ҳозирги ижтимоий соҳадаги ўзгаришлар натижасида халқимизда мавжуд бўлган миллий таъб кескин ўзгаришларни бошдан кечирган. Айниқса, моддий эҳтиёжларни қондириш билан боғлиқ таъб анча мураккабликларни келтириб чиқармоқда.

Миллий туйғу миллий психологик қиёфани ташкил этувчи компонентлар ичида нисбатан кам ўрганилган соҳа бўлиб, ўзининг ижтимоий келиб чиқиши билан узоқ ўтмишга бориб тақалади. Шунинг учун ҳам уни ўрганишда эҳтиёткорлик талаб қилинади. Миллий туйғунинг таъсирчанлиги она тилига бўлган муносабатда ёрқин намоён бўлади. Зеро, ҳар бир халқнинг миллий хусусиятлари тил орқали ўз ифодасини топади. Машҳур қирғиз

ёзувчиси Ч.Айтматов тил бу миллатнинг бутун тарихи мобайнида тўпланган бойликларини ўзида жамлаб, келгуси авлодларга етказиб берувчи восита эканлигини кўрсатиб берган.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Миллий туйғуларга хос хусусиятлар деганда нималарни тушунасиш?
2. Миллий туйғуларнинг миллат жипслашувидаги ва мустақил давлат тузиш давридаги роли нималардан иборат?
3. Миллий таъб (дид) шаклланишига таъсир этувчи омилларни айтиб беринг.
4. Миллий ўзига хослик ва эстетик дид тушунчаларини изоҳлаб беринг.
5. Маиший ва ижтимоий ҳаётдаги байналминалчилик таъсирида янги дидларнинг вужудга келишининг моҳияти нимада деб ўйлайсиз?

32-мавзу. МИЛЛИЙ ОНГ ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ. ЭТНИК АТТИТЮД ВА СТЕРИОТИПЛАР

1-§. Миллий онг ва миллий ўзини ўзи англаш тушунчалари

Фалсафа, этнография, ижтимоий психологияга оид аксарият адабиётларда миллий онг ва миллий ўзини ўзи англаш тушунчалари деярли фарқланмасдан, синоним сўзлар сифатида ишлатиб келинади. Улар ўртасида мазмунан узвий боғлиқлик, яқинлик ва бир жараённинг турли босқич даражаларидир.

Миллатнинг ўзини ўзи англаши этник психологиясининг анча кейин вужудга келадиган мураккаб феномени ҳисобланиб, у миллий онг асосида вужудга келади ва унинг тузилмасига киради. Миллий ўзини ўзи англаш миллатнинг ўз манфаати, мақсади ва мотивларини англаб етиш даражасини билдиради. Шунингдек, у миллат томонидан ўзининг ўтмиши, тарихи, этник келиб чиқиши, миллий ғоялари, келажаги, жаҳон жамиятида тутган ўрнини билиши бўлиб ватан-парварлик, миллий ғурур, шаън, бурч кўринишларида намоён бўлади.

Инсон миллий онги мансублигини англаш орқали миллат ҳаётидаги воқеа вакиллар онгида катта ўзгаришлар бўлишига,

миллий ўзини ўзи англашнинг ривожланишига ва бойишига олиб келади. Миллий ўзини ўзи англашда миллат зиёлилари катта роль ўйнайди. Улар ўз миллий тилида санъат ва адабиётини ривожлантиришлари, миллий кадриятлари учун қайғуриб, миллий манфаат ва ғоялар учун курашиб, миллий ўзликни ривожлантиришга хизмат қиладилар. Бу кураш, айниқса, миллий тил, миллий кадриятлар камситилган, миллий манфаатлар хавф остида қолган пайтларда кучаяди.

Миллий ўзини ўзи англашда маълум субъективизм мавжуд бўлиб, у муайян тарихий ва ижтимоий даврларда ўз йўналишини ўзгартириб туриши мумкин. Баъзан бу йўналиш ўз чегарасидан чиқиб, «миллатчилик» деган хавфли-хатарли ҳолатни туғдирадики, миллий ўзликни бошқа этник гуруҳларга қарама-қарши қўйиш, миллий махдудлик каби номақбул кўринишларга айланади.

Миллий ўз-ўзини англаш индивид гуруҳ, жамоани шундай хусусият йиғиндирки, бу йиғинди бошқа ижтимоий этник гуруҳ, жамоа ва уларнинг вакиллари билан бирга мулоқот жараёнида таққослаш, ўхшашлик ва фарқларни идрок қилишга асосланади. Миллий ўз-ўзини англаш доимо баҳоли муносабатни назарда тутаяди. Миллий ўз-ўзини англаш жараёнида ўз миллатини билиш ва хусусиятларини англаш билан биргаликда бошқа миллатнинг ҳам хусусиятлари англаб борилади. Натижада биз бошқа бир миллатни ҳам англаб борамиз. Айрим тадқиқотларда муносабат ва мулоқотлар таққослаш натижасида фақат миллатлар ўртасидаги фарқлар идрок қилинган, деган фикр бидирилади. Асосий эътибор шунга қаратиладики, ўхшаш томонлар эътибордан четда қолади, бундай ёндашув оқибатида этноцентризм келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, рус олими Князев шундай ёзади: «Миллий ўз-ўзини англаш бу миллатни бир бутун ягона бирикма деб англаш ва бошқа бир миллатлардан ўз миллатини ажрата билишдир». Ҳозирги кунда рус психологлари томонидан ўхшашлик ва фарқларни идрок қилиш муаммоси ишланмоқда. Миллий ўз-ўзини англаш икки даражада мавжуд бўлиши мумкин: 1) шахс даражасида; 2) ижтимоий этник гуруҳ ёки жамоа даражасида. Шахс даражасида миллий ўз-ўзини англаш характерга эга бўлса, жамоа даражасидаги миллий ўз-ўзини англашлар айнан бир хил нарса деб тушуниш хато. Аммо уларни икки хил ҳодиса деб тушуниш ҳам тўғри эмас. Чунки бу иккинчи

даражадаги миллий ўз-ўзини англашсиз жамоа бўлмайди.

Профессор Э.Ғозиев миллий ўз-ўзини англашга қуйидагича таъриф беради: «Миллий ўз-ўзини англаш – муайян халқнинг у ёки бу ижтимоий гуруҳга мансублигида, макроижтимоий муносабатларда ўз миллати эгаллаган мавқеини аниқ тасаввур қилганлигида, миллий манфаатдорлигида ўз ифодасини топишдир. Миллий ўз-ўзини англашда оилавий таъсирнинг (турмуш тарзи, ота-она нуфузи – обрўси, шахслараро муносабат мароми), миллий тил муҳити, миллий маданиятга қизиқиш, турмушдаги қариндош-уруғчилик риштасининг роли бениҳоят каттадир. Миллий ўз-ўзини англашнинг обектив (тарихий тараққиёт, табиий омиллар) ва субъектив (ўша миллатнинг айрим намояндасининг таъсиридаги ўзгаришлар) омиллари мавжуд. Мазкур омилларнинг аста-секин етилиши ўз-ўзини англаш жараёнини жадаллаштиради».

Миллий ўз-ўзини англашнинг вужудга келиши ва ривожланишидаги шарт-шароитлар. Капитализм даврида феодал тарқоқликнинг тугатилиши, мамлакат ва вилоятлар ўртасидаги айрибошлашнинг кучайиши, товар маҳсулотларининг ўсиши кабилар иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга олиб келди.

Иқтисодий турмуш бирлиги асосида тил ва удум бирлигининг пайдо бўлиши асосий белгилардан ҳисобланади. Миллатнинг тарихий тараққиёт хусусиятлари, унинг иқтисодий тузилиши, одат ва анъаналари ҳамда турмуш тарзи унинг маънавий қиёфасига таъсир этади.

Айрим ҳолларда этник ўз-ўзини англашга миллий ўз-ўзини англашни қарама-қарши қўйиш ҳоллари ҳам учраб туради. Натижада миллий ўз-ўзини англаш этник ўз-ўзини англашдан ажратилади. Бу фикр нотўғри, албатта. Миллат ўзини бошқа миллат билан таққослаши натижасида ўз моҳияти ва миллийлигини англаб боради. Миллий ўз-ўзини англашнинг вужудга келиши ва ривожланиши жараёнида шахс маълум бир даражадаги интеллект ва ақл заковатга эга бўлиши керак. Акс ҳолда фикрлар мантиққа зид бўлади. Миллий ўз-ўзини англашнинг вужудга келишига миллатлар ўртасидаги фарқли ва ўхшаш белгиларнинг мавжудлиги асос бўлади.

Шундай қилиб, этнопсихологиянинг марказий тушунчаларидан бири миллий ўз-ўзини англаш бўлиб, ҳозирги шароитда энг кўп қўлланиладиган категориялардан ҳисобланади. «Мустақиллик»

номли луғатда шундай ёзилади: «Ҳар бир миллат (элат)нинг ўзини ҳақиқий мавжуд субъект, муайян моддий ва маънавий бойликлари, ягона тил, урф-одатлар, анъаналар, қадриятлар ва давлатга мансублигини, манфаатлар ҳамда эҳтиёжлар умумийлигини тушуниб етиши миллий ўз-ўзини англаш дейилади».

2-§. Миллий ўз-ўзини англаш элементлари

Миллий ўз-ўзини англашни ташкил этувчи структуравий элементлар нималардан иборатлиги, қандай тузилишга эга эканлиги илмий адабиётларда етарли ёритилган эмас. Миллий ўз-ўзини англаш элементларига адекват бўлган индекаторларни қидириб топиш анча мураккабдир, бир миллатнинг ичида ҳам бу ишни бажариш қийин. Миллий ўз-ўзини англаш элементларида рўй берувчи нарса индекатор дейилади. Шундай бўлса-да, миллий ўз-ўзини англаш элементларини таҳлил қилишга оид изланишлар Ю.В.Бромлей, А.А.Кожанов, Н.М.Дробежова каби олимларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган. Уларнинг фикрларига асосланиб туриб, миллий ўз-ўзини англашнинг элементини шундай таърифлаш мумкин, булар:

- 1) миллий идентификация;
- 2) миллатнинг моддий ва маънавий бойликлар, қадриятлар, анъаналарга муносабат;
- 3) миллий манфаат.

Бу элементларни деярли ҳаммаси амалда у ёки бу даражада сезгилар, ҳаё, туйғу, кайфият, идрок, установкалар билан боғлиқдир. Миллий идентификация бу оз миллатига мансубликни англаш, тушуниш бўлиб, унга тарихий ўтмишни этник келиб чиқишидаги умумийликлар, давлат ва худудий умумийликлар ҳақидаги, она ер, Ватан, тил ва миллий маданият тўғрисидаги, урф-одатлар, анъана ва маросимлар, маънавий бойликлар ҳақидаги тасаввурлар, тушунчалар, мулоҳазалар автостеротиплар киради.

Миллий идентификация ўз иши, этник жамоасининг белги ва хусусият сифатларини англаш, тушуниб етиш, умумлаштиришнинг мужассамлашган йиғиндисидир. Миллий идентификация турли халқларда бир вақтнинг ўзида турли хил даражада намоён бўлади.

Миллий ўз-ўзини англашнинг ижтимоий психологик функциялари.

Таққослаш жараёни миллий ўз-ўзини англашнинг энг муҳим

операцияси ҳисобланади. Таққослашда объектлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқлар ўзаро солиштирилади. Таққослаш ўзаро солиштирилаётган объектларнинг моҳият мазмунини англашга қаратилган жараён дир.

Машҳур рус психологи И.С.Кон миллий ўз-ўзини англаш онгли ёки онгсиз ҳолда ўз белги хусусиятларини бировнинг белги хусусиятлари билан таққослаш дир, деган фикр билдиради. Миллий ўз-ўзини англашнинг ижтимоий функциялари миллат ҳаёти, миллий муносабатларда ўзига хос роль ўйнайди.

Миллий ўз-ўзини англашнинг асосан 3 та функцияси мавжуд:

- 1) англаш ва мослашиш функцияси;
- 2) ҳимоя функцияси;
- 3) назорат функцияси.

Мослашиш функцияси шахс ёки индивиднинг миллий ўзига хос ҳаёт ва фаолиятга мослашишида намоён бўлади. Шахс оиладаги тарбия, мактабдаги ўқув фаолияти жараёнида нафақат таълим-тарбияни ўрганади, шу билан биргаликда тарихий ўтмишда юзага келган кадриятларни ҳам ўрганиб, унга мослашиб боради. Индивид миллий хусусиятга эга бўлган урф-одатлар, анъаналарни, маънавий ва маданий бойликлар, малака ва кўникмалар, миллий кадриятларни ўз ҳаёти фаолияти давомида англаб, ривожланиб, уларга мослашиб боради. Ушбу функция миллат жипслигини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шунингдек, авлоддан-авлодга ўтиб келадиган миллий белги ва хусусиятлар, урф-одатлар, кўникма ва малакаларни кузатишни ҳам таъминлайди.

Ҳимоя функцияси: миллий кадриятлар, маънавий ва моддий кадриятлар, эришилган маданий ва илмий ютуқлар миллатнинг ўтмиш даврида вужудга келган анъана ва маросимларга, умуман, миллатнинг фан, маданият, дин, санъат, одоб, ахлоқ соҳасидаги ютуқларга маълум даражада зарар етказилиб, уларнинг йўқолиб кетиш хавфи туғилганда маълум бир ижтимоий психологик қаршилиқлар сифатида юзага чиқади. Миллий ғурур камситилганда ҳам миллий ривожланиш эҳтиёжлари, манфаатлари миллий кадриятлар, маънавий ва маданий бойликларнинг камситилиши ёки йўқолиб кетиши натижасида ушбу функция ишга тушади. Бу ҳимоя асосида демографик ўз-ўзини ҳурмат қилиш сезгиси ётади. Адолатлилик, тенг ҳуқуқлилик тамойиллари функция негизини ташкил этади. Бу функция хавф-хатар вужудга келганда юзага чиқади.

Ўз-ўзини англашнинг назорат функцияси. Миллий ўз-ўзини англашнинг бу функцияси миллатпарварлик ходисаси миллатчиликка айланиб кетмаслиги, миллий манфаатлар бошқа бир миллатнинг манфаатларини поймол қилмаслиги, жамиятда миллатчилик юзага келмаслигини назорат қилади. Миллий муносабатларда жанжал ва низоларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслик бу функциянинг бош вазифасидир.

3-§. Этник стереотиплар

Индивиднинг ижтимоийлашув жараёни ижтимоий роллар ўзлаштирилиши билан бевосита боғлиқ. Мазкур жараён муваффақиятли амалга ошиши у ёки бу ижтимоий ролни бажараётган шахс эга бўлиши лозим бўлган ижтимоий психологик сифатлар тўғрисидаги инсоннинг субъектив тасаввурлари билан белгиланади. Мазкур тасаввурлар субъект онгида муайян бир андозалар сифатида шаклланади.

Атрофдаги шахсларни баҳолаш пайтида «ўлчов» сифатида фойдаланаётган андозалар унинг инсонларга қўйилаётган ахлоқий-эстетик ва антропологик-психологик талабларининг персонификациялашган ифодасидир. Бу унинг турли мажбуриятларни бажараётган одамлар ўзларини қандай тутишлари лозим бўлганлиги хусусидаги у ёки бу даражада англанган тасаввурлардир.

Баҳоловчи андозалар конкрет ижтимоий жамоанинг идеал вакили қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги билимлар билан чегараланмайди. Ҳар бир одамда муайян бир ижтимоий бирликни идеал ифодаловчи шахсга у ёки бу даражада фарқланиб турадиган одамлар намунаси шаклланади. Турли касбга тааллуқли ва турли ёшга доир, шунингдек, жинсий гуруҳларга кирадиган одамлар билан мулоқотга кирадиган инсонда долзарблашадиган андозалар ҳамиша бир хил бўлмайди. Улар ўзларида ўз «эгалари» нинг шахс сифатида шаклланиш жараёнида юзага келган ўзига хос тамғага эга бўлади. Одамлар ривожланар экан мазкур андозалар қайта англаниши жараёнида муттасил янги чизгилар билан бойиб боради.

Муайян бир тоифавий аломат билан умумлаштирилган ижтимоий андозалар туркуми «ижтимоий категория» тушунчаси ифодаладиган бир ходисани яхлит тавсифлаш имкониятини

беради. Демак, ижтимоий андозалар ва ижтимоий категорияларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш ўзаро шартланган бўлиб уларнинг манбаси сифатида нафақат инсоннинг шахсий тажрибаси, балки жамият томонидан ишлаб чиқилган ва инсон таълим жараёнида ва одамлар билан бевосита мулоқотга киришиш чоғида ўзлаштирадиган нормалар илгари сурилади.

Андозалар, категориялар стереотипларни конкрет тадқиқ этиш В.М.Сенченко, Г.Г.Финикова, В.Н.Кунициналар томонидан амалга оширилган. В.М.Сенченко ижтимоий категориялар генезиси билан шуғулланган. Унинг тадқиқотида мактабгача ёшдаги болалар ва юқори синф ўқувчилари жалб этилган. Улардан оддий аскарлар ва офицерлар шахсини ифодалаб бериш сўралган. В.М.Сенченко статистик методлар ёрдамида совет аскарлари хусусидаги асосий шаклланиш йўллари очиқ берган.

Мактабгача ёшдаги болаларда аскарлар тўғрисидаги тасаввурларнинг асосий қисмини ташқи жиҳатлар ташкил этиши аниқланган (формаси, қурол-аслаҳалари ва ҳ.к.).

Катта боғча ёшдаги болалар эса ташқи белгилар билан бирга гавда тузилишига оид аломатларни киритиша бошлашган. 1-синф болаларида юқоридаги аломатлар сақланиши билан бирга функционал белгилар ҳам ўз аксини топа бошлаган (автоматдан отиш, танк ҳайдаш, ақопларда ётиш).

Кейинги ёш давлари тааллуқли гуруҳларда мазкур тушунчанинг мазмуни иродага, хулқ-атвор мотивлари билан боғлиқ сифатлар билан тўлдирилганда аскарларнинг иродавий сифатларига ўсмирлар катта аҳамият берганлар.

Шундай қилиб мактабгача ёш даврида вужудга келган андозалар ва категориялар шаклланиши мактаб ёши даврида тараққий этиб ўспиринлик ва ундан кейинги ёш босқичларида такомиллашиб бориши исботланган. Кўп сонли тадқиқотларда мазкур шахсга доир баҳоловчи стереотипларда инсоннинг ўз хулқи, жинси, ёши, касбига тааллуқли ҳам назарий ҳам амалий билимлар захираси акс этиши очиқ берилган.

Стереотиплар баҳоланаётган одамлар ташқи характеристикалари билан фарқлана бошлаган даврдан ишга тушишини Г.Оллпорт, П.Секорд тадқиқотлари кўрсатиб берган. Масалан, Секорд томонидан одамлар юзидаги муайян бир белгилар (юз шакли, кўз жойлашуви, оғиз катта кичиклиги) билан шахс

хусусиятлари ўртасида маълум алоқадорликни хос деб биладиганлар мавжудлиги исботланди. Секорд тадқиқотида баҳолаш учун 24 нафар эркак сурати қўлланилган, ўртача корреляцион коэффицент 0,65 ни ташкил қилди. Секорд мазкур натижаларни синалувчилар томонидан ўзлаштирилган баҳоловчи стереотиплар билан тушунтирган.

Д.Брунер ва Х. Перлмуттер америкаликлар, французлар ва немислар катта гуруҳларида ўтказган тадқиқотларида одамларнинг ўзлари учун нотаниш кишини баҳолаш мулоҳазалари мазкур одамларнинг қайси миллий этник гуруҳларга мансублиги тўғрисидаги тасаввурлар билан белгиланишини исботлаган. Агар кишининг миллий мансублик аломати унинг шахсини баҳолашда биринчи ўринга чиқса улар баҳоланаётган одам тааллуқли миллатга хос характер хусусиятлари билан ассоциация қилинган. Шунингдек иштирокчилар баҳоланаётган одам қайси миллатга мансублигини билмаган тақдирда ушбу одамни баҳолашда соддалашган гуруҳий стереотипларга камдан-кам мурожаат этишини ҳам тасдиқлашган. Д.Брунер ва Х.Перлмуттер маълумотлари турли даврда турли тадқиқотчилар томонидан тасдиқланган (Э.Кентрил, Г.Оллпорт, К.Содхи).

Бошқа одам тўғрисидаги билимлар шаклланишида баҳоланаётган шахснинг ижтимоий касбий статуси хусусидаги информация яъни, стереотиплар аҳамияти ҳам кам эмас. Хайри ва Грюнс тадқиқотлари бунинг яққол мисолидир. Уларнинг тадқиқотларида менежерлар ва малакали ишчиларнинг катта гуруҳи икки кичик гуруҳга бўлиниб икки кишини баҳолашган. Баҳоланаётганларнинг биттаси биринчи гуруҳга фабрика мулкдори сифатида, бошқаси ишчи сифатида тақдим этилган. Худди шу шахсларни иккинчи гуруҳга тақдим этаётиб «фабрика мулкдорини» «ишчи» деб, «ишчи»ни эса «фабрика мулкдори» деб таништиришган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, икки гуруҳга ажратилган синалувчиларнинг бир одам тўғрисидаги фикрлари кескин фарқланишини кўрсатди.

Одам тўғрисидаги умумий таассурот у фабрика мулкдори бўлган ҳолатдан малакали ишчи бўлган ҳолатга ўтишда ўзгарган. Шундай қилиб ролли стереотиплар мавжудлиги тўғрисидаги фараз ўз исботини топган.

Собиқ иттифоқда ролли стереотипларни З.Ф.Семёнова ўрганган. У телестудияга ишчи, хизматчи, инженер-техник ходимларни, олимлар, шунингдек, ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчиларини таклиф этган. Уларга телеангиликларнинг экспериментал сони намойиш қилинган. Экспериментда иштирок этувчилар (жами 667 нафар, шулардан 291 нафари эркак ва 376 нафари аёл) эфирга трансляция қилинаётган кўрсатувни кўраяпмиз деб ўйлашаган. Кўрсатувнинг бир лавҳасида янги кеманинг ишга тушурилиши ҳақида гап кетган. Олиб борувчи синалувчиларнинг турли гуруҳларига турлича таништирилган: гоҳи олим сифатида, гоҳи журналист сифатида, гоҳи бош конструктор сифатида ва ниҳоят бригадир сифатида. Яъни, экспериментда бир шахс бир маълумот билан иштирок этган ва баҳоланган, бироқ унинг ижтимоий роли ўзгариб борган.

Телеангиликларни кўриб бўлгач синалувчи телетомошабинлар З.Ф.Семёнова илтимосига кўра янгиликни айтган киши тўғрисидаги ўз таассуротларини махсус шкалада ифодалаганлар.

Маълумотларни статистик қайта ишлаб З.Ф.Семёнова баҳоловчи стереотипларда фарқлар мавжудлигини аниқлаган. Шу билан бирга мазкур стереотиплар нафақат шахсни ижтимоий роли билан балки синалувчилар тааллуқли гуруҳларнинг ижтимоий тавсифлари билан ҳам белгиланиши ўз исботини топди.

Юқоридаги фактлардан шу нарса аён-ки, стереотиплаштириш ходисаси бошқа одамни билиш истагидаги субъект ўша одамнинг ижтимоий роли, мавқеини аниқлагандан кейингина амалга ошишини кўрсатди.

В.Н.Панфёров, Ю.Г.Дамаскинлар турли вербал установкаларни одамни баҳолашда қай тарзда таъсир ўтказишини ўрганганлар. Уларнинг тажрибаларида синалувчиларга электрон тахистаскоп орқали бир эркак ва бир аёл сурати 0,02 сония давомида тақдим этилган ва уларнинг тавсифини бериш сўралган. Биринчи марта тақдим этилганда синалувчилар фақатгина ушбу шахсларнинг ташқи кўриниши асосида олинадиган информацияга таяниб «эркин» тавсиф беришлари зарур бўлган. Иккинчи марта тақдим этилаётганда эса суратдаги шахслар курс сардорлари экани эълон қилинган. Учинчи марта тақдим этилаётганда эса курс сардорлари установкиси яхши дўст установкасига ўзгартирилган. Тўртинчи марта тақдим этилаётганда яхши дўст установкиси аълочи

установкасига ўзгартирилган. Сўнги, бешинчи тақдим этилишда эса улар иккичилар деб эълон қилинган.

Тадқиқот натижалари инсоннинг ижтимоий психологик табиатини акс эттирувчи нутқий установка ёрдамида субъектлар тўғрисидаги фикрни кескин ўзгартириш имконияти мавжудлигини кўрсатди. Яъни установка ёрдамида кишининг акс эттирувчи фаолиятини зарурий йўналишда ўзгартириш мумкинлиги аниқланди. Установка киши хулқига таъсир этиш мумкин бўлган психологик механизм сифатида илгари сурилади. Кишида ҳосил қилинадиган установка унинг онгидаги «андоза-ўлчов» мезонларини фаоллаштиради ва инсон муайян бир баҳоловчи стереотиплар доирасида фикр юрита бошлайди.

Юқорида келтирилган фактлар инсон бошқа одамларни баҳолашда фойдаланадиган стереотиплар ушбу инсоннинг шахс хусусиятлари билан узвий алоқада эканини исботлаган. Инсон ҳаёт давомида ўзлаштирадиган тажрибанинг ўзига хослиги натижасида, меҳнат, мулоқот субъекти сифатида шаклланади. Айни шу жиҳатлар унинг стереотиплари шакли ва моҳиятини белгилайди.

Аниқки, инсон ҳаёти муайян объектив қонунларга бўйсунди. Инсон туғилиши билан бир қатор шартли гуруҳларнинг, ҳаёти давомида эса кўплаб мавжуд гуруҳларнинг аъзосига айланади. Ижтимоийлашув жараёнида у ўзи мансуб бўлган гуруҳдан маълум белгиларга кўра ажралиб турувчи шунга ўхшаш ижтимоий бирликлар хусусидаги билимларга эга бўлиб боради. Бундай билимларда ўша объектларнинг баъзи бир, аксарияти, юзаки хусусиятлари акс этади. Кундалик турмушида инсон муайян ижтимоий объект тўғрисида тезкор хулоса чиқаришга мажбур бўлганда, у индивидуал ва гуруҳий тажриба орқали тўпланган ва шулар билан чекланган билимлардан фойдаланади. Одам, объектив психологик қонунларга биноан, билиш объекти мансуб бўлган ижтимоий бирлик ҳақида кўпчилик онгида шаклланиб қолган тасаввурларга таяниб иш кўради. Шундай тасаввурларнинг туркуми ижтимоий перцептив феноменлар жумласига кирувчи ижтимоий стереотиплардир.

«Ижтимоий стереотип» тушунчасини америкалик олим У.Липпман ўзининг 1922 йилда нашр этилган «Ижтимоий фикр» асарида илк бора қўллаган. У.Липпман: «Ижтимоий стереотиплар инсон тафаккури «психик энергияни тежаш тамойили»ни амалга

ошириш сабабли вужудга келади,-дейди- ушбу тамойилнинг моҳияти ҳар сафар янги ҳодисага дуч келар экан, одам унга янгича жавоб қайтармасдан, балки аввал шаклланган категориялар доирасига олиб киришидадир. Гарчи янги ахборот мазмуни бироз ўзгарсада, билиш жараёни енгиллашади». Этник стереотиплар ижтимоий стереотипларнинг бир кўринишидир.

Этник стереотипларни ўрганиш бўйича илк тадқиқотлар Д.Кац ва К.Брейли томонидан XX асрнинг 30 йил бошларида ўтказилган. XX асрнинг 40-йилларида эса турли этник гуруҳ вакиллари хусусида оммавий ахборот воситаларида, бадий адабиётларда, санъат асарларида мавжуд тасаввурлар ўрганила бошланди.

Этник стереотиплар – турли этник гуруҳ аъзоларининг жисмоний, ахлоқий ва ақлий хусусиятлари ҳақидаги нисбий барқарор, умумлашган тасаввурларидир.

Замонавий этнопсихологияда этник гетеростереотиплар – бошқа бир этник гуруҳ вакилларининг хусусиятлари тўғрисидаги тасаввурлар билан бирга этник автостереотиплар – одамлар ўзи мансуб бўлган этник гуруҳ аъзолари тўғрисидаги мавжуд тасаввурлари фарқланади. Уларнинг ўртасидаги энг катта тафовут этник автостереотиплар ҳамиша ижобий мазмунга эга бўлишидадир.

Этник автостереотиплар этник ўзликни англаш компоненти-дир. Уларни ўрганиш этник ўзликни англаш феноменини теранроқ тушунишга ёрдам беради.

Миллий характер этник автостереотиплар кўринишида ҳам бўлиши мумкин. Зотан, этнос маълум хусусиятларни ўзига хос деб билар экан муайян вазиятда ушбу тасаввурига таянган ҳолда хатти-ҳаракат қилиши мумкин. Масалан, Т.Ямамото «Япон миллий характерини ўрганиш кўмитаси» томонидан ўтказилган ўттизга яқин тадқиқотни таҳлил қилиб, японлар ўзларига қуйидаги хусусиятлар хос деб ҳисоблашларини қайд этади: озодалиқни севиш, табиат билан уйғунликка интилиш, илтифот, шахслараро муносабатларда кўнгилчанлик, муросасозлик, самимийлик, ўз-ўзини идора қилиш, тинчликсеварлик, аммо ҳарбда жасурлик, мағлубиятни тан ола билиш, янгиликларни тез ўзлаштириш, уларга тез мослашиш, оригинал ва ижодий фикрлашга қодир эмаслик, интозимлилик ва ҳ.к. Япон олими Я.Хага ўзининг «Миллий характер ҳақидаги очерклар» асарида японларга ҳукуматга тобелик, ватанпарварлик, аждодлар ёдини ҳурмат қилиш, оила шаънини

ҳимоя қилиш, табиатдан завқлана олиш, озодалик, олижаноблик хослигини таъкидлайди.

Этнос автостереотипининг асосий хусусияти этнос вакиллари унинг мазмунига кўпинча идеал сифатларни олиб киришидадир. Этносоциолог З.В.Сикевич эътироф этишича, «Автостереотипда салбий хусусиятнинг мавжудлиги этник авторефлексия учун нотабиий ҳодисадир».

Этник автостереотипларнинг яна бир ўзига хос жиҳати унинг мазмуни билан этнос вакиллари унинг ўз тарихи ҳақидаги билимлари ўртасида алоқадорлик мавжудлигидадир. Ижтимоий-иқтисодий вазият барқарор бўлганда автостереотиплар мазмунини шакллантириш учун этнос тарихидаги ижобий ҳодисалар, буюк шахслар ҳақидаги билимлардан фойдаланилади.

4-§. Ўзбеклар хусусидаги стереотипик тасаввурлар (тарихий манбаларга асосланади)

Миллий характер мавжудлиги хусусидаги фараз нафақат маиший онг даражасида, балки ижтимоий фанларда ҳам у ёки бу даражада яширин ҳукм сифатида яшаб келган. Азалда миллий характернинг тавсифий тушунчаси саёҳатлар хусусидаги адабиётларда халқларнинг турмуш тарзини баён этиш мақсадида қўлланилган. Кейинчалик, миллий характер хусусида гап кетар экан баъзи бир муаллифлар темпераментни назарда тутган бўлса, баъзи бировлари шахс чизгиларига эътибор қаратган, яна баъзилари миллий характерни ўрганиш мақсадида кадриятлар тизими, ҳукуматга, меҳнатга бўлган муносабатларга урғу қўйган.

Ўз назарий тамойилларини бевосита жойларда ўтказилган тадқиқотлар орқали олинган материалларга асослашга уринган этнографлар ўзбекларнинг ўзига хос маънавий ва ахлоқий сифатлари тўғрисида кўплаб қимматли маълумотларни ёзиб қолдиришган.

Ўзбекларнинг айрим маънавий ва ахлоқий хусусиятлари тадқиқи тарихига мурожаат қилсак.

Кўҳна Туркистон ҳамиша яқин ва олис давлатлар диққат-эътиборини ўзига жалб қилиб келган. Зотан, Туркистон ҳам иқтисодий, ҳам географик жиҳатдан жуда қулай ҳудудда жойлашган эди.

Ўзбеклар тўғрисидаги маълумотлар, асосан, саёҳатчилар томонидан қолдирилган бўлиб, илк ёзма манбалар XVI-XVIII асрларга тааллуқлидир. Бироқ, аجدодларимиз саналган туркий қабилалар тўғрисидаги илк ёзма манбалар X асрда ҳам учрайди. Бундай этнографик маълумотлар улуғ тилшунос-олим, этнограф Маҳмуд Қошғарий томонидан ёзиб қолдирилган «Девону луғотит турк» (Туркий сўзлар девони) асаридир.

Маҳмуд Қошғарий «Девон»да сўзга, сўз маъносига, лексикасига, фонетика ва тарихига доир жуда кўп ишоратлар берган бўлиб, улар жуда чуқур ва сермазмундир. Муаллиф у ердаги ишорати сўзларнинг жамиятда турмуш талаби билан боғлиқ, турмушдаги эҳтиёжни қондириш туфайли юзага келганини ифодалаш билан чекланиб қолмай, мазкур изоҳларда туркий халқлар айнан қандай фаолият билан шуғулланганини ҳам кўрсатиб ўтади.

«Девонда» туркий халқлардан бўлган кўплаб қабилалар ҳақида сўз юритилган. Масалан, Тангутлар «Девонда» Чин яқинида яшовчи тоифа деб изоҳланган. Шунингдек, Маҳмуд Қошғарий улар турклар бўлиб, ўзларини араблардан деб даъво қиладилар, дейди. Ундаги маълумотларга кўра, бу халқ тилида нуқсонлар ҳам сезиларлидир. Бу маълумотларга қараб, биз бу қабила жуда қадимда яшаган катта бир халқнинг турклашиб кетган қисми деган фикрни билдирсак бўлади. Ўрхундаги маълумот ҳам бу халқнинг қадимийлигини тасдиқлайди. Тангут филологияси ҳақида олиб борилаётган илмий текширишлар якунига кўра, тангутлар жуда илгарилардан ўзларининг махсус ёзувларига эга, анча тараққий этган халқ бўлган дейиш мумкин.

Турк диёрида яшовчи яна бир қавм – Тубутлардир. Маҳмуд Қошғарий уларни бир жиноят қилиб Ямандан қочиб, денгиз йўли билан Чинга бориб ўрнашган Бани Собит авлодидир, дейди. Уларнинг тилларида хануз дағаллик, яъни арабчанинг таъсири борлигини кўрсатади: улар онани «ума», отани «або» дейдилар.

Канжаклар икки тилда сўзлашувчи қабила бўлиб, улар тилларида шу боис айрим камчиликлар учраши таъкидланади. «Девон»да канжакларга нисбат берилганда махсус сўзлар асосан токчилик, боғдорчиликка оидлиги характерлидир.

Маҳмуд Қошғарий туркманларни ўғузлар деб кўрсатган. Шу билан бирга уларнинг бу ном билан аталиши ҳақида кенг изоҳ берган. Бир қисм туркманлар бошқа қабилаларга қўшилиб,

уларнинг тиллари ҳам ана шу қабила тилига мослашиб кетгани хусусида ҳам кўплаб мисоллар келтирилиб ўтилган.

Муаллиф яғмолар ҳақида тўхталар экан, ушбу қабила номи Тироз яқинидаги бир шаҳар номи билан боғлиқлигини таъкидлайди.

«Девон»даги маълумотлар яғмоларни жанговар халқ сифатида танитади. Уларнинг урф-одатларига ва тил хусусиятларига доир маълумотлар анчагина мавжуддир. Яғмоларда савдо-сотик ишлари анча тараққий этган эди. Улардаги саройбонларнинг иш усулига доир маълумотлар ҳам характерлидир.

Қай қабиласи «Девон»да туркий қавм сифатида изоҳ қилинган. Лекин уларнинг ўзларига хос бирор шаҳар ёки улуғлари ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Шунингдек, уларнинг тил хусусиятлари ҳақидаги маълумот ҳам бошқа қабилаларнинг тили ҳақидаги маълумотларга нисбатан оз. Назаримизда, улар жуда қадимдан шу ерларда яшаган бўлса ҳам, маълум шароит натижасида бошқа қабилаларга сингиб кетган.

Маҳмуд Қошғарий томонидан Ямак туркий қабила сифатида эътироф этилади. Уларни муаллиф қипчоқлардан деб кўрсатган. Улар, асосан, Иртиш қирғоғида яшаган. Уларнинг тил хусусиятлари тўғрисида алоҳида маълумотлар йўқ. Айрим тил хусусиятларига кўра, улар баъзан ябоғулар, аҳли вобарлар билан ва баъзан ябоғу, қай, жумул, басмил, қипчоқ, ўғузлар билан тенг кўрсатилади. Улар бир вақтлар кўп нуфузли қабилалар сифатида тил тарихида ўзига хос ўрин тутган бўлса ажаб эмас.

Ябоғу туркий қабила бўлиб, булар анча катта ҳудудни ишғол қилган эдилар. Қашқар тоғларидан Ўзгандга оқадиган катта сувни Ябоғу суви деб аталиши ҳам бир вақтлар улар мавқеининг катта бўлганидан дарак беради.

Улар кемасозлик ишида ҳам катта ўрин тутган эканлар. «Девон»да изоҳланган баъзи бир тил хусусиятларига кўра, улар анча қадимий қабила бўлган деган хулосага олиб келади.

Маҳмуд Қошғарий, бундан ташқари, яна туркий қабилаларнинг кўплаб одатлари, анъаналари хусусида ҳам маълумотлар бериб ўтган.

Қадим Бухоро ва Самарқанд хусусидаги қимматли ахборотлар Антоний Дженкинсоннинг «Бухорога саёҳат» номли асарида мавжуд (1558-1560). У туркийлар тўғрисида сўз юритар

экан: «...улар (туркийлар) ҳеч қачон камон, ёйсиз юрмайди, улар отда ҳам, пиёда ҳам – моҳирона камонбозлик қила оладилар. Бу халқ на олтинга, на кумушга эҳтиёж сезмайди, бирон-бир кийим-кечак ёки бошқа зарурий нарсаларга муҳтожлик сезса ўз чорвасини алмаштиришади», – деб ёзган. Ушбу давр ўзбеклари соддалиги билан, эҳтиёжларини чегаралай оладиганлиги билан, дабдабадан йироқ эканликлари билан ажралиб туради. Дженкинсон Бухоро аҳли хусусида тўхталганда, улар кучли эътиқод соҳиби бўлганликларини алоҳида қайд этади.

1926 йили ўзбек олими Миён Бузруг Истамбулнинг Нури Осмония кутубхонасида Фазлуллоҳ ал-Амин (ибн Рузбихон) ал-Хунджи аш-Шерозий ал-Исфахонийнинг «Меҳмонномаи Бухоро» (Бухоро меҳмонининг ёдномалари) асари қўлёзмасини топиб олади. Фазлуллоҳ Исфахоний асли форс бўлиб, Ўрта Осиёга Эрондан XVI аср бошларида кўчиб келгач, Муҳаммад Шайбонийхоннинг маслаҳатчисига, ҳам тарихнависига айланади. Исфахоний ўз асарида Туркистон заминини, Сайхун дарёсини, Ўзбеклар юрти бўлган Дашти-Қипчоқни, аҳли Самарқанд тавсифини бериб ўтган.

Унинг асари кейинчалик В.В.Бартольд, А.Ю.Якубовский, М.П.Вяткин, П.П.Иванов, А.А.Семёнов, М.А.Салье, А.И.Болдырев сингари қатор олимлар диққатини ўзига жалб этади.

Хусусан, ўзбеклар тўғрисида у: ...уларникига кимдир ташриф буюрса, мезбон меҳмондўстлик қонун-қоидаларини ва зиёфатни жойига қўяди, - зеро, бу Туркистон аҳли одатларидан саналади, – гўштга зарурат туғилса, мезбон шу заҳоти елкасига баҳодирлар камонини бир неча ўқи билан илиб, меҳмонга нонушта учун бирон егулик олиб келиш мақсадида, овга чиқиб кетади. У даштда моҳирлик билан бирон-бир семиз қулонни овлаб қайтади.» – деб ёзади. Юқоридаги қайдлардан ўзбекларда меҳмондўстлик, анъаналарга ҳурмат, самимийлик каби сифатлар, шунингдек, жасорат мавжудлиги эътироф этилади.

Оренбургнинг драгунлар полки поручиги Дмитрий Гладышев эса (1740.Х) ўз кўрсатмаларида хиваликларни тавсиф этар экан: «Уларда ўзбеклар, яъни сарой аъёнлари ёки хизматчилари ҳам сартлар, яъни савдогарлар ҳам аслзодалар саналади, оролликлар сингари кийинадилар; зодагонлар ўз ёнида

ханжар олиб юрадилар; ўзбеклар ҳам сартлар саллаларини ипак мато билан ўрайдилар; оддий халқ Орол халқидан фарқланмайди»- дейди.

Самаралик савдогар Данило Рукавкин (1753) эса ўзининг «Хивага саёҳат» номли ёдномаларида: «...Хива халқи бўлмиш сартлар, яъни савдогар ва зироатчилар, шунингдек, ўзларини зодагон атайдиган айрим ўзбеклар бизлар билан (Русия билан) савдо-сотикни йўлга қўйишни жуда-жуда истайдилар» деб, туб аҳолида тужжорлик қобилиятлари мавжудлигини ҳам эътироф этади.

Филипп Ефремов «Тўққиз йиллик жаҳонгашталиқ» номли ёдномасида (XVIII асрнинг 70 йиллари) Бухоро халқи тавсифини берар экан: ...Регистон майдони атрофида саккизта мадраса мавжуд. Унда аксарияти ёш йигитчалар таҳсил олади, бироқ улар ичида уйланганлари ҳам, ёши улғайганлари- элликлар атрофидагилар ҳам бор, – дейди. Бу билан халқ орасида илмга чанқоқлик юксак даражада экани таъкидланади. Бошқа бир жойида «Шу билан бирга, эркаклари ўлгудай рашкчи»деган жумлани қўшиш билан бирга яна ўзига хос психологик хусусиятни кўрсатиб ўтади. Бухоро халқида ҳалолликка интилиш ўта кучли бўлганини, уларда «арзимас» ўғрилиқ учун эркакларни ошишлари, аёлларни тошбўрон қилишлари мумкинлиги хусусидаги мулоҳазаларни унинг хотираларида кўриш мумкин.

Ефремов Самарқандликлар тўғрисида: ..улар баланд бўйли, оппоқ ва анчагина соғлом, бироқ жангга суяклари йўқроқ- дея алоҳида таъкидлайди. У «шаҳар бир пайтлар улкан бўлиб, ҳозирги кунда талон-тарож бўлгани сабаби ҳам шундадир», деб ўз фикрига яқун ясайди.

Машҳур этнограф, натуралист (1783 йилдан Петербург фанлар академияси академиги) Иван Иванович (Иоганн Готлиб) Георги (1729-1802) 1768-1774 йиллари Осиё давлатлари бўйлаб қатор саёҳатларни амалга оширган.

1776-1780 йиллари унинг «Россия давлатида яшовчи барча халқлар таърифи» номли китоби олам юзини кўради. Георги ўз китобини қатор академиклар ишларидан фойдаланган ҳолда ёзган. Бу, хусусан, қирғизлар (қозоқлар), хиваликлар ва бухороликлар ҳақидаги маълумотларга тааллуқлидир.

Бухороликлар тўғрисида гап кетар экан, И.Георги: ..уларда

мактаблар алоҳида ҳурматга сазоворлигини, қатор оламга машҳур дин арбоблари мавжудлигини ҳамда тилларни ўрганиш масаласида уларга тенг келадиганлари йўқлигини таъкидлайди. «Уйлари ҳашаматли бўлмаса-да, доимо тоза-покиза сақланади. Яхши зироатчи, боғбон, чевар ва савдогарлар. Улар меҳнатқаш, бироқ заифроқ: шунинг учун ҳам Қирғизлардан қуллар сотиб олишади, зотан, ўзлари одам ўғирлаш билан шуғулланишмайди. Уларнинг қулларга бўлган муносабатлари худди яқин-қариндошларига бўлгани кабидир (Бу билан И.Георги бухороликларнинг одамийликларини эътироф этади). Ўзлари ҳамиша сафарда бўлганликлари боис бошқа халқларга нисбатан тоқатлидирлар», – деган гапи билан муаллиф бухороликларнинг толерантлигини қайд этади. Бухороликларнинг жиддийлиги «улар кўнгил очиш учунгина қулгига мойиллик билдиришади,» деган жумлада ўз ифодасини топган.

Тимофей Степанович Бурнашев эса, (1794) бухороликларнинг ўта тозақорлигига эътиборини қаратиб: ..Бухорода тошҳаммомлар кўп. Эркаклар ва аёллар учун алоҳида. Ҳаммомга киришдан олдин одамлар қўлларини тоза сув билан яхшилаб ювмасалар уларнинг қўлларига ҳаммомда ювиниш учун мўлжалланган идиш берилмаслигини қайд этиб ўтади.

Т.Бурнашев ва М.Поспеловлар (1800) тошкентликларнинг турмуш тарзи ва ахлоқий хусусиятлари ҳақида тўхталар экан, уларнинг художўйликларини ва ҳалол ҳаёт тарзини тилга олиш билан бирга, уларда нафси бузуклик кам учрашини эътироф этишади. Шундай ҳоллар содир бўлса, улар қаттиқ жазоланишларини ёзади («..Умуман олганда, тошкентликларнинг жуссалари пишиқ бўлиб, кам касал бўлишади»).

Мир Иззат Уллоҳнинг Қўқон хонлигига қилган ташрифида (1812) водий аҳлининг қуйидаги хусусиятларига тўхталади: Мингтепада, асосан, туркийлар ва қипчоқлар яшайди. Ушбу иккала элат ҳам 10-12000 оиладан ташкил топган. Эрлари чиройли, яхши кийинган ва зўр жангчидирлар, қирғизлардан фарқли ўлароқ (улар аксарияти қашшоқ, ёқимсиз ва ҳарбдан беҳабар). Марғилонликлар – дея давом эттиради Мир Иззат Уллоҳ – хушмуомала, қўли гулдирлар. Улар туркийзабон бўлсалар-да, ичларида форсийни биладиганлари ҳам кўп учрайди.

Хўжанд аҳли эса зийрак, хушқилиқ, феъллари яхши ва

хушчақчақ, – деб Мир Иззат Уллоҳ водий аҳолиси характер хусусиятлари тавсифини якунлайди.

Филипп Назаровнинг «Ўрта Осиёнинг баъзи бир халқлари хусусидаги қайдлари»да (1813-1814) тошкентликлар ҳақидаги қуйидаги таассуротлари эътиборга молик: «тошкентликлар соғлом, беғам, фаровон ҳаёт кечиришади, ўйин-кулгуга жуда ўч, эрка, муסיқа шайдолари, аёллар билан сермулозамат. Шаҳарга кириб борар экансан, кўча-кўйда бетиним ҳаракат қилувчи оммага дуч келасан, дарвозалар олдида ёки боғларда ўйин-кулгу билан машғуллар ҳам сероб, гўё бу ерда ҳамиша байрам ҳукмрондай. Баъзи бир косибларни ҳисобга олмаса, улар, умуман олганда, жуда бой ҳаёт кечиришади»- деб ёзади муаллиф. Бундан ташқари Ф.Назаров тошкентлик аёллар дид билан киборларча кийинишларини, тошкентликлар ҳеч қандай солиқ тўламасликларини, турли юртлардан келаётган карвонлар кўплиги боис турли элат вакиллари иноқ яшашликларини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтади.

Николай Муравьёв (1819-1820) Ўрта Осиёга қилган саёҳатида: «..Бироқ барча табақа вакиллари ва қабилалар ҳам Хонга солиқ тўлашмайди. Асл ўзбеклар ёки хиваликлар солиқдан озод қилинган, зотан, улар хизматчилар ва ҳарбийлар тоифасидан бўлиб, Хон буйруғига биноан, қуролланиб айтилган жойга боришлари лозим; шу сабабли ҳам улар барча тўловлардан озод қилинганлар, фақатгина савдо билан шуғуллансагина бож тўлашади»- деб ёзади. Ушбу маълумотлардан, уларнинг ҳам маърифатлиликлари, ҳам ҳарб соҳасидаги моҳирликлари тўғрисида ўзбекларнинг баъзи бир хусусиятлари ҳақида ахборотга эга бўлиш мумкин.

Бундан ташқари, сартлар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд: ..ушбу ўлканинг қадим эгалари бўлмиш сартлар бор маҳоратини ерга ишлов беришга, уни суғоришга қаратганликлари, улар мислсиз машаққатлар билан чўли-биёбонларни боғу-бўстонга айлантирганликлари, ушбу ерлар эгалари нафақат ўзларининг нонга бўлган эҳтиёжларини қондирганликлари, балки нон билан кўчманчиларни ҳам, болқон, манғишлоқ, қирғизлар ва туркманлар аҳолисини ҳам таъминлаганликларини таъкидлайди.

«..Умуман олганда, ўзбеклар ақлли, ораста, гапга уста халқ, ўз қарорларида қатъий ва журъатли; улар тўғрисида бўлиб,

иккиюзламачиликни, ёлғон ва алдовни кўтармайдилар; руҳан жангарироқ.

Улар гавдаси йирик ва пишиқ; бўйлари баланд ва қудратли, бўғдойранг, бироз қалмоқсифат, бироқ ёқимли, кўзлари унчалар катта бўлмасада, нигоҳлари ўткир; соч-соқоллари қуюқ, қора, ҳарб соҳасида чарчоғ билмас, шиддатли ва жасур. Улар бағоят соғлом бўлиб, кўплари юз ёшдан узоқроқ ҳаёт кечиришади»- деб муаллиф ўзбеклар хулқ-атвори, одатлари хусусида тўхталиб ўтади.

Ўзбекларнинг билиш жараёнлари билан боғлиқ баъзи бир жиҳатларини илмий равишда ўрганиш эса XX аср бошларида таниқли психолог-олим А.Р.Лурия томонидан амалга оширилган.

Ушбу тадқиқот Л.С.Виготскийнинг онг маданий-тарихий ривожланиш маҳсули деган фаразини исботлаш мақсадида олиб борилган бўлиб, ўша давр ўзбекларининг айрим идрок, фикр юритиш тарзи хусусиятларини ўрганишга қаратилган эди.

Ҳозирги кунда ҳам ўзбек психолог олимлари этнопсихологик муаммоларга бағишланган кўплаб тадқиқот ишларини олиб боришмоқда. Жумладан, М.Г.Давлетшин, Ғ.Б.Шоумаров, Э.Ғ.Ғозиев, В.М.Каримова, М.М.Маматов, Н.С.Сафаев, А.М.Жабборов, И.И.Маҳмудов, Ф.С.Татыбаева каби ўзбекистонлик психолог-олимлар ва тадқиқотчилар этник характер генезиси, вазифалари ва тузилиши билан бевосита ёки билвосита боғлиқ муаммоларни чуқур ўрганишган. М.Г.Давлетшин ва Э.Ғ.Ғозиев мамлакатимизда этнопсихология фанининг ривожланиши билан боғлиқ муаммоларни, М.М.Маматов ва Н.С.Сафаевлар этник ва миллий ўзликни англаш муаммоларини, Ф.С.Татыбаева ижтимоийлашув жараёнида этник стереотипларнинг шахсга таъсирини, И.И.Маҳмудов хулқ-атворнинг этник стереотипларини, С.С.Отамуротов Ўзбекистон мустақиллиги шароитида ижтимоий фаол ёшларнинг миллий ўзликни англаш масалалари қандай аҳволда эканини, Н.Салаева ўзбек оиласининг регионал ҳамда этнопсихологик тафовутларини, В.М.Каримова ёш йигит ва қизларнинг ўзбек оиласи хусусидаги ижтимоий тасаввурларини, О.Б.Мухамматбердиев Ўрта Осиё халқларининг замонавий тараққиёт босқичидаги ўзликни англаш масалалари қандай кечаётганини ўрганганлар.

Хусусан, А.Бегматов ўзбек халқи хусусиятлари

ривожланишини икки босқичга ажратади: биринчи босқич 9-15 асрларга тўғри келади. Мазкур босқичда халқимиз ўз ижобий жиҳатлари билан дунёга юз тутган экан. Иккинчи босқич 16-19 асрларга тўғри келади. Ушбу даврда миллий характерда лоқайдлик, хасад, худбинлик, каби сифатлар ғолиблик қилган экан. Олим бундай қусурлар Чор Русия ҳукумати томонидан культивация қилинган деб ҳисоблайди.

О.Мусурмонова ҳам ўзбек миллий характери муайян даражада ўзгарганини қайд этади. Унинг фикрига кўра, мустамлака даврида ўзбекларда икки юзламачилик, ёлғончилик, номардлик, сотқинлик, сохта ватанпарварлик, меҳрсизлик, илмсизлик, лоқайдлик, бепарволик, ичкиликбозлик, оқибатсизлик каби салбий хусусиятлар таркиб топгани эътироф этилади.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Миллий онг ва миллий ўзликни англаш тушунчаларини изоҳлаб беринг.
2. Миллий онгнинг шаклланиш сабаблари нималардан иборат?
3. Миллий онгни маданиятнинг турли шаклларига таъсири қандай?
4. Миллатлараро муносабатлар характерининг стереотиплар шаклланишига таъсирини тушунтириб беринг.
5. Стереотиплантиришнинг вазифаларига нималар киради?

33-мавзу. ИЖТИМОЙ МУҲИТ, ДИНИЙ АНЪАНАЛАР ВА КОМИЛ ИНСОННИНГ ШАКЛЛАНИШИ

1-§. Ижтимоий муҳит ва унинг шахс ривожланишидаги ўрни

Шахс ижтимоий ҳаётнинг маҳсули экан, у албатта болани ўраб олган муҳит таъсирида ривожланади. Шахснинг ҳаёти фаолияти давомида муҳит унга ё ижобий, ё салбий таъсир кўрсатиши, ривожланиш имкониятларини рўёбга чиқариши ёки йўқ қилиши мумкин.

Муҳит – бу шахсга таъсир этувчи ташқи воқеа ва ҳодисалар комплекси. Булар: табиий муҳит (географик, экологик)


ижтимоий муҳит (шахс яшаётган жамият) оила муҳити ва бошқалар киради. Булар орасида ижтимоий муҳитнинг, яъни шахс яшаётган жамиятнинг инсон камолоти учун яратилган имкониятлари муҳим роль ўйнайди.

Ижтимоий муҳит – бу инсоннинг аниқ мақсадлар ва режалар асосида фаолият кўрсатадиган дунёсидир.

Шундай қилиб, ижтимоий муҳитнинг шахс шаклланишидаги ўрни ниҳоятда бекиёсдир. Ирсий белгиларнинг ривожланиши ҳам инсоний-ижтимоий муҳитда яшашига боғлиқлигига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Инсон боласи, агар ижтимоий-инсоний муҳитга эмас, бошқа муҳит, айтайлик ҳайвонлар муҳитига тушиб қолса, унда ирсий белгиларнинг айрим биологик кўринишлари сақланар, лекин инсоний фикр, фаолият, хатти-ҳаракат бўлмайди.

Ижтимоий муҳитнинг буюк инсонлар шаклланишидаги ўрни, муҳим бўлиб, Алишер Навоий шоир, Эйнштейн – физик, Улуғбек-астроном, Ибн Сино табиб бўлиб туғилмаган албатта. Улардаги қобилият куртакларининг ривожланиши, истеъдодга айланишида ижтимоий муҳит, таълим-тарбия муҳим роль ўйнаган. Давлатимизнинг баркамол инсон тарбиялаш борасидаги сиёсати ҳам шахс шаклланишида муҳитнинг ўрни катталигини кўрсатади. Бундан ташқари муҳитнинг салбий таъсири туфайли тарбияси издан чиққанларни ҳам қайта тарбиялайди.

Ижтимоийлашув – инсон томонидан ижтимоий тажрибани эгаллаш ва ҳаёт фаолияти жараёнидир. Содда тил билан айтганда, ижтимоийлашув – ҳар бир шахснинг жамиятга қўшилиши, унинг нормалари, талаблари ва таъсирини қабул қилган ҳолда ҳар бир ҳаракатни ва муомиласида уни кўрсатиши ва шу ижтимоий тажрибаси билан ўз навбатида ўзгалага таъсирини ўтказа олиш жараёнидир. Ижтимоийлашув жараёнида таъсир этувчи ташқи омилларга оила, боғча, маҳалла, мактаб, махсус таълим ўчоқлари, олийгоҳлар, меҳнат жамоалари ҳамда норасмий уюшмалар киради. Ижтимоийлашув жараёнида шахс фаолиятининг йўналтириб турадиган реал вазиятларга нисбатан боғлиқ бўлмаган турғун, барқарор мотивлар мажмуига эга бўлишлик шахснинг йўналганлиги деб аталади. Бунда мотивлар англанилган ёки англанилмаган бўлиши мумкин.



Йўналганликнинг энг муҳим таркибий қисмларини қуйидагилар ташкил этади:

Масъулият – ижтимоийлашув жараёнида шахснинг етуқлигини белгиловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. (назорат локуси, америкалик Фоттер назарияси, инсонда икки типли масъулият.)

Мақсадлар ва идеаллар – ижтимоийлашувнинг масъулият ҳиссига боғлиқ йўналишларидан яна бири шахсга шаклландирган мақсадлар ва идеаллардир. Улар шахсни келажакни башорат қилиш эртанги кунини тасаввур қилиш, узоқ ва яқинга мўлжалланган режаларни амалга оширишга тайёрлигини таъминлайди. Уларнинг шаклланиши ва онгда ўрнатилишида маълум маънода идеал ҳам муҳим роль ўйнайди.

Идеал ёрдамида киши ўз олдига мақсадлар айтиб унга эришиш йўлидаги қийинчиликларни енгишга иродани сафарбан қилишга ёрдам беради.

Қизиқишлар – бирон-бир соҳада тўғри мўлжал олишга, янги фактлар билан танишишга, воқеяликни анча тўла ва чуқур ақс эттиришга ёрдам берадиган мотивдир. Қизиқишларнинг энг муҳим томони шахснинг дунёқараши ва этиқодини шакллантиришга асос бўлади.

Эътиқод ва дунёқараш. Эътиқод – шахсни ўз қарашларига, тамойилларига дунёқарашига мувофиқ тарзда иш кўришга даъват этадиган мотивлар системасидир. Эътиқод ва қизиқишлар дунёқарашини шакллантиради.

Дунёқараш – тартибга солинган яхлит онгли тизимга айлантирилган билим, тасаввур ва ғоялар мажмуи бўлиб, у шахсни маълум бир қолипда, ўз шахсий қиёфасига эга тарзда жамиятда муносиб ўрин эгаллашга чорлайди. Установка (йўл-йўриқ) – шахснинг атроф-муҳитда содир бўлаётган ижтимоий ҳодисаларни объектларни ижтимоий гуруҳларни маълум тарзда идрок этиш, қабул қилиш ва улар билан муносабат ўрнатишга руҳий ички ҳозирлик сифатида одамдаги дунёқарашни ҳам ўзгартиришга алоқадор категориядир. Йўл-йўриқ учта асосий компонент (кичик тузилиш)га бўлинади:

1. Когнитив компонентлар – йўл-йўриқ объектига алоқадор билимлар, ғоялар тушунча ва тасаввурлар мажмуи.


2. Аффектив компонентлар – йўл-йўриқ объектига нисбатан субъект ҳис қиладиган реал ҳиссиётлардан.

3. Ҳиссиёт компонентлар – субъектнинг объектига нисбатан реал шароитларда амалга ошириш мумкин бўлган харажатлар мажмуи.

Таълим ва тарбия. Мустақил Ўзбекистонимизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлаш миллий дастурини қабул

қилиниши баркамол авлодни яратишдаги дастлабки қадамлардир. Шахс ривожланишига эришиш ҳар бир жамиятда амалга оширилади. Фақат тарбия орқали инсондаги ривожланиш имкониятларини рўёбга чиқариш мумкин. Тарбия жараёнида аниқ мақсад ва режа асосида шахсга таъсир этилади. Бунинг натижасида муҳитдаги воқеаларнинг тўғри ижобий таъсирини амалга ошириш имкони туғилади. Муҳит бераолмаган нарсалар тарбия орқали ҳосил қилинади, ҳатто тарбия туфайли шахсда туғма камчиликларни ҳам ўзгартириб шахсни камолга етказиш мумкин.

Фаолият ва фаоллик. Ривожланиш шахс фаолиятидан ташқарида бўлмайди. Шу сабабли одам фаолияти унинг ривожланиши учун асос бўлади. Педагогик жиҳатдан тўғри уюштирилган ҳар қандай фаолият хоҳ ўйин, меҳнат, ўқиш, спорт ва бошқалар шахснинг ривожланишига таъсир кўрсатади. Шахс улғая борган сари унинг фаолияти ҳам мазмунан, ҳам шаклан ўзгариб боради, турли ёш даврларида эса фаолият турлари ҳам ўзгариб боради. Шу сабабли бола ҳаётида ўйин, ўқувчи ҳаётида ўқиш, катталар ҳаётида меҳнат фаолиятлари катта аҳамиятга эгадир. Ўқувчи ва талабаларнинг ривожланишида ўқув жараёнларининг аҳамияти ва таъсири беқиёс каттадир. Билимларни ўзлаштириш уларнинг тафаккурини ўстиради, ижодий қобилиятларини шакллантиришнинг асосий воситаси бўлиб қолади. Бу жараёнда уларда ижтимоий хулқ нормалари шаклланади. Шахс қайси ёшда бўлишидан қатъи назар, уларнинг ривожланишида **меҳнат фаолиятининг аҳамияти каттадир.** Айниқса, меҳнат инсоннинг ҳам жисмоний, ҳам маънавий камол топишида муҳим манба ҳисобланади. Буюк инсонлар ўз соҳаларида юксакликка эришиш учун тинмай меҳнат қилганлар. Инсон ўз интилиши ва фаоллиги билан юксак чўққиларга, муваффақиятларга эришиши мумкин, қобилият ва истеъдодни рўёбга чиқариш учун ҳам ўз устида ишлаш зарурдир.



2-§. Диний кадриятларнинг этносларнинг хулқ-атвор андозаларига таъсири

Истиқлолнинг илк йилларидан бошлаб Биринчи Президентимиз Ислон Каримов ислом маданияти ва маърифатини тарғиб қилишга алоҳида эътибор билан қаради. Ўрта Осиёда илк маротаба Қуръони Карим ва Ҳадислар, қолаверса, бир қатор бошқа диний китоблар ўзбек тилида чоп этилди.

Динни кучли маданият ва маънавий қуроли, бағоят зўр ахлоқ мактаби сифатида баҳолаш Биринчи Президентимиз сиёсатида алоҳида ўрин тутди. Бу мамлакат аҳолисининг аксариятини дунёқароши, ижтимоий келиб чиқиши, ақидаси ва руҳий-маънавий ҳолати билан муштараклик касб этди.

«Кўҳна тарихимизнинг қайси даврини эсламайлик, дин ҳар доим одамларни ўз-ўзини идора этишга, яхши хислатларни кўпайтириб, ёмонларидан халос бўлишга чорлаган. Уни оғир синовларга бардош беришга, ёруғ кунларга интилиб яшашга даъват қилган, ишонтирган. Бундай даъват ўз навбатида одамларга куч-қувват бағишлаган, иродасини мустаҳкам қилган, бир-бирига меҳру

оқибатли қилган...Дин халқ маънавиятининг юксалишига катта ҳисса қўшиб келган экан, бугунги давлатчилигимиз ҳақида сўз юритганда, режалар тузганда динни, энг аввало, ҳам миллий, ҳам умуминсоний қадрият сифатида эътиборда тутишимиз керак», – дейди Биринчи Президентимиз Ислон Каримов.

Ушбу сиёсатнинг инсонпарварлик қадрияти у маърифат билан хурофот, онгли ёндашув билан куруқ ақидапарастлик ўртасидаги муносабатларни чуқур тадқиқ этишидадир. Ислон маърифатига, унинг маданий меросига қанчалар кўп ён босса, уни сохталаштирувчиларга, юзаки ақидапарастликка, эҳтиросга зўр берувчиларга ва ислон омилидан ўз манфаати йўлида фойдаланувчиларга шунчалар қарши турган бўлади.

Барқарор этноқардоший тизимларда одамлар ўзлиги билан бирга субъектлик функцияларини ҳам йўқотадилар. «Қатъий» жамоаларнинг дестабилизацияси художўйликнинг ўсиши билан бирга кузатилади. Дин парчаланаяётган жамоалар сарҳадидан ташқаридаги ҳаёт мазмунини ва унинг функцияларини таркиб топтиради, ижтимоий субъектнинг беқарор муҳитдаги фаолият йўналишини кўрсатиб беради. Дин инсоннинг Тангри билан ўзаро боғлайдиган ришталарни мустаҳкамлаш орқали ҳаёт мазмунини қайтаради. Ижтимоий тизимлар беқарорлашган даврларда диннинг аҳамияти кучаяди.

Европа динларига хос инсон шаклу-шамойилидаги Яратгувчи, тескари проекцияда инсоннинг Тангримонанд бўлишга интилиш сифатида тушунилиши мумкин. Демократик ҳақ-ҳуқуқлар ва эркинликлар Ғояси шахснинг озод ва масъулиятли сиймосига таянади. Ушбу сиймо эса христианлар орзусидаги тангрисифат одам хусусидаги тасаввурларнинг рўёби бўлиб, комил шахс сийратини Тангри сийрати билан муштараклаштириш ифодасидир.

Полиэтник христианликда шахс ва ҳукумат ўртасида низо яширин. Тангри нафақат бошқарувчи ва кечиримли ота вазифаларини бажарувчи сифатида, балки анъаналарга ақидапарастлик даражасида содиқ инсонлар қурбони ва ижтимоий ақидалар танқидчиси сифатидаги Масих сиймосида гавдаланади.

Социум анъаналарига қарши турувчи, бойлик ва ижтимоий муваффақиятлардан йироқ Тангри сиймоси шарофати билан христианлик психотерапия вазифасини амалга оширади. Ижтимоий тузум ва халқнинг ёлғон анъаналарини қораловчи Масих сийрати

демократик хулқ-атвор намунасига айланади. Ушбу образ орқали инсон ҳукумат ва анъаналар қули бўлиб қолмасликдаги ҳаракатларида ўзининг қўллаб-қувватловчиси, мададкорини топади. Уларнинг нуқтаи назарига биноан, «ижтимоий жиҳатдан эзилган ва ер билан битта бўлган» одам Тангримонанд эканлиги билан ушбу пастга урилишларнинг аламини олгандай бўлади, ўз агрессивлигини дунё ўткинчилигини англаш, жамиятга қарши туриш орқали босади ва ўз қадрини тиклайди. Агрессия ўз йўналишини ҳукумат муассасалари ва нормаларини танқидий қайта англаш томон буради, айнан шу паллада, моноэтник тизим аъзосига унчалар ҳам тушунарли бўлмаган «эркин шахс» ғояси вужудга келади. Ўзини Яратгувчига тенглаштириш баробарида «ижод» ҳам инсон қобилиятлари ва қадриятларининг юқори даражадаги ифодасига айланади. «Ижодийлик» мотивлари XVII-XX асрларда табиатни ўзгартириш, ижтимоий инқилоблар, янги оламни қуриш каби бемаъни ғояларда ўз аксини топади.

Шарқ эса оламни бундай «ижодий» тарзда қайта қуришга мойил эмас эди. Меҳнатнинг қатъий ижтимоий уюштирилишини тақозо қилувчи Евроосиё худудларида яшовчилар христианликни эмас Исломни дин сифатида қабул қиладилар. Исломда «қатъий» патриархал тузилмаларни ҳимоя қилувчи психологик механизмлар христианликдан кўра кучлироқдир. Ислом илк даврларда иқлими анча кескин бўлган шарқ замини узра ёйилган. Табиат инсон ожизлигини, фақатгина Тангри унинг устидан ўз ҳукмини ўтказа олиши мумкинлигини ҳар қадамда кўрсатиб келарди. Бундай вазиятда – инсонлар фаолиятини мураккаб табиий шароитларга асрлар мобайнида мослаштириш натижасида уларга яшаб кетиш имкониятини берган анъанавий ижтимоий тизимларга итоат ва ҳурмат каби хусусиятлар таркиб топган.

Реформация қилишни эмас, балки итоатни олий қадрият деб билган Исломни айна жиҳат Шарқнинг оламни вайрон этиб сўнг қайта қуриш ғояларидан йироқ Ҳинд ва Хитой динларига яқинлаштирди. Табиатдаги барча мавжуд нарса ҳурматни тақозо этади. Фақатгина инсоннинг ўзи қайта қуриш предмети бўлиши мумкин. Фақатгина ҳамжиҳатликдаги машаққатли меҳнат инсон зотини Осиёнинг кескин иқлимли заминиде яшаб кетиш имконини беради. «Эркин шахс»га ўлим дахл қилади. Табиат устида олиб бориладиган тажрибалар кўплаб аждодларнинг меҳнати орқали

яшаш имконияти таъминланган шароитларда ўз мазмунини йўқотади.

Марказий Осиё табиати учун индивидуалликни тарғиб қилувчи, ҳукумат ва ўзидан катта одамлар билан тенгликка интилишни қўллаб-қувватлайдиган христианликнинг баъзи бир ғоялари ва тамойиллари маъқул эмас эди. Алоҳида олинган инсоннинг Тангрига монандлиги ғояси, ҳукумат тузилмаларини танқид қилиб яшовчи «дайди» Исо сиймосидаги Тангри образининг ўзи ҳам, оғир табиий шароитлар билан курашиш орқали этносларнинг қирилиб кетмаслигини таъминлаб берган ижтимоий тузилмалар ва анъаналарга нисбатан танқидий қарашлар кучайишига олиб келиб, пировардида, уларнинг емирилишига сабаб бўлиши мумкинлиги билан хатарли эди. Кескин биосферик ҳудудларда вужудга келадиган анъаналар ва ҳукумат тузилмаларига қаратилган агрессия этносларнинг ўзини йўқ бўлиб кетишига олиб келиши мумкин эди. Шарқ динларида европаликларникидай «эркин шахс» ғоясининг мавжуд эмаслиги инсонмонанд Тангри сиймоси мавжуд эмаслигида ўз ифодасини топади. Эркин шахс, ўзини ижодда намоён қилиш ва индивид ҳақ-ҳуқуқларининг аҳамиятлилиги ғоялари, индивид ўз зиммасига фаолият субъекти вазифасини нафақат олишга интилмайдиган, балки ушбу вазифадан ғайришуурий тарзда қўрқадиган, шарқона фаолият механизмларига жуда ҳам зид. Христиан мамлакатларда кўплаб реформалар ва инқилоблар рўй берган бир пайтда Ислом мамлакатларида иқтисоднинг анъанавий шакллари сақланиб қолинганлиги, ҳаётнинг дефицитар шароитлари муҳофаза қилинганлиги, кучли ҳокимият қадриятлари тарғиб этилганлиги бежиз эмас.

Исломий мамлакатлардаги авторитарлик механизмлари ташқаридан кўринганидан чуқурроқдир. Туркия ва бошқа исломий мамлакатларнинг иқтисодий ютуқлари уларни ғарбнинг демократик давлатларига таққосланишига сабаб бўлган. Бироқ, мабодо психологик таҳлил этилса, ушбу давлатларда ғарб андозасига мос тушадиган йўл-йўриқ мавжуд эмаслиги кўзга ташланади. Одамлар, художўй бўлиш бўлмаслигидан қатъи назар, тарбия жараёнида низолар ечимининг барқарор психологик схемаларини ўзлаштиришади. Ижтимоий тарангликни бартараф этишнинг психотехникаси эса исломий ва христиан жамиятлари аъзоларида моҳиятан фарқ қилади.

Масалан, христианлик анъаналарида тавба (исповедь) ва тазарру (покаяние)дан фаол фойдаланишади. Бу – ўзни англашни танқидий таркиб топтириш ва ташқи агрессияни автоагрессияга ўтказиш муолажасидир.

Христианликда тавба-тазарру техникаси минг йиллар мобайнида сингдириб борилган. Пировардида, у рефлексия, ўзгарувчан шарт-шароитларда ўз қарашларини ва нуқтаи назарларини қайта кўриб чиқиш малакаларини, автоагрессиянинг юмшоқ шакллари тараққий эттириш негизига айланган. Авлодлар алмашинар экан ушбу диний муолажалар одамларда ўз психологиясига танқидий назар ташлаш одатини пайдо қилган. Бунинг барчаси реформалар давомида ўзни қайта қуришга қодир демократик тоифага мансуб шахсни таркиб топиши учун зарур эди. Христианликда инсон тавба-тазаррудан кейин ҳаётини тубдан ўзгартириб яшаши мумкин. Зотан, у дин арбобига Тангри томонидан гуноҳларни авф этиш ҳуқуқи берилганлигига комили ишонч билдиради. У ўз гуноҳларини авф этилган деб ҳисоблайди.

Исломда эса ушбу муолажа моҳиятан бошқачадир. Инсон тавба-тазарру қилиш, ҳаж сафарига бориши мумкин. Лекин, савобу гуноҳ, авф этилиш фақатгина Тангри измидадир. Шу боис, одамлар гуноҳ қилишдан чўчишади, ножоиз хатти-ҳаракатларни амалга оширмасликка интилишади. Христианлар эса хато қилишдан кўрқинмайди. Иқлими жиҳатидан «нозик» ҳудудларда инсонни хусусий таҳлилга ва ўзини баҳолашга эмас, балки табиат ва душманлар билан курашда қўл келадиган интизом ва анъаналарга итоат қилиб, оила, жамият ва ҳукуматнинг қатъий тузилмаларини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этган эди. Осиёнинг қатъий тузилмалари бўйлаб тарқалган Ислом таркиб топиб улгурган турмуш тарзини муҳофаза қилади ва христианликдан фарқли равишда, унга қарши қаратилган ҳар қандай агрессияни тақиқлайди. Ва, аксинча, бошқа гуруҳларга йўналтирилган ташқи агрессия эркаклар хулқ-атворида тарбияланади ва у ижтимоий таранглик натижасида пайдо бўладиган салбий энергияни чиқариб юборувчи канал бўлиб хизмат қилади. Исломда мавжуд тавба-тазарру моҳияти ўз психологиясини ўрганиш ва муҳокама қилишга ғайришуурий тарзда кўйилган тақиққа, ҳокимият ҳақ-ҳуқуқлари Тангри томонидан белгиланганлиги эътирофига монанддир.

Қандай маданиятга мансуб бўлмасин ижтимоий вазият таранг

пайтда одам ўзида ишончсизликни ҳис қилади. Бундай ҳолатларда оилавий ва дўстона ришталар мавжудлиги яхши. Христиан дини уруғ-аймоқчилик ришталарини узаётган бир даврда инсонни Тангри-ўғил ва Тангри-она кўринишидаги идеал оила билан қовуштирувчи интим шароитларни яратиш орқали уни атроф-муҳит таъсиридан чиқаради, эркинликни, шу билан бирга эса, психотерапевтик эффектни таъминлайди. Ижтимоий инқирозни бошдан кечираётган Собиқ Иттифоқнинг Ислом дини ҳукмрон давлатларида эса низоли вазиятлар ечимининг бўлакча психотехникаси қўлланилади.

Бу ерда инсоннинг ўзи мансуб гуруҳнинг ўй-фикрлари, хоҳиш-истаклари ва хатти-ҳаракатларига тобеълиги, «қатъий» ижтимоий тизимларга хос хатти-ҳаракатларни уюштириш шакллари кузатилади. Инқирозли вазиятларда «қатъий» ижтимоий тизимлар жипслашуви кучаяди.

Бирок, яқин ўн йилликлар ичида ижтимоий инқироз кучайиши, маданий тараққиётдаги ўзгаришлар сабабли кўплаб исломий халқлар анъанавий-патриархал психологиядан янгича психологияга, глобал миқёсда ўтишга мажбур бўлишади. Анъанавий ижтимоий тизимлар дестабилизацияси ва индивидлар томонидан субъектлик функцияларини ўзлаштирилиши айнан исломий давлатларда бежизга ёйилмаяпти. Ахир Ислом ҳам Ғарб, ҳам шарқ динлар сирасига киргани боис жамоавийликни фақатгина биосферик афсоналар негизда эмас, балки пассионар энергиянинг аксарият қисмини инсоннинг коинот билан бўлган алоқани ўрнатишга йўналтираётган монотеизм шарофати туфайли сақлаб келаётган халқлар орасида тарқалар эди. Ушбу жиҳатдан Ислом жамият учун хавфли бўлган руҳий энергияни ердаги ихтилофлардан инсонни бевосита Тангри билан бўладиган ўзаро таъсирга айлантирувчи христианликка яқин. Яъни исломий халқларнинг жамоавий ҳаётининг биосферик мувозанати шарқроқда яшаётган халқларники каби муқаррар эмас.

Шахсий масъулият ва индивидуал фаолликни кучайиши фақатгина емирилаётган, субъектлик функцияларини индивидларга топшираётган социумда кузатилади. Беқарорлашган жамиятда инсон ўзининг субъектлик функциясини ўзни эркин ҳис қилдирувчи ижтимоий ижод орқали рўёбга чиқариши мумкин. Зич шахслараро муносабатлар гирдобидаги «қатъий» жамиятда шахсий

мустақилликка интилиш кутилмаган оқибатларга олиб келади. Бу ерда биргина имконият мавжуд, бу ҳам бўлса Яратувчининг фаоллик функцияларини қўлга киритиш имконини бермайдиган шахснинг ижтимоий ҳаётдан узилиши. Бундай «қатъий» тизимдан ташқарида қолишнинг бир кўриниши – дарвешликдир. Улар жамоадан чиқариб ташланиш эвазига рефлексия қилиш ҳуқуқини қўлга киритишади.

Ўзларининг демократик тузилиш схемаларини Осиё заминига кўчириш орзусидаги америкалик ва европалик сиёсатдонлар полиэтник ва моноэтник халқларнинг сиёсий устновкалари ва онг шакллари ўртасидаги ушбу чуқур тафовутни инобатга олишмайди.

Бундай «демократик» андозалар босими остида рўй бериши мумкин бўлган турмуш тарзи нафақат кўҳна ижтимоий тузилмаларга, балки индивидлар психикасидаги ички шахс тузилмаларига ҳам таҳдид солади. Пировардида, наинки қаршиликни ҳатто фаол агрессияни ҳам пайдо қилади. Шарқ ва Жануб давлатларидаги ғарбнинг «демократик» андозалари босими мавжуд муҳит билан улар ўртасида ментал қарама-қаршилик кучайиши хавфини оширади. Бу вазият ХХI асрда урушлар ва дунё миқёсидаги ихтилофлар сони кўпайишига олиб келади.

ХХ асрда рўй берган айрим исломий жамиятларда кучайган ҳарбий агрессивлик анъанавий маданиятни йўқ бўлиб кетиш хавфини олдини олувчи, ҳудуднинг ўзини ўзи тартибга солишга қаратилган ҳимоявий реакция натижасидир.

Ренессанс ва Реставрация инқирозларини бошдан ўтказган европа-христиан ҳамжамиятининг беқарор, эркин шакли, безарар, юмшоқ кўрингани билан табиатан агрессив, ижтимоий планетар жараённинг ўзига хос «ахборий ишқоридир». Ушбу «ишқорий» маданиятни Ислом давлатларининг қатъий тузилмаларига сингиб бориши жангу-жадалларсиз, сиёсий шов-шувларсиз рўй беради. Бироқ, барибир ушбу жараён анъанавий ҳукумат тузилмалари томонидан анчагина оғриқли ҳис этилгани боис, улар вақти-вақти билан, жавобий кечки ҳарбий акцияларни уюштиришга мажбур бўлишади.

Аҳир онгнинг европаликларникига ўхшаш ўзига хос кўринишининг тараққиёти турфа маданият ва турфа этниклараро таъсирлар жараёнида вужудга келган механизмлар томонидан белгиланган. Бошқа-бошқа маданиятларнинг ўзаро ҳаракати ўзаро

акс эттириш, рефлексия учун қулай шароитларни яратиб берган. Оламни акс эттириш сифатидаги этник маданият афсоналари ўз аксини топиш учун – мураккаб ва ундан фарқли – акс эттирувчи бошқа бир тизим мавжудлигини тақозо қилади. Бироқ мономаданиятда хулқ-атворнинг психологик рефлексияси нафақат ахлоқий жиҳатдан номаъқул, балки инсон унга таянган ҳолда ўз хатти-ҳаракати моҳиятини ифодалаши мумкин бўлган бегона маданият мавжуд эмаслиги боис, техник жиҳатдан иложсиздир. Ёт этносларнинг онг схемаси ва маданияти эса ана шундай тизимлар вазифасини ўтайди.

3-§. «Комил инсон» тушунчаси ва унинг шаклланиши

«Комил» сўзи арабчадан ўзбек тилига кириб келган бўлиб, «етуклик, тўлик, мукамал» деган маънони англатади. Шунга кўра, комиллик деб меҳр-мурувват, адолат, тўғрилиқ, виждон, ор-номус, ирода, тадбиркорлик, матонат каби кўпلىк асл инсоний хислат ва фазилатларнинг мажмуига айтилади. Ана шу комилликка эришган инсонлар жамиятни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этган. Шу туфайли комил инсон ғояси дунёга келган.

Хўш, комил инсон ким? Бу саволга Биринчи Президентимиз Ислон Каримов шундай жавоб беради: *«Биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мутақил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-қочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани ақл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида қурган киши етук одам бўлади»*. Демак, миллий ғоямизнинг асосий мақсадларидан бири – ҳар томонлама комил инсонни тарбиялашдан иборат. Комил инсон эса, бу – озод шахс, эркин фикр этувчи, ўз халқининг идеаллари учун курашувчи инсон, ўз Ватанига ҳалол хизмат қилувчи кишидир.

Комил инсон ғоясини амалга оширишдаги устувор вазифалар. Ўзбек халқи мустақилликка эришгач комил инсон ғояси янгича мазмун-маъно касб эта бошлади. Ҳозирги кунда комил инсонга хос бўлган қуйидаги хусусиятларни шакллантириш вазифаси қўйилган:

1. Ҳар бир одамни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш. Жисмоний танасида носоғлом бўлган одам қанчалик урунмасин комиллик даражасига кўтарила олмайди.

2. Ҳар бир катта-кичик одамнинг дунёвий (табиий ва гуманитар, ижтимоий-иқтисодий) билим асосларини чуқур ўзлаштиришини йўлга қўйиш. Дунёвий билимларни пухта ўзлаштирмаган одам тараққиётнинг нима эканлигини тушунмайди, техника ва технологиялардан, хўжалик ва давлатни бошқариш санъатидан тўғри фойдалана олмайди.

3. Ҳар бир фуқаро диний билим асосларидан хабардор бўлишлари учун шарт-шароитларни яратиш. Диний билим асосларидан хабардор бўлмаган одамлар кўр-кўрона бошқа йўлларга кириб кетиши, яъни диний экстремизм каби вайронкор ғояларнинг қурбонига айланиши мумкин.

4. Одамларни маънавий-руҳий жиҳатдан ҳам соғлом бўлиши ҳақида қайғуриш. Маънавий қашшоқлик, руҳий хасталик балосига гирифтор бўлган одамни ҳеч ким комил инсонлар сафига қўшмайди.

5. Кишиларни қандай бўлмасин бирон-бир фойдали касб-хунарни эгаси, яъни ўз касбининг устаси, аниқроғи етук мутахассис қилиб етиштириш. Касб-хунарсиз одамлар билан фаровон ҳаёт куриб бўлмайди.

6. Ёшларни онгли, мустақил фикр юритадиган, ҳар томонлама билимли, воқеалар ривожидан мантиқан тўғри хулоса чиқара оладиган қилиб тарбиялаш. Ақлсизлик жаҳолатга олиб келади. Жаҳолат эса ҳалокатга олиб келади.

7. Кишиларнинг маънавий вужудида юксак ахлоқий-маънавий фазилатларни шакллантириш. Инсон миллий ва умуминсоний қадриятларга қанчалик амал қилса, унинг ахлоқий-маънавий фазилати ҳам шунчалик юксак бўлади.

8. Ёшларни озод ва эркин, ўз Ватанини жондан ортиқ севгувчи шахс қилиб вояга етказиш. Унинг вужудига Ватаннинг мустақиллик руҳини сингдириш.

Юқорида билдирилган фикрларга асосланган ҳолда комил инсон тушунчасига қуйидагича фалсафий таъриф бериш мумкин.

Комил инсон деб, дунёвий билим асосларини пухта эгаллаган, диний билим асосларидан хабардор бўлган, жисмонан соғлом, руҳий жиҳатдан нуқсонсиз, бирон-бир фойдали касб-хунарни устаси

*бўлган, мустақил фикр юритадиган, онгли, мантиқан тўғри хулоса чиқарадиган, юксак ахлоқий-маънавий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган, она Ватан озодлиги ва ободлиги йўлида жон фидо қиладиган, ҳақиқий ватанпарвар, халқпарвар кишиларга айтилади*⁶⁴.

Шу сабабли комил инсон ғояси нафақат алоҳида шахсларни, балки бутун-бутун халқларни юксак тараққиёт сари етаклаган, уларни маънавият ва маърифат соҳасида тенгсиз ютуқларга илҳомлантирган. Комилликни орзу қилмаган, баркамол авлодларни вояга етказиш ҳақида қайғурмаган халқнинг, миллатнинг келажаги йўқ. Бундай халқ ва миллат таназзулга маҳкумдир.

Мустақил Ватанимиз олий мақсад қилиб олган озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни баркамол, эзгу ғояларни ҳаётгий эътиқодига айлантирган етук инсонларгина бунёд эта олади. Шунинг учун янгиланаётган жамиятимизда соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш, маънавий-маърифий ишларни юксак даражага кўтариш орқали комил инсонларни вояга етказишга юксак эътибор берилмоқда.

Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида ана шундай инсонлар ҳақида бундай дейди: «Яхши фазилатларни ўзига касб қилиб олган инсонлар яхши инсонлар дейилур». Авлоний яхши инсонлар деганда одамларга яхшилик қила оладиган, камтар, сахий, меҳнатқаш, меҳр-шафқатли, билимдон, ўзгалар учун қайғурадиган, мард инсонларни кўзда тутса, «Ёмон инсонлар деб, ёмонлик фазилатлари яхши фазилатларидан устун турадиган инсонларга айтилади», дейди. Муаллиф ёмон инсонлар деганда хасис, бахил, бировларнинг ютуғини кўра олмайдиган ҳасадгўй, фақат ўзим дейдиган худбин кишиларни назарда тутди. Авлоний кишиларни ўзида яхши фазилатларни тўплаган, эл назарига тушган, яхшиликка интилувчи, ўзини тарбиялаб боришга ўрганган инсонлар бўлишга ундайди.

Комил инсонлар ижобий сифатлари сирасига билим олишга интилиш ҳам киритилади. Зеро, инсон энг аввало ҳар томонлама билимдон бўлмоғи лозим. Билимдон бўлмоқлик, бу ўз касбини пухта эгаллаш, эл-юрт, Ватан манфаатлари йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш, унга садоқатли бўлиш, уни эъзозлаш, иқтисодий,

⁶⁴ *Яхшиликков Ж.Я., Муҳаммадиев Н.Э.* Миллий ғоя ва мафкура. – Т., 2015. – Б.241.

сиёсий, ҳуқуқий билимларни доимий равишда етарли даражада эгаллаб бориш, маърифатли бўлиш, маънавий камолот сари интилиш, халқнинг, инсонларнинг ғам-ташвишлари, қувончларида ҳамдард, ҳамкор, елкадош бўлиш, умумий қилиб айтганда жамият ҳаётининг барча жабҳаларида фаол иштирок этиш, унинг истиқболи учун қайғуриш, доимо эзгу ишлар, орзу-умидлар, ниятлар билан йўлдош бўлиб юриш демакдир.

Бунинг учун инсон ҳар доим ўз мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантириб, сайқаллаб бормоғи керак.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Ижтимоий муҳитнинг психологик иқлими ҳақида айтиб беринг.

2. Жамоа, гуруҳ ва гуруҳ турларини дин психологиясида қандай ўрганилади?

3. Диний ва нодиний анъаналарининг шахсга таъсирини тушунтириб беринг.

4. Шахснинг миллий, диний ва умуминсоний хусусиятларини шаклланишини психологияда таҳлил этилишига изоҳ беринг.

5. Комил инсоннинг шаклланиш омиллари нималардан иборат?

ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ

**34-мавзу. ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ ФАНИНИНГ
ПРЕДМЕТИ, МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

**1-§. Оила психологияси ҳақида умумий тушунча.
Акселерация тушунчаси**

Инсон боласи дунёга келар экан у мустақил ҳаракатланиш, юриш, ўқиш, ёзишдан бошлаб табиат ва жамиятнинг барча мураккаб қонунлари билан юзма-юз келганда нималар қилиш кераклигига ўргатилади ёки бунга махсус ўқитилади. Маълумки, ҳаётимизнинг ярмидан кўпини қамраб оладиган чинакам, тўлақонли бахтни инсоний бахтни инъом этадиган ёки аксинча ҳар томонлама таъминланганлигимизга қарамасдан бизнинг бахтимизни яримта қиладиган ҳам оилавий ҳаётдир.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, собиқ Иттифоқ даврининг сўнгги босқичларида ёшларни оилавий ҳаётга махсус тайёрлашга дастлабки уриниш ҳам муваффақиятсиз тугади. Чунки у вақтларда масалага илмий ёндашилмаган, жумладан ҳар бир халқнинг ўзига хос этнопсихологик хусусиятлари ҳисобга олинмаган. Номи психология бўлсада мазмунан педагогикага яқин бўлган қўлланма билан ўқитилган эди.

Ушбу ўқув курсининг мақсади Сиз ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашдан иборатдир. Бу ўринда ҳақли равишда: «Бу фан бизга нима беради? Нега энди айнан ҳозирга келиб, бизни оилавий ҳаётга тайёрлаш зарур бўлиб қолди? Ахир ота-боболаримиз бундай курсларни ўқимай ҳам тинч-тотув, аҳил-иноқ, бахтли ҳаёт кечиришганку? Аксинча сўнгги йилларда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида қанчалик кўп гапириб, ёзиб, махсус тадбирлар ташкил қилинса ҳам низоли оилалар, ажралишлар миқдори ортса ортаяптики, камаймаяптику» каби саволлар рўйхатини чексиз давом эттиравериш мумкин. Уларнинг ҳар бирининг юзага келишига асос бор. Хўш, қандай зарурат ҳозирги вақтда ёшларимизни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва уларга «Оила психологияси» фанининг

ўқитилиши зарурлигини тақозо қилади? Маълумки, инсоният жамияти тараққий етиб борган сари одамларнинг ўзлари ҳам, уларнинг бир-бирлари билан бўладиган ўзаро муносабатлари ҳам, айниқса, шахслараро муносабатлар орасида энг самимий, энг яқин бўлган оилавий муносабатлар ҳам такомиллашиб, ўзига хос тарзда мураккаблашиб боради. Сабаби: ҳозирги замон фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш муносабатлари, воситалари тараққиёти, қишлоқ хўжалиги, саноат ишлаб чиқариши, умуман халқ хўжалигининг барча жабҳаларида янги технология, техник жараёнларнинг жадал жорий етилиши бевосита шу жараёнларнинг яратувчиси, иштирокчиси бўлган инсон омилига, инсон шахсига ҳам ўзига хос, янгича талаблар қўймоқда. Ишлаб чиқариш муносабатлари, жамият тараққиёти бир томондан, одамларнинг ўзларида рўй бераётган ижтимоий-психологик, физиологик ва бошқа ўзгаришлар одамларнинг ўзаро мулоқот муносабатлари доирасини маълум даражада чегараланиб қолишига, уларда аждодларимизда кузатилган табиийликни маълум даражада бузилишига ва оқибатда инсон руҳиятида мумкин қадар ҳиссий, эмоционал зўриқишларнинг юзага келишига асос бўлмоқда. Буларнинг таъсири оилавий ҳаёт ва ундаги психологик иқлимда ҳам ўз ифодасини топади. Ёшларимизда бу масала бўйича аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун, бундан 90-100 йиллар олдинги уларнинг тендошлари ва бугунги кунларимиздаги 15-16 ёшли йигит-қизлар ўртасидаги тафовутларни солиштириб ўтамиз. Махсус адабиётларда ёзилиши ва ўтказилган тадқиқотлар натижаларида кузатилишича, сўнгги 100 йил ичида одамларда кузатиладиган **акселерация** жараёнига кўра уларнинг жинсий, физиологик балоғатга етиши 2-3 йилга илгарилаб кетган. Бундан 100 йилча олдин ёшларнинг жинсий балоғатга етиш даври 15-16 ёшга тўғри келган, ҳозир эса бу ҳолат ўртача 12-13 ёшларга тўғри келади. Энди шу ёшларнинг оилавий ҳаётга тайёрлик жиҳатларини кўриб чиқамиз.

Илгариги тендошларингиз 15-16 ёшларида оилавий ҳаётга етуклик талабларидан бири бўлмиш жинсий етукликка, балоғатга етар эканлар, улар аксарият ҳолларда шу ёшга келиб ўша даврлар учун хос ва лозим бўлган, унчалик мураккаб бўлмаган деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик сир-асрорларидан деярли боҳабар бўлганлар (чунки у вақтларда болаларни одатда, 13-14 ёшидан шогирдликка беришган), ўша

даврдаги ишлаб чиқариш муносабатлари ва технологик жараёнлар улардан махсус ёки олий маълумот талаб қилмаган, 3-4 йил устоз кўрган шогирд 16-17 ёшида ўзи мустақил иш юрита оладиган устага, ўз ишини уддалай оладиган мутахассисга айланган. Мабодо, у шу вақтда оила қурадигандек бўлса, ўз ҳунари орқали меҳнат қилиб, ўзини ва оила аъзоларини иқтисодий жиҳатдан таъминлай олиши мумкин бўлган. Бундан ташқари, у вақтлардаги 18-20 ёшли йигит маҳалла-кўйда, жамоатчилик орасида маълум даражада ижтимоий етук шахс сифатида қабул қилинган, турли тадбир ва маросимларда унинг ҳақли иштирокчи сифатида қатнашиши мумкин бўлган, яъни унинг ижтимоий жиҳатдан балоғатга этганлиги жамоатчилик томонидан қабул қилинган. Бу жараён шахснинг олдида оила ва жамият олдида ўзига хос масъулият юклаган, масъулиятни ҳис қилиш эса унинг психологик етуклиги аломатларидан бири бўлиб хизмат қилган. Энди шу хусусиятларни бугунги кун ёшларида кўриб чиқайлик. Улар 12-13 ёшларда жинсий (физиологик) етукликка эришадилар (бу ҳақда кейинроқ тўхталиб ўтамиз), бироқ улар бирор-бир касб-ҳунар эгаси бўлиб, мустақил ишлаб, ўзини ва оиласини иқтисодий жиҳатдан таъминлай оладиган бўлиши учун, аввало мактабни битириши, сўнг у ёки бу касб-ҳунар коллежи ёки лицейда ўқиб, бирор-бир касбни эгаллаши керак. Бунинг учун 9 йил мактабда, 3 йил коллеж ёки лицейда ўқиши зарур бўлади. 12 йиллик барча учун мажбурий таълимдан сўнг ёшларимизнинг маълум бир қисми ўқишни олий ўқув юртларида давом эттиради. Бундан кўриниб турибдики, ёшларимизнинг иқтисодий мустақилликка эришишлари уларнинг маълум қисми учун 20-21, бошқалари учун 23-25 ёшга тўғри келади. Бундан ташқари, одамларнинг турмуш тарзи ривожланиши билан бирга оилаларининг кундалик ҳаёти ўзгариб, кийинишга, маиший буюмларга, моддий фаровонлик даражасига бўлган эҳтиёжи ҳам ортиб боради.

Жамиятни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши шахснинг маданий такомиллашувига, у эса шахсларни бир-бирларига кўядиган талаблари ошишига ва шахслараро муносабатнинг нозиклашувига олиб келади. Бунинг ёрқин далили сифатида ажралишлар миқдори олий маълумотлилар ичида умумий ўрта маълумотлиларга нисбатан юқорироқ эканлигини эътироф этиш

мумкин. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиши юқори савияда бўлмаган жамиятдаги оила аъзолари ўзларининг оилавий юмушларининг аксариятини кўлда бажарадилар. Унга оиланинг барча аъзолари ва биринчи навбатда фарзандлар мумкин қадар кўп жалб қилинади. Оила ишларини бажаришдаги умумий фаолият ёшларда маълум малакаларни, шу жумладан, оиладаги тегишли ролларни бажаришни, оилада бир-бирлари билан қандай мулоқотда бўлиш малакаларини, оилада ҳар бир шахснинг иерархик мавқеиغا кўра ўз ҳуқуқ ва вазифаларини аниқлаб олишга имкон беради. Моддий таъминот, юқори маданий савия эса шахснинг бошқа шахсга қўйган талабини, шу жумладан оилада янада кучайтиради. Оила аъзоларининг ўзаро мулоқотда бўлиш вақти миқдорини қисқартиради. Бу эса кўпгина ёшлар учун ота-она оиласи шахсий оиласига намуна вазифасини бажара олмаслигига олиб келади. Шулардан кўриниб турибдики, бундан 100 йиллар олдинги ёшлар 16-18 ёшида оила курсалар, улар шу вақтга келиб оилавий ҳаёт учун, муваффақиятли турмуш кечириб кетишлари учун зарур бўлган етуклик даражаларининг барчасига эришганлар, бу эса уларнинг оилавий ҳаётларида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг бартараф этилишига асос бўлиб хизмат қилган. Бугунги ёшларимиз эса юқорида баён этилганидек, 12-13 ёшларида жинсий балоғатга этадилар ва аксарият ҳолларда орадан 7-8 йил ўтгандан сўнг, яъни қизлар 19-20 ёшда, йигитлар эса 21-22 ёшда оила курадилар. Бу вақтда эса улар на иқтисодий жиҳатдан, на ижтимоий жиҳатдан ва на психологик жиҳатдан оилавий ҳаётга тайёр бўладилар.

Бундай ҳолатлар шубҳасиз, уларнинг оилавий ҳаётларида олдинги тенгдошлари ҳаётида кузатилмаган муаммоларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, жамият тараққиётининг бугунги ҳолати ҳозирги замон оиласи олдига ўзига хос янги ижтимоий вазифаларни ҳам юклайдики, буларнинг барчаси ҳозирги ёшларимизни оилавий ҳаётга махсус тайёрлаш масаласи энг долзарб масалалардан бири бўлишлигини тақозо қилмоқда. Шунинг учун ҳам сўнгги 15-20 йил давомида дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида, жумладан, бизнинг республикамизда мустақилликка эришганимизнинг дастлабки йиллариданоқ, оила масалаларига, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилаларда комил шахсни шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Умуман инсоният

жамияти тобора тараққий этиб бораверар экан, оила масалаларининг долзарблиги ҳам шунга мос равишда ортиб бораверади ва оилага бўлган эътибор ҳам кеча ва бугунга қараганда эртага янада юқорироқ бўлади. Чунки оила жамиятнинг кичик бир кўриниши бўлиб, у қанча иноқ, аҳил ва мустаҳкам бўлса, жамият ҳам шунчалик қудратли бўлади. Бу келтирилган омиллар ёшларга «Оила психологияси» курсини ўқитишнинг долзарблигини ифодалайди.

«Оила психологияси» курсининг яратилиши ва унинг ўқув предметлари қаторида мактаб, коллеж, лицейларда ўтиладиган дарслар жадвалига киритилиши ҳам Республикамиз ҳукумати томонидан юритилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг мантиқий ва мазмуний давомидир.

Оила психологияси фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

«Оила психологияси» фанининг **мақсади** – оила психологиясига доир энг муҳим билимларни бериш ва улар асосида тегишли малакалар, кўникмаларни шакллантириб, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашдир.

«Оила психологияси» фанининг **предмети** оиланинг ижтимоий ва этнопсихологик хусусиятларини ташкил этади.

«Оила психологияси» фанининг **вазифалари**:

- оилали шахснинг шаклланишидаги роли ҳақида ёшларга тасаввур бериш;
- ёшларни оилавий ҳаётда бўладиган муаммолар, қонуниятлар ҳақида илмий тасаввурлар билан тарбиялаш, уларни бу жараёнларга тайёрлаш;
- ёшларда муаммоли вазиятлардан психологик жиҳатдан оқилона чиқиш малакаларини ўргатиш;
- ёшларни жинсий ҳаётга илмий асосда тайёрлаш;
- ёшларни оилавий мулоқотга тайёрлаш;
- ёшларни оилавий ҳаётда кузатиладиган ўзгаришлар ҳақидаги илмий билимлар билан таништириш;
- ёшларни оилавий ҳаётда юзага келадиган муаммоларга конструктив тус беришга, деструктив йўналишдагилардан сақланишга ўргатиш;
- ёшларнинг ўзларига турмуш ўртоғини тўғри танлаш малакаларини шакллантириш;

- ёшларда оиланинг мустаҳкамлигини таъминловчи билим ва малакаларни шакллантириш;
- ёшларни оилани режалаштиришга ўргатиш.

2-§. Никоҳ олди омиллари хусусиятлари ва уларнинг никоҳ мустаҳкамлигига таъсири

Никоҳга етуклик хусусиятлари. Оила деб аталмиш муқаддас макон, «оила қасри»нинг мустаҳкамлиги шу қасрнинг пойдевори бўлмиш никоҳ олди омиллари хусусиятларига, уларнинг қай даражада тўғри ва мустаҳкам қўйилишига боғлиқ. Агар шу пойдевор етук, мустаҳкам бўлса, унинг устида қурилган иморат ҳам кўркам, ёруғ, унда истиқомат қилувчиларга қулайлик, хотиржамлик, тинчлик, ҳузур-ҳаловат бағишлайдиган бўлади. Ҳеч бир девор ёки уй пойдеворсиз бўлмаганидек, Сизнинг қуражак оилангизнинг ҳам ўзига хос пойдеворлари бор. Улар шу оиланинг юзага келишига, қурилишига асос бўлган никоҳ олди омилларидир. Агар шу никоҳ олди омилларининг оилани юзага келишига таъсири ноўрин бўлса, у шошилич, бўш, қийшиқ қурилса, унинг устига ўрнатилган оила иморатининг девори ҳам қийшиқ ва омонат бўлиб бораверади ва у шу иморатнинг бир куни келиб қулаши, бузилиб кетиши хавфини туғдиради. Бундай пойдевор устига қурилган иморат қулаб тушмагани, бузилиб кетмагани тақдирда ҳам унда истиқомат қилувчиларга хотиржамлик, тинчлик, қувонч бахш эта олмайди. Улар доимо қандайдир бир хавотирда, ҳадикда, ноқулайликда, хижолатда яшашларига тўғри келади.

Хўш, шу пойдеворлар яъни никоҳ олди омиллари нималардан иборат? Гап никоҳ олди омиллари ҳақида борар экан, шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, никоҳ олди омиллари у ёки бу никоҳнинг юзага келишига асос бўлган кўплаб ижтимоий, иқтисодий, биологик, физиологик, маънавий, ахлоқий ва бугунги кунларимиз учун энг муҳим бўлмиш психологик омилларни ўзида мужассамлаштирган, кўп қиррали омиллар комплексидан иборат бўлиб, оила қураётган ёшларнинг, шу ўзлари қураётган оилавий ҳаётларига қай даражада «етилган»ликларини белгилаб беради. Бу ерда энг муҳими шу ёшларнинг оилавий ҳаётга, никоҳ талабларига қай даражада жавоб бера олишлиги назарда тутилади. Никоҳга етуклик тушунчаси ҳам ўз навбатида ўта мураккаб ва нисбий тушунчадир. Чунки одам доимо ривожланиб, такомиллашиб

борувчи, касб-ҳунар фаолиятида ёки маънавий ва ахлоқий ривожланишида мунтазам янгидан янги чўққиларга эришиб борувчи мавжудотдир. Агар одамни у ёки бу фаолиятга «тўла етуклиги» ҳақида гапирадиган бўлинса, демак бу унинг маълум бир чегарага эришгани ва ундан ортиқ ривожланиш мумкин эмаслигини билдиради. Шунинг учун ҳам одамнинг никоҳга ёки бирон-бир фаолиятга етуклиги ҳақида гапирилганда «етуклик» тушунчаси том маънода ўринли бўла олмайди. Шунинг учун ҳам одамнинг «етуклиги», айниқса никоҳга, оилавий ҳаётга «етуклиги» ҳақида гапирилганда бу тушунчадан маълум бир умумқабул қилинган стандарт, ўртача меъёр, маълум бир шартли «ўлчов бирлиги», кўрсаткичлар ва шу қабилар сифатидагина фойдаланилади.

Масалан, барча ўқув юртлари (мактаб, лицей, коллеж, институтлар) учун битириш имтиҳонлари (давлат имтиҳонлари тизими, диплом ишлари ҳимояси тизимлари қабилар) мавжуд бўлади ва улар ёрдамида битирувчилар томонидан ўзлаштирилган ўртача билимлар ва малака йиғиндисини аниқлаш мумкин бўлади. Бу эса уларга кейинчалик яна ўқишни давом эттириш ёки маълум бир мутахассислик бўйича ишлаши мумкинлиги ҳақида маълум бир ҳуқуқ беради. Шу нуқтаи назардан олинганда

Никоҳ олди омиллари:

- 1) оилавий ҳаётга етуклиги;
- 2) оила қуриш мотивлари;
- 3) никоҳгача танишиш муддати;
- 4) никоҳ қуриш ёши;
- 5) никоҳ қуриш шартлари;
- 6) оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари.

«Етуклик» – ривожланишнинг маълум бир босқичи, фазаси, чегарасига этилганликнинг сифатий ва миқдорий характеристикасини маълум бир аниқликда белгилаб берувчи кўрсаткич бўлиб хизмат қилади.

Одамнинг никоҳга, оилавий ҳаётга етуклиги масаласи эса ўта мураккаб бирон-бир қатъий меъёр билан ўлчаб бўлинмайдиган индивидуал характерга эга бўлган кўрсаткичдир. Шу келтириб ўтилганларнинг ўзиёқ никоҳ олди омиллари қай даражада мураккаб характерга эга бўлган муаммолардан эканлигини кўрсатиб турибди.

Ҳозирги замон оиласининг ижтимоий психологик муаммоларини ёритишга бағишланган психологик адабиётларда

никоҳ олди омилларининг турлича шакллари, кўринишлари фарқланади. Қуйида Сизнинг эътиборингизга уларнинг айримлари ҳақидаги маълумотларни ҳавола етамиз.

Никоҳ олди омиллари қаторига шу оила қураётган ёшларнинг:

- оилавий ҳаётга етуклиги;
- уларнинг оила қуриш мотивлари;
- уларнинг оила қуришгунларига қадар бир-бирларини танишлик муддати (қанча вақт бир-бирини танишлиги) шартлари ва шароитлари;
- уларни ўзларининг бўлғуси оилавий ҳаётлари ҳақидаги тасаввурлари кабиларни киритиш мумкин.

Албатта, бу омилларнинг ҳар бири турли ёшларда турлича характерда бўлиши мумкин, шу билан бирга уларнинг ҳар бири ўз навбатида яна бир неча турларга фарқланади.

Масалан, никоҳга етуклик дейилганда оила қурувчи ёшларнинг: жисмоний (физиологик), жинсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик каби етуклик жиҳатларини фарқлаш мумкин. Буларнинг орасида ҳуқуқий, жинсий етуклик кўрсаткичлари етарлича аниқ аломатларга, белгиларга эга бўлган ва булар ҳақида тегишли ҳуқуқий, тиббий, психологик адабиётларда кўплаб маълумотлар берилган жиҳатлар бўлса, иқтисодий, маънавий-ахлоқий, психологик жиҳатлар бироз мураккаброқ, қатъий бир кўрсаткич, чегарага эга эмаслиги билан характерланади.

Жинсий етилиш қатъий жинсий эҳтиёжларнинг шаклланишига олиб келади. Бу даврга келиб болаларда иккиламчи жинсий аломатлар намоён бўла бошлайди. Жинсий секреция безларининг фаоллиги ортади. Қиз болаларда ойлик сикллари (менструация), ўғил болаларда поллюциялар рўй бера бошлайди. Бошқача қилиб айтганда, уларда **пубертат давр** бошланади.

Демак, бу даврга келиб болаларнинг моддий ва маънавий қизиқишларининг ўсиб бориши билан бир қаторда жинсий эҳтиёжлар шахс фаоллигининг кучли манбаларидан ҳисобланиб, у турли психологик ва ижтимоий шаклларда намоён бўла бошлайди. Жинсий майлнинг, жинсий эҳтиёжнинг юзага келиши одамни биологик ривожлана бошлашининг ўзига хос босқичидир. Улар бола руҳиятининг ривожланишига, уни шахсининг шаклланишига, ҳаёт фаолиятининг бошқа жиҳатларига катта таъсир кўрсатади. Жинсий ҳаётнинг кўплаб муаммоларини нафақат ёшларга, балки узоқ вақт

оила курган, фарзандли бўлган катта ёшлиларга ҳам тушунтириб ўтиш лозим бўлади, чунки уларда ҳам шу асосда кўплаб жиддий низолар юзага келиши мумкин. Жинсий муносабатлар масаласи ўта нозик масаладир, бу борада кўпинча «ёлғон, бачканаларча уятчанлик»ка дуч келинади. Баъзи бир ота-оналар ва ўқитувчилар ҳатто маориф раҳбарлари ҳам мактабда жинсий тарбия бериш масаласига эътироз билдирадилар ва «Жинсий тарбия, жинс масаласига оид барча зарур маълумотлар биология курсларида берилган, бунинг устига «ота-боболаримиз бундай жинсий саводхонликсиз ҳам бинойидек яшаганлар» қабилида мулоҳаза юритадилар. Албатта, бундай нуқтаий назар ўта қолоқ, бугунги кун никоҳ-оила муносабатлари талабларини, ҳозирги замон оиласи вазибаларини ҳисобга олмай чиқарилган хулосалардир. Айнан шунақа йўллар билан ёшларга жинсий тарбиядек ўта нозик ва зарур масалалар юзасидан берадиган ҳар қандай санитар-гигиеник оқартув маълумотларнинг аҳамияти бутунлай камситиб келинмоқда. Бу эса миллионлаб ўсмирларнинг жинсий балоғатга етишиш вақтида ғафлатда қолишларига ва бунинг оқибатида айрим ҳолларда ҳаётда тузатиб бўлмайдиган хатоларга йўл қўйишига олиб келишига сабаб бўлмоқда.

Ҳеч нима билан асосланмайдиган хавотир, ҳадик, гоҳида эса ҳақиқий ваҳима заминида ўсмир хулқида турли хил оғишлар, нерв-физиологик бузилишлар юзага келиши мумкин. Буларнинг барчаси санитар-гигиеник тарбиянинг яхши йўлга қўйилмаганлиги ва жинсий тарбияни берилмаганлигининг натижасидир. Бу масала айниқса бизнинг этносимизда ўта жиддий моҳият касб этадиган масаладир.

Жинсий тарбия масаласига кўпинча ё алоҳида эътибор талаб қилинмайдиган ва ҳеч қандай қийинчиликни юзага келтирмайдиган, ҳар бир ёш гуруҳи учун осонгина ўзлаштириш мумкин бўлган, ёки ўта шахсий, интим, кўпчилик орасида, айниқса болалар орасида муҳокама қилиб бўлмайдиган масала тарзида қаралади. Шу каби мулоҳазалар қатор мамлакатларда, айниқса собиқ иттифоқда жинсий тарбияга оид материалларни, бунга тааллуқли тадбирларни мактаб дастуридан чиқариб ташланишига асос бўлган. Бу ўринда жинсий тарбияни, организмнинг фаолияти ҳақидаги бугунги кунда ҳар бир одам ўзлаштириши, билиши зарур бўлган санитар-гигиеник, психогигиеник маълумотлар билан узвий боғлиқ тарзда қаралиши мақсадга мувофиқдир.

Оилавий ҳаётда эса жинсий ҳаёт психологияси ҳақидаги билимларга эга бўлиш ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган масаладир. Турли мутахассислар томонидан берилган маълумотларни комплекс таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар бир тўртинчи ажралишган эр-хотинларда (ажралишларнинг 29%ида) жинсий мутаносибликнинг у ёки бу тарзда бузилиши (эр-хотиннинг жинсий номутаносиблиги) сабаб бўлмоқда.

Албатта, ўзаро севги, ишонч ва ҳурмат ҳислари, қизиқишлар ва ниятларнинг умумийлиги ҳислари қисқа вақт оралиғида юзага келган ва шунга кўра шошилиш оила қурган жуфтларга жинсий ҳаёт психологияси борасидаги билимлар ўз-ўзидан ёрдам бера олмаслиги мумкин. Бундай тезликда, қисқа вақтда (совчилар, қариндошлар орқали бир-икки ҳафтадаёқ) юзага келган оилалар миқдори, айниқса, сўнгги йилларда бизнинг миллат вакиллари ўртасида ортиб бормоқда. Ёшларнинг бир-бирларига нисбатан бўлган ёқтириши ва ижобий эмоционал ҳислари комплексисиз бу билимларнинг самараси паст бўлади. Улар фақат ер-хотинлар бирбирларини ёқтирганлари, бир-бирлари учун жозибали бўлган ҳолатлардагина, эр-хотинларининг интим ҳаётини мувофиқлаштиради.

Бошқа томондан никоҳдаги жинсий ҳаёт психогигиенаси муаммоларидан қандайдир «бўлмағур, уят нарса» сифатида воз кечиш ҳам керак эмас. Чунки, кўпчилик ҳолларда жинсий ҳаёт психогигиенаси соҳасидаги илмий билимлар ёш эр-хотинларга йўл қўйилиши мумкин бўлган аянчли хатолардан қутулишга ва шу билан ўз никоҳларини сақлаб қолишларига ёрдам бериши мумкин.

Шундай қилиб, жинсий етуклик одам анатомияси ва физиологияси нуқтайи назаридан етарлича аниқ ва равшан бўлган ҳодисадир. Бироқ унинг психологик, ахлоқий жиҳатлари ўта мураккаб. Шунинг учун ҳам одамнинг никоҳга жинсий етуклиги дейилганда унинг физиологик нуқтайи назардангина етилишини назарда тутиш жинсий етукликнинг тўлиқ моҳиятини билдирмайди, бундан ташқари одам жинсий ҳаёт психогигиенаси борасида ҳам зарур илмий психологик билимларга, тўғри тасаввурларга ҳам эга бўлмоғи зарур. Бу эса шубҳасиз алоҳида эътибор, махсус тайёргарлик, ўқитишни талаб қиладиган жараён дир.

Ёшларни никоҳга жинсий етуклик масаласидан ташқари юқорида келтириб ўтилганидек яна бир нечта ижтимоий етуклик турларини фарқлаш мумкин. Булар: жинсий, фуқаролик, касб-

хунар, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, ахлоқий ва психологик етукликлардир. Буларнинг орасида ёшларнинг жинсий (физиологик) етуклиги бошқаларига қараганда анча эрта амалга ошади, қуйида бу масалаларга боғлиқ равишда яна қандай муаммолар мажмуининг юзага келиши мумкинлиги ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Фуқаролик, ҳуқуқий етуклик – бу одамнинг ҳуқуқий жиҳатдан балоғатга этиш ёши билан, у ҳуқуқий жиҳатдан оила қуриш, фарзанд кўриш ҳуқуқига эга бўлган шахс бўлиб ҳисобланиши билан белгиланади. Бизнинг мамлакатимизда бу 18 ёш деб кўрсатилган. Бу вақтда у Конституцияда белгиланган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлардан фойдалана оладиган бўлади. 18 ёшни шахснинг ҳуқуқий етуклик ёши деб ҳисоблаш мумкин.

Касб-хунар етуклиги – бу ҳам анча мураккаб тушунчадир. Унинг мураккаблиги шундаки, бир томондан у қандайдир билим юртини, ўқув курсларини битириш, яъни маълум бир иш турини бажариш учун зарур бўлган махсус билимларга эга бўлиш билан белгиланади. Бироқ одам у ёки бу билим юртини (коллеж, лицей, техникум, институтни) битирганидан кейин ўзи танлаган касби бўйича бир неча йил ишлаб кўриши керак бўлади ва шундан кейингина унинг касб-хунар етуклиги ҳақида гапириш мумкин.

Шу билан бирга баъзи бир касблар бўйича 19-20 ёшлардаёқ касб-хунар етуклигига эришиш мумкин бўлса, бошқаларда масалан хирург-врачликда кечроқ 29-30 ёшга этганда бунга эришиш мумкин. Шахсни етуклигининг яна бир жиҳати ижтимоий-иқтисодий етукликдир. Бунда одамнинг ўзини ва ўз оиласини моддий жиҳатдан мустақил таъминлай ола билишлиги назарда тутилади.

Ёшларни оила қуришларида, уларнинг иқтисодий мустақиллиги алоҳида аҳамиятга эга. Бу ўринда ҳам турлича ёш чегаралари мавжуд, ёшларнинг айримлари 18-19 ёшидаёқ ота-онаси оиласидан иқтисодий мустақилликка эришиши мумкин, бошқалари эса 25-30 ёшларида ҳам ота-оналарининг моддий ёрдамидан фойдаланадилар.

Бу етуклик жиҳатлари орасида шахснинг маънавий ва ахлоқий етуклиги ҳақида гапириш энг мураккабдир. Чунки бу жиҳат ҳақида аниқ бир мезон ва тавсиф ҳозирча ишлаб чиқилмаган. Шундай қилиб, «етуклик» тушунчаси ўзича кўплаб жиҳатларни

мужассамлаштиради. Шунинг айтиб ўтиш жоизки «етуклик» тушунчаси, албатта маълум бир ҳаётий тажриба билан, яъни «ҳаётий билимлар» билан узвий боғлиқдир. «Ҳаётий билимларни ўзлаштириш», «Ҳаёт университетларидан» ўтишнинг ҳам ўзига хос индивидуал хусусиятлари мавжуд. Кимдир 20 ёшидаёқ «ҳаётни яхши билиб олади», кимдир 30 ёшида ҳам болалигича қолаверади. Бунга мавжуд ижтимоий шароит, жамоатчилик ва ижтимоий тартибнинг таъсири катта.

Маълумки олдинги вақтларда, айниқса уруш йиллари болалар катталар ҳам ҳамма вақт уддалай олавермаган ҳаётий қийинчиликларни бошидан кечирганлар. У вақтларда 12-14 ёшданок болалар оналарига оилани таъминлашда ёрдам берганлар. Шунингдек, шаҳар ва қишлоқ жойларда истиқомат қиладиган, кам фарзандли ва кўп фарзандли оилаларда, нуклеар ёки кўп табақали оилаларда ўсаётган болаларнинг ҳам оилани моддий, ижтимоий таъминотига ҳисса қўшиш, бу ишлар билан шуғулланиш муддатлари ва миқдори турличадир.

Ҳаётни билиш, ҳаётий тажрибалар турли индивидларда турлича жадалликда амалга ошиши мумкин ва бу ўринда қандайдир бир ёш, вақт оралиғини кўрсатиши мутлақо мумкин эмас. Бунинг устига ҳаётни, бизни ўраб турган атроф оламини билиш ўз навбатида чексиздир. Шунга қарамай ижтимоий ва иқтисодий етукликнинг маълум бир минимум чегараларини белгилаб олиш мумкин, яъни шундай ҳаётий тажриба, билимлар «минимуми» мавжудки, уларсиз бирон-бир ёшни, йигит-қизни том маънода етук деб ҳисоблаб бўлмайди.

Мана юқорида келтириб ўтилганларнинг ўзиёқ «етуклик» тушунчаси нақадар кенг тушунча эканлигини кўрсатиб турибди. Шунга қарамай биз ундан фойдаланишга мажбурмиз. Чунки у никоҳнинг мустақамлигини белгилаб берувчи муҳим шарт-шароитларни, вазиятларни ўзида мужассамлаштиради. Гап шахснинг психологик етуклиги ҳақида боргудек бўлса, бунда даставвал унинг турли ҳаётий вазиятлар ва шароитларни ҳушёр баҳолай олиши назарда тутилади. Бу ҳушёрлик амалийлик, воқеликни тўғри баҳолай олиш шахсда ўзининг ютуқ ва камчиликларини, билим, малака ва қобилиятларини етарлича обектив баҳолай олишда ҳам намоён бўлиши керак. Афсуски, кўпинча ёшлар ўз қобилиятларини орттириб баҳолаб, ўз олдиларига

эришиб бўлмайдиган мақсадларни қўйиб олиши ҳолларига дуч келинади. Айниқса, оилавий ҳаётни тасаввур қилиш, унда ўз ўрнини баҳолаш масаласида ёшларимиз кўпроқ хатога, ўзларини орттириб баҳолашга, оилавий ҳаётдан мумкин бўлганидан кўпроқ нарсани кутиш ҳоллари кўпроқ кузатилади.

Натижада муваффақиятсизликлар, пушаймон бўлишлар, асаб бузилишлар юзага келади. Психологик етук шахс эса аксинча, ўз олдига эришиши муқаррар бўлган, бунга имкониятлари етарли бўлган мақсадларни қўяди, ўз ҳаёт йўлини ва унга эришиш воситалари ва усулларини тўғри белгилайди. Бундай шахс ўз ҳиссиёти, кечинмаларини этарлича яхши назорат қила билишлиги, яъни ички интизомининг юқори ривожланганлиги билан характерланиб туради. Психологик етуклик бошқа одамларнинг хоҳиш, истаклари, кечинмаларини тушуниш билан маълум даражада боғлиқ. Бу ўз навбатида мулоқотнинг, ҳамкорликнинг яхши йўлга қўйилишига, оилада, турли гуруҳларда гормоник муносабатларнинг ўрганилишига имкон беради.

Турли ёшдаги, мансаб, лавозим, тоифадаги одамлар билан, қизиқиши, одати, таъби, турмуш тарзи мутлақо бошқача бўлган одамлар билан ўринли муносабатда бўла олиш шахснинг психологик етуклигининг асосий хусусиятларидан биридир.

Ёшлар оила қураётганларида бу хусусиятлар ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади. Албатта, бундай қобилиятлар бир кунда шаклланмайди. Улар олдинги ҳаёти давомида унга берилган тарбия таъсирида аста-секинлик билан шаклланади. Психологик етуклик, шахс хулқини турли яшаш шароитларига мослашувчанлигида ифодаланади. Психологик етуклик шахснинг бошқа одамларга нисбатан бўлган ижобий муносабатлари: ҳамдардлик, ҳамфикрлик, ғам-ташвишга шерик бўла олиш, ўзаро ёрдам қабила тарзида намоён бўла оладиган маънавий сифатларнинг таркибий жиҳатларини ўзида бириктиради. Психологик етукликнинг муҳим мезонларидан бири шахсда оилавий муаммоларни адолатли ҳал этишга хизмат қилувчи ўз мустақил фикри, қарashi, позицияси бўлиши, зарур бўлганда оила манфаатида ўз қарашларини ота-оналари олдида ҳимоя қила олишидир.

Никоҳ олди омиллари орасида энг характерлиларидан яна бири оила қураётган ёшларнинг ёш хусусиятларидир. Чунки бу кўрсаткичлар ҳам никоҳ мустаҳкамлигида ҳал қилувчи аҳамиятга

эга.

Никоҳ ёши хусусиятлари

Демографик нуқтаи назардан олинганда, оила қуриш маълум бир кишиларнинг эмас, балки бутун бир авлоднинг оила қуриши назарда тутилади. Бу ўринда тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, авлод ёш жиҳатдан қанчалик катта бўлса (унинг ёши қанчалик юқори бўлса), у биз кўриб чиқаётган жиҳатларнинг ҳар бири бўйича кўпроқ етук бўлади. 20-24 ёшдаги ёш гуруҳини ўзига бирлаштирган ёш гуруҳи, 20 ёшдан кичик бўлган авлодга қараганда кўпроқ ҳаётий тажрибага эга бўлади. Биринчи авлод вакилларида ижтимоий-иқтисодий етуклик даражаси юқорироқ бўлади, чунки айнан шу ёшда кўпчилик ёшлар ўрта ёки олий ўқув юртларини тамомлаган, у ёки бу касб-хунарни эгаллаган бўладилар. 25-29 ёшларда эса 20-24 ёшдагиларга қараганда, ижтимоий-иқтисодий ва касб-хунар етуклиги бўйича янада юқорироқ даражага эга бўладилар.

Ҳозирги замон демографиясида кенг фойдаланиладиган ушбу кўрсатиб ўтилган каби статистикалар ва ёш гуруҳлари ёшларнинг ижтимоий етуклигининг турли жиҳатларини ижтимоий психологик таҳлил қилиш учун жуда ноқулай ҳисобланади. Чунки ҳеч кимга сир эмаски, бугунги кунда ёшларнинг катталашуви, вояга етиши жуда жадал амалга ошмоқда.

Юқоридагича гуруҳлашга кўра бир демографик ёш гуруҳига кирган

20 ва 24 ёшлиларнинг етуклиги сифат жиҳатидан турли даражага эгадирлар. 25 ва 29 ёшдагилар ҳақида ҳам худди шундай дейиш мумкин. 29 ёшга келиб касб-хунар етуклиги ниҳоясига этади ва бу даврга келиб аксарият ёшлар оила қуриб бўлган ва ҳатто фарзандли бўлишга ҳам улгуришади. Шундай қилиб, 29 ёшдагилар 25 ёшдагиларга қараганда ҳаётий тажрибаларига кўра ҳам ва бошқа асосий компонентларга кўра ҳам сезиларли даражада фарқланиб туради.

Ўзбекистон Республикасининг «Оила кодекси»да эркак ва аёллар учун минимал никоҳ ёши сифатида 18 ёш кўрсатилган. Бу ёшни маҳаллий ҳокимият қарорига кўра алоҳида истисноли ҳолатларни ҳисобга олиб, аёллар учун бир ёшга қисқартириш мумкин.

Турли мамлакатларда урф-одатлар ва миллий анъаналарга боғлиқ равишда эркак ва аёлларнинг турлича минимал никоҳ ёши

белгиланган. Масалан, эркаклар учун у 14 ёшдан (Ирландия, Испания ва Лотин Америкасидаги айрим давлатларида) 21 ёшгача (Полша, Австрия, Германия ва айрим Скандинавия давлатларида) бўлган давр орасига тўғри келади.

Аёллар учун минимал ёш одатда ёки эркаклар билан тенг деб, ёки улардан бир неча ёш кичик деб белгиланади. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ёшларни вояга етиш масаласи, уларнинг никоҳга етуклиги кўрсаткичлари айрим ҳолларда бир-бирига қарама-қарши ва нотурғундир. Одамнинг ахлоқий ва маънавий қиёфаси, унинг шахсий таъби, диди, одатлари ҳаёт давомида бир неча бор ўзгариши мумкин. Ҳозирги даврда билимлар ва ҳаётий тажрибани йиғиш ғоят юқори жадалликда амалга ошиб бормоқда. Шунга кўра 16 ёшдан 29 ёшгача бўлган даврни оила қуриш учун гармоник давр деб ҳисоблаш қийин. Чунки бу даврда ёшларнинг ўзига бевосита боғлиқ бўлмаган кўплаб обектив шароитларни, қарама-қарши ҳолатларни кузатиш мумкин. Масалан, ёшларда жинсий етилиш 14-16 ёшларда, ҳуқуқий етуклик – 18 ёшда, узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёштини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкин.

Никоҳ ёши *эркаклар* учун 18 ёш этиб белгиланади *аёллар* учун 17 ёш этиб белгиланади.

Оила психологияси касб-ҳунарни эгаллаш ва касбий етуклик кўп ҳолларда 28-30 ёшларга келиб юзага келиши мумкин. Ота-оналарга боқиманда бўлмаслик даражасида иқтисодий мустақилликка эришиш эса, одатда 20 ёшдан 30 ёшгача бўлган вақт оралиғида амалга ошади.

Кўпинча катта авлод вакиллари, ёшларни етук эмасликда, ҳаётга тайёр эмасликда айблайдилар, лекин айна пайтда бундай етилмасликнинг обектив сабаблари ва шарт-шароитлари эътибордан четда қолади. Ёшларни ижтимоий ва иқтисодий ҳаётга тўлиқ киришиб кетишлари учун уларга кенг кўламдаги рақобатбардош билимларни, касб-ҳунар кўникмаларини бериш зарур бўлади. Ёшлар эгаллашлари лозим бўлган билимлар ҳажми ҳар ўн йилда икки мартага ортиб бормоқда. Ижтимоий, маънавий ишлаб чиқариш ва илмий техник тажрибани келгуси авлодга узатиш жараёни шу даражага борганки, у ҳар бир ёшни ҳаётга тўла иқтисодий тайёрлаш учун камида 12-15 йил ўқишини тақозо

қилади. Баъзида бу муддат камлик қилиб, у 18-20 йилгача узайиши мумкин (ўрта мактаб + коллеж (лицей) + олий ўқув юрти + доктарантура).

Ижтимоий, иқтисодий, маънавий, илмий ва техник тараққиёт жараёнларининг кечиши ёшларни ижтимоий-иқтисодий ва касб-хунар, техник етуклигининг кечикиб кетишига олиб келмоқда. Масаланинг иккинчи томони, ёшларни ижтимоий етилиши босқичлари ва фазаларида обектив қарама-қаршилиқларнинг юзага келиши ва уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасидаги ишларни амалга оширишда бу ҳаётий ҳақиқатни доимо назарда тутиш лозимлигидир.

Қуйида шундай қарама-қаршилиқларнинг бири ҳақида тўхталиб ўтамиз. Бунинг учун бундан 70-100 йиллар олдинги даврдаги вазиятларни бугунги кунларимиз билан солиштириб кўрамиз. У вақтларда мамлакатимиз аҳолисининг 80-85%ини қишлоқ аҳолиси ташкил қилган ва бутун аҳолининг деярли шунча қисми деҳқончилик, чорвачилик, косиблик ва бошқа ҳунармандчилик билан машғул бўлган. У вақтларда деҳқон, чорвадор, косиб-ҳунарманд йигит 16-17 ёшида жинсий балоғатга етган ва бу вақтга келиб у унчалик мураккаб бўлмаган деҳқончилик ёки чорвачилик малакаларининг деярли барчасини егаллаб улгурган ва бу соҳада мустақил фаолият олиб боришга тайёр бўлган. Агар у 18-22 ёшида уйланса, оила курса, унда унинг жинсий балоғатга етиши, меҳнатга тайёрлиги ва оилавий ҳаётни бошлаш омиллари ўртасида унчалик катта фарқ бўлмаган.

Бугунги кунларимизда эса биз мутлақо бошқача вазиятни кузатамиз. Акселерация жараёни ва бошқа омиллар туфайли болаларда жинсий балоғатга етиш, уларнинг бундан 70-100 йил олдинги тенгдошларига қараганда 2 йилларга эрта рўй бермоқда. Шу билан бир вақтда махсус таълим олиш, касб-хунар эгаллаш ва иқтисодий мустақилликка эришиш камида 22-25 ёшга ва ундан кейинга сурилиб кетяпти.

Ёшларнинг жинсий балоғатга етишиши ва уларнинг тўла иқтисодий мустақилликка эришиш вақти ўртасида камида 5 йилдан 10 йилгача узилиш юзага келиб қолмоқда. Бу ҳолат, олдинги авлодларда кузатилмаган бир қатор мураккаблиқларни ва уларга боғлиқ равишда рўй бериши мумкин бўлган ноҳушлиқларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Келтириб ўтилган ушбу никоҳ олди омиллари билан бир қаторда никоҳ мустақамлигида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган омиллардан яна бири – оиланинг юзага келишига асос бўлган никоҳ қуриш мотивлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятларидир.

3-§. Никоҳга етуклик, никоҳ ёши ва никоҳ қуриш мотивлари хусусиятлари

Никоҳ олди омилларидан яна бири – шу никоҳ қурилишига асос бўлган никоҳ мотивларидир. «Мотив» ибораси психологияда маълум бир хулқ, фаолиятнинг юзага келишига асос бўлган куч, туртки, манба, асосни билдиради.

Хўш, оилалар қандай мотивлар туфайли юзага келиши мумкин? Психологик адабиётларда бир неча ўнлаб никоҳ мотивлари фарқланади. Лекин улар умумлаштирган ҳолда учта классификацияга фарқланади. Булар: **севги** туфайли оила қуриш, яъни ёшлар оила қуришдан аввал бир-бирларини севиб, маълум бир муддат севиб-севилиб юрганларидан, сўнг шу ўзаро севгининг маҳсули сифатида бир-бирларининг висолига тўй қилиб, оила қуриб етишадилар.

Мотивларнинг иккинчи классификацияси **моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли** оила қуриш. Бунда ёшлар оила қураётганлар ниманидир ҳисобга олган ҳолда, маълум бир мақсадни кўзлаб оила қуришлари мумкин, масалан, бойликни, мансабни, моддий ёки ижтимоий манфаатдорликни кўзлаган ҳолда: «Агар шу йигитга турмушга чиқсам, бой-бадавлат яшайман» ёки «Шу қизга уйлансам, унинг ота-онаси ёрдамида маълум бир мансаб, мавқега эришаман», – деган фикрлар асосида ўзининг ижтимоий-иқтисодий аҳволидан қутулиш, «ёлғизликдан қутулиш» ва бошқалар. Шу каби ҳисобга олинадиган нарсаларни кўплаб санаб ўтиш мумкин.

Никоҳ мотивлари классификациясидан яна бири – **стереотип** бўйича оила қуриш деб аталади. Бу тоифа ёшларда олдинги мотивларнинг иккаласи ҳам кузатилмаслиги мумкин. Улар оила қураётганлар, стереотипларга қарайдилар. Бундай ёшлардан нима учун оила қурганликлари сўралса, одатда «Ҳамма тенгдошларим уйланаётганди, мен ҳам уйландим!» ёки «Ҳамма дугоналарим турмушга чиқишаётганди, мен ҳам турмушга чиқдим!» қабалида жавоб берадилар.

Хўш, шу санаб ўтилган учала мотив: севги, моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли, стереотип бўйича қурилган оилаларнинг қай бири мустаҳкамроқ бўлади, яъни қайси мотив никоҳ оила мустаҳкамлигини кучлироқ таъминлайди?

Албатта, бу саволга ёшларнинг аксарияти, биринчи мотивни, яъни севги мотивини танлаб жавоб беришади. Чунки улар севги туфайли оила қуриш никоҳ мустаҳкамлигини таъминловчи энг ишончли, мустаҳкам пойдевор деб ҳисоблайдилар. Ҳақиқатан ҳам, севгининг оила мустаҳкамлигидаги ўрни беқиёсдир. Ҳақиқатан ҳам, севги – бу ўта қудратли кучдир. У туфайли инсон нималарга қодир эмас?! Инсоният ўз тараққиётида эришган энг юксак чўққилар ҳам севги туфайлидир. З.Фрейд таъкидлаганидек: «Севги – бу инсониятни ҳайвонот оламидан суғуриб олган кучдир!» Инсон яратган буюк мўжизаларнинг барчаси севги туфайлидир.

Бу айтилганлардан кўриниб турибдики, севги туфайли оила қуриш бахтли ва мустаҳкам никоҳнинг асосини таъминлайди. Албатта, севишиб турмуш қурган жуфтларнинг аксарияти энг бахтли оилавий ҳаёт кечирадилар. Лекин статистик маълумотларга қараганда, оилалар ажралишининг кўпчилиқ қисми ҳам худди шу севишиб оила қурган жуфтларга тўғри келар экан. Хўш, нега энди севишиб оила қурган жуфтлар оилавий ҳаётларида ҳамма вақт ҳам бахтли бўлавермайдилар? Нега кечагина бир-бирларини севиб, бир-бирларисиз яшай олмаслигига тўла амин бўлган ёшлар бугун никоҳларини бекор қилиш ҳақида судга ариза бераяптилар? Уларнинг севгисига нима бўлди? Севги ўзи нима? У бор нарсами ёки йўқми? Бу ўринда ҳақли равишда «Севги оилавий ҳаётнинг мустаҳкам бўлишига ёрдам берадими ёки халақит қиладими?» деган савол туғилади. Бу каби саволлар азал-азалдан ёшларни, умуман инсониятни қизиқтириб келган саволлардир. Бу ҳақда ўтмиш мутафаккирларимиз, олиму, шоир, ёзувчиларимизнинг асарларидан, халқимизнинг доно маънавий меросларида баъзан бир-бирига қарама-қарши бўлган кўплаб мисолларни кўришимиз мумкин. Севги, агарда у ҳақиқий бўлса, севишганлар бир-бирларини ҳурмат қилиб, тушуниб, эъзозлаб, авайлаб, керак бўлса бири иккинчисининг бахти, шодлиги, қувончи, манфаати учун ўз манфаатидан воз кечиб, ўта нозик бўлган туйғу севгини ҳар қуни, ҳар доим парвариш қилиб яшасалар, унда севги уларнинг муносабатларини янада яқинлашишига, уларнинг оилавий

ҳаётининг мустаҳкамланишига ва биргаликдаги ҳаётларида энг олий завқ-шавқларни ҳис қилишларига асос бўлиши мумкин. Бу эса албатта, ёшлардан сабр-тоқат, чидам, ўз севгисини сақлаб қолиш ва уни янада ривожлантириш учун тинимсиз изланиш, меҳнат қилиш, «жафо чекиш»ни талаб қилади.

Шундагина севги ўзининг лаззатли меваларини бериши, ўзининг куч-қудратини кўрсатиши мумкин. Албатта ҳар бир йигит-қиз ўзаро оила ришталарини боғлар экан, улар ўз ҳаётларидаги бу муҳим воқеага умид, орзу билан ёндашуви табиий. Агар севишганлар оила қурганларидан кейин «мурод мақсадимга эришдим» деб севгисини ҳимоя қилишни, уни парвариш қилишни унутса, унинг учун курашмаса, қаровсиз қолган ҳар бир нозик ниҳол нобуд бўлганидек, энг нозик туйғу бўлган севги ҳам нобуд бўлади. Шундан сўнг севги номи билан қилинган орзу-ниятлар саробга айланади, ёшларнинг оила, никоҳ, севги фониди шаклланган тасаввурлари «нотўғри» бўлиб чиқади. Оқибатда оилавий ҳаётдан кутган нарсалари қолиб кетиб, мутлақо кутмаган нарсаларига дуч келишлари кузатилади.

Бундай ҳолатда севги ёшларнинг бахтига, уларнинг оилавий ҳаёти мустаҳкамлигига халақит бериши мумкин. Навбатдаги мотив **моддий ёки ўзга манфаат туфайли** оила қуришдир. Бу мотивнинг оила мустаҳкамлигига таъсири унинг кейинчалик қай даражада амалга оширилишига боғлиқ. Оила қуришдан олдин ёшларнинг ҳисобга олган, кўзда тутган нарсаларининг ҳаммаси рўёбга чиқаверса, бу мотив маълум даражада никоҳ мустаҳкамлигини таъминлашга хизмат қилиши мумкин. Афсуски, оилавий ҳаётда ҳамма нарса ҳам ёшлар кутганидек бўлавермайди. Бу ўринда Л.Н.Толстойнинг: «Бадий асарларда, романларда, киноларда сужет воқеалар ривожланиб-ривожланиб бориб, охирида ҳаммаси тўй билан, яхшилик билан тугайди. Ҳаётда эса аксинча, ҳамма нарса тўйдан кейин бошланади», – деган фикрини таъкидлаш мақсадга мувофиқ.

Шунинг учун ҳам оилавий ҳаётда кутилган ҳисобга олинган нарсаларга ҳамма вақт ҳам эришиб бўлавермайди. Ниманидир ҳисобга олиб оила қурган ёшларнинг оилавий ҳаётда ана шу ҳисобга олганлари амалга ошмай қолгундек бўлса, унда уларнинг оилавий ҳаёти ғурбатга, турган-битгани азобга, низо-жанжалга айланади. Улар учун бундай оилада яшагандан кўра яшамагани

афзал кўринади. Бу ҳам охир-оқибат оилаларнинг инқирозига ва «ҳисоб» пойдевори устига қурилган иморатнинг қулашига олиб келади. Статистик маълумотларга кўра, юридик жиҳатдан энг мустаҳкам, турғун оилалар **стереотип** бўйича оила қурган жуфтларга тўғри келар экан. Бундай оилаларда ажрашишлар миқдори олдинги икки мотив асосида қурилган оилаларга қараганда жуда кам кўрсаткични ташкил қилади. Чунки улар «ҳамма қатори» оила қуришган. Қарашса-ки «ҳамма бинойидек яшайпти» – булар ҳам яшайверишади. Бу мотив асосида қурилган оиладаги ер-хотинлар ўта бахтли ҳам, ўта бахтсиз ҳам бўлмайдилар. Лекин биргаликдаги ҳаёт туфайли эр-хотин ўртасида бир-бирларига мослашиш, бир-бирини тушуниш, бир-бирига нисбатан меҳр-оқибат юзага келиб, улар ривожланиб юқорида айтганимиздек, севги муҳаббат даражасига ўсиб этиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатлар, шубҳасиз, бу тоифа оилаларни нафақат расмий, юридик жиҳатдан, балки эмоционал, психологик жиҳатдан ҳам турғун бўлишини таъминлаши мумкин.

Энди юқорида берилган саволни яна такрорласак: қандай мотив асосида оила қурган маъқул? Севишибми? Моддий ёки ўзга манфаат асосидами? Стереотип бўйичами? Бу ўринда ёшларимиз энди бироз ўйланиб қолишлари мумкин. Севги туфайли дейилса, унинг ҳам ўзига яраша машаққатлари бор. Моддий ёки ўзга манфаат туфайли оила қуришнинг оқибатлари маълум. Стереотип бўйичами? Унда эҳтирос, жўшқинлик етишмаяптику? Ёшлик ғурури, жўшқинлик буни қабул қила олмайди. Бундай саволларга, бундай ўйларга жавобни бугун ёшларнинг мактаб, лицей, коллеж парталарида ўтирган вақтида, беришнинг айби йўқ. Чунки Сизнинг оила қуришингизга ҳали бир неча йил бор. Шу фурсатни бой бермасдан яхшилаб ўйлаб, фикр-мушоҳада юритиб олишингиз мумкин. Лекин ёдда сақлангки: бу масалаларни оила қуриб бўлингандан кейин ўйлагандан кўра ҳозир яхшилаб ўйлаб, энг мақбул бир фикрга келиб олган маъқул. Чунки бу масалалар ва бу саволларнинг ечими мактабда ўтиладиган бошқа фанлар бўйича бериладиган топшириқ, вазифа, масалаларнинг ечимини топишдан ҳам мазмун, ҳам моҳият, ҳам кўлам жиҳатдан кескин фарқ қилади.

Бу фанлардан берилган жумбоқларни ечиш ёки еча олмаслигингиз Сизнинг ҳаётингизда ва тақдирингизда унчалик ҳал қилувчи роль ўйнамаслиги мумкин, лекин ўзингизнинг бўлажак

оилангизга оид муаммоларни ҳозирдан тўғри ҳал этиб боришга ўрганишингиз ва уларнинг энг мақбул жавобларини топишингиз келгусида ўзингизнинг ва яқинларингизнинг тақдирини ҳал қилинишида муҳим аҳамиятга эга. Бу борада бефарқлик, беэътиборлик, таваккалчилик билан йўл тутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Бу масала нафақат Сиз учун шахсий аҳамиятга эга бўлган, балки жамият, давлат, халқ, миллат аҳамиятига эга бўлган масаладир. Сиз бу масалани ўзингиз учун муваффақиятли ҳал этиб, мустаҳкам оила қуриш билан бирга бутун бошли яхлит организм жамиятнинг соғлом бир ҳужайрасини яратган бўласиз.

Сизларга ҳам оила қуришда, албатта, севиб-севилиб оила қуришингизни тилаб қоламиз, негаки фақат севги туфайлигина инсон ўзига ато этилган энг олий, инсоний завқ-шавқлардан баҳраманд бўлиши мумкин. Оилавий ҳаётдаги завқ-шавқлар эса ўз-ўзидан, ғойибдан берилмайди. Бунинг учун курашиш, интилиш, севгининг «қаҳратон қишу», «жазирама ёзларига», азоб-уқубатларига бардош бериш, унинг синовларидан муваффақиятли ўтиш ва уни берилган умрнинг охиригача парвариш қилиб, сақлаб қолишга ва умрнинг якунида уни фарзандларга, келажак авлодга энг муқаддас мерос қилиб қолдиришга ҳаракат қилиш керак. Ҳар бир одам у хоҳ она бўлсин, хоҳ ота бўлсин, ўз фарзандларига уларнинг отасини, онасини севишдан-да ортиқроқ мерос қолдира олмайди. Фарзандларингизга қандай мерос қолдиришни ҳозирданок, ҳали ўзингиз фарзанд эканлик вақтингизданок, қатъий ўйлаб олинг.

Никоҳгача танишиш шартлари ва муддатлари. Никоҳ олди омиллари классификациясида қайд этиб ўтилган омиллардан яна бири ёшларни оила қургунларига қадар бир-бирларини қанча вақт билганликлари, улар қандай шароитлар ва шартларга кўра танишиб оила қуришларидир. Бу омиллар никоҳ мустаҳкамлигига қандай таъсир кўрсатиши мумкин.

Албатта, оила қуришдан олдин бўлажак эр-хотинлар бир-бирларини маълум бир муддат бўлажак эр ёки хотин сифатида билиб юрсалар, бир-бирларининг шахсий хусусиятлари, индивидуал сифатлари, қизиқишлари, дунёқарашлари, шахсий йўналганликлари ҳақида адекватроқ тасаввур ва маълумотларга эга бўлсалар, бу тасаввур ва маълумотлар уларга биргаликдаги

ҳаётларида бир-бирларини тушуниб, бир-бирларига мослашиб кетишларига ёрдам бериши мумкин.

Ҳозирги ёшларимизга жуда яхши маълумки, оила кодексига биноан никоҳдан ўтиш учун ариза берганларидан сўнг бир ой (аниқроғи 33 кун) муҳлат берилади. Мабодо, шу фурсат мобайнида улар ўз ниятларидан қайтиб қолгудек бўлсалар, уларнинг талаби қондирилиб, кўзда тутилгандек, никоҳ қайд қилинмайди. Ҳеч бир яширадиган жойи йўқки, республикамызда истиқомат қилаётган ёшларнинг ҳаммаси ҳам никоҳдан ўтишга оид мавжуд қонун-қоидалардан етарли даражада хабардор эмаслар ва айрим ҳудудларда ҳамма вақт ҳам бу қоидаларга амал қилинавермайди. Лекин ёшларимиз никоҳ-оила муносабатларининг қонуний жиҳатларидан ҳам хабардор бўлиб қўйишлари фойдадан ҳоли эмас.

Хўш, шу фуқаролик ҳолатини қайд этиш бўлимлари томонидан берилган 33 кун муҳлат ёшларимизнинг бир-бирларини мумкин қадар билиб олишлари учун етарлими? Бўлажак эр-хотинлар бир-бирларини тўла билиб олишлари учун қанча вақт керак?

Бу ерда гап бирор-бир буюмни, техника ёки компьютерни эмас, одамни билиш ҳақида кетаяпти. Психологларнинг таъкидлашича, одам бу энг мураккаб билиш объектидир. Уни ҳеч қачон ва ҳеч ким мутлақ ва батафсил била олмайди. Чунки у ҳар куни ривожланишда, шаклланишда, ўсишда, ўзгаришда бўлган мураккаб биологик, физиологик, психологик, ижтимоий психологик, ижтимоий жараёнлар, ҳолатлар, хусусиятлар мажмуини ўзида мужассамлаштирган энг олий ва шу билан бирга энг мураккаб мавжудотдир.

Унинг сир-синоатлари коинот сир-асрорларидан ортиқ бўлса ортиқки, асло кам эмас. Шунинг учун бир йил, ўн йил бирга ўқиган ёки болалиқдан бирга ўсган бирон-бир ўртоғининг хулқида, хатти-ҳаракатида кузатиладиган айрим ҳолатлар ҳозиргача ҳам Сизни ҳайрон қолдириши ёки одамлар бир умр бирга яшаб бир-бирларида кутилмаган ҳолатларни, хулқ-атвор ифодаланишини кўриши мумкин.

Булардан кўриниб турибдики, одамни тўла-тўқис билиб бўлмайди. Лекин бирга турмуш куриб, яхши яшаб кетиш учун лозим бўлган минимум билимларга ега бўлиш учун бўлажак турмуш ўртоқлар бир-бирларини қанча вақт билишлари керак?

Кўпчиликда «қанча кўп бўлса шунча яхши-да», деган жавоб хаёлга келиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, никоҳгача танишиш муддатининг қисқалиги – мақсадга мувофиқ эмас. Бизнинг ўтказган тадқиқотларимиз оила қургунга қадар бир-бирларини бир ой ва ундан кам вақт билган ер-хотинлар миқдори ажрашиб кетган ер-хотинлар орасида кўпчиликни ташкил қилишини кўрсатди. Шунингдек, бир-бирларини оила қургунга қадар 5-10 йил ва ундан кўп вақт билишлари ҳам бўлажак ер-хотинларга бир-бирларига нисбатан ҳиссийликнинг ўтмаслашиб қолишига олиб келиши ҳам мумкин экан.

Психологик адабиётларда бўлажак ер-хотин сифатида бир-бирларини ярим йилдан бир йилгача билишлик муддати энг мақбул муддат деб кўрсатилади. Бу вақтда йигит-қизлар бир-бирлари ҳақида нисбатан билиш мумкин бўлган билимлар, маълумотлар минимумига эга бўлишга улгуришлари мумкин. Албатта бу вақтни ҳам идеал вақт деб ҳисоблаб бўлмайди. Бу ерда муҳими ёшлар бир-бирларини қандай жадалликда, қандай мақсадда, қандай восита, усуллар ёрдамида ва қандай «кўз» билан ўрганишлигидадир.

Маълумки севишганлар нафақат бир-бирларига, ҳатто оламга ҳам «рангин кўзгу» орқали қарайдилар. Севиклисининг ҳатто камчиликлари, нуқсонларини ҳам фазилат деб қабул қиладилар. Тўйдан кейин эса ҳатто айрим фазилатлар ҳам камчиликдек кўринади.

Шунинг учун ёшларимиз бир-бирларига (айниқса, камчиликларига) тўйдан олдин иккала кўзлари билан, тўйдан кейин эса яримта кўз билан қарашлари лозим. Яъни тўйдан олдин бир-бирларини яхшилаб, синчиклаб ўрганишга ва тўйдан кейин айрим камчиликларига ҳам эътибор бермасликка одатланишлари лозим.

Бўлажак ер-хотинларнинг танишиш шартлари. Никоҳ олди омилларининг характерлиларидан яна бири ёшларнинг танишиш шартларидир. Улар ҳам ўз навбатида турли-туманликка эга. Кимдир ўқиш, иш жойида, кимдир ўзи, кимдир бирор-бир ўртоғи, дугонаси, қариндоши, кимдир совчилар ёрдамида, кимдир кўчада, жамоатчилик жойларида, транспортда, турли маросимлар, тўйлар, кечалар, ўтиришлар ва ҳоказо шарт-шароитларга кўра танишишлари мумкин. Албатта, буларнинг ҳаммасида шу ёшларнинг индивидуал хусусиятлари, маънавий-ахлоқий

жиҳатлари, маданияти, тарбияси, шу ёшлар яшаган ҳудуд, ундаги миллий урф-одатлар, анъаналар, этник хусусиятлар муҳим аҳамиятга эгадир.

Ўзбек оиласининг этник хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ёш оиланинг юзага келиш шартлари орасида кенг тарқалганларидан бири совчилик туфайли оилаларнинг юзага келишидир. Чунки бизда деярли барча оилаларнинг юзага келиши йигит томонидан келинникига совчилар бориши билан бошланади. Бунда ёшлар бир-бирларини олдиндан билишлари, севишлари, шунчаки учрашиб қолиши ёки совчилар орқали қидириб келин топишидан қатъи назар албатта, келинникига совчилар бориши никоҳнинг юзага келишидаги этник шарт, расм-русум, урфодатлардан бири ҳисобланади. Буларнинг барчасини никоҳ мустаҳкамлигида ўзига хос ўрни бор.

Агар ёшлар ўзлари совчилар ёрдамисиз бир-бирлари билан танишган, бир-бирларини топишган бўлсалар, бунда улар биринчи навбатда, танлаган одамнинг ўзларининг кўнглига, дидига, идеалига мос келиши ёки келмаслигига эътибор берадилар. Бу албатта, келгуси ҳаёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлган омиллар ҳисобланади. Лекин бу ўринда ҳамма ёшларимиз ҳам ўзларига ва бўлажак турмуш ўртоғига адекват баҳо бера олмасликлари, ўз «тенги»ни топишда адашишлари, бу борада уларнинг «ёшлиги» ҳаётий тажрибаларининг етишмаслиги қабила уларга халақит бериши ҳам мумкин. Агар улар соғлом фикрлай оладиган, юқорида айтиб ўтганимиздек, оилавий ҳаётга психологик етук бўлсалар, уларнинг хатога йўл қўйиши, адашиши еҳтимоллари кам бўлади. Агар шошма-шошарлик қилсалар, «етти ўлчаб бир кесмасалар» шак-шубҳасиз омадсизликка учрашлари мумкин.

Умуман ўзларига жуфт танлашда психологик етукликка асосланган ҳолда, етук нигоҳ билан ва масъулият билан ёндашиб ўзлари мустақил равишда жуфт танлаши ёшларда кейинчалик ўз қарорлари учун масъулиятлиликни ҳис қилиш, ўз оиласи мустаҳкамлиги учун курашиш, хатти-ҳаракат қилишни, унинг муваффақияти учун жавобгарликни ўз зиммасига олишни таъминлайди. Ёшларимизни қарорларининг етуклиги, қатъийлиги улардаги оилавий ҳаёт учун, ўз оиласи учун масъулиятлилик, жавобгарликнинг юқори бўлиши ҳисси ҳам оила мустаҳкамлигини таъминловчи муҳим омилдир.

Халқимизнинг этник хусусиятларига хос бўлган никоҳнинг юзага келиш шартларидан бири совчиликдир. Совчилик ҳам азал-азалдан шаклланиб келган миллий қадриятларимиздан биридир. Унинг ҳам ўзига яраша талаблари, шартлари, масъулияти мавжуд. Совчиликка борилганда совчилар бўлажак эр-хотинлар, қудаларни ҳар томонлама ўрганиб, уларнинг бир-бирларига қай даражада мос келишлик жиҳатларини пухта ўрганиб чиқишга ҳаракат қиладилар. Совчиликда суриштириш орқали бўлажак келин-куёв, унинг оиласи, авлоди ҳақида ҳар томонлама маълумотлар олишга ҳаракат қилинади. Умуман совчиликнинг миллий, этник, анъанавий амалларига, талабларига риоя қилиш ҳам никоҳ мустаҳкамлигининг муҳим шартларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам совчилик масалаларига ўтмишда катта эътибор берилган ва совчиликка энг тажрибали, мулоҳазакор, оқил одамлар танланган.

Бироқ ҳозирги вақтда совчилик талабларига амал қилмаслик, уни қўпол бузиш ҳоллари ҳам тез-тез учраб турибди. Ҳозирги вақтда совчиликка борилар экан, танланажак келиннинг, бўлажак қайнона ёки совчи бўлиб борган одамнинг дидига қай даражада мос тушиши, унинг ота-онаси, ҳар иккала оиланинг моддий ижтимоий ҳолати, мавқеи кабиларга кўпроқ эътибор берилиб, бу жараёнларнинг бош сабабчилари, бўлажак келин ва куёвнинг манфаатлари, уларнинг бир-бирларига мос келиши ёки келмаслиги жиҳатлари унутилиб қўяётганлик ҳолларини ҳам кузатишимиз мумкин. Бундай вазиятларда шубҳасизки, ёшларнинг ўзларини оилавий ҳаётлари ҳақидаги масалаларини ҳал етишдаги иштироклари, уларнинг фикри, бунга нисбатан муносабатлари ҳисобга олинмай қолиши мумкин. Бу эса уларга қурилажак оила мустаҳкамлиги, унинг манфаати учун масъулиятлилиқ, жавобгарлик ҳисларининг шаклланмаслигига, оилавий ҳаётда қийинчилик, мураккаблиқ, турли тўсиқларга (уларнинг бўлиши муқаррар) дуч келиб қолинганда, жавобгарликни совчилар, бу оиланинг юзага келиш масаласини «ҳал қилган» бошқа бир одам зиммасига юклаш, уни айблаш ҳолларини юзага келтириши мумкин. Бу каби ҳолатлар шубҳасиз, ёш оила мустаҳкамлигига жиддий хавф туғдиради.

Оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар. Оила мустаҳкамлигига ҳал қилувчи таъсир етувчи никоҳ олди омилларидан яна бири – ёшларнинг ўз оилавий ҳаёти ҳақидаги тасаввурларидир. Уларнинг қанчалик реалликка яқин бўлиши, шу оила мустаҳкамлигининг бош

гарови ҳисобланади. Афсуски, ҳамма вақт ҳам ёшларимизнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари реалликка мос келавермайди, балки у аксарият ҳолларда реалликдан тубдан фарқ қилади.

Ҳинд афсоналаридан бирида ёшларнинг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари ва уларнинг реалликка нисбатини қиёслашга мос келадиган ажойиб бир ривоят мавжуд.

Ривоятда айтилишича, туғилганидан кўзи ожиз бўлган тўрт нафар кўрга: «Қаршингларда фил турибди, сизлар уни умуман кўрмагансизлар, лекин уни бориб ушлаб, пайпаслаб ўрганиб чиқингларда, сўнг фил қандай махлуқ эканлигини айтиб беринглар», – дейилган. Кўрлар бориб филни «ўрганиб» қайтишганларидан сўнг улардан фил қандай ҳайвон эканлиги сўралганда, улардан бири: «Фил – бадани дағал, дарахтга ўхшаган ҳайвон» – дебди, иккинчиси уни инкор етиб: «Йўқ, фил ердек юмалоқ, одамнинг қулочи етмайдиган бир ҳайвон» – дебди. Учинчиси эса, уларни икковларини ҳам инкор қилиб: «Фил ичи тешик узун, йўғон ичакка ўхшайдиган ҳайвон» – дебди. Тўртинчиси эса: «Фил ёйиқ япалоқ катта баргга ўхшаган ҳайвон» – деб жавоб берган эканлар ва уларнинг ҳар бири ўз фикрини маъқуллайман, ўтказаман деб бир-бирлари билан жанжаллашиб қолган эканлар. Чунки уларнинг бири филнинг оёғига, иккинчиси – қорнига, учинчиси – хартумига ва тўртинчиси – қулоғига тўғри келиб қолиб ўзларининг имкониятлари доирасида филни тасаввур қилган эканлар. Худди шу тўртта кўзи ожиздек ёшларимиз ҳам оилавий ҳаётни бутун борлиғича, тўла, яхлит тасаввур қила олмайдилар, бунинг имкони ҳам йўқ. Оқибатда оилавий ҳаёт ҳақида турли тасаввурларга ега бўлган ёшларимиз оила қургудек бўлсалар, ўз тасаввурларини реалликка айлантириш, яъни жуфтига ҳам шундай эканлигини уқтиришга ҳаракат қиладилар. Ва улар ҳам юқоридаги кўзи ожизлардек ҳар бири «ўзича ҳақ» бўла туриб, бир-бирлари билан жанжаллашиб, келиша олмай қолишлари мумкин.

Эсини танигандан бошлаб эртақлар руҳида, бадий филмлар, романлар, афсона, ривоятлар руҳида тарбияланган ёшларимизда ҳамма вақт ҳам оилавий ҳаёт ҳақида тўғри тасаввурлар шаклланавериши мумкин эмас. Оммавий ахборот воситалари орқали, телекўрсатувлар, радиоешиттиришлар орқали ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш борасида берилаётган материалларда, оилавий ҳаётни бир ёқлама, фақат ижобий томондан талқин қилиш

ҳоллари ҳам кўп кузатилади. Бу каби ҳолатлар ҳам ёшларда оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурларнинг нотўғри шаклланишига сабаб бўлиши мумкин.

Кўпчилик ёшларимиз, айниқса муваффақиятли оилаларда тарбия топган ёшлар, оила қуриш арафасида бўлар эканлар аксарият ҳолларда ўзларининг бўлажак оилавий ҳаётлари учун ўз ота-онаси оиласини идеал қилиб оладилар. Чунки улар шу оилада тарбияланар эканлар, «есларини таниганларидан буён» отаонасининг низолашиб тортишганларини, бир-бирларини ҳурмациз қилганларини еслай олмайдилар. Бундай оилаларда ота-оналар ҳам ўзларининг ўзаро муносабатларидаги нохуш жиҳатларини фарзандларига сездирмасликка ҳаракат қиладилар. Ёки уларнинг ўзаро муносабатларида рўй бериши мумкин бўлган низоли дамлар, бир-бирларига мослашиш жараёнлари никоҳнинг бошида, ҳали фарзандлари дунёга келмасларидан олдин бўлиб ўтиб кетган.

Болалар эса улар турмушининг фақат яхши, тинч-тотув, аҳил-иноқлик, бир-бирларига нисбатан меҳр-оқибатли, ибратли жиҳатларидангина хабардор бўладилар. Шундай оила қуришни тасаввур қилган ёшларимиз, оила қурганларидан сўнг ўзлари кутгандек турмуш кечири олмасалар, никоҳнинг дастлабки энг нозик, мураккаб, қийин, янги ижтимоий вазиятлар, шароитлар, бир-бирларига мослашиш жараёнларида юзага келган қийинчиликлар, тўсиқлар, муаммолар олдида эсанкираб қолиб, оила қуришда «адашганликлари»дан нолиб қолишлари мумкин.

Шунинг учун ҳам ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда оилавий ҳаёт, ер-хотин муносабатларини фақат бир ёклама ва фақат яхши томондангина кўрсатавэриш ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Уни имкон қадар бутун борлигича: баландпастию ширин-аччиғи, роҳат-фароғати-ю азоб-уқубати, қоронғи кечалари-ю ёруғ кундузлари билан кўрсатган маъқул. Шундагина ёшларимизда оилавий ҳаёт ҳақида нисбатан адекватроқ тасаввур шаклланиши мумкин.

Бу борада оиладаги катта ёшли оқил кишилар ёшларга ҳаётда кўприк бўлмоғи, уларнинг босиб ўтган кўп қиррали ҳаёт йўли фарзандларига сабоқ бўлиши керак. Улар ёшларимизни мустақил, етук бир шахс сифатида қабул қилиб, оилавий ҳаётнинг пастбаландлари ҳақида тўла-тўқис маълумотлар бериши мақсадга мувофиқдир. Токи ёшларимизнинг оилавий ҳаётлари пойдеворига қўяётган илк ғиштлари тўғри ва мустаҳкам қўйилсин.

Мавзу юзасидан савол ва топшириқлар

1. Оила психологияси курсининг ички ишлар органлари ходимлари амалий фаолиятида тутган аҳамиятини айтиб беринг.

2. Оила психологияси курсининг предмети, мақсади ва вазифалари нималардан иборат?

3. Никоҳ олди омиллари хусусиятлари ва уларнинг никоҳ мустаҳкамлигига таъсирини тушунтириб беринг.

4. Никоҳга етуклик, никоҳ ёши ва никоҳ қуриш мотивлари хусусиятларига изоҳ беринг.

5. Никоҳгача танишиш шартлари ва муддатлари нималардан иборат?

6. Оила психологиясининг бошқа фанлар билан қандай боғлиқлиги мавжуд?

7. Бўлажак эр-хотинларнинг танишиш шартларига изоҳ беринг.

8. Оилавий ҳаёт ҳақидаги тасаввурлар деганда нимани тушунаси?

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2017.

Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., 2017.

Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги боқичга кўтарамиз. – Т., 2018.

Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т., 2008.

Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т., 2015.

Аванесов Г.А. Криминология и социальная профилактика. – М., 1980.

Акрамова Ф.А. Ижтимоий психология: ўқув қўлланмаси. – Т., 2007.

Андреева Г.М. Социальная психология. – М., 1990.

Андрианова В.Е. Деятельность человека в системах управления. – М., 1974.

Антонян Ю.М. Изучение личности преступника. – М., 1992.

Антонян Ю.М. Терроризм. – М., 1998.

Арифходжаева И.Х. Ички ишлар идоралари ходимлари психологияси. – Т., 2007.

Асямов С.В., Пулатов Ю.С. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий-психологик тренинги. – Т., 2002.

Белинская Е.П., Тихомандрицкая О.А. Социальная психология личности. – М., 2001.

Билл Уизерс. Управление конфликтами. – СПб., 2004.

Ботиров Б.М. Этнопсихология: Ўқув қўлланма. – Т., 2011.

Васильев В.Л. Юридическая психология. – СПб., 2005.

Введенская Т.Ю., Дзигумская Е.А. Международный терроризм: психологический аспект // Проблемы политической психологии. – Киев, 1997.

Вердервер Р., Вердервер К. Общение. – СПб., 2005.

Ғозиев Э.Ғ. Ёш даврлари психологияси. – Т., 1994.

Ғозиев Э.Ғ. Умумий психология. – Т., 2002.

Гришина Н.В. Психология конфликта. – СПб., 2005.

- Душанов Р.Х.* Ҳуқуқбузар ва жабрланувчи шахс психологияси. – Т., 2017.
- Душанов Р.Х., Фарфиев Ё.А.* Касбий психология: Дарслик. – Т., 2014.
- Еникеев М.И.* Юридическая психология. – СПб., 2005.
- Жаринов К.В.* Терроризм и террорист. – Минск, 1999.
- Зарипов З.С., Кержнер М. Ю.* Профилактика правонарушений. – Т., 1994.
- Зельдович Б. З.* Психология и педагогика в профессиональной деятельности юриста. – М., 2003.
- Зигерт В., Ланг Л.* Руководитель без конфликтов. – М., 1990.
- Исақова М.Т.* Этнопсихология. – Т., 2007.
- Каримова В.М.* Ижтимоий психология: Дарслик. – Т., 2007.
- Каримова В.М.* Психология. – Т., 2002.
- Коган М.С.* Мир общения. – М., 1990.
- Кожушко Е.* Современный терроризм. – Минск, 2000.
- Курт Бартол.* Психология криминального поведения. – СПб., 2004.
- Қодиров У., Умаров Б.* Ҳуқуқшунослик фаолияти психологияси. – Т., 2005.
- Гюстав Ле Бон.* Психология масс и народов. – М., 2000.
- Леонов Н. И.* Конфликты и конфликтное поведение – СПб., 2005.
- Лучинин А.С.* История психологии. – М., 2005.
- Майерс. Д.* Социальная психология. – СПб., 2005.
- Мальцева О.А., Ратова И.В.* Профессиональная психологическая подготовка сотрудников ОВД. – М., 1998.
- Мешерекова Б. Г., Зинченко В. П.* Большой психологический словарь. – СПб., 2005.
- Минковский Г. М.* Психология личности преступника. – М., 1989.
- Михайлов А.Г.* Загадки человеческого «Я». – М., 1991.
- Назаретян А.М.* Агрессивная толпа, массовая паника, слухи. – СПб., 2004.
- Ольшанский Д.В.* Психология терроризма. – СПб., 2002.
- Платонов Ю.П.* Социальная психология поведения. – СПб., 2006.
- Плевако Ф.Н.* Избранные речи. – М., 1993.

Психология террористов и серийных убийц: Хрестоматия. – Минск, 2004.

Рональд Блекборн. Психология криминального поведения. – СПб., 2004.

Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб., 2006.

Самыгин С.И., Столяренко Д. А. Психология управления. – Ростов на-Дону, 1997.

Селиванов Н. Этико-тактические вопросы расследования. – М., 1989.

Сельченков К.В. Психология лидерства. – Минск, 2004.

Семечкин Н.И. Психология социального влияния. – СПб., 2004.

Сирлиев Б.Н. ва бошқ. Ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида касбий муомала: Ўқув қўлланма. – Т., 2016.

Современный терроризм: состояние и перспективы. – М., 2000.

Тўлаганова Г.К. Тарбияси қийин ўсмирлар. – Т., 2005.

Филонов Л.Б. Тренинги делового общения сотрудников правоохранительных органов с различными категориями граждан. – М., 1992.

Чуфаровский Ю.В. Юридическая психология. – М, 2000.

Шеглов А.В. Анатомия терроризма: проблемно-психологический анализ // Право и политика. – 2000. – №5.

Шейнов В.П. Психология обмана и мошенничество. – М., 2002.

Шиханцов Г.Г. Психология следователя. – Воронеж, 1999.

Щекин Г.В. Визуальная психодиагностика и её методы. – Киев, 1991.

Гидденс Э. Социология. – Т., – 2002.

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....3

I бўлим

ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1-мавзу. Ижтимоий психология фанининг предмети ва вазифалари.....5

2-мавзу. Ижтимоий психология фанининг шаклланиши ва таракқиёти.....17

3-мавзу. Ижтимоий психологиянинг асосий методлари....31

II бўлим

ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА МУЛОҚОТ ПСИХОЛОГИЯСИ

4-мавзу. Ички ишлар органлари ходимлари фаолиятида мулоқот тушунчаси, унинг турлари, воситаси ва коммуникатив таъсир этиш усуллари.....42

5-мавзу. Шахслараро муносабатда психологик алоқа ўрнатиш усуллари, тинглаш муаммоси ва трансакт анализ.....75

6-мавзу. Ички ишлар органлари ходимлари касбий фаолиятида низоли ҳолатлар ва уларнинг олдини олиш.....86

7-мавзу. Ички ишлар органлари ходимларининг шахслараро муносабатда ўз хатти-ҳаракатларини ҳиссий-иродавий бошқариши.....119

8-мавзу. Профайлинг хизматининг шахслараро муносабатда тутган ўрни.....139

9-мавзу. Ички ишлар органлари ходимларининг фуқаролар билан психологик мулоқот қилиши юзасидан методик тавсиялар.....164

III бўлим

ЖАМОА ПСИХОЛОГИЯСИ

- 10-мавзу.* Ижтимоий психологияда гуруҳлар муаммоси.... 196
11-мавзу. Ижтимоий психологияда кичик гуруҳлар ва улардаги қонуниятлар муаммоси.....205
12-мавзу. Жамоадан ташқари ахлоқ психологияси.....213

IV бўлим

ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯДА ШАХС МУАММОСИ

- 13-мавзу.* Ижтимоий психология ва шахс.....223
14-мавзу. Ижтимоий психология ва хавфсизлик..... 243
15-мавзу. Ҳуқуқбузар ва жиноятчи шахсларнинг психологик жиҳатлари.....257
16-мавзу. Жабрланувчи шахс психологияси.....293
17-мавзу. Мутаассиб шахснинг психологик хусусиятлари.....317
18-мавзу. Террорчи шахс типологияси.....337

V бўлим

БОШҚАРУВ ПСИХОЛОГИЯСИ АСОСЛАРИ

- 19-мавзу.* Ички ишлар органлари фаолиятида бошқарув психологияси фанининг предмети, мақсади, вазифалари ва илмий тадқиқот усуллари.....352
20-мавзу. Ички ишлар органлари жамоасини бошқаришда психологик билимларнинг ўрни.....371
21-мавзу. Бошқарув технологиялари.....389
22-мавзу. Бошқарувда лидерлик муаммоси.....402
23-мавзу. Ички ишлар органлари раҳбарларининг бошқарув фаолиятидаги муҳим шахсий-касбий сифатлари.....422
24-мавзу. Ички ишлар органлари жамоасини бошқаришда қарор қабул қилиш ва ижросини таъминлаш.....459
25-мавзу. Бошқарувда музокаралар олиб боришнинг психологик жиҳатлари.....489

VI бўлим

ЭТНОПСИХОЛОГИЯ

- 26-мавзу. Этнопсихология фаннинг предмети, вазифалари ва аҳамияти.....511
- 27-мавзу. Этнопсихологик тадқиқотларнинг ғарб ва шарқда ўрганилиши.....522
- 28-мавзу. Этнопсихологик хусусиятларнинг шаклланишига таъсир этувчи омиллар.....541
- 29-мавзу. Этнопсихологиянинг тузилиши, компонентлари ва миллий характер муаммоси.....546
- 30-мавзу. Миллий урф-одат ва анъаналар, уларнинг ижтимоий-психологик вазифалари.....554
- 31-мавзу. Миллий туйғулар ва таъб (дид)лар.....558
- 32-мавзу. Миллий онг ва миллий ўзликни англаш. Этник аттитюд ва стереотиплар.....564
- 33-мавзу. Ижтимоий муҳит, диний анъаналар ва комил инсоннинг шаклланиши.....583

VII бўлим

ОИЛА ПСИХОЛОГИЯСИ

- 34-мавзу. Оила психологияси фанининг предмети, мақсади ва вазифалари.....599
- Адабиётлар рўйхати.....627

СИРЛИЕВ Бахтиёр Назарович,
психология фанлари номзоди, доцент;
ДУШАНОВ Рустам Хўжанович
психология фанлари номзоди, доцент;
КАЛОНОВ Илхомали Хурсаналиевич;

ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИЯ

МАЪРУЗАЛАР КУРСИ

Муҳаррир **С. С. Қосимов**

Босишга рухсат этилди 20. 03. 2019 й. Нашриёт ҳисоб табағи 40,0.
Адади 30 нусха. Бюджет № . Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
100197, Тошкент шаҳри, Интизор кўчаси, 68.